

КОНСТАНТИНЭ
ГАМСАХУРДИА



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1973

С
Г18

Русчадан
ХОЛИДА АҲРОРОВА
таржимаси

$\frac{7-3-3-209}{Г-М-352-06-73}$ 73

Биринчи китоб

«ЭРГЕАШВА»

«Апсиланинг нариги ёғида, денгиз бўйида, ойсимон чизиқнинг нариги бошида абазлар яшайди. Абазлар қадимдан лазларга итоат қилардилару, лекин ўз қабилаларидан икки князлари бўлувчи эди. Уларнинг қабилалари ҳали-ҳануз ўрмон ва дарахтзорларга топиниб келади.

Соддалик шунчаки, дарахтларни худо деб билганлар.

Князларнинг слтинга ўчлиги туфайли кўп озор чекканлар улар».

Прокопий Кесарийский

Абхазияда бир ғалати қўшиқни эшитганман. Бу қўшиқ, кишини ларзага солувчи «Варада»га сира ўхшамайди. Бу қўшиқ чонгурининг бир меъёрда гулдиратиб, ярадорни аллаловчи «Ах-враашва»га ҳам, пойга чоғида қизил кўйлак устидан белбоғ бойлаган йигитни қувалаганда, қора чоха кийган суворилар қийқирадиган «Азар»га ҳам ўхшамас эди.

Бу қўшиқ, абхазларнинг пойга олдидан, тўппончаларнинг тасир-тусири остида, устига бурка ташланган от шарафига тантанали куйлайдиган қўшиғига ҳам сира ўхшамасди.

Шундай, йўловчининг тунги бу қўшиғи ўзи бир алоҳида, ўзи бир бошқача! «Эргеашва» деб аталади бу қўшиқ.

Йўлдан адашган йўловчилар ёки тўлқин билан олишаётган кемакашлар эшитсин учун «Эргеашва» бор овоз билан айтилади.

Ана, отига авайлаб қамчи босиб, бошига бошлиқ боғлаган бир абхаз келаётир.

Унинг ўткир кўзлари тун қоронғусини пармалаётгандай. Момақалдироқ ҳам, бўрон ҳам ҳеч гапмас унинг олдида.

Тоғ оралиғидаги қоронғи ғорлардаги шоқолларнинг ҳуришидан ҳам, қишдан чиққан бўрилларнинг увлашидан ҳам тап тортмайди у.

Буркасини елкасига ташлаб олган паҳлавон абхаз йигити овозини қўйиб «Эргеашва»ни куйлайди,— тунда дарбадар кезган, ўзга ўлкаларда адашиб-улоқиб юрган бошпанасиз кимса эшитсин,— дейди у. Майли, бу овозни, отини учуриб бора туриб

узган ўқини маррага урган ёки бир ўқ билан ханжар тигини ёриб ташлаган ёнки подшо сувориларининг ҳам юраги дов бермаган тўсиқдан ўтган девкор йигит эшитсин, дейди.

Қуёш нур сочиб турган ёруғ кунда у ҳар қандай душманни-ю, ҳар қандай ташвишни ҳам кўкрагини кериб кутиб олади.

Лекин йўлидан адашса-ю, ҳамроҳ тополмаса, зим-зиё қоронғида қаёққа боради паҳлавон йигит? Табиат субтропик уйқусига кетганда ҳеч қаерда тун Абхазиядагидек қоронғи бўлмайди.

Черкас байтал миниб Окумидан Зугдидига йўл олган, илгарилаб кетган ўғли Арзакан билан ўқтин-ўқтин айтишиб келаётган Кап Звамбая ҳам худди ана шу «Эргешва»ни куйларди.

— Ҳей, вара!¹ Жиловни чап қўлда, энг учдан ушла, деб неча бор айтдим сенга! Чарчаган бўлсанг, бўш қўй, юқорироқдан тут!

Арзакан жилловни ўнг қўлидан чап қўлига олиб, қаттиқ тортди.

«Ўзим минмаган отга фарзандимни ҳам, аёл кишини ҳам ўтқизмайман» деб жуда тўғри гапирган экан азизлар, деб ўйлади Кац Звамбая.

— Йўл оғир, шунинг учун бунчалик отилаётибди чоғи.

— Кавалериянда ўргатишгандир сенга бу гапни, а?— заҳарханда қилди Кац Звамбая.— Аслида минилмаган отни мана шунақа лойгарчиликка ё шудгорга солиш керак.

— Бизга жилловни икки қўллаб ушлашни ўргатишган.

— Жуда бошлаб ўргатишипти-ку, хе ўшаларингни!.. Битта айғирни эплолмасанг, кел алмаштирайлик.

Арзакан комсомол йигит, лекин қадим абхаз одатлари қонқонига сингиб кетган. Байтал минишга ор қилди, галга солди.

— Айғирни пойгага бормасдан, ҳозир йўлда синаган яхши,— дейди у.

Кац Звамбаянинг байтали норози пишиллар, олдинга интилди. От серғаш, бошқа отнинг ўзиб кетишини ёқтирмайди.

Ой, гуллаган шафтоли ва олча дарахтларини томоша қилмоқ бўлиб далаларга кумуш табассумларини ёйган. Қора депгиз нафаси билан кўтарилган оқ булутлар сузиб ўтди, думини ёзган товус каби ойнинг юзини тўсиб, чирмаб олди.

Салқин денгиз шамоли сувориларнинг қизиган юзларини сийпаларди. Тераклар, чинорлар қоп-қора бўлиб ёнгиналаридан сузиб ўтишарди. Уларнинг узундан-узун соялари текисликка ёйилганди. Тоғларнинг баланд-паст чўққилари эмалланган осмонда гишердан ясалган баҳайбат нақшларга ўхшаб кўринарди.

«Кечки овқат маҳалигача Ингурни кечиб ўтолмаймиз»,— дея ташвишланарди Кац Звамбая. Лекин ич-ичидан қувонарди: «Бўйи бўйингга тенг ўғлонингни ёнингга олиб отда йўл юришга нима етсин!»

¹ Ҳей, вара!— Ҳой, менга қара, маъносида.

Чол, яхши сувори бекорга отга қамчи босмайди, от эгасининг гапани қамчисиз тушунади, деб бетоқат сувори Арзаканга панднасиҳат қиларди. Минилавериб толиққан отлар иссиқлайди,— мегреллар¹ қўлига тушган отлар шунақа бўлади. Мегрель от деганда хотинидан ҳам, бола-чақасидан ҳам кечворади, аммо от суришни кўрсатиш лозим бўлиб қолса,— отини ҳам аямайди.

Хуллас, Арзаканни койигандан нима фойда. Қошки, панднасиҳатга қулоқ солса?

«Комсомолга кирма, деб қанча қилдим,— йўқ, биринчи бўлиб ёзилди. Райком секретари билан ҳамтовоқ бўлма, дедим,— йўқ, жон-дилидан яхши кўради уни!

Бешиккерти қилинган қайлиғини ташлаб, Шервашидзенинг қизи Тамар кетидан юради. Княжна кетидан юришни ким қўйиб ди унга. Шервашидзегга тенг келишга Звамбаяга йўл бўлсин!

Кавалерияда бўлса бутунлай гангиди қолди. Ҳозирги ёшларга ақл ўргатиб бўлармишми? Ҳамма китобу газеталар ёқиб юборилса экан! Қирғин келсин ҳаммасига... ўша кўк кўйлак билан шапка кийганларнинг!»

Ота-бола, бир қанча вақтгача, қуюқ бутазор ёқалаб катта йўлдан бордилар.

Буталар орасидан қандайдир ҳайвоннинг шарпаси эшитилди.

Айғир сесканиб, ўзини бир ёнга урди.

Сувори жиловни тортди. Тун қоронғисида, устида суворисн тиккайган отнинг бир ёнга отилгани кўринди. От чопиб ўтган йўлда тақадан учқунлар сачради.

Қамчининг ҳаво кесиб ўтгани эшитилди. Айғирни тинчитиб Арзакан орқага қайтди ва ўнг ёндан отасига яқинлашди.

Йигит Зугдидига нақадар ошиқаётганини отасига сездир маслиҳка ҳаракат қилади.

Аммо қариядан бирор нарсани яшириб бўлармишми? Арзаканнинг Ингурга нега мунча шошишичи, паромни ўтказиб юбрамиз деб чўчиётганини билмасмиди ота.

Аллақаерда қуш чирқиллади. Қизишган айғир яна одимини жадаллаштирди.

Байтал унинг кетидан эргашди. Суворилар жиловни бўш қўйиб берганидан отлар олиб қочди.

Ширакайф Қац билан жасур ўғлони зим-зиё қоронғи кечада тўнка ва қоялар, халқоб ва жарлардан кечиб, бута ва анҳорлардан ўтиб, от чопгириб боришарди.

Соч-соқоли оқарган, оғир-босиқ Қацга ўғлининг шўхлиги юққандай гўё.

Бутун Абхазияга донғи кетган чавандозлигини унутиб жиловга маҳкам ёпишган Қац Звамбая қизил аскарнинг отаси, бирдан кўнгли ҳуш бўлиб кетганини ҳис қилди. Қариянинг юраги ўйнади. Йигирма йил бурун, худди ҳозиргидек завқи қайнаб пойгага ошиқарди ёш Қац. Худди мана шу ерга, «Така қўноғи»

¹ Мегрель — грузияда яшовчи халқлардан бири.

га етганда буталар орасидан эшитилган шарпадан чўчиб, оти олиб қочган эди.

Йиллар ўтди, ёшлик орқада қолди, лекин юрагида қайнаган қувонч йиллар музини суриб, яна Қац Звамбаянинг юрагини завққа тўлдирди. Ахир ўғлининг томирида қайнаётган қон унинг қони эмасми, ўғли унинг пушти камаридан бунёд бўлган эмасми?

Яшил тепаликлар, кесилиб сийраклашган дарахтзорлар шундоқкина ёнгиналаридан пир-пир ўтиб турарди.

Виқор билан осмонга бўй чўзган тоғ чўққилари узоқда бир-бир сузиб ўтар, улар худди бу дунё лаззатларидан воз кечган қора буркали забардаст паҳлавонларга ўхшаб кетар эдилар.

Отасининг индамаганига Арзакан ҳаддидан ошди, кугилмаганда отини ниқтаб, қаттиқ қамчи босиб қичқирди.

Ўғлининг йўғон, дўриллаган овозини эшитиб Қац Звамбая мийиғида кулиб қўйди, отини қамчилаб, узангига оёғининг учини тираганича, эгарда тик турди ва жиловни қўйиб юборди.

Қизиб кетган айғир гўё устида чавандози йўғу ҳеч ким уни ниқтамагандек, бўйдор байтал кетидан югурди.

Қац Звамбаянинг оти бўйинини чўзганича учиб боради, бундан у ўзида йўқ хурсанд: ўғлининг танасида унинг қони оқаётгани туфайлидан ҳам отасидан ўзиб кетди. Унинг пушти камаридан бўлган ўғил-да!

Қишлоқ ёнидан ст суриб ўтдилар. От тўёқлари овозини эшитган итлар безовталаниб, четан деворлардан ошиб, зовурлардан ирғиб ҳуришар, тунни шовқинга тўлдиришарди.

Эркинликни ҳис қилган Арзакан, дадасининг панд-насиҳатларини унутиб, суюкли айғирига қамчи босади, худди кавалериядаги сингари жиловни қўйиб юборади.

«Мени қамчилайсанми ҳали?»— дегандек айғир ҳам илгари отилди.

Ингур бўйига яқинлашаркан, унинг узоқдан шовиллашини эшитган Арзаканнинг қалби қувончга тўлди, у кекса отасини ким ўзарга чақиргандек бир қийқириб қўйди.

Ўғлининг манманлик қилиб ким ўзарга чақирishi асл абхаз чавандозига қаттиқ ботди, у мийиғида кулиб қўйди... Ўғлининг олдидан тўсиб чиқиш учун эгарда тик бўлиб олди-да, баланд бута устидан ошиб ўтди.

«Кимга бас келмоқчи бўлади бу болакай! Ҳали жўжа-ю, хўроз билан тенг бўламан дейди-я!»

Ингурга етишга ҳали анча бор. Ким ўзарга ўйнаш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяди ҳали Қац Звамбая.

Эҳ-ҳе! Шу ёшга етгунча не-не кунларни кўрмади Қац Звамбая.

Мудҳиш реакция йиллари. Абхазияни казакларнинг жазо отряди босди. Уларни талашди, уй-жойларига ўт қўйишди. Қўплар ўрмонга қочди. Якшанба кунларидан бирида, талайдиган одам қолмаганидан зериккан отряд қўмондони казаклар

билан қишлоқда қолган абхазлар ўртасида ким ўзарга пойгасини бошлади.

Калтакесак сингари абжир абхаз отлари тез чопар, бақувват Дон отлари билан мусобақа ўйнаши ксрак эди. Отларининг бақувватлиги ва бўйдорлиги билан керилган казаклар абхазларни майна қилишмоқчи бўлишди.

Вахмистр¹ юз отличини черков майдонига саф торттирди, ўзи эса бақувват, йўгон отида саф олдидан керилиб ўтди-да, бир чеккага ўтиб турди.

Мушукдек эпчил абхазлар олдинма-кетин бўлиб чиқиб келишди.

Қац Звамбая отини бир неча бор енгилгина қамчилади-да, қатордан айрилиб чиқиб олдинга отилди. Оти билан қўшалоқ бўлиб кетган Қац вахмистрнинг отига ташланди.

От ҳам, вахмистр ҳам бараварига Қац Звамбаяни қувалай кетди.

Ингургача қувиб боришди,— етишолмади, суғорилган майсазорларга етганда эса изини ҳам топишолмади.

Ёники жаҳон уруши йиллари. Днестр. Рус кавалерияси понтон кўприги билан дарёдан ўтаётир.

— Кимда юрак бўлса — оти билан кечиб ўтаверсин!

Команда тинар-тинмас, ҳавода қамчи чийиллади, Қац Звамбая ўзини дарёга отиб, Днестрнинг оғир тўлқинларини ёриб ўтаверди.

Дарёдан отда сузиб, нариги қирғоққа чиқиб олди.

Шу ёшга етгунча Қац Звамбая кўпни кўрди, не-не кунларни бошидан кечирмади. Энди бўлса, анави болакай у билан беллашмоқчи-я?

— Ахахаит марджа!²— Қац Звамбая жийрон байталига қийқирди ва олдинга интилиб, отнинг яғринига энгашиб, ёшининг анчага борганини ҳам унутиб, отини учириб кетди.

Ўғли ҳам бўш келмади, зўр бериб айғирини қамчилай бошлади.

Кўп ўтмай Арзакан кўздан ғойиб бўлди. Қац Звамбая унга етолмас эди.

Бултурги қуриган жўхори пояларни шамол шитирлатар, шамол худоси Ариэль кўринмас торларда тун қўшиғини чаларди.

Ингур ота-боланинг мусобақасига чек қўйди.

Арзакан оғир нафас олаётган отини паромчининг қоронғи кулбаси ёнида тўхтатди.

Мегрелларнинг «сулгуни» деган пишлоғига ўхшаш хира ой қуюқ булутлар пардасини ёриб чиқди.

Ингур адашиб қолган бошловчи кийикка ўхшаб ҳайқирарди.

Ингур! Уни на Кура билан, на Риони билан ва на Алазани

¹ Вахмистр — Чор армиясининг отли аскарлар қисмида кичик командирлик унвони. (Тарж.)

² Отни шундай чуқлайдилар. (Тарж.)

билан таққослаб бўлади. Ингур, эрта кўкламда ўркак-ўркак бўлиб тўлқинланиб, қайнаб оққан Арагвига кўпроқ ўхшаб кетади.

Донолик сингари совуқ ва босиқ ой осмондан бепарво қараб турарди. (Доноликдан ҳамма вақт ҳам совуқ уфурармикан-а?)

Қац Звамбая айғирини тўхтатди. Қадимий абхаз абжирлиги томирларида қайнади. (Ингурнинг сувлари сван тоғларидап сирғалиб тушаётган музлар тагида мана шундай кўпирмасмикан?)

Қац ойдин кечада қоп-қорайиб кўринган отлиққа ўғирилди:

— Ҳе-ҳей, нима қилиб турибсан?

Арзакан, тонг отишини кутиш кераклигини исбот қила бошлади. Қацни бир нарса чақиб олгандай бўлди. «Чавандозликда отасини қолдириб кетди-ю, энди бўлса Ингурдан қўрқяпти!»

— Сувга тушишдан қўрқяпсанми?

Уғлига нисбатан ичида қайнаган ғазаб оловланди.

— Ҳей, сени қара-ю! Сенинг ёшингда отни Ингурга қўярди-му, думига ёпишиб сузиб кетардим!

— Априлда-я, ота?

— Ҳа, априлда.

➤ Вахмистрни априлда ағанатганмидингиз-а?

➤ Априлда, Априль мен учун ҳар доим эзгу ой бўлган.

Арзакан чолнинг ўжарлиги тутганини англади. Бунақа пайтда унга гап уқтириб бўлмайди. Арзакан минг эҳтиёт билан, ширин сўзлар билан, онасининг тайинлаганларини эсга солиб дадасини кўндиришга уринади. Ахир онаси, дарёни кечаси кечиб ўтманглар, «Ёмон туш кўрдим...», деди-ку.

— Ахир сен тушга ҳам, руҳга ҳам, худога ҳам ишонмайсан-ку!

— Тўғри, тушга ҳам, руҳга ҳам, худога ҳам ишонмайман, лекин онам илтимос қилгач... Сизга онамнинг илтимосини эслатяпман, ота,— ўзини оқларди Арзакан.

Қац Звамбая жилмайиб қўйди. Болакайнинг ҳали суяги қотмаган-да, тўлқин ичига тушишга юраги дов бермаяпти. Она сути оғзидан кетмагану босқинчилар билан курашмоқчи!

Арзакан тонг отишини кутиб, ҳамроҳ абхазлар билан бирга йўлга чиққан маъқул, деб отасини кўндиришга уринар эди.

Ота-бола паромчининг кулбаси ёнида баҳслашишарди.

— Шунақа экан Соселияникида ўтира турсак бўлмасмиди? Ўзинг ўлардай шошилиб, на винога қарадинг, на овқатдан тотиндинг... «Қулоқлар билан ичмайман!» деб Тарашни, бир онани эмишган укангни ташлаб чиқдинг кетдинг. Энди қўрққанишда қулоқлар эсингга тушдими?

— Қулоқлар билан бир дастурхондан овқат емайман, лекин лозим бўлиб қолса, уни ишга соламан.

— Ўзингни оқламай қўя қол! Хуллас, сизларни — ҳозиргиларни майтон ҳам йўлдан оздиrolмайди. Худо сенларга

тилни, эчки мойида юмшаган қайишдек айлантиришга берган.

— Тил аслида шундай, эчки мойида юмшаган қайишдек бурро бўлиши керак. Худо таолога келсак, то шу маҳалгача у бизга ҳеч нима бергани йўқ.

— Тилларинг кесилсин ҳаммангни!

Арзакан ҳисобда адашганини ҳис қилди. У қоронғи тушгунча Ингурдан ўтиб олмоқчи эди. Шунинг учун ҳам шошилиб, меҳмон қилишганда ичмаган эди.

Тараш Эмхвари бор эди у ерда. Арзакан ўзини ичаётган қилиб кўрсатиб, Тарашни ичириб маст қилмоқчи бўлган эди. Аммо Тарашни қўшнилари маст қилишгандир,— икки-уч кунга чўзилиб кетса керак майхўрлик.

Энди Арзакан Зугдидидаги Тамар Шервашидзе ёнига Тарашдан олдин боради. Аёл киши ўлжадек гап, деб эшитган эди у: ким олдин етишса, ўшаники.

Пойга икки-уч кундан кейин бошланади. Олдинда ҳали икки кун бор Бу орада чигил ечилса, Тамар Арзаканни дейдими ё Тарашни, масала ҳал бўлади. Ҳа, бу пойга кўп нарсани ойдинлаштиради. Ахир Тамар, Шервашидзе зотидан-а. Шервашидзе оиласига мансуб аёллар ҳар доим Абхазиянинг асл чавандоз ва овчиларининг шуҳратига шерик бўлишган.

Денгиз тўлқини тусидаги кўзларнинг маъюс боқиши, артилган апельсин рангига мойил нафис чеҳра Арзаканнинг кўз ўнгида гавдаланди. Уни кўриши билан Тамарнинг бетига қизил югуришигача тасаввур этди у.

Агар Тараш ундан олдин келгудай бўлса ҳам Тамарнинг бети ана шундай қизариб кетса керак...

Ҳавони қанотлари билан ёриб сув қуши париллаб кўтарилди. Унинг якка қийқириғи Ингурнинг шовиллашида эшитилмай қолди.

Арзакан, дарёнинг ой шуълаларига кўмилиб кумушсимсон жилваланишига тикилганича, хомуш турарди.

Қац шошилтирарди. Арзаканнинг байтали Арабия бостирмага киришни истамай ер тепинди. Аммо қамчининг оҳишта тегиши ҳамон итоаткорлик билан эргашди.

Арзакан отдан ирғиб тушиб, отаси кетидан кетди.

Паромчининг кулбасида жинчироқ хирагина милтилларди.

Қац Звамбая бошлиғини елкасига ташлаб қичқирди:

— Ҳой, хўжайин!

Баҳайбат бўрибосар ҳура бошлади.

Қац Звамбая дарчани тақиллатиб, овозининг борича яна қичқирди:

— Хўжайин!

— Ким у?— деган. овоз эшитилди кулбадан.

— Меҳмон,— деди Қац.

Алланарса тушиб кетди. Алланарсанинг тарақ-туруғи ва их

раш эшитилди. Кейин эшик гийкиллаб очилиб, елкасига пўстин ташлаган дароз одам остонада пайдо бўлди.

Паромчи йўловчиларни ичкарига таклиф қилди. Бу дароз кишининг ёнида отаси пакана бўлиб кўринди Арзаканга.

Хўжайин ва меҳмонлар омонлашишди. Жинчироқни тузатгач, паромчи, гўё намоз ўқимоқчи бўлгандай, ўчай-ўчай деб турган олов ёнига эринчоқлик билан энгашди. Қуллар орасидан чала қолган ўтинларни ажратди-да, пуфлай бошлади. Дуд ва кул булути қоплади кулбани.

Бу орада меҳмонлар тимирскилашиб, ўтириш учун кунда топишди-да, ўчоқ ёнига жойлашишди.

Олов ловиллаб ёниб кетганда, Арзакан бурчакда похол кавшаб ётган соқолдор эчкини кўрди.

Арзакан ўгирилиб уй эгасига қаради.

Паромчи, дарҳақиқат, Ингур соҳилларида санғиб юрадиган очоқочига — эчкиоёқ панга ўхшарди.

Унинг эғнида жулдур, ранги ўнган, қирқ ямоқ кўк шим ва солдат пахталиги. Кўкрагидаги йиртиқдан узун жунлари чиқиб турарди.

Чол, кўпдан бери соқолини олмаган бўлса керак, соқол-мўйлови жайрага ўхшаб диккайиб турарди.

Унинг қулоқ ва бурунларидан узун юнглари кўриниб турарди. Пешанаси ва ориқ ёноқларини ажин босганди.

Чол ўсиқ қошларини ора-чора қоқиб, кўзларини ола-кула қилиб қўярди.

— Дада, қорним очди,— шивирлади Арзакан.

Қорни очганидан гапиргани йўқ бунга у. Отасининг бу ерда қанча қолмоқчилигини билмоқчи эди. Қац отларни эгардан бўшатмади: Ингурнинг қаеридан кечиб ўтиб бўлишини сўраб олмоқчидир балки...

Лекин отаси жавоб бермади. Дарёнинг шов-шувида жавоби эшитилмаган бўлса ҳам ажаб эмас.

— Қорним очди,— такрорлади Арзакан.

Қац Звамбая индамайгина ўрнидан туриб, хуржунни келтирди-да, тиз чўкиб кавлаштира бошлади.

Паромчи тирсагини тиззасига тираганича кафтини бетига қўйиб, симобий чоҳа кийган яғриндор, бақувват чолни ва қизил аскар шинели кийган йигитни кузата бошлади.

Йигитнинг юзи, кўк кўзи, фуражкиси тагидан чиқиб турган бир тутам сочи паромчига иссиқ кўринди. Унинг чўзиқроқ даҳани, лабларидан ёшлик нафосати уфурарди.

Йигит сездирмайгина теварак-атрофга кўз югуртирарди. Паромчининг тик боққан кўзларига кўзи тушганда, секингина олиб қочарди.

Кекса меҳмоннинг юзи унчалик ёқимтой эмас эди. Унинг чап бетиде чуқур чандиқ — ханжар ё қилич изи бор эди.

Қариянинг балиқ думи сингари учи қайрилган оқ соқолининг даҳанга яқин жойи ҳали қора эди.

Тўқ қаҳрабо сингари порловчи кўзлари тик ва ўткир боқарди.

Иккови бир-бирига шу қадар ўхшар эдики, уларнинг отабола эканликларини билиб олиш қийин эмас эди.

Ингитнинг тугмаси ечиқ шинели тагидан грузинча, архалухдаги сингари, юпқа қора илмоқли жужун кўйлак оқариб кўринарди. Чап кўкрагида ўчоқдаги оловни ўзида акс эттирган қисил значок бор эди. Паромчи бу нарсанинг нималигини ўйлаб тополмади.

Арзакан паромчининг тикилиб турганини ҳис қилиб, ҳамма тугмаларини қадади, юмшоқ этигининг осилиб тушган қўнжини тортиб қўйди.

Қац Звамбая ағдарилиб ётган уч оёқли курсини ўнглаб устига топган-тутганлари: «акваквар» деган абхаз кулчаси билан эчки пишлогини қўйди. Ароқ ва вино шишаларини ерга қўйиб, чўнтагидан буқа шохи олиб тўлдирди-да, паромчига узатди. Паромчи меҳмоннинг оқарган соқолига қаради-да, ола қолмади: Қацнинг ёши улуг бўлгач, биринчи қадаҳни у кўтариши керак.

Қариялар абхаз одатига кўра, сиз олинг, сиз олинг қилиб, бир-бирларига такалуф қилгунларича, Арзакан, кулчаларни ушатиб, кутиб турди. Ахирини паромчи шохни бўшатди-да, Қац Звамбаяга узатди. Ароқнинг ўткирлигидан жиққа ёшга тўлган кўзини артиб, қўлини нонга узатди.

Арзакан шу топгача ҳеч қачон шундай катта қўлни кўрмаган эди.

Тугун тушган йўғон томирлар ёввойи узум навдаларига ўхшарди. Фадир-будур, чақа бармоқлар йиртқич қуш чангалини эслатарди. Ҳар қандай сезгир кўз шу қўлларга қараб туриб, бу одамнинг тақдирини ўқиб ола биларди.

Унг қўлида кўрсаткич бармоғи йўқ эди.

Кекса паромчи бир ойдан бери туз тотмаган одамдай нонни ютоқиб ямларди. Нон ушоқлари ерга ё пўстинига тўкилса, битталаб териб, оғзига ташларди.

Паромчининг кесилган бармоғи Арзаканнинг хаёлини олиб кетаверди. У, Ингурнинг аллақаерида, Тбилисидан, большевиклардан қочган собиқ генерал паромчилик қилади, деб бир вақтлар эшитганини эслади. Генерални қидириб топишибди. Қарашса, шарт кетиб парти қолганмиш! Оддий, қари чол эмиш...

Арзакан шу ўйлари ростми-ёлғонлигини билишга ошиқар, аммо паромчидан сўраб-суриштиришга ийманар эди.

Қараса, ўчоқдан чўғ тушиб кетай деяпти, олов ўчиб қолади-ган. Тўғрилади.

Ёниб турган олов ёнида, мана шу ғалати одам ҳузурда Арзакан қандайдир беҳуш ҳолатга тушди. Чолнинг ўрдаклар чўқилаган кўкатга ўхшаш икки тутамгина сочи қолган тақир бошидан назарини узаркан, Арзакан хаёлан узоқ-узоқларга кетиб қолди.

Аланга орзуни оловлантиради. Арзакан оловнинг липиллаб ёнаётган тилларига тикиларкан, хаёлан Тамарни аниқ кўрди. Қиз шафтоли гули тусидаги шоҳи либосда. Ўзи ҳам апрелда гуллаган шафтолига ўхшарди.

— Эй, вара!— дея уни чақирди Кац.

Отам хаёлимдагини уқиб олмадимикан, деб йигит бир чўчиб тушди.

Абхаз отасига ҳамма нарсани айтиши мумкин, аммо муҳаббат сирини пинҳон тутуди — ҳеч қачон айтмайди!

Шохни қўлига олиб, бир кўтаришда сипқорди у.

Чоллар галма-гал шохни бўшатиб туришди. Суҳбат бир меъёрда давом этди.

Паромчининг чеҳраси очилди. Ароқдан кейин унинг от юзидаги ажинлар янада чуқурлашди. Кўзлари ёниб-ёниб турипти. Чол каттакон тўнкада, пўстинига ўралиб, худди юмшоқ курсида ўтиргандек бамайлихотир ўтирарди. Унинг қовоғи солиқ чеҳраси анча ёришган. Уйилган қовоғи тагидаги кўзларининг боқиши анча юмшади. У шундай очилиб, сочилиб сўзлашардики, буни кўриб, Кац Звамбая унинг қадрдон дўсти-ю, уникида меҳмон бўлиб ўтирипти деб ўйлайсиз.

«Чоллар доим тил топишиб кетишади,— деб ўйлади Арзакан.— Паромчининг қовоғи солиқлиги-ю, жаҳлдорлиги қаёққа кетди? Кулишини кўринг! Кайф-сафо қилиб юрган князь Даддани, Шервашидзе ва Эмхвариларгина шундай кулишарди».

Арзакан болалик чоғлари Ачигварда эчки боқиб юрганида уларнинг кулгиларини эшитган, князларнинг кайф-сафоларини, тўполонларини, карта ўйнаганларини, пойга қилганларини кўрган.

«Қизиқ, ичкилик қанчалар ўзгартириб юборди-я одамни»,— деб ўйлади Арзакан ва тўсатдан паромчи узатган шохнинг қўлида пайдо бўлганини кўрди. Йигит ўзидан каттанинг қўлини қайтаришга ботинмади.

Унинг ортиқ ичкиси келмасди, аммо шохни столга қўйиб ҳам бўлмайди, ичмасдан катталарга қайтариб ҳам бўлмайди. Арзакан қадаҳни сипқорди-да, шохни отасига узатаркан: «Бугун Ингурни кечамизми йўқми?» дегандек қараб қўйди.

Отаси анчагина ичди. Бунақа чоқларда униң бурни қийшаийиб кетарди.

Арзакан паромдан гап очди.

— Кеча ойдин бўлгани билан бунақа пайтда Ингурдан ўтиб бўлмайди,— деб гапини маъқуллади паромчи.

Кац Звамбая кечирим сўраб ўрнидан турди, отлардан хабар олиб келишим керак, деб чиқиб кетди-да, кўп ўтмай қайтиб кирди.

Паромчи, кимсизлар, қаёқдан келяпсизлар, деб суриштира бошлади.

— Пойгага кетяпсизларми?— жонланиб кетди, бутун жисми қулоққа айланиб.

Арзакан Зугдидига фақат пойгага қатнашиш учунгина эмас, райком топшириги билан абхаз сувориларини кузатиб бориши кераклигини айтди. Ҳукумат абхазлар билан мегрелларга, грузинларнинг наслдор от етиштириш хўжалигидаги асл отларни кўрсатмоқчи. Абхазлар текиннинг наслдор байталларидан қочириш учун бир неча айғир олиб боришади.

Тбилисидан наслдор отлар келтирилади: инглиз айғири, инглиз-араб оти, учта текин байтали ва собиқ император Вильгельмнинг от заводидан битта немис байтали. Ҳукумат кўргазма пойга ўтказди: абхазлар ва мегреллардаги алмисоқдан қолган от боқиш ва чавандозлик усулларида воз кечиш пайти келмадимикан?!

— Ҳамма нарса янгиланяпти,— ишонч билан ҳикоя қиларди Арзакан паромчига,— бутун хўжалик услубимиз янгиланяпти, бу соҳага ҳам ўзгариш киритиш вақти етди. Қадимги отлар зоти айниб боряпти. Янги, соғлом зотлар келтириб чиқариш керак!

Паромчи бошини энгаштирди, ерга тушиб кетган чўғни тегиб жойига киритди-да:

— Шуни билиб қўйингки, эгарга бўйи етган киши от минади,— деди Арзаканга.— Қўпчилик чекади, ичади, хотинлар билан юради. Аммо отларнинг, тамакининг, винонинг ва хотинларнинг асиллини ажрата билиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Доноларнинг айтишича, инсон отни биринчи бор денгиздан бошлаб чиққанда, от: «Оғриб қолсам,— даволанглар, тақаламай мишманглар, думимни қирқманглар, қулоғимни кесманглар, нопок аёлни устимга ўтқазманглар, озода жойда ўтлатинглар» деб шарт қўйган экан.

Бутун умр от шайдоси бўлдим,— менинг собиқ генераллигимни эшитгандирсизлар?.. Отларни парвариш қилишнинг тури йўлларини ўрганиш ниятида инглиз тилини ўргандим. Менинг ўз от заводим бўлгучи эди. Ноёб, асл наслларни урчитардим...

Россияга, кавалерия билим юртига олиб кетганларида ўн беш ёшда эдим... Сенинг тенгдошларинг бизникидан кўра бахтли. Не балолар тушмади бошимизга! Биз юнкерларга дўнгалак беришганини тасаввур ҳам қилолмайсан... Бу сўзни луғатдан ҳам излаб тополмайсан! Герман баронларидан бўлган корнетларни¹ бизга тўғрилаб қўйишади дегин, машқ қилдиравериб, хўп таъзиримизни беришади... Кўнгиллари тилаганча азоб беришарди улар. Жазониям аяшмасди, ҳақоратниям.

Ана шунақа бошвоқсиз сўкинишлари учун неча-неча немис

¹ Корнет — революциягача отлиқ аскарларда энг кичик офицерлик унвони. (Тарж.)

баронларининг тумшуғига туширганман! Ҳар якшанба карцерда ўтирдим. Лекин бора-бора кўникиб кетдим, грузин тилини унутдим, урф-одатимиздаги одоб-назокатни ҳам эсдан чиқариб, баронлардан баттар сўкадиган бўлиб кетдим.

Ана шунда бутун борлигим билан отни севиб қолдим. Ўқув юртида ҳам, манежда¹ ҳам энг яқиним от бўлиб қолди. Шунда мен отнинг феъл-атворини, уни парвариш қилишни яхшилаб ўрганиб олишга қарор қилдим.

Бошқа нима билан ҳам қизиқардим? Ким учун қон тўқмогим керак эди?

Подшоҳлар учунми, Романовлар учунми, Ватан учунми?! Зўрлаб эрга берилган аёл яшириқча ўйнаш орттиргани сингари, мен ҳам хизмат давримда отга меҳр қўйдим. Подшо ҳамда Ватанинг менга сариқ чақалик даҳли йўқ эди.

Дунёнинг ярмини эгарда айланиб чиқдим.

Манжурия далаларида бўлдим, японлар билан урушдим. У ердан Қирғизистонга юборишди. Саккиз йил қирғизлар ва бошқирларга қамчи билан дарс бердим: ёшларни осиечасига от минишни ташлашга мажбур қилдим. Чор кавалериясида урф бўлган от миниш усулларини ўргатдим.

Кейин мени Тошкентга юборишиб, ҳинду-пирсиёнчасига от минадиган туркман ва тожикларга бош қилиб қўйишди. Мен уларни ҳам вахмистрлар, корнетлар қуршовига олиб, бир вақтлар мени қандай тарбия қилган бўлишса, худди шунақа таълим бердим.

Бу орада жаҳон уруши бошлашиб қолди. Аввалига мени Ночеркаска запасдаги кавалерия бошлиғи қилиб юборишди. Қазақлар, черкаслар, кази-қумиқлар ва лезгииларни ўқитдим. Улар кавказ усулида от минишади. Уларни ҳам қайта ўргатиш керак эди.

Аммо тоғлиқлар жўшқин бўлишади. Улар вахмистрларниям, корнетларниям уриб ташлаган вақтлари бўларди. Мен бўлсам уларни калтаклашга, Сибирга сургун қилишга мажбур бўлардим.

Кейин мени Шарқий Пруссияга жўнатишди. Мемелга биринчи бўлиб кириб борганман ва Вильгельм заводи фермасидаги молларни ҳайдашга буюрганман. Сўйларнинг, еларинг, хурсандчилик қилларинг, йигитлар. Жалагания сен ҳам кел, Беселиа сен ҳам, Малазониа, Макацарна, Циклаури, Немсадзе, Жваниа — ҳамманг бир яйра!

Генерал Самсонов армияси Мазурада ҳалокатга йўлиққанда рус чегарасини немислардан ҳимоя қилганман. Пруссаклар эскадронини тор-мор этганман. Қайтгач, бошқаларнинг қандай ҳалок бўлганини айтиб берувчи бирортаси ҳам омон қолмаган.

Австрия фронтда, ўқ ёмғири остида биринчи дивизия билан Львовга ёриб кирганман. Перемишль атрофларида ҳам

¹ М а н е ж — чавандсзлар машқ ўтказадиган, атрофи ўралган жой.

уруш қилганман. Пин ботқоқларида ва Карпат яқинида уч бор немис кавалерияси билан чопишганман. Ҳаво ранг либос кийган уч эскадрон немис уланидан¹ битта ҳам қўймай қирганмиз.

Кейин бўлса, бу ёғини ўзинглар яхши биласизлар, большевиклар келишиб рус империясини қиртишлаб ташлашди.

— Падари бузрукворимнинг жойи жаннатда бўлсин!— деб қўшиб қўйди паромчи шохни кўтараркан...

— Биз большевиклар худогаям, жаннатигаям ишонмаймиз,— деди Арзакан.

— Узим ҳам ишонмайман... Жаҳаннамга-ю, гуноҳга ботишга ишонаман, холос. Мен бир нарсага қаттиқ ишонаман: жаннатиям, жаҳаннамиям шу дунёда. Ҳар ким бу дунёда ўз айби билан жаҳаннамга тушади. Бутун ёшлигимни, бутун кучимни Романовлар Россияси хизматига бағишладим. Чириб, емирилишга юз тутганда эса, денгиз кити Ионни қайт қилганидай, унинг ириган мурдаси мени тупуриб ташлади.

Кексайганда ҳатто хоинни ҳам она юрти ўзига жалб қилади. Мен ҳам дала-даштларда ётиб юриб бодга чалинган, икки букилиб қолган бир инвалид ҳолида йиртиқ солдат шинелида Грузияга қараб йўл олдим. Новочеркасскда деникинчилар қамоққа олишди: эғни-бошимга қараб мени большевик деб ўйлашди чоғи. Аммо большевиклар Новочеркасскни эгаллашди-ю, деникинчиларни қўйдек ҳайдашди. Утмишимни яширдим,— чол экан деб раҳм қилиб қўйиб юборишди.

Грузияга қайтдим. Чақув билан меньшевиклар томонидан қамалдим; йигирманчи йилда эса кафилга чиқаришди.

Меньшевикларнинг иши пачава бўлиб, большевиклар кавалерияси Безобдалдан ўтганда, мен ва яна бир неча генералга, кавалерияни қайта тиклашни таклиф этишди. Уч ой ичида кавалерияни қайта тиклаш бекорчи гаплигини бошиданоқ яхши билардим. Лекин бошқа илож йўқ эди. Агар телбанинг айтганига қўшилмасанг, сенга душман бўлади-қолади. Рози бўлдим...

Қадимий Грузияда кавказ эгарлари қўлланилганини билганим учун, аввало, шуни талаб қилдим. Инглиз эгар-жабдуқлари фақат европа далалари ва текисликлари учун мос. Ундан ташқари, Европада кавалерия, ҳар қадамда понтон² ва тоннеллардан фойдаланади, шуниси ҳам борки, европа дарёларининг туби қумлоқ, бизникида эса — харсанг тошлар кўп. Отларга жўшқин оқимни кесиб ўтишга, тик қояларга чиқишга, жарликларни ёқалаб ўтишга тўғри келади.

Шунақанги бир хевсур пойгаларини кўрганманки, бунақа қияликларга ҳар қанақа тулпор ҳам дош беравермайди. Бунақа юришлар учун кавказча эгар-жабдуқ даркор.

¹ У л а н — Чор Россиясида найзадор енгил кавалерияда хизмат қилган ҳарбий хизматчи. (Тарж.)

² П о н т о н — ҳар хил қайиқларни қатор қилиб қўйиб, устида ясалган омонат кўприк. (Тарж.)

Кац Звамбая шохни яна тўлдириб паромчига узатди. Паромчи бир кўтаришда ичиб юборди-ю, худди биров унга олтингургурт кислотаси ҳидлатгандай башарасини бужмайтирди.

— Кавказ жабдуқлари қайда... меньшевиклар бизга инглиз эгар-жабдуқларини тутқазшиб, Сурамга юбордилар; бир вагон эгар-жабдуқ билан етиб борганимда кулгим қистаганини кўрсангиз.

Кейин эса... бу майнавозчилик республикасининг ҳолига маймун йиғлаганини ўзингиз биласиз!

Кўриб турибсанки, отни яхши кўрганимдан оламда қанчалар сарсон-саргардон бўлдим. Лекин кишининг энг яхши кўрган нарсаси ҳар вақт ҳам насиб этавермас экан. От жониворни ўзимдан ҳам ортиқ кўрардим, қарабсанки, фақат бир эчки насиб этибди менга...

Арзакан билан Кац бурчакка тикилиб ўтиришарди. Узун соқол эчки эса, собиқ генералнинг сўзларини тасдиқлаётгандай, бошини иргитиб қўярди.

— Уч йилча муқаддам бир чўпон уни менга ташлаб кетди. Барибир омон қолмайди деб ўйлаган бўлса керак: жонивор шу қадар ҳолдан қетган эдики, кўзини очишга дармони етмасди... Уни яхшилаб парваришладим, боқиб тузатдим, энди ингур ўтлоқларида ўтлатаман. Қариган чоғимда боқиб турибди мени.

Ота-ўғил паромчига ҳайрон бўлиб қараб ўтиришарди.

Кац Звамбая пойга ҳақида сўз очди:

— Қадим пойгалар яхшироқ бўлгучи эди. Абхазиядан Шервашидзелар, Эмхварилар, Маанлар келишарди. Узлари билан сут эмишган ака-укаларини эргаштириб келишарди. Биз, Звамбаялар, одатда, Эмхвариларни кузатиб келгучи эдик.

Арзаканнинг жаҳли чиқди.

— Князь пойгага йўл оларкан, отга энагасининг ўғлини ҳам мингаштириб оларди,— давом этди Кац Звамбая.

— Нима дединг?— унинг сўзини бўлди паромчи.

— Тўғрироғи, энаганинг ўғли отга мингашмас, сут эмишган оғасига таяниб отда тик турарди. Пойга бўлаётган жойга шундай кириб боришарди... «Улар», келишди-ю, ҳаммасини пачава қилишди.

Кац Звамбая ҳеч қачон большевиклар демасди. Ўғли билан сўзлашганда уларни: «сизникилар» дерди, бошқалар билан сўзлашганда эса «улар» деб атарди.

Қадимги базмлар, пойгалар, чавандозликлар, овлар ҳақида узоқ ҳикоя қилди Кац Звамбая.

Паромчи кўзларини пирпиратиб бош ирғаб ўтирарди.

— Соат неча бўлди?— эшитилар-эшитилмас сўради паромчи.

— Ҳали эрта,— жавоб берди Кац.

Паромчи хуржунга кўз ташлади. Бир кўзи латтадай шалпаийиб ётибди, иккинчи кўзи яримлаган.

«Май етарли»,— деб ўйлади паромчи мамнунлик билан ва:
— Ярим кечадан оғди,— деди.

Қац кулиб юборди, Арзакан эса унинг нега кулганини англамади.

Паромчи тонггача кутишни таклиф қилди, кун ёришгач, бир амаллаб ўтказиб қўйяганини айтди... Лекин аслида бу ҳафта дарёдан ўтиш амри маҳол: негаки Ингур тошадиган кўринади.

Қац Звамбая яна шохни тўлдирди, оқ йўл тилаб, паромчига узатди. Кейин шохни чўнтагига солди-да, хуржунни олиб, уй эгаси билан хайрлашди.

Ҳеч қандай илтимоснинг фойдаси йўқлигини тушунган Арзакан индамай отасининг кетидан кетди.

Ёришиб қолган осмондан ой мўраларди, оппоқ момиқ булутлар ложувард осмонда сузарди.

Қац Звамбая юлдузларга қараб олгач, Рух қалъаси томон ўгирилди. Тепаликдаги қалъа темир қалпоқ кийган баҳодир янглиғ турарди. Тоғдаги туман тарқаган. Пойга вақтида ҳаво яхши бўлади.

— Кечки овқат пайтидан кечикмаслик керак...— деб қўйди Қац қалъадан кўз узмай.

Қац айилни тортгунча паромчи ҳикоя қилди:

— Бултур ўткинчилардан эшитиб эдим, бир вақтлар шу қалъа девори остида уруш бўлган экан. Деворнинг у томонида грузинлар, бу томонида абхазлар билан турклар экан. Грузинлар қалъани эгаллаймиз деб роса урнишибди... Ниҳоят баҳсни, полвонларни яккама-якка кураштириб, ҳал қиладиган бўлишибди.

Грузинлар Чолокашвили деганни чақиришибди, абхазлар — Эмхварилардан бирини. Чолокашвили ёши улуг, сочига оқ оралаган одам экан, Эмхварн бўлса ёш йигит.

Полвонлар ҳозир мана шу кема боғлаб қўйиладиган жойда учрашибди.

Эмхвари қиличини яланғочлаб рақибига отилибди-да, аммо бирдан яроғини пастга туширибди...

— Нимани кутяпсан?— сўрабди Чолокашвили йигитдан.

— Ёши улуг аввал қўл кўтарсин.

Улар дўстлардек қучоқлашиб ўпишишибди.

— Бир вақтлар грузин ва абхаз дворянлари бир-бирининг гўштини ерди. Лекин ҳозирги кунда грузин ва абхаз деҳқонига бир-бирига қарши курашишнинг нима кераги бор?— деди Арзакан.

Қац Звамбая қовоғини уйди, қамчисини ҳавода визиллатиб отни урди.

Паромчи байталдан кўз узмасди. Отнинг жиловидан тутиб, олдинги оёқларини чўзншга мажбур қилди-да, чап қўлининг тўрт бармоғини икки олдинги оёқ орасига тикди.

— Зотдор от. Еруғ бўлганда эди, яна кўп тарафларини айтиб берардим... Қаердан ўзи?

— Билмадим. Отрядимиз қароқчиларга йўлиқиб қолди. Тўқнашувда тўда бошлиғини ўлдирдим,— деди Арзакан ва оёғини узангига тикди.

Байтал жойида жим турмасди. Паромчи байтал атрофини айланиб ўтиб жиловидан тутди. Бу абхазнинг иззат-нафсига тегди. Паромчи бунни тушуниб отни қўйиб юборди. Бўйнидан бошлиғини ечиб, Арзаканга узатди.

— Бошлиқнинг нима кераги бор менга?

— Менга қара, мен бобонг тенги келаман. Ингур панд бериб қўйиши мумкин. Бир қарашда ҳаммасини илғаб ололмайсан; кўзинг қамашгудек бўлса, бошингга бошлиқни ёп.

— Қандай қилиб қайтиб бераман кейин?

— Қайтасизлар-ку, ахир. Имкони бўлмаса, ҳечқиси йўқ.

От сувга киргиси келмай, қайсарлик қилиб турди. Лекин келиб тушган аччиқ қамчи зарби уни бунга мажбур қилди. Қўтоснинг маърашига ўхшаш кишнаш эшитилди ва байтал кўкраги билан тўлқинларни ёра кетди.

Арзакан бир қанча вақтгача от тақасининг дарёнинг нотекис тошлоқ тубига тегиб тарақлаётганини эшитди, сўнг бу бўғиқ товуш тинди. Байтал суза кетди ва илгарилаб кетган айғирга етиб олди.

Тўлқин унинг сағрисиғача етган эди.

Тўлин ой эса чексиз баландликдан туриб, гулдираётган Ингурни томоша қиларди. Унинг нурлари сув жимжималарида ўйнаб, ипакдек товланарди.

Соҳил кўринмасди. Ингур ўз лойқа сувларини осмонгача ёйиб юборгандек кўринарди.

Сув Арзаканнинг тиззасиғача етди.

Отаси йўлни қия олди. Арзаканнинг назарида у орқага қайтаётгандек туюлди. Аввалига отлар бамайлихотир сузиб боришди, лекин дарёнинг ўртасига етганда тўлқинлар куч ва шиддат билан келиб урила бошлади. Отлар, гўё қанот ато бўлгандай, гувиллаб, шувиллаб илгарилашарди.

Тўлқин Арзаканнинг эгари қошигача уриларди.

Белигача сувга кириб кетган Қац Звамбая тизгинни қўйиб юборди.

Арзаканнинг байтали гулдираган тўлқин билан курашиб, тикка сузарди.

Ингур тўлқинлари ичра қутурган тўлқин ҳайдаб келган дарахтлар ҳам шўнғиб-шўнғиб оқарди.

Ана шу гирдоб ичра, тўсатдан, Арзакан қалбида зўр қувонч уйғонди.

Тўлқинлар узра оппоқ ой ўйноқларди. Осмоннинг оқ қиррасида, оқниш чеккасида Тамарнинг зангори кўзлари порлаётгандай туюлди.

Арзаканнинг назарида қийқириқ эшитилгандай бўлди...

Отаси кўринмасди. Қаёққа қарама Ингур. Бутун борлиқни Ингур эгаллаган эди.

— Ахахаит марджа!— деб қичқирди Арзакан. У бошини ўн-га буриб, отасини яна қақирмоқчи бўлди. Оқим олиб кетмади-микан уни... Балки ёрдамга муҳтождир?.. Гулдуросли ўкирик қулоқни қоматга келтирарди. Ўйноқлаган тўлқинларнинг кети, ниҳояси кўринмасди.

Қац Звамбаянинг оти йўналишини ўзгартирмай, ҳамон қия-лаб илгарилайди.

Ингур ўғлини тўғри йўлдан адаштиргани отага аён бўлиб қолди!

— Бошлиқни юзингга торт!— деб қичқирди у ўғлига.

Беҳуда! Эшитмади.

Ингур тажрибасиз отлиқ билан байтални тортқилаб кетган эди.

«Зарари йўқ!— деди Қац Звамбая ўзига.— Дарё билан бир олишиб кўрсин-чи, жигарбандим. Пушти камаримдан бўлган зур-риётим! Майли, оқ-қорани танисин. Ундайлигимда Ингурни як-ка-ёлғиз сузиб ўтардим».

Қац Звамбая соҳилга етиб қолганда, тўлқинлар ичра зўрға кўзга ташланиб турган Арзакан ғойиб бўлди-қолди.

Шунда отанинг бутун қалбини хавотирлик алангаси қоп-лади ва у отининг бошини буриб, тўлқинларга отилди.

Ота бошлиқни бостириб кийиб олиб, оқим бўйлаб сузарди. Маккор тўлқинлар орқасидан қувалаб келиб, зарб билан кекса отлиққа урилади. Лекин Қац тизгинни қаттиқ торгганича ти-хирлик билан отини суради.

Отда сузиш хатарли бўлиб қолди. Тўлқинлар чоханинг чети-гача келиб уриларди. Қац буркасини ечиб тизгинни эгар қоши-га ўради-да, дарё қўйнига отилди.

Сув отни нари суриб кетди. Лекин Қац Звамбая, тўлқинлар-ни елкаси билан ёриб, отнинг думига маҳкам ёпишиб олди.

Улар шу алфозда суза кетдилар. Сувдан отнинг калласигина чиқиб турарди.

Ана, ниҳоят Қац Арзаканнинг қорасини кўриб қолди. Қац ўйноқлаган дарёга таҳдид қилиб, ўғлига далда бераётгандай Ингур узра бир ҳайқирди.

Арзакан эшитди. Тўсатдан пайдо бўлган куч билан, отининг сувдан чиқиб турган гарданига қараб бир урди ва узангига маҳкам ёпишиб, байтални чапга бурди.

Ота-бола соҳилга етганларида тонг ёриша бошлаган эди.

Қац Звамбаянинг чеҳрасида мамнун бир табассум пайдо бўл-ди: ахир у сувда ўғлидан ғолиб келди-я!

Осмонда сўфитўрғайлар қуёш ва ўрмон шарафига баҳор гимнини куйлашарди.

Буталар орасида қизил бўйин қушча чирқилларди.

Ўз йиллик қарағай ҳам япроқ чиқарган; баҳор унинг ҳам ҳуснига ҳусн қўшган эди.

Тонггача қоялар билан олишган Ингур ҳайбатли тўлқинла-рини ҳамон гулдиратарди.

Қарагай папоҳида ҳордиқ чиқараётган ҳорғин йўловчиларга тўлқинларнинг бу бетиним гулдуриси, миллионлаб овоз жўр бўлаётган «Эргеашва» қўшиғига ўхшарди...

ЗУЛУК ЭГАСИ

Шервашидзелар хонадонидида қадимдан ўрнатилган тартиб бор: Тариэл бобо пинакка кетса бас, катта-ю кичик бирдай оёқ учида юриши керак.

Протоиерей¹ Тариэлни Абхазияда ёмон кўриб қолишди, чунки у революциядан кейин жуббасини ечмади, янги тартиблар билан чиқишолмади, оғзига келганини аямай, ҳар хутбада большевикларни қарғишлади. Уларни саддуқлар ҳам деди, филистимликлар ҳам деди, араб ҳам деди.

Хуллас, уни Абхазиядан суриб чиқаришди.

Шундан кейин у ўзини «худо йўлида азоб-уқубат чеккан жафокаш» деб кўрсатди ва Зугдидига келиб ўғлиникида яшай бошлади.

Херипс Шервашидзе гинеколог эди.

Қабул соатларидан ташқари пайтларда, ёки ўғли йўғида Тариэл бобо унинг кабинетига кириб олиб, инжил ёки псалом ўқирди. «Араблар», «душманлар», «телбалар» деган сўзлар ўрнига «большевиклар» сўзини қўйиб ўқирди у. Қарғишлай-қарғишлай, диний насиҳат ва буйруқларни ўқиб юрагини бўшатгач, ўғли операциядан сўнг беморларни ётқизадиган қора чарм сирилган диванга чўшарди.

Деразаларнинг дарчалари зич ёпиқ. Уларни ҳўл тахталардан ясаган бўлсалар керак, қуриб тирқишлари орасидан қуёшнинг сарғиш нури сизиб кириб, шкафнинг металл деворида ва ойна ортида тартиб билан терилган гинекологик асбобларда: никелланган қисқичда, каттакон омбирда, автоматик ойнада, катетер ва металл кранно-кластда акс этади.

Қуёшнинг заиф нури яна доктор Херипс Шервашидзе ажодлари портрети атрофидаги зарҳал ромларда ҳам ўйнайди.

Уй эгалари бу суратларни қоқиб-тозалаб турмаганлиги, ҳатто, ним қоронғиликда ҳам сезилиб турибди: ромларнинг баъзиларининг чеккасини ўргимчак уяси боғган, баъзи суратларга пашшалар ўтириб ташлаган.

Қаҳрамонлар сурати маҳорат билан чизилган эмас!

Чапдан биринчиси — Мурзакан, Тариэл Шервашидзенинг бо-бокалони.

Унинг эғнида узун қайтарма энгли грузин камзули.

Оилада юрган ривоятларга кўра, у Абхазияда ҳукмронлик қилган — бир қориндан талашиб тушган акасига қарши қурол

¹ Протоиерей — олий мансабли поп. (Тарж.)

кўтариб, Вахтанг VI саройига қочган ва турклар биланми ва ё прусслар биланми бўлган жангда ҳалок бўлган.

Қорайиб кетган суратдан унинг хира тортган чеҳраси кўзга аранг ташланади.

Унинг ёнида, грузин қиличи бандига қўлини қўйиб, папах кийган басавлат кишининг сурати. Бир қарашдаёқ, унинг бир ўтиришда битта қўйни еб кетадиган авлодга тегишли эканлигини сезасан.

Бу баҳодир, имеретин шоҳи Соломон II даврида бош отбоқар бўлган. Руҳида шон-шухрат қозонгач, у шоҳ кетидан Трапезундга йўл олган ва отаси сингари бегона ерларда шаҳид бўлган, ўлиги ўша ёқларда қолиб кетган.

Нарироқда, ранги ўнгиб кетган суратдан Тариэлнинг бобоси Харзамон Шервашидзе қараб турибди.

Илм-маърифатни писанд қилмаслигига қарамай, у генераллик даражасига кўтарилшига муваффақ бўлган. У муҳожирликдан юз ўгириб, бир қўли билан Россияни тутса, иккинчи қўлини турк султонига узатган. Унинг кўкрагида қатор орденлар ярақларди.

Харзамон йигирма йил мобайнида Шамиль билан курашди, Григол Орбелиани билан Гунибгача борди. Қўзғолонни бостиришда русларга жон-жаҳди билан ёрдам берди. Аммо кунлардан бир кун чурак нон тиқилиб ўлди.

У билан ёнма-ён турган оқ соқол чол,— Тариэл Шервашидзенинг отаси — машҳур чавандоз ва овчи.

Манучар худди кўз қорачиғида йилтиллаган акс янглиғ отасига ўхшайди. Ўша-ўша улуғворлик, ўша-ўша ўсиқ қошлар орасидан хўмрайиб боқишлар.

У ички фронтда шон-шавкатга эришди: деҳқонларнинг соқолини юлди, хизматкорларни кўкрагига қайнаб турган бўтқа қўйиб жазолади,— кейин бу бўтқани итларга ялатди.

Тариэл отасининг «саховатда авлиёларга тенг келадиган» одам эканлигини таърифлаб, уни ҳурмат билан эсларди. Аммо бу «авлиё» озмунча бегуноҳ жонни нариги дунёга жўнатди-ми?!

Ана шу мартабали ва мартабасиз димоғдор зодагонлар галереяси сўнгида Тариэл Шервашидзенинг хотини Жаҳонанинг сурати турарди.

Номаълум рассом Жаҳонанинг нозик-ниҳол қоматини, нафис, лимон рангга мойил жилваланган, келишган чеҳрасини усталик билан чизган эди.

Шафтоли гули рангидаги товар қалпоқ бошида. Юпқа тўр кўйлак устидан оппоқ сатҳининг ҳар қаер-ҳар қаерига моҳирлик билан эман навдаси зарбоф қилинган шарф ташланган. Эманнинг япроқлари билан майда ёнғоқлари эса кузнинг хира рангида берилган. Княгинянинг қулоғида маржондан шингил узум.

Рассом мўйқалами учун яратилган бу гўзал аёл нигоҳи нас-

ли айниб-ўзгариб бораётган авлод вакилига хос нафис бир гўзаллик ва лағофатга тўлиқ эди.

Жаҳонанинг пишган тоғолча тусидаги кўкрак бурмасини чишига ҳам рассом кўп куч сарфлаган.

Рассом бу билан қадим грузин зарбофлик санъатининг ноёб нухасини авлодлар учун абадийлаштирган эди.

Ҳар бир доира — зарҳал бурма, ҳар бир тугун ва қирқ-қулоқ япроғи мисол ҳар бир ҳалқа рассом тарафидан жуда маҳорат билан чизилган эди.

Билакни сиқиб турадиган енг учидаги, бўтакўз рангидаги мовий ранг ипак билан тикилган петлялар ҳам нафислиги билан кишини ҳайратга солади. Аммо рассом ҳаммадан ҳам, Жаҳонанинг олтин пистонлар қадалган кенг зарбоф кўйлагини усталик билан чизган эди.

Жаҳонанинг бўйнида ёқутлар билан безалган хоч. Зарҳал попуқлар қизил бахмалга соя ташлаб турибди.

Собиқ протоиерей хотинининг сурати туфайлигина бу хонани танлаган эмас. Бу ер тинчроқ, унинг учун тинчлик дунёда ҳамма нарсадан афзал.

Уйдагиларнинг гангир-гунгури, хизматкорларнинг югуриб-елиши, кулгиси, эшикни тарақ-туруқ очилиб ёпилиши бунда аҳёнда эшитилади.

Ёши анчага бориб қолганига қарамай, Таризэл овдан, айниқса балиқ овидан қолмайди. Лекин хоналарда шамол юришидан, санчиқлардан ўлгудай қўрқади ва: «Эшик! Эшик! Эшикни ёпинглар!» деб қичқиришдан тўхтамайди.

Таризэл бобо диванда мудраб ётади. Кундадек оғир оёқларини чўзиб, товонларини сувоғи тўкилган, ғиштин каминга тираб, қизил чувагини томоша қилиб ётипти. Унинг семиз, сержун қўли қорнида. Бу қўллар пишмаган тамаки тусидаги доғга айланган сепкиллар билан қопланган. Бўғинларида йирик-йирик тугунлар. Чол, грек қайиғи сингари учи қайрилган грузин чувагига маъносиз тикилиб ётади. Чувакнинг ўнг пойи йиртилган, ясси товони кўриниб ётибди; ана шу ясси оёқлик, бир вақтлар император гвардиясига киришга халақит берган эди.

Кейин у кўзини, кўмир билан чизиб ташланган каминь сатҳига тикади; жўн сувоқчи каминь бетиде хўроз уриштиришни тасвирлаган, бекорчи хизматкорлар ёинки болалар унинг атрофини ғалати мажозий белгилар ва жониворларнинг сурати билан тўлдириб ташлаганлар.

Таризэл бобо бошини кўтараркан, гўштдор бағбақасига тегиб турган архалухининг илгагини узиб юборди-да, каминь тепасидаги токчаларни кўздан кечири бошлади. Токчаларда рангдор гулдонлар, банди ва тор бўйнига дидсизлик билан зарҳал берилган май солинадиган кўзалар турарди. Улар ўртасида яшилга мойил сув тўлдирилган катта банка.

Ҳар йили кузакда бобо, қон олдириш учун, шу банкага зулук йиғади.

Зулуклар гоҳ вергул бўлиб букилади, гоҳ тугун тушади, гоҳ ҳалқа мисол ўралади. Қуёш нурининг яшилга мойил акси сувдан ўтиб, деворга тушиб титрайди. Таризел бобонинг хира тортган кўзлари қуёш нурларининг бу ўйинини томоша қиларкан, болаларча завқланади.

Мана, Таризел бобо оёғини каминдан олиб, бири устига иккинчисини қўйди-да, пружиналари эскириб, бўшашиб кетган қора диванга чуқурроқ чўкди; у энди жилваланган нурларни қизгиш узун киприклари учида тутиб туришдан ожиз. Кўзлар ором берувчи ҳолсизлик-ла ўз-ўзидан юмилади.

Бекорчиликдан чарчаган бош бир ёнга қийшаяди. Буюмларнинг тахлитини ажратишга ҳам ортиқ мадор йўқ. Ноаниқ фикрларнинг сўнгги узук-юлуқ бўлаклари ҳам сўнади. Қадимий соатнинг бир меъёрада чиқиллашигина унинг хаёлотга чўмган руҳини ҳаёт билан боғлаб туради. Соат кафтгири бир дақиқага тинса, нурнинг жилваланиши ғойиб бўлса борми,— чол чуқур уйқуга чўмади.

Тушдан кейинги қуёш ғарбга ёнбошлайди. Денгиз тарафдан шабада эсади. Босилиб кетган пичан ғарами тепасида Бролиа ҳуради. Эринчоқлик билан ғингшиб, жим бўлади, кейин гўё уйқусирагандек, яна икки-уч бор вангиллаб қўяди-да, жим бўлади. Ҳаракатсиз ҳавода жимлик...

Аллақаерда товуқ қақағлади.

Тўсатдан жуда яқин жойда, шундоққина қулоғи тағида Тарининг жарангдор овози янгради:

— Лукая, отнинг эгарини туширма!

«Херипс қишлоқдан қайтган бўлса керак. Ҳм... Макрине эсон-омон қутулиб олдимикан? Пойгага абхазлар келгандир балки»,— деб ўйлади Таризел бобо уйқу босган кўзларини очмасдан.

Бўғиқ тарақлаш... Теракка боғланган от ер тепинди.

«Шу чоққача отни тақаламабди, ярамас!» деган фикр кечади Таризел бобонинг миясидан.

Қисқичбақалар туйнуқларидан шуълага қараб, тисарилиб чиқиб келгани каби бобонинг ҳам уйқу босган онгидан ноаниқ фикрлар сизғиб чиқа бошлади.

«Лукая ношуд, эсини еб қўйибди, қари тентак! От тақаланганими, тақаланмаганими, унга барибир!» Бобонинг жиғибийрони чиқди. Лекин пусиб келган уйқу уни тинчитди.

Лекин шунда ҳам, Таризел бобо, уйқу аралаш Лукаянинг отни теракзор оралаб олиб ўтаётганини эшитиб ётди; у ҳатто от қоқилиб кетганини ҳам тақасининг товушидан ажрата оларди.

Қўшни хонада хизматкор аёл алланимани тушириб юборди, қотиб қолди ва оёқ учида югуриб чиқиб кетди. Ошхонада ликопчани синдиришди; аёл кишининг жаҳлдор овози эшитилди...

«Каролина Татияни койиётган бўлса керак. Кечиққанг учун эрини уришаётган бўлиши ҳам мумкин. Вунақа минғир-минғир

хотинни душманига ҳам раво кўрмайди киши, душманга ҳам», — овозини чиқаргудай бўлиб ғўлдиради Таризэл.

Молхонада эчкилар маърашади. Овозини синаб кўраётган жўжахўрознинг хирилдоқ қичқириги эшитилади.

Таризэл бобо муштини даханига тираган эди, чеккалари саргайган оппоқ узун соқол орасида ғойиб бўлиб кетди.

Унинг киприклари ва қип-қизил бетларида уйқу қанот қоқди.

Қанотларини визиллатиб чивин келиб қўнди бурнига. Қошлари, улар кетидан эса пешанасидаги ажинлари липиллади. Лекин чивин жуда хира, қимир этмайди. Чол бошини чайқади, узун, кизгиш киприклари эринчоқлик билан очилди; қип-қизариб кетган кўзлар бир дақиқа бўшлиққа тикилди. Сўнг яна юмилди.

Қаердадир, узоқда ғала-ғовур. Дўмбира чалишяптими ёки Шервашидзеларнинг сарой ибодатхонасида занг уряптими, англаб бўлмасди.

«Нима бўляпти асти? Большевикларни қувиб чиқаришмаяптими кан-а?»

Муштлири бир-бири билан уришиб қолган оға-инилардек икки ёнга ажралди; қўллар қориндан сирғалиб тушиб, мурда-никидек осилиб қолди. Тер босган юзида билинар-билимас табассум ўйнади.

— Ого-го-о-о-о! — деб ғўлдираб қўйди.

Юқориги лаби сал титради, — энди Таризэл марҳум хотини Жаҳона билан сўзлашарди.

Ёш куёв тоғ билан уйғонди. Лукая отни жиловидан тутиб келаётир, ўзини ҳар ёнга урган ов итларини куч билан тўхтатиб турибди.

Лочин шиқилдоқлари шиқиллайди.

Нонушта тўрва халтада. Таризэл овга отланаётир. Жаҳона болохонада унга қараб турибди. Маржонтугмали заъфар ранг халат қоматини сириб турарди. Унинг кўкраклари пишган анор янглиғ дуркин.

— Бугун овга борманг, дадаси, — илтимос қилади у (абхаз одатига кўра аёл эрининг исмини айтиши мумкин эмас).

— Нега бунча ташвишланасан, азизим?

— Ёмон туш кўрдим.

— Қолсам нима берасан? — сўрайди у соҳибжамол хотинига жилмайиб.

— Сочларимни кўрсатаман.

Жиловни Лукаяга ташлаб, Таризэл хотини кетидан ётоққа кириб кетади. Хотини, оппоқ дўррасини ечиб, тиззасига урадиган сочини бўшатади.

Таризэл бобонинг сўлиган кўнгли, тушида, анча таскин топди. Лабларида табассум ўйнади, бироқ бирдан рояль овози янгради. Бахт гаштини суришга қўйишмади, хаёлни бузишди. Узоқ-узоқлардан пусиб келган товушлар гоҳ кучаяр, баландлар,

гоҳ қўнғироқ бўлиб жангиллар, гоҳ лочин шиқилдоғи бўлиб эшитиларди.

Уйқудан оғирлашган тана жонланди. Таризэл қўлларини оҳиста ёйиб, бошини кўтарди.

Ботиб бораётган қуёш деразага яқинлашиб, янги куч билан қиздирарди. Унинг қизғиш нурлари хонанинг бошидан оёғига узун-узун йўл бўлиб тушиб, унда майда тўзонлар ўйноқларди.

Таризэл бобонинг боши офтоб нурларида мис шлемдек ярақларди. Қизғиш қошлари, оппоқ соқоли чеккаларидаги сарғиш гардиш олтин янглиғ товланиб кетди.

Овозлар яққолроқ эшитила бошлади.

«Ким ўзи-я, чалаётган?»— ўйлади Таризэл бобо.

Шабада қия қилиб қўйган деразадан тушган офтоб нури чарақлатиб юборди хонани. Таризэл бобонинг кўзлари қамашди, керишиб олиб, кўзларини очди, сержун қўлларини чўзди.

Ҳассасини қўлига олиб диван қиррасига уч марта урди. Эшик оҳиста очилиб, остонада Тамар пайдо бўлди. Очиқ рангдаги чит кўйлак кийган Тамар, шафтолизор боғда ёғду сочаётган офтобга ўхшарди.

— Қим чалди?— сўради Таризэл.

— Тараш Эмхвари. Ҳозиргина келди. Меҳмонга чалма, деб бўлмайти-ку...

— Отда келдим?

— Йўқ, Очамчир поезди билан.

Чол жим бўлиб қолди.

— Сизга ҳеч нима керакмасми, бобо? (Кичкина Татия чолни шундай атар, оиланинг бошқа аъзолари ҳам унга таҳассуб қилиб шундай атайдиган бўлган эдилар.)

— Йўқ, боравер,— деди Таризэл ва кўз қири билан қизини кузатиб қўйди. Тамарнинг сочи тақнимигача тушарди.

«Жаҳонанинг ўзгинаси»,— ўйлади Таризэл бобо ва девор томонга ўгирилиб яна кўзини юмди.

Кўз ўнгида яна Жаҳона пайдо бўлди — лекин бу гал Тамарнинг ёшидаги чоғи эди унинг. Худди шундай ҳушқад, сочларида эса худди шундай эриган мис ранги жилваси.

Агар ана шу Жаҳонани эслатувчи ўхшашлик бўлмаганда эди, Таризэл бобо, оромини бузишга ижозат бергани учун, қизини сира-сира кечирмасди.

КОЛХИДА БУЛБУЛЛАРИ

«Ул париваш ёй отмоқни абхазлардан ўрганди»,

Висрамиани.

Тамар креслода деразага қараб ўтиради.

Боғ гулга бурканган.

Олча абхаз келинидай оппоқ либосда. Шафтолилар гуллапти. Ипақдай майин кўкатларга гулбаргларини тўкаётган олма-лар қор зарраларига белангандай.

Зумрад тусда ёйилиб ўсган чой буталари боғнинг ярмидан кўпини эгаллайди.

Шабада мандарин дарахтлари учини ва магнолия дарахтининг оғир япроқларини силкитади.

Тараш Эмхвари Григнинг сюитасини чалаётир. Унинг бармоқлари рояль клавишларида энгил сирғалади, фикр-хаёли эса уни қояли Норвегияга олиб учади. Апрель ойида унда олмалар гуллайди, иссиқхоналарда шафтолилар пишаётган бўлади.

Унда мовийга мойил қор далалардан ҳали кетмаган бўлади.

Тамар тоғ ортига ёнбошлаётган апрель қуёшига тикилади. Унинг нурлари яшил ўтлоқларда сўниб боради, дарахтларнинг ярқироқ либослари тусини йўқота бошлайди.

Кундузи ўлжалар йиға-йиға оғирлашган асаларилар далалардан, полизлардан, яйловлардан қайтаётир.

Боғда шунақанги бир сокинлик ҳукмронки, рояль товуши тиниб, Тараш ноталарни кўздан кечира бошлаган чоқда, асалариларнинг ҳорғин гўнғиллашини Тамар аниқ эшитади.

Олчанинг ва шафтолиларнинг диркиллаган япроғидан соя қуюқлашиб боради. Елғиз акас дарахтларининг тўқ тусга кира бошлаган новдалари орасидангина тушиб турган нур кўзга ташланади.

Тараш Эмхвари клавишларга яна урган чоқда, бирдан булбул ўзининг апрель куйини бошлади.

Тамар иккинчи деразани ҳам очиб юборди, тирсагини дераза тоқчасига қўйиб, бутун вужуди билан қулоққа айланиб, тинглай бошлади.

Тараш, биринчи бор кўраётгандай, унга тикилиб қолди.

Кибрли қайрилма қошлар. Қоп-қора узун киприклар. Чехрасининг нозик бичимларида грузин мадонналарининг назокати. Бурун чеккаларининг пирпираши жанубга ҳос эҳтиросдан далолат беради. Тамар қандайдир эзгуликда иштирок этаётгандай турарди. Унинг бу ҳолатини музика таъсиридан, баҳор латофатидан деб ҳисоблади Тараш Эмхвари.

Мисли топилмайдиган нафис қўшиқ куйларди булбул.

«Жаҳондаги энг яхши шоир ва куйчи!»— деб ўйларди Тамар Шервашидзе.

Колхида булбули ҳақида эшитган бирон кимса борми ичингизда?

Қизиқ! Қадимий Колхидада бўлган кузатувчан грек авторлари ҳам, рим тарихчилари ҳам унинг булбулини кўрмаганлар. Эронликлар булбулни мадҳ этганлар. Грузия шоирлари ҳам мадҳ этишган уни.

Лекин Колхидада қайси ҳовлига кирсангиз булбул кўрасиз, қайси боққа кирсангиз булбуллар навосини эшитасиз! Колхидада ҳар бир деҳқон ҳовлисида булбул бўлади.

Деразанинг шундоққина ёнида биттаси наво бошлади. Кўп ўтмай, гўё у билан мусобақа бошлагандай, иккинчиси сайрай кетди.

Тамар Тарашни ёнига чақирди. Тараш роялни ташлаб унинг ёнига келди ва икковлон тинглай бошладилар. Икки куйчи кетидан учинчиси наво бошлаб юборди.

Дераза тагида куйлаётгани гоҳ ёнгоққа қўниб турган иккинчи булбул билан мусобақа ўйнагандай авжга минар, гоҳ акас дарахтлари орасида тун руҳи янглиғ хўрсиниб қўяётган учинчи булбулни ким ўтарга чорлагандай бўларди.

— Ёлғизликда қолган кимсадек ҳис билан куйловчи бўлмайди. Қўшиқ, фақат ёлғизликда яратилади,— деди Тараш.

Тамар ҳайрон қолди: бу гап Тарашдан чиқаяптими? Тараш Эмхваридек ташвишсиз спортсмен, ўз юртида ёлғизликдан нолияптими!..

— Бу сўзлар романтик эътирофга ўхшайди,— давом этди Тараш.— Лекин улар мени енгиллата оладими, ғам-ғуссадан холос қила оладими?

Ёлғизлик азобини у тонгда ёки кечалари эмас, оқшом палласи — ҳали кундуз кетиб, тун тушиб улгурмаган чоқда, осмон оҳиста оқиш тус олиб, унинг фонида дарахтлар ва тоғлар, худди кўмир билан чизилгандай тим қора бўлиб кўринган чоқда, айниқса, ҳис қиларди, бу пайт соя нурдан айрилиб, қуюқ соя тушмаган бўлади. Чироқлар нури ҳали равшан тортмаган бўлади.

— Шундай чиройли сўйлайсанки, шоир бўлсанг ҳам бўларкан,— дейди Тамар.

Болалигида Тамар Тараш билан ҳамма вақт сенсираб гаплашарди. Улар бир мактабда ўқишган, Тараш чет элга кетганга қадар бирга ўсишган. Лекин шу бугунги сенсираш Тарашни аллақандай қилиб юборди.

Шоирларга ҳавас қиладиган жойи йўқлигини айтди Тараш. Шоирлар — оламда энг бахтсиз одамлар, қарта ўйинини ҳаётининг мазмунига айлантирган қартабозларга ўхшашади улар. Майхўрларга ўхшаб ўзлари тўқиган сўзлардан ўзлари кайф қилишади.

— Халқимга бўлган муҳаббатдан гаранг бўлиб қолдим. Шунинг учун ҳам филолог бўлдим. Халқимнинг ҳар бир сўзини, ҳаётини, келиб чиқишини миридан-сиригача ўрганаман. Хўш, қалай, дерсан? Қўлим бўм-бўш, ишни нимадан бошлашни билмайман.

Тамар билан Тараш боғни қамраган тун қоронғилиғига тикилиб, ёнма-ён жимгина ўтиришарди. Ерга тўкилаётган гулбаргларнинг енгил шитири қулоққа майин эшитиларди.

Қўшни хонада Таризел бобо овозини чиқариб, псалтирь ўқирди:

«Кийик жилғага интилгани сингари, руҳим сенга интилади, худованди карим! Руҳим сени дейди, кўнглим тилайди сени раббим! Қачон ҳозир-нозир бўламан ҳузурингда, ё олло? Кўз ёшларим, кеча-ю кундуз ҳам нон, ҳам туз менга...»

КУЧУК БОЛАЛАР

— Ҳой, болакай! Лукая! Абхазлар келишди, оч дарвозани! — деб қичқирарди Тариэл бобо, ёнгоқ соясида ўтирган жойидан туриб.

Ошхонадан бош яланг, паҳмоқ соқол чол югуриб чиқди.

«Ҳой, болакай!» сўзи чолнинг оқ соқолига сира мос тушмас эди.

Шуниси ҳам борки, Лукаянинг соқоли оқ эмас, сарғиш, бо-силмаган жунга ўхшайди. Ўзи ҳам бели паст, суякдор, қўли узун, калта оёқ, пакана одам эди.

Лукаянинг ўнг оёғидаги бармоғи олтита. Чап елкаси, болали-гидаёқ, илк бор тутқаноғи тутганда чиққан.

Лукая қари таканинг шохи сингари эгри, итоатсиз оёқларини кўтариб ташлаб, лапанглаб чопади. У худди ўйнаб юриш учун болаларга ёғочдан йўниб бериладиган қўғирчоққа ўхшайди. Чопганида эса жуда кулгили бўлиб кетади!

Ошхонадан дарвозагача бўлган масофани зўр-базўр босиб ўтади у.

Эман дарвоза тагида тўхтаган меҳмонлар ҳовлидан кўрин-масди. Лукаянинг назарида бутун Абхазия кўчиб келиб, Шер-вашидзелар ҳовлиси дарвозаси ёнида тургандай бўлди. Чол-нинг кўнгли ёришиб кетди. У кучининг борича югурарди — ле-кин на чора! Уни меҳмонлардан ажратиб турган масофа жуда секин қисқарарди.

Лукая дарвоза ёнигача бир амаллаб судралиб борди, оғир қулфни зулфиндан чиқариб, икки қават тамбани олиб кўкра-гига қисди-да, узун таёқ тутган сатир¹ сингари туриб қолди.

Дарвоза ғирчиллаб оғир очилди. Лукая Қац Звамбая билан ўглини таниди. Кутилмаган шодликдан чолнинг ғўра узум ран-гидаги қийиқ кўзлари яшнаб кетди.

Қац отдан енгилгина ирғиб тушиб, жиловни Арзаканга таш-лади ва Лукая Лабахуани қучоқлаб, уч марта ўпишди.

Лукая Қац Звамбаянинг елкасидан қучди, кейин Арзаканга отилди. Лекин у чолнинг шилпиқ кўзини кўриб, ўзини четга тортди.

Лукая йигитга жуда қариб қолгандай кўринди. Унинг ориқ гавдаси янада кичрайиб, аввалгидан баттар қуриб кетган эди. Таралмаган соқол-мўйловлари туфайли, у итбалиққа ўхшаб кетарди.

Тариэл бобонинг тўнгакда ўтирганини кўрган Қац Звамбая у томон шошилди. Бошидан қалпоғини олиб, чолнинг сепкилдор қўлидан ўпди. Кейин чеҳраси ёришиб, навозиш билан чеккароқ-қа ўтиб турди.

¹ С а т и р — (грек мифологиясида) май ва айш-ишрат худосининг эчки шаклида бўлган фоҳишабоз ҳамроҳи. (Тарж.)

Арзакан чол билан ҳарбийларча, қисқагина омонлашди. Таризэл қизғиш киприклари ора нохуш бир қараб қўйди. Буни кўриб Арзакан бегуноҳ байталнинг жиловидан силтади.

— Гей, вара!— қичқирди Таризэл бобо абхаз тилида.— Лукая билан бориб, отларга дам беринглар!

Бундай муомала Арзаканга қаттиқ ботди, лекин у индамай Лукаянинг кетидан кетди.

— Уғлинг катта бўлиб кетибди. Баъзи-баъзида биз томонларда пайдо бўлиб қолади. Тамарни дарвозагача кузатиб қўйиб, аллақайларда ғойиб бўлади. Мендан ҳайиқса керак, хе-хе-хе! Қайси йили туғилган?

— Ингур тошган йили.

Қац протоиерейга нолиди: «Уғлимдан айрилиб қолдим, отахон, коммунист бўлди».

— Кичкиналарига юққани йўқми, ҳайтовур!

Қац Звамбая худди ўғли вабога йўлиқиб қолаётгандай ташвишга тушди.

— Ёлғиз мен қолибманми бу кунга, улар ҳаммани хароб қилдилар, отахон!

Қац коллективлаштириш ҳақидаги гапни чўзиб, ҳаммани зўрлаб колхозга киритмоқчи бўлаётганлари, «сеники», «меники» деган нарсаларнинг бўлмаслиги, ҳамма нарса, ҳатто колхозга кирган хотинларгача умумий бўлишлиги ҳақида сўзлади.

Тбилисидан келган Алания деган одамнинг айтишига қараганда, оламда шундай даҳшатлар бўлаётганмишки... ота-она бағридан гўдакларни юлиб олишаётганмиш, кейин уларни Америкага жўнатишармиш... Большевиклар америкаликлардан қарз бўлиб қолганмиш. Яқинда у ёқдан пароход келармиш-да, тирик чақалоқларни шунга босишармиш.

— Йўқ, олло таоло ўз бандаларидан юз ўгирмайди!— Таризэл бобо Қац Звамбаяни юпата бошлади. Рим папаси салбосалб юриши бошламоқчи... Бу «васваса» узоққа бормайди. Таризэл қадимги христианлар матонатидан ўрناق олишга чақирди, «исроилликлар, мисрликлар зулмидан қандай қутулганларини» эслади, большевикларни Кватахевск монастир монахлари бўйнига қўнғироқ осган Темурлангнинг шаккоклигига ўхшатди. Таризэл бобо ўтган кеча кароматли туш кўрди: келаси пасхагача¹ тортиб олган ер-мулкларини қайтиб беришади, у яна ўз қавмларини қайтиб олади.

У тушини энди айтиб бермоқчи бўлиб туриб ҳам эдики, Каролинанинг дори ичадиган вақт етганини эслатиб чақираётганини эшитди.

Собиқ протоиерей тунги ва эрталабки ибодатни камдан-кам бўлса-да, қазо қиларди-ю, лекин дорини вақтида ичарди. Белги-ланган миқдордаги дорини ютгач, Таризэл бобо, Қац Звамбая

¹ П а с х а — христианларнинг диний байрами. (Тарж.)

келтирган хабарлардан ҳаяжонга келиб, кабинетга кириб кетди. Сўнг псалтирни тўғри келган еридан очиб ўқий бошлади:

«Қаҳр-ғазабингни рақибларга қарат, олло, ўзинг буюрган кунларга етқаз...»

Сатрларга енгилгина кўз югуртираркан, овозини баландла-тиб давом этди:

«Ғуноҳга яраша жазо берувчи олло, кимда-ким юз ўғирса қиличини яланғочлар; камонини ўқлар ва уни худо йўлидан қайтганинг изига юборар...»

Арзакан Шервашидзеларнинг янги мулкни, ғиштин уй, ме-вазор боғ ва далаларини диққат билан кўздан кечиарди. Уй ортида, орқа тарафдаги эшикдан нарироқдаги тўр беланчақда гулдор кўйлак кийган икки аёл кичкина Татия билан ўйнаб ўти-рарди. Улардан биронтаси ҳам Тамарга ўхшамасди. Жигар ранг қалпоқ кийган учинчи аёл зинадан тушиб келарди. У Херип-нинг хотини Каролина эди.

Арзакан сал бўлмаса Лукаядан: «Тамар кўринмайди, бетоб эмасми?» деб сўрай ҳам деди-ю, лекин тортиниб индамади.

«Университетга кирмоқчи бўлиб юриб эди, Тбилисига кетиб қолгандир балки?..»

Шундай бўлиши мумкин, деган фикрдан юраги орқага тортиб кетди.

Тераклар ўртасига тортилган симда ювилган либослар ёйил-ган. Арзакан Тамарнинг ҳамма кўйлаklarини яхши танирди. Бу кийимларнинг биронтаси ҳам унга таниш эмас эди, Тамарнинг Зугдидидалигини тасдиқловчи ҳеч нима йўқ. Кеча отни қанчалар чоптирди Арзакан! Тезроқ бу ерга етиб келиш учун бир ой даво-мида райкомдаги ишини тугатишга уринса-ю, у бўлса — кетиб қолса. Зугдидида бу ҳовлиқма кашиш билан қари тентак Лукая-ни кўриш учун кечаси Ингур тўлқинлари билан олишдими!

Лукая меҳмонларни ўз омборхонасига бошлаб келди.

Кексалар ўтган кунлар ҳақида суҳбатга тушдилар. Омборхо-на дим эди. Бу ердан каламушними ё қуриган чобраними ҳиди келар, бунинг устига сассиқ этик ҳиди қўшилган бўлиб, Арзакан яхши ажратиб ололмади... Боғлам-боғлам қалампирлар, даста-даста чобралар, қуриган пастила¹, узум ва мева йиғадиган эски-туски, бўш саватлар деворга осибди.

Абхазиядан кетгандан кейин Лукая бутунлай ақлдан озган бўлса керак. Эски медаллар, турли-туман ярқироқ шақилдоқлар ва темир-терсақлар ёнига энди у иконалар, кашишларга тегишли буюмлар, эскирган генераллик эполетлари², аксельбантлари³, критлар, заржияклар, князь Хециа шуиқорларининг шиқилдоқ-лари, аллақандай темир безаклар, сипарлар, думпешлар ва эгар-жабдуқларни қўшиб олган эди.

¹ Пастила — мева қиёмидан қилинган ширинлик.

² Эполет — парад кийимига тақиладиган зарбоф погон.

³ Аксельбант — баъзи ҳарбийларнинг елкасига тақиладиган зарбоф чилвир.

Арзакан чарчади. Лукаянинг, отасига ўз орттирганларини ёйиб кўрсатишини жирканиб кузатди.

— Мана бу олар бир вақтлар Теклет монастирининг игуменьясига¹ католикос² томонидан тақдим қилинган. Мана бу риза³ собиқ дадианиларнинг кийимидан, ҳаётбахш ҳоч ёғочидан ясалган, мана бу икона княгиня Мегрельскаянинг ётоғига осилган. Шавкатли княгиня ҳар куни шу икона қаршисида ибодат қилган...

Лукая бор бисотини кўз-кўз қилишда давом этди: мана бу фалон ибодатхонанинг муқаддас мурдаси... ва Лукая каттакон болдир суягини ағдариб кўрсатди, сарғайиб, қуришиб кетган бўғинларни столга терди ва асрлар тўзони-ла қопланган бош суягига оҳиста қўл теккизиб қўйди.

Бадбуруш миттининг художўйлиги Арзаканнинг жиғига тегди. Қац Звамбая нафасини ичига ютиб тингларди. Ҳар авлиё номи тилга олинганда эса: «Раҳм-шафқат қил!» деб юборарди. Лукая бўлса, ҳамон аллақандай ифлос латта боғламларини очиб, янгидан-янги хазиналарини намоён қиларди.

Қорайиб, ис босиб, ўргимчак уя қўйган қазноқдан увада ва моғор ҳиди анқирди.

Бу эски латта-лутталардан Арзаканнинг кўнгли беҳузур бўлиб кетди. Унинг ётиб дам олгиси келди. Тариэл дадасини овқатланишга тақлиф қилганини эшитган эди. Лекин у Арзакан номини тилга олмади. Ундан ташқари, комсомол бўла туриб, пасха куни кашин билан бир дастурхон тепасида қандай ўтирсин. Херипс Шервашидзе жуда эътиқодли христиан эмас. Лекин отаси ҳаёт экан, унинг раъйини қайтармайди. Лекин энг муҳими — Тамарнинг қаердалигини тезроқ билиш...

Арзакан узр сўради-да, (соқолимни олдириб келаман деди) омборхонадан қочиб чиқди.

Ташқарига чиққач, иккиланиб тўхтаб қолди: шаҳарга жўнасинми ё шу ерда кутсинми?

Икки қадам нарида ориқ қора ит ётарди. Ўн битта рангоранг кучук болалари атрсефида уймаланишарди. Итнинг ниҳоятда ориқлигидан, қовурғаларини ҳам санаш мумкин эди, териси туллаб кетганидан, эскирган наमतга ўхшарди. Кучук болалар очофатлик билан, бири олиб, бири қўйиб, қуриган анжир сингари буришиб, осилиб кетган эмчакни тортқилашарди. Вақт-вақти билан кучук болачалар безовталаниб ҳуриб қўйишарди. Тўсатдан уларнинг иккитаси — кўпиртирилган нишолдага ўхшаган оппоққинаси билан олхўрига ўхшаш кўкиш қораси, бир чеккага отилиб чиқишди. Нишолдага ўхшаган оппоққинаси олхўрига

¹ Игуменья — хотинлар монастирининг бошлиғи.

² Католикос — 6-асрда грузин православ черковдаги патриархлар унвони.

³ Риза — попларнинг ибодат вақтида киядиган тўни.

ўхшагани билан она сийнасини талашди чоғи,— деб ўйлади Арзакан.

Кучук болалар онасини эмаётганда шунақанги беозор кўри-нишардики, асти қўяверасиз! Балиқ уруғи мисол мойли йилти-роқ кўзларини шундай чиройли сузишардики, бағрингга босиб, ўпиб олгинг келарди. Қуришган эмчакдан узоқлашгач эса, кучук болалар ҳурпайиб олишди. Нишолда сифати тишини иржай-тирди, билар-билмас ҳуриб олхўри сифат кучукчанинг кўкраги-дан тишлади. Униси ғазабли ангиллаб, рақибига ташланди. Нишолда сифат кучукча думалаб тупроққа беланди... Ҳолдан тойган она ит бошини зўр-базўр кўтариб, уришқоқларга маъюс боқди-да, яна мудраб кетди.

Арзакан мийиғида кулиб қўйди. «Ҳамма ерда кураш!»— деб ўйлади у ва тут кўчатлари оралаб кетган хиёбон бўйлаб, дарво-за томон ҳомушгина йўл олди.

НАВУХОДОНОСОРНИНГ ТУШИ

Лукая Шервашидзеларнинг янги ер-мулкини — хўжайин-ларнинг тошдан бино бўлган уйини, қатор кетган ёрдамчи имо-ратлар: ошхона, май сақланадиган омбор, отхона, шунқорлар-нинг қўноқларини кўрсатиш учун Қац Звамбаяни ўз кулбасидан ташқарига олиб чиқди.

Каттакон ҳовлининг нариги бошидаги похол ёпилган уйни кўрсатиб:

— Бу ҳам сизларникими?— деб сўради Қац Звамбая.

— Бу ҳам бизники. Илгари у ерда князь Хецианинг итхо-наси бўлгувчи эди.

Дуч келган нарсаларнинг ҳаммаси ҳақида Лукая «бизники» деб гапирарди... Бир вақтлар грузин феодаллари саройини тўл-дирган девона ва жиннисанғилар тўдасининг сўнгги намояндаси бўлмиш бу Лукая болалигидан Шервашидзелар оиласида яшай-ди. Малайлик тушунчалари унинг қон-қонига сингиб кетган. У ҳамон илгариги тушунчалар билан яшарди.

Лукая бу ер-мулк, революциянинг ашаддий душмани, жан-дарм генерали князь Хециага тегишли бўлиб, унинг беваси томонидан Херипс Шервашидзега сотилганини ҳикоя қилди. Херипс чарчаш нималигини билмай кўрсатаётган хизмати билан янги ҳокимиятнинг ишонч ва ҳурматини қозонган.

Лукая бу янги қароргоҳига мажусийлик урф-одатларини ҳам олиб келган бўлиб, Шервашидзелар хонадонидаги эски хизматкорлар бунга риоя қилардилар.

Лукая, ҳар йили авлод боши Таризл Шервашидзе шарафи-га «ажира» афсунини ўқирди.

Бир вақтлар ҳам Лукая эндигина ниқоҳланган Таризл ва Жаҳона шарафига «ажира» афсунини ўқиганди.

Херипс абхазияга ёш келинчак — протестант динидаги не-

мис қизини олиб келганда, келинчак анг-танг қолган эди: унинг Европада кўрган-билганлари, эшитганлари ё ўқиганлари Лукаянинг жодуларига сира-сира ўхшамасди. Шундан кейин Каролина холис кохинни мажусий деб атай бошлади...

Рўза бошланганда, душанбалик ибодатга—Ой туққан кунда, Лукая оила аъзолари саломатлиги учун, алоҳида бир турли нон ёпарди.

— Менинг қўлимда қанот чиқаришди қушчалар,— дерди у Херипс билан Тамар ҳақида.

Херипс ёшлигида анчагача юрмади.

Лукая, Гапу деган ибодати билан болани оёққа турғизди. Каттакон кулча ёпиб, Херипсни қизил ип билан боғлаб, ошхона эшиги ёнига қўйди. Тамарнинг қўлига бир бурда чурак нон берди. Тамар югуриб келиб, акаси боғланган ипни узиб ташлади.

Агар Лукаянинг гапига ишонилса, шундан кейин орадан уч кун ўтмай, Херипс юриб кетибди.

Херипс ўн беш ёшга тўлганда қаттиқ оғриб қолди.

— Бу «жойидан»,— деди Лукая ва болани «она тупроқ» ибодатига қўйди. Тамарга латта-путтадан ясалган қўғирчоқ, олтита ёнғоқ ва бир ҳовуч ясмиқ беришди. Херипсни уч бор зирк дарахти атрофидан айлангиришди,— ҳар айланганда дарахт тагига биттадан ёнғоқ ва бир неча дондан ясмиқ кўмишди. Кейин у Херипсни ёнғоқ тагига олиб борди ва дарахт атрофини ҳар айланганида учтадан ёнғоқ ва ясмиқ ташлашга мажбур қилишди. Лукая чуқур кавлаб, ичига қўғирчоқни ташлади-да: «Менинг дардимни қўй, қўғирчоқ билан ўйна!» деб қичқирди.

Каролина Шервашидзелар оиласига Жаҳона ҳаётлигида кириб келди. Херипс ҳам, хотини ҳам абхаз урф-одатларини писанд қилишмасди. Лекин Лукаянинг Жаҳонадек таянчи бор эди. Протоиерей: «Ортиқча ибодат ҳеч зарар қилмайди» дерди-ю, ўзини четга тортарди. Хуллас, Лукая мақсадига эришди. Каролина, урф-одат бўйича келинлар учун расм бўлган ҳамма маросимларда иштирок этишга мажбур бўлди. Каролина кўлиб юборишдан ўзини зўрға сақлар, лекин қайнатасининг ҳурмати юзасидан ён берарди. Шуниси ҳам бор эдики, бу қадим одатлар унинг учун бир овунчоқдек эди.

Каролинани Тариэлга дарҳол кўрсатмадилар. Аввал уни хонадоннинг энг кичик аъзоси — Тамар билан таништирдилар. Кейин, Тариэлнинг ўзи келинни кўриш истагини билдирганда, Каролинани унга кўрсатишди.

Келинчак эрталабдан кечгача хонасидан чиқмасди.

Икки ҳафтадан кейин қурбонликлар қилиб, катта зиёфат бердилар. Келинни меҳмонлар тўпланган хонага олиб кирдилар. Каролинанинг назарида, салбо-салб қилинган ханжар устидан ҳатлаб ўтганида, боши айланиб кетгандай бўлди.

«Сув ёқасига олиб бориш» одати Каролинани жуда қизиқтириб қўйди. Шу кунни пешин пайтида қишлоқда тантанали

зиёфат берилди. Фақат эрга текканларгина дастурхонга ўтиришди. Овқатланиб бўлингач, Каролинанинг бошига ҳарир оқ рўмол ёпдилар, боши ва кўксини гуллар билан безадилар-да, дарё ёқасига олиб бордилар. Аёлларнинг энг кексаси бўлмиш Жаҳона «сув руҳларига» ибодатини ўқиб, улардан келини учун кўзи ёриганда, ипак қурти тутганда ва хуллас, рўзгор ишларида мадад тилади. Ибодат қилиб бўлгач, қайнона Каролинага сув сачратди, бошқа аёллар бўлса, сувга келиннинг боши тепасидан товуқ тухуми ота бошладилар. Каролина бўлса бу маросимнинг маъносига етмай, итоат билан жимгина турарди. Назарида шуларнинг барчаси тушида бўлаётгандай эди.

Лекин бир нарса билан — абхаз ва мегрел одатларига кўра, хотинга эрнинг исмини атаб чақириш ман қилиниши билан асло келиша олмасди.

«Бўлак мазҳабда бўлгандан кейин шу экан-да! Хар қанча уринганинг билан одатларимизни тушунтириб бўлмайди-я», деб тўнғилларди Лукая.

Каролина ҳар нарсага қизиқсинарди. Ҳамма нарса унинг учун янги, ғайри оддий эди!

Лекин йиллар ўтди. Телба бутпарастнинг тинимсиз ибодатлари, афсунлари, йиғи-сиғилари жонга тегди. Айниқса, абхаз меҳмондўстлиги малол кела бошлади. Шунинг учун Каролина Зугдидига кўчиб ўтганларидан хурсанд эди. Лекин келиб-келиб юрадиган абхазлар бунда ҳам уйни меҳмонхонага айлантириб юбордилар. Тариэл билан Лукая ҳаёт экан, абхаз меҳмонларисиз яшаб бўлармишми!

Мана бугун ҳам, тушликка, кутилмаганда, пойгага келган абхазлар келиб қолишди.

Тамар ҳам, бекани огоҳлантирмай, тушликка Тараш Эмхварини бошлаб келди.

Меҳмонлар энди дастурхонга ўтирмоқчи бўлиб туришиб эди, яна тўрт отлиқ етиб келди: кўзлари ҳўкизникига ўхшаш, сичқон ранг чоха кийган, пакана, чўтир Мачагва Эшба; лайлакка ўхшаш бўйни узун, калласи кичкина дароз Омар Маан; ўтмишини яширувчи, лекин юриш-туриши, саломлашишидан собиқ офицер эканлиги сезилиб турадиган ёғоч оқишиш бўйича агент Таташ Маршаниа.

Тўртинчи сувори Абхазияда яшаб қолиб кетган мегрель Кегва Барганджиа на абхазчани, на русчани ва на мегрель тилини яхши биларди. Унинг кўзга ташланадиган бирдан-бир нарсаси шалпанг қулоғи бўлиб, норғулроқ одамдан қирқиб олиб, унинг бошига ёпиштириб қўйилганга ўхшарди.

Меҳмонларни шу ерлик мактаб директори Шардин Алшибая кутарди. У, ўз сўзи билан айтганда, «кўздан йироқ» одам бўлиб, аслида, иккиюзламачи, ифвогар киши эди.

Алшибаянинг ётоғида большевик намояндаларининг сурати осиғлиқ бўлса ҳам, у революция душманлари ҳузурига янги-

ликлар билан аввало, ўзи югуриб борар ва эмигрантлар лагеридан тарқалаётган турли иғволарни қувонч билан етказарди.

Шервашидзелар оиласи билан Алшибаянинг муносабатлари яқин эди. Лекин шуниси ҳам борки, Херипс уни ёмон кўрар, Каролина назарига улмас, лекин солиқ протоиерей усиз яшай олмасди. Алшибая унга газеталар нималар ҳақида ёзаётганлари, эмигрантлар нима билан таҳдид қилаётганлари, большевиклар қандай тадбирлар кўрмоқчи бўлаётганлари ҳақида сўзлаб берарди.

Алшибая худосизлар жамияти аъзоси эканлигини яшириб, Таризэл олдида ўзини художўй қилиб кўрсатарди.

Ўқитувчининг қийиқ, серҳаракат боқишларидан унинг фикр-зикрини тўла уқиб бўлмасди. Кўзойнак ўқимишли одам тусини беради, деган умидда зарурат бўлмаса ҳам америка кўзойнаги тақарди.

Шардин шу ерларнинг бир неча тилини билар, у тўғрида сўзлаганда «жуда бийрон» дейишарди. У бир вақтлар юридик факультетни тамомлаган бўлиб, мактабда, негадир, физикадан дарс берарди. Очиғини айтганда, у ҳеч қайси бир тилни яхши билмасди. У грузин ва рус сўзларини мегрель тилига яқинлаштириб л ни ль шаклида талаффуз қилар, умумдабий грузин сўзларини бузиб, имеретин тилига яқинлаштириб а ўринга енишлатарди; баъзан у сўзлашганда гурий шеваси ҳам аралашиб кетарди.

Алшибая ўзини Херипс Шервашидзенинг тутинган оғаси деб кўрсатарди. Яширинча Каролинага хушомад қилар, лекин келин уни очиқ-ойдин назар-писанд қилмасди. Шундан кейин Алшибая Каролина билан юраман, мазмунида гап тарқатди шахарда. Лекин бунга ким ҳам ишонарди? Аммо шунга қарамай у, бу гап-сўзлардан мамнун эди.

Тамар, қадим одатга кўра, мис жом, обдаста ва сочиқ кўтариб келди. Энг аввал Таризэл қўлини чайди, кейин у Қац Звамбаёя қошига борди. Қац Тамарга қаради, ийманиб жилмайиб қўйди. Унинг миясида Арзакан ҳақида бир ўй пайдо бўлди. У биринчи бўлиб қўл ювишни лозим топмай, эгилиб таъзим қилди ва Мачагва Эшбани қўл ювишга таклиф этди. Мачагва ҳам миннатдорчилик билдириб, Омар Маанни таклиф этиб, унга қараб қўйди. Омар ҳам бўш келмади. Бир томондан, ўзининг ниҳоятда хуштавозелигини кўрсатиш, иккинчи томондан, ёшининг катталигини яшириш учун, аввал унинг қўлига сув қуйинг мазмунида, Алшибаяга имо қилди.

Тамар жилмайди. Шу ерлик иккала хотинбозни яхши билгани учун у, уларни унча қистамади. Ҳамма унга ишора қилаётганини кўрган Шардин жуда хуштавозе киши тусини олди ва навбатни Омар Маанга бераётганини айтиб, овози борича унга мурожаат қилди. Катта зиёфатларда бундай хуштавозелик минг бор такрорланар ва Шардин, ичида бундан куларди.

— Йўқ, йўқ, фақат сиздан сўнгина, жаноб Омар! Йўқ, йўқ, асло, тақсир!

Чохасининг енгини шимариб, Омар қўлини жом устига тутди. Қац Звамбаяни ҳамма унутган эди. Ахир Қац деҳқон-да! Собиқ дворянлар, улуғликни илгариги мансабдорликка қараб ҳисоблаётган эдилар.

Қац Звамбаянинг ўзи ҳам ўзини унутган эди. У Тарашнинг муваффақиятларидан ғурурланиб, ўзи тарбиялаб ўстирган йигитдан кўз узмасди. Абхазлар ҳам, абхаз бўлмаганлар ҳам Тарашга иззат-икром кўрсатаётганларидан Қац мамнун эди.

Шардин Алшибая Тарашга жуда хуштавозе эди. У ҳар дақиқа Тарашга чуқур маъноли саволлар берар, унинг қобилияти ва маданиятини мақтаб, кўкларга кўтарарди. Лекин ҳаммадан ҳам Тарашнинг инглиз костюми ва ён чўнтагидан чиқиб турган авторучкаси уни лол қолдирганди. У неча-неча бор Тарашдан авторучкасини олиб, синчиклаб томоша қилиб, қайтариб берди.

Шардин яширинча шеърлар ёзар ва болаларча соддадиллик билан, агар олтин пероси бўлса, шеърятда шуҳрат қозонишига, шеърлари Тбилисида босилиб туришига ишонарди.

Жом билан обдаста Алшибаяга етганда у, ёши улуғ деҳқондан аввал қўл ювишни лозим кўрмаслигини билдириб, Қац Звамбаяни туртиб қўйди.

Кегва Барганджиа аллақачоноқ абхаз ва мегрель одатларини унутиб юборганди. Қац ювиниб бўлиши билан Кегва ҳеч қандай таклифсиз Тамар қошига келди ва бетакаллуфлик билан сержун, калта қўлини жомга узатди. Яна шу билангина кифояланмай, эрталаб юзини ювишга улгурмаганини айтиб, пишиллаб, йўталиб бетини ҳам чайиб олди.

Тараш ҳаммадан кейин келди. Тамарнинг унга хизмат қилиб турганидан ўзини жуда ўнғайсиз ҳис этарди у. Лекин қўлига обдастадан шувиллаб сув қуйилганда аллақандай бўлиб кетди. Бу қадимий одат унга жуда манзур эди. У, меҳмон бўлиб келган қаллиқлари қўлига сув қуйган шарқ қизларини эслади.

Таризэл, одатга кўра, қисқагина ибодат қилиб олди. Шу пайт кечиккани учун узр сўраб, Херипс кириб келди. У касалхонада тутилиб қолган эди.

— Христос воскрес! — деб ғўлдиради кашиш.

— Воистину, воистину! — деган овозлар эшитилди ҳар тарафдан. Шардин Алшибаянинг овози айниқса яққол эшитиларди.

Лукая буги бурқираб турган бўтқани югуриб-елиб таширди. Унинг чехраси хурсандликдан яшнарди — оламда ҳануз ҳақиқий христианлар бор экан, ҳали дунё ост-уст бўлмаган экан! Лукая ҳаммадан ҳам, бетига салб шакли туширилган дўмбоқ кулич¹ туфайли хурсанд эди.

¹ Кулич — христианларнинг диний байрамларда пишириладиган думалоқ, ширин нони.

Дастурхонда турли ноз-неъматлар. Қимматчиликка қарамай, ҳеч нимадан камчилик йўқ эди. Ичига пишлоқ тўлдирилган, қоврилган чўчқача ўз тақдиридан мамнундек, тишини иржайтирарди.

Тамада сайлай бошлашди. Омар Маан билан Шардин Алшибаяни кўрсатишди.

Шардин қатъиян рад қилди.

— Омардек ҳурматли ва сўзамол одам билан беллашишни менга ким қўйибди!— деди у.

Омар Маан бўлса авлиё Георгий Илорский ва марҳум онаси ҳаққи қасамёд қилиб, кеча Ингурни кечиб ўтаётганда шамоллаганини айтди. Дарҳақиқат, унинг овози бўғилиб қолган эди.

Шардин Алшибая Қац Звамбаяга қаради. Қац ичкилик ичишда бўш келадиганларда эмас. Тамадалик қилишга ҳам уста. Шардин бунга яхши билади. Ундан ташқари, демократизмни кўрсатиб қўйиш ҳам ёмон эмас... Лекин қилмоқчи бўлган таклифи шундай бўғзида қолди. Таризэл ҳаёт экан, Шервашидзелар уйида Қац Звамбаяни тамада қилиб кўрсатиб бўлармиши!

Шардин тўпланганларга «бу масалада тажрибали ва устаси фараанг» деб Кегва Барганджиани таклиф этди.

Абхазлар овқатланишни бошламасдан Кегва чўчқа боласининг оёғини ея бошлаган эди. Алшибая унинг номини тилга олганда Кегва парво ҳам қилмади. «Думли тулки! Сенинг найрангларингни Кегва билмайди дейсанми? Унинг устаси фараанглигини ким кўрибди? Бирон марта Кегва тамада бўлибдими?»

Алшибая, дарҳақиқат, Барганджиани тамадаликка ўтмаслигини била туриб таклиф этган эди. Бу рақибни ерга киритиб юбориш учун қилинган найранг бўлиб — Таташ Маршанининг юрагини пойлаб отилган ўқ эди.

Таташ жуда уста тамада бўлиб, зиёфатни бошқаришни яхши кўрарди. Лекин унда тамадаликка йўл очиб берадиган дадиллик бўлмаганлигидан уни камдан-кам сайлардилар. Лекин ҳозир Таташ номи кетма-кет тилга олинаётган эди. Таташ ирғиб ўридан турди. Шардин Алшибая унинг иззат-нафсига тегди. Таташ бундай баланд даражали дастурхон устидан ичишга ҳам, сўзлашга ҳам ожизлигини айтиб, ён-веридагиларни гувоҳликка чақира бошлади. Сўнг Алшибаяга бир қараб олиб, Таташ Эмхварига тикилиб қолди.

Алшибаянинг юраги ғаш тортди, қандайдир хатар ҳис этди. Лекин шунга қарамай, Таташ Маршаниани мақтай-мақтай қўлаб-қувватлади.

Ниҳоят Таризэл Шервашидзе Шардин Алшибаяга етадиган тамада йўқ, деб эълон қилди ва бу тортишувга чек қўйди.

Шардин анчагача бунга рози бўлмай, ҳар хил баҳоналар қилди. Лекин унинг баҳоналарига ҳеч ким қулоқ солмади. Шундан кейин у «бу оғир юкни» гарданига слди. Биринчи қадаҳ

«бу оиланинг онахони» Жаҳонанинг ўчмас хотираси, худонинг раҳматига сазовор бўлиши учун кўтарилди.

Бир бурда нонни винога ботириб олиб, индамай ичиб юборишди. Иккинчи қадаҳ, ҳамма ўйлаганича Таризл Шервашидзе шарафига кўтарилди. Уни ажойиб, ўқимишли фарзандлари ва келин билан табриклаб, унга худди шундай ажойиб неваратилагач, Шардин, «тақдир томонидан қаттиқ сурилган қария», кейинги пасха байрамида, Шервашидзелар хусусий бутхонасида ибодат ўташ насиб этишига, тақдир унга ҳам бу муқаддас ибодатда иштирок этишга имкон беришига умид билдиражагини айтди.

Тамада шу бугун бўлиб ўтган, динга қарши намойиш масаласида ҳам тўхталди.

Шардин Алшибая Таризл Шервашидзенинг ва бутун Шервашидзелар оиласининг «ўрناق бўладиган мардлигини» ва «қатъиятини» кўкларга кўтариб мақтарди. У «Христнинг қийин бир вазифасини охиригача етказолмай» иродасизлик қилиб, жуббасини ечган кашиларни қаттиқ қораларди. У христиан дини тарғиботчиларини, ҳаворийларни ва уларнинг фидокорлигини эслади. Қадим Колхида аҳолисини христиан динига олиб кирган Андрей Первозваннийни эслаб ўтгач, Грузиянинг маърифатчиси муқаддас Нина ҳақида сўзлай бошлади... Сўнг «жазаваси тутиб» шунақа баландпарвоз сўзларни ишлата кетдики, тамаданинг гапига тушуниш учун Кац Звамбаяга грузин тилидаги билими етмай қолди.

Дастурхонга мазалик қовурдоқ тортилди. Тамаданинг ҳам иштаҳаси Кегва Барганджианикидан қолишмай кетди. Абхазлар шошилмайгина ейишарди. Қалампирланган, саримсоқланган ноз-неъматларни кўриб, ҳатто Тарашнинг ҳам, одатдан ташқари, иштаҳаси очилиб кетди. Тамада қадаҳни тугатгач, Тараш Каролинадан:

— What is thos speech-maker?¹ — деб сўради.

— Ah obscure person², — жавоб беради Каролина унга товуқнинг саримсоқ ва чобра ичида сиркаланган ичак-чавоқларини узатаркан.

Кегва Барганджиа полизга кириб олган бўрсиқ сингари очкўзлик билан ёприлган эди овқатга. У тамаданинг гапини эшитмас, ёнида ўтирган Тамарга парво ҳам қилмасди.

Омар Маан индамай ўтириб, сиполик билан овқатланарди: уч бармоғи билан бўтқани олар, бир бўлак пишлоқ синдириб, ялпиз сувига ботириб, оғзига соларди. Кейин узун қўлини столдан ошириб, устига ёнғоқ қайласи сепилган товуқни олиб, аввал тавозе билан Кац Звамбаяга тутар, кейин ўзига солиб оларди.

Мачагва Эшба енгини шимариб олган эди. Унинг қорни та-

¹ — Анави маҳмадана ким?

² — Анча мужмал шахс (англ.).

талаб кетаётган эди. Лекин ҳақиқий абхаз сифатида, князнинг уйида, ҳамманинг кўз олдида овқатга ёпишишни эп кўрмас эди ўзига. У Қац Звамбаяни кузатарди. Қац сустлик билан овқатланарди: Арзаканни ўйлаб ташвишланарди у. Қаерларда юрибди ҳозир? Мана шундай улуғ айём куни ота-боланинг бирига бўлмагани яхшими?

Тамада Омар Маанни мақтаб узундан-узоқ гапирди.

Тамар, ошхонадан Лукая ташиб келтириб турган таомларни меҳмонларга тартаётган хизматкор ёнида уймаланишарди.

Таризэл бобо кайф қилиб олган эди. Унинг икки бети қип-қизариб кетган эди. Ёқавайрон бўлиб, мўйловлари паҳмайиб кетган бобо: «Христос воскресе...» дея куйларди.

Тараш Эмхвари кайфи ошиб қолган кашишни кузатар, ўринча Тамарга қараб-қараб қўярди. «Шу бесўнақай, ёқимсиз чол Тамарнинг отаси-я, қизиқ?»— ўйларди у ўзича.

Баъзан шундай бўлади: севган қизингнинг отаси ёки онаси сенга ёқмайди ва бу гўё бир гуноҳдай севгилингга соя ташлайди: агар севгилингнинг уларга ўхшашлиги бўлса алам қилади жуда. Мабодо ўхшашлиги бўлмаган тақдирда ҳам аниқ биласан: уларнинг томирида бир қон оқади. Осмонга бўй чўзган теракни кўрганингда ана шундай завқланасану, лекин унинг тупроққа беланган қўпол илдизлари ҳақида ўйлашни хаёлингга ҳам келтирмайсан.

Тараш Эмхвари католик ва протестант мазхабидаги мамлакатларда тарбияланди. Унинг кўзи озода кийинган, соқоллари қирилган, бетига упа қўйилган аббат¹ ва пасторларни² кўриб ўргангани учун, пала-партиш, паҳмоқ кашишни кўриб ҳайрон эди.

Таризэл бобо куйларди:

Исо тирилибдур! Шодланинг!
Танти хабарчига офарин!
Қайси хабарчига офарин?
Бизнинг танти хабарчимизга!
Бу ёруғ дунёда тирик жон борки,
Гуллаб-яшнаётган неки бор
Майли, бари шодликка тўлсин!
Йўлларда тизилган чумолилар ҳам
Қувнасин, майли!
Ибодатхонада таваллуд топган
Қадди расо гўзал ўспирин
Кеча учиб ўтди осмон узра:
Атир гуллар беаганда телпагини,
Қордай оппоқ эди унинг либоси ҳам.
Мовий кўкда оҳиста ўйнар насм,

¹ Аббат — католик черковининг бош руҳонийси. (Тарж.)

² Пастор — протестант руҳонийси. (Тарж.)

Успиринга эса ёқар ғалаён.
Бизларга-чи, булутли кундан кўра
Чарақлаган кунлар азизроқ.
Ёқмайди бизларга осий бандалар,
Бизга хуш ёқади ёқимтой Успирин!
Бизга инқиллаган кампирдан кўра
Аёлнинг ёшроғи ёқар ҳамиша!
Ёқар ҳамиша!
Бизга қуруқ дошқозондан
Қайнаб турган декча яхшироқ,
Бизларга шу декча яхшироқ!

Шардин унинг фазилатларини мақтай кетганда Тараш ўн-гайсизлана бошлади. Тамада унинг ўтмиши устида тўхтади. У Шервашидзелар оиласида Эмхвариларни ортиқ мақтаб юбориш тўғри келмаслигини биларди. Бир вақтлар бу икки оила орасига тушган хундорлик қасди аллақачонлар унут бўлгани рост, лекин Абхазиянинг бу икки машҳур авлоди ўртасидаги рақобат ҳали-ҳануз сақланиб келарди. Меҳмондўст Тариэлнинг Тарашни ғаш кўришини Шардин яхши биларди.

— Большевиклар Тарашнинг ёшлиқ ҳавасларини афв этишди,— деди Шардин.— Тараш, абхаз зиёлилари орасида камданкам учрайдиган истеъдодли ўқимишли йигит. Ундан ташқари, большевиклар, ашаддий душманларни, вақтинча йўлдан адашганлардан фарқ қила оладилар.

Шардин шу сўзларни айтиб бўлиб ҳам эдики, Кегва Барганджиа курка қанотини ёнгоқ қайласига тушириб юбориб, сўз қотди:

— Думини ҳурпайтириб юрадиган бунақа тулкиларни большевиклар ҳам ёқтирмайди, уларнинг рақиблари ҳам! Утган йили пўстагингни қоққанлари эсингдан чиқди чоғи.

Шардин Алшибая бу сўзларни эшитди-ю, лекин ўзини ҳеч нима эшитмаганга солди. У овозини баландлатиб сўзлай бошлади ва кийик шохи билан безатилган оғзи тор қадаҳни бир кўтаришда бўшатди.

Севинганидан Кац Звамбая ўзини еттинчи осмонда ҳис этарди. У тарбиялаб ўстирган йигитни «шаҳарнинг энг ўқимишли одами» мақтаётганидан хурсанд эди чол.

Кегва Барганджиа яна курканинг қанотини қўлига олди. Унинг чеҳрасида ҳаяжондан асар йўқ эди. Унинг афт-башараси шу қадар бужмайган эдики, бирор ҳайкалтарош, итлар худоси Алишкантирининг тумшугини ясамоқчи бўлса, бунчалар мос келадиган нусха тополмасди.

Қаролина Тариэл бобо ўқиган шеърларга қизиқиб қолиб, шеърнинг мазмунини Тарашдан секин суриштира бошлади.

— Бу грузин халқ шеъряти намуналаридан бири,— деди Тараш шеърни сатрма-сатр таржима қилиб бераркан.— Бу шеър — христианлик Абхазияда жуда ҳам сингишиб кетмаган-

лигининг ёрқин далили бўла олади. Христианлик дунёга келиши биланоқ биз томонларга киришиб келганига қарамай, диний тасаввурлардан мажусийлик руҳини тўла сиқиб чиқара олмаган. «Оппоқ чоха либосдаги» ҳамда «папахасини гулларла бежаган йигит» ва христианликнинг фидокор образи Исо ўртасида қандай умумийлик бўлиши мумкин?

Ҳар турли авлиё Георгийлар — Илорский, Ломискарский, Алавердский ва бошқаларга буқа ва эчкиларни қурбон қилиш қадимий грекларнинг Аполлонга қурбон келтиришларини эслатмайдими? Ё эллин худолари кабоб татиб кўришмаганми?

Тараш Каролина билан суҳбатни бузишни истамасди. Лекин тамада навбатдаги қадаҳни кўтарди ва улар беихтиёр жим бўлдилар.

Лукая пайдо бўлди ва меҳмонларга, бетига ткемалидан тайёрланган нордон қайла сепилган қўзи гўшtidан тайёрланган кабоб торти.

Шардин мақтов тўла нутқини тамомлади, Тараш енгил тортиб хўрсиниб қўйди.

У Каролинадан Зугдиди музейида бўлган-бўлмаганлигини сўради.

— Одамларнинг машҳур кишиларга доир нарсаларга бунчалар қизиқишига ҳайронман, — деди Тараш. — Зугдиди сингари чекка бир жойда шаҳзода Муратнинг уй жиҳозлари, идиш-товуқлари ва шахсий буюмлари бўлиши мумкин, деб кимнинг хаёлига келади. Унинг аجدодларидан бири, мегрель князи Даданининг қизига уйланган. Уларнинг меросхўри нима бўлибди денг. Француз ва грузин дворянларидан дунёга келиб, француз ҳам бўлмабди, грузин ҳам бўлолмабди. Меросхўр унисига ҳам, бунисига ҳам ўхшашга уринибди, Наполеон маршали ва князь Даданилар шухратидан чўкилаб юрибди.

Тамада энди Кац Звамбая учун қадаҳ кўтарган эди. Тамада уни абхаз пойгачилигининг устаси фаранг, яхши хизматкор, меҳнаткаш деҳқон сифатида мақтади. Кейин у муқаддас китобдаги: «Биринчилар сўнгинчи бўлар, сўнгилар — биринчи» деган сатрларни ўқиди. Хоҳлаган одам буни дворянлар ва деҳқонлар деб тушуниши ҳам мумкин эди.

Шоҳни бўшатгач, Звамбаянинг ёнига келди-да, Арзакан тушликка келмайдими, деб суриштирган бўлди. Келмаслигини эшитиб, афсусланди.

Тамада овозини баландлатмай, Арзаканни мақтагач, «катта амалдор» бўлиб кетади, деб шивирлади. Халқ комиссари бўлмаган тақдирда ҳам, ҳар ҳолда, камида Зугдиди район партия комитети секретарлигини «албатта олади» деди у ва унинг йўқлигига яна бир бор афсус билдирди. Аммо дилида бунга хурсанд эди. Агар Арзакан бу ерда бўлгандами, Шардиннинг сўзлаган нутқлари эртагаёқ райкомда маълум бўларди.

Шардин кўтарган қадаҳ яна Таташ Маршанининг жиғига

тегди. Таташ пойгачи эмасми, Звамбаядан камлик жойи борми? Лекин шуниси борки, Кац ундан каттароқ, сочига оқ тушган бўлса нима бўпти!— деб ўйларди Таташ.

Илгариги замон бўлгандами, Маршанининг саломатлиги учун қадаҳ кўтарилган жойда Звамбаянинг номини тилга олишга биров ботинармиди! Ахир Звамбая Эмхварининг собиқ хизматкорларидан-да! Бошқа вақтлар бўлгандами, қуруқ аравани олиб қочаётган бу маҳмадона ўқитувчининг калласини узиб қўлига олиб берарди-я! Лекин Таташ Алшибаянинг қуруқ аравани олиб қочавергани устига чақимчилиги ҳам борлигини эшитган эди. Шундай қилиб Маршаниа индамай қўя қолишга қарор қилди — ҳеч нимадан тап тортмайдиган одам ҳам чақимчидан қўрқади.

Шундай қилиб Шардин Алшибая бир ўқ билан икки қуённи ўлдирган эди. Тамаданинг баландпарвоз сўзларидан қатъи назар, дастурхон тепасида маъюслик ҳукм сурарди. Гўё, сўнгги дворянлар, пасха байрами дастурхони устида, сўнгги бор тўп-ланганлар.

Каролинанинг кузатувчан кўзлари Тариэл бобонинг нимадандир ташвишланаётганини сизди. Сабабини билиш қийин эмас: Лукая қаёққадир ғойиб бўлган эди.

— Ҳеч қачон бунақа ғалати муносабатни кўрмаганман,— деб шивирлади Каролина Тарашга немисчалаб.— Лукая болалигидан шу оилада. Тариэл бобо усиз бир дақиқа ҳам туролмайди. Оёғини ҳам Лукая ювади, орқасини ҳам Лукая уқалайди... Бунинг устига Тариэл уни аямай савалаб туради. «Одат бўлиб кетган — қўлим қичиб туради» дейди. Ўзини шундай деб оқлаган бўлади. Шу бадбахт девона деб, бир дунё ғалва. Кашиш сифатида Тариэлни Абхазиядан чиқариб юборишларига, бир ҳисобда, Лукая айбдор... Ҳозир ҳам касаба союзидан текширгани бирор бир комиссия келмаган кун йўқ. Ўзингиз биласиз, большевиклардан ҳеч нимани яшириб бўлмайди... Тўғри, Лукая ҳеч шикоят қилмайди. Аксинча, менинг ишимга аралашманглар, деб улар билан уришади. Лекин хизматкор билан бундай муомалада бўлишга кимга ижозат беришади? Буни на Лукая ва на бобонинг тушунгиси келади. Херипс қийин аҳволда қолиб кетяпти. У ҳукумат олдида хижолат бўлгани устига, бунақа крепостнойлик ҳуқуқлари унга асло ёқмайди. Лекин илож қанча...

Бу орада кашиниш вақт-вақти билан орқасини қашиб, овқат ейишдан тўхтади. Безгак тутгандек қалтираб, хўмрайиб, жим бўлиб қолди.

Ниҳоят, терга ботиб, Лукая келиб қолди. Унинг юзлари тирналган, сочлари паҳмайиб кетган эди. Айтишича, Лукая динга қарши намойишга дуч келиб қолибди ва унинг иштирокчиларини қарғишлай бошлабди. У ҳатто, қизил байроқни йиртиб ташламоқчи ҳам бўлибди. Лекин ёшлар, албатта, бунга йўл қўйишмабди.

— Нима бўлди, Лукая?— деб сўради Тараш Эмхвари жилмайиб.

— Олам ҳалокат ёқасида, тақсирим, халойиқ худога қарши бош кўтарди.

— Баттар бўлсин, худо! Нима қиларди шунақа бемаъни оламни яратиб!

Чол эсанкираб қолди, тили танглайига ёпишиб қолди. Шервашидзелар хонадониди бундай сўзларни эшитаман деб ўйламаган эди!

Лукаянинг келиб қолгани яхши бўлди. Тамада қийин аҳвълга тушиб қолиб эди: у айтадиган қадаҳларини айтиб бўлган эди, Омар Маан билан Таташ Маршанна ҳали-вери ичишдан тўхтайдиган кўринмайди. Қац Звамбая ҳам ҳали-вери бўш келадиган эмас.

Шардинга девона баҳона бўлди, дарҳол унинг саломатлиги учун шошилишча қадаҳ кўтарди. Аввал Шардин Лукаянинг инжилни сув қилиб ичиб юборганини эслади, қадим христианларнинг мустаҳкамлилигини таъкидлади (бу сўзларни айтаркан, Таризэл бобо томон маънодор қараб қўйди), сўнг Лукаяни «бу оиланинг садоқатли қули ва ҳозирда мурдор қилинган Христиан динининг ҳимоячиси» сифатида мақтай бошлади.

Лукая стол охирида Қац Звамбая ёнида, стол четига қўлини тираб турарди. Иккинчи қўли билан, ранги ўнгиб, мой босиб кетган енгини тортиб, пешанасидан терини артарди.

Тамада ҳамон гапирарди.

Шардин, кейинги вақтларда, революция қаҳрамонлари шарафига қадаҳ кўтариладиган оилаларда тез-тез бўлиб турарди. У ерда Шардин тилёғламаликни жуда ўрнига қўярди. Бунда ҳам у мадҳия ўқишни қўймасди; Лукая сингари беклари оёғини уқаламай туролмасди.

Ўтмиш революцион қаҳрамонлари шарафига қадаҳ кўтариб бўлгач, у бизнинг кунларда унинг табрикларисиз ҳам ўзини ёмон ҳис этмаган одамларни мақташга тушарди.

Яна шуниси ҳам бор эдики, айёр Алшибая унинг мақтовларига эҳтиёж сезмаган одам фаолиятидан ҳам кўра кўпроқ ўзи ҳақида гапирарди.

Таризэл дастурхондан турди. Тамар отасини хонасигача кузатиб қўйди. Ортиқча ичиб қўйган чол ўзини беҳуш ҳис қиларди. Оёқлари қақшай бошлаган эди, у ўзига зулук қўйди.

— Абхаз оиласида яшай бошлаганимга беш йил бўлади,— деб шивирлади Каролина Тарашга.— Лекин яна шунча яшаганимда ҳам абхаз одатларига кўниколмайман. Ҳеч қаерда сизлардагича кўп меҳмон кутилмайди, ҳеч қаерда овқатланишга ва эзмаланиб гаплашиб ўтиришга сизлардагича кўп вақт сарф этилмайди. Куч-қувватингизнинг кўп қисми шунга кетади. Лекин бир нарсага жуда ҳайронман: ҳеч бўлмаганда, шу ерда тўпланганларни олайлик,— хатти-ҳаракатларда, юриш-туришда, нега ҳамма бир-бирига ўхшайди? Звамбая — деҳқон, Маан —

дворян, Маршаниа — князь, сиз ҳам собиқ князь, ўқимишли одам, лекин негадир, ҳаммангиз бир хилда — қўлда овқат ейсизлар...

— Хоним,— деди Тараш,— бизнинг қудратимиз одатларимизнинг ана шундай умумийлигида-да. Шу нарса эсингизда турсин: қайси бир миллат ўзгариб турса, насли тез айнайди.

Ниҳоят тамада сўнги қадаҳга ўтди — Тамар саломатлиги учун кўтарди. Тамар Лукая ва хизматкорлар билан бирга ошхонада уймаланишиб юргани учун ҳам Шардин унинг саломатлиги учун олдин қадаҳ кўтаролмаган эди. Қизнинг ошхонадан қайтгунигача бўлган вақтни бекор ўтказмаслик учун Шардин тарихнинг малика Тамар ҳақидаги эскирган саҳифаларини эслай бошлади. У, малика ҳақидаги, минг маротабалаб такрорланавериб қулоқни батанг қилган сафсаталарни сўзлай бошлади.

Тамар Шервашидзе «Тамар Багратионига ўхшасин» деган истак билдиргач, тамада Жаҳонага ўтди ва уни шоҳ Ростомнинг хотини малика Мариамга ўхшатди (Тамада Грузия тарихини қанчалар билишини намоиш қилмоқчи эди чоғи).

Тамарнинг чеҳрасида хомушлик пайдо бўлди. У чарчаган ва Қац Звамбая билан истар-истамас суҳбатлашиб, Каролина билан Тарашнинг суҳбатига қулоқ тутиб ўтирарди. Қиз бир вақтлар мураббия хотин ўргатган немис тилидан озгинагина билганларини ишга солиб, уларнинг нима деяётганини илғаб олмакчи бўлди.

Херипс Лукаяга юмуш буюрарди. Одатда у, тинимсиз чекиб, индамай ўтирар, оз, лекин танлаб ер, меҳмонларни зиёфат қилиш билан банд бўларди.

— Негг Эмхвари,— деди Каролина.— Тамар мени сут эмишган укангиз билан таништирди. Исмини аташга қийналиб турбман.

— Арзакан,— деди Тараш.

— Ҳа, Арзакан. Мен коммунизмдан жуда йироқ одамман. Лекин шунга иқрор бўлиш керакки, у жуда ақлли йигит. Унинг фикр-мулоҳазалари сизникидан кўра дадилроқ. У менинг, эски турмушнинг фақат энг қимматли томонларини сақлаган ҳолда, бошқа халқлар билан биргаликда тараққиёт учун курашмоқ керак, деган фикримга қўшиляпти.

Тараш Эмхвари такаббуруна мийиғида жилмайди, жавоб қайтармай, винодан хўплади. Кейин Каролинанинг офтобда қорайган бўйни ва баланд кўтарилиб турган кўкрагига тик боқди.

— Хоним, азизим, сиз европаликлар — худбин одамларсиз. Сизлар бизларнинг ўзгариб кетишимизни, ҳозиргидан тамомила бошқача бўлиб кетишимизни хоҳлайсиз. Қисқасини айтганда, сизларга ўхшашимизни истайсиз... Нега энди шундай бўлишини исташлигингизни биласизми? Бизга нисбатан бўлган

муҳаббат туфайли эмас, албатта, йўқ! Сизларга ўхшагудек бўл-сак, сизларга қулай. Сизлар кўпсизлар, бизлар эса озчилик. Денгиз томчини, кит майда балиқни ютиб юборгандай, бизни ютиб юборишни истайсизлар. Шундай бўлгудек бўлса, бизнинг тилимизни ўрганишга, бизнинг мамлакатимиз географик ном-ларини эслаб қолишга, бизнинг ўзига хос исм-фамилияларимиз-ни талаффуз этиб қийналиб ўтиришга, сизларга зарурат қол-майди. Сизларга қолса-ку, бизни Арзакан, Тараш ёки Кегва деб эмас, Жон, Жан, Ганс деб атай қолардингиз... Ўз тилимиз-ни унутиб, сизларнинг тилингизда сўзлай бошласак, сизларга тагин ҳам янши бўларди. Тикув фабрикаларингизда тикилган либослар бизга маъқул бўлса сизларга тагин ҳам саз бўларди; сизларга қолса-ку, биз автомобилларингизга ҳам кўниксак, уларни сотиб ола бошласак, ўз китобларимиз ва газеталаримиз-дан воз кечиб, фақат сизларникини ўқий бошласак; пароход-ларингиз бизнинг денгизларда бамайлихотир сузса. Мабодо сизларга ҳуруж қилинадиган бўлса-ку, қадимий греклар синга-ри бизни дарров «қароқчи» деб айтасиз-қўясиз. Вилка масала-сига келсак: то ўз фабрикаларимизда ишлаб чиқармагунларича, қўлда еявераман! Вилкада овқатланишнинг жуда унақа ортиқ-лик жойи йўқ. Қадим Қолхидада ёғоч паншахалар ишлатилган. Пичанни қўлда ғарамлагандан кўра паншахада ғарамлаш осонлигига ақли етган одам, вақти келиб, овқатни қўлда еган-дан вилкада еган афзаллигини билиб олиши қийин эмас... Сизга бир кичкина воқеани ҳикоя қилиб бераман, меҳрибон фрау. Фақат бундай қиёс келтирганимга хафа бўлмайсиз! Уйдирма эмас бу. Қунларнинг бирида, Сванетияда, савсар овидан ҳориб-чарчаб қайтмоқда эдим. Бирдан тик қоя ёқасида, йўл устида ётган айиққа кўзим тушиб қолди. Агар айиқ юқоридан келаёт-ган бўлса, уни эплаштириш қийин. Бунинг устига ўқларим ҳам майда калибрили. Мен дарҳол дарахтга чиқдим-да, айиқнинг нима қилаётганини кузата бошладим. Билсам, айиқ, каштанни сертикан пўчоғидан ажратиб олишга уриниб ётган экан. Лекин каштанни оғзига олиб бориши билан игналари тумшугига сан-чиларди. Жони ачиган айиқ азобдан ўкирарди. Каштанни ҳам бодрингдек сип-силлик қилиб яратмагани учун яратувчини роса лаънатлаётган бўлса ажаб эмас.

Каролина жилмайди, ҳикоянинг маъносига тушунган эди у. Каролина ҳамсуҳбатига бир қараб қўйди-да: «Бу абхаз йигити жуда чиройли-я. Кўз боқишлари нақадар бамаъни!» деб ўйлади.

Кеннойисига ўғринча қараб қўйган Тамар, унинг ҳаяжонли боқишларини сезиб қолди ва бир неча қадаҳ винодан кейин бети лов-лов ёнган Каролина янглиғ у ҳам қип-қизариб кетди.

Тамада яна Лукая саломатлигига кўтарган қадаҳни давом эттирди. (Лукая хонадагиларнинг ҳаммасидан катта бўлишига қарамай, унинг саломатлиги учун энг кейин қадаҳ кўтарили-ши эди.)

Еб-ичиб, тўйиб олган Кегва Барганджиа энди мудраб ўти-

рарди. Қац Звамбаянинг чеҳраси ҳорғин эди. Тариэл бобо ўрнига ўтиб ўтирган Тамар, мажлис чўзилиб, тамаданинг нутқи ҳали-вери тамом бўлмайдигандек кўринган чоқда, аёлларимизга хос сабр-тоқат билан тингларди.

Херипс ётоққа кириб йўқ бўлиб кетди. Таташ Маршаниа, Омар Маан ва Звамбая қадаҳ кетидан қадаҳни томчи қолдирмай сипқоришарди. Таташ тўзиган сатин архалухининг кўриниб қолишидан ортиқ уялмай, жигар ранг чохасининг енгиши шимариб олган эди. Омарнинг архалухидаги учта илмоғи эса узилиб кетганди.

Шардин бўлса, Лукая ҳақида бирор арзигулик гап айғиб сўзини яқунлашнинг иложини қилолмай гараанг эди. Ҳар нималарни аралаш-қуралаш қилиб юборди у: халқ мақолларини ҳам, сийқаси чиққан масалларни ҳам, ҳатто Апокалипсисдан парча ҳам келтирди.

— «...Қатталиги муштдек келадиган дўл ёғарди одамлар бошига. Дўл келтирган дардлардан фарёд чекиб, одамлар худого нолиш қилдилар...»

Апокалипсисдаги йиртқиқчи эслагач у черковда ўқилишича қилиб бир банд келтирди: «И даны быша ему уста, глаголюша велика и хульна, и нада бысть ему власть творити четыредесят два», лекин охирига етқизолмай оддий тилда давом эттирди.

«Олло-таолони тилга олган ҳам эдики... авлнёю-анбиёлар билан жон олиб-жон бериб курашмоқ ва ғолиб чиқмоққа фармойиш бўлди: жамики халойиққа, жамики қабилау уруғларга ҳукмрон бўлди. Номи Агнц китобига тушган жонзотнинг бори унга тобеъ...»

«Ҳаракатланиб турадиган қилич» дан гапириб турган Шардин бирдан Вавилония подшоҳи Навуходонсорнинг тушига ўтиб кетди.

Шардиннинг фикрлари чувалашиб, тили қалтираб қолди. Лекин ўзининг билимдонлигини кўрсатмай бўлармиши? Шундай қилиб у, алмисоқдан қолган гапларни қидириб, нотаниш қоронғи кўчада адашган кимсадек, улоқиб юрди. Инжилни биламан, деб мақтанмоқ бўлиб, ёлгон-яшиқни тиркаб юборди.

«...Шундай туш кўрган Навуходонсорнинг руҳи ғазабга келди, уйқуси қочди. Подшоҳ фолбинларни, мунажжимларни, сеҳргарларни чақирмоққа фармойиш берди. Ҳаммалари келиб унинг қошида тиз чўкдилар. Шунда подшоҳи олам шундоқ деди: «Бир туш кўрдим. Шундан бери ташвишдаман...»

Шардин баъзи нарсаларни аралаш-қуралаш қилиб юборди, баъзиларини унутиб ҳам қўйди, узундан-узоқ қилиб Навуходонсор номини айтгунча, бир-икки бор қалқиб ҳам кетди... Шундай бўлса ҳам, кайфни қочиролмай, Вавилон шоҳи исмини айтишга тили келмай, бунинг устига Таташ Маршаниа, Омар Маан ва Қац Звамбаяни маст қилолмай, жони ҳалак эди.

Ҳар қанча уринмасин, Шардин Вавилон шоҳининг қандай туш кўрганини, фолбинлар, сеҳргарлар, афсунгарлар тушни

қандай таъбирлаганликларини айтиб беролмади. У ҳатто ўзи цитата келтирган қадимий мужмал ибораларга ҳам тушунча бериш лозимлигини унутди.

Ваҳолонки, Навуходонсорнинг туши ва унинг изоҳи менинг қиссам учун ниҳоятда зарур. Шу сабабдан ҳам мен гапга чечанлик қиламан, деб чалкашиб кетган тамададан сўзни олиб, бу воқеани қисқагина қилиб сўзлаб бермоқчиман. Зеро, маҳорат баённинг қисқалигида акс этгусидир. (Шуниси ҳам борки, китобхонга, бу китоб муаллифи Константинэ Гамсахурдиа сингари «илоҳий ёзув»ларни ўқитишмаган бўлиши мумкин.)

Воқеага атай аралашганимга муҳтарам ва адолатли китобхон эътибор қилган бўлса ажаб эмас. Муаллиф ота билан ўғил, қиз билан йигит, ҳаёт ва ўлим ўртасида борадиган у эски, лекин абадул-абад курашни холисанилло ва самимият билан акс эттиради.

Шундай қилиб ҳикояни давом эттирамиз.

«...Агардаки, тушимни таъбирлаб бермасангизу, мазмунини сўзламасангиз, ҳаммангизни зиндонга ташлайман, хонавайрон қиламан, кулларингни кўкка совураман,— деб дўқ урди Навуходонсор, фолбинлару сеҳргарлар ва афсунгарларга.— Тушимни таъбирлаб берсангизу, мағзини чақсангиз — бошингиздан зар сочаман, қадр-қимматингизни ошираман».

«Подшоҳи олам кўрган тушини таъбирлаб беришга юраги бетлайдиган кимса бўлмас» — деган жавоб бўлди унга.

Шунда Даниил исмли бир яҳудий банди подшоҳ ҳузурда ҳозир-нозир бўлибди-да:

«Тушингизни мен таъбирлаб бергумдир,— дебди.

Тушингизда, баҳайбат ва бесўнақай ваҳшат турган эди қаршингизда, шоҳим, ваҳшатнинг боши соф олтиндан, кўкраги га қўли кумушдан, қорни ва сонлари мисдан, болдири темирдан, оёғи сополдан эмиш. Унга тикилиб қолган чоғингизда бирдан тоғдан катта қоя узилиб кетди-да, қалдираб юмалаб келиб, сопол оёқларга урилди.

Шунда бирдан ҳамма-ҳаммаси — темир ҳам, сопол ҳам, мис ҳам, кумуш ҳам, олтин ҳам, ёз чоғи хирмонда пайдо бўлиб, шамол беному нишон суриб кетадиган тўзондек тўзиди-кетди...

Ваҳшатни кул парчин қилиб ташлаган қоя каттакон тоққа айланди ва бутун ерни тўлдирди.

Олампаноҳ султоним, шоҳларнинг шоҳи! Олтин бош — бу сиз, ваҳшат эса — сизнинг подшоҳлигингиздир».

Шунда подшоҳ Навуходонсор, олтиндан баҳайбат ваҳшат қўйдирибди-да, Вавилония вилоятининг бир даласига қўйдирибди.

Сўнг валийларини, нонбларини, лашкарбошиларини ҳузурга чорлабди-да, барча халқлару қабилаларга шу ваҳшат олди-да тиз чукиб сиғинишни амр қилибди; кимда ким унга топинмаса — оловга ташлашини эълон қилибди...

Навуходонсор яна бир туш кўрибди. Тушида у, дала ўрта-

сида қаққайган баҳайбат бир дарахтни кўрибди. Дарахт шунақаям катта эмишки, учи осмони фалакка етган бир чоқда, эни бутун ер куррасини тутган эмиш. Дарахтнинг япроқлари зумраддан, мевалари эса кўз қамаштирар даражада шовул эмиш. Ётоғида қараб ётган султон шу чоқ осмону фалакдан чўзилиб тушган камалакни кўрибди. Камалак тилга кирибди-ю: «Дарахтни кесинглар, новдаларини бутанглар, япроқларини қоқиб, меваларини сочиб ташланглар. Фақат, асосий илдизини ковламанглар, ерда қолдиринглар! Мис ва темир кишанларла банд бўлиб, дала кўкатлари орасида шабнамда ивиб ётсин илдиз — йиртқич юраги тегсин унга, етти давр шу алфозда кечсин» дебди.

Навуходоносор яна донишмандларни, фолбинларни, сеҳргарларни ҳузурига чорлабди. Лекин уларнинг биронтаси ҳам подшоҳга тушини таъбирлаб беролмабди.

Шунда подшоҳ Навуходоносор Даниилни қошига чақирибди ва тушини сўзлаб берибди.

«Бутун ер куррасини тутган, япроқлари зумраддек товланган, мевалари шовул дарахт — сиз бўласиз, олам паноҳ! Одамлар сизни қувиб ҳайдайди, маконингиз йиртқич хайвонлар ичра бўлади. Яйловдаги моллар янглиғ далада ўтлаб юрасиз!» — деб жавоб қилибди Даниил.

Навуходоносорнинг туши ҳақидаги ҳикоя Шардин учун машҳум бўлди. Тамадага бу тушни эслашнинг нима кераги борлигига, Лукая шарафига айтилаётган қадаҳга бунинг қанчалик дахлдорлигига ҳеч ким тушуниб етолмади... Буни на Маан, на Маршаниа ва на Кац Звамбая тушунди.

Кегва Барганджиа, бошини қўлига қўйиб, ҳузур қилиб ухларди.

Лукая тамаданинг алланималар деб вайсаётганига бироз қулоқ солиб турди. Бир вақтлар Таризэл Шервашидзега псаломчи бўлиб хизмат қилганлигига, қадим грузин тилидан бироз бохабар бўлишига қарамай, у ҳам, Шардиннинг валдирашларидан ҳеч нимани тушунмади. Ҳикоя тушдан ҳам чўзилиб кетишидан чўчиган Лукая: «Оч қолмасам эди! Қозон тагидаги бўтқани кўппаклар ялаб кетмасайди» деди-да, ошхонага қараб кетди.

Ниҳоят стакандаги вино сипқарилганда тамада бир ҳолатда бўлиб қолди.

Омар Маан билан Таташ Маршаниа уни тантанавор суратда балконга олиб чиқишди.

Хуллас, «бу оила»нинг эсон-омонлиги учун сўнги қадаҳ кўтариш тамадага насиб бўлмади.

— Навуходоносорнинг туши христианлар учун айнан ўнг келди-да! — дерди Тараш Эмхвари меҳмонхонада Каролина ва Тамар билан ўтираркан. — Христианлик Вавилон подшоҳи қўндирган сопол оёқлик ваҳшат қабилида ағдарилди-кетди. Революция бўрони бу динни, ер куррасини тутган дарахт қабилида

илдизи билан қулатди. Эндиликда қарабсизки, шу ваҳшат олдида тиз чўкиб топинишни талаб қилганлар ҳам, бир пайтлар, шу ваҳшатнинг ҳукмдорлигига қаршилиқ кўрсатганлар қабилида мағлубиятга учради-кетди.

— Alles ist Flut und Ebbe, gnädige Fran,¹— деб қўшимча қилди Тараш Эмхвари.

СЕҲРГАР ОТ

Шу оқшомнинг ўзидаёқ Лукая «тердоба» ибодатига киришди.

Хамирдан кичкинагина тойча, эгар, юган, жабдуқ ва қамчи ясаб, ўчоққа ёпиб пишириб олди. Кейин уларни ёғоч патнисга териб, устидан вино қуйди, патнис чеккаларига шам ўрнатиб ёқди-да, патнисни ўчоқнинг шарқ тарафига қўйди. Лукая бетини бошлиқ билан ёпиб чўккалади, сўнг отга ўхшаб пишқириб, кишнай бошлади Лукая лабини чўзиб патнисдан, хамирдан ясаб пиширилган от ва бошқа шаклларни олиб еяр, тўрт оёқли ҳайвон янглиғ бўйини чўзиб вино ялар, тақалик подшоҳ Навуходоносор каби ер депсиниб, эшикни тепарди.

Авваллари «тердоба» ибодати чоғи ҳамма вақт ҳозир бўладиган Тариэл бобо хонасидан чиқмади.

Абхазларнинг кўзлари ёнарди. Тамар жилмаярди. Тараш Эмхвари эса кўзини узмай Лукаяни кузатарди. Гомер, Платон, Лукиан ённки бир вақтлар қадимий Қолхидага ёки Иверияга қадам ранжида қилган рим тарихчиларининг лоақал бирортаси шунга ўхшаш воқеани тасвирламаганмиди экан, дея эслашга уринарди у.

Бундай ғайри табиий томошани Каролина илгари ҳам кўрган эди. Лекин ҳозир у, тилшунос, оламни кўрган ўқимншли абхаз йигитининг, асрлар зулматидан сузиб чиққан одамнинг отга айланиш удумини бунчалик диққат билан кузатишига ҳайрон эди.

КУЛ РАНГ ШУНҚОР

Тамар рояль чалар, лекин ҳар дақиқа, уни гапга тутаётган Тараш томонга ўгирилиб қарарди. Рояль устида магнолия солиб қўйилган эски хитой вазаси. Магнолияларнинг маст қилувчи бўйи атиргулларнинг муаттар атри билан аралашиб кетган эди, чунки кичкина Татия, атир пишани тушириб юбориб, атир гул эссенциясини тўкиб юборган эди.

¹ Жаҳондаги ҳамма нарса сувнинг кўтарилиши-ю, қайтишидан иборат, хоним. (Нем.)

Эски, шалағи чиққан чарм креслога чўкиб ўтириб олган Тараш Эмхвари суратли париж журналларини варақлар, вақти-вақти билан қизиқ суратларни Тамарга кўрсатарди. Тарашга бирор нарса жуда маъқул бўлган кезларда Тамар унинг ёнига, кресло бандига ўтириб томоша қиларди. Тамар модаларга оид саҳифаларни айниқса қизиқиб кўздан кечирарди.

Баъзан, шу ажойиб либослар унинг ўзига тегишлидек кўри-нарди. Кўпинча тушида, шу париж либосларида... фокстротга танца тушаётган ҳам бўлади.

Мукофотга сазовор бўлган гўзаллар, бош раққосалар, маш-хур актрисаларнинг суратига ҳам маҳлиё бўлади Тамар. Чет элдаги ҳаёти ҳақида ҳикоя қиладими ё Грузия тарихига оид воқеаларни сўзлайдими, барибир, Тарашнинг ҳикояларини жон қулоқлари билан тинглайди у. Бугун Тараш грузин подшоҳи Леонни эслади, кейин малика Тамарнинг сараскари Дагато Шервашидзенинг саргузаштларидан сўзлади, подшоҳнинг муло-зимлари ва Ираклай II нинг сафдошларидан бир қанчаларининг номларини тилга олди.

Аждодлари номи билан аталиш Тарашга зил-замбил юкдай оғирлик қиларди. Революциягача унинг фамилияси билан ман-саб орттириш, юқори мартабага эришиш осон эди. Қилич билан орттирилиб, қалам билан кўкларга кўтарилган шон-шавкат, аж-додлар томонидан орттирилган бойлик билан мустаҳкамланган эди. Лекин революция чоғида аслзода йигит нима қилсин?

Қадимда Эмхвари авлоди, асрлар давомида донғи кетган Шервашидзеларчалик машхур ва мўътабар эмас эди.

Тарашнинг аждодлари Шервашидзелар авлодига ёв эди. Қа-сос олишга кучи етмаганидан улар, имеретин подшоҳлари, мег-рель ва бошқа князлар ёрдамига таянар, феодаллар ўртасидаги можаролар ва низолардан усталик билан фойдаланардилар.

Шервашидзе ва Эмхвари авлоди ўртасидаги хундорлик ҳа-қида кўп эшитган эди Тамар.

Адоватли икки наслнинг кейинги авлодининг бир-бири билан қонли тўқнашуви учун арзмаган баҳона етарли эди.

Тамарнинг бобоси Манучар Шервашидзе лочинларининг учирма бўлгани шарафига зиёфат берарди. Зиёфат чавандозлик билан яқунланадиган бўлди. Унда Тарашнинг бобоси — Астамур Эмхвари ҳам иштирок этди. «Мхедрули»¹ мусобақасида Ману-чар ютди, «схапи»² от ўйинида эса Астамур биринчиликни олди. Манучарнинг жаҳли чиқди ва рақибини оти билан қўшиб қула-тиш учун унга қаратиб от қўйди. Астамур икки оғиз сўз билан ачитиб олди. Манучар аламига чидолмай қиличини яланғочлади ва беда гулини чирт кесиб ташлагандай, бир уришда, Астамур-нинг калласини учириб юборди.

¹ М х е д р у л и — чавандозларнинг юриш қўшиғи. (Тарж.)

² С х а п и — чавандозликнинг бир тури; чавандоз отни орқа оёқда турли шакллар кўрсатишга мажбур қилади.

Шу оқшомнинг ўзидаёқ Астамурнинг сут эмишган ака-укалари, окуми саройига келиб, бу қонли воқеадан хотини Жарамхонни хабардор қилишди.

Жарамхон чавандозлик ва мерганликда бутун Абхазияга донғи кетган эди. У эрининг буқа қони тусидаги чоҳасини кийди, бошига бошлиқ боғлади, абхазчасига белига тўппонча қистирди-да, етти яшар ўғли Жамсугни эгар қошига ўтқазиб, жиловни тортди. Қўпириб кетган от Манучарнинг катта ҳовлисига учиб кириб келганда қоронғи тушган эди.

Меҳмонлар аллақачон тарқалишганди.

Уласи бўлиб чарчаган итбоқарлар, хизматкорлар ва сут эмишган ака-укалар зиёфатдан қолган ноз-неъматларни баҳам кўришарди. Бўшаб қолган ҳовлида мойчироқлар тутарди.

Манучар эғнида архалухи билан болохонада наргил¹ тортиб чўзилиб ётарди.

— Ҳой, ким бор, наргилнинг сувини янгила!— деб қичқирди Манучар.

Шу чоқ болохонада Жамсуг пайдо бўлди.

Бола дарҳол у ёқ-бу ёқни кўздан кечирди.

— Сув!— деб такрорлади Манучар ўгирилиб ҳам қарамай. У хизматкорлардан бирортаси бўлса керак, деб ўйлаган эди.

Жамсуг шарпасизгина ғойиб бўлди. Манучар сабри тугаб яна: «Сув!» дея қичқирганда — тепасида буқа қони тусидаги чоҳа кийган шарпа турганини кўрди.

Манучар иримчи эди. Хаёлий шарпалар ҳақида, мурдаларнинг руҳи тирилиб келиши ҳақида кўп эшитган эди. Буқа қони тусидаги чоҳани у дарҳол таниди: қаршисида Астамурнинг ўзгинаси турарди. Манучарнинг аъзойи баданини титроқ босди, ўрнидан кўзғалишга уринди. Шу чоқ афт-башарасига қараб ўқ узилди. Жарамхон оҳиста орқасини ўгирди, ўғлини ёнига олди-да, хизматкорлар, сут эмишган ака-укалар ўзларини ўнглаб олгунга қадар ғойиб бўлди-қолди.

Кейин Жарамхон ўғли Жамсугни Туркияга жўнатиб юборди.

Шундай қилиб, Окуми саройидаги Эмхварилардан вакил бўлиб, Жамсугнинг Эрамхут исмли руҳий касал акаси қолди холос.

Уни ҳамма: «девозна» дерди. Шунинг учун ҳам Шервашидзе-лар унга қўл тақизишмади.

Етим қолган Эрамхут ғам-ҳасратдан соядай бўлиб қолди. Қадет корпусига ўқишга бормади, уйланмади. Эртадан кечгача қирғий ва лочин ови билан ўзини овуларди. Траппистлар орденининг аъзоси сингари ҳеч қачон гапирмасди. Сут эмишган оғасини ёнидан жилдирмасди. Кузда бедана ови билан шуғулланар, қиши билан бетоб ётарди.

Окуми саройи ҳувиллаб қолди. Итбоқарларнинг бақир-чақири, шунқор ва лочин боқарларнинг қийқириғи, ов ити ва този

¹ Н а р г и л — чилим.

итларнинг ванг ванги ортиқ эшитилмасди, Қадаҳлар жаранги, меҳмонларнинг говур-гувори, чоңгурига жўр бўлиб оҳиста куйлаётган абхаз қизларининг майин овозлари ҳам бутунлай эшитилмай қолди. Қорайиб, файзи кетиб қолган сарой ёнидан одамлар ҳадиксираб ўтадиган бўлдилар.

Эрамхут кечалари руҳлар сўзлашади, шайтонга сотилиб кетган, деган миш-мишлар юради одамлар орасида...

Тарашнинг онасида, Эрамхут Эмхварининг аллақандай француз сайёҳи томонидан чизилган сурати қолган. Сурат анча пугурдан кетган. Қора чоха кийган, баланд бўйли рангпар кишининг тарҳи зўрга кўзга ташланади. Унинг қадди-қоматининг юқори қисми найзага қадалган уч бурчакка ўхшаб кўринади. Ингичка бели зәрб чекилган қадимий белбоғ билан сиқилган; белбоғда суяк соплик оддий, текис ханжар. Бу ориқ гавда, рангпар чеҳрадан ёлғизлик руҳи уфуриб турибди. Эрамхут узоқ йиллар давомида ана шундай қаландарларча ҳаёт кечирган.

Баъзан у, хонадондагиларга, Осегияга, отасининг тутинган ака-укалари ёнига кетаётганини айтиб, ғойиб бўларди. Шундай пайтларда, сут эмишган оғаси билан черкаслар ёнига жўнар, Шамиль газавотига қўшиларди. Кузга бориб, Окуми саройида бирозгина яшар, бедана ови тугаши билан яна ғойиб бўларди. Бир кун сут эмишган оғаси уни Чечнядан оғир ярадор ҳолида, буркага ўраб олиб келди ва Эрамхут овда айиқ билан олишди, деб овоза қилди.

Бир йил ичида ўқ жароҳати тузалди, Эрамхут эса яна Чечняга жўнашни ўйлай бошлади...

Абхазияда азалдан христианлик, мусулмонлик ва мажусийлик ўртасида рақобат бор эди. Эрамхут православ эди.

Шу гал сафарга жўнаш олдидан у, уй кашишини чиқирди, сўрига чўзилиб ётди-да, жанозасиз кўмилиб кетишини олдиндан билгандай, қариядан, унга пластир ўқишни илтимос қилди. Кашиш довдираб қолди,—ундан нима талаб қилаётганларини яхши тушунмай гангиди. Эрамхут гапида туриб олди. Эрамхутнинг бу қилигини, девоналигига йўйди-да, ниҳоят кашиш ҳам ён берди.

Бу орада Эрамхутнинг сут эмишган оғаси, яширин суратда, шаҳарда қурол-яроғ, ўқ харид қилар, ханжарларни чархларди,—чунки Эрамхут қишки юришга ҳозирланарди.

Лекин ҳукумат одамлари Эрамхутнинг макридан хабар топган эдилар. Кунлардан бир кун, Окуми саройига казаклар отряди бостириб келди. Эрамхут шу сабоҳ сафарга, черкаслар ёнига жўнашга тайёргарлик кўриб болохонада архалухининг илгақларини қадамоқда эди.

Эрамхут казакларнинг қўққисдан нега келишганини дарҳол тушунди-да, қурол-яроққа ёпишмоқни хаёл қилдию, лекин ёнида сут эмишган оғаси йўқ эди. Қаршилиқ кўрсатиш бефойда. Эрамхут архалухининг ўттиз икки илгагини бамайлихотир қадади ва зинадан хотиржам тушиб келди.

Эрамхут чақирилмаган меҳмонларни совуқ назокат билан ичкарига таклиф қилди.

Отряд бошлиғи Эрамхутникида меҳмон бўлишни лозим топмади. Подшоҳ князь Эмхварини Петербургга чақиртираётганини қисқагина баён қилди.

Эрамхут ўзи билан севимли кул ранг шунқорини ҳам ола кетди. Новороссийскка етганда, соҳилда, қушни қўйиб юборди.

Шунқор Окуми саройига учиб келиб, ўз қўндоғига қўнди.

Шунқорнинг эгаси эса, шу кетганча бедарак кетди.

ОҚ БОШЛИҚ

Уша, кул ранг шунқор Окумига учиб келган йили Эрамхутнинг укаси Жамсуг Туркиядан келди. Уларнинг оналари Жарамхон, сал илгари, кичкинагина лаз¹ қишлоғида дунёдан ўтган эди.

Етим қолгач, Жамсуг юртини соғиниб, ичкиб қолибди, емай-ичмай қўйибди, шамдай сўна бошлабди. Муҳожирларнинг унга раҳми келиб, Абхазияга жўнатиб юборишибди. Сут эмишган ака-укалари Звамбая билан Агирба суюнчи деб, авлиё Георгий Илорский шарафига етти буқа қурбон қилишди.

Бир қанча вақтдан кейин қариндош-уруғлари Жамсугни кадет корпусига жойлаштиришибди. Лекин Эрамхутнинг хиснатидан кейин ҳукумат, корпусни тамомлагач, Жамсугга Абхазияга қайтишга ижозат бермай, хизмат қилиш учун Новочеркасскка жўнатибди.

Жамсуг Абхазияга жаҳон урушидан кейингина, тўққиз жароҳат ва аллақанча орден билан қайтди. Жамсуг меньшевиклар армиясида уч йил хизмат қилди: қўзғолонларни бостиришда иштирок этди, генераллик унвонига олди, йигирма биринчи йилда эса ер-мулкани сотиб, боналарни² лираларга³ алмаштирди, ўн беш яшар Тарашни мактабдан чиқариб олиб, меньшевиктик ҳукумат билан бирга чет элга қочди.

«Хонадон руҳи»ни қўриқлаш учун саройда Тарашнинг она-сигина қолди.

Янги муҳитга кўникиш қарияга қийин бўлди. Хуллас, абхаз чоҳаси билан орденларини у мусофирликда ҳам эғнидан ечмади.

Жамсуг Эмхвари Европада генераллик унвонига муносиб хизмат излаб, сарсон-саргардон бўлди. Ахири аллақандай бир-жа найранги туфайли бутун топган-тутгани бир нафасда бир пул бўлди-қолди.

¹ Л а з — Грузиядаги бир вилоятнинг ном.

² Б о н а — маҳаллий ҳукумат томонидан вақтинчалик чиқарилган қоғоз пул.

³ Л и р а — Италия пули, (Тарж.)

Шундан кейин Жамсуг, очликдан ўлмаслик учун Париждаги граммофон пластинкалари фабрикасига ишга киришга мажбур бўлди.

Отаси билан бирга сарсон-саргардон юрган Тараш, бу пайтларга келиб, Сорбоннада ўқимоқда эди.

Она эса Окумида уй-жойни қўриқларди...

Тараш, аҳён-аҳёнда, онасининг қалтиллаган қўли билан ёзилган мактублар олиб турарди. Жавоб қайтаришга муддат белгиларди. Лекин белгиланган пайт келганда, доимо, аллақандай зарур иш чиқарди-да, жавоб ёзишни бошқа кунга қолдирарди.

«...Большевиклар тегирмонни ва ер-сувни олиб қўйишди. Қўрғонимизни мактаб қилишди, Цируния билан менга бир хонанигина қолдиришди. Байталнинг тилла ранг айғир туғди. Арзакан комсомол бўлди. Черковдан салбни олиб ташлашди. Комсомоллар кашишнинг сочини қирқишди, авлиё Тебронэ мурдасини монастирдан чиқариб ташлашди, роҳибаларни пиллакашлик фабрикасига ишга юборишди. Дьякон ўзини қудуққа ташлаб ўлдирмоқчи бўлди, лекин уни қутқариб қолишди. Энди бўлса у уйланиб ҳам олди, Окуми кооперативида ҳисобчи бўлиб ишляпти, ҳисоб-китоб билан овора, псаломлар эсидан чиқиб кетган.

Севасти Лакоба жуббасини ечиб ташлади, худосизлар жамиятига аъзо бўлди. Чорак аср худога тоат-ибодат қилиб, нон топган бўлса, умрининг охирига келиб, шаккоклик қияпти. Окуми черковидаги иконаларни¹ олиб чиқишди, авлиёларни қароқчилардек чамбарчас боғлашди-да, Тбилисидаги музейга жўнатишди. Бизни даҳшат босди, иконалар большевиклар бошига олло-таолонинг қаҳрини ёғдиради, деб ўйладик, лекин уларга бало ҳам урмади. Роҳиба Ануся боласини олдирди...»

Онаси яна: томдан чакка ўтаётганини, резги тахта чириганини, янгисини топиб бўлмаслигини, томни очиб-ёпадиган кимса йўқлигини ёзарди.

Парижда, Тарашнинг хонаси деворида Грузия харитаси осиглик эди. Тараш тез-тез унга келиб термиларди. Харита ёнига келади-да, Окуми белгиланган нуқтага узоқ тикилиб қолади. Хотиралар тўлқини уни қадрдон қишлоғига суриб кетади.

Мана у, кичкинагина ўғил бола, Қац Звамбаялар ҳовлисидаги кавакли эман дарахти ёнида ўйнаётир.

«Айиқтовон, айиқтовон!»— деб куйлашади Тараш билан Арзакан.

Олтин ранг айиқтовонлар бошини юлиб олишиб, ўтлоққа ёйишади. Айиқтовонлар боши — жўжалар. Бойчечак гули эса — товуқ.

«Беҳ, беҳ, беҳ!»— деб чақиради Арзакан.

Арзаканнинг ўзи эса — энага.

Тараш-чи? Тараш — қўшни хотин Мзеха.

¹ Икона — христианларда худо ё авлиёлар сурати, (Тарж.)

— Жўжаларим полизингизга кириб кетибди.

— Йўқ, булар менинг жўжаларим!

Шундай қилиб Тараш билан Арзакан энага билан Мзеха бўлиб жанжал бошлашади.

Ёмғир ёғади. Ҳовлида халқоблар пайдо бўлади. Катта халқоб — Қора денгиз. Бўш қутичани денгизга қўйиб юборишади — пароход Очамчирга келиб тўхтади. «Б-э-э!» — ўкиради пароход қўшнининг қўйи янглиғ.

— Кучлироқларинг олтин-кумушлар солинган сандиқни олиб келинглар! Тезроқ! Ҳаммасини онага беринглар!

— «Б-э-э!» — ўкиради пароход жўнашга шошилиб.

Халқобдан ариқча очишади. Жўхори поясидан тарнов ва ғилдирак ясашади. Сув ғилдиракни айлантирганда эса, болалар юраги илк кашфиётчилик завқидан ларзага келади. Ариқча тўлиб, тошади, Арзакан даласини сув босади... Қац Звамбая қўшнисини, Мзеханинг эри билан жанжаллашгандай, Арзакан ҳам Тараш билан жанжаллашади.

Таёққа миниб олиб, эпчил чавандозлардай от чоптиришлар-чи...

Гоҳ, худди «мхедрули»даги янглиғ бир-бирларига ташланишади, гоҳ доира чизиб айланаётган арқондан сакраб, «схапи» ўйинига тақлид қилиб, от чоптиришади. Тараш учар айғирни елдиради. Кейин, от ўғриси — князлар ўғирланган отларни Кабардага жўнатиш учун Қац Звамбаяга келтириб берганлари габи Тараш ҳам, эгарсиз, ўғирланган отларни Арзакан ёнига ҳайдаб келади.

Шу тақлид, ҳақиқий йигитлар янглиғ, ҳовлида мағрур юришади улар... Қўлларидаги таёқни куч билан силтаб ёнғоқ барглари узиб туширишади — гўё Эрамхут Эмхвари казак офицери калласини узаётир. Тараш билан Арзакан эса қаҳрамон. Лекин фоз ёнидан юрак бетламайгина ўтишади, кўча бошига боришга юраклари бетламайди, — қўшнининг қўчқоридан қўрқишади.

Кечқурун, узун, эгри-бугри соялар кулба бурчини тутганда, Қац Звамбая, Арзакан ва Тараш бир-бирларининг пинжиги тақилишиб ётишади. Энага сут пиширади, «сув онахони» ҳақида ҳикоя қилади.

— ...Онанинг курсичаси бор. Курсида — ойна билан шам турлади. Еттита шам. Овчини кўрди дегунча, бармоқларини ёзиб, қўл силкитади. Унтала бармоғини кўрсатади: тўшагимга кел, ўн йил бирга бўламиз, дегани бу...

Ким сув онахони бўлади-ю? Ким — овчи?

Жанжал бошланади. Ниҳоят бир қарорга келишади: сен ҳам бўлмайсан, мен ҳам!

Забули сув онаси бўлади, — унинг сочи қўнғир.

Ёбстирма тагида лайчалар ангиллайди, ҳўкиз ва сигирлар маърайди.

Сигир ва ҳўкизларнинг маъраётганини болалар билишади.

Лекин шундай бўлсада қўрқишади, кўзлари ўтдек ёнган шайтонлар кўринади уларнинг кўзларига.

Ёзда ўрмон ҳуқмрони Мизитханинг биринчи гуллар байрами ўтказилади.

Шу байрам арафаси кечаси ҳамма ўрмонга жўнайди. Йўл-йўлакай ашулалар айтишади, милтиқ отишади. Тўртбаргли беда излашади.

Тараш, Арзакан ва қишлоқ болалари хазина излашади. Бошларига эмацдан чамбарлар тақиб, ашулалар айтишиб, ўқлар отишиб қишлоққа кириб келишади. Байрам маросими бошида Ломқац Эсванжиа.

Сув ҳуқмдори дарё тубида яшайди, очокочи¹ эса, ўтлоқда сангийди. Шунинг учун сув онахони кечалари ўтлоққа чиқишга ботинмайди.

Анжир шохида учлик сийнани эслатувчи ғурра. Демак, анжир тупи — энага. Ғурралар — унинг сийнаси. Чапдаги — Арзаканники, ўнгдаги — Тарашники.

Тараш тиззасини дарахтга тираб, Қац Звамбаяга тақлид қилиб сўзлай бошлайди:

«Дарахт! Марҳаматингни дариг тутма! Новдаларингдан безиён халос эт! Энди ниш урган новдани босиб олсам — куч топсин; қуриган новдани боссам — жон олсин!»

Энага ичига пишлоқ солиб катта чурак ёпади. Болалар «хоним афандим шамоллар шамоли Чича» ибодатини ўқиб чуракни ҳовлига олиб чиқишади.

Тараш билан Арзакан кун-уззукун жарликлар ва ботқоқликларда санғишади. Соҳилдаги тешиклардан қисқичбақаларни, харсанглар орасидан илонбалиқларни топиб чиқаришади. Қалтакесак, илон овлашади, тош билан калласини мажақлашади. Улар жанг қилган нарса илон эмас — аждаҳо гўё! Болалар бўлса — аждаҳони енган авлиё Георгий.

— Нан, Илор черковининг қўнғироғи қандоқ келади? — деб ялинади энагасига Тараш.

— Қайсинисини айтяпсан?

— Каттасини.

Энага қўли билан қўнғироқнинг катталигини кўрсатади.

— Мана шундайми? — қўлларини ёзади Тараш.

— Йўқ, бундай.

— Қандай дейсиз?

— Тегирмон тошидай.

— Нан, — яна гап бошлайди Тараш, — авлиё Георгий қанақа отда юради?

— Оқ отда, қордай оппоқ отда, ўзим ўргилай.

— Нан, — Тараш энагани яна ҳол-жонига қўймайди, — нега князь Дадияни авлиё Георгий кун Илори черковининг дарвозасини беркитади?

¹ Очокочи — қадим халқ ривоятларидаги ёвуз зот. (Тарж.)

— Авлиё Георгий қурбонлик буқани олиб келгунча ҳовлига одам тўлиб кетмасин дейди-да.

-- Кейин-чи?

— Кейин, худонинг марҳамати ёғилади бизга, авлиё Георгий буқани олиб келади.

— Кейин-чи?

— Кейин, эртасига Дадиани келади, черковни очади ва авлиё Георгий Илорскийга қурбонлик қилади.

— Илори черковида авлиё Георгийнинг камони яширилган дейишгани ростми, Нан?

— Бўлмасам-чи, болагинам, ўзим кўрганман.

— Авлиё Георгий камондан кимга ўқ узган?

— Китга ўқ узган, жоним айлансин!

— Ҳлдирганми?

— Бўлмасам-чи, ҳлдирган!

Ой туғади. Қац Звамбая Тараш билан Арзаканни ёнига чақиради, ойни кўрсатади. Кейин ханжарини қинидан чиқариб, баланд кўтаради. Болалар ханжар тигининг ой нурида ярақлашини нафасларини ичларига ютиб томоша қилишади.

Энага ҳам, Қац Звамбая ҳам, негадир, ойдан кўрқишади. Ой туққан куни, душанбада, Қац ҳеч қачон йўлга чиқмайди, энага бош ювмайди, ҳеч ким Окуми сувидан ичмайди. Шу куни ой қаҳрли — кит, илон ва қурбақаларни сувни заҳарлашга мажбур қилади.

Шу куни Тараш билан Арзакан ҳам қурбақа ҳлдиришмайди, «илон», «камалак» деган сўзларни гапиришмайди. Яна, ёнғоқни ёнғоқ дарахтига уриб чақиб ҳам бўлмайди,— йўғаса, келаси йил ёнғоқ пуч бўлади.

Тараш Арзаканчалик чиниққан эмас, тез-тез шамоллаб туради, иситма чиқаради, салга ранги кетади. Энаганинг айтишича, бу осмонни беллаган камалак туфайлидан эмиш. «Қамалак шабнам эмган чоқда бола сувга кирган кўринади» дейди у.

Ахта хўрозни уч бор Тараш бошидан ўгиришади. Кейин болани сой бўйига олиб боришади. Ҳамманинг қўлида пишлоқ ва тухумли сомса — чўзинчоқ, учли «тил».

Бу соҳилда — Қац Звамбаянинг кумуш белбоғи, наригисида Жамсуг туҳфа қилган кумуш гардишли ханжар. Сой устидан ингичка ипак тортилган.

Энага олачипор курсқларга ўралган қўғирчоқни олиб келади. «Олло-таолонинг қули Тараш Эмхварига шифо бер!» дея дуо ўқиб, қўғирчоқни Тараш атрофида айлантиради.

Кейин энага шам ёқади ва сув онахонига сигинади. Яна ахта хўроз ва сомсани бола бошидан ўгиришади. Энага сомсаларни бурдалаб сув руҳларига ташлайди. Забули тепаси олиниб, ичи тозаланган қовоқ олиб келади. Энага қўғирчоқни қовоқ ичига жойлайди, устига ёнган шам ўрнатиб, «Бола билан эмас, қўғирчоқ билан ўйна!» дейди-да, сувга қўйиб юборади.

Пасхага икки ҳафта қолганда рўза бошланади.

Тараш билан Арзакан ўн олти кун рўза тутишади.

Арафа кун, кечаси, бутун қишлоқ оқсоқол бошчилигида ўрмонга йўл олади. Қутлуғ эман тагига жойлашишади.

Оқсоқол дуо ўқийди. Дуо ўқиб бўлгач, бошини буркага буркайди.

Аёллар ва болалар галма-гал эман ёнига келишиб, дарахтни ўпишади ва танасига ханжар қадашади. Аввал дуо ўқиб, кейин яна дарахтни ўпишади.

Кейин ҳамма, гали билан, оқсоқол қаршисида тиз чўкади ва тавба қилади. Оқсоқол ҳар бир одамга бир бўлакдан шам беради.

Шу удумларнинг ҳаммаси болаликда Тараш Эмхварини ҳайратда қолдирарди. Ҳозир эса буларнинг ҳаммаси қадимги грек диний маросимлари сарқити эканини билади. Эман — Зевснинг севган дарахти. Тараш Фивдан учиб чиққан икки қора каптар воқеасини эслайди.

Каптарларнинг бири Додонга учиб келиб, қутлуғ эманга қўнади-да, тилга кириб, дарахтни Зевснинг фолномаси деб эълон қилади. Эманга ин қўйган кўплаг қора каптарлар туфайли «фегонаис» деган ном олди бу дарахт. Зевс шу ердан туриб фикр-мулоҳазаларидан оламни бохабар қилиб турди.

Тараш Эмхвари қадим Колхидада топиниш ҳақида илмий иш олиб бораётир. Шу иши унга шон-шуҳрат келтиради! Лекин Тараш шошилмайди. Шухратнинг ўлимга ўхшаш вақт-соати билан, сўрамай-нетмай ўзи келишини билади.

Тамар ҳайрон. Абхаз-мегрель диний удумларнинг «қутлуғ ўрмон» удумига алоқадорлигини илгари сира эшитмаган эди. Унинг оиласида бошқа хилдаги нарсалар билан, ҳарбий мундир ва мансаблар билан қизиқишарди.

Шервашидзелар хонадониди, у ёки бу архимандритнинг неча ўйнаши бўлганини, уларнинг қайси бири қанақа митра кийганини, Абхазияга келганида Александр III князларнинг қайси бирининг тепакал бошидан ўлганидан тортиб, императорни муносиб кутиб олиш учун княгинялардан қайси бири янги ич кўйлаклар тиктирганигача билишарди...

Қунлар ана шундай завқли ўтади. Айиқтовонлар гулини тўкади. Қалдирғочлар чулдирайди. Олча пишади. Чумчуқлар гала-гала бўлиб олчага ёпирилади. Қўшни болалар битта қўймай, тоғолчани қоқиб кетишади. Ёнғоқ кучала тугади. Кейин олча барги сарғаяди, денгиз шамоли экинзорларда яйрайди.

Дарахт шохидан шохга ўрмалаган ток новдаларида бошбош узумлар ёқутдек товланади. Ёмғир шивалай бошлайди. Кети узилмайдиган Колхида ёғингарчилиги бошланади. Уйнинг пастки қаватидаги хоналардан моғор иси, безгақ иси анқийди.

Жўхори попилтириқ чиқаради.

Тараш билан Арзакан жўхори попилтириғини юлиб олиб соқол-мўйлов ясашади.

Арзакан қўлтиқтаёққа таяниб олиб, оқсоқ тиланчи бўлади.

У қонга қон олиш учун атай жулдур кийиниб келган қасос-кор гүё.

Тараш — князь эса ёнғоқ соясида керилиб ўтиради.

У тиланчининг акасини ўлдирган.

Укаси ака учун қасос олмоғи лозим.

Тиланчи оқсоқлана-оқсоқлана яқинлашади...

Унинг бети бошлиқ тагида кўринмайди. Тиззалари қалтирайди... Вақт-вақти билан тўхтаб, юзидаги терни артади. Мана, князь ёнига етди, қаддини ростлаб, қўйнидан тўппончани чиқарди ва...

Пақ... Пақ... Пақ... Пақ..:

Тараш тўнқадан ўмбалоқ ошиб кетади, қаттиқ яраланган князга мослаб бўкиради. Арзакан ирғиб, ўйноқи отга минади ва шамолдай елдириб кетади...

Ёмғир бўлса ҳамон эзиб ёғади. Бостирмада чўчқалар хурхурлайди. Ёнғоқ тўкилади. Сайроқи ўрмон қушлари гала-гала бўлиб, пишиб ўтиб кетган анжирга ёпирилади. Яна хонаки камонлардан ўқ узиш бошланади.

Ун икки яшар Тараш билан Арзакан қаҳрамонлик жасорати кўрсатиш хаёли билан банд.

— Жвебе Пипиа қанақа қилиб шайтонни ўлдирганини сўзлаб беринг,— деб ялинишади улар отага.

Қац Звамбая болаларга эгарланмаган отда чавандозлик қилишни, ханжар тутишни, қилич чопишни, от чопиб кетаётганда сакраб тушиб, яна миниб олишни ўргатади, «исинди»¹ га тайёрлайди.

Қац Звамбая яхшилаб чархланган ханжарни кўрсатади ва: «Шуни билиб қўйинглар! Рақибга ханжар санчиш ярамайди. Бу майда ўғриларнинг иши. Сопни маҳкам қисиб, қулочкашлаб туриб, тепадан уриш керак, ботириш керак!..»

Байрамларда овунчоқ кўп бўлади. Тараш қишлоқ болалари бошлайдиган «хинткириа» ўйинини айниқса яхши кўрарди.

Хинткириа — қадим мегрель-абхаз дуэлларидан қолган сарқит; ҳозир фақат ўйин шаклида қолган.

Қизлар ва йигитлар рўпарама-рўпара ўтирашади. Икки киши бир гўзал туфайли жанжаллашиб қолган рақиб сифатида ўртага чиқади. Учинчи одам уларнинг кўзини бошлиқ билан бойлайди.

Икки рақибдан бирининг ханжари яланғоч, иккинчисиники қинида. Ханжари қинида турган ўспирин, доира чизиб югуради ва қўлидаги қайроқни испанча қайроқ ўйинидаги каби чарақ-чарақ уриб: «хинткириа!» деб қичқиради. Ўтирганлар ҳам унга жўр бўлишиб: «Хинткириа! Хинткириа!» деб қичқирашади.

Ўспирин газирни чарақлатиб, доира чизиб айланаркан, иккинчиси ханжарни яланғочлаб, уни қувлайди. Биринчиси, қув-

¹ Исинди — от пойгаси. (Тарж.)

лаётган етиб олаётганини пайқаган ҳамано, чарақлатишни тўхтатади. Кейин, хатар нари кетгач, яна: «Хинткириа!» деб қичқиради-да, иккинчи томонга қочади.

Мана, ханжар яланғочлаган йигит рақибига етиб олиб, унга ташланди дейлик. Шу чоқ униси ҳам ханжарини қинидан чиқаради ва жанг бошланади.

Учинчи йигит эса, ўйин қоидаси бузилмаслигини назорат қилиб туради.

Икки рақибдан бири лат еди ёки рақибнинг қўлидан ханжарни тушириб юборди дегунча — ўйин ҳам тамом. Газирь кўтарган яна уни чақирлатади ва ўйин яна давом этади.

Тараш билан Арзакан бу ўйинга жуда қизиқишарди. Ўтлоқда, от ўтлатишганда, буғдой торттириш учун тегирмонга бориб, навбат кутишаётганда, ҳовлида дарахт тагида, бостирма тагида ханжар кўтаришиб ирғишлашгани-ирғишлашган эди.

Қац Звамбая икковини жазоларди. Лекин бу бефойда эди — улар бояги-бояги югуриб елишаверарди. Бу ўйинга, айниқса Тараш ишқибоз бўлиб қолган эди.

Лекин оилада Тарашни кечираверишарди. Бу адолатсизлик Арзаканга жуда алам қиларди. Кунлардан бир кун бу алам ошкор бўлди, қиличбозлик чогида Арзакан Тарашни қўлидан яралади. Қац Звамбая болалардан ханжарни тортиб олди ва «хинткириа» ўйинини бутунлай таъқиқлади.

...Сахий куз келди.

Далалар, узумзорлар, полиз ва дарахтлар ял-ял ёнади.

Қац Звамбая энагага жўхори ва буғдой унидан, ясиқдан овқат тайёрлашни буюради. Овқатларни узун ёғоч патнисга қатор теради, шапкасини бошидан олиб, ҳосилдорлик тангриси Жажига шукроналик билдиради.

Мана, янги йил ҳам келиб қолди. Болалар хурсанд, сабрсизланадилар. Қисқа декабрь кунлари узундан-узун туюлади уларга.

Янги йил! Энага пирог пиширади. Столнинг бир томонига энага билан Забули, иккинчи томонига — Арзакан билан отаси ўтиришади. Тараш фахрий ўринда.

Ённинг сингиб пишгани Тарашга. Товуқнинг энг мазали бўлаги ҳам Тарашга. Арзаканнинг тумшуги осилади-ю, лекин индамайди.

Учоққа чирмовиқ гул новдаси ташлашади. Ҳамма новданинг оловда бўлиниб кетишини кутади. Забули билан Арзаканнинг югуриб борадиган марраси белгиланган. Новда ўртасидан бўлиниши билан бир томонини Арзакан олади, иккинчи томонини Забули. Иккови икки эшикдан чиқиб, уй атрофини бир айланишади-да, жон ҳолатда уйга югуришади. Қимда-ким олдин етиб келса, эшикни ёпиб олади-да, кейинда қолгани кирирмайди.

Тушликдан кейин энага «кир-кара» ёпади. «Кир-кара» бир бош узум, қўл тегирмони, курак, занжир, тўнғиз, товуқ шакли-

даги ширин кулчалар. Хамирдан ясалиб, пиширилган товуқни пат билан тешишаркан шунда, ашула айтиб туришади:

Оқ товуқ, оппоқ товуқ,
Сени берди худойим.
Бизга кўп-кўп тухум туғ
Ўзгаларни қўйиб тур.

Кўп ўтмай, «Мирсоба» эшик тақиллатиб қолади. Қац Звамбая тўнғизни орқа оёғидан тутиб, олдинги оёғида ўчоқ атрофидан айлантиради — сўйишга тайёрлайди.

Чурак пишади. Қац Звамбая чуракни олиб: «Тангрим — Жини Антари, султони-ғолиб!» деб шивирлайди.

Овқатланиб бўлингач, нон ушоқлар авайлаб териб олинади.

Эрта саҳарлаб Тараш билан Арзакан ушоқларни бойўгли ва қарғаларга сочишади.

Қаттиқ қурғоқчилик бўлган йиллари Қац Звамбая қўшнисини билан икки буқани ажратишади-да, белгиланган куни Окумига ҳайдаб боришади.

Талай эркаклар, йнгитлар уларга эргашади. Ҳар бирининг қўлида чурак билан вино.

Ломқац Эсванжиа буқани арқонидан тортиб, шапкасини ечади-да, Афи тангрисига сиғинади:

«Момақалди роқ ва чақмоқ ҳукмрони, ёмғир, сел ва қор султони, раҳимизини егин!

Жазира экинларимизни қуритди, офтоб тафти ўтлоқларимизни куйдириб қовжиратди, иссиқ ва ҳашарот молимизни қирди...

Булутларга фармон бер, момақалди роқ ва чақмоқ ҳукмрони, саф тортиб биз томон сузсин!

Ёмғир ва қор султони, момақалди роққа фармойиш бер, қалдиратсин осмону фалакни! Денгизу, фалакни чақмоқлар ёрсин! Селу, ёмғирлар қуйсин! Ниш урган экинларимизни яйратсин! Бандаларингга шафқат қил, тангрим!»

Ҳамма қалпоғини ечиб, чўккалайди ва: «Омин!» деб фотиҳа қилади.

Қейин буқалар сўйилади. Кабоб еб, вино ичишиб, Афи тангрисига ибодат қилишади.

«Эчки овлаш» чоғи етиб келади.

Бу байрам қуёш қайтар куни бўлади.

Қац қўлига нон тутиб «Олий ҳиммат тангри!..» дея ёлборади.

Иккинчи бурдани олиб, кўппаклар тангрисига: «Итлардан иқбол ёр бўлсин менга!» дея мурожаат қилади.

Учинчи бурда билан қора мол тангриси Антарга юзланади: «Марҳаматингни дариг тутма, Антар! Тоат-ибодатларимни қабул эт!»

...Аммо Тараш болалик хаёлларига узоқ асир бўлмади. Қа-

димий худолар тум-тарақай бўлди. Ортиқ у на Антарга, на Жажига билан Мизитхага ва на кўппаклар тангриси Алишкин-тирига ишонади.. Унинг бутхонасини бошқа худо эгаллади.

Эндиликда Тарашнинг фикр-хаёлини машҳур олимлар банд этган.

Тараш улар билан изма-из шаҳардан шаҳарга кўчади, университетларни алмаштиради. Жаҳонга машҳур бўлган олимлар унинг назарида илоҳийдек кўринади.

Бундан ташқари у ҳашаматли қўрғонларда давр-даврон сурган таниқли адиблар шуҳратини ҳам орзу қилди. Лекин бора-бора диди ўсди. Муҳтожликда, очликда умр кечирган буюк сўз усталари ҳаётини ўрганди. Улганидан кейингина шуҳрат топганларга юраги ачиди.

Кейин адабиёт музыкага жой берди. Тараш концертма-концерт санғиди, пианист, органист бўлишни орзу қилди, бирор операдан қолмади.

Римда, Флоренцияда, Луврда, Британия музейида ўлмас санъат асарлари билан танишди. Бу асарлар йигитни тағ қолдирар, юрагида ғаройиб ҳислар уйғотарди. Лекин доимо бировнинг ижоди-ла завқланиш билан кифояланиб бўлармиши?

Ёввойи лочин ўргатилганда, қовоғи ипак билан чашиб қўйиларкан-да, чап қўлга қўндирилиб, эрталабгача қулоғига: «А-а-а-а-а!» деб қичқиришаркан. Шу йўсинда ўтмиш ҳақидаги хотираларини ўлдиришарканда, ундаги ибтидоий, табиий эркинликни унут қилдириб, бировнинг буйруғига итоат қилишни ўргатишаркан...

— Мен ҳам шу алфозда қолиб эдим... Етти йил давомида европа олимлари, адиблари, рассомлари ва музикачилари менинг қулоғимга ўзлариникини қуйиб, бирдай «а-а-а» деб қичқиришларини қўймадилар,— деб ҳикоясига хотима ясади Тараш.— Бунинг натижасида мен ҳам жуда ўзгардим. Лекин, барибир, улар мендан ўзлари истаган одамни чиқара олмадилар.

У ёқда ўқиган нарсаларим, бу ёқда кераксиз бўлиб чиқди, бу ерда билганларим эса у ерда ортиқчалик қилди... Отам билан европада кўп санғидим, европа ҳаётини, тилини, матбуотини, индустриясини ўргандим... Бизга ўхшаш кам сонли халқ нима қилмоғи керак, дея даҳшатдан қалтираб кетдим... Аввалги асрларда масофанинг узоқлиги, бир жойдан бошқа жойга боришлиги оғирлиги, табиатнинг даҳшатли кучини енгишининг оғирлиги, оз сонли халқларнинг мустақил ҳаёт кечиришига имконият берган. Ғарбдан замбараклар билан, аэропланлар билан, матбуотлар билан, театр ва адабиёт билан кучли халқлар ёпирилиб келаётган бир вақтда биз, уларга нимани қарши қўйишимиз мумкин?

Шуларни ўйларканман, уйга қайтсаммикан, дея иккиланиб қолдим.

Ортиқ қаёққа борамиз! Қеннойинг Каролина абхазга теккан. У бизнинг тилимизни ўрганиши, бизнинг урф-одатларимиз-

га риюя қилиши керак. Лекин бунинг унга кераги йўқ, қизиғи ҳам йўқ. Нега? Негаки, биз озчиликмиз! Агарда биз кўп миллионли халқ бўлганимизда эди, менга ҳам тилингишни ўргатинг, деб ўзи ялинарди.

Алам ва изтироблар-ла тўлиқ бу сўзларни тингларкан, Тамар уни қандай юпатишни ҳам билмас эди.

Тараш сўзлаётган нарсаларнинг ҳаммаси унинг учун янгилик эди. Тарашдан қанчалар алам ўтганини Тамар билмасди.

Европада Тарашнинг фаолияти учун кенг имконият туғилган эди. Ахир катта майдонда мусобақа қилганлар ҳам кўп бўлади-да, одатда!

Онаси эса Окумидан шу мазмунда хат ёзарди:

«Бировнинг боғига шарбатдай олма эккандан кўра, ўз боғинга ёввойи кўчат ўтқазганинг яхши».

Онанинг хатида қинғир-қийшиқ ҳарфлар борган сайин ортиб боради. Баъзан сўзлар чала ёзилади, баъзи жумлалар охирига етмайди. Тараш онасининг хатини ҳижжалай-ҳижжалай зўрға ўқийди.

«Қарға чўчқаёнғоқ олиб келса ҳам она тупроққа тушса бас»,— ёзарди онаси.

Тараш онаси мактубларини тўзиб, йиртилиб кетгунча ҳафталаб чўнтагида олиб юарди...

Тарашнинг отасига фабрикада ишлаш борган сайин қийинлик қила бошлади. Генерал ва граммафон пластинкалари, қандайдир бир-бирига қовушмас эди. Умуман, давримиз фавқулоддалик ва зидма-зидлик-ла тўлиқ.

Аждодлари фақат бир хизматни — ўз подшоҳлари ва бўлак подшоҳлар учун жанг қилишни билган кекса жаңгари, умрининг охирига келиб, аллақандай «нағма» хизматида бўлишини ҳеч қачон хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Шундай қилиб, шанба оқшомларидан бирида, пластинкаларни орқалаб зинадан чиқиб бораркан, чолнинг юраги дош беролмади.

Пластинкалар часир-чусур қилиб думалаб кетди.

Жамсуг йиқилган чоғида бошини машина қиррасига уриб олиб, ёрди.

Ишчилар чолнинг елкасидан оқ бошлиғини олиб, мажақланган бошини бойлашди — албатта абхазларчалик усталик билан бойлашолмади. Лекин ҳар ҳолда бойлашди.

Ота дарбадарликда ўлиб кетди.

Шу йили Тараш Сорбонна университетини тугатди. Парижда яшовчи муҳожирлар ўзаро пул тўплашиб, Тарашга, отасини дафн этишга ёрдам беришди.

Марҳум оқ бошлиқ билан боши боғланган ҳолда ётарди.

Тараш соатига қаради ва ўрнидан турди. Тамар бемаҳалда йигит билан ёлғиз ўтириш номуносиблигини тушунса-да, Тарашни тўхтатишга уринди.

Тараш учун қиз билан хайрлашиб чиқиб кетиш оғир эди. Лекин, ортиқ ўтириш ноқулай бўлганидан хайрлаша бошлади. Тутзор оралаб хиёбонда бораркан, хуш оҳанг янгради. Чеккаликда, акациялар ортида якка булбул хониш қиларди...

БЕОРОМ МАЛОИҚАЛАР

Тамарни учратиб қолиш умидида Арзакан кечгача кўчама-кўча санғиди.

Бирон ерда яшил берет кўрингудек бўлса юраги гупириб кетади.

Лекин бекор...

Арзакан таниш-билишларни жуда кўп учратди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам, худди келишиб қўйгандай, қизнинг отини ҳам аташмасди...

Тамарнинг дугоналари билан Арзакан тортинибгина сўрашади, қиз ҳақида бир нима дейишмасмикан, дея кўзларига тикилади. Суриштиришга эса ботинмайди, ҳис-туйғусини сездириб қўйишдан қўрқади.

Ингур билан олишиб ўтказилган тунда уйқудан қолганидан, кун охирига бориб, Арзаканнинг юарга ҳам ҳоли қолмади.

Безгак ўз кучини кўрсатмоқда эди. Эти увиша бошлади. Оёқлари қақшаб, боши оғирлаша бошлади, томоғи қақради.

У истар-истамас «Одиши» ресторанига кирди. Аччиқ овқат буюриб, икки рюмка ароқ ичди.

Овқат оғзига жуда бемаза уннади, ортиқ ўтиргиси келмади.

Кўчага чиққач, уфқни ташлаб кетишга шошилмаган сарғиш офтобга узоқ қараб турди. Қоронғи тушишини бетоқатланиб кута бошлади. Қоронғи тушгандан кейингина, Шервашидзелар кўрасига кирса бўлади. Таризел бобонинг эрта ётишини у яхши биларди.

Тўғри келган бир кўчага бурилди.

Бир қаватли ёғоч уйлардан зах ва моғор иси анқирди. Қолхиданинг ўзига хос ис бу! Бу ис ҳамма ерда сени таъқиб этади: уйлардаги жиҳозлардан ҳам, кўчалардан ҳам, боғлардан ҳам, полизлардан ҳам шу ис уфуради. Ёмғирдан сўнг, қудуқлар ва чуқурликларда кўлмак сувлар тўпланганда айниқса билинади.

Кўчалар ранго-ранг чироқлар билан безатилмоқда эди. Шаҳар кўчаларида, князь Мегрельскийнинг икки қасрида, уйларнинг дарвозаларида ва томларида қизил байроқлар ҳилпирарди.

Арзакан бу кўчани танимади. Кўчаниңг бир тёмонидаги деворлар бузилган,— безгак диспансери қурила бошланган эди. Қурилишнинг фиштип скелети атрофини ёғоч ҳовозалар қуршаганди.

Арзакан ғиштга ўтирди. Пешанасидан терини артди, бир оё дам олиб, яна йўлга тушди. Илгари қабр тоши ва ҳайкаллар тайёрлайдиган устахона ҳовлисига яқинлашди. Тошдан беўхшовгина ясалган қанотли малоикаларни кўздан кечирди.

Парвоз маъносидаги буюк ғоя ношуд қўл тарафидан нақадар беўхшов гавдалантирилибди! Бу беўхшов ярим яланғоч шаклларга ёпиштирилган қанотлар ҳам бемаъни кўринади.

Инсонлар, малоика қиёфасида тасвирланган қанотли одамга асрлар давомида топиниб келдилар, асрлар мобайнида унга сиғиндилар! Лекин эндиликка келиб, инсон ҳақиқатан ҳам парвоз қиладиган бўлиб, юлдузга, ойга яқинлашганда, инсон даҳоси кашф этган моторлар гулдуриси ва паррақлар ғувури, бир вақтлар фалакка жойлашган малоикаларни чўчитиб осмони фалакни тутганда, инсон ҳужум қилиб осмонни ҳам, худони ҳам қўлга олганда бу беўхшов шаклларнинг шаҳар марказида шунча жойни эгаллаб ётиши бемаъно эмасми?

Малоикаларнинг ясалганига кўп бўлган бўлса керак.

Ёғни-сочин уларни саргимтир кир доғлар билан қоплаган эди. Харидор топилмаганлигидан сўққайиб туришарди.

Ҳайкалларга қушлар қўниб, малоикаларнинг қанотини, бошини тезаклари билан булғаб ташлашган эди.

Марҳумаларнинг руҳига раҳмат тилаб ёзилган ёзувлар эса Арзаканнинг назарида, яна ҳам бемаъни кўринарди.

Кўм-кўк бўлиб кетган пойдеворга кўкраги керик, қаноти синиқ малоика қўндирилган эди. Унинг тагида шундай ёзув бор эди: «Бандаларингни ножинслардан сақла. Покиза эдим, гуноҳлардан ўзимни сақладим. Ерни ҳам, кўкни ҳам ҳаром-хариш тутди...»

Арзакан ёзувни охиригача ўқиёлмади. Нақадар бемаънилики! Бу мужмал жумлаларни ким тўқиди экан, кимга мўлжалланган экан?

Арзакан йўлида давом этди, ammo маънисини йўқотган сўзлар аллапайтгача миясидан чиқмади.

ЗАБУЛИ

Илк олма гулидай чиройли, нафис,
Мен оҳу мисоли сокин, беозор...

Қанот ёзолмайман,

орзум журъатсиз,

Юрагимда олов ёнади

лов-лов...

Зугдидидаги ягона проспект қип-қизил байроқлар-ла безатилган. Дадиянининг собиқ саройидан хурофотга қарши уюштирилган намоиш чиқиб келди. Олдинда — комсомоллар, ёшлар, гулчамбарлар ва гуллар-ла безалган бир неча енгил машина.

Арзакан отларни кўздан кечиради. Баъзилари кўнглига ёқади.

Болалар қизиқишиб, намоён шактидан югуришади.

Автомобиллар кетидан «Мак Корн Дюринг» трактори, мақтови оламни тутган «Холт» ва баҳайбат «Катерпиллер». Улар ортидан Зугдиди касабаси союзи ходимлари келишаётир. Намойишнинг ўрталиқ ерида динга қарши маскалар. Юк машиналаридан бирида парик кийган аллақандай беўхшов йиғит, юзларига қуюқ қилиб қора суртиб олган. Узундан-узун сочи, соқоли ва мўйлови жўхори попилтириғидан ясалган. Бу гўё инжилдаги саваоф.

Унинг бағбақалари осилган, жуббаси тўзиган. Тиззасида футбол тўпи — мажозий маънода ер куррасини тасвирлаётгандир балки.

«Худо» қимир этмай ўтирибди. Бундай ўтириш артистга жуда қийин тушаётгани шундоққина сезилиб турибди.

«Худо» кетидан эса қоқ суяк хўтик судралади... Қадим бутпавислар беўхшов ясаган иконаларга ўхшаб кетадиган «Христ» хўтикка мингазилган. Бўғиқ ранг бўёқ нотекис суртилган юзига қора соқол ёпиштирилган. Бети ва кўз остларига грим, одамлар таниб қолмасликлари учун ҳаваскор артистлар қилгани каби, жуда қуюқ суртилган эди.

«Худо» билан «Христни», ориқ қирчанғида худди «худо»нинг ўзидек қориндош кашиб кузатиб боради — қорнига ёстиқ боғлаган бўлса керакки, жуббаси қаппайиб турибди. Қашибнинг бети қип-қизил қилиб бўялган — қишлоқ кашибларининг юзи одатда шундай бўлгувчи эди.

Кашибнинг бошида конус шаклидаги узун шапка. Қўрағида мис салб силкинади. У совуқ тутатқи идишни йўловчиларга яқинлаштириб, тишларини иржайтириб, тутатган бўлади. Бир гала яланг оёқ болалар уни мазах қилишиб, чинқиришиб, қирчанғисининг думидан тортиб, кетидан югуришади.

Қирчанғи шу қадар ориқ, шу қадар аянчли эдики, одамлар майна қилсин, дея атай шунақаси танланганди. Христ ҳам, кашиб ҳам, авлиё-анбиёлар ҳам — ҳаммалари тишларини иржайтиришади. Ёлғиз худогина қимир этмай ўтиради.

Қирчанғи бошини эганича, эринибгина оёғини судрайди. Пашшалар кўзига, ёлига ёпишади. У яратганга лаънатлар ўқиб, бошини силкита-силкита пашшасини қўрийди.

Арзакан оломон ичида Лукаянинг бошини кўриб қолди. Болалар уни ўраб олишиб, масхара қилишарди. Лукая сўкинар, бақарар, муштини дўлайтириб, улар таъқибидан қутулишга уринарди.

— Ҳо-ой, Лукая, ҳе-ҳей! — дея бўкирарди болалар.

Лукая, бетоқат бўлиб, комсомоллар худони қанчалар шарманда қилганини кўргани келган эди. Лукая комсомолларни ҳайдаб солмоқчи ҳам бўлди, лекин уни ҳам худосига қўшиб мазах қила кетдилар.

Лукая бақириб-чақириб, «шайтонга жон ато қилганлар»ни лаънатлай-лаънатлай аламдан чиқди.

Арзакан ёндаги кўчага бурилди ва дарвоза олдида тўхтади. Ҳовлида, бостирма тагида болалар қайишлари билан «лахти»¹ ўйнашарди. Катта болаларнинг бети офтобда қорайган, тиззалари қон-қора. Кичкинтойларнинг ранглар бетлари қайнатилган беҳи тусида, залфарон. Улар ўйинни томоша қилиб, илжайиб туришади. Болалардан бирининг, энг кичкинтойининг юзи сап-сарик. Ҳатто кўз қорачиқларида ҳам лимон туси акс этади. Қорни катта, даҳанида тошма.

«Безгак қурсин, безгак...»— дея ўйлади Арзакан болага қараркан ва Колхида ботқоқликларини эслади Арзакан ҳалокати ботқоқликни қуритишда икки йил ишлади.

«Биз — бөлшевиклармиз! Бу олиб бўлмайдиган қўрғонни ҳам оламиз! Колхида болаларини ҳалок қиладиган безгакни йўқ қиламиз» — дерди у ўзига ўзи.

Бола унга таниш кўринди. У Арзаканга қараб илжайди.

— Ҳой, кичкинтой, Утамисан?

Бола бош ирғади.

— Забули уйдами?

Забули уйда экан. Бола Арзаканни бошлаб ҳовлига кирди.

Забули илгари Арзакандан тортинмас эди. Неча-неча мартаб бирга чўмилишган... Лекин ҳозир, қаршисида каттагина йигит тураркан, у дарҳол кофточкаси олдини ёпаб, калта кўйлагини тўғрилади.

Қиз хижолат тортиб кетди... Арзакан қизнинг суякдор, бақувват гавдасига бир кўз югуртиб чиқди. Қизнинг қадди-қоматида назокат ва латофат кўзга ташланмасди.

Тамар ҳақидаги ўйлар юрагини ўртар, лекин бу қиздан уфураётган илиқлик ва майинлик Арзаканнинг эзилган кўнглига тасалли берарди.

Арзакан стулда букчайиб, оғирлигини зўрға кўтариб, ўлардек чарчаганидан йиқилиб қолгудек бўлиб ўтирарди. Қаддини тиклаб олишга мадори етмасди... Шу билан бирга, қизнинг яқинлиги уни бепарво қўймас, қиз томон тортарди уни. Лекин Арзакан абхазларга хос бардош эгаси эди. Агар шу бардош бўлмаса, Забули ўтирган сўри ёнида тиз чўқар, оёқларига юзини кўярди... Шунда, кейинги кунларда бошдан кечирган барча алам-изтироблар зумда йўқ бўларди-кетарди.

Арзакандаги ҳаяжон ва ташвиш Забулига кўнган эди. Лекин хотин-қизларга хос эҳтиёткорлик уни сергак тутарди. Иккови ҳам хотиржам, қиз на ўзининг, на Арзаканнинг ҳаяжонини сезмагандай, бека сифатида меҳмонни гапга солар; бири ўғил, бири қиз эканлиги хаёлига ҳам келмай, бирга яланг оёқ мактабга қатнаган болалик чоғларини эсларди.

Кейин шу ердаги янгиликлар ҳақида гап бошлади.

¹ Л а х т и — қайиш ўйини.

Арзакан суҳбатни қувватлашга ҳаракат қилди, бир-икки бор кулиб ҳам қўйди.

Забулининг хотиралари ва ҳар мавзудаги гаплари ниҳоясига етиб, Тамар ҳақида бирор нима деб қолармикан, дея тоқат билан кутарди Арзакан.

Шундай бўла қолса, Арзакан қизнинг ҳозир қаердалигини оҳиста сўраб оларди.

Кун-уззукун у чарчаганига ва бетоблигига қарамай, ўзини қизиқтирган бирдан бир масалада бирор оғиз сўз айтувчи бўлармикан, деб бекор овора бўлди.

Мана, шу ниятда Забули ёнига ҳам келди. Фақат шунинг учун келди. Лекин яна ҳеч гап йўқ.

Забули пойга билан қизиқяпти. Арзакан эринибгина жавоб қилади. Бугун Тамар ҳақида бирор гап эшитишдан Арзакан умидини ҳам узди.

Отлар ҳақида суҳбат ниҳоясига етди. Забули бирдан Тараш Эмхвари ҳақида гап очиб қолди. Арзакан кўксига ҳеч қачон, ҳозир бу исми — сут эмишган биродари номини эшитганда пайдо бўлгани каби ғазаб бўлмаган.

Бирга-бирга атак-чечак қилган, эртақлар тинглаган, ўйинчоқ ўйнаган ва шўхликлар қилган одамчалик яқин киши бўладими оламда? Арзакан учун Тараш ана шунақа яқин одам.

Лекин, ҳозир-чи!..

Арзакан Тарашнинг ундан олдин Очамчир поёзди билан келганини билди.

«Тамар ҳозир қаерда экан?» — деб ҳайрон бўларди Арзакан.

Забули эса Тараш Эмхварини мақташни давом эттирарди.

Тараш Европада олимлик унвонини олган. Француз фанлар академияси унинг тадқиқотларини абхаз тилида нашр қилди. Жаҳонга таниқли олим китобга кириш сўзи ёзган. Грузия фан оламида бу ёш олимга катта умид билан қарашяпти. Ҳатто билимдонлардан бири: «Агар Эмхварида илмий фаолият учун бардош етарли бўлса, ҳаммамизни доғда қолдириб кетэди...» дебди.

Техникум қизлари Тарашга атаб шеърлар ёзишармиш... Ҳатто, баъзи ҳурматли хонимлар ҳам уни кўрганда ўзини йўқотиб қўярмиш... Тарашнинг келишган қомати, чарақлаган кўзлари, абхазларга хос назокати ҳаммага хуш ёқармиш.

Забули тинмай гапирарди. Тараш Тбилисида «Ориант» меҳмонхонасида яшабди. Уша ерда у, аллақандай америкалик хоним билан алоқада бўлибди. Бу аёл Тараш туфайли стрихнин билан ўзини заҳарлаб ўлдирмоқчи ҳам бўлибди. Бундан ташқари у яна бир эътиборли одамнинг хотинини йўлдан оздирибди, лекин бир ойдан кейин эрига қайтариб берибди...

Чет элда, Тараш, хотинлар туфайлидан бир неча бор дуэлга чиқибди. Икки бор яраланибди. Парижда бўлса, ўзи истамагани ҳолда, аллақандай америкалик фабриканти отиб қўйибди, Тарашнинг қанчалар мерганлигини билмай у одам, ўзини ўзи

Балога гирифтор қилибди. Хулласикалом, Тарашнинг ишқ-муҳаббат можароси кўп бўлган экан.

Буларни тинглар экан, Арзаканнинг қовоқ-тумшуги осилиб борарди. Гунгурсдай Забули ҳам, тўсатдан заҳарли илондай жирканч туюлиб кетди. Забулининг оғзи бу қадар катта-ю лабиниң жудаям юқалигини Арзакан эндигина сезди.

У энди ўридан қўзғалмоқчи бўлиб туриб ҳамки эди, Забули Тамар номини тилга олиб қолди. Забули бепарволик ва совуққонлик билан сўзларди, лекин Арзаканга олов уфурилгандек бўлди. Бу қисқагина сўз зумда уни иситиб юборди.

Тамар Тбилисига бормоқчи эди, кетиб қолган бўлса ҳам ажаб эмас.. У университетга кирмоқчи.

Забули яна бошқа нарсалар ҳақида сўзлай бошлади, лекин унинг нима дегани, ортиқ Арзаканнинг қулоғига кирмас эди.

Қиз ўз дарди ҳақида ҳам алланималар дегандек бўлди.

Арзакан эшитганлари ҳақида ўйлай бошлади. У Забулининг шу исми яна такрорлашини истарди: Тамар, Тамар, Тамар! Яна, яна, яна такрорласа-чи!..

Тамар нега бунчалик Тбилисига интилади? Арзакан шу куз университетга кирмоқчи бўлаётгани учун эмасмикан?

Йўқ, сабаби бўлак..

Университет Тараш Эмхварига кафедра таклиф этган. Тамар ҳам, албатта, унга яқинроқ бўлишни истайди, унинг қўлида ўқишни истайди. Кейин.. Кейин эса — ким билади яна нималарни истайди?

Шу «кейин»нинг охири йўқдай эди Арзаканга. Ахир, ҳозир ҳам, Тараш сўз бошлади дегунча,— Тамар анғиздаги бедана сифат қотади-қолади. Елпиғич киприкларини ерга қадайдиде, бутун вужуди билан қулоққа айланади-қолади. Тараш билан сира тортишмайди. Каролина бўлса, унинг бирор фикрига қўшилмаса, дарҳол талашиб-тортишиб кетади. Тамар-чи?

Тарашнинг фикрлари ва хатти-ҳаракатларини маъқуллайдим, йўқми, буни ҳеч кимга айтмайди. Тарашнинг ҳикояларини маъқуллайдим, йўқми — буни билиш учун Арзакан неча бор қиз билан очиқ гаплашишга ҳаракат қилиб кўрди. Тамар ё индамас, ё гапни бошқа ёққа буриб юборарди.

Шу ишдамаслиги учун Арзакан қанчалар ундан ғазабланарди! Ахир уларнинг иккови ҳам Арзаканнинг болаликдаги дўстлари. Йўқ, йўқ.. Улар барибир Арзаканга ёт кишилар. Қиязь авлоди улар! Қиязлар сукут чоғи ҳам бир-бирларини яхшироқ тушунадилар. Арзаканни, деҳқон фарзандини назар-писанд қилишармиди улар.

Тамарнинг мана шу девор сингари гунг ўтиришидан неча бор ғазаб ўтида тўлганган Арзакан!

Арзакан бирдан сесканиб кетди: Забули яна у ҳақда сўзлай бошлади.

Тамар дўстларининг қадрига етмас экан. Бунинг ростлигига Забули ишонч ҳосил қилибди. Ҳамма чиройли қизлар каби у

худбин ва ўзига бино қўйган одам экан. Ҳамма княжналар сингари енгилтак бўлиб хушомадни яхши кўраркан.

Яна Тамар ичидан пишган экан, ҳатто, ҳозирги совет замонасида ҳам Шервашидзеларга хос ҳаволанишдан воз кечолмас экан.

Забулининг сўзлари Арзаканга ҳақиқат бўлиб кўринди. Ростдан ҳам, ахир, Тараш Эмхвари чет элдан қайтиб келганидан бери Тамар Арзакан билан совуқ муомала қиладиган бўлиб қолмадими?

Тарашнинг инглизча қирилган мўйлови, гарданининг тарашланганлиги, суҳбат чоғи маънодор қилиб сукут сақлай билиши, вақт-вақти билан қочирик қилиб туриши, рўмолчаларидан уфуриб турган париж атирларининг муаттар бўйи Тамарни ром қилгандир балки.

Абхаз нуқтаи назаридан қараганда булар ҳаммаси бир пуллик нарса. Лекин аёллар масалага бошқача кўз билан қарашади одатда.

Тараш бор чоқларда Тамар бирдан жонланиб кетади. Қиз Тараш билан ҳазиллашади, майнавозчилик қилади, унинг катак кепкасини кийиб кўради, кашнесини тақади... Тараш то Каролина билан баҳслашиб қолгунча Тамар шундай яйрайди. Суҳбат пайтида Тамар жимиб қолади, бирор сўзни ўтқазиб юбормасликка уриниб, улар суҳбатига қулоқ тутайди.

Каролина абхазга теккан бўлса ҳам, ҳар ҳолда чет эллик одам: эркаклар билан очиқчасига сўзлашаверади. Лекин Тамар грузин қизи...

Қиз Тарашни Каролинадан рашк қилишини Арзакан яхши билади. Бир ой муқаддам, улар исм қўйилган кун байрамида бўлишди. Тараш Тамар билан Каролина ўртасида ўтирарди. Арзакан эса — Тамарнинг ўнг томонида эди. Қадаҳ кўтариш бошлангунча Тараш Тамар билан сўзлашиб ўтирди. Арзакан индамай овқатланиб ўтираверди.

Аммо тамада, Тарашни икки-уч шохни сипқаришга мажбур қилгач, у Каролинанинг чуқур ўйма ёқасига кўз қирини ташлаб, гапга сола кетди... Тараш Каролина билан на Тамар ва на Арзакан тушунадиган инглиз тилида сўзлашарди.

Тамарнинг дарҳол боши оғриди. Аввал нашатир спирти сўради, кейин бироз ётиб ҳордиқ чиқариш учун иккинчи хонага чиқиб кетди. Икки соатлардан кейингина бека уни зўрға қайтариб келди...

Забули Тамарнинг роса пўстагини қоқди. Яхши фазилатлари ҳам йўқ эмас албатта: у чиройли, ақлли, дея тан ҳам берди.

Лекин шу топда Тамар Шервашидзенинг фазилатларини эшитишга Арзаканнинг тоби йўқ эди. Забулига қараркан, Арзакан уни Тамарга қиёс қилар ва:

«Ким билади, балки отам ҳақдир...» деб ўйларди.

Забули — деҳқон қизи. Соғлом, чиройли, содда деҳқон қизи. Қани энди Забули Тамар билан Тарашни бешбаттар койиб таш-

ласа-чи! Тамарни Арзакан назарида пастга уриб юборадиган бирор нарса деса-чи! Арзакан бу такаббур қизга бўлган муҳаббатини юрагидан, худди деҳқон полизидан ёввойи ўтни илдизи билан сугуриб ташлагандай юлиб ташлай қоларди, абадул-абад ёмон кўрарди бу кекайган княжнани. Забулини севиб қўя қоларди. Бир-бировини яхшироқ тушунишарди иккови.

Забули — кўнгилчан қиз. Арзаканни Гамарчалик қийнамасди. Мана ҳозир, шу топнинг ўзидаёқ ҳорғин бошини унинг баланд кўкрагига қўярди.

Забули — мегрель. Дилбар қиз, мегрель сўзларидай ширин; мегрель алласидай — майин; мегрель чонгуриси сингари содда, кўнгилга яқин.

Яқинда Тамар ҳазил билан Арзаканга соқоли қирилмаганини гарданидаги сочини қирдириб текислатиш, мўйловини калтароқ қилиши кераклигини айтди.

Албатта, Тамарга қолса Арзакан буржуа мамлакатларида тарбия топган князь ўглига ўхшаб кетса. Гарданидаги сочни текислатиб, Тараш Эмхварига тақлид қилиши қолувди энди!

Тамар, Тамар...

Арзакан алам қиладиган сўз қидиради, лекин тополмайди.

Забули ҳаётини Тамардек заҳарламасди.

Забулининг сўзлари Қолхида асалидек ширин.

Забули — етим қиз.

Онаси вафотидан кейин қарамоғида қолган укаларига қанчалар меҳрибон!

Забули машинкада ёзади (шу сабабли тирноқ ўстирмайди.) Ўзини аямайди, кўп ишлайди... Нозик, бекорчи княжнанинг Арзаканга нима кераги бор? Ахир ўзи ҳам болаликдан ишлайди-ку!

Забулидек меҳнаткаш хотингина ҳаётнинг аччиқ-чучугини у билан баробар баҳам кўради.

Забули бўлса ҳамон Тараш Эмхвари ҳақида ҳикоя қиларди.

Тараш яширинча шеър ҳам ёзар экан.

Забули шеърни севади. Тбилисидан шоирлар келганда Забули кечки ишини ташлаб, мушоирада шеър тинглабди.

Қофияларга ошиқ шу бебош одамлар унга жуда ёқиншармиш. Гоҳ керосин, гоҳ мой, гоҳ гўшт етишмаслигидан ташвиш чекиб юрган оддий кишиларга ўхшамайди шоирлар.

Уларнинг тийиқсиз ҳайқириқларида қанақадир жонбозлик сезилади!

Тараш Эмхвари шеърларини бостирмас экан, ҳеч кимга кўрсатмас ҳам экан. Шунчаки... ўзи учун ёзаркан. Шеърларини фақат Тамарга ўқиб бераркан...

Ниҳоят, Арзаканнинг тоқати тоқ бўлди. У, беихтиёр, Тараш ҳаракатини такрорлаб қўлини қайирди, сут эмишган биродари чет элдан келтирган соатга қаради.

Қиз билан мулойимгина хайрлашди-да, ойдин тун қўйнида ғойиб бўлди.

КОЛХИДА ТУНИ

Сендан, заҳар қайнатилаётган қозондан уфургандай Колхида заҳарнинг иси аңқийди.

Лукиан.

Ёмғир томчилай бошлади. Майда, сийрак ёш томчиларидек, Арзаканнинг яланг бошига томарди.

Гоҳ унда, гоҳ бунда юлдузлар жимирлаган осмон гулдор читни эслатарди. Кўчалар сийрак туман ичида. Ғарб тарафда узун кул ранг булут ярим орол шаклида чўзилган; иккинчи — ўртаси ёришган қора булут шу томон сузарди. Кўм-кўк осмонда бу икки қорамтир қанот, ложувард кўк ва қорамтир тупроқ узра осилиб ётган баҳайбат кўршапалак сингари қанот ёзганди.

Нарироқда, Ингурга яқин томонда кумушсимон булутлар байрам намойиши учун ёруғ йўл тўшагандай чўзилганди.

Электр фонарлари йилтиларди. Қоронгида одамларнинг говур-ғувур сўзлашгани, шошилмайгина қадам ташлагани эшитилади.

Қатор тизилган тераклар, мажнунтоллар, четан деворлар ортида қурвақаларнинг бир меъёрдаги қурр-қурри эшитилади...

Бир хилдаги бу чўзиқ говушлар, ҳатто, одатда хушчақчақ, жонли Арзаканга ҳам таъсир этиб, кўнглига хижиллик соларди... Арзакан бешиккерт қилинган Забули ҳақида ўйларди. Қизнинг ўзи ҳақида сўзлаганларига эътиборсизлик билан қараганига ҳозир у хижолат тортмоқда эди.

Отаси билан онаси уни Забулига уйлантиришни исташадди. Қизнинг маъсумлигини, унинг оиласи бошига тушган ҳамма жабр-жафоларни Арзакан беш бармоғидай билади.

Арзаканнинг онаси яқин-яқингача Забулини келиним деб атарди.

Забули қишлоққа борганида Арзаканнинг онаси Хатуна қизнинг катта-катта кўзларидан ўпар, қиз эса унинг чап сийнасидан, Арзакан эмган сийнадан ўпарди.

Иигитнинг хаёлини онаси банд этди. Шу топда Арзакан, шаҳарда ўқиган вақтларидаги каби, бирдан, онасини соғиниб кетди.

Арзаканни босмачилик ва от ўғрилигига қарши отрядга бошлиқ қилиб тайинлаганларидан кейин онаси айниқса хавотирланадиган бўлиб қолганини ўғли яхши биларди.

— Ҳали суюгинг қотгани йўғ-а, нан, ким кўйибди сенга қароқчилар билан курашишни!— дея худонинг зорини қиларди Хатуна.

Бу ёққа, пойгага отланаётганида ҳам Арзакан онасидан қанча-қанча насиҳат ва маслаҳатлар эшитди...

Арзакан, шаҳарга абхазлар ҳам келиб қолгандир, дея вокзалга қараб кетди. Агар абхазлар келишган бўлса, Тбилиси

поездни кутиб олгани, Зугдидига яна кимлар келганини кўргани вокзалга албатта боришларини биларди.

Поезд аллақачон келган экан. Перронда бирон таниш кўринмас, келган пассажирлар аллақачон тарқалиб кетиб бўлган эди.

Арзакан стулга суянди ва биринчи бор кўраётгандек, паровозга махлиё бўлиб қолди. Арзакан кучли, кенг кўкракли пўлат паҳлавонни кўздан кечираркан, анча бардам ҳис этди ўзини. Ярақлаган металл қисмларни, оловдек ёнган аъзоларни, мустаҳкам ричаглари томоша қилиш ҳузури эди.

Паровоз ўйноқлаб, югургилаб чарчаган бузоқдай ҳарсилларди. Унинг баҳайбат мускуллари, қудратли аъзолари бетоқатланиб силкинарди. Ҳайбатли баҳодир қаъридан уфураётган қудратга бардош беролмай, қатор вагонларни судраб юриб кетиб қоладигандай туюларди! Ҳали ҳордиқ чиқариб улгурмасидан, яқиндагина қурилган, ҳали жонга тегиб улгурмаган, абхазлар гурур билан кутиб оладиган йўлдан жилиб, яна йўлга тушиб кетадигандай.

Тбилиси поезди! Тамарни пойтахтга олиб учган поезд билан тўқнаш келмадимикан йўлда?

Арзаканнинг юраги яна увишиб кетди. У қудратли машинага худди ёш бола сингари тикилиб қараб қолган эди. Тамар билан алоқа боғлайдиган, уни кўришга имкон берадиган бирдан бир восита шугинадир балки...

Локомотивни яратиш устида иш бошлаганида, инсон ақл-заковати, шу тун Арзаканни Тамарни излашга олиб кетишнигина назарда тутгандай эди. Агар пойга бўлмаганида Арзакан ўйлаб-нетиб ўтирмай, Тбилисига йўл олган бўларди.

Тамар Тараш Эмхварини севса севаверсин. Бир дақиқагина унга тикилиб, мовий кўзларини бир кўрса бас! Арзакан ҳеч қачон ҳеч қаерда бундай кўзларни кўрган эмас! Қиёси бормикан уларнинг? Арзакан фақат бир нарсани — шу кўзларни... ва чеккасидаги кўм-кўк томирларни бир кўришни истайди. Кўм-кўк, ҳа кўм-кўк томирларни кўришни истайди.

Звамбаялар минг йиллар давомида, мана шу Эмхвари ва Шервашидзелар хизматини қилишди. Улар-тириларига қарамай, асрлар давомида, уларнинг хизматида бўлишди. Улар эса, миннатдорчилик эвазига, яқин-яқинларгача, эллик йилгина муқаддам ҳам, Звамбаяларни Стамбул бозорларида сотишди... Шервашидзе ва Эмхварилар эмас, балки Звамбаялар ер ҳайдади, мола босди уларнинг ерларида! Княгиня Шервашидзе ва Эмхвариларнинг сийнаси вақтидан бурун сўлимасин учун Звамбаяларнинг хотини уларнинг фарзандларини эмизиб келди.

«Эндиликда Звамбаяларнинг куни туғди! Замон бизники энди! — дея ўйларди Арзакан. — Далалар ҳам бизники, экинзорлар ҳам, зангори денгизлардан тортиб, осмону фалаккача... мовий кўзларгача бизники.

Наҳотки душманни наслдор йўрғадан уриб туширгандан ке-

Йин ҳам, бу йўрга илгари душманники бўлгани учун миниб бўлма-маса? Демак, Арзакан севимли айгиридан жирканиши керак экан-да?!

Ё бўлмасам, бир вақтлар душман деразаси тагида сайраган, дея булбулдан нафратланиш керак экан-да?!

Наҳотки, боғ бир вақтлар душманники бўлгани учунгина, гулзордан гул узиш мумкин бўлмаса?!»

Арзакан Тбилисини эслади. У албатта университетга киради. Партия ўқиш учун имкон беради унга.

Партия унинг бутун борлиги эди. У партия учун ҳар дақиқа жонини қурбон қилишга тайёр.

Партия учун неча-неча бор ёш жонини тикди Арзакан. У партиянинг асл садоқатли фарзанди!

Партия ҳам унга ёрдам беради.

Арзакан университетни муваффақият билан тугатади. Кўпдан медицина қизиқтиради уни.

— Кейин-чи?

Кейин уни кафедра ҳузурида қолдиришади. Арзакан бутун ёшлик ғайратини кўпдан буён кўзлаган мақсадига эришиш учун бағишлайди.

Қани, кўрамиз, князлар фанни эгаллашда ундан устун келишармикан!

...Аллаким у билан абхазча саломлашди. Арзакан сесканиб кетди. Қаршисида илжайиб Лукая турарди. Чол уни уйга юр, деб қистай бошлади.

Иккиланиб ўтириш етар. Лукаядан Тамарни сўраш керак...

Лекин шундай эса-да аввал Херипсни сўради. Херипсни Тбилисига чақиртиришган экан, кечқурунги поезд билан жўлаб кетибди.

Арзакан Тамарни сўради. Бу исми у, гўё аташ таъқиқлаб қўйилгандай, овозини пасайтириб тилга олди.

— Тамар? Тамар уйда... Тараш билан нард¹ ўйнаётир,— деди Лукая.

— Нима?.. Тараш билан нард ўйнаяпти?!

Арзаканнинг юраги сиқилиб кетди. Қуёш ботиши билан кашиниш дорисини ичиб ётгану, ухлаб қолган. Каролина боласи билан овора... Тараш бўлса Тамар билан ёлғиз қолган...

Арзакан Лукаянинг рангпар, сўлғин юзига тик қарарди. Чол ёшлардан ва динга қарши уюштирилган намоийшдан нолирди. «Чурвақаларга» айтиб қўй, худони ўз ҳолига қўйинсин, дея Арзаканга ёлборарди. Арзакан бир оғиз айтса, намоийш тўхтаб қоладигандек, йигитни ҳол-жонига қўймасди.

— Бундай номаъқулчиликни ким кўрибди оламда? Она сути оғзидан кетмаган мишиқиларга ким қўйибди олло-таолога қарши бош кўтаришни!— Арзаканнинг тугмасини бураб, афтига сўлак сочиб, кўзларига тикилиб сўзларди Лукая.

¹ Н а р д — соққа ташлаб ўйналадиган ўйин.

Чол Арзаканнинг бу «даҳшатларга» муносабатини билишга уринар, Зугдиди большевикларини қарғишларди. Бу ердаги расвогарчиликдан Тбилисидагилар беҳабар, бўлмасам комсомолларга кунини кўрсатиб қўйишардику-я!

Тбилисида кўнғироқлар ҳам жойида турибди, эрталабки ва кечқурунги ибодатлар вақтида ўтиб турибди. Католикоснинг¹ ўзи ибодатни бошқараркан.

Лукая, Тбилисигача пиёда бориб, ҳаммасидан ҳукуматни хабардор қилажагини, бундаги комсомолларнинг беҳаёликларини католикосга сўзлаб беражагини оғиз кўпиртириб гапирарди.

— Сен билан менга ўхшаган чивиндек нарсаларнинг мазах қилгани қаёққа борди худо учун?— дерди Лукая Арзаканга яқинлашаркан.— Худонинг марҳамати кенг. Уни майна қилмоқчи бўлганларни майна қилади-қўяди. Тўғрими?

Лукая Арзаканнинг ҳеч бўлмаса, «ҳа» дейишини кутарди. Арзакан одоб билан индамай борарди. Чолга манзур бўладиган «ҳа»ни айтиб, ундан қутулиб қўя қолиш осон эди. Лекин Арзакан шуни яхши билардики, унинг «ҳа» деганини эртасигаёқ Лукая бутун шаҳарга ёйиб юборади. «Йўқ» деб кесиб қўя қолсинми? У тақдирда узундан-узоқ бахс бошланади, девонага бир тапни маъқуллаб бўлармишми.

Шу сабабдан Арзакан индамасди. Лукая бўлса унинг кўйлагидаги илмоққа маҳкам ёпишиб олиб, жазаси тутиб бостириб қеларди. «Олло, фикр сингари кўринмас, олов каби зарб емас, сув сингари адо бўлмас, шамол сингари тугқич бермас, денгиз каби тубсиздир!»

Ниҳоят Арзакан унинг сўзини бўлди:

— Айт-чи, Таризэл ҳалиям урадимми сени?

— Уради, нима эди?

— Союзга арз қил, жазолаймиз!

Лукая «лаънати» касаба союзни боплаб сўкди.

— Уради! Урса мени уради, сенларни эмас-ку! Урса мени уради! У — менинг хўжам. Алам қилсин сизларга! Уради, уради, дўппослайди!— деб бўкирарди Лукая.

Ўтган-кетганлар уларнинг гапларига эътибор қила бошлади. Арзакан чолни оҳиста ўзидан четлатди.

— Отамга айт, менинг мажлисим бор, кечроқ қайтаман,— деди у ва шошиб Лукаядан узоқлашди. Кейин ёлғиз ўзи темир йўл ёқалаб кетди.

Ҳа... Забули янглишибди-да. Тамар Зугдидида экан, оқшомни Тараш билан биргаликда, нард ўйнаб ўтказаетир! Мен бадбахт бўлсам, эрталабдан бери шаҳар кезаман...

Рельслар худди рандалаб силлиқлангандай ойдинда ярақлайди. Телеграф симлари гуриллайди. Арзакан ҳорғин қадам

¹ К а т о л и к о с — VI асрда грузин православ черковидаги патриархлар унвони. (Тарж.)

ташлайди. Зовур ёқалаб ўсган мажнунтоллар тагида эса, қурбақалар тунги суҳбатларини бошлаб юборганлар.

Ёнгинасида: «Қурр-қурр-қурр...» — эшитилади, аллақайда унга жавобан яна: «қурр-қурр-қурр...» товушлари янграйди.

Арзакан Ингур томон йўл олди.

Мажнунтолларнинг япроқлари ой нурида кумушдай ярақлайди. Қора арча буталари орасида ялтироқ қуртлар кўзга ташланади. Арзакан папахини ечди. Шабада унинг терлаган пешанасига тушган бир тутам сочини сийпаларди. Ингур тарафдан ботқоқликдаги қурбақалар оркестри эшитилади. Бири ингичка овозда қурилласа, бошқаси бўғиқроқ қуриллаб қўярди.

Баҳор туни сукунатини қурбақаларнинг мана шу бир оҳангдаги қўшиқларигина бузарди.

Йўлда тўнтарилган аравага дуч келди. Бир одам унга суянганча оғзини очиб ухларди. Ухлаётган кичининг ёқаси очиқ эди. Қўлини кўкрагида қовуштирганича ширчингина хуррак тортарди у. Умри бино бўлиб ташвиш нималигини билмаган кишидай осойишта эди унинг чеҳраси. Ойнинг юмшоқ нури унинг юзини ёритиб турарди. «Қанчалар ширин уйқуда бахтиёр одам!» деб ўйлади Арзакан.

Шу чоқ юраги бирдан сиқилиб кетди,— худди шундай осойишта уйқу орзуси юрагини гупурлатди!

Йигит арава четига ўтирди. Атроф ўтлоқзор. Узоқда, ойдин тунни ардоқлаб, Ингур ярақлаб шовиллайди. Сув устидаги ойдин устун Арзаканга Тбилиси университетининг оппоқ биносини эслатди.

Тасавури жўш урди.

Мана, Арзакан Звамбая — машҳур олим... У ҳашаматли оппоқ бинонинг кенг зинасидан чиқиб боради. Ёшлар ҳурмат билан унга салом беришади, сочининг оқига ҳурмат билан боқишади. Арзакан кафедрага чиқади. Юзлаб билимга иштиёқманд ёшлар унга тикилишган: машҳур олим Арзакан Звамбая нималар деяркин уларга? Газеталарда унинг сурати чиқади. У тўғрида, Колхида безгагига қарши толмас курашчи, деб ёзишади.

...Ой нури борган сайин тиниқлашади. Ҳув анави томонда, Сатанжий қўрғони ортидаги зангори тоғлар тепасида оппоқ булутлар сузади. Ростдан ҳам булутми улар? Улар баҳайбат мармар қалъага ўхшайди. Осмонга тик бўй чўзган бу булутлар, йигитнинг тийиқсиз орзулари рамзидек кўринади.

Ой нури яна ҳам равшан тортади, қурбақалар хониши авжига чиқади. Тунги мусобақада янгидан-янги овозлар пайдо бўлади. «Қуррр... қуррр... қурр...» лаб бир-бирларини жўр бўлишга чорлайди, толзор ва зирк чангалзориде яширинган қурбақалар.

«Вақт етди!»— деб ўйлади Арзакан ва ўтлоқни кесиб ўтиб, кичкина тепаликка чиқди. Ой нурида оппоқ оқариб турган Шервашидзелар қўрғони бу ердан қафтда тургандай кўринади. Узоқ-

дан дарё шовури эшитилади. Қорайиб турган кекса эманда бой-ўғли сайрайди.

«Унинг деразаси эман томонда. Мевазор боғ ҳам шу тарафда»,— хаёлидан ўтказди Арзакан.

Тараш Тамарнинг хонасидамикан, қандай билса бўларкин? Тўрт қўл бўлиб рояль чалишаётгандир балки?

Билагини ва елкасини бир-бирига тегиб тургандир. Тарашнинг юзи тегиб кетиб, Тамарнинг бети лов-лов ёнаётгандир балки?..

Арзаканнинг юрагига гашлик чўкди.

У тоғолча шохларидан тўқилган четан девордан ошиб ўтди.

Қуруқ шохларнинг шатир-шутури тинчликни бузади.

Арзакан наъматак ва чирмовиқлар орасидан қийнала-қийнала ўтади.

Излаб сўқмоқни тополмайди. Кўзини қамаштирувчи ойдин кўкатларини ўз нурига фарқ кўмиб, одамлар қадамидан пайдо бўлган йўлни кўздан яширган. Ҳамма ёқда чирмовиққа ўралашиб кетган тиканакли новдалар. Улар ой нурида қандайдир хаёлий бўлиб кўринади. Лекин сал тегиб кетсангиз бас, елимшак куртак ва тиканаклар кўйлакка қадалади, бетини тимдалайди, папахга санчилиб қолади.

Новда Арзаканнинг бетини тимдалади. У юзидан илиқ ёпишқоқ суюқлик оққанини ҳис этди. Олмалар, ноклар, олчалар қимир этмайди. Сокин боғ тепасида, баландда ой нур сочади.

Ҳар бир дарахт, ҳар бир бута кумуш либосда. Четан девор ортидаги акас дарахтлари ҳам кумушланган. Арзакан уларнинг муаттар бўйини искайди. Борлиқ ширин бир оромда. Фақат қаердадир узокда бойўғли қичқиради, Арзаканнинг юрагини рашк ўтида ёнади.

Тўр пардадай жимирлаган япроқлар орасидан ёруғ дераза кўринди. Электр ёруғи дарахт новдаларини нури-ла живирлатади.

Арзакан сесканиб кетди, Тамарнинг деразаси бу.

Унинг ёлғизми-йўқлигини билмай ухлаб бўлармишми бу кеча?

Тарашнинг қаерга қўнганини билса-ку, бориб уйдаими-йўқлигини биларди-я?

Нафасини ичига ютиб, уй қаршисида чўзилган кўланка бўйлаб оҳиста боради Арзакан.

Тамар деразаси тагида қуюқ гуллар-ла бурканган олма дарахти ўсади. Арзакан дарахтни қучоқлаганича, болалик чоғларидаги каби тирмаша кетди. Қуруқ пўстлоқ шитир-шитир қилиб кўкрагига тўкилди. Юмшоқ этикдаги оёқ дарахт танаси бўйлаб юқори сирғана бошлади. Бир амаллаб айригача етди ва деразага қийшайган катта шохга оёғини қўйди. Шох унинг оғирлигини остида силкинди. Гулбарглар оппоқ бўлиб қуйилиб, юзига келиб қўнарди.

Арзаканнинг юрагини завқ ва қувончдан гупуриб кетди. У, гўё биринчи бор кўраётгандай, маҳлиё бўлиб боқарди Тамарга. Тушимасмикан?

Енгилгина халат кийган Тамар курси ёнида кафтини чекка-сига тираб китоб ўқиб ўтирарди. Қошлари сал чимирилган, киприклари юзига соя ташлаган. Арзаканнинг юраги бахтиёрликдан хаприқиб кетди. Миннатдорчилик туйғуси тўлдирди борлигини. Тамар ёлғиз эди! Ёнида Тараш йўқ!

Йигит қизнинг китоб тепасида энгашган бошига тўймайдигандай тикилиб қолди.

Қизнинг мисдай товланган сочининг фарқи очилган ердаги оппоқ йўлни ҳам, узун қора киприкларини ҳам, лабларининг чўччайиб туришини ҳам илғаб олди шу қарашда.

Тамар китобни ёпди, оҳиста ўрнидан турди, қадини ростлаб олмага тикилиб қараб қўйди. Арзакан сесканиб кетди, ёруғ уйдан қараган одам қоронғида турганини кўрмаслигини билса ҳам, шохга қапишди-қолди.

Қиз керишди, бармоқларини чалиштирди, қўлини кўтариб бошининг орқасига қўйди... Кўзини юмганича бир оз туриб қолди. Деворга унинг келишган қоматининг сояси тушди. Кейин қиз дераза ёнидан кетиб, сочини ёйди-да, эндор оқ тароқ билан, гўё ҳар бир толасини авайлагандай, шошмайгина тарай бошлади.

Тамар, ҳозирги урфга эргашмаганидан узун сочларини қирқмаган эди. Қадим билан, эски урф-одатлар билан боғлиқ бўлган барча нарсаларни маъқуллайдиган Тарашга узун соч ёққанни учун кесмас балки у сочини.

Болаликда Арзакан унинг йўғон сочларидан неча-неча бор тортқилаган! Энди нима бўляпти унга? Энди қиздан худди ўғри каби яширинади. Нега энди рўпара келиб: «Тамар!» деб чақира қолмайди, ҳазил-мутойиба қилиб синфдош ўртоғини кулдириб қўя қолмайди? Одамларга оддийлик етишмайди. Тамарда ҳам, Арзаканда ҳам, ҳеч кимда йўқ бу оддийлик!

Боғ эса шу қадар ойдинки! Дарахтлар уйқу оромида учларини эгиб турадилар, новдалар бир-бирларини эркалайдилар, оталик уруғларидан чанг таралади... Тун... Ой тунни ҳам, дарахтларни ҳам, осмонни ҳам, милтиллаб кўринаётган юлдузларни ҳам ўз қучоғига олган. Қац Звамбаянинг ўғли эса, дарахт шохлари орасида яшириниб олиб, худди сеҳрлангандай Тамар Шервашидзёга тикилади. Тикилади-ю, худди бўғилиб қолгандай, овозини чиқармайди. Нафаси тикилиб қолгандай нафас олмайди, муҳаббати ҳам, айтадиган сўзи ҳам йўқдай, севгисини изҳор ҳам қилмайди!..

Тамар халати тугмаларини ечди, енгини чиқарди. Кичкина, диккайган кўкраги оппоқ нафис мата тагидан туртиб чиқди.

Арзакан қиз кўкраги устида осилиб турган салбни кўрди. Қизнинг артилган апельсин рангидаги терисида салбнинг билинар-билинмас изи.

Тамар шарққа қараб уч бор чўқинди.

Кейин қўлини лампага узатди. Қизнинг яланғоч гавдасининг нафосати тун қоронғисида сўнди.

Арзакан дарахтдан тушди. Тиззалари букилиб, маст кишидек чалишарди. У олмага суйкалиб, севгилисини қучоқлаётгандай уни қучди. Дарахт хуш бўй сочарди. Қизиган юзини нам пўстлоққа босиш ором берарди. йигитга. Арзакан қаттиқ йиғла-са жазоланадигандек, жимгина йиглаб юборди.

Лукаянинг кулбасига қандай етиб келганини ҳам билмади у.

Эшик тирқичидан кўринаётган ёруғ унинг аччиқ фикрларини қувди. Арзакан ичкаридагиларнинг гўнғир-гўнғир сўзлашаётганларини эшитди.

«Ҳали ухлашмабди»,— деб ўйлади у.

Қулоқ солди, лекин абхазча сўзлашаётганларини ҳам, мегрелча сўзлашаётганларини ҳам англаб ололмади... фақат Лукаянинг овозини таниди.

«Псалтир ўқиётган бўлса керак...»

Йигит эшикни очди: «Гуноҳкор банданг Қац Звамбаяга шафқат қил!» деган хитоблар билан бўлиниб турган, тушуниб бўлмас гўлдираш қулоғига кирди.

«Эсини еб қўйибди бечора!»— деб ўйлади Арзакан ва кулбага кирди. Роса кулгиси қистаган эди унинг...

Қац Звамбая сўрида ётарди. Унинг боши оғриётган эди. Лукая бўлса, унинг бош оғригини даволамоқда эди.

— Ҳей, вара, шу пайтгача қаёқларда дайдиб юрибсан?

Қац сўзини охирига етказмай, Лукая бирдан ўтирган ерида муккасига тушди. Оёқ-қўлининг томири тортишиб, тутқаноғи тутиб қолди. Қисик кўк кўзларида телбалик учқунлари кўринди.

Арзакан чолнинг ёнига югуриб келди, кучли қўллари билан уни маҳкам қисиб, қимирлашга қўймади.

Қац унинг ҳорғин юзларидаги терни артар, боладек юпатарди.

Бир оздан кейин чол тинчиб қолди.

Шундан кейин Арзакан уни ердан кўтариб олиб, сўрига ётқизди. Чироқни ўчиришди.

Арзакан ўчоқдаги ҳали ёниб бўлмаган оловга тикилиб анчагача, у ёқдан бу ёққа ағдарилиб ухлолмай ётди. Шу бугунги кун ёмон оғир тушдек туюлди унга.

У юзини ёстиққа берди. Шу ондаёқ қаршисида Тамар намоён бўлди.

Шу алфоз қоронғида тўлғаниб ётаркан, Арзакан, олма дарахти бўлгиси келиб кетди. Ҳа, Тамар деразасидан кўринаётган олма дарахти бўлгиси келарди унинг.

ПОЙГА АРАФАСИДА

Зугдидиликлар пойгага тайёргарлик билан банд эдилар.

Аммо қариялар елкаларини қисиб, қошларини чимириб, ишончсизлик билан мийиғида кулиб қўярдилар: «Бўлмаган гап!

Азрўйи азал пойгани Даданилар, Шервашидзелар, Эмхварилар, Чичуалар — кўнгил ёзарга ўтказиб келишган!

Большевиклар шу иш билан машғул бўлиб юрармиди. Тагин пасха кунларида! Ё омон қолган собиқ дворянларнинг кўнглини очишдан бўлак иши йўқми уларнинг! Бундан барибир ҳеч нима чиқмайди...

Фоторепортёрларнинг келиши бўлажак пойга ҳақидаги гап-сўзларга яна жон берди. Чоллар бўш келишмасди:

«Одамларни, сувориларни йиғишади, сурат олиб, газетада босиб чиқаришади, вассалом. Шундан нарига ўтиб бўпти улар».

Пойгани ташкил этиш учун Шардин Алшибая раҳбарлигида махсус комитет сайлашди.

Одамлар отлар кетидан гала-гала бўлиб эргашишади. Гўё булар от эмас, опера артистлари.

Чоха кийган суворилар «Азар» қўшиғини айтиб, эрта саҳардан бошлаб, шаҳарга кириб келишаверади. Улар Абхазиянинг турли бурчакларидан, Мегрелиянинг узоқ районларидан келишарди.

Ажойиб қўшиқ-да — «Азар!» Титратиб юборади одамни!

«Азар» фақат қўшиққина холосми?..

Отга бурка ёпилган. От устида қизил кўйлак кийган йигит. У овози борича кийқириб от елдирди. Унинг хитоблари алвас-ти чинқириғи сингари ҳавони кесади.

Қизил кўйлақдаги сувори кетидан қора либосдаги суворилар бўғиқ овозда куйлаб от чоптиришади.

Овозлар гулдуриси, тўппончаларнинг тасир-тусури эшитилди...

«Азар»ни болалигимда эшитган эдим. Ҳозир бу сатрларни ёзарканман, яна эшитиб тургандайман.

Одамни титратиб, қалтиратиб юборади... Ҳатто отни ҳам қизитиб юборади «Азар».

Абхазларнинг айтишича — отнинг ҳам юрагини қизитармиш!

Бир вақтлар сувориларни Даданилар, Шервашидзелар, Эмхварилар, Липартианилар ёки Чичуалар бошқарардилар.

Энди бўлса Агрба, Пипиа, Эсванжиа, Малозониа, Чкадуа бошқаради.

Унда-бунда собиқ дворянлар тўда-тўда бўлиб туришади. Лекин энди улар от эгалари эмас, балки фақат собиқ пойга усталари, маслаҳатчи ва томошабин холос. Уларни ўзларини камсуқум тутишларидан, чохаларининг тўзиганлигидан дарҳол таниб олса бўлади.

Шаҳар ҳарбий лагерга ўхшайди. Майдонларда, кўчаларда одамлар уймаланади. Пиёдалар, суворилар ўтиб туради.

Умрингизда ҳеч қачон Зугдидида бўлганмисиз, азиз китобхон?

Менимча, Жанубий Францияда ҳам, Италияда ҳам, хуллас дунёнинг ҳеч қаерида Зугдидичалик гўзал жой йўқ!

...Мегрелиянинг сўнги ҳукмдорлари Даданиларнинг собиқ саройи ҳозирги кунда ҳам диққатга сазовор. Грузиянинг ҳеч қайси феодалда бунақа сарой бўлмаган.

Қизиқ! Феодалларимиз бу қадар кибр-ҳаволи бўлгани билан худо йўлига ғалати ибодатхоналар қуришгану, ўзлари кўримсиз кулбаларда яшашган.

Дадани қасри ёнида Мюратнинг саройи европа услубида қурилган уй холос.

Феодал қасри ва шаҳар. Шаҳарда эса бор-йўғи битта катта кўча!

Бу жиҳатдан Зугдиди ўн саккизинчи аср Веймарига ўхшайди.

Мюратнинг собиқ саройи ёнидан, ҳозир музей бўлган жойдан қатор чинорлар бошланади. Бетон ариқлардан сув жилдирайди.

Баҳорда сувнинг шилдираши эшитилади, лекин кузда хазонрезги бошланганда эса, жилға саёзлашади, рангдор япроқ тўшаклари остида сирғалади.

Чинор тагидаги хиёбон марказий кўча бўйлаб анча жойгача чўзилган.

Ёндаги кўчаларда қўлида қамчи билан ошиққан суворилар кўринади. Афт-башараси қора мойга беланган ботинка тозаловчилар этикларни мойлаб ярақлатишади.

Бир неча қадам нарида болалар мағрур от ўйнатишади.

Болалар — бир гала. Уларнинг отга қизиқшини тийиб бўлмайди. Ана, бир бола от ёнига пусиб бораётир — ҳозир у от сарига шапатилайди, манглайини қашийди, ёлини силаб, бақайини ушлаб кўради.

Шаҳарда марказий кўча битта бўлганидан кейин одамлар кўзидан яшириниб бўлмайди!

Пиджаги ёқасига каттакон қизил бант таққан Шардин Алшибая шаҳар бўйлаб гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа югуради. Ҳатто афиша ёпиштиришни ҳам ҳеч кимга ишонмайди, шахсан ўзи афишалар ўрами билан зингиллагани-зингиллаган. Афишалар портфелига сиғишмаганидан, устига ҳам ўраб қўйган. Эгаси учун озиқ-овқат солиб юришга хизмат қиладиган, семиз, тўзиган портфель. Шардин ҳеч қачон шу портфелсиз юрмайди...

Йўловчилар, ёнларидан зингиллаб ўтиб кетган Шардинга қарарканлар: «Зугдиди, 3-май, зўр пойга!» деган ёзувни ўқишга улгурадилар холос.

АРАБИЯ

Лукая Арзаканни уйғота бошлаганда, товуқлар қинғир то-ролча шохларидан ҳали учиб тушмаган эдилар.

Удумга кўра, пойга олдидан Арзакан айғирини шудрингли ўтлоқда ўтлатиб келиш учун шаҳардан ташқарига олиб чиқиши керак эди.

Арзакан уйғониши ҳамоно этигига ёпишди.

Лекин осие этигини кийиш осон эмас.

Бетоқат йигит ҳарчанд уринмасин, тундаги сайр чоғи намиқиб қолган этикни эпақага келтириб, тез кийиб олишнинг иложи йўқ эди.

Қип-қизариб кетган Арзакан зўр бериб кучанар, тепинар, этикдўзни ланъатларди... Лекин бефойда эди. Майин кўн фирчилларди-ю, лекин ён бермасди.

Арзакан Лукаянинг лаш-лушлари тўлдирилган сандиғи ёнига ҳақкалаб бориб ўтирди-да, терини енги билан арта-арта жонжаҳди билан кучаниб қўнжни торта бошлади. Эски сандиқ ҳам унга жўр билиб кучанарди.

Айғирни далага олиб чиқишга кечикмасам эди, деб Арзакан хит бўларди.

Миясида: «Қўнжга ханжар тортиб юборсаму, бу машмашаларга яқун ясасам!» деган фикр ҳам ялт этди.

Аммо этик янги, кўз қиймайди кесишга. Ҳар гал этикни кийганда ва ечганда, Арзакан, ана шундай қийналади. Пойабзалнинг худди ана шунақа оёқни қучиб турадигани, қоракўл папахнинг балиқ уруғининг қорасидек товланадигани, камарнинг нақшинкори ёқса нима қилсин.

Тиз чўкиб олган Лукая Арзаканнинг ҳар бир ҳаракатини кузатаркан, ўнлаб маслаҳатлар берарди.

Нима қилса экан? Чориқ кийиб Арабиани миниб юролмайди-ку, ахир?!

Бу фикрдан Арзакан ҳатто жилмайиб ҳам қўйди. Шимининг почасини осилтириб от миниб кетолмайди-ку, ахир? Бундай қилиб юриш сувори учунгина эмас, от учун ҳам номус.

Оёғида қўлқопдек юмшоқ этик бўлмаса, белини камар тарафга қисиб турмаса, архалухидаги ўттиз икки илмоқнинг ҳаммаси солинмаса Арзаканга бир нимаси етишмаётгандай бўлиб туради.

Чежиа бунақа икир-чикирларга парво қилишни лозим кўрмайди сира. Лекин Чежиа билан — комсомол ёшларга ўрнак бўлиб келаётган матонатли коммунист билан тенглашиш Арзаканга йўл бўлсин.

...Қуёшнинг илк нурлари кулба деразасида ялтиллади.

Лукая Арзакандан кам ҳаяжонланаётгани йўқ: эски сандиғи бўлак-бўлак бўлиб кетмасайди, деган хавотирда эди у.

Айғир эртанги емишсиз қолмасайди, деган ташвиш ҳам бор унда!

Арзаканнинг ҳовлидан тезроқ чиқиб кетгани ҳам маъқул.

Арзакан — унинг дўсти Қац Звамбаянинг ўғли. Лекин Лукая хўжасидан ҳеч нимани яширмайди. Кеча Арзакан Лукаядан, кашиш сени урмайдими, деб сўради. Содиқ хизматкор, «йўлдан адашган» йигитга аллақачондан бери тишини чархлаб келаётган Таризлга бу гапни ҳам етказди.

Таризл эрта саҳарлаб туради. Арзаканга, унинг деразаси

тагидан ўтишга тўғри келади. Шунда чол, албатта бирор сассиқ гап айтади.

Этик кийишнинг дахмасаси, сандиқнинг ғичирлаши, Лукаянинг ғўнғир-ғўнғири, ниҳоят, Қац Звамбаяни ҳам уйғотиб юборди.

Қацнинг қовоғи солиқ эди. Арзаканга ўқрайиб қараб қўйди.

Ҳар пасхада шундай бўлади одатда. Байрамнинг иккинчи куни Қац Звамбаянинг кайфияти ёмон бўлар ва у бутун аламини ўғлидан оларди.

Таризелникида ўтган кечаги пасха зиёфати ҳақида чол ломим демади-ю, кечаги ўтган аламларни тўкиб солди.

— Чавандозлар!— истехзо билан сўзларди у.— Устаси фанглар! Ким қўйибди сизларга пойга тайёрлашни? Бирор танг — хоҳ чавандозинг бўлсин, хоҳ минаётган отларингу, ё шу машмаша бошлаганлар, нима қилаётганини ўзи билармикан.

Отни молхонадан тўғри пойга даласига ҳайдаларканми ҳеч замонда! Буйрагидаги ортиқча жир кетиши учун отни бир-икки ҳафта сувда тутадилар. От тонг отгунча ўтлатилади-да, кечгача сояда тутилади.

Арзакан отасининг бу насиҳатларини мингинчи бор эшитиши. Шундай бўлса-да, кайфи бузуқлигига қарамай, бир оғиз сўз қайтармади. Мегрелияда эрталабдан ёмон сўз айтиб, кўнгилни хижил қилишдан ўзларини тийишади. Баъзан эса, оғизни олтин билан чайган бўлиб, оғизга олтин буюм солволишади...

Қац Звамбая ташвишда эди: пойга яқинлашиб қолган. Арзакан эса бу пойгада иштирок этади.

Қац моҳир чавандозлиги билан ном чиқарган одам.

Энди унинг ўғли бутун Абхазия ва Мегрелия олдида кўриқдан ўтади. Отасини шарманда қилса-чи! Арзаканнинг комсомол бўлгани учун эски қоидаларни ўрганишни истамагани билан кимнинг иши бор. Йўқ, ҳамма барибир: «Қац Звамбаянинг ўғли бу, отасини ерга қаратяпти!» дейди.

Кеча Арабиага қарагувчи бўлмади. Арзакан аллақайларда йўқолиб кетди, унинг ўзини эса Таризел билан Тараш Эмхвари тутиб қолди. Лукая ҳам банд эди. Хуллас, сигирлар ёнига боғланган Арабиа кечгача жўхори поядан бўлак нарса кавшагани йўқ!

Пойгага кичик ўғли Келешни олиб кела қолса бўларди аслида. Қанча ялиниб-ёлборди бечора бола!

Келеш отасининг ўзгинаси. Ўрта бўйли, миқтидан келган, лекин Арзакандан эпчилроқ. Кичик ўғил ота шарафини сақлаган бўларди сўзсиз.

Қатта ўғли Арзакан бўлса, отасининг номусини букади доим. Тагин босмачиликка қарши курашармиш бу киши!

Абхазиянинг, Мегрелия ва Кабардининг от ўғрилари, бир вақтлар, Қац Звамбаяникида тўпланишарди.

Звамбая билан унинг меҳмонлари ўз манфаатлари учун шу-

ғулланишиптими бу иш билан? Эпчиллик қилиб, бировнинг отини ҳайдаб кетиш, у вақтларда, абжирлик ва мардлик ҳисобланарди-да! Энди бўлса, унинг ўғли отасининг ёшликдаги дўстларини таъқиб қилади.

Арзакан — сотқин. Қацни нон-туз билан меҳмон қилганларни ҳам отиб ташлашга тайёр.

Қош қорайиб келаётган чоғларда Қора денгиздан кул ранг тусда кўтарилиб, борган сайин қуюқлашиб, оғирлашиб, ниҳоят, Окуми тепасида қад кўтарган қояларга қўнган қора булут сингари, ота-ўғил ўртасидаги низо ҳам чуқурлашиб борарди. Сиртдан бу икир-чикирлардагина намоён бўларди.

Қац Звамбая Арзаканни кеча ғойиб бўлиб кетгани учун танбеҳ берарди. Кечаси сўзлашолмай қолди — Лукаянинг тутқаноғи халақит бериб қолди. Энди ўшанинг ҳиссасини чиқармоқда эди.

— Пойгада қатнашишингни-ку, биларкансан, ким қўйибди сенга кечгача кўчама-кўча сандироқлашни? Силласи қуриган қирчанғида ғолиб келаман, деб ўйлайсанми?

Бир-бирдан аччиқ таъналар ёғиларди йигит бошига.

Ниҳоят, Арзакан минг азобда қурғур этикни кийди-да, қамчини олиб, сўзсизгина чиқиб кетди.

Арабия эгасини мулоимгина кишнаб кутиб олди. Арзаканнинг назарида, қаровсиз қолдириб кетгани учун жонивор ундан ўпкаланаётгандай эди.

Арзакан гуноҳкорларча юриб оғилга яқин келди, Арабиянинг кичкина, диккайган қулоқларини, қирқилган ёлини силади, кўзларини артиб қўйди (ҳали ўзининг кўзини ишқаб олишга улгурмаган эса-да), бўйинини отнинг бўйнига қўйди.

Юраги эса увишарди — кеча, хуллас, Тамар билан бир оғиз ҳам гаплашолмади.

Кечаси сергап отаси-ю, телба Лукая билан қолиб, ёлғизлик эзиб ташлаётганини ҳис қилди. Олам ҳувиллаб қолгандай бўлди унга. Назарида, унинг учун зинғирча илиқлик ҳис этган бирон жон йўқдай эди бутун оламда... Шунинг учун ҳам Арабия билан учрашув уни жуда ийитиб юборган эди. Одамлардан ранжиган, зада бўлган юрак жонивор ёнида ана шу йўсин таскин топади!

Арабия нўхтасини чиқариб олишга муваффақ бўлди ва Арзакан унинг сағрига шапатиланган чоқда, у бирдан, охурдан отилиб чиқди, бўйинини чиройли эгиб, худди эгасини мазах қилаётгандай, бошини силкитиб кенг молхонада диканглаб югура бошлади.

Шу дақиқа у, онасиз қолган эрка қизга ўхшаб кетди. Унинг кекса отаси, иккинчи бор уйланишни лозим топмай, оталик муҳаббатини, марҳум хотинига бўлган шафқатини шу қизга қаратгандай. Арабия шу топда шунақа қизга ўхшарди.

Арзакан аста-секин айғир ёнига пусиб келди. Мана, унга жуда яқин келди ҳам. Гўё у ўргатилган оту, шу бир кечада ақл

тиши чиқиб қолгандай, Арабаи қувлик билан жим қараб турарди.

Арзакан отни ёлидан тутиб олиш учун қўлини чўзди. Лекин от тутқич бермай, ирғиб ўзини чеккага олди.

Арзакан аччиғланди, лекин сеvimли отнинг шўхлиги уни ийитиб юборди... Арзакан эшикни қия очиб, устун ортига яширинди-да, қарсиллатиб қарсак чалди, ер тепиниб қўйди.

Эркинликка чиқиш имкони туғилганидан сеvиниб кетган от ўзини эшикка отди... Лекин... Арзакан қоплондек эпчиллик билан бир ирғишлади-да, довдираб қолган айғир ёнида пайдо бўлди, бармоқлари билан отнинг тумшуғини қаттиқ қисди.

Отни эгарлаб ҳовлига олиб чиқиб, қора олхўри тусидаги йирик кўзларига қараркан, Арзакан яна Тамарни эслади.

Тамарнинг ҳам боқишлари шундай сергак, оёқлари шундай келишган.

Арабаи, кўринишда ювош, итоаткор; лекин аслида эса, худди Тамар сингари ўжар, тажанг.

Лекин табиатан ўзи ҳам ўжар Арзакан, тажанглик — аслзодалик аломати деб билгани учун, икковини ҳам кечирарди.

Бу ўхшашлик Арзаканни ҳайратга солди... Юрагига илиқлик қуйилгандай бўлди. Арзакан отнинг ихчам бўйнидан қаттиқ кучди-да, юраги гупириб, йирик қора кўзларига лабини босди, чаккасидан ўпди.

Ҳушини йиғиб, сесканиб кетди. Қизга бўлган муҳаббати билан отни сеvиши, қандай қилиб бу ҳаракатига кўчди экан?..

Йигит кекса ёнғоқ ёнидан от елдириб ўтди. Мусаффо тонг сокинлигини қамчи визиллаши кесганда, отнинг елиб бориши гўё унга қанот бергандай бўлди.

Арзакан Тамарнинг деразасига қаради. Тараш Эмхварининг бир кун шунчаки сўз орасида: «Дунёдаги энг ажойиб уй—маҳбубанг уйқуда ётган уйдир», деганини эслади.

От елдириш — ғам-ғусса чекканлар давоси, дейишади. Тонг саҳардаги салқин ҳаво ҳам Арзаканнинг юрак ҳовурини енгиллатди.

Арзакан ўзини дадилроқ ҳис этди. Ёлғизлик ҳиссидан нишон қолмади. Гўё кеча ва ўтган куни юраги сиқилиб, кўча кезган у эмасди.

Шофёр ва сувори, беихтиёр, пиёдани юқоридан туриб кузатади. От елдириб кетаётган Арзакан, кечагина енгилган хўроздай бошини солинтириб, кенг Зугдиди проспекти бўйлаб, қоронгида мақсадсиз сандироқлаб кетаётган Арзакан Звамбаяни кўргандек бўлди.

Ҳозир Арзакан марказий кўча бўйлаб борарди. У, Тамарнинг дарпардалари оқариб турган деразасига яна бир бор қаради. Деразанинг бир тавақаси очиқ. Аллакимнинг тархи кўрингандай ҳам бўлди. Тамар эмасмикан? Балким Тамар унинг от мишиб

- кетаётганини томоша қилиб тургандир? Тамар наслдор отларни яхши кўради-ку, ахир.

Тамар! Қандай қилиб у бирдан Арзакан учун етишиб бўлмайдиган бўлди-қолди? Ҳатто бир оғиз сўзлашишнинг ҳам имкони бўлмай қолди.

Одамлар завқ ва ҳавас билан қараб қолишарди Арабианинг ортидан.

Шаҳарга кетаётган савдогарлар, аравакашлар қадамларини секинлатардилар. Қудуқдан сув олаётган аёллар ишни тўхта-тиб, анқайиб қолардилар. Кавушдўзлар, шапкафурушлар ва чеварларнинг қўлларидаги нина ҳаракатдан тўхтарди. Ҳамма-лари зотдор от миниб бораётган сарвқомат суворига узоқ тикилиб қолардилар.

Арзакан бу боқишларни ҳис этарди. Ишга шошилаётган одамлар ҳам отни кўриш билан таққа тўхтаб қолардилар. Аввал отни кўздан кечирардилар, кейин эса суворига мулойим боқардилар.

Тоғ эчкисидай эпчил ўқувчи қиз чопқиллаб кўчани кесиб ўтаётган эди. Ўзини йўқотиб, китобларини тушириб юборди, завқланганиданми, қўрққаниданми, қўлларини кенг ёйди...

Зотдор отларнинг, истеъдодли ёзувчилардан кўра тезроқ шухрат қозонишларини ҳамма билади. Араба ҳақида у, Зугди-дида пайдо бўлишидан анча илгари орқаворатдан эшитишган эди. Араба чиройлилиги ва чопқирлиги билангина таниқли эмасди. Бир вақтлар унинг эгаси бутун область аҳолисини даҳшатга солиб юрган босқинчи эди.

...Араба сесканиб, ёнга ташланди. Лекин суворининг кучли қўли жиловни тортганда, жаҳл билан пишқириб, йўрғалаб кетди, кейин сакраб-сакраб чопиб кетди. Ёш, бақувват, чиройли айғир ана шундай йўрғалар, унинг ялтиллаган сағрида баҳор қуёши ўйнарди.

Бозор майдонини қуршаган дарахтларга бойланган отлар мудроқ кўзларини очиб қараб қўйдилар.

Аллақандай, насл-насаби нотайин, қирчанғи аслзот айғирни кўриб, безовталанганнамо кишнаб ҳам қўйди.

Араба қулоғини динг қилиб, бўйинини камалакдай эгиб йўрғаларди. Бетоқатланиб чайнаётган сувлиғидан кўпик оқарди... Бу йўл ҳам, мана шу ажойиб олам ҳам, гўё фақат унинг учун, унинг эркин югуриши учун яратилгандай, Арабианинг йирик, ақлли кўзлари олдинга боқарди.

Чинор тагида икки чол, собиқ князлардан Гуду Чиковани билан Гванж Апакидзе ўтиришарди.

Гванж Арзаканни кўриши билан илон чаққандай ирғиб ўр-нидан турди. Қизиги шундаки, коммунистларни, айниқса, уч йил муқаддам ўғлини қамаган бу суворини кўргани кўзи йўқ бўлишига қарамай, кекса князь хиёбонни кесиб ўтиб келаверди ва шушомадгўйлик билан илжайиб, Арзакан билан саломлашди.

— Ҳа, кел, Арзакан, яшавор! Бизнинг, Ингурнинг нариги тарафидагиларнинг маҳоратини бир кўрсатиб қўй! Бу ердаги ингуриликларнинг керилишини кўрсанг... Ҳатто ҳозир ҳам бурни осмонда буларнинг. Вано Даданига одам юборишибди, дейишади. Эшитгандирсан, уста чавандоз у! Тбилисидан нарком-земнинг отларини келтиришди, дейишади, жаҳонда тенги топилмас отлар эмиш!

Гванж Апакидзени Арзакан ёқтирмасди. Шум, игвогар, бемаъни одам у! Арзакан бир вақтлар бўлган воқеани эслади... Симобий тус чоха кийган князь Апакидзе Окуми шоссеси бўйлаб от чоптириб келарди. Зарҳал белбоғида зарҳал ханжар. Ун икки яшар Арзакан тегирмонга дон таширди. Қопнинг бўғилган учи бошидан ошиб тушиб, кўзи олдида ликиллаб, йўлни тўсади.

Тўсатдан Гванж Апакидзе боланинг нақ ёнгинасига келиб отини таққа тўхтатади.

— Аграйма, ярамас!— деб ўшқиради у ва Арзаканга қамчи уради. Чаён захридек келиб теккан шу қамчи алами ҳали-ҳануз Арзаканнинг эсидан чиқмайди.

Ҳозир-чи!.. Ясан-тусан Арзакан, папахини чаккага қўйиб, от устидан туриб, эски чоха кийган, пиёда князга қарайди.

Арзаканнинг кумуш учли қайиш билан тиззадан тортилган этигига Гванжнинг кўзи дарҳол туша қолди. Илгари фақат князлар кийгучи эди бундай этикни.

Чол отни кўздан кечиради, Арзакан эса унинг жуни тўкилган папахини, сарайиб, ажин босган юзини, чаккасидаги тиканак бўлиб ўсиб ётган оқ соқолларини бир-бир кўздан ўтказди.

Ханжар чохасининг белбоғи ёнини ишқалайвериб тешиб юборган эди. Қачонлардир қизил «генерал» астарлик чакмонининг ранги ўнгиб кетган эди. Бир вақтлар янги либосни урфга киритувчи Апакидзенинг қирқ ямоқ архалухига йўл-йўл свитерининг ёқаси тушиб турарди. Чолнинг кўзи, отни савдо қилаётган аспжаллобнинг кўзидек очкўзлик билан йилтиллади.

Арабиа, бир қўли билан югандан, иккинчи қўли билан ёлидан ушлаб олган ориқ, новча кишига чўчиб кўз қирини ташлаб, туёғини тақиллатиб турарди.

Гванж Апакидзе сал орқага тисланиб отнинг оёғини, сағриси кўздан кечирди. Тиз чўкиб, қорнига қаради, олдинги оёқлари билан бақайини оҳиста ушлаб кўрди. Арабиа норизо кишнади-да, олдинга талпинди, Арзакан тистаргандан кейин, тургаж жойида ер депсинди.

Гванж бошини эгиб, муштини даҳанига тираб:

— Бақайи калтароқ экан. Ҳай, ҳечқиси йўқ,— деб қўйди.

Кейин айғирни яна бир кўздан кечирди.

— Яхши отнинг гавдасидаги уч қисми туяга ўхшаши керак: боши қуруқ, суякдор, хириллаши чўзиқ, лаби узунроқ бўлиши керак...

Гванж чолғу асбобининг оҳангини аниқлаш учун тугмаларини босиб кўраётган кишидай, кўрсаткич бармоғи билан Арабиа-

нинг пастки лабини тортиб кўрди. Кейин насиҳатомуз гап бошлади:

— Зотли отнинг думи ва тили узун бўлиши керак, одамнинг тили эса — калта бўлгани маъқул. Ҳой, абхаз! Нега отнинг думини кесдинг? Нима кераги бор бунинг?.. Э-эҳ, болакай-а!

Чол уни хафа қилмоқчи эмаслигини, бу сўз одат бўлиб қолганидан, шунчаки оғзидан чиқиб кетганини сезиб турган эса-да, «болакай» дегани Арзаканга қаттиқ тегди.

Гванж от ёпқичи тагидаги наматыни кўтарди.

— Қовурға суяги кенг экан.

Кейин отнинг башарасига қаради-да:

— Бай-бай-бай! Умрим бино бўлиб, бунақа чиройли кўзли отни кўрмаганман,— деди.

Бир оз жим қолгач, яна давом этди:

— Гавдасининг уч қисми эшакка ўхшаши керак: қулоғи — узун, учли, туёғи — доира шаклида, ҳам қора, тиши бўлса...— Гванж Арабианинг юқори лабини оҳиста кўтарди,— тиши зич бўлиши керак.

Араба, сарғиш тишларини собиқ князга кўрсатгиси келмагандай, бошини чайқади.

Гванж нари кетди. Сергак бўлиб турган айғирга тикилиб турди-да:

— Манглайи ҳам, бурун парраклари ҳам кенг экан,— деб қўшиб қўйди.

— Қани, бир юрсин-чи! Тўхта!— деб буюргандай гапирди Арзаканга.

Кўчада ангровлар кўпайиб қолган эди.

— Араба! Араба!— деб қичқиришарди дарсдан қолган болалар, темирчининг шогирдлари ҳамда сартарошлик ва тикувчилик устахонасининг халфалари. Ҳаммалари бир бўлиб, от кетидан, бош яланг, белбоғсиз, гурра-гурра югуришарди.

Ҳамма отни кўргиси келарди, қараганнинг кўзи ёнарди.

От эса, мақтов сўзлари жонига теккандек, суворига парво қилмай, олдинга қараб учиб кетди.

Кекса Гванж айғир кетидан, аввал, лўкиллаб югурди, кейин чакмони барини қайириб, жони борича чопиб кетди.

Болалар ва ўспиринлар, бақиритиб-чақиритиб Арабиани кузатиб қолишди.

Ниҳоят, Арзакан муюлишда отини тўхтатди. Гванж ҳарсиллар, нафаси оғзига тикилиб кетган эди. Бир қўлида папахи, бир қўли билан юрагини чангаллаганча келарди.

Буни қаранг-а! Ҳатто черковга ҳам отда кириб борадиган машҳур чавандоз, Арабиани кўриши билан, кексалигини ҳам, юрагининг касаллигини ҳам унутиб, от кетидан ўпкасини қўлтиқлаб югургилабди-я.

Арзакан собиқ князга қаради. Чол, қаноти синган калхатга ўхшаб, унинг кетидан югуриб келмоқда эди.

Игитнинг кулгиси қистади-ю, лекин буни сездирмасликка уринди.

«Қизиқ, бу манфур чол нима қилиб кетимдан югургилаб юрибди-я? Яна бирор ярамас ишни бошламоқчими дейман, бу ифлос. Ё Арабиани сотади, деб ўйлаптимикан?»

Илгариги вақт бўлса-ку, бунақа айғирни Арзаканда қолдириб ўтирмасдику-я Гванж. Йўлини топарди дарров. Мегрелияда бу ишни эплаштириб берадиган шерик топа қоларди ўзига.

Бирор ерда зотдор от пайдо бўлди дегунча, худди сувга тушгандек, сирли суратда бирдан ғойиб бўларди-қоларди. Бу Гванж Апакидзенинг иши эканлиги ҳеч кимга сир ҳам бўлмасди.

Лекин, олий ҳазратларининг конвойи офицерлик погонлари билан ниқобланган от ўғриларини сира пайқамасди.

Гванж Апакидзе қип-қизариб суворига етиб олди. Югураверганидан ва ҳаяжонидан бети ёшаргандек эди. У кўзлари ўйноқлаб Арабиани кузатарди. Кейин яна айғир ёнига келди-да, ингур паромчиси сингари, кафтини отнинг олд оёқлари орасига суқди. Бошини силкиди, бароқ қошларидан йирик-йирик дона бўлиб оқаётган терини чакмонининг энги билан артди-да:

— Ажойиб қора тўриқ от,— дея қўшимча қилди.— Бошининг тепаси қоралиги ҳам яхши. Лекин бақайи оқ экан — шуниси чатоқ... Туёғининг қоралиги яхши. Жуда соз, худо омонлик берсин!

«Бақайи оқ... эм-м...» — юраги ғаш тортди Арзаканнинг. Арзимас нарса бўлсаям, ҳар ҳолда чол шунга таъна қилди-ку.

— Бундан чиқди, отнинг оқ қашқаси бўлмаслиги керак экан-да? Шунақами?— сўради Арзакан чол билан гаплашганига пуншаймон еб.

Чол индамади. У бирдан жавоб бергиси келмадими ё овози болалар кўтарган шов-шувда эшитилмай кетдими, Арзакан билмай қолди.

Чол уйқудан бош кўтаргандек, бирдан унинг юзига боқди.

— Оқ қашқа дейсанми? Ҳа, зотдор отнинг оқ қашқаси бўлмаслиги керак. Бир насл бор — чипор, оқимтир қашқалик... Бу наслни форслар ашхам дейишади. Бизнинг давримизда бунақа от минишга номус қилишарди.

— Наҳотки Арабия ҳам ашхам бўлса?

— Ҳм... Ашхам эмасу, лекин...— йигитнинг соддалигига ҳайрон бўлиб чол кулиб юборди.— Шунақа, азизим, шунақа! Сендайлигимда мен ҳам сендан ортиқ ҳеч нима билмасдим. Лекин бирор кимса отимни ёмонлайдиган бўлса борми, ё у ҳаётдан воз кечарди, ё мен! Орқамдан авлод-аждодимни олиб бориб тиқиб келсаларинг ҳам барибир. Лекин олдимда ўзимни ҳам, отимни ҳам ёмонлай кўрманглар, деб таъкидлардим доим одамларга. Одамлар шунақа, ичи қора бўлади, азизим.

Яхши нарсага ҳасад қилмайдиган одам кам бўлади. Наслдор отни ҳар ким ҳам орзу қилади, лекин ёмонлашдан ҳам тоймайди. Агар бирор кимсанинг отини ёмонлашса борми, билиб

қўй, демак, бу зўр от. Бирор йигитни ёмонлагудек бўлишса ҳам бўлиб қўй: йигитларнинг асили шу... Қари қирчанғи ҳақида ҳеч ким, овора бўлиб, гап сотиб ўтирмайди. Бунга вақт кетказишга кимда тоқат бор?

Сенинг айғиринг ҳақида мен ҳам анча-мунча бемаъни гаплар эшитдим. Менинг энг яхши отларимни ҳам шунақа ёмонлашарди. Лекин олдимда ёмонлашга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди, кунини кўрсатиб қўярдим унақа ботирнинг... Э-эҳ, энди отларим ҳақида гапиришга ўрин ҳам қолмади. Эндиликда, эринмаган кимса бетимга тупуради. Мен бўлсам, чидайман. Чидайман-да, нима ҳам қилардим!..

— От она сути билан боқилмаган кўринади,— бир оз сукутдан сўнг қўшимча қилди Гванж.

Арзакан жилмайди.

— Нега унақа дейсиз?

— Анча-мунча жойгача югурди-ю, мен қараб турдим: икки марта йўрғалади, қолган маҳал фақат сакраб-сакраб йўртди. Она сути эмиб ўсса, аллақачон, терга ботарди.

Отни эчки сути билан боққан яхши. Шуниси борки, секин ўсади, анчагача тойчоқ бўлиб юради, лекин унча тез терламайди, кеч қарийди.

...Ўйноқи отнинг бўйни камондек эгилиши керак. Ёли бўлса... Афсус! Нега ёлнини қирқдинг? Отнинг ёли бир текис ва узун бўлиши керак. Бўйни ингичка, томирлари йўғон, таранг... Бармогингни бер-чи, мана бу ерини, қулоғи ёнини ушлаб кўр... Эгик жойни сезяпсанми? Бу тепа суяк чоки, азизим! Араблар — Ибн Рашид ва унинг шогирдлари — наслдор отнинг тепа суяги ана шунақа бўртиб туриши керак, дейишади.

...Қош ўрни ҳам кенг, бўртиқ бўлиши керак. Қовоқлари қийиқ! Агар бундан ҳам қийиқроқ бўлса, яна ҳам яхши бўларди... Ҳай, майли, хайр!

...Томирлари яхши! Мана, кенг тармоқ ёйган томирлар. Асосий тугундан икки йирик томир таралиши керак. Кўкраги кенг — нақ бир даладай! Кўкрак суяги эса — ип-ингичка-я!

Арзакан чолдан кўз узмай, ҳар бир оғиз сўзини диққат билан тингларди. Ҳатто чол мушти билан даҳанини тираб, яна бирор нарса айтиш учун жимиб қолган чоқда ҳам ундан кўз ўзмасди Арзакан.

— Тизза суяги а-ажойиб! Ҳай, омон бўл!

Гванж қўлини чўнтагига тикди, титкилаб, ҳарсиллаб, путури кетган қути чиқарди. Қалтироқ қўллари билан қутини очиб, кўзи ўртасидан дарз кетган кўзойнак олиб, бурнига илди.

— Бу ёққа кел!— деди у Арзаканнинг қўлидан ушлаб. Ўзи эса чўккалаб Арабианинг олд оёқларига тикилди.— Ҳув манави зулукдай буралган томирни кўряпсанми? Асосий томир дейдилар буни. Ажойиб томир! Олдинги оёғининг туёғи ҳам тик; баланд. Худди шунақа бўлиши керак. Орқа оёқ — узун, сағри... Лекин отни яхши парвариш қилмас экансиз-да, биродар! Сағри

калтароқ ва кенгроқ бўлиши керак. Лекин гўштдор бўлса яна ҳам соз, уқдингми?

Гванж отни айланиб ўтиб, яна олдидан туриб кўздан кечирди.

— Кураклари баданига сингиб кетган экан, буниси яхши. Яна бир оз гўшт битса бўларкан!

Арзакан, анчагина юқори кўтарилиб қолган қуёшга қаради. Кўкатлардан шабнам кетмай, ўтлоққа етиб ололмайди...

Чолга миннатдорчилик билдириб, билимдонлигига қойил қолганини айтиб, шу йўл билан Гванждан қутулиб кетмоқчи бўлди Арзакан.

— Эҳ, биродари азизим-а,— деб хўрсинди Гванж Арзаканни енгидан тортқилаб,— илгари менчалик оти кўп одам бўлганми-кан бунда? Апакидзенинг отлари бутун Грузияга машҳур эди. Шаҳзода Мюрат ҳам фақат менинг отларимни минарди.

Гванж деярли кун ора, шаҳзодадан тушлик овқатга таклифнома олганини айтиб мақтанди.

У энг яхши отларининг ранги, номи ва ҳамма хусусиятларини эслар, ўлган фарзандларини маъюс эслаган она каби уларни алам билан эсларди. Ингур бўйи далаларидан, кодор тегирмонидан, эчки ва йилқиларидан кунни кечагина ажралгандай, алам ва афсус билан шикоят қиларди Гванж.

Гванж севимли оти Рашияни айниқса алам билан эсларди.

— Рашияни аввал Чека раиси олиб қўйди. Бир неча вақт ўтгач, Чека раиси уни ижроия комитет раисига берди. У отни милиция бошлиғига берди. Кейин изини йўқотдим. Жваридан, отимни райком секретари миниб юрганини, бечора касалманд бўлиб қолганини хабар қилишди... Атай Жварига бориб, Рашиямни бир кўриб келмоқчи ҳам бўлдим. Уша ёқдан келган бир милиционерни ичириб, отимни суриштирдим... «Отингнинг орқа оёқлари ғудда-ғудда бўлиб кетган...» дейди-я, лаънати. Отим шўрликни шу алфозда кўрсам кўзларим чиқиб кетмайдими! Кўзимдан наридалигига ҳам севиндим. Юрагим чиқиб кетарди, бўлмасам.

Кеча, худо ҳаққи, ўлгудай йиғладим. Ижроқомдан келаётувдим. Қарасам: қум ранг бир қирчанғи судралиб келяпти. Белгиси — Апакидзеларники! Эшитгандирсан: менинг белгим — черков, черков ва салб. Она сути оғзидан кетмаган бир мишиқи миниб келяпти, менинг отимга. «Болакай, кимнинг оти бу?» — деб сўрадим боладан. «Лаънати Апакидзеники», — дейди бола. Шундай. Кўрдингми? Аламмини қулт этиб ютдим. Нима ҳам дердинг болага? Тегиб, балога қолиб ўтирайми? От ориқлаб кетган. Оёқларида ғудда, чақа... Бола бўлса: «Яқинда бунни от институтига юборамиз. Қонини олиб зардоб тайёрлашади» дейди.

— Рашияннга неча пул тўлашди — деб қизикди Арзакан.

— Қанча тўлашарди? Шимилдириқ! Нима беришарди?! Ҳамма нарсамни олишса ҳам, қариганимда ҳамроҳ қилиб Рашиямни қолдиришса майли эди. Сигир сути билан боқилган эди-я. Ўзи-

нинг оғирлигидан ҳам кўра ортиқроқ қанг егандир. Уни кўз қорачиғимдек асрардим, парваришлардим. Тухум сариғи билан ювардим... Энди бўлса, қонини олишармиш... Зардоб қилишармиш! Нималарни ўйлаб чиқаришмайди баттоллар.

Отига қамчи босган Аразакан унинг сўнги сўзларини эшитмай қолди. Арабиа ўрнидан қўзғалиб, уни Жугежиани далалари томон елдириб кетди.

Гванж Апакидзе уларнинг орқасидан узоқ қараб қолди.

Кейин, ниҳоят, ўзига келиб, ҳайронликда атрофга аланглади.

— Ҳамма ишимни унутиб, ёш боладай айғир кетидан югуриб юришимни қара-я. Яна кимнинг кетидан, бадбуруш Кац Звамбаиянинг ўғли кетидан, икковига ҳам минг лаънат!.. Ярамаснинг бахти кулиб, шундай ажойиб отда юришини қарангу! Мен бўлсам, қариган чоғимда, пиёда лўкилласам,— аламзадалик билан гудранди чол ва шаҳар томон юриб кетди.

Аразакан отни ортиқ тўхтатмай, жиловни қўйиб берди. Индинга пойга бошланади. Айғирнинг қадам олишини-я!.. «Ҳатто Гванж Апакидзега ҳам, душманига ҳам маъқул бўлди-я Арабиа!» Завқ билан ўйларди Аразакан.

Арабиа эса елдек учиб борарди. Ана шу елиб учишда, сўнги пайтларда Аразакан кўнглини ғаш қилган аламлар таралгандай бўларди.

Апрель қуёши шуълалари, далалар гашти, ўтлоқлар нафосати унинг ёш қалбини нурафшон қилган эди...

Шу дақиқа у Арабиани ўзига тобе ҳайвон деб эмас, балки олға қараб бетўхтов илгарилаётган қанотли ёшлигининг бир бўлаги деб ҳис этарди.

ГЕРУЛАФА

Тамар билан Тараш чинорлар тагидаги хиёбон бўйлаб боришади. Тарашнинг эғнида гомпсондан¹ тикилган пистоқи ранг френч.² Қўлида кепка, макинтоши билагида. Гавдасига ёпишиб турадиган қилиб тикилган френч кенг елкасини, келишган қадди-қоматини, бақувват гавдасини шундоққина намоеън қилиб туради. Катак бриджа³ ҳам гомпсондан. Оёғида узун сариқ гетр ва инглизча спорт ботинкаси.

У Тамар ёнида бир меъёрда, дадил қадам ташлаб боради. Унинг бутун ҳаракати, қадди қомати қандайдир тантанавор.

Тамарнинг елкасида оқ жужун шарф. Зангори тусдаги, тўкилибгина турган кўйлаги кўзларининг зангориликни таъ-

¹ Гомпсон — матонинг номи.

² Френч — ҳарбий бичимда тикилган куртка. (Тарж.)

³ Бриджа — отда юрганда кийиладиган шим.

кидлаётгандек. Кўйлаги оддийгина бўлиб, шу ерлик чевар тик-канига қарамай, унинг келишган қоматида жуда чиройли кўринарди.

Тамарнинг белида, онасидан қолган, қирққулоқ япроғига ўхшаш зарҳал нақшли фируза тус шоҳи белбоғ. Заррин ilmoқларида бир-бирига тумшуғини тираб турган икки қирғовул нақши.

Тамар шаҳарга Тараш билан бирга чиқишдан ўзини тияди. Тараш келган илк кунлардан бошлабоқ у, шаҳарликларнинг унга қизиқсиниб қарай бошлаганларини ҳис этган эди.

Урта ёшли аёллар уларни кўрганларида бамайлихотир тўхташар, кўрсаткич бармоқларини бетларига тираб, бир Тарашга, бир Тамарга қараб қўярдилар. Кейин улардан бири беихтиёр: «Бири бирига бирам муносибки!» деб юборарди.

Дарҳақиқат, улар ёнидан бепарво ўтиб кетиб бўлмасди.

Тамар билан Тараш бир-бирига ўхшар эди. Кўзларининг туси, юз бичимлари билан эмас, балки ҳаракатларидаги назокат ва маънавий қиёфалари билан ўхшаш эдилар... Улар гўё бир онанинг фарзандига ўхшардилар.

Яна шуниси ҳам борки, дунёнинг турли бурчақларида ўсган бу икки ёш — бир-бирини узоқ излаб, зангори осмонда момик булутлар сузган апрель тонгларидан бирида, қуёш ўз йўлида ойга дуч келиб қолгандай, табиий бир суратда, топишиб қолгандай кўрinishарди..

Бу ўхшашлик, шаҳарчада, ҳамманинг кўзига ташланарди. Шунинг учун Тамар Тараш билан ёнма-ён бораркан, ўзини ноқулай ҳис қиларди. Тамар букчаяр, йирик зангори кўзларини, худди кўзлари хира одамдай қисаверарди.

Оқшом сокин ва дилбар бошида. Бу денгиз бўйи ўлкасида бундай сокин оқшомлар кўклам бошида, қуёш қишдан чиққан тупроқни илтиб, табиат гўё узоқ уйқудан бош кўтараётгандай, секин-аста уйғониб келаётган дарахтлар куртак ёза бошлаган чоқда бўлади.

Зугдидида чинорлар барг ёза бошлади. Чинорларнинг учларида кўм-кўк япроқлар шивир-шивири бошланди. Ёш ниҳоллар эса бўй чўзиш учун, жон бахш этгувчи ёмғирни ва апрель қуёшининг иссиқ эркалашларини кутарди. Новдаларидан чодир тиккан чинорлар шабаданинг майин нафаси уфурган ҳаммон силкина бошларди.

Тамар ёш ниҳоллар уфурган исни, хазонларнинг чириган исини ҳузур қилиб ҳидларди. Бу исдан, Тарашнинг ёнгинасида бораётганидан унинг боши айланаётгандай бўларди. Тарашнинг ҳикояси — тўғрироғи, ҳикоянинг мазмунидан ҳам кўра, унинг гапириш услуби, Тамарни маҳлиё қилган эди.

Тараш бир куни, забастовка вақтида швед қишлоғида қолиб кетганини ҳикоя қиларди. Эрта баҳорда бўлиб ўтган эди бу.

— Шимолликлар баҳорни, умри бино бўлиб қуёш кўрма-

ган одамлардай, кўкләмни биринчи бор кўраётгандай, завқ-шавқ билан кутиб оладилар.

Тамар одимини тезлатарди. Одоб юзасидан ўзини ҳикояни эшитаётгандай қилиб кўрсатарди-ю, лекин гап қулоғига кир-масди.

Хиёбоннинг икки томонида лечака¹ кийган аёллар, кун илиб қолганига қарамай буркасини ечмаган, бошлиқ ёпинган чоллар ўтиришарди. Улар қизиқсинишларини яширмай, йигит-қизни бошдан-оёқ кўздан ўтказардилар. Бу боқишлар қиз-нинг ҳаракатларини танг қиларди.

Проспектда одам кўп эди. Ҳамма Жугежиани даласига оши-қарди. Негаки Герулафа бугун бошланиши керак эди.

Асл пойга арафасида ўтказиладиган синов пойгасини мег-реллар герулафа дейишади. Икки ҳафталик машқдан кейин суворилар, катта пойга олдидан майдонга чиқадилар, от чоп-тирадилар, «схапи» ўйнайдилар, тулпорларини силайдилар.

Хиёбонни кесиб ўтиб, Тамар билан Тараш проспектга чиқ-дилар. Тикилиб қаровчи кўзлар кўпайди. Тараш аввалига уларга эътибор қилмади, лекин бора-бора Тамарнинг хижола-ти унга ҳам ўтди... (Ахир тортинчоқлик ҳам худди қўрқув ва очлик каби дарҳол юқади).

— Ўткинчиларга, беандиша тикилаверадилар-да, бизда!— деди Тамар.— Биздан бўлак ҳеч қаерда бунчалик тикилиб қа-рашавермас нотаниш одамга.

— Французларда «кўзингизни тийиб олинг» деган мақол бор,— деди Тараш.— Баъзан тикилиб қараш, бегона одамнинг гапига аралашгандек ноўрин бўлади. Балки шаҳарларимиз аҳолисининг кўпчилиги, яқингинада қишлоқдан келган одам-лар бўлганидан шундайдир... Лондонда қадимги римликлар либосида юрасизми, бошингизга салла ўраб оласизми, ҳеч ким-нинг сиз билан иши бўлмади. Ич-ичингача пармалаётгандай бўлиб тикилиб қарасалар, ғазабим қайнайди.

Иккови жим бўлиб қолишди.

Тамар одимини тезлатди. Ҳеч бир сабабсиз, бирдан Забу-лини эслади.

Қаёққа кетиб қолди экан-а? Кириб ўт, кутиб тураман, де-ганди-ку. Лекин уйда йўқ. Ҳатто хат ҳам ёзиб қолдирмабди.

Тамар Тарашга бир қараб қўйди. Тараш қизнинг фикрла-рини ўқиш ниятида унга қараб турарди.

Шу чоқ... (Кимлар буни кўрмаган? Кимнидир туш кўра-сан-да, эрта билан кўчага чиқишинг билан шу одамга рўпара бўласан. Еки танишларингдан бирортасини эслайсану қара-сангки, қаршингдан чиқиб келяпти.)

Бугун ҳам шундай бўлди: Тамар Забулини эслаб ҳам эди-ки, унинг жарангдор кулгиси эшитилди...

Проспект бўйлаб бир гуруҳ қизлар келишарди. Забули

¹ Л е ч а к а — грузин миллий либоси.

улар орасидан ажралиб чиқиб, Тамарнинг ёнига югуриб келиб, қўлидан тутди.

Забули куларди. Унинг кулгиси чинчилидан¹ қуйилаётган шаробдек қуйиларди.

Ҳақиқдай қизил лаблари ёйилганда жуда йирик, лекин чиройли тишлари кўриниб кетарди. Кугилмаган учрашув қувончидан ёноқларига қизиллик югурди.

Тараш, ўзига хос назокат билан қизга таъзим қилди ва унинг бўлиқ қўлларини қаттиқ қисди.

Забули Тамарни белидан қучоқлади.

Улар учовлон йўлга тушганларида Тамар ўзини анча енгил ҳис этди. Ўткинчиларнинг тикка боқишлари ҳам, кўз қирини ташлаб қўйишлари ҳам уни ортиқ ташвишлантирмай қўйди.

Тараш бирини бирига таққослаётгандек, қизларга қараб қўйди.

Тамар латофати ва нозиклиги билан мафтун этарди. Забули эса бўлиқроқ эди. Кулги, булутсиз осмондаги тонг шафаги мисол уни яшнатиб юборарди.

Тамар кулганда эса, юзининг юқори қисмида ўзгариш бўлмас эди; қуюқ киприкларига инган мунгни, ҳатто кулги ҳам қувиб юбора олмасди.

«Кулги одамни жуда яхши таърифлаб бериши мумкин»,— деб ўйлади Тараш.

Ростдан ҳам, Забулининг кулгисини эшитган ҳар қандай одам: «Бу очиқ кўнгиллининг кулгиси» деб ўйлаши мумкин эди. Шунақа, болаларча кўнгилчанлик намоён эди унинг кулгисиди.

— Катта қиз бўлиб қолибсиз!— деди Тараш Эмхвари. — Кичкиналигингиз ҳали эсимда...

Унинг сизсираб гапиришига Забули ҳайрон бўлди. Лекин монелик билдирмай сўради:

— Болалигимизда мени нима деб атаганингиз эсингиздами, Тараш?

— О, сизнинг исмингиз кўп эди. Шошманг, эслаб олай-чи... Забули қизариб кетди.

— Забра... Диа... Сордия... кейин...

— Диа деб Арзакан чақирарди.

— Забра деб-чи?

Забули яна қип-қизариб кетди.

— Забра деб — сиз!

Тараш кулиб юборди.

Болаликдаги дўстларнинг самимий учрашувидан хиёл ранжиган Тамар жилмаярди.

— Арзакан сени нега Диа деб атарди?— сўради Тамар.

— Тараш энагани шундай деб агарди. Болаликда бирга ўйнаганимизда, мен она бўлардим.

¹ Чинчи — шароб ичиладиган тср бўйинли сопол идиш. (Тарж.)

Тараш, Арзакан иккови чақалоқ бўлиб, Забули она бўлиб ўйнаганларини эслай бошлади.

Кейин Забулининг кўкрагига ўғринча қараб қўйди. Унинг бу қарашини Тамар сезиб қолди.

Арзаканнинг номи тилга олинганда қизлар жимиб қолишди. Тамар кўнглида ўзини ўзи койирди. Тараш келганидан бери у, Арзаканни ўйламай қўйди. Мана, икки кундирки, у шаҳарда. Йигитнинг Таризэл бободан ўзини олиб қочгани учун кундузлари қўрғонга боролмаслигини билади. Шуни била туриб, Тамарнинг ўзи уни кўриш учун шаҳарга чиқмади ҳам...

Бу ҳам майли-я. У атай Арзакандан қочиб юрибди. Отасини пана қилаётгани ҳам ўшандан. Таризэлнинг минғир-минғири илгари қизни ранжитарди. Энди бўлса чол Тамар бошлаган ўйинда бир қурол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тараш иккала қизни қўлтиқлаб олди. Сўзлашганда кўпроқ Забулига мурожаат қиларди у.

— Окумида қандай чўмилганимизни эсланг-чи!

Улар бири олиб, бири қўйиб, бир куни Забулининг чўка бошлаганини эслаб кетдилар... Шунда Арзакан сувга шўнғиб, уни халос қилиб қолибди. Савод чиқарган пайтларда эса:

Сакдаршиа тетри мтреди,

Фртатетри да фртафарфати...

деган тез айтишга Забулининг тили сира келишмас экан.

Шунингдек улар, Тараш билан Арзакан Забулининг сочидан тортқилашганини, Забули билан Цируния жодугарчасига сўзлашишни ўрганиб олишганини, шу туфайли уларга жодугар деб лақаб қўйишганини, Арзакан билан Тараш қўшни қиз Кесани мазах қилиб йиғлатишганини эслашарди...

Уларни тингларкан, Тамар ўзини бекас, якка-ёлғиз ҳис қила бошлади. У қўлини аста бўшатиб олди. Томоғига алланима тикилгандек бўлди... Қани энди, қочиб кетишнинг иложи бўлса! Секин ғойиб бўларди-ю, одамлар орасида аралашиб кетиб, ўз қайғусини ўзи тортиб, бир чеккада юраверарди.

Тараш бирдан суҳбатни кесиб, аллакимга таъзим қилди.

— Шардин Алшибая,— деб шивирлади Забули дугонасига.

Шардин унга жавобан такаллуф билан таъзим қилди-да, шу замоноқ чоха кийган ҳамроҳларини қолдириб, Тарашнинг ёнига келди.

— Нималарни илиб олмайди-я, бу афанди!— деб яна шивирлади Забули...

Шардиннинг бошида инглиз плантаторлари колонияларида киядиган пробка шлём. Пиджаги жигар ранг, шими катак-катак, оёғида гамаши¹. Бўйнида эса, узоқдан сочиққа ўхшаб кўринадиган паҳмоқ шарф. Ҳаммаси бир бўлиб, саёҳатчи, сувори ёки ҳаммомга кетаётган одам кийимига ўхшаб кетарди...

Тараш ҳузурида гўзаллар диққатини жалб қилолмаслиги-

¹ Г а м а ш и — Тўпқдан тиззагача кийиладиган иссиқ кийим. (Тарж.)

ни Шардин дарҳол англади. У ўзига жиддий тус бериб, Тамар ва Забули билан хайрлашди, муҳим давлат ишлари-ла банд одам қиёфасида Тарашни қўлтиқлаб, бир чеккага олиб борди-да:

— Япония билан ишларимиз қалай?— деб сўради сирли тусда. Тараш ҳайрон бўлиб қолди. Эсини еб қўймадимикан, муҳтарам директор? Нега бирдан Японияни эслаб қолди-я?

— Япония билан дейсизми?..— эҳтиётлик-ла сўради Тараш.

Шардин унинг кўзларига маънодор тикилди.

«Аҳа, синаяпти, такрорлаб сўраяпти... Менга ишонмайди чоғи».

— Яширишнинг нима кераги бор? Менга бемалол ишонаверинг,— деди Шардин.

Тараш ҳамон ҳайрон эди.

— Ие, наҳотки беҳабар бўлсангиз?— синчковлик билан суриштирди Шардин. Унинг мушукникига ўхшаш кўзларида ҳийлагарона учқун чақнади.

— Японияга нима бўпти? Ростини айтсам, ҳеч нимадан ҳабарим йўқ.

— Газета ҳам ўқимадингизми?

— Сўнгги кунларда имкони бўлгани йўқ. Шуниси ҳам борки, Тбилиси газеталари бизга жуда кеч келади...

— О-о! Катта воқеалар! Япония ҳазиллашмайди. Кечаги газетада японларнинг нотаси босилган.

Тараш мийғида кулиб қўйди.

Бу табассумни ҳам Шардин Алшибая ишонмаслик аломати деб билди. У қўлини бўшатди-да, дипломатик чекиниш бошлади. Эртанги пойга ҳақида гап очди, Арзаканнинг отини мақтади. Кейин маданий қурилиш ҳақида гап очди. Унинг сўзига ҳеч ким қулоқ осмаётгани ҳақида, бўлмасам, қурилиши мўлжалланган беш мактаб ўрнига ўнта ўрта мактаб очишга муваффақ бўлажаги мумкинлиги ҳақида сўзлай кетди.

Тараш Эмхвари бефойда баҳсдан ўзини тортишга ҳаракат қилди. У хира ҳамсуҳбатдан тезроқ қутулиш учун, унинг гапини маъқуллагандек бош ирғаб қўярди.

— Арабия!— баробар қичқиришиб юборишди Тамар билан Забули.

Арзакан елиб келаятган отини таққа тўхтатди, шошиб қолиб, ҳаммага бир эгилиб таъзим қилди.

Еноқларига қизиллик югурган Тамар от ёнига чопиб келди.

Арзакан жиловни калта қилиб ушлаб, Арабиани қиз ёнига етаклаб келди.

Забули ҳам яқинроқ келди, отнинг ялтиллаб турган кенг кўксини кафти билан сийпади.

Тараш Арабанинг оёғини кўздан кечиришга берилиб кетди. У чавандозлар ва Дон Жуанларнинг: аёллар ва отларга

оёғига қараб баҳо берилади, деган фикрларига тўла қўшиларди.

— Ҳозиргина отингни мақтаб туриб эдик,— деди Шардин Алшибая бепарво.

Осонгина ҳаёт кечириш учун, ёқимли гапни одамларнинг бетига айтиш керак, ёқимсиз гапни орқасидан айтиш керак, деган қоидаси бор эди Алшибаянинг.

От елдириб келганиданми ё кутилмаган учрашувданми, Арзакан қип-қизариб кетган эди.

Арзакан, эрталаб қилган қиёси тўғрилигини аниқламоқчи бўлгандай, журъатсизлик билан гоҳ Тамарга, гоҳ Арабага қараб қўярди. Фақат унинг ўзигагина сезилаётган яширин ўшашлик, Арзаканга қувонч бахш этарди.

Тамар кафтига новвот солиб, айғирнинг оғзига тутди.

Араба, қизни илгари ҳам кўргану, лекин қаерда кўрганини эсламоқчи бўлаётгандек, қулоғини чимириб, йирик кўзлари билан тикилиб қараб турарди.

— Сенинг офтобинг билан қасамёд қиламанки, Арзакан, отинг ажойиб! Битта нуқсон бор — у ҳам бўлса оёғининг оқлиги.

Тарашнинг мулоҳазасини эшитиб, Арзаканнинг бир жини қуришди-ю, лекин ўзини тутди.

Сут эмишган инисига қараб туриб, хотиржам жавоб қилди:

— Оёғи оқ бўлса нима қипти? Бугун Гванж Апакидзе ҳам шу ҳақда гапирувди. Лекин яхши, наслдор от деди...

— Наслдорликка наслдор. Ингурнинг тескари оқмаслиги қанчалик аён бўлса, бу ҳам шунчалик равшан,— ҳазиллашди Шардин айғирнинг оёғини кўздан кечираркан, уни мақташда давом этиб.

Шардин от масаласида ҳеч вақога тушунмас ва бунга қизиқмас ҳам эди. Лекин у, шундай одамлар тоифасига мансуб эдики, бундайлар ўзларини ҳамма соҳада, астрономиядан тортиб, карам ўстиришгача, билимдонман деб мақтанишни севадилар. Шунинг учун ҳозир у тингловчиларни Араба ҳақидаги «нозик» мулоҳазаларга кўмиб ташламоқчи эди.

Тараш билан Забули олдинда кетишди. Тамар билан Арзакан улар ортидан йўл олишди. Шардин ёлғиз қолди. У бир неча фурсат айғир билан ёнма-ён қадам ташлади. Сўнг, шериксиз қолганини сезиб туриб, милиция бошлигини кўриб қолди ва (бошлиқда унинг зарур иши ҳам бор эди) ёшлардан секингина ажралиб қолди.

Шардин Алшибая билан учрашув, ҳаммадан ҳам кўра, Тарашнинг ғашига теккан эди. У бетўхтов бериладиган саволларни ёмон кўрарди. Ахири ўқитувчи ғойиб бўлганини кўриб, ў ниҳоятда қувонди. Тўртговлон ёнма-ён кетишди. Араба жилвда улар ортидан эргашиб келарди.

— Алшибая ташқи кўринишидай кулгили эмас,— дерди

Тараш.— Унга ўхшаган туллаклар — дунёда энг яшовчан халқ. Умуман, ўртамиёна, қобилиятсиз одамлар ҳамма вақт чидамли бўлишади. Аҳмоқлар ҳар қандай шароитда ҳам жон сақлаб қола оладилар. Улар мунофиқлиги туфайли, сувдан қуруқ чиқиб кетаверадилар.

Лекин, ростимни айтсам, ҳавас қилса арзигулик қобилият бу! Ўтмишни бир кавлаштириб кўринг-а, озмунча мисол топасизми бунга. Донишманд ва истеъдодли кишилар, кўпинча, очликдан ўлиб кетишган. Истеъдод — турган-битгани лаънат, у одамни мунофиқликдан номаҳрум қилади.

Табиатга бир назар ташланглар. Энг қўрқоқ жонивор — қуён билан сичқон. Лекин ҳеч қайси ҳайвон уларчалик, айниқса, сичқончалик тез кўпаймайди. Улар далаларга Темурланг лашкаридай ёпирилишади. Уларни қириб ташлай оладиган кучнинг ўзи йўқ.

Қуён йилнинг ҳар фаслига қараб тусини ўзгартиради. Бу талар яшил тусга кирганда унинг мўйнаси яшилга мойил тус олади, ёзга бориб — сарғаяди, куз охирида бўлса — кул ранг тусда.

— Тўғри,— деди Арзакан.— Бу Шардин Алшибаяни қанча сўкишди, қанча пўстагини қоқишди — РКИ да ҳам, деворий газетада ҳам, умумий мажлисларда ҳам танқид қилишди, сира сиртига юқтирмайди: қаердан ташласанг ҳам, худди мушукка ўхшаб, оёғи билан тушади.

— Сув билан чумолини енгиб бўлмасликда қандайдир даҳшатли бир куч бор. Ксеркс аламидан денгиз тўлқинларини ҳайдабди, лекин ҳеч нима чиқара олмабди. Чумолилар бўлса, шерни ҳам, айиқни ҳам қочира оларкан. Табиатнинг ўзи насл билан курашаркан... Тарихга қадар даврдаги баҳайбат насллар: мастодонтлар, ихтиозаврлар, мамонтлар, мегатерия ва шуларга ўхшашлар — ҳалок бўлиб кетган. Энди навбат филларга, шерларга ва йўлбарсларга.

Орадан юз йилча ўтказиб, бу ҳайвонлар Африка ва Ҳиндистонда ҳам йўқ бўлиб кетсалар ажаб эмас. Негаки, уларда сичқонлар, қуёнлар ва Шардин Алшибаядагичалик мосланиш қобилияти йўқ.

Грузиянинг ўрта аср шоирлари шер ва йўлбарсларни шеърга солишган. Уша пайтларда Грузияда улар кўп бўлишган бўлса керак, ҳозир эса йўқ бўлиб кетган. Қуни кечагина Тбилиси яқинида ўлдирилган йўлбарс — Руставели ўз поэмасида қуйлаган йўлбарслар авлоди бўлганига ишончим комил...

Қаҳрамонларимиз Жугежани майдонига етиб келишганда герулафа бошланган эди. Ҳеч қайси от Арабиачалик одамлар диққатини ўзига жалб қилмас эди.

— Арабиа, Арабиа! — деб шивирлашарди одамлар. Бу сўз тилдан тилга ўтарди.

Кўпчилик ичида бўлмаган айғир ҳуркиб, олазарак бўларди. Арзакан жиловни қалта қилиб, сувлиқ ёнидан тутди.

Унинг бундалигидан хабар топган байталларнинг асабий кишишларини эшитганда айғир яна ҳам ҳаяжонга тушди.

Мусобақанинг биринчи давраси эндигина тугаган эди.

Суворилар маҳкам ушлаган, қизишиб кетган отлар безовталаниб ер тепинардилар. Зотдор айғирлар сабрсизлик билан сувлиқларини тишлаб, бутун борлиқларини қуршаган хирсдан қалтираб, мунгли кишнаб пишқирардилар.

Чавандозлар атрофини оломон қуршаган эди. Яна бир гуруҳ оломон кичкинагина форд машинасини қуршаганди.

Машина ёнида икки одам суҳбатлашарди: бири жигар ранг чарм куртка кийган, иккинчиси — яшил гимнастёрка ва сувори бриджаси кийган эди. Биринчиси — райком секретари Аренба Арлаи эди, икинчиси эса — ГПУ вакили. Иккови ҳам жилмаярди.

Болалар автомобилни қуршаб олган эдилар.

Лекин Лукаянинг пайдо бўлиши, болаларга қоп-қора форддан ҳам қизиқ кўриниб кетди.

Чол елкасига унниқиб, эскириб кетган генераллик шинелини ташлаб, тантанавор қадамлар ташлаб келарди.

Ёқасида қизил жияк, кўкрагида эса орден ва медалларнинг ранго-ранг ленталари. Орден ва медалларни болалар, аллақачон Лукаянинг кўксидан юлиб олишган. Лекин у баъзи бирларини улардан сақлаб қолишга муваффақ бўлиб сандиққа яшириб қўйган эди.

Лукаянинг узун жунли симобий папахи яна ҳам кулгили кўринарди; кўп кийилганидан баъзи еридаги жунлари тўкилиб, баъзи ерларида юмалоқ бўлиб қолганидан, қарганинг инини эслатарди.

Лукая Чкондид епископи туҳфа қилган ҳассага таяниб келарди.

— Лукая! Лукая! Иконаларни қаёққа қўйдинг?— деб қичқиришарди болалар форд ортига яшириниб.

— Уқиб қўй, Лукая, ўқиб қўй!— дея тихирлик қилишарди улар чолга.

— Борларинг, йўқолларинг, қўйларинг мени ўз ҳолимга!— дерди Лукая машинани қизиқиб томоша қиларкан. Бунақа ярақлаган янги автони, яна бунчалар яқин жойдан туриб, Лукая ҳали ҳеч кўрмаган эди.

— Уқиб қўй, Лукая, ўқиб қўй!— тинич-тиничмасди болалар.

— Қўйсаларинг-чи, мени ўз ҳолимга!

Райком секретари чолнинг ориқлаб кетган юзига бир қараб қўйди.

Унга ачинди-ю, лекин табассумини тия олмади.

— Ҳа, Лукая, Мюратнинг қиличини ҳали ҳам топганинг йўқми?— деб юмшоққина сўради.

Юмшоқ муомаладан ийиган Лукая жонланди:

— Ммарҳум ооонам ҳҳҳаққи қққасамёд қиламанки,— дудуқланиб ишонтира кетди у,— МММЮратнинг қққиличини тттопдим. Болалар пппичан ғғарамидан топишди. ҚҚқнягина Хещиа уўўз қўли билан тттопширди...

Райком секретари Лукаяга бош ирғиб қўйди-да, чавандозлар томон кетди.

Автомобилни қуршаб олган болалар кўпайгандан кўпайиб борарди. Ана шу тўполончилар тўдаси Лукаяни ҳол-жонига қўймай қичқиришар, ҳуштак чалар, қийқирарди.

— Лукая ўқиб қўй, ўқиб қўй!

Ботирроқлари чолнинг шинелидан тортар, ҳассасини қўлидан юлиб қочмоқчи бўлишарди. Лукая сўкинар, ҳассани дўлайтирар, марҳум онаси ҳаққи ўз ҳолига қўйишни илтижо қиларди. Лекин болалар, Лукаянинг ёнига Тараш билан Арзакан келишгандагина тинчидилар.

Лукая шинели барини йиғштириб, Тараш томон югурди ва унинг орқасига ўтиб яшириниб олди.

— Қўрқма Лукая. Шўрлик! Нима қилиб юрибсан бу ёқларда?

— Қаёқларда йўқолиб кетдинг? Отам эрталабдан бери қидиради,— дея юпатарди Тамар чолни. Лукаянинг пешанасини тер босганини кўриб унга жуда раҳми келди қизнинг.

Арзакан болаларга бир ўқрайиб қараб қўйди. Болалар эса бақриришиб-чақриришиб оломон ичра ғойиб бўлдилар.

ИСИНДИ¹

Суворилар ва пиёдалар, герулафа қатнашчилари ва томошабинлар райком секретарини қуршаб олган эдилар. Бошқа районлардан келган деҳқонлар, бўйинларини чўзиб, унинг сўзига диққат билан қулоқ соладилар.

Деҳқонларни отларнинг таърифи ва эртанги пойгадан кўра, экин экиш ҳақидаги, уруғлик ҳақидаги, машиналар ҳақидаги маълумотлар кўпроқ қизиқтирарди. Улар кафтларини қулоқларига карнай қилиб тутиб, оёқ учларида туриб, ҳар бир сўзни илғаб олишга уринар ва эшитганларини бошқаларга айтиб турардилар. Газеталар бутунлай етиб бормайдиган ёки жуда кечикиб борадиган узоқ қишлоқлардан келганлар, айниқса, қизиқиб тинглардилар.

Қишлоқ бойлари коллективлаштиришдан нечоғлик ғазабга келганларини зўр-базўр яширар, жаврашар, яшириқча сўкинишарди. Байрам давомида, ёппасига коллективлаштиришни эълон қилиш учун ҳукумат томонидан атай пойга ташкил қилинган, дея каромат қилганлар ҳам бўлди.

¹ И с и н д и — пойга.

Дворянлар ва узоқ-узоқ бурчаклардан келган князларгача кулаклар билан бирга эди. Улар ҳукумат вакиллари билан учрашувдан ўзларини олиб қочар, бир чеккалик бўлиб туришар, баъзан бирор деҳқоннинг чоҳаси енгидан тортиб: «Нима дейишди?» деб суриштиришарди. Вақти-вақти билан деҳқонлар заҳарханда қилиб қўйишар, шу замоноқ, тилларини тишлаб, жимиб қолардилар.

Баъзи тўдаларда хушчақчақ аскиявозлик давом этарди. Байрамни ҳаром қилишнинг нима кераги бор? Омон бўлсак, кўрармиз.

Абхазия ва Мегрелиянинг энг узоқ пучмоқларидан узун соқол, елкадор деҳқонлар келишган эди. Улар учли баланд папах, тиззадан кумуш тақинчоқли қайиш тортилган, тўпикдаги ямоғи ўнгиб кетган юмшоқ қўнжли этик кийган эдилар.

Этикнинг қўнжи ота-боболари ўтган асрларда кийиб ўтган бичимда эди.

Кун илиб қолганига қарамай, кўпчиликнинг эғнида елкаси тўғрибурчак шаклидаги узун жунли бурка, бошида зарҳал попукли бошлиқ.

Тараш қиёфаси, кийиниши ва хатти-ҳаракатидан тоғликларни дарҳол таниб оларди. Бўлмасам-чи! Баланд папах, каттакон ханжар, пачичи — қўнж ва учи тепага қайрилган қадим грузин кавуши.

— Халқ поэзияси дев ва иблислар билан мана шундай соқолдор кишилар курашганини баён этади,— деди Тараш.

Тамар ўгирилиб қаради. У Забули билан Арзаканни йўқотиб қўйган эди.

Бир гуруҳ эркаклар ўтлоқда чордана қуриб ўтирарди.

Уларнинг олдида кўзалар турарди.

Чоха кийган соқолдор кишилар матарадан¹ шароб ичар, ғовур-ғувур сўзлашар, қўшиқ айтишарди.

— Булар жвариликлар,— деб шивирлади Тараш.— Қўполлиги билан ном чиқаришган... Бултур Жвариди бўлган эдим. Уша ерликларнинг шеваси билан қизиқдим. Одамлар билан яқиндан танишмоқ учун айиқ овига чиқдим. Айиқ излаб узоққа боришга тўғри келмади. Ҳар бир ҳовли-жойда ов қилса бўлаверади у ерда.

Кузак бошида, жўхори пишганда, ҳайвонлар келиб қолишини билиб гулхан ёқишади. Итларнинг ҳуришидан қулоқ қоматга келади. Аёллар йигилишиб жўхори тозалашади. Бирон гўзал чонгури² чалади. Биз эса ёнғоқ гўлалари ортига яшириниб, айиқнинг келишини кутамиз.

Тараш жвариликларнинг кумуш газирини, узун ясси ханжарини диққат билан томоша қиларди. У Грузин наққошлигининг нафосатига маҳлиё эди.

¹ Матара — белбоққа боғлаб қўйиладиган кичкина чарм ёғлоғи. (Тарж.)

² Чонгури — грузин музика асбоби. (Тарж.)

Баъзи чолларнинг белбоғига кумуш чекмалик тўппонча қистирилган эди. Еш-яланглар уларнинг ана шу қадимий қуролларидан ва жанговар кўринишларидан завқланардилар.

Лекин қариялар уларга бепарво эдилар.

— Жвариликларникига хос ана шундай куч-қудрат керак бизга. Декадентлар ва асабийлар ҳеч қачон ҳеч нима яратолмайдилар!— деди Тараш.— То шу кунгача миллатимизнинг аксарияти ўз қобилиятини ишга солиш имкониятидан маҳрум эди-да! Деҳқонлар эзилиб келишарди. Бир-бирларинигина қўллаб-қўлтиқлаб келувчи, қонунни ўз қўлига эгаллаб олган дворянлар бошқарарди-да, ҳамма ишни.

— Ғалати одамсан-а,— деди Тамар ҳайрон бўлиб.— Дворянлар ҳақидаги фикрнинг бу-ю, яна доим дворянларни ҳимоя қилиб, Арзакан ва Чежиа билан талашиб-тортишиб юрасан!

— Биласанми, Тамар, ҳар бир одам ўз ажодлари гуноҳи юкини кўтариб юриши керак. Ахир ҳеч ким ажодди қолдирган давлат ёки яхши номдан юз ўғирмайди-ку.

Яна шуниси ҳам борки, тарих томонидан маҳкум этиб қўйилган табақангдан кечиш қийин нарса эмас.

Ўтмишда, мамлакатимиз бошига тушган бутун бахтиқаролик дворянлар туфайлидан бўлган. На грузин подшоҳлари ва на Ираклий II сингари буюк саркарда уларни эпоқага келтиролган. Улар сўнги кунларгача фитнес-фасодларини қўймадилар.

Мана энди шуларнинг куюгига қолишди.

Лухун қўзғолони чоғида абхаз деҳқонлари полковник Коньярин бурда-бурда қилиб ташлаганлари ҳақида сўзлаб бериб эдим, чоғи. Шунда Шервашидзегадан икитаси ҳам уларнинг қўлига тушган. Лекин, агарда, сут эмишган оғалари жонларига ора кирмаганда, улар ҳам полковникнинг кунига тушиши тайин эди...

Тамар Тарашнинг диққатини чўтир чолга тортди. Унинг беллида зарҳал белбоғ, олтин чекмалик қалин бошлиқ, қадимий ханжар ва газери бор эди.

Тараш чол ёнига борди, афу сўраб, ханжарини кўрсатишни сўради. Чол чет элли одамга ўхшаб кетган йигитга синовчан боқди. Йигитнинг майнавозчилик қилмоқчи эмаслигини кўриб, ханжарини белбоғидан чиқармайгина узатди.

Ханжарнинг қинида япроқлар, жимжимадор новдалардан иборат қорайтириб чекилган нақш бор эди, белбоғининг тўқаси ва учига ярим ой шакли туширилган эди.

Тараш, бу яроғ-аслаҳанинг қарияга қай йўсин текканини оҳиста суриштирди.

Маълум бўлишича, чол буларни собиқ князь Дадниандан олган экан.

— Ҳозир сенга нима кераги бор буларнинг?

— Ешлигимда шунақа белбоғ билан ханжар тақишни орзу қилардим. Ўшанда имкони бўлмади. Эндиликда келиб, белдан

куч кетиб қолган бўлсаям, байрамга бир ясаниб чиқдим-да,— деди чол.

— Мана шу жонсиз буюмларнинг нақадар сеҳрли кучга эга эканлигини билсанг эдинг!— деди Тараш Тамарга.— Улар асрлар шиддатига бардош бердилар ва географик ҳалокатдан сўнг ҳам бутун қолган денгиз чиғаноқлари мисол, унда-бунда сақланиб қолиб, қадим нафасини уфуриб турадилар.

Инсон қадди-қоматини, либосини кумуш ва олтин билан бешашининг тарихи қадим-қадим даврларга бориб тақалади...

Ким билади дейсан, мана шу буюмларга нақш чекиш учун тбилисилик уста неча-неча тунларни бедор ўтказган экан...

Одамлар борган сайин кўпайиб борарди.

Кўпайишиб қолган тўдаларда чонгури чалишарди.

Нарироқда чавандозлар теграсида тўпланган деҳқонлар «Кейсрули»ни чўзиб юборишди. Бу қадимий, таъсирли кўшиқни Тараш жуда яхши кўрарди.

Халойиқ кўнгилхушлик қиларди.

Чавандозлар тўпланиб бўлгач, судьялар, исинди чоғида рўпарама-рўпара турган мусобақадош тўда оралиғидаги бўшлиқни — дарвозани белгилаш учун оломонни орқага сура бошладилар. Ҳар бир суворининг қўлида ингичка ёнғоқ таёқ бор эди.

— Хўп замонлар келди-да! Ҳамма ёқ остин-устин бўлди,— деб Тарашга нолиди Гванж Апакидзе,— икки юз чавандоз ичидан бирон Шервашидзе, на бирон Эмхвари ва на Дадияни бўлса-я!

Тарашга бунинг фарқи йўқ эди.

— Кимлар экан бўлмаса бу чавандозлар?— кулиб сўради у.

— Қаёқдаги қаламғи-қасанғилар: Амичба, Ашхвацава, Эсванжиа, Малазониа, Гвичиа. Кўряпсанми, ҳўв анави ерда сут эмишган биродаринг — Арзакан Звамбая.

Гванж Апакидзе одамларнинг ҳаммасининг ҳам номини атамас, балки нафрат билан тўнғилларди. Арзаканнинг номини эшитиб Тамар оёқ учидан турди, кўзи билан қидириб топди уни.

— Оғанг қурбонинг бўлсин, исиндида сен ҳам иштирок эт!— деб қолди бирдан Гванж Апакидзе.

Тараш кулиб юборди.

— Ахир ўзингиз айтиб турибсиз-ку, Эмхварилар куни эмас деб.

— Кекса Эмхвариларга ким ҳам йўл берарди дейсан? Сенинг йўриғинг бўлак. Уқимишли абхаз бўлганинг учун ҳукумат сен билан ҳисоблашади.

Забули келди. Унинг қўлида Арзаканнинг бошлиғи.

— Отни қаердан топаман?— деди Тараш.

— От дейсанми, оғанг қурбонинг бўлсин?— ҳовлиқди Гванж.— Бир нафасда топаман. Бунда бир Лакербая бор. Ингурдан кечиб ўтаман деб шамоллаб қолибди. Отини олиб келиб эдим. Неварам миниб ўтирибди! Ҳозир олиб келаман!

Шундай деди-ю, Гванж Апакизде оломон ичига шўнғиди-кетди.

Тўсатдан бундай қарорга келганидан Тараш болалардек қувониб кетди.

Яқин ўртада турган аёллар ва қариялар, исиндида «ўқимишли Эмхвари» иштирок этишини эшитиб, қувонишди.

Фақат Шардин Алшибая норизо эди. У мийғида кулиб қўйиб, Тарашни бир чеккага қақриб олди-да, уни айнита бошлади. Бу ўйланмай қилинаётган иш. Зиёли одамга пойгада чопиш, яна исиндида қатнашиш ярашмаган парса! Иштирок этаётганларга қаранг, биронта ҳам дворян йўқ.

Лекин Тараш унинг сўзларига парво қилмади.

Гванж отни етаклаб келди. Тараш френчини ечиб, Лукаяга берди-да, Арзаканнинг бошлиғини маҳкам боғлаб, ирғиб эгарга минди.

Тамар билан Забули пойгачиларни яхшироқ кўриш учун эман гўлаларига чиқиб олишди.

Исинди ҳали бошланмаган эсада, чавандозлар икки гуруҳга бўлиниб олган эдилар.

Юз чоғли чавандоз майдоннинг фарб тарафида, шунчаси — шарқ тарафда, дарвоза чизигидан қирқ қадамча нарида турардилар.

Гванж Апакидзе Тамарнинг ёнида турарди. Шардин Алшибая, билдирмайгина, Забулининг белидан қучди. Исиндидан кўра қизнинг таранг, иссиқ бадани кўпроқ қизиқтирарди Шардин Алшибаяни.

— Қизиқ. Бу ўқимишли йигит сувориликни қаердан ўрганди экан? — ҳайрон бўларди бошлиқ боғлаган чол.

— Марҳум отасининг катта йилқи подаси бўларди, — дея жавоб қиларди ёнида турган чол.

Тамар ким ютиб чиқаркан, Тараш минган Гунтерми ё Арабиами деб тоқатсизланарди.

Забули ундан кам ҳаяжонланмасди; кимнинг галабасидан боши кўкка етишини яхши биларди у.

Орқадан оломон итарарди.

Шардин тиқилинчдан фойдаланиб, Забулининг пинжига баттар тиқиларди.

Қиз ўзини секин олиб қочарди. Гўла сал қимирлаб кетди дегунча, Шардин, гўё бехос шундай бўлгандай, қизнинг билагининг юқорисидан ушлаб оларди.

Ҳислари қўзғаб кетганидан кўзини парда қоплаган бўлиб, на Арабиани кўрарди ва на Гунтерни.

Гванж Апакидзе ҳаммадан ҳам кўпроқ ташвишланарди. Ким ютади: дворянми ё деҳқон, унинг учун бу жуда муҳим эди.

Гванжнинг назарида Гунтер яхши парвариш қилинганга ўхшаб кўринган эди. Шунинг учун унинг ўзиб кетишига Гванж қаттиқ ишонарди. Чавандоз масаласига келсак, Тараш чет элда

Ўсиб-унган бўлса нима бўпти. Аллақайдаги бир Звамбаяга Эмхваридан голиб келишга йўл бўлсин.

Қўли билан кўзини офтобдан пана қилиб, Гванж пойгадан кўз узмасди.

Тўдадан арслон тусдаги айғир — Дардиманди, Мухрован от заводидан чиққан англо-араб оти ажралиб чиқди. Унда Тбилисидан келган қандайдир грузин, қизил командир ўтирарди.

Унинг кетидан, ажойиб кабардин отида миқти турк, отбоқар Абдулла Рамаз ўғли отилиб чиқди. Унинг оти тим қорайиб йилтилар, орқа оёқларида оқ холи бор эди. Отлар кўтарган тўзон, ботаётган қуёшнинг заррин нурларига кўмилиб от елдираётган чавандозларни қуршаб олди.

Мана, бирдан, Арабиа минган Арзакан Звамбая билан Гунтер минган Тараш Эмхвари олдинга отилиб чиқишди.

— Эмхвари минган айғир, шаҳзода Ольденбургскийнинг Вильгельм от заводидан чиққан Уайт-Стрит деган байталининг тойчоғи...— дерди Гванж Апакидзе.— Бу айғирнинг отаси дега-нимиз, Тбилиси от заводиди Пикриа лақабли айғир...

Гунтер билан Арабиа бир-бирига етиб олиб, оқшом қоронғилигига чўмаётган далада ёнма-ён елиб кетдилар.

Оловдек лов-лов ёнган Гунтер билан ёнма-ён елиб бораётган қора тўриқ Арабиа, Аполлон аравасини тортиб кетаётган афсонавий отларга ўхшаб кўринарди.

Бир оздан кейин улар йўртишга ўтиб, орқага қайтди. Яна ёнма-ён елиб кетишди. Буни кўриб Гванж бетоқатланди.

Тараш Эмхвари ўз тўдасига келиб қўшилди. Энди иккинчи тўдадан наркомземнинг чалазот отида Ашхвацава деганни чиқаришди.

Ашхвацава Арзаканни чақириб, абхаз тилида бир қичқирди-да, иккови бир-бирига қарата от қўйишди.

Лекин бунда ҳам Арзакан рақибига биринчиликни бермади.

Қац Звамбая байталида қимир этмай ўтирарди. У ўзи тарбиялаган йнгит ва ўғлининг чавандозлигини, кейин эса ўғли билан Ашхвацава ўртасидаги мусобақани кузатди. Сўнгра, агарда, бирон кимса Звамбая авлодидан биринчиликни тортиб оладиган бўлса, майдонга ўзи чиқишга қарор қилиб қўйди.

Гванж, томошабинлар орасидан туртилиб-суртилиб ўтиб, отлиқларнинг яқинроқдаги тўдаси томон юрди.

— Буркага! Буркага!— деб қичқирди у ва ранги ўнгиб кетган буркасини ўтлоққа ёзди.

Гванж Апакидзе, нима бўлса ҳам Тараш Эмхварининг ютиб чиқишини хоҳларди ва судьялар билан алланималар ҳақидадир шивирлашарди. Улар яна Тарашни Гунтерда чиқардилар.

Лекин Тараш ҳар қанча уринмасин, Европа тартибида боқилган Гунтерни буркада ҳеч бўлмаса бир шакл яшашга ҳам мажбур этолмади. Отнинг бўйни етарли даражада абжир чиқмади.

Кейин яна Ашхвацава чиқди. У отини елдириб келиб, бур-

кага етиб келганда икки бор тистармоқчи бўлди. Лекин қизишиб кетган от, ҳар икки гал ҳам, буркадан ошиб ўтиб кетди.

Арзаканнинг навбати етди.

Арабия ўжарлик қилиб қолди. Буркага ўқрайиб бир қаради, аччиғлаиб пишқирди ва чавандозини олиб қочди.

Гванж Апакидзе севиниб кетди, лекин буни билдирмасликка ҳаракат қилди...

Арзакан Арабияга бир неча бор қамчи босиб, орқага йўртириб келди.

От орқа оёғини буркага қўйиши билан Арзакан уни, олдинги оёқларини баланд кўтаришга мажбур қилди, кучи борича жиловни пастга тортди, бурканинг иккинчи бошига олдинги оёқларини қўйдирди. Кейин жиловни қўйди, камондек эгилиб турган айғирнинг биқинига пошнаси билан бир тепди. Тепки зарбидан айғир, бир неча метр нарига ирғиди. От йўртиб кетди, сўнг чавандоз уни яна орқага қайтарди.

Кўпириб кетган Арабия кўзларини чақчайтириб, орқага қараб елиб кетди.

Чавандоз уни яна буркада тистарди ва схапи ўйинини икки бор такрорлатди.

Ашхвацава ҳам худди шундай қилмоқчи бўлди, лекин қилолмади.

Арабия билан эгаси ўз тўдаси ёнига қайтганда уларни гулдуролқишлар билан кутиб олишди.

Кутилмаганда, мусобақага тбилисилик бир неча чавандоз қўшилди. Лекин уларни биронтаси ҳам отни буркада тистартиролмади.

Шундан кейин Пётр Малазонна буркада икки бор схапи шакли ясашга муваффақ бўлди.

Арзаканнинг биринчиликни эгаллаши баҳсли бўлиб қолди.

Шунда, кутилмаганда, Тараш Эмхвари қўшилган тўдадан, пакана Цирада Кац Звамбая чиқиб келди.

Олдинда турган отлиқлар тўсиб қўйганидан, Арзакан ғираширада отасини танимади.

— Кац!.. Кац!.. Кац!..— деган қичқирдиқларни эшитди у.

Аллақандай ёқимсиз ҳисларга берилиб, сесканиб кетди.

«Қизиқ? Туғишган отаси ундан биринчиликни тортиб олмоқчи бўлса-я? Пойгада қатнашмайман деган эди-ку!»

Кац Звамбаяни ва унинг чавандозликдаги доврўғини билмаганлар: чоли қурмағур нима қиларкан уралашиб, деб ҳам ўйлашарди. Отиям бир мушукдайгина экан!

Аввал сўзни майда гапларга бериб, кейин ўзи сўзга чиққан тажрибали нотикдай йўл тутган эди Кац. Одамлар зерикиб қолган чоқда ишонч билан трибунага чиқиб, тингловчилар диққатини тортиб, олқишлашга мажбур этган нотикнинг айни ўзи эди у.

— Ахахит!— деб қичқирди Кац ва Цирага қамчи босди. Тўзон суворини ҳам, отни ҳам булут сингари қамраб олди.

Цирани буркада тистаргач, Кац газир ташлади.

— Тегмади!—қичқирди судья бўлиб турган Гванж Апакидзе. Бошқалар ҳам баҳслаша бошладилар.

Шарқ томондан чавандозлар қатор тизилишиб, от елдириб келишарди.

Суворилар от елдириб келиб, рақиб лагерига ёнғоқ таёқ ёғдирдилар ва орқаларига қараб қочдилар.

Ғарб тарафдаги отликлар ҳам ўринларидан қўзғалдилар... Биров осмонда учиб келаётган таёқни илиб олар, биров ердаги таёқни олиш учун учиб кетаётган отда эгардан энгашарди. Улар шарқдаги отрядга ёпирилишди ва ўз навбатида, уларга таёқ отиб, орқага қайтишди. Кейин яна шарқдагилар от суришди, «рақиб»га қаратиб таёқ отишди.

«Исинди» шу йўсин, то Қора денгиз томонда аждаҳо шаклидаги булутлар пайдо бўлиб, зарҳал шафақни қоплаб олгунига қадар давом этди.

Жугежиани даласидаги яшил тут дарахтлари қорайиб, суворилар тархи ҳам тушь билан чизилгандай қорайиб қолди.

Анчагина чарчаган Гунтер ҳам бир қадар тинчиб қолди. Суворилар «Кейсрули»ни куйлай кетишди. Тараш нафасини ютиб тингларди бу қўшиқни.

Дала тепасида май туни чўкмоқда эди.

Ғарбда Марс чарақлади.

КЕЙСРУЛИ

Исинди тамом бўлиши билан Арзакан ўртоқларидан ажралиб олди.

Ғовур-ғувур билан қайтаётган оломон оралаб ўтиб бораркан, отасини учратди.

Қац Звамбая отидан тушиб олиб, қандайдир бир чол билан сўзлашиб турарди.

— Вой-бў, катта йигит бўлиб кетибди-ку!

Арзакан отдан ирғиб тушди. Липартиани уни қучди. Арзакан уни дарҳол танимади. Собиқ дивизия командири анча ўзини олдириб қўйган эди. Қийимига қараганда эса, командирдан кўра сув ташувчига кўпроқ ўхшарди.

— Отингни бериб тур унга,— деб шивирлади Қац Звамбая ўғлига.— Отда кузатиб қўяман-да, Арабиани ўзим уйга ҳайдаб бораман.

Арзаканнинг фикр-ёди Тамарни излаб топишда эди. Айғирдан қутулганига севиниб, жон деб Арабиани топшира қолди.

Арзакан оломон орасида узоқ юрди. Қоронғида зўриқиб тикилаверганидан кўзи чарчади. Хафа бўлиб, энди уйга қайтмоқни мўлжаллаб ҳам эдики, бирдан Тамарни кўриб қолди. Қиз, Тараш билан Забули уни излаб кетиб, ўзи йўқолиб қолганидан

нолиди. Энди Арзакан билан Тамар бирга Забулини қидириб кетишди.

Дала бўшаб қолди. Аҳён-аҳёнда, орқада қолган кексаларнинг қораси кўринарди. Олдинда икки йўловчи борарди. Тамар билан Арзакан овозларидан уларнинг собиқ князлардан эканини танишди. Қариялар шошилмайгина боришар, ҳар қадамда тўхташар, энди ҳамма ишга қаёқдаги бир Ашхвацава, Звамбая ва Малазониалар бош, деб нолишарди. Бир вақтлар пойга майдониди Дадиянилар, Эмхвари, Чиковани, Жипартиани, Апакидзе ва Шервашидзелар бош бўлган исинди ва пойгалар тарихини эслашарди... Қариялар янги тартибни лаънатлаб, оғир хўрсинишарди.

— Сени ғалаба билан табрикласа бўлади,— деди Тамар.

— Ғалаба билан?— сўради Арзакан.— Аксинча, мени хўп бошлаб кетишди.

— Камтарлик — мардларга хос фазилат,— деди Тамар.— «Боплашди» деганинг нимаси, Ашхвацавадан ғолиб келдинг-ку! Арзакан жим бўлиб қолди. Яна бировнинг номини тилга олишларини истарди у.

— Қаерда туриб эдинг?

— Забули икковимиз ғўлаларга чиқиб олдик.

— Ҳаммасини кўрдингларми?

— Ҳаммасини.

— Мен ёлғиз Ашхвацавадангина ғолиб келмадим.

— Ҳа, Ашхвацавани, Долаберидзени, Брегадзени ва бошқа тбилисиликларни ютдинг.

Арзакан индамади.

Ютқазганларни ном-баном санаганида яна кимдир етишмаганини сўзсиз ҳам ҳис этган Тамар, бир оз ўйланиб тургач:

— Сирасини айтсам, қисман, Тарашни ҳам ютдинг. Лекин буркада отанг ғолиб келди.

— Отам атай исиндида иштирок этмади... Қани кўрайлик-чи, эртага нима бўлар экан.

Арзакан Тамар билан ёнма-ён бораркан, бир неча вақтгача индамади. Юраги ўйнардди: биринчиликни ундан ўз отаси тортиб олса-я! Бир нарса унга таскин берарди: ҳар ҳолда, қисман бўлса ҳам, Тараш Эмхваридан ғолиб келди! Албатта, шу «қисман»-сиз ютганда яхши бўларди-я. Ажойиб ўтган исиндини «бахсли» деб эълон қилган бемаза чол Апакидзе бузди ишни,— алам билан ўйларди Арзакан, лекин ҳеч нима демади.

— Қаёққа йўқолиб кетишди-я!— дерди Тарашнинг ғойиб бўлганидан хавотирланган Тамар. Тараш билан Забулининг учрашгандаги самимиятдан кўнгли ғаш тортган эди. Энг муҳими шундаки, кейинги кунларда узоқлашиб юрган Арзакан билан ҳозир ёлғиз қолиш Тамарга оғир эди. Қиз ҳар дақиқа Арзакандан дашном кутарди.

Дарҳақиқат, Арзакан таъна қилишга тайёр эди. Лекин шу дақиқа у, иккалови ёнма-ён кетишаётганидан жуда хурсанд

эди... У гоҳ қизнинг қорасига, гоҳ юлдузлар чарақлаб турган ойсиз қоронғи осмонга тикилиб, индамай борарди.

Тамар қуруқ шохга қоқилиб кетди. Арзакан уни қўлтиқлаб олди. Энди улар бир-бирига жуда яқин эди.

Тун ва Тамарнинг яқинлиги Арзаканни орзиқтириб юборди. Лекин иккови ҳам, гўё бутун гапни гапириб бўлгандай, жим эдилар.

Ҳайдалган ердан кесиб ўтишаркан, улар дўнгдан дўнгга ир-ғишлашарди. Аҳён-аҳёнда Арзакан қиз гавдасининг енгилгина тегиб кетганини ҳис этар, унинг нафасини эшитарди.

У бахтиёр эди.

— Дадамнинг айтишича, бир вақтлар шу далалар ўрни ўрмон, ўтиб бўлмас ботқоқ, қамишзор бўлган экан. Даданилар ов қилишаркан бунда...— деди ниҳоят, Арзакан ўртага тушган сукунатни бузиб.— Уша пайтларда, қуролланган отлиқ учун ҳам бу ердан ўтиш хавотирли экан: бўрилар бир нафасда бурда-бурда қилиб ташларкан. Биз бўлсак, худди шу жойларда чойзорлар барпо этяпмиз. Хув анави электр лампочкалар чарақлаб турган жойни кўряпсанми? Уша жойдан «Грузия чойи» совхозлари бошланади.

Лекин ўз фикри хаёли билан банд Тамар Арзаканнинг чой совхозлари ва уларнинг келажаги ҳақидаги мулоҳазаларини уқмади.

Далани қоронғилик чулғади. Зугдиди электростанциясининг кучсиз нури жануб тунни қоронғилигини қувишга ожиз эди.

Ингур соҳилидан кечиккан йўловчинингми ё тунги қоровулнингми бўғиқ чақирғи эшитилади.

Шамол шоғоллар ўкиригини олиб келади.

Арзакан билан Тамар шоссега чиқишди.

Тамарнинг кайфияти ўзгарди. Тараш билан Забулининг йўқлиги ортиқ уни ташвишлантормади. Бугун Арзакан унга қандайдир бошқача бир томони билан ёқди. Чавандозлик қилаётганида у шу қадар чаққонлик, жўшқинлик ва мардлик кўрсатдики, бу билан у қизга Тараш келгунга қадаргидек яқин туюлиб кетди.

Шунга қарамай Тамар, сумкачасидан рўмолча олиш баҳонасида қўлини Арзакандан айириб олди.

Улар катта йўлдан бурилиб, темир йўл бўйлаб кетишди. Телеграф устунларида симлар гувилларди.

— Кесиб чиқамиз,— таклиф қилди Арзакан.

Тамар итоаткорона унга эргашди.

У биронта танишга дуч келиб қолишни истамасди. Арзакан билан бундай бемаҳалда кетаётганини кўришса нима деб ўйлашади? Шунинг учун қисқа йўл билан кесиб чиқишганини маъқул кўрди у.

Арзакан қизни кеча кечаси Таризэл Шервашидзе боғига кирган йўли билан бошлаб кетди.

Лукая ўн бешинчи майгача ойдин бўлади деган бўлса-да, ҳозир ой кўринмасди.

Улар йўлда давом этишди.

Ағдарилиб ётган қуруқ шохлар, чирмовуқлар ҳар қадамда йўлларини тўсади.

Арзакан, сўқмоққа осилиб тушган новдаларни Тамардан четлатиш учун олдинда боради; тоғолчанинг ўткир тиканлари юз-кўзи демай, аямай санчилади.

Бир неча вақтгача улар тор сўқмоқ билан бордилар. Гоҳ ўнгда, гоҳ сўлда қорайиб кўзга ташланган эман ва қорақайин дарахти хәёлга чўмгандек кўринади. Улар уйқуга чўмган далалар оромини қўриқлаётган, бурка кийган соқчиларга ўхшаб кетади. Узоқдан тегирмоннинг бир меъёрдаги шовури, аҳён-аҳёнда эса, бойўғлининг узоқдаги қичқириғи сокинликни бузарди.

Тамар қоқилиб кетди. Арзакан унинг қўлидан ушлаб қолди. Қиз қаршилик кўрсатмади.

Тамарнинг кўз олдида, ёшлар ўртасида бўлса-да, биринчиликни олганлигидан Арзакан жуда бахтиёр эди.

Тўғри, отаси ундан ўзиб кетди. Лекин маҳорат эгаллаш учун анча-мунча ёшга етиш ҳам керак,— дея ўзини юпатарди Арзакан.

Тараш у билан мусобақалашди! Нима бўпти, эртаги кун узоқ эмас-ку. У билан беллашиш қанақа бўлишини Арзакан эртага Тарашга кўрсатиб қўяди. Шунда Тамар: «Қисман» демайди.

Кейин...

Аёл киши доим ғолиб, эпчилнинг тарафдори, негаки, аёл кўзида энг абжир одамгина ғолиб...

Оппоқ шаффоф рўмолни қия қилиб мўралаган уятчан абхаз келинидай ой кўринди — сўқмоқни, буталарни, ўша уқубатли кеча у ўтган дўнгликларни ёритди.

Чўчитиб юборилган ўрмон қуши аллақаердан пар этиб учиб кетди, ташвишли чинқирди ва бошқа шохга учиб ўтди. Яна жимлик чўкди.

Баъзан қурбақаларнинг :«Қурр... Қуррри» худди тушдагидек янграрди.

Лекин бу шитирлар ва товушлар Арзаканнинг юрагини кечагидек қисмас эди. Аксинча, энди улар уйқуга толган табиат кўксидан отилиб чиқаётган муҳаббат чақириғидек туюларди.

Чирмовуқ ўсимликлар ойдин тунда қилт этмай турган дарахтларнинг поясига чирмашиб кетган эди.

Уларнинг хаёлийдек кўринган қораси, шоҳи парда ёпилгандай кўринарди.

Ёнида Тамар кетаётганини ҳис этган Арзакан оғиз очиб гапиришга мажолсиздай эди.

Улар шу йўсин анчагина юрдилар.

Арзакан бир неча бор тўхтаб-тўхтаб ён атрофга аланглади. — Йўлдан адашган кўринамиз,— деди у ниҳоят.

Улар ёнга бурилдилар ва бошқа сўқмоққа чиқиб олдилар. Лекин кўп ўтмай, уни ҳам йўқотиб қўйдилар.

Шу алфозда узоқ адашиб юрдилар.

Толзор нотаниш эди. Дарахтларнинг учли япроқлари сил-лиқланган кумушдек ярақларди.

Оёқ остидан қурбақалар сакраб чиқди.

Сувнинг шилдирашидан Арзакан, кутилмаганда боғ оёғида-ги ариқ ёқасидан чиқиб қолишганини англади.

Арзакан учун ариқдан сакраб ўтиш — осон. Лекин Тамар нима қилади?

Орқага қайтиб, катта йўлга чиқиб, тўғри йўл билан қўрғонга қайтишсинми? Лекин жуда узоқ-да бу йўл! Бу ердан қўрғонга-ча жуда яқин. Ана электр чироқлари ҳам, дераза ёнидаги олма дарахти ҳам шундоққина кўриниб турибди. Шу ариқдан ҳатлаб ўтилса бўлгани.

Тамар Лукаяни чақириб, битта тахта топиб кел, деб айт-моқчи ҳам бўлди-ю, бу фикридан қайтди: отаси болохонада уни кутиб, асабийлашиб ўтиргандир. Овозини эшитса, Арзакан ку-затиб келганини кўрса жаҳли чиқади.

Шунинг учун қиз овозини чиқармади.

Бошқа илож йўқ эди. Ариқнинг торроқ жойини топиб Арза-кан Тамарнинг белидан ушлаб уни ёш боладай кўтарди. Қиз-нинг қайноқ кўкраги унга тегиб кетганида, Арзаканни куйдир-гандай бўлди. У қўлидаги қиз билан ариқдан ҳатлаб ўтди. Ле-кин шу чоқ бирдан гандираклаб кетди ва тўсатдан қизни маҳ-кам қучиб, ўпа кетди.

Бу ҳол иккови учун ҳам кутилмаганда юз берди.

Тамар ҳансирарди. Йигитнинг жўш урган ҳисси ток сингари бутун вужудига қуйилди. Қиз бир дақиқа ўзини йўқотиб қўйди. Лекин зумда ўзини тутиб олди ва аччиғланди.

— Бу нима қилганинг, Арзакан!— дея қичқириб юборди у.

Арзакан орқага тисланиб, дўнгликка қоқилиб кетди. Тамар унинг қўлидан сирғалиб чиқиб қочиб кетди.

Арзакан бир зум иккиланиб турди-да, кейин қиз ортидан югуриб кетди.

Тамар шафтоли гулбарглари тўкилган хиёбондан, кейин оқариб турган гортензия¹ буталари оралаб югуриб кетди.

Арзакан този ит тезлигида буталардан ирғиб ўтиб, олма та-гида қизга етиб олди-да, яна маҳкам қучоқлади. Ҳарсиллаб кетган қиз унинг кучли қўлларида типирчиларди.

— Дадамни чақираман!

Лекин йигит эҳтироси жўшган, югурганидан қизиб кетган эди. Кекса кашиш билангина эмас, ўлим билан курашишдан тап тортмас эди шу маҳал Арзакан. Тақиқланган чизиқдан бо-сиб ўтилган эди.

¹ Гортензия — йирик чечакли гул,

Звамбаяларнинг қон-қонига сингиб кетган, Шервашидзе қизи олдида бош эгиш, қаёққадир ғойиб бўлди.

Арзакан қизни, шу кибор княгиняни қаттиқ қисди, юзлаб, минглаб шервашидзе йигитлари ўйлаб-негиб ўтирмай звамбаяларнинг қизларига ёпишгандай ёпишди.

Арзакан қизни олмага маҳкам қисди. Унинг қаттиқ қучоғида Тамар, қирғий чангалидаги мусичадай, ожизликдан қалтирарди...

Тамарнинг қонсиз лаблари бемадор очилди, заиф овозда Арзаканга ялинар, отасини чақиришини айтиб пўписа қилар, лекин пўписани амалга оширишга ботинмасди.

Арзакан бир қўли билан Тамарнинг белидан қучиб, иккинчи қўли билан бошини орқага итариб, лабларидан ўпарди... Тамар йиғлар, юзини олиб қочар, аламига чидолмай, ҳар ўпганда лабини Арзаканнинг елкасига артарди.

Бу Арзаканга қаттиқ ботди. Қизни қўйиб юборди...

Қочиб кетаётган Тамар оёғи остида алланима ярақлаб кетди... Арзакан энгашди. Бу олмос кўзлар қадалган кичкинагина олтин салб эди. Арзакан салбни олди ва шарпадан уйғониб кетган итларнинг ҳуриши тингунга қадар, олма тагида қимир этмай турди.

Беқиёс чиройли эди тун. Лекин тун ҳам, ой ҳам, пойгадаги бугунги ғалаба ҳам назарида бемаъно бўлиб кўринди. Арзакан яна ариқдан ҳатлаб ўтди ва сўқмоқ бўйлаб, темир йўл томон кетди.

У анчагача санқиб юрди. Назарида кимдир қанотини уриб синдиргандек эди. Елғизлик юрагини қисарди.

Қурбақалар аввалгидек бир меъёрада қурилларди, ночорлик ҳисси орта борарди.

Арзакан шароб ичгиси келди. Ўртоқлари билан бирга кетмаганига ачинди: ҳеч бўлмаганда, шу топда юраги бунчалар ғаш бўлмас эди-ку.

У тор, қоронғи кўчага бурилди. Дарвоза тагида бир йигит билан қиз қучоқлашиб туришарди. Берилишиб кетишганидан, Арзаканнинг оёқ товушларини ҳам эшитишмади.

Арзакан уларнинг ёнгиналаридан ўтиб кетди. Йўлни қора мушук кесиб ўтди. Мушук билан учрашув Арзаканга ёқмади. Шусиз ҳам бу тун, худди бировнинг кўзи теккандек, бетоле бўлди. Лекин шу топнинг ўзидаёқ бу фикридан ўзи уялиб кетди: комсомол бўла туриб мана шундай аломатларга ишониб ўтирса! Чежиа билса нима дейди!

Унинг кўз ўнгида Чежианинг ёқимли чеҳраси гавдаланди.

Райком ишларига кўмилиб, иш кабинетида ўтиргандир у ҳозир. О, унинг келажаги порлоқ! Ғояли, виждонли, партияга садоқатли одам!

Чежиа ақли одам. Агар Арзакан унинг ўртоқлик маслаҳатларига қулоқ тутганидами, ким билади, балки муҳаббатда ҳам бахтли бўлармиди...

Чежиа унга доимо Забулини мақтайди.

«Тирноқлари ялтиратилган княгинялар бизнинг тенгимиз эмас. Қим билади, балки эртаги кун партияни катта имтиҳонлар кутаётгандир. Шундай бўлган тақдирда бу аёллар ўзларини қандай тутадилар?»

Дворянларга нисбатан Чежианинг ўз нуқтаи назари бор. «Бизда дворянлар қолмади,— дейди у,— лекин унинг руҳи, психологияси тирик. Дворянлар ҳамма вақт ўз атрофида калтабинлик, димоғдорлик ва текинхўрлик руҳини туғдирган».

Арзакан Забулини эслади.

Шу топда қизни кўргиси келди, ўз фикр-хаёли-ла банд, беихтиёр унинг уйи томон йўл олди.

Қабр тошлари устахонаси ёнига етганидагина ўзига келди. Қанотли малаклар бошларини эгиб турардилар. Бу оидин тунда нималар ҳақида хаёл суришаркин улар?

Арзакан Забулининг ҳовлисига кириб борганида, унга ит ташланди.

Йигит гўё унга ит эмасу, қоплон ташлангандай чўчиб тушди.

Забулининг деразасидан ёруғ тушиб турарди.

«Уйғоқ экан»,— севиниб кетди Арзакан.

Забули ўринда чўзилиб ётиб, шам ёруғида китоб ўқирди. Эшик занжирланмаганидан Арзакан тўғри хонага кириб борди. Қиз кийинишга ҳам, ўрнидан туришга ҳам улгурмади.

Фақат шаму ой нуригина ёритган нимқоронғи хонада ҳам Забули Арзаканда рўй берган кескин ўзгаришни сезди.

Арзаканнинг қиёфаси қизни қўрқитиб юборди.

— Сенга нима бўлди?— қичқириб юборди қиз йигит юзидаги қонни кўриб.

Арзакан индамай стул олди-да, қизнинг бош томонига қўйиб ўтирди. Аланглаб қараб, сўрида ётган болаларни кўрди.

Утанинг кичкинагина гуддадор боши ёстиқдан тушиб кетибди. Бетида қони йўқ. У худди мурдага ўхшарди. Ундан каттаси, Учаниа бўлса, кўрпасини очиб ташлаб ухларди. Унинг қорни шишиб кетган эди. Боланинг худди лой суртилганга ўхшаш кўм-кўк, юпқа лаби кўзга ташланарди. Забули бир маҳал боланинг кесак ейишини айтиб нолиган эди.

Хонадан қашшоқлик нафаси уфурарди. Зах иси кечаси, кундузига қараганда кучлироқ сезиларди.

Арзакан Забулига қаради. Қиз ташвишли саволини такрорлади.

Арзакан бўлса унга тикилиб ўтирарди. Қизнинг баланд кўкрагидан кўз узолмасди.

— Нима бўларди? Дарахтзор оралаб келаётувдим, тоғолча новдаси тирнаб кетди,— ёлғонлади у.

Забули ишонди. Лекин йигитнинг бу қадар ранги ўчиб кетгани ғалати кўринди унга.

Арзакандан, бир дақиқага ташқари чиқиб туришни сўради.

— Зумда кийиниб, бирор егулик тайёрлайман.

Лекин Арзакан кўнмади. Уртоқлари билан «Одиши»да овқатланганини айтиб, яна ёлғонлади... тез кетажagini — китоб ўқишига халақит бермаслигини айтди...

— Кўзада сув бор, ювиниб ол!— деди Забули.

Арзакан рози бўлди. Кўзани топиб ювинди, чўнтагидан ойна синигини олиб қаради: юзи дарҳақиқат тирналиб кетган эди... Лекин ранги жойига келган, муздек сув юзига қизиллик берган эди. Кейин чўнтагидан тароқ чиқариб, қизнинг ёстиқдан ошириб ташлаб қўйган қора сочларига қараб-қараб қўйиб, сочини тарай бошлади.

— Бунақа узун сочни нима қиласан? Кессанг бўлмайдими? Бунақа узун сочни тараш, ювиш қийиндир.

— Худди шу бугун Тараш, мен билан Тамарга, ҳеч қачон сочларингни кестирманглар, деди. Аёлнинг тубанлашиши сочини қирқишидан бошланади, дейди. Аввал сочини қирқтиради, кейин чека бошлайди, ича бошлайди ва бора-бора йўлдан озади...

Тараш билан Тамарни эслаш Арзаканга ёқмади.

У зўрма-зўраки жилмайди ва ўз мулоҳазасини айта бошлади:

— Узун сочдан нима маъно чиқди? Катта ёшдаги аёллар, майли, сочини қирқмасин, лекин замонавий аёлларнинг йўриғи бўлак... Ундан ташқари, қирқилган соч сенга ярашса керак.

Қизнинг сочига яна бир бор кўз югуртиргач у, болаликдаги каби шўхлик билан бир ўримини чангаллади.

Забули кўрпа тагидан қўлини чиқарди-да, сочини унинг чангалидан ажратиб олди.

Йигит оташ ичида қолгандек бўлди. Лабини маҳкам қисди.

Орага жимлик чўкди.

Арзакан ерга тушиб кетган китобни олди ва унда нималар тўғрисида ёзилганини бепарволик билан суриштира бошлади.

Забули бу икки аслзода оила ўртасида авлоддан-авлодга ўтиб келган ҳаёт-мамот кураши ҳақидаги қисса эканини сўзлаб берди... Бу воқеа Италияда, ўрта асрларда бўлиб ўтган. Капулетти ва Монтекки оилалари ўртасида душманлик бўлган. Неча-неча вақтларгача бу икки авлод бир-бирининг бошига етиб, қон тўкиб келган. Инквизиция гулханларига ташлатган.

Лекин кунлардан бир кун ёш Капулетти Монтекки авлодидан бўлган бир қизни севиб қолади. Кунлардан бир кун, өйдин кечада, улар ҳоли бир хонада яширинишади, тонггача шароб ичиб, муҳаббатнинг ҳамма қувончларини баҳам кўришгач, шароб қадаҳини, заҳар қадаҳи билан алмаштиришади...

Қисса, ҳақиқатга ўхшашлиги билан Арзаканни ҳайратга солди. Бу ғамгин воқеанинг китобга ёзилган бўлиши мумкин эмас! Буни Забули ўйлаб чиқарган ва ҳозир уни синаб кўриш учун атай сўзлаб беряпти.

Арзакан шиддат билан китобни варақлай бошлади. Капулетти ва Монтекки деган ном бир неча ерда учради.

Демак, рост экан-да? Демак, авлоддан авлодга кўчган узоқ рақиблик муҳаббатга олиб келаркан-да?

Шу чоқ у, Эмхвари ва Шервашидзелар авлоди ўртасидаги низо тарихини эслади. Бу ҳақда отаси бир неча бор сўзлаб берган эди. Ҳатто Лакоба билан Звамбая ҳам бир-бирига душман бўлиб кетган экан. Негаки, Звамбаялар Эмхварилик боласини тарбиялаган, Лакобалар эса Шервашидзеларкинини...

Тараш Эмхвари, Тамар Шервашидзе! Арзакан қаршисида икки образ гавдаланди... Кўз олди қоронғилашди, бетида йирик-йирик қизил доғлар пайдо бўлди. Лекин у ўзини босиб олди. Оёғини оёғига қўйди, китобни шамга яқин сурди, жуда берилиб китоб ўқиётганга солди ўзини.

Бу ғалати ўхшашлик уни танг қолдирган эди. Бу қисса Забулининг қўлига қаердан тушди экан? Бу воқеани тўқиган одамнинг ўзи ким экан?

Бу китобни Забулидан олиб ёқиб ташлаш керак! Тамарнинг қўлига тушиб қолмаслиги учун ёндириб юбориш керак! Ахир одамлар ўқиган китобига тақлид қилишади-ку доим. Китобнинг одам устидан ҳукмронлиги ҳақида гапиришлари ҳам бежиз эмас.

Билиш керак, Забули бу китобни Тамарга кўрсатмадимикан? Лекин у ўзини босиб олди ва фақат:

— Қаердан олдинг бу китобни?— деб сўради.

— Анча бўлди, Тамар берган эди. Тезроқ ўқигин девди: мenden кейин китобни Тарашга бераркан.

Бу ҳам Арзаканга ёмон ботди: севишганлар ҳис-туйғуларини китоб орқали изҳор эта билишлари ҳам маълум нарса.

Тараш Эмхварининг қўлига тушмаслиги учун бу лаънати китобни пора-пора қилиб ташлашга тайёр эди у!

У саросимага тушиб қолган эди.

Забули унинг аҳволига тушунмас эди. Қиз Тамар билан сўзлашиб, китобни олиб бериб туражанини, агар қизиқаётган бўлса у ҳам ўқиб олиши мумкинлигини айтарди.

«Агар Италиядаки, икки авлод ўртасида асрлар мобайнида чўзилиб келган душманлик муҳаббатга олиб келган бўлса, нега энди худди шу воқеа Звамбая билан Шервашидзе ўртасида юз бериши мумкин эмас?— деб ўйларди Арзакан.— Ахир улар ҳам аслида рақиблар-ку.

Князлар Звамбаялар оиласида фарзандларига тарбиячи сифатида ёки асранди фарзанд сифатида дўст топишган бўлса нима бўпти? Ахир бу, муҳаббат воситачилигида қуллик руҳини тасдиқлаш эмасми!»

Шунда Арзакан Тарашнинг «Ҳеч нима муҳаббатчалик одамни асоратга солмайди. Душманлик қиличи ожизлик қилган чоғларда муҳаббат ўқини ишга соладилар», деганини эслади.

Арзаканнинг Тараш ҳақида ўйлаётганини билгандай, Забули ётган ерида қаддини хиёл кўтарди-да, соддадиллик билан:

— Тараш хўпам етилиб, чиройли бўлиб кетибди,— деди.

Арзакан китобни тарс этиб ёпди-да, тиззасига қўйди.

Шу маҳал у Забулига алам қиладиган аччиқ-аччиқ сўзлар айтгиси, уни хафа қилгиси келди-ю, лекин индамади.

Зўр-базўр тутиб турган ҳаяжонини яшириш учун оғзига папирос солди, лекин уни тутатишни унутиб, гугуртни чаққанича:

— Тараш сенга жуда ёқиб қолибдими дейман,— деди истеҳзо билан.— Айтдим-а, жуда шивирлашиб қолдинглар, деб! Муҳаббат изҳор этятувдими у сенга?

Шу сўзларни айтди-ю, гугуртни ўчирди у.

— Сенга нима бўлди, Арзакан? Сени ганиёлмаяпман! Тараш Эмхвари болаликдаги шўхликларимизни эслади. Эсингдами мен сенинг оинг бўлардим, икковинг мени Диа деб атардиларинг?

— Нега энди шуни эслабди у?— деди Арзакан ҳайрон бўлиб.

Тўсатдан ўзи ҳам хаёлан болалик чоғларга кўчди. Забули, уларнинг «Диа»си, Арзаканнинг онаси Хатуна бўлиб ўйнарган, ўтлоқда ўтирар, улар эса — Тараш билан Арзакан унинг ёнига югуриб боришиб унинг (энди ниш урган куртакдек, сезилар-сезилмас) кўрагини эмган бўлишарди.

Бу хаёл ўрнини бошқа бир манзара эгаллади: бир неча дақиқа бурун, Забули қўлини кўрпа тагидан чиқарганда қўққисдан кўриниб кетган, пишган мевадек етилган сийнаси кўз олди-га келди унинг.

Қалбини рашк қамраб олди.

— Кўрагинг ҳақида гап очадиган бўлса, Тараш билан жуда яқин экансизлар-да,— деди Арзакан қизга тикилиб туриб заҳарханда билан.

— Эсингни едингми, Арзакан! Нималар деяпсан ўзинг? Тараш ҳеч қандай номаъқулчилик қилгани йўқ. Фақат болалигимизни, сизлар мени Диа деб юрган чоқларни эслади.

Арзакан қовоғини уюб, яна китобни варақлай кетди.

«Аҳа,— деб ўйлади у,— Забули билан Тараш ҳам мен билан Тамар сингари қоронғида адашиб юришгандир».

Кейин бир оз жим тургач, сўради:

— Қайси йўл билан келдинглар?

— Гапингга тушунмаяпман, Арзакан. «Сизлар» деганинг кимлар? Қанақа йўлни гапиряпсан? Мен анчагача сизларни қидирдим, лекин на сени, на Тамарни топдим. Тараш бўлса, чавандозлар билан Ингур тарафга кетди. Улар отларини чўмилиртиришмоқчи эди. Чавандозларнинг шундай дейишганини қўшни қиз Мэиа эшитган экан.

— Бундан чиқди, Тараш кузатмабди-да сени? Ишонмайман, Забули!— деди Арзакан.

— Онам ҳаққи, рост гапиряпман!— деди қиз кўзларига жиқ ёш олиб, кейин юзини ёстиққа босиб, хўнграб йиғлаб юборди.

Қизнинг йиғиси Арзаканнинг кўнглини юмшатди. У каравот четига ўтириб, қизнинг бошини силай бошлади, кейин сўзла-

рининг ростлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлгандай, унинг юзини ой нурига тутиб, кўзига тикилди.

Шу дақиқа қизнинг сўзларига ишонч ҳосил қилди. Лекин қизнинг, кўрпа тушиб кетиб яланг кўринган кўкрагига кўзи тушиши биланоқ, яна рашк олови ичида қолди.

Тараш Забулини кузатиб келаётиб, чакалакка бурилиб, у ерда қизнинг кўкрагидан ўпгандир балки? Шу чоқ у болаликда Тараш қизни Диа деб атаганини, иккалови уни ўпишганини эслади.

Шу фикрдан ҳиссиётлари қўзғалган Арзакан Забулига ташланди, устидан кўрпани олиб ташлаб, қиз кўкрагини ўпа кетди. Қизни устма-уст, бетўхтов ўпаркан, у уятсизларча бир гапни такрорларди. Қизни ўпган кичкина Арзаканни эслар, Тараш уни ўпдими йўқми, онаси хотираси ҳаққи ростини айтишини талаб қиларди. Ростини айтса бўлгани, ҳаммасини унутишга ваъда берарди.

Забули эса, Тараш ўша болаликда кўришмай кетгандан бери унга қўл теккизмаганини, у билан биринчи бор шу бугунгина учрашганини, исиндида иштирок этгандан кейин ортиқ Тарашни кўрмаганини айтиб, қасамёд қиларди.

Лекин Арзакан тинчимас эди.

Забули ундан кетишини сўраб, ялиниб-ёлборарди: болалар уйғониб қолиши мумкин. Қўни-қўшнилар хабар топиб қолғудай бўлса, бутун умрга шармандаи шармисор бўлади!

Арзакан алланималар деб гўлдиарди, ундан ёзғирарди, хиёлати учун ўлдираман деб дўқ урарди ва яна худди эсини йўқотгандек, кўкрагидан, лабидан, қўлидан ўпар, ростини айтгин, деб ҳол-жонига қўймасди.

Қаршилиқ кўрсатаётган Забули тирсаги билан шамдонни туртиб юборди. Шам ағдарилди ва ўчиб қолди. Ўйигитнинг суйиш-эркалашларидан Забулининг боши айланиб кетди.

Арзакан унинг типирчилаб турган, ҳаяжонда ёнган гавдасини маҳкам қучди.

— Тамар!— деб юборди шу чоқ у беихтиёр.

Забули худди илон чақиб олгандай, унинг бағридан өтилиб чиқди, кўрпага ўралганича болалар ухлаб ётган сўри томондаги бурчакка қочди.

Арзакан ўрнидан турди-да, тебрана-тебрана қоронғи, зағ кўчага чиқиб кетди...

Кўча сокин эди.

Кичкина шаҳар тепасидаги осмон фируза қадалган баҳайбат темир қалпоқдай ярқирарди.

Ҳар тарафдан «Кейсрули» қўшиғи янграрди. Шаҳарга чет эл суворилари кириб келиб, бу ерларда ҳали ҳеч қачон эшитилмаган қўшиқни куйлаётгандек бўларди.

Қўшиқ теварак-атрофни тўлдирганди.

Отлиқлар ўтиб кетишди.

Арзакан тикилиб қаради. Отлиқлардан бирининг елкаси оша

таниш бошлиқ ташланган эди. Арзакан Тараш Эмхварини таниди. Тараш уни танитай ўтиб кетди.

Арзакан сесканиб кетди.

Отлиқлар Ингур тарафдан келишмоқда эди. Отларнинг оёғи ҳали қуриб улгурмаган, қоринларидан эса сув томчиларди. Бундан чиқди Тараш Забулини кузатиб қўймаган, Арзаканнинг тахминлари ҳам бекор.

Унинг кўнгли жойига тушди, Забулини ноўрин хафа қилганига ачинди.

Тараш Эмхвари чарчаганидан ҳолдан тойиб зўрға ўтирарди эгарда. Кўзлари ярим юмуқ эди. Ойнинг тонг яқинлашгандаги ғира-шира нурида, у ёнида кетаётган ҳорғин отлиқлардан бўлак ҳеч кимни кўрмас эди. Назарида, у форсларни Пётра қалъаси ёнида кунпаякун қилган қадимий Колхида лашкарлари орасида кетаётгандай эди.

ПОЙГА

Гванж Апакидзенинг пойга масофасини, абхаз одатига кўра, йигирма километр белгиланишини таклиф этгани жюри аъзолари ва ашаддий отфурушлар ўртасида катта баҳсга сабаб бўлди. Баъзилар, инглизча дўнанилар пойгаси — икки минг тўрт юз метрлик масофа белгиланишини талаб қилардилар.

Абхаз пойгасида чавандоз роли инглиз пойгасига қараганда анча суст бўлишини, балким кўпгина китобхон билмас.

Абхазлар яхши отга ўспиринни ҳам ўткизаверадилар. От эгаси бошқа отни чоптиради. Отнинг чарчаганиданми ё чавандознинг уқувсизлигиданми орқада қолаётганини кўриш билан чавандоз қўлидан жиловни олади-да, боши узра ташлаб, қийкириқ ва бақирриқлар билан, қамчини чийиллатиш билан отни маррага ҳайдайди.

Гванж эски удумлар тарафдори бўлгани учунгина шунини талаб қилаётгани йўқ эди. Арабиани кўрганидан бери чол ақлушини йўқотиб қўйгандай эди. Ундан ҳам кўра, бўлажак куёви Арлан бу айғирга шайдо эди.

Арзаканнинг пойгада мағлуб бўлишига бунчалар уринишининг сабаби шундан маълум бўлади-қўяди.

Гунтерни ким минишини ҳеч ким билмасди, чавандознинг ким бўлишининг аҳамияти йўқ эди. Гунтерга истаган чавандозни ўтказиш мумкин. Кекса чавандоз Гванж Апакидзенинг ўзи эса Зарифани — бутун Абхазияга машҳур, Шервашидзе, Эмхвари, Маршаниаларнинг отини неча бор орқада қолдириб кетган айғирни минади.

Катта пойга арафасида Гванж, мабодо инглиз услуби ўрнига мегрель-абхаз пойгаси ўтказишга бошқаларни кўндира олса, нима қилиш мумкинлиги ҳақидаги режасини Арланга айтди. Шундай бўлган тақдирда, Арзакан албатта Арабиани мин-

майди. У бошқа от танлаши керак ўзига. Гванж Арабиага илгари акасининг хизматини қилган Гвасалининг ўғлини ўтказди. Гванж Гвасалига кўзини қисиб қўйса бас, у орқада қолади ва Арабиа биринчиликни бой беради.

Арзакан қизиққон одам, отидан кўнгли совийди. Кейин сотиб юбориши ҳам мумкин.

Гванж завқланиб кетганидан Арзаканга отини роса мақтаганига ҳали-ҳали ўзини койийди. Ушанда уйига келганидан кейингина, Арабиани сотиб олиши мумкинлиги ҳақида ўйлади-да.

Сирасини айтганда, унга бу ақлни Аренба Арлан ўргатди.

Арлан Сванетияда ишлайди. У ерда автомобилда юриб бўлмайди. Шунинг учун у, наслдор бир от сотиб олмоқчи эди.

Пойга кунлари Арланнинг отпускасига тўғри келди.

Даданининг собиқ саройида, Зугдиди райкоми секретари кабинетида мажлис борарди.

Пойга мегрель-абхаз усулида ўтказиладими ё инглиз услубидами — шу масала кўрилаётган эди.

Райком секретари бу масалани икир-чикир ҳисоблаб, аввал аралашмай ўтирди. Буни ҳал қилишни у от билимдонларига ва яқин ўртадаги райкомларнинг секретарларига ҳавола қилди. Лекин оқибати ғалати чиқиб қолди: икки секретарь мегрель-абхаз усули тарафдори бўлса, бошқалари инглиз усулини қўллаб-қувватларди. Шу ерлик пойга бошлиғи олдингилар тарафдори бўлса, тбилисиликлар вакили Брегадзе кейинги таклиф тарафдори эди.

Ҳатто ота-бола ҳам бир фикрга келишолмади. Арзакан инглиз пойгаси тарафдори бўлса, Кац Звамбая — мегрель-абхаз усули тарафдори эди.

Шардин Алшибая олдингиларга ҳам, кейингиларга ҳам қўшилмади. У оқимга қарши бормаслик, ҳар доим ғолибнинг тарафдори бўлиш керак, деган қоидани ўзиники қилиб олган эди. Қим ғолиб келишини олдиндан билиб бўлмаса, ким кучлилиги равшан бўлгунча жим турган маъқул. Шардин жим эди.

Ниҳоят, Зугдиди райкоми секретари Шаматова билан Брегадзе чигални ечишди.

Шаматова ўз фикрини ўртага солди:

— Биз эрмак учун пойга ўтказаетганимиз йўқ. Биз йилқичиликни юқори поғонага кўтармоқчимиз, от парвариши маданиятини оширмоқчимиз. Пойга аҳолига ота-бобомиздан қолган услуб эскирганини, зотни яхшилаш учун замонавий усуллар қўлланиш кераклигини, от хўжалигида илмга асосланган режим ўрнатиш лозимлигини кўрсатиши керак.

Брегадзе қатъий сўзлади:

— Қадим мегрель-абхаз пойгаси ўтмиш сарқити бўлиб қолди. Отни ҳеч тўхтовсиз йигирма километр чоптириш — жиноятдан бошқа нарса эмас.

Агар пойга эски услубда ўтказиладиган бўлса биронта наслдор ёки бирон чалазотни ўртага чиқартирмайман! Тбилисидан берилган буйруқ ҳам шундай.

Шунда Шардин Алшибая сўз олди.

У сўзни жуда эҳтиёткорлик билан бошлади. У райком секретарининг, қадим чавандозлик эскиргани, хўжалик янги изга солинаётгани ҳақидаги фикрига қўшиларди. Лекин абхазларни ҳам, тбилисиликларни ҳам хафа қилмаслик учун шундай таклиф киритди: оралиғи уч минг метрдан иборат инглиз пойгаси эълон қилинса-ю, пойгага келган абхазлар билан мегрелларни ҳам кўнглини қолдирмаслик учун уларга ўз удумларига кўра мусобақа ўтказишга ижозат берилса.

Мажлис чўзилиб кетди. Инглиз усулида пойга қилиш тарафдори бўлганлар, пойганинг бошланишини кечиктирмаслик учун қўл силкиб қўя қолишди. Инглиз-абхаз пойгаси ўтказиш тарафдорларининг таклифи ўтадиган бўлди. Брегадзе бунақа мужмал қарордан норози эди.

Пойга бошлиқлари саройдан чиқиб келишганда ҳамма нарса тахт эди. Шардин Алшибая, райком секретарининг фикрини олдиндан билиб олиб, мажлис тамом бўлмасданок, чинорзор хиёбонда уч минг метр масофани ўлчатиб, арқон тортиб қўйган эди.

Шунинг учун хиёбондан юриш тўхтаган эди. Халойиқ арқоннинг бир томонида, йўлқадан юрарди.

Зугдиди театри қаршисидаги майдондан старт бошларди.

Отлар, чавандозлар шу ерда тўпланишган эди.

Гванж Апакидзе мағлубиятга учради. Лекин у, осонгина жон берадиганлардан эмас. Саройдан чиқиши билан у ўзича, Гунтерга Тараш Эмхварини ўтказиш керак, деган фикрга келди.

Князнинг «мужикдан» ўтадиган жойи йўқлигини Гванжга уқтириб бўлмасди. Унинг фикрича, кечаги мусобақа ҳам буни исботлаб берган эди.

Агар Тараш Гунтерни минадиган бўлса, Арабиани ҳам, эгасини ҳам ютиб чиқишига шубҳа қилмас эди Гванж.

«Тараш аввало — абхаз, ундан ташқари, европа спортсмени тарбиясини ҳам кўрган...» — деб ўйларди Гванж. Қадимий Эмхварилар авлоди янги даврда ҳам аждодларининг хизматкорлари устидан яна бир бор ғалаба қозониш учун пойгада қатнашишдан бош тортмайди, иложи борича ҳаракат қилади, деб ишончи комил эди Гванжнинг.

Гванж Апакидзининг фикри шундай эди. Тараш Эмхварининг пойгага бир эрмак сифатида қарашини у хаёлига ҳам келтирмас эди.

Вақт оз. Шошилиш керак.

Боғ панжараси ортида Тамар ва Қаролина билан сайр қилиб юрган Тарашни кўриши билан Гванж улар томон югур-

ди. Таризэл бобонинг саломатлигини суриштирди, Каролинага бир-икки оғиз хушомад қилди, кўйлагини мақтади.

Кекса князларнинг мунофиқона илтифотларига ўрганиб қолган Каролинага қандай қилса ёқишини Гванж биларди. Бунинг устига Каролина, дағал ҳақиқатни эшитишдан кўра ёқимли ёлғонни эшитган яхши, деган фикрдаги одам.

Гванж кечқурун қизининг тўйида кутажагини яна бир эслатди аёлларга.

Кейин Тарашга юзланди:

— Тараш, азизим, бугун Гунтерни сен минасан.

— Гунтерни? Чавандозни топибсиз-ку жуда!— хижолаго-муз деди Тараш.

— Эмхварисан-ку, ахир!

— Эмхвари бўлсам нима бўпти? Шунинг ўзи етарли деб ўйлайсизми?

— Эмхвари бўлса-ю, чавандоз бўлмаса, бўлармишми!

— Агар шуни ўрганмаган бўлсам-чи?

— Азизим,— дея гапдонлик қилди Гванж,— бургутни учишга ўргатганларини эшитганмисан? Ё балиққа сузишдан дарс берганларини биласанми?

Бу сўзларни у шундай ифодали қилиб гапирдики, Каролина қаҳқаҳлаб кулиб юборди.

— Тараш, қимматлигим меним, агар мени тариқча бўлсам ҳурмат қилсанг, отанг хотираси ҳаққи илтимос қиламан, сочларимнинг оқи ҳурмати, пойгада иштирок эт! Илтимос қиламан!

Гванж узун бармоқлари билан оқ соқолини силади. «Бир нима дегин унга! Буюра қолсанг-ку бўлади-я!» дегандек Тарашга қаради.

Тамар тушунди-ю, лекин индамади.

— Отам хотираси ҳурмати қасам нчаман, Гванж амаки,— деди Тараш,— гурурланганимдан рад қилаётганим йўқ. Отларни жуда яхши кўраман... Неча-неча бор, овқат емай, сўнгги пулимни ижарага от олиб минишга сарфлаганман. Лекин моҳир чавандозлар билан беллашадиган даражада уста эмасман. Ўйлайманки, ўзини ҳурмат қиладиган одам, билими етмаган ёки ўзи уддасидан чиқа олишига ишончи комил бўлмаган ишга уринмаслиги керак.

— Ахир Арзакан моҳир чавандозлардан. Сен бўлсанг кеча унга бўш келганинг йўқ. Буркада от тистаришда сендан чаққонлик қилган бўлса, ҳечқиси йўқ. Негаки сен машқ қилмагансан, Гунтер ҳам бунга ўрганмаган. Кекса жодугар Кац Звамбая Арабиани неча-неча бор минган. Ҳар турли найрангларимизни унга ўргатган ҳам ўша.

Тараш рад жавобида қаттиқ туриб олган эди. Шунда гапга Каролина аралашди:

— Сиздан ғолиб келдилар ҳам дейлик. Хўш, нима бўпти? Биров докторлик даражангизни тортиб олиб қўядими? Наҳот-

ки сиз бир газ жойдан сакрашни ўзига муносиб кўрмайдиган, бесўнақайликларидан эмас, балки улуғликларидан шундай қиламиз, дейдиган зиёлилардан бўлсангиз?

— Йўғ-е,— ўзини оқларди Тараш.— Булардан ташқари эгни-бошим ҳам чавандозликка тўғри келмайди. Шимни осилтириб чавандозлик қилиб бўлармишми? Мен уйга бориб, кийиниб келгунимча пойга ҳам тугайди...

— Бунинг ташвишини ема,— дарҳол эътироз билдирди Гванж.— Либос топиб келгани ҳозироқ бола юбораман. Катта ўғлимнинг бўйи худди сендай келади. Дарҳол ўшанинг чоҳасини келтириб беришади. Меҳмонхонага кирамиз, ўша ерда кийиниб оласан.

— Албатта,— дея қувватлади Каролина.— Ростдан ҳам, сизга чоха ярашармикан, кўрамиз,— Каролина шундай дедида, Тамарга бир қараб қўйди.

Тамар ҳеч нима демади, лекин юзи ёришиб кетди.

Тараш таслим бўлди. Апакидзегга итоаткорона бир қараб:

— Майли,— дея ғудурлади.

— Гап мана бундай бўпти!— деб қувонганидан қичқирди Гванж.— Ун минутдан кейин меҳмонхонага кел. Эгарга минганингдан кейин чоханинг барини кўтариб қўйиш эсингдан чиқмасин. Бўлмаса кўрганга кулги бўлиб, осилиб ётади!

— Хўп, хўп, Гванж амаки!— деб бош иргитди Тараш.

Проспектни тўлдирган оломон бетоқатланиб гувилларди.

Бола-чақалар томларни тўлдирган. Ўғил болалар телеграф устуллари ва чинорларнинг шохларига чиқиб олишган.

Эрта баҳорнинг қиёси йўқ туш палласи эди.

Дўстларимиз ҳамон Даданининг собиқ саройи боғида сайр қилишади. Кўзни қамаштирадиган осмон тагида сариқ қанотли капалаклар учиб юрарди. Ҳаво маъсум қиз тушидек энгил эди.

Тараш гоҳ Тамарнинг фируза кўзига, гоҳ Каролинанинг асал ранг кўзига оҳиста, айёрона қараб қўярди.

Уларнинг бири эшикдан гул-гул яшнаб келиб, қўёш нурига фарқ зангор осмон узра ёйилган эрта кўкламга ўхшарди. Иккинчиси эса, боғларда шафтолилар етилган, тунлар эса севмаган кишисига узатилган аёлнинг яширин истакларидай қоронги ёзнинг фарқ пишиқчилик чоғини эслатарди.

Тамарнинг эғнида Тараш яхши кўрган ҳаво ранг кўйлак. Мисдай товланган икки ўрим сочи сонига тушиб турибди.

Каролина— баланд кўкрагини, бўлиқ сонини сириб турган оч кул ранг крепдешин кўйлакда. У бош яланг, эритилган олтин тусидаги сочи калта қилиб қирқилган.

Тараш қадим грузин чавандозлиги ҳақида, Иверия шоҳи Парсман бу санъатда маҳоратини кўрсатгани ҳақида ҳикоя қилиб, аёлларнинг кўнглини овларди. Шу подшоҳнинг от минган ҳайкали Римда, Марс даласида ўрнатилган. Император

Анриан бу ерда, Парсманнинг ўзи, ўгли ва сарой аҳллари иштирок этган пойгани томоша қилган эди...

Гванж чоха келтирилганини айтиб юборибди.

Тарашнинг ечиниб кийиниши жуда чўзилиб кетди. У болалигидан буёғига чоха кийган эмас; ярим соатдан ортиқ вақт ўтибди ҳамки, у ҳамон тугмачаларни қадай олмай овора. Аёллар йўлакда кутиб туришгани учун, Тараш шошилганидан чалворни тескари кийиб олибди.

Гванжнинг тоқати тоқ бўлди. У аёлларни бошлаб хонага кирди.

Каролина одатдагидек, қаҳқаҳлаб куларди.

— Ё тавба, шошманг, шошманг, эслаб олай-чи, кимга ўхшаганингизни!

Лекин сира эслай олмади.

— Бу илгаклар диний зарурат юзасидан ўйлаб чиқарилган бўлса керак,— деди Тараш Каролинага.— Диндор одам ҳар тугмани қадаганда бир оят ўқиб турса керак.

Либосларни келтирган бола ғоз пати келтиришни унутган эди. Пат ёрдамисиз Тараш томоқдаги тугмани қадай олмай қийналарди.

Тамар қадаб қўймоқчи бўлди. Қиз қўлининг майинлиги Тарашга хуш ёқди-ю, лекин тугмани қадай олмади.

Тамар бирмунча вақт уннаб кўрди-ю, ахири қўл силтади.

Гванж ҳам тугмани қадашга уриниб кўрди, лекин ҳеч нима чиқаролмади.

— Келинг, мен бир уннаб кўрай,— деди Каролина, лекин кўп ўтмай у ҳам:— Абхазлар билан мегрелларнинг қанчалик сабр-тоқатли одамлар эканига энди ишонч ҳосил қилдим!— дея бу уринишдан воз кечди.

Буфетчидан ғоз пати топиб келиш умидида Гванж ресторанга кетди.

Тараш яна ойна олдига борди. Уринавериб чарчади...

Архалухни қадаганда ёки галстукни таққанда шошилган одам, албатта, кечикади.

Тараш, ишнинг кўзини биладиган одамларнинг, ишинг зарурлигида шошилма, деган оқилона қоидаларини унутган эди. Қўли қалтираб кетаётганини ўзи сезмасди. Архалухнинг тугмаларини қадаш, сўнгги йиллар ичида асаби қанчалар қақшаб кетганини яна бир марта кўрсатди.

Ниҳоят, ҳарсиллаб-гурсиллаб Гванж етиб келди. У ғоз пати топиб келган эди.

Ёқа тугмасини тақишга муваффақ бўлинди. Энди навбат енгга келди.

Тараш патни петля орасига ўтқазиб, тутқич бермаётган тугмани тутишга уринарди. Гванж енгни ушлаб турарди. Тамар билан Каролина қаҳқаҳлаб кулишарди.

Тараш тугмани тутиш учун, бир амаллаб патни петлядан ўтқазиб беради, лекин тугма қурғур патга тутқич бермайди!

Каролина соатга қаради:

— Ун иккидан чорак ўтибди.

Тараш чоҳадан воз кечадиган бўлди.

— Сизлар чиқиб турунглар, мен қайтадан ўзимнинг костюмимни кийиб оламан...

Лекин аёллар яна бир уннаб кўришга ундаб, унинг гапига қўшилмадилар.

— Ташвиш чекма, азизим, пойга соат бирдан олдин бошланмайди... Менсиз, барибир, бошлашмайди,— деб юпатарди Гванж.

— Бўлмаса, менга қараманглар. Аёллар қараб турганда ўзингни йўқотасан киши,— жилмайди Тараш аёлларга.

Тамар билан Каролина кулиб балконга чиқишди.

Ниҳоят, амал-тақал қилиб, ҳамма тугмаларни қадашга муваффақ бўлишди.

Энди кийинишнинг иккинчи қисми — этик кийиш бошланди. Яхшиямки, этик эгасининг оёғи Тарашникидан катта экан, бу иш осон кўчди.

Аёллар хонага қайтиб кирганда Тараш кийиниб бўлган эди.

Тамар билан Каролина уни завқ билан бошдан-оёқ томоша қилишди.

— Эрамхутнинг ўзгинаси-я!— деб қичқириб юборди Тамар.

Тараш ойнага қаради ва ҳайратдан лол бўлиб қолди. Ҳақиқатан ҳам у Эрамхутнинг айнан ўзгинаси эди.

Бу ўхшашлик унга манзур бўлди, негаки у Тамарнинг: «Эрамхутдай чиройли одамни ҳаётда сира кўрмаганман» деганини бир неча бор эшитган эди.

Бундан ташқари Тараш инсон руҳининг эластик бўлишига, йиллар ўтиши билан одам ўзгариб, ўша севган одамига ўхшаб кетишига ишонарди.

У яна тош ойна қаршисига келди ва Эрамхутнинг номаълум француз рассоми чизган суратини кўз олдига келтирди. Ким билади! Балким Эрамхутнинг руҳи Тарашга сингиб кетгандир?

Янги либосда у, ўзига ўзи бутунлай бегона кўринди.

Ойнадан нари кетди, хонада у ёқдан-бу ёққа юрди. Тўсатдан у, чоҳа унинг париш костюминигина эмас, балки бир соатгина муқаддам унда бўлган руҳий оламни ҳам ўзгартириб юборганини ҳис қилди. Энди у завқ-шавқ билан Гунтерга ирғиб чиқишга, бутун оламни пойгада мусобақага чақирришга тайёр эди!

Буюмларнинг инсон устидан ҳукми қанчалар кучлилигини яна бир бор кўрсатмайдими бу?

Бутун туриш-турмуши ўзгаргандай бўлди, Тарашнинг на-зариди. Ҳатто қадам олиши ҳам ўзгарди-қолди: у ҳарбийларча қисқа-қисқа одим ташлай бошлаган эди. Ёнидагилар билан кулишиб, ҳазиллашиб тураркан, кўнглининг теран-теранликла-

рйда болаликдаги хотиралар, биринчи бор чоха кийиб, таёқни от қилиб миниб ўзини Эрамхут деб тасаввур этган чоқлар гавдаланди.

Мафтун бўлган Гванж Апакидзе Тараш ёнига келди, бўшгина боғланган белбоғни, баланд-пастликлардан елиб бориши керак бўлган отнинг айилини сиқиб боғлагандай, таранг қилиб тортди. Кейин столда ётган қоғоздан бир парчани йиртиб олиб тупуги билан ҳўллади-да, белбоғ илгагига жойлади. Кейин ёқани тузатди, чоханинг барини қайирди ва ёнбошда бурмалар ясаб Тарашни айлантириб қаради.

— Бедани сал буришиб турипти...— гўлдиради ўзини оқлагандай.

— Бедани деганингиз нима?

— Чоха орқа томонининг, куракдан белгача бўлган қисми. Гванж Тарашни яна бир айлантириб кўрди-да, елкасига қоқиб қўйди:

— Ана, шунақа азизим, асл Эмхвари бўлдинг-қўйдинг!

Эрамхутни эслаганида ҳар вақтдагидек, Тарашни туманли, оғир фикрлар чулғади. Ўзи билан ёнма-ён зинадан тушиб келаётган ҳамроҳларини унутди. Назарида, тирилиб келган Эрамхут зинадан тушиб келаётгандай эди. Архалухининг барча ўтгиз икки тугмасини бир-бир қадаб, гурбатда ўлимни мардона кутиб олиш учун казак отряди бошлиғи кетидан кетганда, худди шундай хотиржам ва ғамгин одим ташлагандир у...

Гванж Тарашни Гунтер ёнига бошлаб келди. Арзакан Арабига минганди. Қац Звамбая ўзининг Цирасига Гвасалиянинг ўғлини ўтказиб, ўзи Мачагва Эшбадан олган отни минган эди.

Ўғли Звамбаялар авлодини ерга қаратмаслигига ишончи комиллигидан у, пойгада иштирок этмоқчи эмас эди. Кечаги пойга билан герулафада бунга ишонч ҳосил қилди у. Арзакан, ҳеч сўзсиз, биринчи мукофотни олади.

Лекин қария, ҳар эҳтимолга қарши, тайёр эди. Мабодо бир нима бўлиб, Арзакан қолиб кетадиган бўлса, Қац ўртага тушмоқчи эди. У майдонга чиқади-да, Звамбаяни енган одамни мусобақага чақиради.

Тарашнинг пойгада иштирок этишини Қац хаёлига ҳам келтирмаган эди.

— Шу нарса ёдингда бўлсин, ўғлим, юганни тортавериб отни қийнама,— дея насиҳат қиларди абхаз пойгасида суяги қотган Қац.

У одан кўра чавандознинг моҳирлигида гап кўп, деган фикрда эди. Ҳар галгидан кўра камроқ ҳаяжонланарди. Ҳатто Арзаканга пичинг отмай ҳам қўйди.

— Жиловни калтароқ тут, лекин отнинг лунжини яралаб қўймаслик учун қаттиқ тортма. Ўзинг бутун гавданг билан ёлга энгаш, сонингга таян, болдирингни та тўпикқача отнинг биқинига маҳкам қада.

Арзакан отасининг, одатдан ташқари, юмшоқ гапираётганига ҳайрон эди.

Яна бир нарса бугун уни ҳаяжонлантирди. У айвон ёнида турган Тарашни кўриб қолди ва чоха кийган сут эмишган биродарини, мамнулик билан бошдан-оёқ кузатди.

— Даданг икковимизга чоха тиктириб берганда эшак ми-ниб юрганимиз эсингдами, Гуча?

Тараш ийиб кетди. Арзакандан бунақа илиқ сўз ва бола-ликдаги Гуча исмини эшитмаганига анча бўлган эди.

Ҳар бир абхазникидай, Тарашнинг ҳам бир неча исми бор эди: Гулико, Гуча, Мисоуст.

Энагаси билан Қац Звамбая уни Гуча деб, отаси билан онаси — Гулико, Армадар хола эса — Мисоуст деб аташарди.

— Эшак минармидик? — ҳузур қилиб кулди Тараш.

— Бўлмасам-чи! Биз уни дадангнинг деншиги номи билан Сико деб атаган эдик. Чоха сенга жуда ярашаркан, Тараш. Менинг яхши кўрган чохамни босқинчилар илма-тешик қилиб юборишди.

— Қандай қилиб?

— Яраланганман-да. Чеприж ўрмонларида босқинчилар изига тушиб юрганимизда иккита ўқ едим. Бирини сонимга тегди-да, ичиди қолди, иккинчиси, қовургамни тешиб чиқиб кетди.

— Яранг энди оғримаёптими?

— Ингурдан кечиб ўтганимдан бери яна зирқираяпти.

Биродарлар шу зайил сўзлашиб туришаркан, Шардин Алшибая оломон ичиди гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга югуриб-еларди. У тартиб ўрнатиш билан овора эди: болаларни йўлқани тўсган арқон тагидан ўтказмас, чинор шохлари синмасин деб, болаларни дарахтга йўлатмасди.

Гванж Апакидзе Тамар билан сўзлашарди.

У чўқинтирган қизи ҳақида шаҳарда юрган миш-мишлар қай даража тўғрилигини билиб олмоқчи бўларди. Ростдан ҳам, у эсини еб қўйиб, Жамсуг Эмхварининг собиқ хизматчисига тегмоқчими? Миш-мишлар турлича эди. Бировлар, Тамар Тараш Эмхварига тегади, деса, бошқа бировлар — Арзаканни Тбилисига, катта мартабали ишга ўтказиш-япти, у Тамар Шервашидзе билан никоҳлаб қўйилган дейишарди.

Гванж бир ўқ билан икки қуённи отмоқчи бўлди.

Аввал у, зўр бериб, Тарашни мақтай кетди.

Лекин Тамар ҳам пишиқ бўлиб қолган эди. Унинг Тарашга бўлган муносабатини билиш учун, кўпинча, Тарашни, унинг олдида, ё мақтар ёки ёмонлардилар.

— Тараш яхши йигит. Лекин афсуски — Эмхвари-да!

— Эмхвари бўлса нима бўпти? — ўзини тутолмади Тамар.

— Ие, ҳали билмайсанми? Эмхварилар, азрўйи азалдан, Шервашизелар билан душман...

— У-ҳў... қачонлар бўлган бу! Ундан ташқари, бунинг нима аҳамияти бор? Биз у билан дўстмиз, холос.

— Мендан яширмасанг ҳам бўлади! Ҳамма Тарашни мактайди.

Тамар отни томоша қилиб, индамай тураверди.

Гванж чўқинтирган қизининг даҳанидан ушлади-да, кўзига тикилди.

— Сени Арзаканнинг қаллиғи дейишадими, а?— деди у ва қизни ёнига тортди.— Бизни шармисор қилма, қиз, отангининг шусиз ҳам заҳарланган ҳаётини сен ҳам заҳарлама. Менинг йўригим бўлак, оилам барбод бўлиб кетяпти. Бунинг устига Арлан— мартабали одам, райком секретари.

Қизим билан ҳўп олишдим, икки марта уйдан қувиб ҳам чиқардим. Сўз бериб қўйган экан—ўзинг биласан, абхазлар буни кечирмайди. Арланнинг бутун авлоди оёққа турди. Бошқа замон бўлганда-ку, Арланлар қизимга бошини кўтариб қаролмасдику-я. Лекин ҳозирги кунда мен нима ҳам қила олардим?..

Кейин Арзакан ҳақидаги гапга кўчиб, унинг жаҳлдорлиги, қурумсоқлиги, ўзини тута билмаслигини айтди... У безбет, шилқим, бебошвоқ. Бунақа одамдан эҳтиёт бўлиш керак. Ўзининг иззат-нафси деб, ҳамма нарсани барбод қилиши мумкин.

Бугун бўлмаса эртага унинг ҳомийси Чежиа ишдан олинади. Чежианинги ўзи ҳам бировнинг ҳомийлигида юрган одам. Гумаштанинги гумаштаси бўлган кимсанинги қўлидан нима иш келарди?

Арзаканни бунчалик ёмонлаши Тамарнинг жиғига тегди. Чўқинтирган отаси гапни жуда кўпиртираётганини ҳис қилиб турса ҳам, Гванжнинг оқ сочи ҳурмати индамасди.

Қиз Тараш Эмхварига ҳам, Арзаканга ҳам тегмаслигини айтиб чолни тинчлантирди. Шаҳарнинг ўзи ғийбатга макон.

— Одамларнинг гапига ишонадиган бўлсангиз, бир ойда етти мартадан узатишади мени,— деди Тамар.

Кейин гапни бошқа ёққа бурди, нарироқда турган отларга қараб қўйди-да:

— Отларнинг қанақа тусдагиси яхши бўлади, отахон?— деди.

Театр олдидаги майдонда, суворилар зўрға тутиб турган йигирма чоғли от ер тепинарди. Арслон тусидаги Мухрован айғири— Дардиманди ҳам Грузия от заводининг машҳур қаҳрамони, малла айғир Яралихон ҳам, текин айғири Лахварри-ю, инглиз-араб Гиви, кўзлари порлаган Норно ва соф инглиз байтали— Зарифа ҳам бунда эди; Лакербаянинг айғири Гунтер ва яна кўп отлар бор эди.

— Отлар ҳақида Қарабадинда айтилишича, тим қора ва ялтиллайдиган отлар бўлади. Ҳув анави пакана сувори ушлаб турганга ўхшаш от,— тушунтирарди Гванж.— Тўриқ-жий-

рон бўлиб, товланадигани ҳам яхши ранг. Бунақа отларнинг қаншари қизғиш, сонда қизғиш, малла доғлар... Ерлиғидаги грузинча ёзувни ўқи: «Норио»,— кўряпсанми? Бу заъфар тусдаги от.

Арслон тусдаги от яхши, думи билан ёли қорамтир ёки тим қора бўлса, қизғиш жийрон ҳам яхши баҳоланади.

Сариқ либосдаги сувори тутиб турган от ҳам яхши... Ели худди хиналангандай қип-қизил. Сарғиш тусдаги отлар ҳам дуруст, қизим! Бурул ё оч бурул тусдаги отларни эронликлар «зарт» дейишади. Отнинг думи билан ёли мушк тусида бўлса унга етадигани йўқ. Қадим Грузияда бундай отни «зердаги» деб аташарди. Бунинг тивити қора, думи билан кўзи қорамтир.

Хув анавиниси оқ холли қорамтир от. Араблар бунақа отни «рашифэ»— яъни «шамол» деб аташади. Орқа суяги бўйлаб чўзилган оқ йўл миясигача етса, унақа от «ягсуф» деб аталади.

Хув анависи сичқон тус чоҳа кийган йнгит ушлаб турган, пешанаси оқ қашқали отни кўряпсан-а. Қашқаси кичкинагина, юлдуздаккина. Бунақа от «шублварсквлава» деб, яъни— пешанаси юлдузли деб юритилади.

Лекин менга ҳаммасидан ҳам қора тўриқ «рахси» тус от ёқади,— деб гапини якунлади Гванж ва хушқад айғирни кўрсатди.

Тамар отга диққат билан қаради. У Арабиани таниди. Қизнинг кўзи от ёнида турган Арзаканнинг кўзи билан тўқнашди.

Арзакан қизни аллақачон кўрган эди. Қиз унинг кўзида итоаткорлик, болаларча завқланиш маъносини ўқиди. Тамар Гванж билан сўзлашиб туриб жилмайиб қўйди. Қиз кечаги хафагарчиликни кечирганини Арзакан тушунди. Бу унга жон берди.

— Демак, Арабия — яхши от экан-да? — сўради Тамар, отларнинг билимдони Гванж мақтаган айғирга ҳурмат билан қараркан.

— Ҳеч сўзсиз, ажойиб от. Лекин яхши от яхши парвариш талаб бўлади. Арзаканнинг бўлса боши мажлисдан чиқмайди. Арабиани парвариш қилишга вақт қаёқда унга? Бунақа отни гўдакни парваришлагандай парвариш қилиш керак. Яхши отни кўз қорачиғидай асраш керак.

Арзаканнинг отаси ҳам менинг фикримга қўшилади. «От экану, ўзига қарашни ҳам билмайди ўғлим,— деб айтди менга Қац Звамбая.— Оладиган моюнаси чекадиган папиросига стмайди, мен бўлсам ўзимнинг Цирамни зўрға боқаман».

Бунинг устига Арабия жуда ҳуркович. Эгасини кўтариб уриши ҳам мумкин. Автомобилдан ҳам қўрқади, трактордан ҳам қўрқади. Ҳуркиб кетиб эгасини олиб қочганини яқинда ҳам кўрдим. Устидан ирғитиб ташлашига сал қолди.

Арзаканга отингни сот, деб маслаҳат бердим. Куёвим Арлан от сотиб олмоқчи; агар сотишса, олиши ҳам мумкин.

Пойганинг бошланишига ўн минут қолди. Ҳаяжонланган Шардин Алшибая тўсиққа ёпирилиб келаётган оломонни итариб, тисартириб, театр майдони томон борарди.

Лакербая тузалиб пойгада иштирок этадиган бўлгани, Брегадэ қатнашишдан воз кечгани маълум бўлиб қолди. Шундай қилиб Гунтерни эгаси минадиган бўлди. Тарашга эса Дардиманди тегди.

Соат роса бирда театр майдонидан тўрт киши от чоптириб кетди: Арзакан Эвамбая, Тараш Эмхвари, Лакербая ва тўриқ Нориода тбилисилик Абдулла Рамаз ўғли.

Уч соврин белгиланган эди.

Биринчиси — катта пойга учун, уч минг метрли масофани етти карра босиб ўтганларга, иккинчиси — ўртача пойга, беш карра ўтганларга ва ниҳоят, учинчиси — кичик пойга, уч карра ўтганларга.

Тамар, Забули, Каролина ва Гванж Апакидзе театрга кираверишда туришарди.

Қўққисдан юз берган бу ўзгаришлар туфайли Гванжнинг қилган ҳийлалари пучга чиқиб, энди у томоша қилиш билан кифояланадиган бўлди.

Аёллар: қора тўриқ, арслон тусдаги, жийрон ва қизғиш отларнинг майдондан елиб кетишини завқ билан кузатдилар.

— Вой тентаквоей! — деб қичқириб юборди Гванж Апакидзе.

— Нима бўлди, отахон? — қўрқиб кетди Тамар.

— Кўрмаяпсанми, Тараш чоҳасининг бари тушиб кетди.

Тамар кулиб юборди.

— Сенга кулгили, аслида бу шармандаликдан бошқа нарса эмас! Илгариги вақтларда Эмхвари экан-ку, ҳатто хизматкорлар ҳам бундай ҳолга йўл қўйишмасди!

Қора тўриқ, арслон тусидаги, жийрон ва қизғиш от баб-баравар елиб боришарди. Куннинг ажойиблигидан оломоннинг далда бериб қийқиришидан завқланиб, отни қўйиб боришарди чавандозлар.

Арслон тус Дардиманди ва қора тўриқ Арабиа ёнма-ён, боши бошига тўғри елиб борарди.

Болаликдаги дўсти билан ёнма-ён от елдириб бораётганидан ўзини бахтиёр ҳис этарди Арзакан; назарида, ёнида от елдираётган, бир вақтлар бирга-бирга от чоптиришган биродари ўша кичкина Тараш эди. Гуё вақт орқага тисарилгану, балоғатга етган Арзакан билан Тараш яна бола бўлиб қолиб, Окуми ўтлоқларида яйраб-йайраб от чоптиришади. Ана, улар баҳорнинг илк чечакларидан шодланиб югуришади, қоп-қора тунда тегирмонда тунашади, оқшом уйга қайтишади, уйқуга ётардан олдин янги соғилган сут ичишади ва она тиззасида ором олиб ухлаб қолишади.

Уларнинг ўнг ва сўл томонида миқтидан келган Рамаз ўғли ва новча Лакербая от елдирди. Бир от бўйнича масофада орқада қолган Лакербая, абхаз одатига кўра, айғирга ўнг ва сўлдан қамчи бостира бошлади.

Абдулла Рамаз ўғли эгарда гужанак бўлиб олган эди.

Унинг бошида тожик дўпписи. У отининг бўйнига қапишиб олиб, гилай кўзларини қисиб қарарди. Чехрасида завқ-шавқ. У тантана қиларди. Унинг Нориоси машҳур Дардиманди ва бутун Абхазияга донғи кетган Арабия билан баб-баравар учарди.

Бирдан Тараш болаларнинг қийқириғини эшитди. Шу заҳоти у Гваиж Апакидзенинг насихатларини эслади. У сал энгашиб, ўнг қўли билан чоҳаси барини белбоғига қистирди. Шундай қилиб, сал тутилиб қолди ва Арзакан қуённинг бир ирғишича масофага ундан ўзди.

Тараш отнинг ёлига энгашди ва ўкчаси билан отни ниқтади.

Машҳур тбилиси айғири Абхазия қаҳрамонининг ўзидан ўзиб кетганига ор қилиб, олдинга интилди, шамолдан ҳам тез елиб, бир кийик сакрашича масофага Арабиадан ўзди.

«Бир кийик сакрашича масофага мендан ўзадиган ҳали сен-мисан?»

Арабия эгасидан ҳам кўпроқ ҳаяжонга тушди. Бировнинг ўзидан ўзиб кетишини, Арзакандан кўра, у кўпроқ ёқтирмасди.

Арзакан севимли отига қамчи босди. Қизишиб кетган от сал ёнга отилди. Бундан фойдаланган Дардиманди маррага қисқа тўғри йўлдан отилди.

Маррага биринчи кириб борувчи олқишлар садосига кўмилиб кетди.

Лекин Дардиманди маълум масофага мўлжалланган чизикқа етишга улгурмай, бор-йўғи бир от бўйнича масофа орқада қолган Арабия унга етиб олди.

Норио билан Гунтер бир от гавдасича масофада орқада эдилар.

Арзакан билан Тараш баб-баравар от елдирардилар. Шу сабабли олқишлар ҳам икковига баробар тааллуқли эди.

Қизишиб кетган Арзакан айғирга қаттиқ қамчи босди.

Дардиманди қамчига ўрганмаган эди. У ҳатто қамчи товушидан ҳам чўчирди. Шунинг учун қизишиб кетганидан, Арабиадан бир бўйра бўйича ўзди.

Арзакан газабланиб кетди. Яна қамчи чийиллади. Аммо қизишиб кетган Дардиманди туёқларидан ўт чақнатиб, қутургангадек елиб борарди.

Арзаканнинг газаби қайнади. Болалик чоғида бошланган рақиблик олови, чинорзор хиёбон узра от елдираркан, яна юрагида алангаланди.

Мана, кичкина Арзакан билан Тараш шўхлик қилишиб Хатунанинг сийнасига ёпишишяпти. Унг сийнани Тараш, чап сийнани Арзакан эмарди. Бирдан Тараш чап сийнага ёпишди.

— Бу меники!— деб қичқирди Арзакан ва Тарашга бир тарсаки туширди. Энаганинг эркаси бўлган Тарашнинг жаҳли чиқди ва сут эмишган оғасининг юзини қаттиқ чимчилаб олди. Арзакан Мисоустнинг юзига чангал солди, иккови ҳўнграб йиглаб юборишди.

Бугунги иш ҳам ўшанинг такрори эмасми?

Тараш ҳамма нарсада Арзакандан ўзиб кетди. Бутун дунёни айланаб чиқишга улгурди, Европада таълим олди, Тамарга этишишга уриниб, Забулининг бошини айлантириб юрибди. «Олимлик унвони етмаганидан, чавандозликда ҳам ном чиқармоқчи»,— деган фикр кечди Арзаканнинг миясидан.

Арабага қамчи босиб, Дардимандига етиб олди. Арабанинг тумшуги Дардимандининг сўлиги билан бир қаторда эди. Уларнинг орқасидан Лакербая етиб келиб қолган эди. Абдулла Рамаз ўғли икки от гавдаси баробарида кейинда қолган эди.

Иккинчи тўдада Жото Гвасалиа Кац Звамбаянинг Цирасида энг охирда қолган эди.

Арзакан Жотони контрабанда учун бир неча бор қамоққа олган эди. Гвасалиа кўксидан Арзаканга қарши нафрат аланганди. У овози борича ҳай-ҳувлади.

Кац муюлишда кутиб турарди уни. Гвасалиа у билан баробарлашганда қўлидан жиловни тортиб олди, бўйнидан ошириб ташлади ва ҳай-ҳувлаганича Цирага қамчи босди. Кўп ўтмай Кац чавандозларга етиб ола бошлади.

Учинчи гуруҳда энг олдинда Малазониа борарди. Унинг кетидан эса оқ айғир минган Иналипа Чичаги, у билан ёнма-ён сут эмишган оғалари от елдирадилар. Улар тўппончалардан ўқ узиб, ҳолдан тойган отларга далда бериб, телбалардек қийқирдилар.

Сўнги гуруҳнинг олдида Тарбанинг Беслан деган ахта оти борарди. Етти оғанини Тарбалар «ахахаит» деб қичқириб, отларга далда берар, қамчи силкитиб, бурул тусдаги Бесланни жонлантирадилар. Қизил чоха кийган Решид Гечь абхаз тилида алланамалар деб қичқирарди.

Кутилмаганда, пастак абхаз байтали минган Эдирбей Чанба олдинга отилиб чиқди. Беш чавандоздан ўзиб, Кац Звамбаяга етиб олди.

Малазониа уларнинг икковидан ҳам ўзиб кетди.

Кац Иналипа Чичагини ҳам, Решид Гечни ҳам орқада қолдириб кетди. Эдирбей Чанбага кўз қирини ташлаб, бир вақтлар, Очамчирда ундан ўзиб кетганини эслади... Цирага қамчи босди ва Малазониага етиб олди.

Цирага бир ҳайқирди-ю, Рамаз ўғли ёнидан елиб ўтди. Рамаз ўғли отига турк тилида алланима деб қичқирди ва яна олдинга чиқди. Лекин Кац бир ҳайқириб, ундан тоғ такаси ирғиши қадар ўзди.

Кац Звамбая Тараш ва Арзаканни ҳам орқада қолдирмоқчи бўлди. Қаридинг деб кўришсин-чи яна!

Арзакан отасининг қийқириғини эшитди.

Кучи борича Арабнага қамчи босиб, отасини ҳам, Малазо-ниани ҳам орқада қолдириб кетди.

Биринчи қаторда Арабия билан Дардиманди баб-баравар боришарди.

Еттинчи бор олқишлар янгради.

ДВОРЯН КҰНГЛИДАГИНИ ОЧИБ ГАПИРГАНДА

Гванж Апакидзе мағлубиятга учради. Катта пойга соврини Арзакан билан Тарашга баб-баравар тақсимланди.

Гванж бўлса: Арзакан мағлуб бўлади-ю, алам қилганидан, жаҳл устида, айғирини Арланга сотади ва Арабия кўев томонидан бўлажак қайнатага бериладиган бўнак — авандар сифатида менга тегади, деб ўйлаган эди...

Арланнинг никоҳ тўйи шу оқшом белгиланган эди.

Арзакан тўйда иштирок этмоқчи эмас эди. Арзакан ва Чежиа атрофига шубҳали одамларни йиғиб, коллективлаштиришни таққиқланган усуллар билан ўтказаетган Арлан билан чап эдилар.

Арлан динга қарши курашда ҳам ҳаддан ташқари тиришиб-тирмашар, диний ёдгорликларни аямасди. Шундай қилиб, у Дурпшидаги беш юз йиллик эманни ёқиб машҳур бўлди. Унинг топшириғи билан, апира сандонига топиниш расм бўлган бир неча темирчилик дўкони йўқ қилинди. Сванетия, Абхазия ва Мегрелиянинг қадимий ибодатхоналарининг кўнғироқларини олишга буйруқ берган ҳам шу Арлан бўлган.

Арлан бу ишга ёш-яланғни жалб қилди. Унинг «кўнғироқчи революционерлари» бутун Абхазия бўйлаб черков кўнғироқларини буздилар.

Чежиа кўп масалада Арлан билан тортишиб қоларди. Лекин шундай эсада, Арзаканнинг фикрига қўшилмади.

— Аренба Арланнинг тўйига бормаслик уни ҳақорат қилиш-дек бир гап, бекордан-бекорга муносабатларни кескинлаштиришнинг ҳожати йўқ,— деб тушунтирди Чежиа.

Пойга тугагач, оломон тўда-тўда бўлиб Илори томон йўл олди.

Абхаз тўйига қариндош-уруғ, таниш-билишларгина эмас, балки меҳмон бўлиб, томоша кўриб келишни истаган ҳар қандай одам ҳам бораверади.

Мамлакат одатига кўра, мана шу чақирилмаган меҳмонлар энг азиз меҳмон саналади. «Асл меҳмон шулар!»— дейишади абхазлар.

Аммо тўйга ҳеч ким совға-саломсиз келмайди.

Воқеа ёппасига коллективлаштириш бошида бўлиб ўтаётган эди. Кулақлар талвасага тушиб қолишди: фақат қорамолларги-

на эмас, балки бошқа ҳайвонлару паррандаларгача олиб қўйилади, деган миш-мишлар тарқалган эди. Шунинг учун зўр бериб, уй ҳайвонларини сўя бошлаган эдилар.

Тўй арафасидаёқ, Апакидзеларнинг эски қўрғисни томон совга-саломга қўй, эчки, бузоқ етаклаган меҳмонлар олдинма-кейин кела бошлашди. Эрталабдан бошлаб отлиқлар Илорига ашулалар айтишиб, милтиқлар отишиб, тўда-тўда бўлиб келишаверди. Одамлар авлиё Георгийга қурбонлик учун гала-гала бўлиб Илорига оққан қадим замонлар қайтгандай эди.

Тўйга Арланларнинг бутун қавм-қариндоши келган эди. Абхазияда тартиб шундай: келинни қавм танлайди, қизни қавм узатади. Тўйни ҳам, азани ҳам қавм ўтказади.

Зугдидидан икки юзга яқин отлиқ йўлга чиқди. Аёллар, болалар ва кексалар юк машиналари ва Очамчир поездида йўлга чиққан эдилар.

Тамар Забули ва Каролина учун Арзакан пастак мегрель отлари топди.

Тўйга Арзаканни жуда чарчатган эди. Лекин Тамарнинг кайфияти кўтаринки бўлганидан, у ҳам ўзини яхши ҳис қиларди. Тамар ҳазиллашар, куларди. Сергак йигит унинг овозида кечаги жанжалдан нишон сезмасди.

Арзакан қиз кўксигадаги салб изи қолган жойга беихтиёр қараб қўярди.

Салбини йўқотиб қўйгани ҳақида Тамар чурқ этмагани уни ҳайрон қолдирган эди. Ёки салбни Арзакан топиб олганини билганмикан?

Чарчаб ҳолдан тойганидан Тарашда аёлларни гапга солишга мадор қолмаган эди. У Гванж Апакидзе билан ёнма-ён борарди.

— Қани, йигитлар, илдамроқ бўлинглар, бўлмаса эрталабгачаям етолмаймиз Илорига,— деб қичқирди у, суҳбатга берилиб кетган йигит-қизларга ва отига қамчи босди.

Толзорлар, ёғоч деворлар, сомон билан ёпилган кулбалар, зиркзорлар, чирмовуқлар ва ёввойи узумлар чирмашган дарахтлар ёнларидан лип-лип ўтиб турарди.

Деворлар ва четанлар тагида итлар ҳурарди. Дарвозалардан хотин-халаж, бола-чақа мўраларди.

Қишлоқ ортида ботқоқлик ўтлоқлар бошланар, бу ерда устига қарғалар қўнган қўтос подаси ёйилганди. Қушлар зўр бериб, туллаган ҳайвонларнинг қишки жунини чўқиларди.

Балчиққа беланган қўтослар, бошларини эринчоқлик билан буриб, отлиқларни тим қора кўзлари билан кузатиб қолишарди.

Нарироқда, гуллар ва гулчамбарлар билан безалган трактор лойга ботиб қолган эди. Мотор зўр бериб тарилларди. Шофер билан тракторчи унайвериб ҳолдан тойганди. Улар елкаларини тираб, куч билан итарганларида трактор тириллаб пишқирирди-ю, лекин филдираклардан бири чуқур ботиб кетганидан машина жойидан қўзғалмасди.

Тасир-тусирдан чўчиган Арабия шаталоқ отиб жарлик томон елиб кетди.

Арзакан жиловни тортди, отни тиккайтириб, дарҳол орқага қайтарди.

— Бу айгир, йигит бечорани ҳалок қилади!— деди Гванж Апакидзе Тарашга.— Сенинг сут эмишган биродаринг-ку, у, айт, отни менга сотсин. Бўлмасам, мени айтди дерсан, бир кун эмас, бир кун бошини ейди!

— Буни қандай қилиб унга маслаҳат бераман, Гванж амаки, ахир ҳукумат айғирни мардлиги учун мукофотга берган-а, унга. Бу отдан у ҳеч қачон айрилмайди. Бунақа учар отни елдиришга нима етсин... Учқур от минишнинг ўзи бахт! Ювош қирчанги миниб, ҳузур қилиб бўлармиши?

— Учқур отни минадиган одам ҳам абжир бўлиши керак-да, дўстим!

— Арзакан абжир эмас эканми, Гванж амаки?

— Э-э-э! Шу гаплар сендан чиқаётганига ҳам ҳайронман. Звамбаяларни абжир дейдиган одам борми? Унинг ёшида бунақа абжирлардан ўнлабини тузлаб юрганман.

Болаликдаги дўстининг ноўрин пастга урилиши Тарашга огир ботди. Лекин қариянинг ҳурмати юзасидан эътироз билдирмади, норози жимиди.

Бир неча вақтгача индамай бордилар. Бирдан орқа тарафдан ғолибона «яшавор!» деган ҳайқириқ янгради.

Гванж ўгирилиб қаради:

— Анавиларнинг ҳийласини қара, газандалар!— вишиллади у.— Шунча қўтос лойга беланиб ётибди-ю, атай шуларни қўшмайди булар. Ўзлари ёпишиб, тармашиб чиқариш-япти!

Тараш отини тўхтатди. Қараса: Чежиа, Арзакан ва бир неча йигит отдан ирғиб тушиб, жиловни аёлларга тутқизишди-да, чохаларининг ва шинелларининг барини йиғиштириб, елкалари билан машинани итаришга киришишди. Улар бир овоздан «яшавор!» деб қичқириб машинани ботқоқдан итариб чиқаришаётган эди...

— Нега ундай қилишади-а, Гванж амаки? Нега қўтосларни қўшишмайди?

— Одамлар тракторни мазах қилишмасин, деб қўрқишади! Тараш беихтиёр жилмайди.

— Машина-пашиналари билан жаҳаннамга кетишса соз бўларди,— деди жаҳл билан Гванж.— Гапимга ишон, азизим,— Тарашни ишонтиришга уринарди у,— қўтосларимиз ҳар қанақа трактордан ҳам яхши ишлайди.

Тараш унга қараб қўйди.

Гванж отда худди қуйиб қўйилгандай ўтирарди.

— Нечага кирдингиз, Гванж амаки?

— Буни ҳеч қачон ҳеч кимга айтмайман.

— Нега, Гванж амаки?

— Кексалик, қўрқув ва очлик, эслаганингда айниқса билиниб қолади... Яхшиси, уни эсламаслик керак, азизим!

Яна жим кетишди. Узоқлашган от дупури ва пишқиришигина эшитиларди. Баъзан узоқ-узоқлардан шоқолларнинг увиллаши эшитилади.

— Бу ерларда шоқоллар кўпга ўхшайди-а?

Чол жавоб бермади.

— Овга чиқмайсизми, Гванж амаки?— яна сўради Тараш.

— Нега чиқмас эканман? Қани энди менинг отаримга эсимни таниганимдан буюғига мен овлаган қобон, кийик ва айиқлар сони қадар йил умр берса. Энди, албатта, у даврлар ўтди-кетди.

Бу ердан Адлергача уч юз километр келади. Ов қилиб шу масофани неча-неча бор босиб ўтганимнинг ҳисобига етолмайман. Унг томондаги мандарин боғларини кўряпсан-а, илгари бу ерлар ўрмонзор эди.

Қолхида ботқоқлари билан Жугежиани далаларини айтмайсанми! Хўп овбоп жойлар эди-да!

Энди ҳамма ёқ — совхоз, плантациялар. Темир йўл, тракторлар ва автомобиллар ўрмон ҳайвонларини чўчитиб, қочириб юборди. Ота-боболаримиз сен билан мenden кўра ақллироқ бўлишган.

Илгарилар ўрмон ва ботқоқларга атай тегишмаганини биларсан. Нега тегишмаган? Душман ҳамласидан сақланиш учун, безгак уларни еб ташлаши учун. Қўшнилари бизга музокара учун элчи юборишгудек бўлишса, уларни шу ботқоқликларда айлантиришарди.

Анаклиндан Зугдидигача бор-йўғи йигирма километр келади. Элчиларни беш кеча-кундуз бошлаб юришар, уларни чивинларга талатиш учун очиқ чайлаларда тунашга мажбур қилишарди. Бу ернинг чивинлари хўпам чаққанки... Энди ҳамма ёқда катта йўл, эринмаган ҳар кимса бемалол келаверади.

У пайтларда ботқоқ ва тоғлар мамлакатимиз учун мустаҳкам бир қалъа бўлган. Бу ўтиб бўлмас ботқоқликларда кийиклар гала-гала бўлиб ботиб қолаверган.

— Бу ерларда айиқ ҳам бўлганми, Гванж амаки?

— Айиқ билан бўрилар қуёнлардан ҳам кўп бўлган.

— Гванж амаки, айтинг-чи...— деб гап бошлаган Тараш йўл ёқасидаги пастак четан деворли ҳовлини кўриб қолди. Ҳовли ичкарисида қозиққа қўтос боласи боғлаб қўйилган эди. Қўтос боласи ўралиб-ўралиб типирчилаб ётарди.

Тараш отдан ирғиб тушди, жиловни тутиб туришни Гванждан илтимос қилди-да, чаққонлик билан четандан ошиб ўтди. Яқингинада эмчакдан ажратилган қўтос боласи ҳолдан тойиб ётарди. Ердам кутаётгандай типирчилаб, қоп-қора, чиройли кўзлари билан Тарашга мўлтиллаб қарарди.

Тараш унинг юмшоқ бўйнидан қучди, арқонни ечди. Кейин қоп-қора туёқли кичкинагина оёқларини кўтарди ва қўтос боласини турғазиб қўйди.

Болача чайқалиб кетди, заиф ва чўзгин маъради, қадам ташламоқчи бўлди, лекин олдинги оёқлари ожизлик қилиб, яна чўккалаб қолди.

Тараш, шошилмайгина, унга туришга кўмаклашди: «Ахир эркаксан-ку, заифлик ярашмайди сенга!» дегандай қорнига шатапилаб қўйди.

Йўлга тушишди.

— Сен айиқ овига чиққанмисан?— сўради Гванж Тарашдан.

— Жвариди пистирмадан туриб.

— Тоғда-чи?

— Тоғда ов қилиб кўрмаганман.

— Нега, кўрққанмисан?

— Тоғда айиқ қаҳрли бўлади дейишади.

— Ишонма, азизим! Мен эски овчиман, сўнгги пайтларда пайдо бўлган овчилар менинг олдимда ип эшолмайди. Айиқни қопқонда овлаганман, уясидан қувиб чиқарганман, този итлар билан чакалакка қувиб борганман, юзма-юз тўқнашган пайтларим ҳам бўлган. Тоққа айиқ овига чиққанымда, аввал, пастга қувиб тушганман.

Арслон билан шердан бўлак ҳамма ҳайвон одамдан кўрқадн. Қобон, йўлидан кесиб чиққан тақдирингда ҳам ташланишга ботинмайди. Гапнинг рости ҳам шу, қолгани янги чиққан овчилар тўқиган уйдирма.

Қулоқ сол, бир нимани сўзлаб берай сенга. Фақат айтиб қўйма. Айтиб берган тақдирингда ҳам нима қилишарди энди мени? Яқинда комиссия келиб, уйимни рўйхатга олиб кетди, касалхона қиламиз дейишди.

«Бир ҳафта муҳлат беринглар, қизимни узатяпман» дедим. Хўп дейишди...

От йўрттириб келаётган бир неча сувори Гванж билан Тарашдан ўзиб кетишди.

Гванж уларнинг ўтиб кетишини кутиб турди-да, кейин ҳикоясини давом эттирди.

— Бугун борганингда кўрасан, кўрган ота-бобомдан қолгап. Менинг бобом Теймураз Илорлик дворян қизига уйланган.

Бобом яшаган қалъа вайроналари ҳали ҳануз бор. У машҳур босқинчи ва овчи бўлган, асирлар билан савдо қилган.

Таризэл Шервашидзеникида яшайдиган бебахт Лукаяни ҳам отам турклардан тортиб олган, отамдан Таризэл сотиб олган.

Қалъа хизматкор ва қуллар билан тўла бўлган. Ҳар тарафдан бу ерга гурийлик, имеретинлик, мегреллик гўзалларни келтириб туришган. Бобом кундузлари, қуролланган ва қуролланмаган йўловчиларнинг йўлини тўсган бўлса, кечалари қайиқ ва кемаларга ҳужум қилиб, уларни талаган.

Биз ҳозир шундай даврда яшайпмизки, азизим, ҳар бир кимса, ўзининг ёки оталарининг айбига иқрор бўлиши керак. Бундан ҳеч қандай наф йўқ, албатта, лекин ҳар ҳолда, кўнгил ёзилади. Иқрор бўлсанг — ҳар ҳолда анча енгил тортасан киши.

Шундай... У пайтларда мен ҳали гўр йигит эдим. Аллақандай давлатманд голланд савдогари, Очамчирга ўзининг елканли қайиғида келди. У билан бирга тиш-тирноғигача қуролланган йигирма тўрт азамат, ёш хотини, уч синглиси, бир неча хизматчи ва таржимон ҳам келган эди.

Руслар ва грузинлар Сухуми ёнида туркларга зарба беришганини эшитган бўлсанг керак? Абхазларнинг кўпчилиги ўшанда ўринларидан қўзғалиб, ҳовли-жойларига ўт қўйиб, бутун Абхазияни олов ичида қолдирдилар. Ҳа, абхазларнинг ўзи шундай қилди! Менда ҳам оз-моз абхаз қони бор — бувим абхаз бўлган.

Қочоқларнинг баъзилари ўлкани ташлаб кетишга муваффақ бўлган, кетолмаганлар тоғ ва ўрмонларга яширинишган. Суриштирмай талашаверган. На қарига, на ёшга шафқат қилишган. Шунақа замонлар бўлган! Шундай олатасир замонда бу савдогарнинг қайси юрак билан биз томонга келганига ҳамма ҳайрон. Кейин маълум бўлишича, у, Очамчирда аллақандай плантация қилмоқчи бўлган. Очамчирда эса дадамнинг ер-мулк бор эди.

Савдо-сотиқ бошланди... Биласан, дворянларимиз, ҳар нима қилиб бўлса ҳам, ерларини сотишни орзу қиларди. Ерни олса бас, ким тўғри келса шунга қуллуқ қилишаверарди... Ўлкамизни чаққон дўконга айлантирган эдик. Биздан кўра муҳожирларнинг бозори чаққон эди бунда. Ҳар бир одам қўшнисидан олдироқ, иложи борича кўпроқ сотишга уринарди.

Меҳмоннавозлигимизни айтмайсанми! Шу меҳмоннавозлигимиз, қуллик сарқитидан бўлак нарса эмас, деб ўйлайман.

Шундай қилиб дегин, диёримизда муҳожир меҳмон пайдо бўлди. Дадам Галига одам юбориб, Хвичияни, Гвичияни, Аланияни, Киутовларни чақирди. «Биз ҳам бирор нарсамизни пуллаб қолармиз...» деб илорлик дворянлар ҳам ховлиқиб қолишди-ку.

Чет элликларни ҳамма вақт ёқтирмасдим. Тарих билан салпал танишман; аргонавтлардан тортиб, ҳамма-ҳаммалари ўлкамизга фақат талаш учун келишган. Ишқилиб, арзонроқ сотиб олишса, юлишса, иложи бўлсаям, бўлмасаям тортқилашса.

Сен ҳам тарихни ўқигансан, биласан, Ҳиндистондан бу ёғида бизнинг ўлкамиздан бой ўлка бўлмаган.

Лекин аждоқларимиз ҳам, худди биз сингари исрофгар бўлган экан. Кўп нарсалар талон-тарож бўлиб кетган; яна аллақанчалари ҳар кимга инъом қилиб юборилган, сепга берилган.

Кунлардан бир кун қўлимга шундай бир китоб тушиб қолди. Ё рабий! Хўп исрофгарчиликлар бўлган экан-да! Бу дейман, телба подшоҳларимиз барча бағратион қизларига, ҳаммага ёқиб қолган византияликларга сеп бераверишган экан-да!

Нима деяётувдим... Ҳа, анави голланд ҳақида сўзлаётувдим. Тушунарли, биз ҳам меҳмоннавозликни жойига қўйдик... Марҳум отам ҳамма нарсани тўкиб-сочиб ташлади...

Суворилар йўлида зовур кўринди. Гванж зовурдан ирғиб ўтиб, гагини давом эттирди:

— Баҳайбат сихларда буқачалар бутунлигича кабоб қилинди, қозонларда бузоқлар пиширилди... Оламда мисли кўрилмаган ов ташкил этилди! Икки юз сувори Илори ўрмонларига кириб борди. Шунақа отишма бошландики — нақ уруш бошландими дейсиз!

Штуцер эндигина кашф этилган эди. Бу голландияликнинг ҳамроҳларида ўйинчоқдек мўъжазгина, янгигина штуцерлар бор эди. Штуцер ҳам гапми! Штуцердан ҳам кўра, голландияликнинг хотини мафтун этган эди мени. Унинг исми Ванстер эди. Сочининг қанақа тусдалигини биласизми? Бизнинг қизларда бунақа соч бўлмайди. Жўхори янгигина чиқарган попилтрик тусида олтиндай товланарди!

Ўрмон ичкарасида ҳамма отдан тушди, баҳайбат эман тагида тўпланишди. Ванстер от чоптиравериб чарчаган эди. Мен унга отдан туришга кўмаклашдим. Ванстер хоним отдан ирғиб туриш учун бўйнимдан қучиб, елкамга тиралганида қанчалар ҳузур қилганимни билсанг эдинг. Назаримда Биби Марьямнинг ўзи осмондан туриб, бўйнимдан қучгандек бўлди.

Уни эман тўнкасига ўтқаздим. Бир неча одим орқага тисландим-да, томоша қила бошладим. Кўйлаги тагидан мойчечак гулбарглари нақшли оқ батис ич кўйлаги кўриниб турарди...

Ақлу ҳушимни йўқотдим. «Агарда шу хотин меники бўлмаса, Жаҳона Шервашидзе туфайли ўзини денгизга ташлаб ўлдирган Гудза Маршаниа сингари ўзимни денгизга ташлайман!» деб ахд қилдим.

Қийқиришиб итбоқарларни йигишди, Гвичия, Хвичия, Алания ва Киути от елдириб келишди-да, янгигина отилган оху ва кийикларни, қирғовул ва қобонларни Ванстер хонимга тақдим этишаверди. Бу ажойиб аёл эса, эман тагида худди маликалардай ўтирар ва тўхфа келтирганларга мулоим жилмаярди.

Шуни кўрдиму юрагимга гўлгула тушди! Мен ҳам озмунча парса отдимми шу куни. Лекин биронтасини ҳам унга тўхфа қилмадим. Негаки мен: «Аёл кишининг юрагини ўғирлайман деса, унга кўп диққат-эътибор қилаверма», деган фикрдаман.

Шу чоқ голланд хоним:

— Тирик қобон тутиб келинглар менга! — деб қолди-ку.

Овчиларнинг олди-қочди уйдирма ҳикояси деб ўйлама. Мен, ростдан ҳам, тирик қобон тутдим. Ҳаммаси, албатта, ўша кезларда европа газеталарида ёзишича бўлмаган эди; у газеталарнинг ёзишига ишониладиган бўлса, бечора савдогар менга миннатдорчилик билдирган ҳам экан. Ваҳоланки, бунга ўрин ҳам йўқ эди. Мен тўғримда бўлса, тирик қобонни қурол-ёроғсиз, шундай тутиб олган, деб ёзишди. Газетчилар бутун оламни ҳам ана шундай алдашаверади! Газеталарда олди-қочди қанча кўп бўлишини ўшанда тушундим. Ўша эски газеталар ҳали ҳануз сақланади, менда, эсимга туширсанг бир кўрсатаман.

Суворилар анҳордан кечиб ўта бошлашди. Иккови жим бўлиб қолди. Тараш ўз фикри хаёли-ла банд эди. Гванж от туғидан сачраган томчилардан дарҳол ўзига келди.

— Ҳа... «Тирик қобон тутиб келинглари!»— деб туриб олди чет эллик хоним. Мен ҳовлиқиб қолдим. Аёлни севиб қолсанг, ноз-карашмаларини жойига келтириш ҳам бир бахтдай туюлади кишига! Қобонни тириклайин ҳали ҳеч кимса тутмаганини билсам ҳам, безовталаниб қолдим.

Овдан ҳали ҳамма қайтиб улгурмаган эди. «Отга мингин-да, итбоқарларни чақир!»— деб буюрди отам менга. Мен ирғиб отга миндим ва шохни чалиб, ўрмонга ичкарилаб кетдим.

Билсам — адашибман. Шох чалишни тўхтатдим-да, оҳиста дара ёқалаб кетдим.

Бундай қарасам, баҳайбат бир қобон тўғри менга қараб келяпти!

Ешлик жўшқинлиги қўймадими, ё Ванстер хонимга бўлган муҳаббатми, билмадим, ҳар қалай, оддан ирғиб тушдим-да, қобон яқин келганда ханжаримни қинидан чиқардим. Даранинг икки ёни қуюқ ўрмон бўлганидан қобон тўппа-тўғри менга қараб келмоқда эди. Ҳуркиб кетган от ўзини ёнга олди. Қобон от оёғи орасидан ўтиб кетгани учун унга ханжар уролмадим. Мен яна отга миндим-да қобон кетидан қува кетдим. Кўп ўтмай, итбоқарлар билан тозилар етиб келишди, улар ҳам қобон кетидан қува кетишди. Бизнинг бахтимизга, йўлда, бўрон қулатган катта бир қарағай ағанаб ётган эди. Ҳолдан тойган қобон дарахт устидан ирғиб ўтишга мажולי етмади чоғи, тагидан ўтмоқчи бўлди. Лекин дарахт тагида қисилиб қолиб чиқиб юборди. Ов итлари зумда унга ташланиб, оёғидан олдилар.

Оддан ирғиб тушдим-да, қобоннинг орқа оёқларидан маҳкам чангалладим. Итбоқарлар тумшугини арқон билан боғлаб, дарахт тагидан тортиб чиқардилар, оёғини чамбарчас боғлаб, орасидан таёқ ўтқаздилар-да, кўтариб йўлга тушдилар. Шундай катта қобон эдики, тўрт киши зўрға кўтарарди!

Мен атай орқада қолдим. Жасоратинг ҳақида бошқалар сўзлагани фойдали одат-да! Итбоқарлар шу замонқоқ: «Князь Гванж Апакидзе қурол-яроқсиз қобон тутиб келди» деб овоза қилиб юборишди. Менинг тантана қилишим учун шугина керак эди.

Ушанда Ванстер хоним менга қараб бир жилмайиб қўйди-ку. Назаримда қаршимда осмон дарвозаси очилгандай бўлди. Умрим охиригача унутмайман бу табассумни!

«Менга қара, ростдан ҳам, биринчи бўлиб сен тутдингми қобонни?»— деб сўради отам истеҳзоли жилмайиб.

«Илори ҳаққи қасамёд қиламан, оёғидан маҳкам тутиб олдим!» дедим. У пайтлар художўй эдим, ёлғон гапирмасдим.

Гванж жимиб қолди.

— Ҳўш, кейин-чи, кейин нима бўлди, Гванж амаки? Ван-

стер ҳақидаги ҳикоянгиз ҳали адо бўлгани йўқ,— деди Тараш жилмайиб.

— Эҳ, гапиргандан маъно чиқармикан, азизим! Бошимдан кечирган можароларни ёзилса борми, каттакон бир китобга ҳам сиғмас. Ушанда... Ушанда қобоннинг менга нафи тегмади.

Мени ақлдан оздирар даражада мафтун этган, сал бўлмаса ҳалок қилиб юбсраёзган бирдан-бир аёл шу бўлди.

Аллақанчагача атрофида гирдикапалак бўлдим, лекин ён-верида одамлари кўп бўлганидан, ҳеч нима чиқаролмадим. Фақат тасодифгина аёлга рўпара қилади, азизим!

Кейин нима бўларди? Кейин бу кўзлари порлоқ голланд аёли менга кефаль¹ овлашни ўргатди.

— Кефални қандай овлашаркан, Гванж амаки?

— Бизда кефални қандай овлашларини билмас экансан-да, а, азизим? Ойдин тунда икки қайиққа ўтирамиз. Қайиқлар оралигига арқонга боғлаб бўйра тортамыз. Қўлларимизда се-шоха. Шундай ойдин тунда кефаль сузиб келаверади-да, бирдан бўйранинг соясига дуч келади... Бу даҳшатли нарса устидан ирғиб ўтмоқчи бўлади-да, шундоққина бўйрага тушади-қўяди...

— Гўзал голланд хонимнинг бунга қандай алоқаси бор?

— Ҳозир биласан.

Энагамнинг уч ўғли, уч амаким, илорилик етти амакиваччам мен билан бирга чиқишган эди. Омадимиз келади, деб ваъда бериб эдим уларга...

Шанба кун эди. Голланд савдогари ўз яхтасида Очамчирдан сафарга чиққан эди. Биз кефаль овлагани очиқ денгизга чиқдик. Яхта кўриниши билан мен шу томонга сузиб кетдим. Бир нарсага кўзим тушди фақат: маликам қордек оппоқ либосда палубада турибди — нақ пари-пайкар дейсан!

Бошимга бошлиқ боғлаб, орқам билан сузиб бордим ва бирдан овозим борича:

— Ердан беринглар! Ердан беринглар!— дея қичқира бошладим.

Яхта юришини тўхтатди. Мени трапдан кўтариб олдилар. Бу орада биродарларим ҳам яхтага етиб келдилар, трапдан кўтарилиб, ханжарларини яланғочладилар-да, ҳаммани қўл кўтаришга мажбур этдилар.

Ханжарга шон-шарафлар бўлсин, дейман ҳар доим. Ушн шарафлашдан тинмайман! Агар сенга бирор кимса ханжарини яланғочлаб ҳужум қилгудек бўлса борми, тўппонча экан-ку, тўпинг бўлса ҳам ёрдам беролмайди сенга, билдингми, азизим!

Эркакларнинг қўл-оёғини боғладик. Мен Ванстерга ёпишдим, қолган хотин-халажни менинг ўн икки баҳодирим бўлашиб олди. Мўғул истилочиларининг қилган ишлари ёдингдами? Эркакларнинг қўл-оёғини чамбарчас боғлаб, устига тахта ташладилар-да, ўзлари уларнинг хотини билан...

¹ Ке ф а л ь — Қора денгизда яшайдиган майда балиқ.

Бошим гангиб қолди. Киутлардан бирига, жағи осилган голланд савдогарини каюта сўриси остига ташлашни буюрдим. Кейин гўзал хонимга маҳкам ёпишдим-да.. Бу лаънати оламининг бирор ерида жаннат бор бўладиган бўлса, биринчи бор уни топдим дея ҳис қилдим! Биринчи ва сўнгинчи бор топган эдим ўшанда жаннатни...

Сен ҳали ёшсан, азизим! Сўзларимни кейин бир кун эсларсан. Бунақа хотинга умрда бир бор дуч келинади, лекин гентаклик ёки ёшлик қилиб, ё бўлмаса бебахтлигиндан қўлдан чиқарасан-юборасан. Кейин бутун умринг афсус-надоматга айланади...

Кейин биз уларни сандиқларни очишга мажбур қилдик ва қип-яланғоч қолдириб жўнаб қолдик. Штуцерларни ҳам ола кетдик. Шу штуцер билан икки юзтача тўнғиз отдим,— дея ҳикоясини якунлади Гванж Апакидзе.

Узоқдан Илорининг қораси кўзга ташланди. Зангор осмон фонида қоп-қора ҳайбатли ибодатхона қад кўтарган эди. Азим арғувон дарахтларининг қуруқ шохлари денгиз тепасида бошнинг қуйи қилиб ётган ҳайбатли аждақоларнинг склетига ўхшаб кўринарди.

Тараш Илори ибодатхонасини завқ билан томоша қиларди.

— Уям тап тортмас абрек,— деди Гванж.

— Ким «у?»— сўради Тараш.

— Авлиё Георгий Илорский.

— Қанақасига абрек бўлади?

— Авлиё Георгий Илорский бутун Абхазия билан Мегрелияга донғи кетган забардаст феодал бўлган. Одамлар ҳали ҳануз унга топинишади... Ҳув анави ердаги арғувон тагидаги от-арава, чайлаларни кўряпсанми? Топинганлар, ҳозиргина келтирган эчкилар ҳам бор унда... Большевиклар худони ўз оҳанглирига солдилар. Улар эчкиларни Очамчирга юборишиб, боқимсиз болаларга едиришади.

Ҳозирги замон, инсон олло-таолодан ҳам кучли эканига ишонч ҳосил қилди менда!

Авлиё Георгий Илорский бутун Грузияни қалт-қалт титратган эди... Минглаб, ўн минглаб сифинганлар унинг қаршисида тиз чўкканлар, эмаклаганлар. Мамлакатнинг бу қонхўр, даргазаб тўраси бутун Мегрелия ва Абхазия подаларини талаган. У даҳшатли тўрагина эмас, балки ҳўкиз ўғриси ва қасоскор ҳам бўлган... Ҳозирги кунда черков гуноҳларини ёлғиз попларнинг бўйнига қўйишлари адолатдан эмас, деб ҳисоблайман.

Мерчули Илоридаги черков дворянларидан эди. Мерчули ва бизнинг оиламиз. Ҳар йили йигирма иккинчи апрелда, байрам арафасида биз Грузиянинг энг чекка пучмоғидан буқа ҳайдаб келардик. Авлиё Георгийга биз ҳайдаб келган буқани танигувчи бўлмаслиги учун, шундай энг чекка жойдан келтирардик... Буқа денгизда чўмилтирилиб, устига қум сепиларди. Бир одам

ўртага чиқарди-да, буқани авлиёнинг ўзи денгиздан олиб чиқиб келди, дея уқдирарди...

Менинг бўйнимда ҳам бир оғир гуноҳ қолган. Илорига аллақандай бир лаз келади-да: «Агар авлиё Георгий ҳақиқатан ҳам авлиё бўладиган бўлса, турклар олиб қочиб кетган буқамни ўғирлаб келтириб берсин — шундагина мен унга ишонаман», дейди.

Халойиқ — ёш гўдакдай нарса. Агар жунбишга келтирсанг, мўъжизага доп этиб ишона қоладиям, ўзига келганида эса юз ўгира қоладиям.

Черков асбоб-анжомларини сақлайдиган бинода хизмат қилувчи мерчулилик дворянлар безовталаниб қолдилар. Лазни ўласи қилиб ичириб, буқасининг нишонларини билиб олдилар, Билишса: буқанинг ҳеч қанақа белгиси йўқ экан. Сванетиядан худди шунақа бир буқа келтирилган эди. Лаз буқани кўрди-ю, ихлос билан ўзини ерга урди. Лекин байрамнинг иккинчи куниёқ: «Менинг буқамнинг қулоғи кесик эди» деб тўнғиллай бошлади. Шунда унинг тақдирини ҳал бўлди-қолди. Шу кечасиқ лазни тутиб олдик-да, оғзини бошлиқ билан маҳкам боғладик. Ортиқ уни бизда ҳам, қишлоғида ҳам ҳеч ким кўрмаган...

Тан олиш керак: большевиклар инсон ичини ёриб сарагини саракка, пучагини пучакка чиқардилар — ким марду, ким номард равшан қилдилар! Маккор худодан, мақтапчоқ зўравонлардан, алдамчи поплардан, сафсатабоз ватанпарварлардан ниқобни олдилар-ташладилар.

Бу черковда ҳали ҳануз авлиё Георгийнинг баҳайбат камони сақланади. Илори руҳонийлари бу камон тагидан неча миллион одамни олиб ўтганининг ҳисобига ким етарди! Большевиклар ҳам бутун аҳолини ана шу қабил камон тагидан ўтказишди.

Бу жуда фойдали, азизим, лекин мен учун энди жуда кеч. Мени энди ўлим ўз камони тагидан ўтказади.

Тараш атрофга аланглади. Шу чоқ аллақимнинг пакана қорасига кўзи тушди. Тараш отини тўхтатди.

— Сен бу ерга қандай қилиб келиб қолдинг, Лукая?

— Узимизникилар билан келдим.

— Ким билан?

— Окумиликлар билан.

УЗГАРИШ

Арзакан билан Забули бирга кетаётган отряд бошида Илорига кириб боргунча Тамар Шервашидзе борарди.

Абхаз одатига кўра аёл киши отличларни эргаштириб боролмайди — аёл эркак кетидан юриши керак. Лекин шервашидзе-лар доирасида, грузин одатлари эски абхаз одатларидан устун келарди. Шунинг учун ҳам Тамар олдинда боришни табиий ҳисобларди.

Шу вақтгача Тамар отда сафар қилмаган эди. Онаси билан бувиси энг уста чавандозлардан ташкил топмиш мулозимлар қуршовида тўй ёки азага борган чоқларида қиз ҳали бешиқда эди. Лекин Тамар ўзининг асов отини яхшигина бошқармоқда эди. Отда юриш унга лаззат берарди. Тамар Арзакан билан ҳизиллашиб пойга қурган бўлар ва ўқтин-ўқтин ҳамроҳларидан ўзиб кетарди.

— Отда юришни яхши кўришингни нега айтмасдинг?— сўради Арзакан.

— Ҳаёт, бизнинг ҳар бир истагимиз рўёбга чиқадиган қилиб тузилмаган-ку, ахир?

— Ҳаётни шундай қуриш керакки, истакларимиз амалга ошадиган бўлсин.

— Охири нима бўларди бунинг?

Бир неча вақт улар, Забули билан Каролинанинг суҳбатига қулоқ солиб, жим бордилар.

Забули калта кўйлақда ўзини ноқулай ҳис қилар, ўқтин-ўқтин юбқасини тортиб-тортиб қўярди. Отни ҳам яхши эпломасди.

— Энди отда сира сафарга чиқмаганим бўлсин!— дея нолларди Забули.

Каролина эса бу сафардан жуда мамнун эди. У фақат, ўзини эркаклардай енгил ҳис қилиш учун, Херипсининг спорт либосини кийиб олмаганига ачинарди.

— Агар яхши от топсам Окумига борасанми?— деб сўради Арзакан Тамардан.

— Яхши от деганинг қанақа бўлишига боғлиқ-да. Бирдан ўша яхши отинг Арабия билан Дардимандига ўхшаган бўлса-чи? Мен уни эплай олмайман. Мана бунақа от бўлса йўриғи бўлак...

Дардимандини эслаш Арзаканнинг кўз олдида Тараш образини жонлантларди. Қиз унинг отини атамагани учун, Арзакан Тамардан миннатдор бўлди.

Бир оз жим қолгач у:

— Худди шунақасини келтираман,— деди.

— ???

— Окумидан келтираман-да.

— Қимнинг отини?

— Мачагва Эшбаники... Сепга бериб туришини илтимос қиламан.

Шундай қилишга келишиб олишди.

— Ун бешинчи августда Тбилисига жўнамоқчиман... Агар бир кун олдин топсанг, албатта Окумига бориб келаман,— деб ваъда қилди Тамар.

— Институтга ҳужжат топшириш учун, менинг ҳам Тбилисига боришим керак.

— Жуда соз. Тараш Эмхвари ҳам бормоқчидай эди.. Ҳаммамиз бирга жўнай қоламиз.

«Тараш ҳам боради!» Бу хабар Арзаканнинг юрагига ўқдек

қадалди. Лекин у миқ этмади, фақат тўсатдан, бегуноҳ отини бекордан-бекор қамчилади.

Тамар жим туролмади.

— Кел, Илорига кириб бормасларидан Тараш билан Гванжга етиб оламиз,— деди ва жавобни кутмасданоқ, отига қамчи босди-да, илгарилаб кетди.

Қизга раҳм қилганидан Арзакан, Арабиани секинлатиш учун, жиловидан қаттиқ тортарди.

Каролина билан Забули орқада қолиб кетишди. Гоҳ биттасининг эгари қийшайиб кетар, гоҳ иккинчисининг жиловини калта қилиш зарурати чиқиб қоларди... Тамар эса шошиларди. Тарашга етиб олиб, у билан ким ўзарга ўйнагиси келарди.

Арзакан Каролина билан Забулини бегона одамлар билан ёлғиз қолдириб кетишни эп билмасди. Лекин Тамар шўхлик қилиб қотиб-қотиб кулар, усиз ҳам асов отини зўр бериб «чуҳ» ларди.

Уфқда Илори қуббаси кўринди.

Арзаканнинг кўнглига ғамгинлик чўкди. Бутун йўл бўйи қиз билан ёлғиз қолиш, унинг товушини ёлғиз ўзи эшитиш, ёлғиз ўзи уни қузатиб бориш ва қўриқлаш учун атайлаб Арабиани тутиб, фақат Тамар билан суҳбатлашиб борди. Қизнинг жонланиб бораётганини кўриб Арзакан ўзини бахтли ҳис қилар, пойга анча-мунча чарчатган эса-да, ҳорганини унутган эди.

«Аввалига ширин-шарбат ичириб, кейин шарбатни заҳарлаш, аёлларга хос хусусият»,— деган фикр кечди Арзаканнинг миясида ва шу он Тамарнинг:

— Илори! Илори!— деб қичқиргани эшитилди.

Арзакан қўнғироқхонанинг қорайиб кўринаётган минорасига тикилиб қаради.

— Ие, ҳали ҳам салбни олиб ташлашмабди-ю!— деб юборди у бирдан.

Қоронғи бўлишига қарамай, юлдузлар чарақлаган осмон фонда салб яққол кўринарди.

Арзакан «салб» сўзини айтиб бўлган ҳам эдики, Тамар бирдан кўкрагини чангаллади.

— Вой, худойим!— деб қичқирди ва жиловни тушнриб юборди.

Салбининг йўқотганини Тамар эндигина пайқаганини Арзакан тушунди. Қизнинг алам тўла хитоби унга азоб берди. Ёш бола сингари йиғлаб юборишга тайёр турган, хафа қизнинг чеҳрасини ой ёғдусида кўришга уринди. У ҳатто қизнинг даҳани титраётганини ҳам кўрди.

Арзакан, салб йўқолмаганини, қиз хурсанд бўлса ҳозироқ чўнтагидан чиқариб бериши ҳам мумкинлигини айтмоқчи ҳам бўлди. Лекин шу чоқ Забули билан Каролина етиб келишди-да, Тамарни саволларга кўмиб юборишди.

Каролина куйиб-пишаётган қайсинглисини овутарди.

— Қаёққа кетарди салбинг?! Даша ўринни йиғиштираётиб,

топиб олиб қўйгандир. Даша салбингни нима қилади? Шунча йилдаи бери хизматимизни қилади, ҳеч қачон ҳеч чимамизга тегмаган.

Тамар бир оз юпанди. Лекин у ёғига жим кетди, шўх суҳбатлар тўхтади. Улим тўшагида ётган онаси тухфа қилган салбни йўқотиш Тамар учун қанчалар оғирлигини ҳамма биларди.

Апакидзенинг Илоридаги ҳовлисида одам кўп, ғовур-ғувур зўр эди.

Сут эмишган ака-укалар, божалар, қўни-қўшнилар ва ёш мерчулилар чоҳаларининг барини белбоғларига қистириб олиб, тиқилишиб ошхонада уймаланишарди.

Қадимги тандирларда қип-қизил чўғ ловиллар, беш жойда гулхан ёнарди. Сихларда ҳўкиз ва бузоқлар пишириларди; куркалар, чўчқа болалари, жўжалар алоҳида пиширилмақда эди.

Гўштнинг мойи чўғга оқиб тушиб пишиллар, ҳамма ёққа ёқимли ис таратарди. Нарироқда эса, бошлиқ кийган қариялар, ёшларнинг ишини кузатиб, тўнгат ва ғўлаларда ўтиришарди, соқолдор кексалар олдинги замонларни эслашарди, ўша пайтлардаги зиёфатлар ва кўнгил очиш ўйинлари ҳақида сўзлашарди.

Қарағайнинг нариги томонига, камида беш юз киши сиғадиган супа қилинган эди. Ёшлардан қўйилган навбатчилар, меҳмондўст Гванж Апакидзенинг хизматини ўринлатмоқ ниятида гоҳ унда, гоҳ бунда югуриб-елишарди.

Ҳозир бу хонадонда ўтказилаётган нарса ҳашаматли тўйдангина иборат бўлмай, кексаларнинг кетиб бораётган ўтмишга айтаётган сўнги «алвидо»лари, эски Апакидзелар оиласи билан хайрлашув эди.

Кексалар хўмрайишиб ўтиришарди: биров трубка чекар, бошқа биров трубкасини юмшоқ пойафзалининг тумшугига уриб қоқиб тозалаш билан машғул эди.

Гулханлар атрофида ёши улуғ меҳмонлар ўтиришарди: улар ичида «Яшасин маишат!» қабилида фақат маишат қилиб кетгани келганлар ҳам бор эди.

Узоқ қишлоқлардан келган қулоқлар сўйиш учун курка, товуқлардан тортиб, сигир-бузоқларгача ташиб келишган эди. Бу воқеа қулоқлар йирик ва майда қорамолларини қира бошлаган пайтларга тўғри келган эди.

Бир тўда йигит меҳмонлар келганда таъзим билан қошига бориб, кексаларнинг оти жиловидан тутиб тушириб қўйиш учун, қўрғонга кираверишда меҳмонларни кутиб туришарди. Грузияда, катта ёшли одам отга минмоқчи ёки отидан тушмоқчи бўлса, яқин ўртада қирқта йигит турган бўлса, ҳаммаси баравар ёнига югуриб келади.

Абхаз йигитлари райком секретари Арланнинг меҳмонларига хизмат қилиб, унга бўлган ҳурматларини намоён қилмоқда эдилар.

Жўхорилар ёнида, девор тагида, ҳар бир қозик, устун, илгак, ҳужра, ертўла, лочин уяси, итхона ёнида ҳам от бойланган эди. Отлар полиз говига, боғ панжарасига, йўл устидаги толларгача боғланган эди.

Ошхонадаги хотин-халажнинг жарангдор кулгиси, болаларнинг чувур-чувури, отларнинг кишнаши, ҳуркитиб юборилган қўшни итларнинг ҳуриши ҳовлини тўлдириб юборган эди. Абхазлар йиғинларда шов-шув кўтаришмайди. Лекин бу ерда фақат абхазларгина бўлмай, Мегрелиянинг узоқ қишлоқларидан ҳам меҳмонлар бор эди. Тбилисилик ўн икки киши, шу жумладан, меҳмондўстликдан фойдаланиб қолишни яхши кўрган етти тракторчи ва шофер ҳам бор эди.

«Мегрелларни шундай маст қилайликки, стол тагида думалаб қолишсин»,— дейишарди тбилисиликлар.

Апакидзе ва Мерчули, Аланиа ва Арланлар, Малазониа, Маанлар, Хвчиа ва Гвчиа, Кнут ва Тарбалар, Гванжнинг сут эмишган ака-укалари ва болалари келаётган меҳмонларни кутиб олишга улгуришмас эди. Уларни хуш келибсиз деб қарши-лашар, отларини жойлаштиришар, зинадан уйгача кузатиб чиқиб, «хуш кўрдик», «Марҳамат, ўтирсинлар!» деб ўтказишарди, соғлиқларини, бола-чақаларини сўраб-суриштиришарди.

Гира-шира қоронғиликда Лукая Лабахуа ҳам кўриниб қоларди.

Лукая ёшлардан четланиб, ҳовлида жонсарак каловларди, кексаларга яқинроқ жойлашишга уринарди. Лекин кексалар унга нарво қилмас, шунинг учун Лукая бу ойдин тунда янги замона гафлатда қолдирган кўршаналакдай ўзини гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга уради.

Ҳеч ким уни қаршиламас, яхшироқ жойлашиб ўтиришни таклиф этмас, сиҳат-саломатлигини суриштирмасди. Лукая ҳаммадан ўзини олиб қочарди. Йиғиндагилар кўпайгани сайин у ўзини аввалгидан ҳам ёлғиз ҳис қиларди.

Йигитлар Лукаяни мазах қилиб: «Сени Тараш чақиряпти» деб алдаб-сулдаб вино турадиган ертўлага киритиб юбордилар. Қариянинг Тарашни қанчалар ҳурмат қилишини билишарди.

Унга вино ичишни таклиф қила бошлашди.

— Ичган эмасман, бир томчи ҳам оғзимга олганмасман.

— «Ичган эмасман»нинг нимаси? Ичмасанг, тўйга нега келдинг? Ёмон ният билан келгандирсан-да, куёв-келинга ёмонликни раво кўраркансан-да!

Лукая қўлига бир бурда нон олиб, Апакидзе оиласига қанчалар содиқлигига қасам ичарди.

— Илорининг марҳамати билан қасамёд қиламан, ичмайман, оғзимга сира олмаганман!

— Илорининг марҳамати дейсанми? Ха-ха-ха!— дея хахолашарди йигитлар.— Қани, ўша Илоринг? Ўша машҳур ҳўкиз ўгриси, ўша Георгийнинг аллақачон думини хода қилган. Биз салб-

ни ҳам аллақачон олиб ташлаганмиз. Яқинда авлиё суратларини ҳам Тбилисига, музейга юборамиз.

Лукая Лабахуа музей дегани нималигини билмаса ҳам, барибир тиззалари букилиб кетди, кучсизланиб, ўтириб қолди.

Шунда йигитлар каттакон шохни унинг оғзига тутишди.

Бу биринчи шохга Лукая қаттиқ қаршилик кўрсатди (умри бино бўлиб кайфнинг нималигини, аёллар билан яқинликнинг нималигини билган эмас бу қария), лекин иккинчи, учинчи шохни ортиқча қистатмай, ялинтирмай ичаверди.

Кейин то чинор тагида ўтирган Тамарга рўпара келгунча, ҳовлида кўп сандироқлади Лабахуа. Забули, Каролина, Арзакан ва Тараш Эмхвари ҳам шу ерда эди. Бошқалардан айри ўтириб олиб, улар бугунги пойга ҳақида, судьяларнинг фирромлик қилгани; ўрта пойгада, аслида биринчиликни Кац Звамбая олгани, лекин совринни Малазоннага беришгани; кичик пойгада эса Абдулла Рамаз ўғли ўрнига совринни Лакербаяга беришга қарор қилганлари ҳақида сўзлашишарди...

Тараш Эмхвари Тамар билан ёнма-ён ўтирарди. Ёнида мўлтираб турган Лукаяни қиз ҳаммадан илгари кўрди. Тараш чўнтагидан папирос чиқарди...

Чўнтагида гугурти бўла туриб:

— Оловинг йўқми?— деб мурожаат қилди у Лукаяга.

— Олов? Йўқ, хув анави ердан оламиз,— деди Лукая қарағай тагида ёнаётган гулханни кўрсатиб. Қария оёгини зўрға босар, тили гўлдираб қолган эди.

Чинор ва қарағайлар тагида ёшлар шовқин-сўрон солишарди. Лукая улар ёнидан сездирмайгина ўтиб кетмоқчи бўлди. Шундай эса-да, Тарашни айланиб ўтиб, гулханга яқинлашди, битта чўғ олиб Тарашга тутди.

Лукаянинг қўли титрар, ундан вино иси келарди. Тараш ёшлар қарияни ичириб қўйишганини тушунди. Тараш миннатдорчилик билдириб, унинг тирсагидан тутди-да, ҳовлини кесиб олиб ўтиб, хилват қалъа томон юрди.

Эски феодал минора ярим хароб ҳолга келган эди. Жануб ва шарқ томондаги деворларнинг тишлари сақланиб қолган эди. Ғарб тарафдаги ярим хароба деворнинг харсанглари орасидан анжир билан ёнғоқ дарахти ўсиб чиққан эди.

Қалъанинг асосий биноларидан нарироқда, ҳеч қандай шинаклари бўлмаган доира шаклидаги минора бўлиб, яширин йўлга олиб борадиган на эшиги ва на тешигидан нишона бор эди. Миноранинг доира шаклида текис майдончаси бўлиб, унда ҳам буталар ўсиб ётарди.

Пойгада иштирок этган, отда узоқ юриб келиб, тўй тантанасидан ҳориган Тараш Эмхвари дам олишга ўтирди. Еввойн анжир поясига суянганича, роҳат қилиб керишиб олди ва ойдинда жилваланган денгизни томоша қила бошлади.

Денгиз осойишта мудрарди. Гўё бу денгиз эмасу, мовий даладаги енгил чайқалган майсалар. Ғарб тарафдан осмонда,

қанотли малакларни эслатувчи булутлар осилиб турарди. Жанубга томон ой ёғдуси-ла жилаланган шаффоф ва енгил момиқдай оқ қўнғироқ булутлар ёйила бошлаган эди.

Шимолга томон эса, икки қанотли, одам бошли булут денгиздан осмонга кўприк бўлиб ястанганди. Гўё қиғир қанотли иблис осмон билан ер ўртасида осилиб тургандай.

Осмон ҳам, денгиз ҳам мудрарди. Узоқда чўпонлар ва ҳўкиз ўғриларининг юлдузи — Зухро юлдузи чарақларди. Эритилган олтиндек ярақлаётган ой уйқуга чўмган денгиз сатҳини сутдек оппоқ ёғдуси билан мунаввар этган эди.

— Бу қалъа неча ёшда, Лукая?

Лукая минора тагида тирсагини тиззасига қўйиб, кафти билан юзини тираб, чордана қуриб ўтирарди. Унинг ажин босган юзи ой шуъласида болага айланиб қолган оқ сочли кексага ўхшаб, кичкина ва ғалати кўринарди; одамдан ҳам кўра кўпроқ девга, жонли мавжудотдан ҳам кўра хаёлний шарпага ўхшаб кўринарди. У бутунлай хаёлга толиб, ўз фикри билан банд ўтирарди.

— Нима? Нима деяпсан, шуригэ?— эҳтиром билан қайтариб сўради у.

— Бу қалъа қачон бунёд бўлган деб сўраяпман, Лукая? — деб қичқирди Тараш гўё Лукая маст эмасу, гарангдай.

— Бу минора-чи, шуригэ, ҳув анави ой каби кекса. Менинг онам мана шу ерда сотилган эди. Бу ердан олиб кетишганда, мен ўзим, тирноқча эдим.

Тараш индамасди.

«Ростдан ҳам, бу қалъага кимлар қадам қўймаган,— ўйларди у.— Қадим греклар ҳам, аргонавтлари билан Язон ҳам бу ерда бўлган бўлиши керак. Бир вақтлар бу қалъа лазларники бўлиб, кейин византияликлар, венецияликлар, ундан кейин турклар эгаллаган бўлиши керак. Ким билади, учи найза кемалари билан неча-неча халқлар бу сувларда сузган экан?»

Тараш минора майдончасида чўзилиб ётганича, қўлини қовуштириб, осмонга, денгизга, Лукая Лабахуага қарарди. Уни ҳеч нима ташвишлантирмасди. Мана шу ҳуш бўй аңқиган заҳ жойда узоқроқ чўзилиб ётса, шунинг ўзи бас унга. Шабнам тушган кўкатлар ва дала гуллари олмос исирғаларини ялтилатардилар.

Унинг қалбини кимсасиз, дилтанг чолга нисбатан ачиниш ҳисси тўлдирди.

— Илорида илгари ҳам бўлганмисан?— деб сўради Тараш.

— Илоридами? Етти йил қўнғироқчи бўлганман. Хўжам Таризл Шервашидзе протоиерей бўлгунга қадар шу ерда ишлаганда! Авлиё Георгий ҳайитида, ким билади, қанча одам елкамдан ошган экан-а!

— «Ошган» деганинг нимаси? Нима деяпсан ўзи, Лукая?

— Нима деяпсан, дейсанми, шуригэ? Уша замонлар мен Илорига бахшида қилинган эдим-да. Черковга кираверишда юз

тубан тушиб ётиб олардим — ёшу қари — ҳамма устимдан ҳатлаб ўтиб, ибодатхонага кирарди.

Тараш, бу удум авлиё Георгий маросимига киришини биларди. Қария бу удумга ҳозир, бизнинг кунларда, қандай қараркин, деб Лукаядан суриштира бошлади у.

— Агар ўзини оллога бахшида этган бўлса, художўй одам оғриқ сезмайди. Менинг ҳаётим масаласига келсак — мени катта ҳам, кичик ҳам — ҳамма депсиган! — жавоб қилди Лукая.

Тараш ўйланиб қолди.

«Художўйлардан худо талаб қиладиган азоблар садизмга¹ асосланган! — деб ўйларди у. — Авлиё Георгийнинг қули чеккан азоб-уқубат, нега энди, миллионлаб одамларни халос қилишнинг гарови бўларкин?»

Тараш христианлик хунрезлик маросимига қай йўл билан келгани ҳақида ўйлаб кетди. Унинг фикри хаёли, онабоши асалари кетидан уядан бирин-кетин парвоз қилган асалариларга ўхшарди.

— Сенга бир ривоят сўйлаб берай, шуригэ! — деди тўсатдан Лукая.

Тараш ҳайрон бўлди. Шу чёққача Лукаянинг, ҳали бирон марта бўлсин, икки оғиз сўзни келиштириб гапирганини эшитган эмас эди. Кўзини очно, қарияга қараб қўйди.

Бу ойдин тунда қария ўзгариб қолгандай эди. Тараш қимир этмади. Лукая сўзлай бошлади! Мана мен унинг ҳикоясини бундай сўзлаб бераман:

— Баҳайбат бир дарахт тагида ўн икки йигит тураркан. Шулардан ўн бири ногирон экан. Ўн иккинчиси — кўзи очиги кўрсаки: дарахтнинг қир учуда, патлари товланган, мовий тусдаги қуш қўниб турганмиш. Қушни томоша қилишнинг ўзи киши руҳини енгиллатиб юбораркан. Лекин йигитларнинг ўн биттаси бу манзарани томоша қилишдан маҳрум экан. Кўзи очиқ йигит шу қушни тутиш иштиёқи билан ёнибди, лекин у тугма оқсоқ бўлиб, дарахт эса жуда баланд экан, танаси қулочга келмас экан, дарахтга суяб қўйиш учун эса яқин ўртада шоти йўқ экан.

Шунда оқсоқ йигит, ўн биринчисининг елкасига чиқиб, қушни тутмоқ киятида, ўн бир биродаридан, бир-бирининг елкасига чиқиб туришни илтимос қилибди.

Кўзи очиги, одамларни одамларга миндириб, энг тепасидаги ўн биринчисининг устига чиққанида, тўсатдан биринчиси, ерда тургани, ўн бир кишининг оғирлигини кўтаришни истамабди-да, атайлаб йиқилибди, жонли шоти қулабди.

Кўзи очиқ ажиб қушни туюлмабди, қуш учиб кетибди».

— Бу ривоятни нега ҳикоя қилдинг, Лукая?

— Шунчаки, ўзим сўзладим-да, шуригэ.

Бирдан осмон бошқача, янги ранг олди. Шимолда осилиб қолган қора булут яна ҳам қуюқлашди. Тараш қимир этмай, су-

¹ С а д и з м — бировни азоблаб лаззатланиш. (Тарж.)

кутга чўмиб ётаркан, осмон ва денгизнинг мовий тусига қоранг кўшилиб боришини кузатарди.

Денгиз қайга йўқолди?

Денгиз ғойиб бўлган эди.

Шу чоқ Тараш Апокалипсисдаги: «Еру замин ғойиб бўлди, денгиздан ҳам ном-нишон қолмади» деган сўзларни хотирлади.

ТАКА ШОХИ

Тараш супага келганда базм бошланган эди. Бу ерга келмасидан илгари у Лукая билан ёнма-ён ўтиришни келишиб олган эди. Лекин ўгирилиб қараб, қарияни кўрмади.

Тараш, Тамар билан Каролинанинг ўртасига бориб ўтирди. Тамарнинг чап тарафида Забули, Забулининг ёнида Арзакан ўтирарди.

Тараш Эмхварини кўриб, кўплар ўринларидан ирғиб туришди. Чежиа қоштини чимириб, ёқтирмагандай қараб қўйди.

Гванж Апакидзенинг ўзи тамадалик вазифасини ўтарди. Унинг тилидан бол томарди.

— Агар вақти ғаниматда ҳаракатини қилиб қолганда, ундан ҳақиқий нотик чиқиши мумкин эди,— деб шивирлади Тараш Каролинага.— Қолхида шоҳи Малас давридагина бу тоифа дипломат ва нотиклар бўлгучи эди.

Дарҳақиқат, Гванж Апакидзе жуда устомонлик билан сўзлаб, одоб ва назокатини намойиш қиларди.

Шардин Алшибая тамаданинг топшириғи билан бузоқ сонни кесарди. Бу ишни у истар-истамас бажарарди, умуман, кайфияти бузуқ эди. (Ҳар гал тамада бўлиб сайланмай қолганида, шундай бўларди.)

Арзакан Забулини гапга солиб, меҳмон қилиб ўтирарди.

Тамар хомуш эди, зўрма-зўракигина жилмаярди. У оз ер, ундан ҳам оз сўзларди.

Тараш сездики, Тамарнинг юзидаги нозик мўйлар аввалгидан кўра сезиларли бўлиб қолибди, демак, қиз бир нимадан хафа.

У аёлларни бир-бир кўздан кечириб чиқди.

Тарашдан сал нарироқда Маршанианинг оппоқ, гўзал қизи ўтирарди. Қиз Тарашга гўзал итальян мадонналарини эслатарди. Фақат қиз кўзининг мовийлиги, Ломбардия аёллари кўзининг зангорига мойил бўлиб порлашидан бўлакчароқ.

Тараш стол охирида ўтирган баланд кўкракли, қисик кўз, елкадор мегрель қизини кўрди.

Хизмат қилиб юрган ёшлар ичида уч қиз алоҳида ажралиб турарди. Улар оддийгина кийинишган эди. Уларнинг каттаси, бодом қовоқ қиз, ўнг қўлини дугонасининг елкасига ташлади. Бу қўллар ҳеч қандай парвариш кўрмаган эсаларда, нафисликда Жатто ва Рафаэл мадонналари қўлларидан қолишмасди.

Унинг кўкракдор дугонасининг ҳуснини сепкил сал бузиб турарди, холос.

Тамаданинг орқасида, фахрли ўрин ёнида Гванж Апакидзе-нинг кичик қизи Зесна бир кўза қизил вино кўтариб турарди. Унинг юзида сариққа мойиллик бўлиб (субтропик мамлакатларида бу ҳол учраб туради), даҳанида сезилар-сезилмас чуқур-часи бор эди. У, узум пишиб тоғоралардан ширин ва қуюқ шарбат билқиллаб қуйилиб турадиган ҳосилдор Кахетия кузини эслатарди.

Стул охирида яна тўрт қиз уймалаңарди. Ҳаммаларининг бир хилда сарвлигидан, кўзларининг катта-катталигидан, қошларининг қайрилганлигидан, уларнинг қариндош эканликлари сезилиб турарди. Энг баланд бўйлигининг пешанаси ва юзида, унга алоҳида ҳусн бериб турган холи бор эди.

— Улар Убиси расмларидаги малойикаларга ўхшашади-я!— деди Тараш.

Каролина дарҳол уларнинг кимлигини суриштиради. Қизлар Қардава авлодидан экан. Тарашни қизлардан ҳам кўра йигитлар маҳлиё қилди.

Тараш улардан биридан, ниҳоятда чиройли ўн етти яшар мегрель йигитидан кўз узолмай қолди.

— Иосиф Прекраснийнинг ўзгинаси эмасми?— деб сўради Тараш Каролинадан.

Йигит тамаданинг топшириқларини бажариб, қарияларнинг ҳар бир имо-ишорасини назокат билан адо этарди.

Йигит чохасининг барини белбоғига қистириб, супа устида тоғ эчкисидай югуриб-еларди; унинг ҳар бир ҳаракати енгил ва назокатли эди.

Каролина ҳам унга эътибор қилди ва йигитнинг абхазча исми бўлса ҳам уни «Мурильо» деб атай бошлади.

«Мурильо» ёнида бўйни узун, елкадор йигит ҳам ўралашиб юрарди. Тамада уни Жвебе дея чақирарди.

Кескин ҳаракатлардан Жвебенинг қуюқ, малла жингалак сочлари кенг пешанасида шўх силкинарди. Қомати баҳодирларникидай, оёғи узун бўлишига қарамай, юзи ёш болаларникига ўхшарди: мовий кўзлар, кичкина даҳан, чўччайиб турган лаблар унга болалик қиёфасини берарди.

Жвебенинг эғнидаги сичқон тус чоха тагида беҳи ранг архалух. Еқаси унинг йўғон бўйнига торлик қилгандай, бир неча тугмаси узилган. (Архалухни тўйда кийиб туриш учун биронта одамдан олиб турган бўлса ҳам ажаб эмас.)

Гардани қўйникига ўхшаш, бўйдор, елкаси эски чохасини ёриб чиққудек таранг қилиб турган киши кабоб улашарди. Бу кишининг кўзигача тушиб турган сочлари оқ, мўйлови қора, соқоли кул ранг. Унинг юзидан шунақа бир мулойимлик уфуриб турардики, ҳатто қиличини яланғочлаган душман ҳам унинг қаршисида ийиб, тўхтаб қоларди.

Бу барваста йигитни, кичрайтувчи исм билан, Хуту деб аташларини эшитиб, Каролина кулиб юборди. Шу оғиркарвон Хутунинг балиқчи эканини эшитиб яна ҳайрон бўлди. Унинг назарида бу ҳол, кишининг касби қиёфасидан сезилиб туради, деган назарияни бекор қилаётгандай эди.

Каролина Тараш эътиборини стол охирида ўтирган тракторчига тортди. Юзи офтобда қорайган, сақичдай тим қора сочли, миқтидан келган барваста одамнинг кенг, текис пешанасидаги қора қошлари гўё Горгасалининг икки камони мисол. Ҳар бир қадаҳ кўтарилганда у ирғиб ўрнидан турарди.

Унинг эгнида оддий, яшил блуза. Унинг камдан-кам учрайдиган баҳодирона жуссаси кўзга ташланиб турарди. Унинг ҳаракатланиб турувчи даҳани ва жағи карталинлик эканлигини кўрсатиб турарди. Тбилисилик тракторчилар уни Сандро деб аташарди.

— Рассом бўлмаганимга ўла-ўлгунимча пушаймон ейман,— деди Каролинага Тараш Эмхвари.— Рассом бўлганимда, бу чеҳраларни, албатта, полотнога кўчирган бўлардим. Гагарин, Шевалье де Гамба ва католик миссионерларининг альбомларидаги грузин нусхалари булар олдида ип эшолмай қоларди.

Тамаданинг буйруғи билан Сандро, Кахетиянинг «Мравал-жамьер» қўшиғини бошлаб юборди.

Йигирма чоқли одам унга жўр бўлди, қолганлар берилиб тинглашарди. Овозлар супа бўйлаб шундай гулдирардики, гўё юз овозлик хор, овоз яхшироқ жарангласин деган ниятда, бўш кўзалар қўйилган грузин ибодатхонасида куйлаётгандек эди.

Кейин абхазлар ярадор жангчи ҳақидаги ажойиб, юракни эритувчи бир қўшиқни бошлашди. Улар қўшиқни энди тугатишиб ҳам эдики, мегреллар баланд, таъсирли ва тантанали овозда «Кейсрули»ни бошлаб юборишди.

«Далай, далай, сарбозлар...»— дея куйлашарди тбилисилик меҳмонлар.

— Сизларда афт-ангорга қараб табақани айириб бўлмас экан, билишимча,— деди Каролина.— Европанинг ҳамма ерида, Италиядан ташқари, қайси табақага мансублигини аҳолининг афт-ангоридан билса бўлади.

— Грузияга сафар қилган Арканжело Ламберти икки аср муқаддам бунга эътибор қилган. Умуман, назокатли гўзаллик, миллатнинг соғломлигидан далолат беради, деб ҳисобламайм...

— Узингизнинг назокатли эски зотингизни қўполроқ ёш қон билан янгиласангиз яхши бўларди,— деб жавоб берди унга Каролина.— У винодан ҳўплади ва стаканни қўлида тутганича, Тарашга, гўё биринчи бор кўриб тургандай қаради.

Тамар немис тилини, айниқса, тез сўзлаганда, яхши тушунмасди. Уларнинг чет тилда сўзлашуви меҳмонларга ёқмаётганини Тамар сизди. Шунинг учун Каролина ва Тараш номидан авф сўрашга шошилди:

— Каролина грузин тилини ҳам, абхаз тилини ҳам билмайди. Шунинг учун Тараш у билан немис тилида гаплашяпти.

Тамада қадаҳ кўтаришда давом этди, косалардан стаканларга ўтди. Кейин ёғлоғиларга кўчишди, салдан кейин ҳўкиз шохларига ўтишди. Улар ҳам сипқорилгандан кейин «Мурильо» каттакон қора така шохи келтирди.

Худди шунақа шохнинг иккинчисини Гванж Апакидзенинг қизи Зесна кўтариб турган эди. «Мурильо» шохни Чежиага узатди.

Чежиа ичмасди. Лекин тамада, биринчи қадаҳни Аренба Арланнинг «хонадони фариштаси» учун кўтариш керак, деб туриб олди. Чежиа, қандай рад қилишини билмай, ҳайрон эди. Зиёфатнинг қандай бораётганини Аренба синчиклаб кузатиб ўтирганини у ҳис қиларди.

Унинг жонига қадаҳга ҳам, «хонадон фариштаси»га ҳам ишонавермайдиган Арланнинг ўзи ора кирди. У Чежиани шохни сипқариш вазифасидан озод қилишни сўраб, тамадага мурожаат қилди.

Тамада норозилик билан ён берди.

Арзакан шохда ҳали сипқормаган эди. Чежианинг ичишини жуда хоҳларди. Лекин Чежиа рад этгач, Арзакан ҳам шохни рад қилди.

Энди Зесна Тарашга шох тутди ва у итоат қилишга мажбур бўлди. Ичиб юборди-ю, зўрға жойига ўтирди, ҳамма нарса бирдан Бискай бўғозидан ўтаётганида, ноябрь тунида рўй берган шторм чоғидагидек, гир айлана кетди.

Назариди, бутун супа — тамададан тортиб меҳмонларгача гир-гир айланарди. Пешанасига совуқ тер чиқди.

У жон ҳолатда абхаз қалампирига ёпишди ва бир бурда қотган нон билан чайнай бошлади.

Тараш ортиқ на Каролина билан гаплаша олар ва на Тамарга қарай оларди. У қўлини стол тагига осилтириб, стулни чангаллаганича, ҳазин мегрель қўшигининг майин куйига қулоқ турарди.

Мажруҳдирман, ҳам қўлим боғлиқ,
Мени ташлаб кетар бўлдинг сен,

дея куйларди стол сўнгида ўтирган «малойка сифат Зесна».

Бу товушлар вино ва тамаки тутуни билан гангиган тасаввурини аллалар, тебратиб, уни аллазамонларга, ўз сеньорларининг хотинига ошиқ бўлган эркин йигитларни пухта исканжага солган замонларга олиб кетди.

Қип-қизил лабларини очиб Зесна Апакидзе куйларди.

Балоғатга етган қизнинг худди шундай, ёш боланикига ўхшаб очилган оғзини қаерда кўрган эканман, деган фикр Тарашни қийнарди. Лукас Қранахнинг малоикалар деган бир туркум суратларидами, ёинки, унутилган грузин фрескаларидами?

Бу қўшиқ тугагач, тбилисилик меҳмон Сандро бошқа қўшиқ бошлади:

Мцхетада олтин сағана бордир,
Сағанада мавжланади ёруғ нур...

Тбилисилик меҳмонларнинг кучли, салмоқдор овозлари унга жўр бўлди. Тамада, Зесна билан «Мурильо»га меҳмонларга пиёлаларда май тутишни буюрди.

Гванж Апакидзенинг юзи вино ҳароратидан қизариб кетган эди. Ранги ўнгган, эски архалух кийган чол, зиёфат авжида чиройли бўлиб кўринарди. Қари кунда сингари мустақкам ва бужмайиб турар, ўзининг баҳодирона кўриниши билан бошқаларга далда берар, ёшлар билан ким кўп ичишда мусобақалашарди.

— Келиндан бўлса, ҳалигача дарак йўқ,— истеҳзо билан деди Каролина Тамар томонга энгашиб.

— Топган гапингларни қаранг-а!— жилмайди қиз.— Келининг супага келиши мумкинмидики? Ҳозир у ўзининг тўйхонасида, совға-салом кутиб ўтирибди.

— Наҳотки Абхазияда ҳанузгача бу одат ўз кучини йўқотмаган бўлса?— сўради Каролина.

Гванж Апакидзе одоб билан ўрnidан турди-да, гап бошлади:

— Мен — ўқимаган, тушунмаган одамман... Мендан кўп нарса талаб қилиб бўлмайди... Баъзилар мени жоҳил одам деб ҳисоблашади. Лекин мен кема мачтасини сомон парчасидан, мушукнинг миёвлашини арслон ўкиригидан фарқ қилолмайдиган даражада сўқир эмасман.

Мана шундай баландпарвоз, қочириқли сўз устаси яна аллақанча гаплар гапирди.

Гванж ҳар нима қилиб бўлса ҳам Арзаканни ичириб, маст қилмоқчи эди.

У ҳали тўй бошланмасданоқ Арзаканга, Арабиани сотсин, деган таклифни етказиш учун одам юбориб:

«Августда Тбилисига ўқишга кетар экансан. Агар отингни сотмоқчи бўлсанг биз харидор» деган эди.

Арзаканнинг юраги шиғ этиб кетди. Пойга бошланмасидан чол нега Арабиани бебош от бу, эгасини ҳалок қилади, деганини энди тушунди.

Арзакан таклифни хушмуомалалик билан рад қилди ва шу заҳотиёқ тўйни ташлаб чиқиб кетмоқчи бўлди, лекин Тамар:

— Ҳар нима қилганда ҳам Гванж Апакидзе менинг чўқинтирган отам. Наҳотки чолни беҳурмат қилиб чиқиб кетсанг?— дея тўхтатиб қолди.

Лекин собиқ князнинг жазаваси тутган, сира тинчий олмасди. У Арзаканнинг ичишни яхши кўришини, фақат Чежиадап гортиниб турганини биларди. Чежиа бўлса, асли ичмайдиганлардан. Арзаканни бир така шохи-ю, яна ўн пиёла билан йиқитса бўлади.

Гванж Гвасалианинг ўглига, Арзаканга адоват сақлаб юрган Жотонинг қулоғига:

— Звамбаянинг ўғлини бир маст қил,— деб шивирлади.—
Биз уни «хинткириа»га қўшамиз.

Режа шундай эди: Гванж чўқинтирган қизини супада тўхта-
тиб қолади; Тамарни севган маст Арзакан Жотога ташланади.
Шунда Гвасалианинг ўгли Арзаканнинг чап кўкрагига, бир
бармоқ бўйича қилиб ханжар санчади.

Тамада ҳеч кимни супадан ҳушёр турғизмайди. Қим ҳақу,
ким гуноҳкор кейин ажратиб олавер. Ахир абхаз тўйлари, азал-
дан, хунрезликсиз бўлмаслигини ҳамма билади.

Гванж Апакидзе миясида шундай режа тузган эди.

ОҚ НИҚОБ ВА ҚИЗИЛ НИҚОБ

Тамада столни назардан ўтқазди.

У илондек доно эди. Жиддий нарсалар ҳақида узоқ сўзласанг,
одамларни зериктириб қўйиш мумкинлигини биларди.

Гвасалианинг ўглига кўз қисиб қўйган эди, рақс бошланди.

Ўзал Зесна ўртага чиқиб қўлларини силкиди-да, доира чи-
зиб, сирғала кетди.

Зесна рақс тушганда унинг тоғ олчаси тусидаги лабида чи-
ройли табассум пайдо бўларди. У семиз сонларининг ва тўла
кўкрагининг силкиниши билан эркаклар кўнглига гулу солиб,
афсусли доирада ҳамон сирғаларди.

Жото Гвасалиа кул ранг чоха кийган Жвевени ўртага итариб
чиқарди. Жвеве катта, кучли қўлларини қанот сифат ёйди, узун,
чиройли оёқларини бир-бир суриб, йўрғалай кетди.

Ўё калхат Зеснани қувлаётир. Лекин қип-қизариб кетган
Зесна: «Қочяпман, учиб кетяпман, етолмайсан!» деган мисол
калхатдан ўзини олиб қочарди.

Қизишиб кетган йигит қиз кетидан қувалай кетди.

Етиб олди, мана, тутиб ҳам олади! Қизга кўз тикса бас, Зес-
на калхат чангалига тушган кабутардек жимиб, қотиб қолади.
Зесна йигит ёнида сирғалади, унинг қанот каби ёйган қўли та-
гига шўнғийди ва ундан қочади.

Бирдан гулдурос қарсақлар кўтарилганда Зесна аввалгидан
баттар қизариб кетди.

Рақс тугади. Жвеве қизга икки букилиб таъзим қилиб, мин-
натдорчилик билдирди.

Қандайдир маънос жуфт рақсга туша бошлади. Жамоат зе-
рика бошлади. Шунда Гвасалиа Тамар қошига югуриб келди.

Арзакан унга бир ўқрайиб қараб қўйди: қиз қошига ҳаддан
ташқари шилқимлик қилиб келган эди, юзини қиз юзига ҳаддан
ташқари яқинлаштирган эди...

Тамар рақс тушишни рад қила бошлади.

Шервашидзенинг қизи хомушлигини барча сезиб ўтирарди.

Шуниг учун ҳамма баробар рақсга таклиф қила бошлади уни. Қизлар ва йигитлар чапак чалишарди.

Тамада ўрнидан турди, чўқинтирган қизининг пешанасидан ўпди ва отаси, сеvimли акаси ҳаққи ўйинга тушишни сўрай бошлади. Тамар боши оғриётганини баҳона қилиб, рад этишда давом қиларди. Лекин тамада бўш келмасди. Қиз ҳам ўжарлик қилмоқда эди.

— Онажонинг Жаҳона ҳаққи, илтимос қиламан, бир ўйнаб бер!

Шундагина Шервашидзе қизи ўрнидан турди. Рақс оҳангига мос қарсак чала бошлашди. Қиз ҳаммани шундай маҳлиё қилиб қўйган эдики, ҳатто шу авлодни жонидан ёмон кўрган собиқ хизматкорлар ҳам қарсак чала бошлашди.

Ранги ўчган, мулойим Тамар, вазмингина рақс тушарди.

Оёғи ерга тегар-тегмас сирғаларди. Пишиқ қилиб ўрилган йўғон сочларини қиз сонлари эркаларди. Кичкинагина оёқлари кўйлаги тагида икки кабутар сингари патирларди.

Бора-бора ўзи ҳам рақсга берилиб кетди.

Михета ибодатхонасида «Самайи раққосалари» деб аталувчи сурат бор. Уша ерда тасвирланган қизлардан бирининг бошида грузинча бош кийими, оёғида учи қайрилган баланд қизил туфли, боши орқага ташланган. Қисқагина, енгил тўр кўзига соя ташлаб туради. (Ўрта асрларда Венеция аёллари маска ўрнида шундай тўр тутишарди.)

Тамар бошини орқага ташлаб, кўзини ерга тикканда киприкларининг сояси юзига тушиб, ўша қизга ўхшаб кетарди. Узоқдан қараганда юзига тушиб турган соя эмас, маска ўрнида кийиладиган тўр бўлиб кўринарди.

Тамар хаёлот ҳукмида қолгандай, кўзи бойлоқлигича қисматини излаётгандай, ўртада сирғаларди. У қўлини шундай енгил силкитардики, гўё бу қўл эмас, қанот эди. Унинг ҳаводек енгил гавдаси доира чизиб йўрғалар, рангсиз бетига қизиллик юрган эди.

Рақс мақоми тезлашди, Тамар ўзини тутиб қололмагандай, шитоб билан йўрғалаб кетди.

Бирдан ҳаракатини секинлатди. Бировни кўриб қолдими? Узун киприкларини қоқди, денгиз тўлқини тусидаги кўзини бўшлиққа тикди. Ортиқ бола эмаслигини унутгандай, болалардай жилмайди.

Ҳамманинг назарида: табассум бир шакл касб этиб, тўй зиёфатида ўзи қанот қоқиб юргандай бўлди!

Ҳеч ким рақсга қўшилмас, унга жуфт бўлиб рақс тушишга ботинмас эди. Буюк гўзаллик, кўпинча, қўрқувга ўхшаш бир ҳурмат уйғотади.

Бундай дақиқаларда сурбет одамгина бунни ҳис қилмайди. (Шуниг учун ҳам гўзал қиз кўпинча, баҳодирга эмас, сурбетга насиб қилади.)

Гвасалии шундайлардан эди.

Довюракларнинг тортиниб турганини кўрган Гвасалиа, ўй-ланиб турмай, ўртага тушиб, Тамар билан рақс туша кетди.

Унинг калта даҳанини ханжар жароҳатидан қолган чандиқ яна ҳам хунуқлаштириб юборган эди. Бурни қирғийникидек қайрилган, кўзи буғдой дони тусида.

Букчайган Гвасалиа рақс тушаркан, буралиб шундай қилиқлар қилардики, гўё қанот қоққан беданани пастдан илиб кетиш учун қувлаб келаётган қирғийга ўхшарди.

Ана доира чизиб қочаётган қиз кетидан интилди.

Тамар қўлини туширди, ўзини четга олди, кейин ўнг қўлини яна силкиди-да, шериги ёнидан худди қушдай учди-кетди.

Лекин Гвасалиа бўш келмасди, у гўё ақлу ҳушини йўқотгандай эди. Ниҳоят, қизга етиб олди. Мана ҳозир тутиб, бағрига босиб оладигандай, қучоғидан асло чиқармайдигандай...

Тамар кўзини ерга тикди-да, бирдан бошини орқага ташлаб, Жотога хотиржам тик боқди. Унга кўз тикканча, мулойим жилмайди. (Гўзалликни қуёшга қиёс қилса бўлади: шафқатли ва шаффоф.)

Кейин, гўё шеригининг яширин эҳтиросини ҳис этгандай, бирдан юзини ўгирди, узоқлашиб йўрғалаб кетди ва нарида рақс туша бошлади.

Гвасалиа яна уни қувалай кетди. Мана у етиб олди, Тамарга тегиб кетгудек яқин келди, маст кўзлари-ла унга тикилди.

Арзаканнинг бети қип-қизариб кетди. Забули бунни шу замоноқ сезди.

Каролина билан Тараш рақсдан кўз узмай, кузатиб ўтиришарди. Тараш ҳаяжонланарди. У папирос кетидан папирос чекарди, ҳаяжонини сукут билан сездириб қўймаслик учун у, Каролина билан лезгинка ҳақида суҳбатлаша бошлади.

— Биронта европалик қиз лезгинка билан узундарни ўзидай қилиб ўйнаёлмайди. Бу рақслар сизларнинг менуэт ва вальсларингиздан кўра романтикроқ... Ҳозирги фокстрот, танго ва «айиқ ўйинлари» қуруқ олифтагарчиликдан нарига ўтмаган Европа маданиятининг аянчли бўлаклари холос.

Сен тоғларда, чўққилар, тошлар аро
Ўйноқлайсан, менинг хуркак кийгим!

— дея куйлашарди тбилисилик меҳмонлар.

Тамар тўхтади. Гулдурос қарсақлар гулдираб, уни қайта чорларди рақсга, Лекин Тамар ортиқ рақс қилмади.

Ўртага оғанини Аланиалар тушди.

Тўрт киши қўлини қўлига бериб, оҳангга мос чайқалар, оёқларини дўпирлатар, куйга монанд ирғишлардилар. Бошқаларни бошқариб бораётган бири қийқирар, бирдан тиззалаб қолар, орқасига энгашарди. Қолганлар эса, жазаваси тутгандай, турган жойларидан жилмай жадаллаган куйга монанд рақс қилишарди.

Шу чоқ Тарашнинг хаёли, мажусийлар мурда тепасида рақс тушган узоқ қора ўтмишга олиб кетди. Кигиз махси кийган оёқларнинг жадал ҳаракати уни ҳайратга соларди. Унинг назарида булар эртактлардаги полвонларнинг паҳмоқ оёқларига ўхшарди.

Ешлар қўшиқ бошлаб юборишди.

Тараш бир чеккада маъюс ўтирган Тамарга қаради. Қизга раҳми келди. Одатда Тараш одамлар олдида у билан гаплашмасликка ҳаракат қиларди. Лекин ҳозир унинг кайфи ошиб қолган бўлгани учун одатига хилоф ўлароқ, қизни гапга солди.

— Нега доним жим ўтирасан? Кўпчилик ичида бундай қилиш яхши эмас.

— Кўпчилик билан менинг нима ишим бор. Бошим оғрипти.

— Юр, арғувонлар тагида айланиб келамиз.

— Қайси арғувонлар тагида?

— Илоридаги.

— Йўғ-е, Тараш! Одамлар нима дейди?

— Бу одамлар нима деса-демаса, Илори арғувонларини томоша қилганимиз қолади.

Тамар ўзини бирор айб қилиб қўлга тушгандай ҳис қилди. Жимиб қолди, киприкларини пастга туширди, тиззасига қўйган қўлларини кўздан кечира бошлади.

Тараш норозилик билан нари кетди.

Тортинмай-нетмай Каролинани қўлтигидан олди ва Тамар эшитсин учун атайин баланд товушда:

— Наҳотки чарчамаган бўлсангиз? Юринг, ўтлоққа бориб сайр қиламиз... Қандай чиройли ойдин кеча,— деди.

— Жоним билан,— деди Каролина ва стол ёнидан турди.— Балким Тамар ҳам борар биз билан?— таклиф қилди у қизга қараб.

Тамар индамади.

Тараш ундан олдин жавоб қилди:

— Унга айтувдим, боргиси йўқ.

Буни эшитиб Тамар бошини эгди, кўзи тиниб, аъзойи бадани бўшашиб кетди. Тамар стул суйанчигига ўзини ташлади ва анча-гача қимир этмай ўтирди.

Арзакан бу ҳолни сизди. Пиёласида қолган винони бир кўтаришда симирди.

...Тараш билан Каролина жим боришарди.

Тараш Каролинанинг тафтини яқиндан ҳис қиларди. У безовта эди.

Юзларга етган арғувонлар соясида жимгина сайр қилишарди.

Шу сояликда, Тарашнинг назарида, ер оёғи тагида оҳиста чайқалиб турган юпқа бўйрага ўхшарди.

Қандайдир бир қуш шохлар орасидан патирлаб учиб чиқди.

— Тамарга нисбатан ҳаддан ташқари бешафқатсиз,— деди ниҳоят Каролина.

— Бешафқат.

— Ҳа. Сизни кузатиб юраман. Грузин аёлларига ачинаман. Ҳаммангиз — хоҳ ота, хоҳ қаллиғ, хоҳ эр бўлинг — ҳаммангиз бирдай золимсиз. Аёллардан нима талаб қилганингизни ўзингиз ҳам билмайсиз. Ўзини сал мустақил тутдими, бас, дарҳол: «бузилиб кетди!» деб дод соласиз.

Агар сипо бўлишса уларни порсо дейсизлар, тегманозик дейсизлар. Шўрликлар шу алфоз икки олов ўртасида яшашади. Қарабсизки, чодра ёпинтириб, ҳарамга қамаш ҳам яқин қолибди. Сизларда, европаликнинг шаккоклиги-ю, осиеликнинг золимлиги айқаш-уйқаш бўлиб кетган!

Аёлни ўзингизга ўйнаш қилмоқчи бўлсангиз, ундан мустақил ҳаракат қилишни талаб қиласиз. Аёлни хотинликка олганингизда бўлса уни осиеликларга ўхшаб жамиятдан яширасиз.

— Нега бу гапларни гапиряпсиз?

— Нега бўлмаса Тамарни таклиф қилмадингиз?

— Ўзингиз сира хоҳладингизми шундай қилишимни?— деб сўради Тараш юзини Каролинага яқинлаштириб.

— Менга барибир. Лекин унинг сиз билан келгиси бор эди.

— Таклиф қилувдим, рад қилди.

— Икки киши бўлиб боришига кўнмади-да!

Тараш гапи ёлғон чиққанидан уялди.

Яна жим бўлиб қолди.

Тараш Каролинани бағрига тортди. Улар бир-бирларига суйкалишганича, монастирнинг печакгул чирмашган деворига-ча боришди. Улар анчагача, деворнинг ёриқ жойига дуч келгунча санғиб юришди.

Каролина вайронага тирмашиб чиқа олмади. Тараш уни кўтариб, девор тепасига чиқариб қўйди-да, кейин ўзи кўкатлар ўсган монастирь ҳовлисига сакраб тушди.

Улар кўклам таратган муаттар ислардан лаззатланиб, узоқ ётишди.

Қадимги Илори ва ибодатхона теграсида, афсонавий шам сингари қад кўтарган баҳайбат сарвлар тепасида зумрад осмон ястанган эди.

Тараш хаёлпарастлик билан тасаввур қиларди: тепасидан айрилиб кетган сарвни осмонга икки шохини чўзган иблис деса бўлади. Иккинчиси, яшин теккан бўлса керак, тагидан қийшайиб, буралиб-буралиб осмонга бўй чўзган эди.

Эҳтироси қонгандан кейин Тараш Каролинанинг бошини ибодатхонанинг шарпасига ўғирди ва:

— Мана шу равоқдан бизга минг йиллар қараяпти...— деди.

* * *

Арзакан тарқатиб юрилган азарпеш-ёғлоғиларни — қовоқ ёғлоғи-ю, сопол пиёла ва стаканларни бир кўтаришда сипқорарди.

Тамарнинг ёнига боргиси келар, лекин Забулидан торти-
нарди. Бу орада Жото Гвасалиа Тамар қошига югуриб
келди.

Гвасалианинг қаттиқ мастлигини Арзакан кўриб турарди.
Энди Жото лабини андишасизлик билан қиз қулоғига жуда
яқин келтириб, алланималар деб шивирларди. Тамар ўзини ун-
дан олиб қочар, лекин йигит яна яқинлашарди.

Тамар Зеснани чақириб олди.

— Бошим оғриб кетяпти, бирон жой кўрсатсанг, дам олсам.

Қизлар чиқиб кетишди. Бошқа меҳмонлар ҳам ўринларидан
кўзғалишди.

Гванж Апакидзе Гвасалианинг қўлидан маҳкам тутиб, ҳов-
лига бошлаб чиқди, атрофга аланглади.

Шабнам тушган ўтлоқ сутдек ойдин эди.

— Сен билан гаплашадиган гапим бор. Улар сарв соясига
ўтиришди.

— Нима гап, Гванж амаки?

— Сенга ёқадими?

— Кимни гапиряпсиз, Гванж амаки?

— Гўё ҳеч нимани билмайсан-а, бўрига ем бўлгур!

— Ҳа, Тамарми? Ажойиб қиз!— шаҳарликларга хос сурбет-
лик билан деди Гвасалиа.— Шундай қиз учун жонингни жаббор-
га берсанг арзийди!

— Мен чўқинтирган қиз-да!

— Нима бўпти?

— Гап ўзингда қолган. Вақти соати етганда, ханжарингни
қаттиқ тут.

— Агар гап фақат шунда бўлса — осон экан-ку! Ўзим
унинг қонига ташнаман. У чўчқадан тарқаганни сўйиб ташла-
ман!

Иккови жим қолишди.

Яқин ўртада хўроз қичқирди.

Ўз фикри билан банд бўлган Гванж худди шер ўкиригини
эшитгандай сесканиб кетди.

— Юр! Ишни бошлайлик.

Супага қайтишди, рақ тушаётганлар ёнига боришди.

— Энди «хинткириа» ўйнасак бўларди,— таклиф қилди
Гванж Апакидзе.

Забули Арзакан ёнидан нари кетмас эди. Кайфи ошгач, у
доим, жанжал қилишини биларди.

Гвасалиа оқ ва қора газирини олди.

— Кимга қора тушса, шунинг кўзини боғлаймиз.

Қора Жвебега тегди.

Кўзини боғлашди. Ханжарбозлик вақтида Гвасалиа атайлаб
ханжарини тушириб юборди.

Энди унинг кўзини боғлашди.

— Чек ташлашнинг кераги йўқ. Ким мард бўлса — чиқ-
син!— деб қичқирарди Гвасалиа.

Забули ёнида турган Арзакан унга қараб қўйди ва овозининг борича қичқирди:

— Жото башараси боғланса чиройли бўлиб кетаркан!

Жото Арзаканнинг овозидан таниди.

— Эркак бўлсанг, қани, чиқ ўртага!— деб қичқирди у га-
заб билан.

Арзакан Забулининг қўлини қўйиб юборди, Жвобенинг ёнига борди, ундан сўраб ҳам ўтирмай, унинг ханжарини қинидан олди-да, оломон орасини ёриб ўтиб, давра ўртасига тушди.

Гванж Арзакан ёнига югуриб келди:

— Агар мени яхши кўрсанг, ташла ханжарни!

Арзакан унга бир ўқрайиб қаради.

— Кўзимни боғланг!— деб қичқирди амрона.

Гванж ҳайрон бўлгандай, пешанасини тириштирди, Жвобедан ўзининг тоғолча тусидаги бошлигини олди-да, Арзаканнинг кўзини яхшилаб боғлади.

Гвасалианинг юзи оқ шоҳи бошлиқ билаң боғланган эди. Мато орқали у қизил бошлиқдаги рақибининг ҳаракатларини сезиб турарди.

Оқ ниқоб билан қизил ниқоб донра ўртасида кўрлардай довдираб юришарди.

Оқ ниқоб ҳали ханжарини яланғочлагани йўқ. Ҳозирча у газирини шақиллатиб юрарди.

Қизил ниқоб ханжарини яланғоч тутиб, овоз келган томонга юрарди.

Забули бу манзарани томоша қилиб туролмади-да, Тамарни топиб келиш учун югурди: балким Тамар бу хатарли ўйинни тўхтата олар.

Арзакан рақибини узоқ излади ва бирдан унга қараб тик бостириб кела бошлади.

Қизил ниқобнинг яқинлашганини сезган Жото газирини ит-қитиб, ханжарини яланғочлади.

Иккала ниқоб бир-бировига ташланди.

Ханжарлар тиги, қўққисдан уйғотиб юборилган эски адоватдай жаранглаб кетди.

Жуфт, тоқ!

Жуфт, тоқ!

Жуфт, жуфт! Тоқ!

Ҳавода тиглар ярақлар, ханжарлар жангиллар, оқ ниқоб билан қизил ниқоб борган сайин бир-бирларига яқин келмоқда эдилар.

Қўлида каттакон қадимий грузин ханжари тугган Гванж Апакидзе доирада Мефистофель янглиғ бориб-келиб турарди.

Гвасалиа гангиб қолди. Қизил ниқобнинг зарбидан қочиб, тисланди.

Гванж ўзининг газирини чиқарди-да, Гвасалиага тутқизди. Яна шақирлаш эшитилди. Арзакан сал чайқалиб юриб, жон-жаҳди билан оқ ниқобни изларди.

Тўйхона супасида ўлим иси анқиб қолди.
Арзакан Гвасалиани бурчакка қадаб қўйди. Газирини улоқтириб, оқ ниқоб яна ханжарини яланғочлади.

Тиғлар ярақлади.

Оқ, ўта кўринадиган бошлиқ ора Гвасалиа, қизил ниқобнинг бостириб келаётганини кўриб турарди. Арзакан хато кетди. Ҳаракатини яхши ҳисоблаёлмай, ханжарини тушириб юбораёзди. Шунда Жотонинг Тамарга қанчалик сурбетлик билан шилқимлик қилганини эслади. Бутун борлиғи ғазабга айланиб, рақибини янги куч билан сиқиштира бошлади.

Жото унга томон отилди, лекин шу зумдаёқ орқага итқитиб ташланди. Ғазоби қайнаб-тошмоқда эди унинг. Мана шу қизил ниқоб икки йил муқаддам уни қамоққа олганини эслади.

Бир қадам олдинга юрди. Унинг ханжари Арзакан ханжарининг сопига тегай деб турган эдики, бирдан қўнғироқ товуши янграб, меҳмонларни саросима қилиб қўйди.

Саросимадан фойдаланиб, Чежиа доирани ёриб ўртага тушди, Арзакан томон отилиб, юзидан бошлиқни юлиб олди.

Илори қўнғироқлари янграмоқда эди.

Маст-аластлар билан тўла супада ғала-ғовур кўтарилди. Ўт кетдими?

Аренба Арлан вақтни бекор кетказмади. Меҳмонлар орасидан комсомол секретари Севастий Цанавани топди-да, унга шошилинч топшириқ берди.

Жото Гвасалиа Тамар Шервашидзени излаб, супада у ёқданбу ёққа югурарди. Қизнинг аёллар учун махсус ажратилган хонада ҳордиқ чиқараётганини билгач, хўрсиниб қўйди-да, Зесна Апакидзени излай кетди.

ЖАҲАННАМ БУЛБУЛЛАРИ

Илори ибодатхонаси қўнғироқхонасининг қоронғи гумбази тагида Лукая Лабахуа қўнғироқ чалди ва овоз келаётган денгиз тарафга кўз тикди.

Қўнғироқ жаранги эмас, баҳайбат қора қуш ҳавода парвоз этаётгандай эди. Овоз момақалдироқ гулдириси янглиғ бўшлиққа отиларди. Худди бойлоқ жойидан бўшаган баҳодирдай чайқалиб, лапанглаб йўрғаларди у. Дараларда акс садо бериб, санқиб юрарди. Бузуқ вагон каби шалдираб илгариларди. Сўнг бирдан денгизга чўкиб бораётгандай жимиб қоларди.

Лукая яна бонг урди. Қўнғироқ бу зарбни кутмагандай, боғидан баттар гулдиради.

Лукая нафасини ростлади. Пастга, черков ҳовлисига қаради. Қуриган, баҳайбат аргувонлар девларнинг скелетига ўхшаб турарди.

Осмон гумбазида кул ранг тус булутлар буралиб-буралиб ётарди. Улар оралигидаги мусаффо кўкда юлдузлар чарақларди.

Қоронғи, осойишта, қиёфаси ноаниқ олам тун оғушига бош қўйган эди.

Лукая қўлини алмаштирди. Бирданига икки қўнғироқнинг арқонини ушлаб олди. Қўнғироқлар қалдиради, баҳор момақалдироғидай гумбурлади.

Лукая учинчи қўнғироқни ҳам чала бошлади.

Бунисининг жаранги тиниқроқ чиқди, баланд жаранглади. Қўнғироқ жаранги, тўлқинланиб садо бериб, уйқудаги далалар устига ёйилди.

Бирдан товуш тинди.

Кейин учала қўнғироқ, грузин эртақларидаги тўққиз тоғ оша даҳшатли девларга қарши йўлга чиққан тутинган уч оғайни янглиғ жаранглай кетди.

Кичик қўнғироқлар ҳам жонланиб ҳаракатга келди.

Аввалига улар, итбоқарлар боғловда тутган този ит каби ингичка товушда вовиллади; кейин ўрмон чеккасида кўринган ёввойи ҳайвон кетидан қўйиб юборилгандай жон ҳолатда отилди.

Арғувон ва чинорларнинг шитир-шитири ичра қўнғироқларнинг бир овозда жаранглаши эшитилди ва бу жаранг уйқудаги қишлоқ оша учиб ўтиб, денгиз узра ёйилди. Сўнг бир йўла акс садо берди.

Кайфи ошиб қолган Лукая Лабахуа қўнғироқ чалаётган эди. Нега бундай қилаётганини ўзи ҳам билмасди. Овозлар галаси қалдираб ва гулдираб осмонга бўй чўзган қўнғироқхонани ларзага соларди.

Ҳазабга келган қўнғироқлар ўкириб тун бағрини ёрарди.

Бу тупроқ узра ортиқ тонг отмасин.

Ҳаёт абадул-абад тун қўйнига чўмдирилсайди.

Лукая Лабахуанинг истаги шу эди.

Шунинг учун ҳам тўлғанарди.

Қўнғироқларни йиртарди...

Шу арғувон ва чинорлар тагида ёшлиги ўтди унинг...

Илоридаги ҳаёти — ўн икки ҳаворийларни ўқиш каби узундан-узун, жонига теккан ҳаёти эсига тушди.

Кейин — Окуми,

кашишнинг ғалати қилиқлари,

ҳақоратлар,

калтаклар, товонни қашлаш...

О осмони фалак,

о зим-зиё тун!

О манфур ҳаёт — лаънатлар бўлсин сенга!

О аянчли кексалик.

бегоналар остонаси,

мазахлар,

нафратлар,
ва сарқитлар алами.
О осмони фалак,
о зим-зиё тун!
О манфур ҳаёт —
лаънатлар бўлсин сенга!—

шу алфоз девона қалбида интиқом ташналиги қайнарди.

Лекин ҳаётида кечирган барча азоб-уқубатлар аламини кимдан олади?

«Бу дунёнинг сассиқ саримсоқ пўчоғича қадри йўқ, — деб ўйларди Лукая Лабахуа.

Худо дейишади.

Қани худо?»

Унинг назарида бу бемаъни ҳаёт ҳам, денгиз тусидаги осмон гумбази ҳам бўм-бўш бўлиб қолгандай туюлди.

Олам-жаҳондан шодлик қаёққадир йўқолди-кетди. Лукая Лабахуа шунинг учун ҳам ўзини қўярга жой тополмасди.

Уни ҳеч ким яхши кўрмайди, у ҳеч кимга керак эмас.

Унинг сўнгги бир парча ерини, чекига тушган сўнгги парча ер ҳам тоғ емирилишида йўққа чиқди.

Ҳеч кимга кераги йўқ, есир бир фақир ҳозир қўнғироқхонанинг қоронғи гумбази тагида туриб, қўнғироқ чаларди.

О осмони фалак,

о зим-зиё тун!

Лаънатлар сенга бўлсин,

манфур ҳаёт.

Илори қўнғироқхонасининг сўнгги қўнғироғида мана шундай акс садо бор эди.

Осмон аввал кўк кабутар тусида эди. Кейин кўк тусга, аста-секин, жуда секин кул ранг тус қуйилди. Сўнгра эса шарқда оз-моз қизиллик пайдо бўлди ва осмон — нефть қўшилган сув тусини олди.

Черков ҳовлиси югуриб-елган кўланкалар билан тўлди. Ҳуштак товуши эшитилди ва комсомоллар баробар қўнғироқхонага югуришди.

Қайфи тарақ Лукая ҳамон қўнғироқ чаларди.

Лекин ўзи томон келаётганларни кўргач эса, арқонларни ташлади-да, ҳингир-ҳингир кула бошлади. Унинг кулгиси ойнага отилган бир қисм питрадай тасирлади.

Кейин қорнини чангаллаганича букчайиб қолди. Кулги шиддатли қаҳқаҳага айланди.

Комсомоллар қўнғироқхонани қуршаб олишди. Лукая шап-касиз, яланг бошлиғича денгиз томон еларди.

Аввалига Илорининг катта қўнғироғи арқонини кесишди.

Бу баҳайбат темир қалпоқ гулдираб, қалдираб узилиб пастга қулади. Аввалига қўнғироқхонанинг фиштин карнизига тушди, сўнгра эса, ярадор баҳодир янглиғ гурсиллаб ерга тушди.

Унинг кетидан иккинчи қўнғироқ ҳам ерга қулади.

Иккинчисидан кейин — учинчиси, тўртинчиси.

Шундай қилиб, эрта тонгга қадар қишлоқда, Илори қўнғироқларининг гувиллаши, гулдираши ва жангиллаши эшитилиб турди.

Аввал улар ҳавода жангиллаб, гулдираб қулар, жангир-жунгур қилиб ерга тушар, сўнгра эса, минг йиллар мобайнида бекор жаранглаб келдик, деб афсуслангандек, гувиллашда давом этардилар.

Қўнғироқхона гумбази тагидан ҳадсиз-ҳисобсиз кўршапалаклар учиб чиқди ва черков ҳовлиси устида жимгина доира чизиб уча бошлашди.

Кўршапалаклар черков атрофида гирдикапалак бўлиб парвоз қиларди. Бу жаҳаннам булбулларининг қадимги Илори ибодатхонаси атрофида доира чизиши, қуёш кўтарилиб, уларни тун қоронғиси билан қўшиб ҳайдагунча давом этди...

Тараш Каролинани Гванж Апакидзенинг уйигача кузатиб қўйди.

Ҳали ҳануз унинг кайфи тарқамаган эди.

Оёқда мустақкам тургани билан, танаси ҳануз вино билан қизиган, томирларида қон ўйнардди.

У ҳаракатда бўлишни, от чоптиришни ённки очиқ денгизда сузишни истарди.

Денгизга боқди.

Тўлин ой ҳамон ёғду сочарди.

Узоқда уфқда, қабрдан бош кўтарган Лазарлар янглиғ, баликчилар қайиқларининг елканлари кўзга ташланарди.

Кейин шуъланинг жилоланиши туфайли улар узоқ африка чўлларидаги пирамидаларга ўхшаб кетди. Ва ниҳоят, сутдай туманда эриб битди.

Тараш черков ҳовлисига қайтди.

Шу замоноқ уйқу босди уни.

У қабр тошлари бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юрди ва бир соатгина муқаддам, Каролина билан кайф-сафо қилган, кўкат босган тошга чўзилди.

Қўнғироқ товуши Тарашни уйғотиб юборди.

«Бу Лукая албатта!» дарров сезди Тараш.

Қўнғироқхона гумбази тагида девонанинг кўланкаси ўйинчоқ гўладай, бориб-келиб турарди.

Қўнғироқларнинг жангир-жунгури Тараш хаёлини узоқларга олиб кетди.

Лекин бирдан, комсомоллар узиб олиб ташлаб юборган катта қўнғироқ ерга тушди. Тараш сесканиб кетди, бошини кўтариб қулоқ сола бошлади.

Тўс-тўполонда бир нарсани илғаб олди: қўнғироқлар баҳайбат анжир барги сингари ерга чўзилиб қолганда, ибодатхона гумбази тагидан бир гала кўршапалаклар ва денгиз қалдирғочлари билан бирга яшил қушча ҳам учиб чиқди.

Кўршапалаклар ҳамон черков атрофида доира чизиб учарди.

Зумрад қанотли.

Йўқ, яшил эмас.

Лекин зумрад қанотли қушча эса, шу замоноқ, уйғона бошлаган денгиз томон парвоз қилди ва тонгги туман ичида ғойиб бўлди.

Биринчи китоб тамом

ИККИНЧИ КИТОБ

ЛИРИК ИНТЕРМЕЦЦО¹

Зерикмаяпсанми, китобхон?

Зерикканимдан қўлимга қалам олдим, ким билсин, балким, зериккан чоғимда яралган бу асар сенинг кўнглингни очар.

Мана минг кунга яқин, тонгдан-тонгга қадар ўтириб сенга ҳикоя қиламан.

Ўйнаб, курашиб, қаҳрамонларимнинг ўйинлари ва курашлари ҳақида ёзаман.

Тунлар эса, туёғига наमत боғлаб қиз олиб қочишга олиб борилган отлар сингари сездирмай ўтиб кетади.

Мана ҳозир ҳам.

Мен ёлғизман.

Ой кўтарилди.

Хонадонимда электр-счётчикнинг — индустрия кўк кабутарининг гув-гуви эшитилади.

Қаҳрамонларим бутун борлиғимдан жой олиб, менинг қалбимда нафас олишяпти, ҳаракат қилишяпти, сўзлашишяпти. Мен ҳам мана шу оғир ижодий ҳомиламни итоаткорона кўтараётирман.

Уларнинг тақдири нима кечар экан, деб қалтирайман, азобланаман, улар учун ўйлайман, хафа бўламан.

Қаҳрамонларимнинг ҳоли нима кечади, ҳали ўзим ҳам билмайман.

¹ И н т е р м е ц ц о — операнинг айрим номерлари орасида оркестр томонидан чалинадиган музыка асари.

Тамар Шервашидзе кимни севади— Арзакан Звамбаяними ёки Тараш Эмхвариними? Арзакан кимни танлайди — садоқатли Забулиними ёки мафтун этган Тамарни?

Янги ҳаётда Қац Звамбая билан Тариёл Шервашидзе ўзини қандай тутаркин?

Ёки мана бу жабрдийда Лукая Лабахуа — унинг ҳаёт йўли қандай тугаркин?

Қонхўр ва динини ютган Гванж Апакидзе яна нималарнинг режасини тузаркин?

Мана шу сатрларни бир-бир ёзиб ўтирибман, тун бўлса, қиз олиб қочганда туёғи наматга ўралган от мисол товушсизгина ўтиб турибди.

Қўлим чарчади, белим сирқираяпти. Шунга қарамай, ҳануз ёзиб ўтирибман. (Руҳим жисмимдан кучлироқ экан.)

Қисқа ҳордиқ.

Қўлёмаларни кўздан кечириб чиқаман.

Минг йилларнинг қоронғи бағрида бунёдга келган афсонавий иероглифларни¹ ҳайрон бўлиб кўздан кечираман.

Грузин ҳарфларига кўз тикаман, назаримда, қаҳрамонларимнинг қисматини ўқисам бўладигандек туюлади.

Ճ — ани — ер ҳайдаган халқ бу ҳарфни ўроққа ўхшатибди (қадимги греклар шунинг учун ҳам бизга «георгос» номини берган-да).

ժ — бани — хушқад кўзани эслатмайдими бу?

ժ — гани — вино солинадиган чан, ёғлоғи ва пиёларга ўхшайди (бу албатта, винони ёқтириб қолган халқ ижоди).

Զ, Տ, Կ, Ն — ойболта, кирка ва тўқмоқни эслатади, булар бронза ва темирни эритувчилар томонидан кашф этилган).

Навдалар:

Չ — ени

Ն — сани

Խ — хани

Բ — нари

Յ — вини

Պ — пари

Պ — цили

Ի — чари

аждоқларимизнинг қиличи, рапираси, ханжари, найзасига ўхшайди.

Ана поясимон ҳарфлар тўдаси кўринди... Улар гоҳ денгиз қамиши сифат эгилишади, гоҳ бостириб келаётган отлиқларнинг найзаси сингари кеккайиб тик туришади.

Յ, Ղ — илмоқлар — Диониснинг бу ўлкасида илк бор ўстирилган узум тупига муҳаббат белгиси.

Թ — бу белги овчи халқнинг кийик ва тоғ такаси шохига ҳавасини кўрсатади.

¹ Иероглиф — бирси маънони билдирадиган тасвирий белги. (Тарж.)

О — бўлса — от тақасининг айнан ўзгинаси-ку! Қим билади, буни балки, дарё оралигидан от дупури билан устимизга наъра тортиб келган чавандоз халқ олиб келгандир.

Грузин ҳарфларини кўздан кечириб ёзар эканман, қалбимни беқиёс шодлик қамраб олади.

Улар билан бола янглиг беғам ўйнайман. Шу чоқ «Алифбега шарафлар бўлсин» деган асар ёзгим келиб кетади. Шу ҳарфларни кўздан кечиришнинг ўзи кўз ўнгимда образлар, ранглар, ҳаракатларни намоён қилади.

Шу чоқ, бир вақтлар Атлантикада ўтказган қоронғи тун ёдимга тушади.

Аввалига денгиз сокин эди, зумрад, йўқ, синька, йўғ-е, синька эмас, нефть тусида — сувга аралашган нефть тусида эди.

Бирдан осмонни пора-пора қилиб чақмоқ чақди. Тўлқинлар тўс-тўполон қилиб, ҳаракатга келди. Оқиста чайқалиб пароход тумшугини қуршаб, унга енгил урилиб турди. Поёни кўринмаган океан яна жимиб қолди...

Лекин шу чоқ яна қуюн қирғий қанотидай ёпирилиб келиб, тўлқинларни қамишдай букиб қўйди... Тўлқинлар яна кўтарилди, пароходни қуршаб, тўполон бошлади.

Тусини ўзгартирган денгизга жаҳл қилиб осмон қовоғини уйди.

Осмонда яна чақмоқ чақди, шиддат билан урилган қилич зарбидай, осмон бағрини ёриб ўтди.

Тун, оловли қиличнинг зарби — жимиб қолган денгизга нималар деб шивирлади экан? Билмадим. Тўлқин бош кўтарди, кетидан яна бошқа бири кўтарилди, тўлқинлар галаси ҳар тарафдан ёпирилиб келиб, кети кўринмаган кенгликда бебош йўрғалаб кетди.

Жазаваси тутиб, елдириб келиб, эманга қозиқ тиши билан қадалиб осилиб қолган қобон сингари пўртана ҳам пароходга келиб урилар ва чилпарчин бўлиб кетарди.

Қоронғида тўлқин тўлқин билан дуч келар ва ўлимга маҳкум бўлиб қуларди.

Даҳшатли аждаҳо пўртаналар осмонга бўй чўзар, калласи қоронғи осмон гумбазига тегиб чил-чил бўлар, мия қатиғи сочилиб кетарди. Олатасир тўполонда кит жағи очилди...

Қўлим толиб, ақлу фаросатим камлик қилиб қолгандай туюлганда, хаёлим қанотлари йиғиштирилганда, шундай дамда, грузин тили, битмас-туганмас хазина қайноқ қонимда яна мавж урди, образлар тўлқин каби ёпирилиб келди...

Улар чарчаган, кучдан қолган миямга чақмоқ мисол қилич тортиб юборишди.

Мен яна жонландим ва тўлқинланган поёнсиз шу денгизга интилдим, қалбимда эса «Грузин тилига мадҳия» деган бир асар ёзиш орзуси туғилди.

Шундай қилиб, тонгдан тонгга қадар ўтираман... Тунлар эса,

оёғига наमत боғлаб қиз ўғирлашга олиб борилган отлар мисол товушсиз ўтади-кетади.

Девор ортида эса электр-счётчик — индустриянинг кўк кабу-тари ғувиллайди.

ЧУЧҚАЛАР ЗИЁФАТИ

Таризэл бобо ўзини қўярга жой тополмасди. Унинг ўтиришга ҳам, ётишга ҳам тоқати қолмай, Каролинанинг хонаси билан ўз хонаси ўртасида танда қўярди.

Кичкина Татия кўкйўтал бўлиб қолган эди.

Таризэл бобо, боласини ташлаб, Илорига кетиб қолгани учун Каролинани сўкар, тўйга боришга рухсат бергани учун ўзини койирди.

Лекин ҳаммадан ҳам кўра Херипсдан аччиғланарди.

— Шу ҳам эркак бўлдимми? Хотинни жиловда тутиш керак. Жиловни қўйворсанг,— бутун онланинг путури кетади. Мана кўриб турибмиз-ку!..

Йўқ, немис қизга уйланмаслик керак эди! Яна ўқимишлисига. Аёлга ўқишнинг нима кераги бор? Уйига ўт тушириб юбор-маса бўлди-да! Қолгани бемаънигарчиликдан бўлак парса эмас.

У Тамардан ҳам хафа эди. Анави лаънати Эмхвари бошини айлантириб қўйганидан бери гангиб қолди. Бунинг устига Эмхварилар ҳали Шервашидзелар қони учун хун тўлаганича йўқ.

Аёл киши азрўйи азалдан авлодга сотқинлик қилиб келган. Аёлнинг ёруғ дунёга келишининг нима кераги бор эди ўзи?

Лукая ҳам четда қолмади. Таризэл бобо уни ҳам койиди.

Фикрлар кашишнинг миясида қайноқ сув сепилган ари гала-сидай ғувилларди.

У гоҳ аптечка шкаф ёнига келиб, бромли шишачани узоқ қи-дирар, гоҳ кичкина Татиядан хабар олиш учун Каролинанинг хонасига кирар, гоҳ хизматкор қиз Даша устига сўкишлар ёғ-дирар, гоҳ меҳмонхонага чиқиб чубукини излай бошларди.

Таризэл бобо, кексалигини, хотираси ёмонлигини қарғишлай-қарғишлай, трубкасини излайди.

Уни ёлғиз, ночор қолдириб, ҳамма кетиб қолди.

Кичкина Татия кўкйўтал бўлиб қолмасайди, деб ҳовлиқма қиз Даша ҳам, болани кўтариб, қўни-қўшниникига равона бў-ларди-да, шу ҳайҳотдай уйда ёлғиз ўзи ўтирган бўларди.

Шундай ёлғизлик ҳақида ўйларкан, ҳақиқатан ҳам уйда ун-дан бўлак ҳеч кимса йўқдай, Татия билан Даша ростдан ҳам қўшниларни-кига чиқиб кетгандай, юраги сиқилди.

Таризэл бобо бир дақиқа жим бўлиб қолди, чубукига кўзи тушди, лекин ўнгида кўриндими ёки хаёлидами, англаб олол-масди.

Пешанасига тер чиқиб кетди, заифликдан тиззаси букилар-ди. Жуялдури чиққан креслога ўзини ташлади-да:

— Даш-а-а-а!— деб қичқирди.

Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Сабабсиз қўрқув ўсгандан ўсиб, Ёлғизлик юрагига ғулу солди ва ёрдамга чақираётган бола сингари бақириб юборди:

— Да-а-а-ша-а-а-а!

Дашанинг нимага чақираётганини билмас-да, жон ҳолатда, қичқираверди.

Тариэл бобонинг жаҳли чиққан эди:

— Шу рус қизни бу ерга олиб келишнинг нима кераги бор ўзи! Ундан кўра Кадоридан Зехая кампирни олиб келишмайди-ми. Йўқ, Каролина сўзида туриб олди. Бу Даша унинг ўйнашларига хат ташишга керакдир балки?!

«Даша арақ ичади. Даша гийбатчи»,—деб сўкарди бобо хизматчи қизни ва унга қўшиб Каролинани ҳам.

Немислар ҳам чеккада қолмади, уларни ҳам сўкди!

Бақиравериб, ҳолдан тойди, ниҳоят егини тирсагидан юқоригача шимарган Даша келган пайтда бобо қора терга ботиб бўлган эди.

Дашани кўрганда кашиш шундай ғазабга келдики, уни нимага чақирганини ҳам унутди.

— Нега яланғоч бўлиб олдинг? Сувда сузмоқчимсан? Бирдан меҳмонлар келиб қолса нима бўлади!— деб қичқирарди у оёғини дупирлатиб, тоғолча ёғочидан ясалган ҳассасини ўқталиб.— Йўқол, кўзимга кўринма!

Даша эшик томонга икки қадам қўйди дегунча, уни яна чақириб оларди.

Ниҳоят қиз йиглаб юбориб, Татиянинг ёнига кириб кетди.

Тариэл бобо инқиллаб-синқиллаб, сирқираб оғриётган белини тўғрилади, ўрнидан турди, эшикни қулфлади, диванга чўзилиб, титроқ бармоқлари билан псалтирни варақлай бошлади. Анчагача китоб варақлади, титиб юборди, саҳифаларни белгилаб қўядиган қуруқ новдаларни ҳам тушириб юборди.

Бунинг устига лаънати кўз ёши кўзойнакни хира қилиб қўйди. У кўзойнакни олди, артди, яна бурнига қўндирди.

«Аср-асрлар изза бўлиб, довдираб юришади, шармандан шармисор бўлишади»,— деб ўқирди у кўз ёши қилиб.

«Улар» маъносиде у ҳаммани: Тараш Эмхварини, Каролинани, Лукаяни, большевикларни ва ҳатто Тамарни ҳам кўзда тутарди. Ўзининг ўқишига қулоқ тутаркан, Тариэл бобо ҳаммадан ҳам ўзига ачинарди.

Чолнинг қизариб кетган кўзларидан ёш оқарди-да, малла киприкларида шудринг мисол осилиб қоларди.

Кўк шудринглари каби ширин кўз ёшлар. Симобдай ўйноқи ва ёрқин. Кўз ёши майин. Ғазаб ва аламни юмшатади у.

Лекин тўхтатиб бўлмайдиган, ўпқондек отилиб чиқиб, бўгадиган, нисон юрагини ларзага соладиган кўз ёшлар ҳам бўлади.

Таризэл бобони ана шундай кўз ёшлар сиртмоққа солган эди. Девор соати тўртта жом урмаганда, ким билади, яна қанчагача бу аҳволда ўтирарди у.

Соат тўрт! Демак, Очамчир поезди аллақачон келган. Бундан чиқди, Лукая ҳанузгача Илоридан қайтмабди-да? Балки келгандир ҳам? Йўқ, хўжалик билан бир пақирчалик ҳам иши йўқ чоғи. Ҳеч бўлмаса, от ёки сигирни суғориш керак, деб хаёлига ҳам келтирмайди.

Таризэл бобо қалбида яна ғазаб қайнади.

У бром олди, титроқ қўллари билан қошиққа қуйиб ичди. Таёғини олиб ошхонага йўл олди.

Шу ерда даҳшат юз берди...

Даша ошхона эшигини ёпишни унутган бўлса керак. Қора този қозонни тўнтариб, бўтқани ошаларди.

Таризэл итни қувди. Ит қўрқиб кетиб, ўзини бир ёнга урди. Қозон бўйнида осилиб қолди.

Ит ошхонада у ёқдан-бу ёққа югуриб, сутлик кўзага урилиб кетди, уни чилпарчин қилди. Сут полга тўкилди. Қўрқанидан кўзалар орасига суқилиб кириб олиб, тўнтариб юборди, ҳаммасини синдирди; сув сутга аралашиб оқиб, Таризэл бобонинг туфлисини ҳўл қилди. Нега деганда у, ўзини олиб қочишга улгурмаган эди. Оёғи ҳўл бўлди.

Буни қаранг-а: оёғи ҳўл бўлди-я! Таризэл бобонинг жони бўғзига келди, итни қувалай кетди, остонага етганда тоғочадан ясалган пухта таёғини итга улоқтирди.

Ит ўзини эшикка урди, лекин оғир қозонни остонадан олиб ўтолмади, пақиллаб кесакига урилиб кетди. Қозон икки бўлак бўлди.

Таризэл бобонинг мусибатлари шу билан тамом бўлмади. У то кучук билан олишгунича, бесаранжом бўлган товуқлар учиб, тоқчаларга, чордоқ кергиларига қўнишди.

Уларни қувиб тушириш учун Таризэл бобо таёғи билан чордоқ деворини тақиллатди. Товуқлар баттар қўрқиб кетишди, улар қоқоғлашиб, қанотларини патирлатишиб, тоқчадан тоқчага учиб-қўна бошладилар. Улардан бири ясмиқ солинган хумчага урилиб кетди, иккинчиси бурчакдаги илмоққа осилган қуритилган заъфар боғламларини тушириб юборди. Заъфар боғламлари сочилиб кетди, қуриган япроқлар ҳар ённи тутди.

Ошхонани чанг ва дуд қоплади.

Ҳамма нарса Таризэл бобога қарши чиқиб қолди! Лекин у, жон ҳолатда, бунга қарши курашиб қичқира бошлади:

— Да-аша-а-а! Да-аша-а-а!

Сариқ курк товуқ уни мазах қилгандай бўлди.

Чолнинг савлати ҳам, унинг таёғи ҳам курк товуқни тинчитолмади. У Таризэл бобонинг шундоққина бурни тагида у ёқдан-бу ёққа танда қўйди, лекин тоқчадан тушмади.

Товуқхонага тулки кириб қолгандай ғала-ғовур кўтарил-

ган, ҳамма ёқни товуқнинг қоқоғлаши ва бақирриқлар тутиб кетганди.

Сариқ товуқ Таризэл бобони дарғазаб қилиб юборди. Худди уни мазах қилаётгандай, сариқ товуқ шошилмайгина тоқчада у ёқдан-бу ёққа юрар, ясиқ тусидаги кўзларини қисиб-қисиб кўярди. Унинг кексалигидан, собиқ уста чавандознинг заифлигидан кулиш учун, иблис шу товуқ тусига киргандай эди.

Таризэл бобо энгашиди, сув солинадиган кўзага қоқоқ қилинадиган япалоқ тошни олди-да, сариқ товуққа отди.

«Ие, шунақами! Ҳали менга тош отасанми!»—деб, худди такаббур княгинядай ғазабга келди товуқ ва қоқоғлаб учиб, қоп-қорайиб кетган хомага кўнди. Бошқа товуқлар ҳам ундан баттар бесаранжом бўлишди, Таризэл бобо қурум ичида қолди, қурум унинг тақир бошига, узун мўйлови ва соқолига кўнди.

Энди у, ўзининг заифлигини тан олишга мажбур эди. Юзкўзи, соқоли қоп-қора қурумлигини хаёлига ҳам келтирмаган Таризэл бобо галабани тантана қилаётган товуқларни қолдириб, қора този яна кириб қолмасин деб, эшикни зич ёпиб чиқди ва оғилхона томон юрди.

Шу чоқ бир қучоқ ювилган кир кўтариб Даша зинадан тушиб келарди. Даша художўй эди. Қора қурумга беланган чолни кўриб, чўчиб тушди, уни жин деб ўйлаб, қоққан қоқиқдай тўхтаб қолди. Хўжайини эканини таниганидан кейин эса, кийим-кечакларни тушириб юборди ва қаҳ-қаҳ уриб, уйга қочиб кириб кетди.

«Бу тентак қиз нега кулади-я?—деб ўйлади Таризэл бобо.—Ҳайрон бўладиган ўрни йўқ. Бу қизгина эмас, балки бутун оламнинг ўзи эсидан адашган!»

Шундай деб ўйлади-да, йўлида давом этди Таризэл бобо. Оғилхонада оч сигирлар маърашарди. Даша очиқ қолдирган эшикдан бузоқлар кириб, сигирларнинг сутсиз эмчагини эма кетган эдилар. Таризэл бобо «эсини еб қўйган Лукаяни» яна бир бор лаънатлади-да, отхона томон равона бўлди.

У ер бундан ҳам баттар эди.

«Бу ношуд Лукая» отни жуда калта қилиб боғлабди, оч қолган жонивор тахташи ғажий бошлаган эди.

Орқа эшикдан эса чўчқалар кириб олибди; сули тўлдирилган қопга тумшуқ тиқиб, пора-пора қилиб ташлашибди, ёрилгундай бўлиб еб олиб, қолганини топтаб, ифлос қилиб юборишибди.

Балчиққа беланиб олган она чўчқа, бир уюм сули устида ёнбошлаганича, эринчоқлик билан хур-хурлаб сулини туширмақди эди.

Чўчқалар шу даража беор эдики, Таризэл бобо кириб келганида, биронтаси ҳам қимир этмади. Ўзларини бегуноҳ ҳис этарди улар. Фақат она чўчқагина чолга шубҳали чўчқа бо-

қиш қилди-да, илмоқ нусха думчасини оҳиста, билинар-билинимас қимирлатиб қўйди.

Бу «қароқчи чўчқаларнинг» сурбетлиги Тариэл бобонинг тоқатини тоқ қилди.

У «ношуд» Лукая Лабахуани яна бир бор қарғади, отаси Лукаяни Апакидзедан сотиб олган кун ва соатга лаънатлар ўқиди.

«Эҳ, афсуски, уни Трапезундга олиб кетиб, ҳеч бўлмаса бир кўпак боласига алиштирвормаган эканлар-да!»

Лекин вақт ўтган эди! Қоплар ишдан чиққан, сулилар расво бўлган эди!

Чолнинг кўнгли беҳузур бўлди ва чўчқалар зиёфати кетаётган жойдан қочиб қолишга ошиқди.

ЧУҒУРЧИҚЛАР ТУФАЙЛИ БЎЛГАН ЖАНЖАЛ

Тариэл бобо Лукаянинг ҳужраси томон йўл олди.

Эшикда занглаган қулф осиглиқ эди.

Қулфнинг сурбетларча осилиб туриши чолнинг ғазабини келтирди.

Қулфнинг сурбетларча осилиб туришиданми ё Лукаянинг ғойиб бўлишиданми жиғибийрон бўлаётганини тушуниб ет-маса-да, бобонинг ғазаби борган сайин ошмоқда эди.

Унинг тиззаларигача қалтираб кетди... Ҳужра ёнига етиб, қулфни маҳкам чангаллади ва шундагина, агар шу қулф бўлмаганда йўғон, оғир гавдаси аллақачон гупиллаб ерга тушган бўлишини англади.

Тариэл бобо ҳужранинг ёпиқ эшиги олдида ўзини ғариб-бенаводек ҳис этиб турарди. Унинг хаёли айланиб келиб «бу бадбуруш Лукая» — да тўхтарди...

«Арланнинг тўйи деб бутун рўзгорни расво қилди».

Бобонинг кўз ўнгида чил-чил бўлган кўзалар, иккига ажраб кетган қозон, чўчқалар тортқилаб йиртган сулилик қоплар гавдаланди. (Бу қимматчиликда қопни энди қаердан сотиб олиб бўлади? «Янги замонда» қадимги пишиқ-пухта қопларни топиб бўлармиди?)

Шамол турган кечада бирон қазноққа тушган ўт аста-секин биринчи қаватга ўтиб, ундан кейин тутун ва аланга бошқа биноларга ўтгани мисол, Тариэл бобонинг қаҳр-ғазаби ҳам борган сайин орта борарди.

Қаҳру ғазаб, аввалига, бобонинг тиззасини букди, кейин қорнига оғриқ берди, сўнг юракка ўтди (Тариэл бобонинг юраги касал — оёғининг шишиш сабаби ҳам шундан) ва ниҳоят, бошига урди.

У қоққан қозиқдай туриб қолган эди.

Муздек қулфни чангаллаб туриши жонига ора кирарди.

Бирдан янги фикр келди мясига: қани энди, шаҳарга етиб олса-да, бир амаллаб Лукаяни топиб, бошига бир уриб, шу тоғолча таёғини синдирса!

Лекин бобо шу замоноқ бу фикридан қайтди: ахир ҳовлидан нарига у ҳеч қачон жуббасиз чиқмаган-ку. Шу чоқ у ўзининг шаҳар кезиб юрганини тасаввур қилди.

...Ана кўча бўйлаб жубба кийган кекса кашиш баъди. Дўст-душманлар унинг кетидан қараб қолишади. Бирлар қайрон: наҳотки жубба кийиб, шаҳар кезиб юрадиган кашишлар ҳали-ҳануз бўлса? Бошқалар эса: ҳалигача бу кашишларни йўқ қилиб юборишмаган экан-да дея афсусда. Ёки бўлмаса битта-яримта орқасидан: «Ҳой эчкисоқол поп!» деб қичкириб қолади.

Шундай чоқда алам ўтган кекса нима қила олади?

Авваллари, илгариги вақтларда кучи ҳам, асаби ҳам етарди. Энди-чи... На саломатлиги бор ва на иродаси!

Тариэл бобо шу хаёлларга берилиб турган ҳам эдики, бирдан, қора тозига қичқираётган Лукаяни кўриб қолди.

Тариэл бобо буни кутмаган эди.

Қараса — ростдан ҳам Лукая.

Кучини тўплади-да, у томон юрди.

Қараб турибди-ю, кўнглида гумон: балким кўзига шундай кўринаётгандир?

Лукая ҳам Тариэлга қараб, бақрайиб қолди, уни танимай қолган эди. Динга қарши намойишдаги грим қилинган «худо» ни эслади-да, тарс орқасига ўгирилди. «Ярамас комсомоллар, кашишни ҳатто ўз хонадонида ҳам тинч қўйишмайди!» деб ўйлади у.

Орқасини ўгириб, бошини кўтарди ва тераклар тепасида чирқиллаётган чуғурчиқларга қаради.

«Эсини еб қўйибди бу баттол!» деган фикр кечди Тариэл бобо мясида ва у оёқ учида юриб Лукаянинг ёнига борди.

— Нимага бақрайиб қолдинг, тентак?— деб бўкирди у.

— Чуғурчиқлар учиб келишибди,— деб жавоб берди Лукая унга орқаси ўгириғлигича.

— Келса келибди, сенга нима?

Лукая Тариэлнинг овозини таниб унга ўгирилди.

Кашишнинг қора куяга беланганини кўриб: «эсидан адашибди бечора чол!» деган хаёлга борди. Фақат киприкларгина, Тариэл бобонинг сариқ киприкларигина ўзлигича қолган эди.

«Эсидан адашган одам билан худди соғлом билан сўзлашгандек сўзлашмоқ керак»,— деб ўйлади Лукая.

— Улар бир-бирига алланималарни ҳикоя қилишяпти,— деб жавоб берди у Тариэл бобога.

— Нималарни ҳикоя қилишаётган экан, телба ўлгур!

Лукая Лабахуа эсидан оғиб қолганларга атрофдагилар-

нинг ҳаммаси жинни бўлиб кўринишини биларди. Шунинг учун у:

— Қуёш ўлкасида эшитганларини,— деб хотиржам жавоб қилди.

— Қуёш ўлкасида нималарни эшитишибди?— сўради Таризл.

— Бизда гапирилмайдиган гаплар экан,— хотиржам жавоб қилди Лукая.

— Чуғурчиқларнинг қуёш ўлкасидан келганини сен қаёқдан биласан, аҳмоқ?

— Бўлмасан нега бунча қорайиб кетишибди?

Таризл бобо қайнаб кетди.

— Ҳе, ёрилиб ўлгур!

Илгарилари, бундай савол-жавобни у яхши кўрарди. Лекин бунинг учун кайфиятинг яхши бўлиши керак, чоғи. Шунда ақли паст Лукаянинг алжиши унинг сусайиб бораётган онгига хуш ёқади.

Ҳозир Таризл ғазабланиб турарди. Шунинг учун ҳам Лукаянинг гапини чўрт кесди.

Лукая бутун йўлни пиёда босиб ўтгандай эди: у пешанасидан оқаётган терни енги билан артаркан, шундай истеҳзоли кулардики, кашишнинг жонини ҳалқумига келтирди.

Лукаянинг жулдур пелеринасига¹ тиканаклар илашиб қолганди.

Орқасидаги бир парча доғдан, унинг кўкатлар устида юмалаган деган хулосага келиш мумкин эди.

Буни кўриб Таризлнинг баттар жаҳли чиқди.

— Шунча вақт қаёқларда қолиб кетдинг, каллаварам? Моллар оч қолди, ит қозонни синдирди, товуқлар ошхонани тити-пити қилиб ташлашди, чўчқалар сулини ошалаб қўйишди!— деб Таризл бобо Лукая йўғида юз берган балоларни саянай кетди.

Шундагина Лукая ҳамсуҳбатининг эси жойидалигини тушунди, лекин ўжарлиги тутиб, ўзини тортиб тураверди.

— Қаерда эдим? Қаерда бўлардим?— у кўзини пирпиратар, дудуқланарди.— Соҳилда балиқ тухумини санаётган эдим.

— Ҳа, қанча экан, овсар?

— Денгиз тубида қанча тош бўлса шунча экан...

— Денгиз тоши қанча экан, ҳой қаллоб ўлгур?

— Юлдузлардан кўра беш бор кўп.

Лукая яна чуғурчиқлар томон ўгирилиб, шу билан савол-жавобга хотима ясамаса, шу руҳда яна анча давом этиши мумкин эди.

¹ Пелерина — елкага ташлаб юриладиган кийим. (Тарж.)

«Мана ахвол қай даражага етган, мендан юз ўгирыпти-я!»
Таризэл бобо ғазабига чидолмай, таёғини Лукаяга отди.

Пелеринанинг бари таёқни тутиб қолди, акс ҳолда таёқ девонанинг яланг оёғини сиңдирган бўларди. Лукая чаққонлик қилиб, ирғишлади, лекин шунга қарамай таёқ яланг тоvonига келиб тегиб, қария бечорани йиқитди.

— Вой!— деб қичқариб юборди у оёғини чангаллаб. Лекин кашишнинг ўзи томон келаётганини кўриб, ирғиб туриб, тирақайлаб қочди.

Лукая Лабахуа оқсоқлана-оқсоқлана қочарди.

Таризэл бобонинг мазаси қочди.

— Кўзимга кўринма, лаънати!— деб қичқирди у ерга қулай туриб.

Уни ўрнидан қўзғатишга кучи етмаган Даша, қўшнилари, икки эркакни чақирди, кашишнинг зил-замбил гавдасини буркага ётқизиб, бир амаллаб уйга олиб киришди.

ДЕВОНА

Етти ёт бегона қон-қариндош тутинди.

Арланнинг тўйи оқшоми Тамар оғриб қолди.

Эрталаб Тараш билан Каролина Очамчир поезди билан уни уйга олиб келишди. Каролинанинг айтишича, Тамар салбинини йўқотиб хафа бўлганидан, дардга чалинганди.

Уйда маълум бўлишича, Даша салбини кўрмаган ва топиб ҳам олмаган. Зинадан чиқаётганларидаёқ у, тўйдан қайтганларга, улар йўғида уйда рўй берган воқеаларни бирма-бир сўзлаб берди.

— Татия кўкйўтал бўлиб қолди, Таризэл бобо Лукаяга таёқ отди, Лукая қочиб кетди.

Шунингдек, у, Таризэл бобонинг юрак касаллиги тутганини ҳам яширмади.

Шуларнинг ҳаммаси Тамарни яна беш баттар диққат қилди.

Тамар хонасига кириши ҳамон Тараш билан Каролина қўлидан чиқди-да, пардоз столи ёнига ошиқди, комодни титкилаб чиқди. Қутиларни у шундай шитоб билан очиб-ёпардики, гўё уй ёняпти-ю, буюмларни қутқариб қолиши керак.

Каролина Татия ётган уйга шошилди.

Тараш гуллаб бўлган олмага, қилт этмай турган мева дарахтларига тикилганича очиқ дераза ёнида туриб қолди. Асалариларнинг бир мезёрда финғиллашини тингларкан, борлигини ғалати бир маъюслик қамради.

Тамар қутиларни очар, ёпар, қутичасини, сандиқчасини топиб, уларни ҳам титкилаб, салбини изларди.

Кейин кўйлақларини олиб ҳаммасини қоқиштирди. Тартибсиз уйилиб ётган буюмлар ўртасида турган ерида сўнги сандиқчани ҳам иргитди-да, қўллари билан юзини беркитганича: «Ойижон!» деб қичқириб юборди ва ҳўнграб йиғлаганича ўзини тўшакка отди.

Тараш унинг ёнига келиб бошини силай бошлади; овутиш учун сўз тополмасди. Тараш қизнинг хафалиги ёлғиз салбнинг йўқолишидангина бўлмай, эрта етим қолган қизнинг кўпдан яшириб юрган қайғу ҳасрати туфайли ҳамлигини тушунарди.

Тамар йиғи аралаш шу қадар аянчли товуш билан: «Ойи! Ойижон!» деб қичқирардики, буидан Тараш қаттиқ изтиробга тушди.

Қаролина қўрқиб югуриб келди, Дашани чақириб, Тариэлниг уйига борадиган ҳамма эшикларни беркитиб кўйишни буюрди. Салбнинг йўқолганидан дарак топса, чолнинг жаҳли чиқиб кетишидан қўрқди.

Тараш билан Қаролина Тамарнинг бош томонига ўтиб ўтириб, унга тасалли бериб, умидлантира бошладилар:

— Салбни Лукая топган-да, «муқаддас буюмлар» сандиғига яшириб қўйган. Ахир ўтган йили ҳам салбни ювинадиган жойдан топиб, шундай яшириб қўймаганмиди?

Тамар дарҳақиқат шундай бўлганини эслади ва кўнглида умид учқуни пайдо бўлиб, кўз ёшларини артди.

Қизнинг салб тақиб юришини Тараш кўрмаган эди. Қаролина бунинг Жаҳонанинг суратида акс эттирилган салб эканини эслатганда эса, Тараш ҳам бу қадим грузин заргарлиги ноёб намунасининг йўқолганига жуда ачинди.

Лекин қизни овутиш учун:

— Қўй, Тамар, ёш бола бўлма, — деди. — Яхши кўрган буюмим йўқолди, деб шунчалар кўз ёш қилишга ўрин борми? Агар художўй одам бўлсанг, салбининг қимматбаҳолигининг нима аҳамияти бор? Оддийини тақаверасан. Ахир салб — имоннинг рамзи холос.

Қаролина Тамарнинг ёнини олди.

— Одам, узоқ вақт ёнида бўлган буюмга шунақа ўрганиб кетадики, асти қўя беринг, — деди у. — Шу буюмлар ўзимизнинг бир бўлагимизга айланиб кетгандай, шодликни ҳам, хафагарчиликни ҳам бирга баҳам кўргандай бўлади.

Тамар уялиб кетди. Кўз ёшларини артаркан, оҳиста деди:

— Бир куни Херипс билан Тбилисига кетдик. Салб уйда қолиб кетибди. Йўлда билиб қолдим буни. Агар Херипс кейинги поезд билан мени қайтариб юбормаса, хафа бўлганимдан касал бўлиб қолардим.

Лукая топилса бас, ҳаммаси жой-жойига тушади, деган ишончда эди Қаролина.

— Лукая топилган тақдирда ҳам уни ким олиб келади бу ёққа? Херипс йўқ. Бунақа вақтларда Лукая ҳафталаб йўқ бўлиб кетади.

— Агар уни сиз топганингизда эди,— деди Каролина Тарашга,— у албатта келарди. Тамар бетоб десангиз бўлди унга, дарров югуриб келади.

— Жуда соз, лекин уни қаердан излаш керак бўлади?

— Бунақа пайтларда қаёқларда сандироқлашини ким биларди дейсиз. Баъзан ўрмонда, Ингур ёқасида ашуласи ва қичқирғи билан қулоқни қоматга келтириб, дев сингари бўкириб юради. Баъзида бўлса майхонага олиб кириб тўйдиришади-да, қадим замонлар ҳақида сўзлаб беришга мажбур этиб, майнабозчилик қилишади.

Балки у Сасанианикидадир. Илгари почта бўлган бозор бор эди-ку, ўшанинг орқасида. Уша ерда, яшил уй ёнида илгари черков шами ясаладиган, қийшайиб кетган бир кулба бор... лекин Сасаниа ҳозир нима билан шуғулланишини билмайман...

Агар Лукаяни у ердан ҳам топмасангиз, ундан сал нарида эски темирчилик дўкони бор. Темирчи Зосимани сўрайсиз. У Лукаянинг эски қадрдони.

Тараш қўлёмасининг бир қисмини Тбилисига шошилиш суратда жўнатиб юбориш учун зудлик билан уйига жўнамоқчи бўлиб турган эди.

Лекин шунга қарамай, у Лукаяни излаб кетди ва уни топгани ҳамон бу ерга бошлаб келишга ваъда берди.

Тараш кавушдўзлик, темирчилик дўконларининг, майхоналарнинг очиқ турган эшигидан мўралаб, бурчак-бурчакларда тўпланган одамларга разм солиб, анча маҳалгача бозор айланди. Лекин Лукая ҳеч қаерда йўқ эди.

Тараш суриштира-суриштира, ахири, шам чиқарадиган устaxonани топди. Қария Сасаниа уйда йўқ экан.

Эшикдан кичкинагина, ориққина кампир мўралади.

— Лукая дейсизми? Икки соатча бурун келиб эди,— деди кампир.— Қўрқиб-қалтираб, оқсоқланиб, таёққа таяниб келди. Эримни сўради, лекин ортиқ ҳеч нима демай, жўнаб кетди.

Нотаниш, чиройли йигитчи бошдан-оёқ кузатаркан, кампир, ивозиш билан меҳмонни уйга киришга таклиф қилди.

Шундай яхши кийинган бир одамнинг Лукаяни излаб юргани уни ҳайрон қолдирган бўлса керак. Худонинг ҳам, бандасининг ҳам жонига тегиб кетган Лукая бу одамнинг кими бўлишини, нимага керак бўлиб қолганини суриштиргиси келиб турарди кампирнинг.

— Утиринг,— деб таклиф этди Тарашга кампир ўчоқ ёнидаги тўнкага ишора қилиб. Кампир меҳмонни нима билан зиёфат қиларини, кўнглини қандай оларини билмай, типирчилаб қолди.

— Бу бечора Лукая асли қаерлик ўзи, Шервашидзелар оиласига ким олиб кирган уни?— сўради Тараш.

— Эҳ, нима дейишимни ҳам билмайман,— хўрсинди кам-

пвр.— Унинг кимлигини ҳеч ким билмайди; Лукаянинг ўзидан маъноли бир гап олиб бўлмайди. Эрим билан у жуда қадрдон. Менинг эрим — шам ишлайдиган уста, Лукая бўлса, кашишнинг псаломчиси¹ эди. Шунда бизни кига тез-тез келиб турарди.

Миш-мишларга қараганда, Тариэлнинг отаси Манучар Шервашидзе Лукаянинг онаси билан яшаган. Муҳожирлар уни ҳомиладор ҳолида Шервашидзелар хонадонидан ўғирлаб, Апакидзега сотишган. Манучар Лукяяни улардан сотиб олган.

Лукая катта бўлганидан кейин эса кашиш Тариэл уни псаломчи қилиб олган. Айтишларича, яна, худо ўзи кечирсин...

Шу ерга етганда кампир сўзини бўлди, лекин Тараш:

— Яна нималар дейишади?— деб синчковлик қила бошлади.

— Нималар дейишарди? Бир вақтлар Лукая бекасини, жойи жаннатда бўлсин, ёшгина Жаҳонани севиб қолган дейишади! Эшитгандирсиз, марҳума Биби Марьямдай гўзал бўлган— худо ёрлақасин уни! Шу муҳаббати туфайли ақлдан озган дейишади.

Бошқа бировлар ундан баттаринларини сўзлайди. Тариэлнинг отаси Манучар худонинг ўзидай қаҳрли эди. Крепостнойнинг ўғли келиб-келиб, унинг келинга муҳаббат қўйганини эшитгач, бечора Лукаяни галла боғламлари бостирилган омборхонага қаматиб, ўт қўйиб юборган дейишади.

Лекин Лукая томга чиқиб, ундан сакраб тушиб, омон қолган. Қўрққанидан ўшанда ақлдан озган эмиш. Шунақа миш-мишлар бор. Лекин қайси бири рост, худо билади.

Тараш жимгина тингларди.

Кампир гапида давом этди:

— Жаҳона вафот этгач, Лукая бу оилани ташлаб кетолмади. Меҳмонхонада Жаҳонанинг сурати бўларкан. Ҳеч ким йўғида Лукая секингина ўша ерга кириб, Жаҳонанинг суратига қараб чўқинармиш. Ундан ташқари Тамар, худди онасининг ўзгинаси, шунинг учун ҳам Лукая кетмайди.

Тараш ўрнидан турди.

— Зосиманинг темирчилик дўкони қаерда?— сўради у.

— Қидириб овора бўлма, батано²,— деб жавоб қилди кампир.— Унинг дўконини аллақачон ёпиб юборишган. Зосиманинг ўзи, энди, Ингур соҳилида, Даднаниларнинг собиқ тегирмонида ишлайди.

— Нега ёпишади? Темирчилик дўкони ман қилинганми?

— Йўқ, ман қилинган эмас. Лекин Зосима — абхаз, у одамларни сандонга қасамёд қилиб, шайтонга сажда қилишга мажбур этган. Шунақа дейишади, батано. Лекин бу гапларнинг қанчаси рости, қанчаси ёлғон худонинг ўзи билади.

¹ Псаломчи — православ черкови ходими.

² Батано — жаноб. (Тарж.)

Тараш кетишга шайланди, лекин кампир келинлигида уни Имеретиядан қандай қилиб олиб кетишгани ҳақида, эрининг боди ҳақида ва турли рўзгор ташвишлари ҳақида тўхтамай бидилларди.

Тараш Ингур ирмоқларидан бирига етганда, қоронғи тушиб қолган эди.

Дарё тоша бошлаган эди. Дарё устидан ташланган четан кўприк қаттиқ чайқаларди. Тараш кўприкдан сал юрган эди, боши айланиб кетиб, орқасига қайтди ва соҳилда туриб, катта Ингурнинг тўлқинларини гулдиратиб, суриб келаётган кичик Ингурни жаҳл билан томоша қила бошлади.

Қуёш тоғ ортига ёнбошлади. Қалъа вайроналари устига қоронғилик чўка бошлади.

Тараш нима қилишини билмас, ишни ўлда-жўлда қолдириб кетишни ёмон кўрарди. Шаҳарга қайтиб извош ё от олсинми? Барибир тегирмонга ёруғда етиб боролмайди. Қоронғида Ингурда кечувни топиш осон бўлмаслигини у яхши биларди.

Бирдан орқа тарафида қўшиқ эшитилди. Ўгирилиб қараб, уч қўтос билан дарё тарафга келаётган кенг поҳол шляпа кийган ўспиринни кўрди. Бола қўтослардан бирига миниб олганича, иккитасини хивич билан ҳайдаб келмоқда эди.

Тараш бўш қўтослардан бирига ўтиришга ижозат сўради.

Тарашнинг ясан-тусанлигини кўриб, бола аввал унинг сўзига ишонмади. У билан ҳазиллашмаётганига ишонч ҳосил қилгач эса, бола ирғиб ерга тушиб, ўзи минган қўтосни унга тақлиф этиб, ўзи бошқасига минди.

Лекин бола кечув жойни билмаса керак: сув қўтосларнинг шохигача, унга минганларнинг белидан баланд келарди.

Тараш шилтаю шалаббо бўлиб соҳилга чиқди. Совуқ қотиб, жўкариб кетганидан тезроқ тегирмонга етиб олишга шошилди. Қўтос ҳайдаган бола тегирмонга қай йўл билан боришни тушунтириб берди.

— Ҳуз анави тепалик ортида бута бsr, шундан сал ўтгач, тоғолчазор келади. Кейин сал юрилса — тегирмон.

Тараш бола кўрсатган бутадан ўтди ҳамки, лекин тоғолчазор кўринмас эди.

Тўғри кесиб чиқиш учун шосседан бурилди-ю, ботқоққа ботиб қолди. Кўм-кўк қурбақалар оёғи остидан ирғиб чиқарди.

Тараш атрофга аланглади. Димоғига сассиқ зах иси урилди.

Маймунжон тагида шошилмайгина сирғалиб кетаётган жигар ранг илонни кўриб, унинг узун танасидаги нақшларни томоша қилиб қолди.

«Рассом табнат ўзи ижод этган бу махлуқнинг терисини нақадар усталик билан безабди-я. Нақадар ақлли калла, кўзларининг ёнишини-я.

— Ҳаракатлари-чи!

Илондан бўлак ҳеч қайси бир мавжудот оёқсиз ёки қанотсиз ҳаракатга келолмайди, ҳеч қайси бири! Бошини қанчалар кибор билан кўтариб юради. Бир боқишиданоқ вужудинг музлаб кетади.

Сувдай сокин, оҳиста, сирли ҳаракат қилади.

Унга дуч келсангиз беихтиёр сесканиб кетасиз ва унинг ҳам-ма вақт қиличдай яланғочлигига, тафаккур мисол сирғалишига, тундай қора кўз билан тикилишига ҳайрон қоласиз. Бир бoқса бўлди, бутун вужудингга қалтироқ солади бу боқиш!

Бутун мавжудотлар ичида ягона шу махлуққина товушсиз даҳшатга солади.

Даҳшатли махлуқ бошини сал кўтариб, буталар орасида ғойиб бўлди.

Умрида биринчи бор илонни кўргандай, Тарашнинг аъзойи баданини қалтироқ босди.

Безгак хуруж бошлаётганини ҳис қилди: оёғини зўрға суд-раб босар, бели зирқираб оғрир, пешанасини тер босган эди.

Ботқоқлик чеккасида ярмигача қоронғиликда ғарқ бўлган, сўлиб саргайган дарахтлар кўзга ташланарди; сўкмоқда, йўл бўйидаги кўлмакларда юрган қурбақалар зўр бериб қурилларди. Ён томондаги тепаликлардан шоқолларнинг увиллаши эшитиларди.

Ҳали бугунлай қоронғилик тушиб улгурмаган эсада, шоқоллар шу қадар дадил увиллашардики, гўё Тарашнинг шундоққина рўпарасидан чиқиб келаётгандек бўлардилар.

Ойни булут қоплади. Совуқ туша бошлади. Тарашнинг шалаббо бўлган либоси баданига ёпишар, ҳўл этиги ботқоқликда пилчилларди. Тарашнинг юраги сиқила бошлади. Мегрелиянинг ботқоқлик далалари, қурбақаларнинг қуриллаши-ю шоқолларнинг увиллаши одамни шу кўйга солади.

Ниҳоят, ўнг тарафда танҳо тегирмоннинг бир меъёрдаги гулдирашини эшитиб, Тараш анча енгил тортди.

Қулбага кириб, Тараш сўрида чўзилиб ётган Лукая Лабахуани кўрди. Тегирмончи Зосима унинг жароҳатланган оёғига доривор кўкатлардан босаётган эди.

Тарашни кўриши билан ҳаяжонланганидан Лукаянинг тили калимага келмай қолди.

«Қашиш дунёдан ўтган ёки бўлмасам бошқа бир катта фалокат юз берган»,— деб ўйлади у.

Тараш ҳеч нима бўлмаганини, Ингур ёқалаб сайр қилиб юриб, қоронғи тушиб қолганидан тегирмонга шунчаки кирганини, Лукаяни учратарман деб сира ўйламаганини айтиб, уни тинчлантиришга уринди.

Зосима, аввалига, нотаниш одамга тикилиб қолди, сўнг индамайгина чиқиб кетди. Бир неча вақтдан сўнг тегирмон шовқини тинди. Баҳайбат тегирмон тоши ва учдор тикинлар жим бўлди.

Тараш атрофга аланглади. Йиллар давомида йиғилган дуд ва ун кукуни деворни, ерни, шифтни қоплаган эди.

Тегирмончи қайтиб келди. Миқ этмай ўчоқ қошига ўтириб, сўниб қолган кўмирни пуфлай бошлади. Тарашни ҳам, Лукаяни ҳам кўрмаётгандек эди.

Ботқоқлик ва қурбақалар подшоҳлиги ўртасидаги бу макондаги сукунат, одам ва оловнинг яқинлиги Тарашга манзур бўлди. Индамас Зосима ёнида макон қуришга бажонудил рози бўлажagini ўйлади.

Тегирмончи оловни пуфлаб, аввалгидек, миқ этмай ўчоқ бошига чўкди. Унинг қоп-қора яланг оёқларидаги тирноғи оққушникидай узун бўлиб ўсганди. Қотиб, кирланиб кетганидан йиртиқч қушнинг чангалига ўшарди.

Ўчоқда қарағай бутоқлари ёқимли бўй таратиб тутаб ётарди.

Узоқдан сувнинг шовиллаши, қурбақаларнинг қуриллаши эшитиларди.

Зосиманинг ёлғизлиги ҳақида ўйлаб, Тараш бу жойларнинг қишини тасаввур этди. Йўллар беркилган, қорлар уюм-уюм бўлиб ётибди, кимса йўқ.. Бўшлиқ. Атрофда бирон зот кўринмайди. Оч бўриларнинг увиллаши-ю, бўрон ўкириги..

Тараш қўллари билан тиззасини қучоқлаганича, сочлари паҳмоқ, аянчли дарвешни диққат билан кўздан кечирарди.

Тегирмончининг сочлари у қадар оқариб кетмаган эсада, дуд ва ун кукуни қўнавериб, кул ранг тус олган эди. Унинг нурсиз юзида бирор ажин кўринмасди, кўзлари ғалати эди: кўзининг сарғиш оқида қорачиғи тугмачага ўхшаб кўринади.

Боқишлари эҳтиёткор Зосима, худди инидан мўралаб турган қундуздай, киприк қоқишга ҳам ботинмасди.

Унинг чеҳраси шундоққина мулойимлик тимсоли эди, қаригунича сақланиб қолган софлик ёғилиб тургандай эди ундан.

Тараш одамларнинг либосига диққат қилгувчи эди. Лекин бу гал Зосиманинг эғнидаги нималигини англаб етолмади. Йиртилиб кетган узун этакли ёпинчиқ чоха эмас эди; яна шуниси ҳам борки, либос бировникилиги ҳам шундоққина кўриниб турарди. Шим йиртиқ, айниқса тиззасига ранго-ранг ямоқлар тушган. Орқадан қаралса—шим эмас, темирчи босқони дейсиз. Ўтинга чиқиб кетаётганида Зосима Грузияда мегреллар ва абхазлар, Италияда эса доминикан монахлари киядиган кенг айвонли намат шляпа киярди.

Олов оҳиста сўниб борарди. Зосима сўнги чалани оёғи билан итариб қўйиб, бир аланглади-да, чиқиб кетди.

— Бу Зосима соқовми?— деб сўради Тараш Лукаядан.

— Йўқ, соқов эмас. Фақат мендан бўлак ҳеч ким билан сўзлашмайди. Одамлар, Зосима ўрмон маликаси билан учрашиб қолган, шундан буён гапирмай қўйган дейишади. Гаплашишни ёмон кўради. Эрталабдан кечгача шундай ўз фикр-хаёли билан бўлиб, индамай ўтиради,— деди Лукая паст овозда.

Тегирмончи ҳадеганда қайтавермади. Тараш бундан фойдаланиб, Лукаядан Тамарнинг салбини кўрган-кўрмаганини суриштира кетди.

Салб йўқолганини эшитиб, Лукая ҳам безовталака бошлади.

— Пойгага тақиб борма, деб эдим-а, мен у шўрликка. Мана йўқотиб келибди... Салбни унга онаси кўз юмиш олдидан совға қилиб эди-я. Худди кечагина бўлиб ўтгандай-а. Эсимда, ўлим олдидан у Тамарга: «Агар мени яхши кўрсанг, салбни йўқотма, ҳеч кимга совға ҳам қилма!» деган эди. Мана, йўқотиб қўйибди!

Лукая сўрида ўрнидан ярим қўзғалиб, бошига муштлай бошлади.

— Қўлимда катта бўлди қушчам, лекин гапимга қулоқ осмайди сира,— дея гўлдиарди у.

Бироз тинчигач, кичкина Татияни суриштира бошлади.

Сўнг Таризлни сўради.

— Унинг йиқилганини кўриб эдим. Мени деб бир балага гирифтор бўлган бўлмасин тагин? Раҳмим келиб қайтиб бормоқчи ҳам бўлдим,— дея ташвишланарди у.

Тараш Дашанинг айтганларидан, Таризэл Лукаяга таёқ отганини, шундан кейин тоби қочиб қолганини, Лукая бўлса оёғини чангаллаб, оқсоқланиб қочиб кетганини билган эди.

Лукаянинг олижаноблиги Тарашни танг қолдирди.

— Татия ва Тамарсиз бир кун ҳам туролмайман,— деб тағолди чол.

Тараш уни шу бугуноқ уйга қайтишга ундай бошлади. Тамар жуда қаттиқ бетоб.

Буни эшитиб Лукая ўрнидан турди.

— Оёғим оғрияпти, ҳай, зарари йўқ! Бир амаллаб етиб оламан.

Лекин отлар ҳам ўтолмайдиган ботқоқликдан ўтиб бўлармиши? Ўтиб бўлган тақдирда ҳам,— барибир, кўприк бузуқку. Ойсиз зимзиё тунда Игурдан ҳатто, иблиснинг ўзиям сузиб ўтолмайди!

— Шу касал оёғинг билан қанақа қилиб келдинг бу ерга!— деб сўради Тараш.

— Бозор ёнида аравакашларга дуч келдим. Тегирмонга келишаётган экан. Ушалар мениям ола келишди.

АНГЕЛОЗТБАТОНИ¹

— Эрта билан йўлга чиқамиз,— дерди Лукая.— Оёғим қаттиқ оғриётган бўлсаям, бир амаллаб, етиб оламан. Тонг отмасаноқ кетамиз.

Салбни эслаб у яна ташвишлана бошлади.

¹ «Фариштадлар ҳукмдори». Мегрелияда номини тилга олмайдиган илонни шундай атадилар.

— Салбни йўқотиш — ёмон аломат! — дерди Лукая бош чайқаб.

Тараш Зосима ҳақида суриштира бошлади. Лукаянинг чалкаш гапларидан Тараш, Зосиманинг бутпараст — абхаз жодугари эканлигини, сандонга сажда қилишини билиб олди.

Аввалига у яширинча сажда қилиб юрган. Темирчилик устaxonасида ишлаб юраркан, сажда ҳам қилаверган. Зосима асраб олган ёш Эсванжиа унинг сирини очиб қўйгач, темирчилик дўконини ёпиб қўйишади.

Ушандан буён Зосима одамлардан безиб, мана шу узоқ тегирмонга келиб олган.

— Зосима одамлардан шу қадар тўйганки, ҳеч ким билан сўзлашмайди. Мениям шу ерда яшашга чақиради, — деб ҳикоя қилди Лукая. — Ҳзим ҳам одамлардан кечиб кетмоқчиману, фақат Тамарнинг эрга тегишини кутяпман. Худодан сўрайдиган бирдан-бир нарсам — ўлим.

Ундан ташқари Тараш, Зосиманинг тегирмонида «ангелозт-батони»си борлигини, у илонни аврай билишини, судралувчининг ҳамма сирларини билажagini Лукаядан билиб олди.

— Илонни нима билан боқади? — сўради Тараш.

— Тс-с-с... Номи йўқни тилга ола кўрма, — шивирлади Лукая кўрқув билан. — Номи йўқни нима билан боқарди? Бирор ердан топиб қолса — сут беради. Тоғдан чўпонлар тушади, бир стакан сутни ундан ким қизғанади дейсан?

Шу маҳал Зосима келди. Ҳчоқ ёнига бир боғ ўтин ташлаб, аввалги жойига ўтирди-да, оловга пальён ташлай бошлади.

Тегирмон жимжит эди.

Тараш Зосимага сеҳрлангандай тикилиб, шумтол ёғочининг часир-чусур қилиб, пишиллаб ёнишини тинглаб ўтирарди. Ахири жим туролмай, Лукаядан сўради:

— Илгари бу тегирмон кимга қарарди?

— Князь Даданига.

— Ҳозир-чи?

— Колхозга.

— Зосимани ким тегирмончи қилиб қўйган?

— Қишлоқ.

Тараш жим бўлиб қолди.

— Зосима анчагача оч-яланғоч юрди, — деб давом этди Лукая, — ахири унга раҳм қилиб, тегирмончи қилиб қўйдилар.

Зосима эса, гўё гап у тўғрида кетмаётгандек ҳамон жим эди. Аслида рангпар бети ўчоқ иссиғида қизариб кетган эди.

Ҳатто шу роҳатбахш алангадан ҳам кўнгли қолгандай, бароқ қошларини чимириб ўтирарди.

Узқ жим ўтиргандан кейин тўсатдан Лукаяга муржеат қилди:

— Меҳмонга сут берсанг бўларди, йнгит. Кўзада озгинагина сут бор эди. Сенинг қўлингдан ичишга жирканмас.

Кейин ўрнидан туриб, ун тўлдирилган қоплар ортига ўтди-да, ётиб олди.

Тегирмончи Лукаяни «йигит» деб атагани Тарашга кулгили кўринди. Шу гапни айтаркан, ҳамсуҳбатига ўгирилиб ҳам қарамади Зосима.

Зосиманинг одамовилиги кишини ҳайратга солар, ҳатто малол келарди. Тараш кулбага кириб келганда бир қараб қўйгандан кейин Зосима меҳмонга ортиқ қайрилиб ҳам қарамади.

Лукая сут олиш учун ўрнидан турди. Оч бўлишига қарамай, Тараш рад этди. Лекин Лукая гапида туриб олди. Енида ётган кетмон сопини олиб, деворга ўрнатилган ёғоч шкаф томон оқсоқлана-оқсоқлана борди-да, сутли кўзани олиб, Тарашга вазатди.

Тараш кўзани оғзига олиб борган ҳам эдики: «Зосима илонни шу идишдан боқса-я!» деган фикр кечди миясидан.

Кўнгли беҳузур бўлиб кетди.

Кейин, бу фикрлар бидъатдан бошқа нарса эмас, илон ҳамма жонли мавжудотлар сингари покиза, деб ўйлади.

Ўзини мажбур қилиб, совуқ, мазаси ёқимсиз эчки сутини ичди.

Лукая яна ўрнидан турди, қоплар ортида узоқ ўралашди. Инқиллаб-синқиллаб, бўшашиб, лиқиллаб қолган ўриндиқни Тараш учун судраб чиқиб, ўчоқ ёнига қўйди, мутака¹ билан пўстин келтирди.

— Ёт энди,— деди у Тарашга ва этигини тортиб қўймоқчи бўлиб тиз чўкди.

Лекин Тараш кўнмади: этигини тортишларини ёмон кўрарди у. Ҳўл этикни кўп қийинчиликлар билан зўрға ечди.

Архалухининг илгичлари билан овора бўлгунича Лукая хуррак торта бошлади. Зосима ётган қоплар ортидан ҳам хуррак овози эшитилди.

Тараш ётган еридан сўниб бораётган аланганинг милтиллашини, сўнгги бор бир ловиллаб олиб титрашини томоша қиларди.

Тегирмон зимзиё қоронғилиққа чўмди.

Ўчоқдаги чўғлар аллақачон сўниб бўлди. Тараш кирланиб қорайиб кетган деразага боқди ва оқаринқираб турган кўкда ойни кўриб хурсанд бўлиб кетди.

Тегирмон ҳақида, Лукая ва Зосима ҳақида узоқ ўйлаб ётди. Ўриндиқ ёнида ерда унутиб қолдиргани сутли кўзани эслади, эрталаб ўрнидан турганида итариб юбориб синдириб қўймаслик учун, ўрнидан туриб, олиб қўймоқчи ҳам бўлди. Лекин эринди.

Бошига оғриқ кирди. Ўчоқдаги олов сўнгач, Тарашни қалтироқ босди. Тўхтовсиз эсноқ тутди, оёғи оғирлашиб, совқотиб қолди. Этигини ечганига афсусланди. Аъзойи баданини қалтироқ босди. Бош оғриғи зўрайиб, чидаб бўлмади қолди. Мутака

¹ М у т а к а — чўзинчоқ, қаттиқ болиш.

муздай, совуқ, силлиққа ўхшарди. Чекка томирлари дук-дук урарди. Юраги қаттиқ ва тез-тез дукилларди. Назарида гавдаси белидан иккига чопиб ташлангандай эди. Қўл-оёғи совуқ қотиб, керикиб кетмоқда эди.

Баъзан унга, ўриндиги чайқалаётгандай, шиддатли оқим унинг ўзини ҳам, уни қуршаган барча нарсыларни ҳам аллақадёққа оқизиб кетаётгандек бўларди.

Тараш қўлини чиқариб, юз тубан ётди ва ўриндиқ чеккасини маҳкам чангаллади. Бу ҳам ёрдам бермади, каттакон пўстин пардек енгил туюлди.

Оҳ, қани эди, шу топда, бирон кимса, чўяндек оғир, қизиган темирдек иссиқ кўрпа ёпиб қўйса эди унинг устига! У ўриндиқдан тушиб кетгудек бўлиб қалтирар, тиши-тишига тегиб шундай қаттиқ шақиллардики, қафасга тушган ўрмон қушига қўл узатилганда аччиғидан тумшугини шундай чақиллатади.

Узоқ азоб чеккач, пўстинга маҳкам ўралиб, сал терлаб олгач, ниҳоят мудраб кетди...

Мушукларнинг зўр бериб миёвлашиданми ё ой шуъласининг шундоққина юзига тушиб турганидан уйғонганини Тараш англаб етолмади.

Аллақандай қийқириқлар тўлдирган эди тегирмонни. Аввалига битта мушук жуда узоқ миёвлади, кейин навбатни иккинчиси олди. Аллакимнинг фиғони эшитилди. Ниҳоят ҳаммаси тинди.

Тараш қулоқ солди.

Чиябўрилар увларди. Жуда яқин ерда увлашарди,— тегирмоннинг шундоққина ёнида увлашаётган бўлса ҳам ажаб эмас. Лекин бу фақат чиябўриларгина эмас эди. Хирқи, жарапгдор овоз билан силовсинлар ўкирарди.

Чиябўрилар билан силовсинлар бир жойдамиди, ёки бир-бировидан узоқдами билиб бўлмасди.

Бир нарса аниқ эди: чиябўриларнинг увиллаши, силовсинларнинг хириллашига уланиб кетмоқда эди.

Тараш нариги ёнига ағдарилди. Энди унга мана шу хилватдаги тегирмонда, ўрмон қуршовида ётиш жудаям хуш ёқарди.

Чиябўрилар бир дам жимиб қолдилар, шу чоқ мушуклар миёвлаб увиллай кетишди.

Биттаси жуда узоқ ва чўзиқ увлади. Кейин бирдан модасининг. (бир бўлак хомсурпни йиртгандай) чирқираши эшитилди. Яна ўкирик янгради. Ниҳоят, ўкираётгани билан чирқиллаётгани олишиб кетди.

Яна жимлик чўкди.

Кейин, худди сув томаётганга ўхшаш бир меъёрдаги, секин тикиллаш эшитилди. Алланима қирчиллади, шитирлади, чийиллади. Ой нурида Тараш, чала ёнган ўтинлар ётган жойда бир неча каламуш ҳар томонга тумтарақай бўлишганини кўрди. Лекин улардан битта юраклироғи Тарашнинг ўриндиги ёнигача келди. Тараш унинг боғичга ўхшаш узун думини кўрди.

Бу силлиқ дум Тарашга жирканч бўлиб туюлди. Кўршапалакнинг қаноғи сингари ёпишқоқ ва ифлос бўлса керак (кўршапалакни ушлаб кўрган бўлсангиз биласиз буни).

Каламуш ўриндиқ ёнига югургилаб келди-ю, шу замоноқ орқага ўгирилиб, бир чийиллади-да, ғойиб бўлди.

Тараш каламуш келган томонга қаради. Бир неча каламуш тўғри у томонга қараб келмоқда эди. Бурчак тарафдан аянчли чийиллаш ва совуқ, ачиқ ноябрь шамоли эсганда қуруқ шохшаббалардан чиқадиган шитир-шитир эшитилди.

Тараш қуруқ шохларнинг ваҳимали шитирини жуда узоқ вақт тинглаб ётди. Кейин болакайлар ғоз болаларига текканида эркак ғоз журужга ўтгандагига ўхшаш пишқириқ эшитилди.

Шитир-шитирлар-ла тўлган сокинликда қўрқув туғилар ва Тараш юрагининг дуқури қулоғида акс-садо бераётганини ҳис қиларди.

Алланима жуда секин шитирлади. Сувнинг чайқалигимиди ёки шохшаббалар шитирими, Тараш англаб етолмади. Шу чоқ у тўсатдан: деразадан қуйилаётган ой ёруғида ўриндиғи томон сирғалиб келаётган каттакон илонни кўриб қолди.

Илон ҳаракатсиз тик чўзилган бошини баланд кўтариб у томон ўрмалар, қуриган жўхори япроқларини шилдиратган ноябрь шамолидай вишилларди.

Тараш бошини кўтарди. Унинг назарида илон оғзини очиб, истеҳзо билан қулаётгандай туюлди.

Илон хотиржам, текис ўрмалаб келарди. Бу ғалати нақшинкор мавжудот юракни ларзага солиб, оҳиста вишиллаб илгариларди.

Жимлик чўкди. Тарашга мўридан қурум тўкилаётгандай бўлди. Қимир этмай ётаркан, у пўстинга ўралган гавдасини ғужанак бўлиб, кичрайиб кетгандай ҳис этди. Илоннинг каламуш исини эслатувчи ҳиди келди.

Тараш архалухи чўнтагига қўлини тикди ва браунингнинг тепкисини секин тортиб қўйди. Лекин: «Тўппончадан фойда йўқ!» деган фикрга келди. Гугурт излаб тополмади.

Кейин қўлини чўнтагидан олди. Бефарқ, лоқайд, чўзилиб ётди. Илоннинг тўғри унга қараб келаётганини кўриб ётарди у. Уни қуршаган қоронғиликда ортиқ ҳеч нима ёрдам беролмайди.

Энди на чирқираш, на шитир-шитир эшитилади — ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит.

Тарашнинг бутун вужудини боягидан баттар қўрқув қамраб олди.

«Ўлим ҳам ана шундай оҳиста, билдирмай етиб келса керак», — деб ўйлади у. Шу даҳшатли дақиқада фикр-ёди Тамарга кўчди.

«Тақдир шу бўлса керак: Тамар билан учрашув ҳам, салбнинг йўқолиши ҳам...»

Севгилим ўлимга юборган экан, деган фикрдан анча енгил тортгандай бўлди.

Баданини совуқ тер босди. Хавф-хатар-ла тўлиқ ёшлигида орзу қилгани ўлимга у энди, шу Тамар иродасила маҳкум бўлаётгани билан ўзини ўзи овутарди.

Окумида қолган ёлғиз онасини, шўрлик отасини эслади. Шарпадай рангсиз Эрамхут кўз ўнгида гавдаланди.

Аланглади. Илон кўринмади.

Ўрин ичига кириб кетгандир, деган фикрдан титраб-қалтираб кетди у.

Илонлар пўстиндан қўрқадн, деган гапни эшитган эди. Шунини эслаб пўстинга маҳкамроқ ўраниб олди. Совуқ, сирғанчиқ нарсанинг тегиб кетишини кутиб сесканди.

Шу маҳал нарироқда шовуллаш эшитилди. Тегирмон тагида сув шовуллаётганини англади.

Яна вишиллаш ва чириллаш эшитилди: лекин ўрнида эмас, ўриндиқ тагида...

Тараш юрак ютиб, ерга қаради ва бояги илоннинг кўзага бош суқиб, тагида қолган сутни ичаётганини кўрди.

ФОЛБИН

Арзакан «Одиши» ресторанида ўтирарди.

Қоронғи тушмоқда эди. Электр лампочкалари хира нур сочарди. Ним қоронғиликда Арзакан стол ёнида ўтирганларни зўр-базўр танирди. Стоканларнинг жарагшлаши ва сокин суҳбатгина тинчликни бузарди. Грузин, мегрель, абхаз, сван тилида сўзлашишлар эшитиларди.

Сван тилида сўзлашилаётган бурчакдан гулдираган бўғиқ товуш эшитиларди. Аллақандай бесўнақай дароз қаҳқаҳлаб куларди. Унинг кулгиси қувончни ифодалар, маъюс ўтирган Арзаканнинг ғашига тегарди.

Тамарнинг оғриб қолганини у Окумида қўққисдан эшитди. Ярим кечада отини эгарлаб, Зугдидига келди. Забулининг ёнига югуриб борди, кейин Шервашидзелар қўрғонига биқилиб кирди. Лекин Лукаянинг кулбаси қулф экан.

Мана энди у, вино билан ғуссасини ювмоқчи бўлгандай, стаканлаб вино ичиб, маъюс ўтирибди.

Забулидан у Тамарнинг онаси ҳадя этган салбни йўқотиб, хафа бўлганидан оғриб қолганини билолди холос. Забули истаристамас сўзларди. Рашкини келтириб, шубҳалантирмаслик учун Арзакан такрор суриштирмади.

Мана энди у бу ерда ичиб ўтирибди.

Вино бемаза уннарди, лекин у барибир, ичиб ўтирарди.

Тамарга икки оғиз хат ёзиш керак эди, деб ўйлади. Нима бўлганини ўзи хабар қилсин.

Блокнот билан қалам олиб, бир неча оғиз хат ёзган бўлди, қоронғида нима ёзганини ўзи зўрға ажрата олди.

Бошини кўтарди.

Лампочкаларнинг хира ёруғида аллакимнинг яқинлашиб келаётганини кўрди. Официантни таниди.

Хатни ўқимаса эди, деб чўчиди.

— Нега бунча қоронғи, ўртоқ?— деб сўради безовталаниб.

— Заводлар ишини тугатгани йўқ. Электр қуввати зўрға етяпти уларга,— тушунтирди официант.

Арзакан хат ёзишни давом эттирди. Берилиб ёзди хатни у. Яқинларидан бирортасига ҳам айтмайдиган сирларини очиқчасига ёзиб бўлгач, анча енгил тортгандай бўлди.

Муаллиф Арзаканнинг хатини атай келтирмади бунда, унинг хати бузилган грузин тилида ёзилган эди.

Арзакан хатни кимдан бериб юборишини ҳали ўйлаб топмаган эди. Ҳали уни юборадими-йўқми, ўзиям билмасди. Лекин юрагини очиб ёзишда давом этарди.

«Князь қизини севишга мажбур этиб, тақдир мени жазолади,— дея ёзарди у.

Мен билан князь қизи ўртасида, бизнинг ҳозирги замонамизда салб ва бут кучига ишонган қиз ўртасида умумий нима бор бўлмасми? Лекин, дарҳақиқат, муҳаббат кўр экан. Сенга бўлган муҳаббат кўр қилди мени.

Шу кунгача мен, душманни севиб бўлади, муҳаббат ақлдан оздиради, деб сира ўйламасдим.

Салб масаласига келсак, хафа бўлма, у менда. Ун бешинчи августда Тбилисига жўнайдиган бўлсак, ўз қўлим билан тутқи-заман сенга».

Арзакан ўзининг тўпори тилида шунга ўхшаш анча-мунча гапларни ёзиб ташлади.

Сизни ишонтириб айтаманки, азиз китобхон, бу мактуб Раминнинг зрон қизи Висга ёки Ромеонинг Жульеттага ёзган мактубидай таъсирли ва нафосатли эди.

Муҳаббат жабр-жафосини ҳамма бирдай тортиши мумкину, лекин бошидан кечирганини санъаткорона изҳор этиш жуда қийин.

Агар мактуб ёзишда Арзаканга каминалари ёрдам берса нотўғри бўларди. Негаки, бу мактубнинг самимийлигига ҳеч ким ишонмасди. Самимиятдан ташқари бўлган гапларни қоғозга тушириш эса, маъносиз ва нотўғри нарса.

Лампочкалар ёруғлашиб қолганда Арзакан ҳали хатни ёзиб тугатиб бўлгани йўқ эди. Ресторанда бирдан жонланиш сезилди.

Узоқдаги бурчакда чоха кийган бир чол чонгури чалиб ўтирарди. Чол паст, жуда паст товушда куйлар, бир неча ширакайф йигит унга жўр бўлишарди.

Арзакан башараси тери сили тошмаси билан хунук бўлиб кетган пакана одами кўриб қолди. Бу одам унга таниш кўринди. Қалампирдай қип-қизил бетли бу одам унга қараб жилмаярди. Арзакан кўзини олиб қочди; бошини эгиб, ёзганларини диққат билан ўқий бошлади. Ёзган мактуби ўзига ёқмаган эсада, тўрт буклаб, столга қўйди.

Бошини кўтарган ҳам эдики, юзи тошмалик кишининг гандираклай-гандираклай ўзи томон келаётганини кўрди. Арзакан қовоғини солиб олди. Юзи таниш бўлсаям, қаерда кўрганини сира эслай олмади.

— Кечирасиз, батоно (шу «батоно» дегани Арзаканнинг газабини қайнатди),— деди зўрға маст ва стул чеккасига ўтирди.

Арзакан унинг вақтидан илгари буришиб кетган тор пешаналик юзини диққат билан кузата бошлади; бурнидан то чаккасигача қип-қизил доғ чўзилган эди.

Пакана, оппоқ, камамушникидай ўткир тишини кўрсатиб бекордан бекорга куларди.

— Кечирасиз... Қаерда кўришганимизни сира эслолмаяпман,— деди Арзакан мактубни столдан оларкан.

— Эслолмаяпсизми? Ростдан ҳам эслолмаяпсизми?— деди юзи тошмали киши ва каламушникига ўхшаш оқ тишини кўрсатиб тиржайди.

Арзакан бош чайқади.

— Ростдан ҳам эслолмайсизми?

Арзаканнинг тоқати-тоқ бўлди:

— Эслолмаяпман деяпману! Сизга нима керак?

— Нега эсламас экансиз? Ахир мен сизга парик ясаб берган эдим-а. Босқинчиларни овлашга кетаётганингизда тиланчи париги ясаб бермаганмидим.

— Ҳа-а... Сихарулидзе!— деб қичқириб юборди Арзакан. Унинг чеҳраси ёришиб кетди. Ўзини тиланчи фолбин тусига киритиб, грим қилиб қўйган сухумилик сартарошни эслади Арзакан. Ачандарлик босқинчиларни қўлга тушириш арафасида бўлган эди бу.

-- Ушандан бери кўришганимиз йўқ эди. Уша иш қандай тугади? Босқинчиларни тутдиларингми?

Сартарошнинг икки йил бурунги воқеани суриштираётганига кулиси қистади Арзаканнинг.

У табассумини яшириб, бош ирғитиб тасдиқлаган бўлди ва ҳамсуҳбати учун вино чақирди.

Қайфи тарақ сартарош Арзакандан ачандарлик босқинчиларни қандай тутишганини суриштираркан, винолик стаканни қўлига олди.

Арзакан истар-истамас сўзлаб берди:

— ГПУ уч йил мобайнида уларни таъқиб қилди. У муттаҳамларнинг дастидан районда туриб бўлмай қолди! Шу вақт ичиди қирққа яқин милиционердан ажралдик. Уларни уч марта қуршаб олдик, теварак-атрофдаги тепаликларга пулемётлар қўйдик, лекин босқинчилар ҳар гал қочиб қутулаверди.

Уларнинг атамани ҳақида халқда, у сеҳрланган, ҳеч қандай ўқ олмайди, деган миш-мишлар юарди.

Бу босқинчилар ҳақида бизга хабар етказиб юрган кампир уларнинг Ачандар черкови қўнғироқчисиникида яширинишганини айтди.

Бир кун атаман ёмон туш кўрибди ва фолбин топиб келишни буюрибди.

Мен шу замоноқ Гудаутага йўл олдим. Мени яхшилаб грим қилиб қўядиган уста сартарош қидиришди. Ахири, сизнинг олдингизга бордим...

Арзакан винодан ҳўплади ва ҳамсуҳбатининг стаканини тўлдирди.

— Кейин, кейин-чи?

— Кейин, қиёфамни ўзгартириб, милиционерлар отряди билан Ачандарга йўл олдим. Атаман яширинган уй атрофига пистирма ва пулемётлар қўйдик.

Ярим кечада кампир мени тоққа бошлаб кетди.

Атаман уйғоқ эди. Ёмон тушлардан чўчиб қолгани тайин эди.

У мени фолбин деб ўйлади. Сўрида чўзилиб ётган ерида тушининг тафсилотларини сўзлай бошлади.

«Тушининг табири шулки, ўлимдан қочиб қутулмайсан», дедим-да, башарасига қараб ўқ ўздим.

Ёндаги хонада ухлаётган икки шериги ўзига келгунча бизнинг йигитлар етиб келишди; оёқ-қўлларини чамбарчас боғладик,— деди Арзакан.

Қўлини стаканга узатиб туриб, Арзаканнинг миясига бир фикр келди.

Тамарга ёзган хатини майда-майда қилиб йиртиб кулдонга солди-да, ёқиб юборди.

— Ҳозир нима қилмоқчисиз?— сўради сартарош.

— Ҳозир ҳам худди шунақа бир иш бор. Яна бир парик ясаб беришингиз керак. Лекин шуниси борки, бу гал мен борадиган жойда мени яхши танишади. Шундай грим қилишим керакки, ҳеч ким мени танимасин, жудаям хатарли иш.

— Эртага устахонага келинг. Сизга шунақа бир парик тайёрлаб берайки, шайтон ҳам таниёлмай қолсин.

— Эртага жўнайман, менга ҳозир тайёрлаб берасиз.

Бетини сил тошмаси қоплаган киши иккиланиб қолди. У виносини ичиб бўлмаган эди.

Бу янги фикр Арзаканни жуда қизиқтирган эди.

Энди у, тақдир ёки тасодиф уни бу беўхшов кишига рўпара қилганидан хурсанд эди.

Шервашидзелар оиласида Херипсдан бўлак ҳамма: кашиш ҳам, Тамар билан Каролина ҳам иримчилигини яхши биларди у. Бунинг устига агар Лукая қайтиб келган бўлса яна ҳам соз.

Яна бир шиша винони бўшатгач, улар сартарошхонага йўл олдилар.

* *
*

Илиқ шамол эсар, ёзнинг ёқимли ёмғири ёғарди. Лекин Шервашидзелар қўрғони томон бораётган «фолбин»—Арзакан ёпиш-

тирилган сочлар туфайли димиқиб кетган эди. Соқоли Лукая-никидақа узун ва сариқ. Эғнида жулдур, қўлида узун ҳасса. У тўғри Шервашидзе уйи томон юрди. Тамарнинг деразасида чироқ кўринди. Ғарам тагидан ҳуриб итлар чиқиб келди.

Арзакан тут дарахтига суянганича итлардан ўзини қўрир ва ҳўкиз сингари маърарди.

— Ким у?— деб қичқирди Таризэл Шервашидзе болохонадан энгашиб.

Арзакан илғаб бўлмайдиган қилиб гўлдиради.

Унинг илғаш қийин бўлган гўлдирашидан Таризэл чўчиди ва жони борича қичқира бошлади:

— Лукая, Лукая-я-я!

Ниҳоят кулбадан таёқ кўтарган девона югуриб чиқди. У қоронғида қоқила-суқила, тўнғиллай-тўнғиллай келарди.

Тиланчи фолбиннинг келиб қолганидан Лукая ўзида йўқ қувониб кетди. У фолбинни кулбасига бошлаб кирди, ўчоқ ёнига ўтказди-да, бошдан-оёқ разм солди. «Муқаддас кекса»нинг кибриб келиши унга «қадим яхши замонларни» эслатди.

— Бир вақтлардаги ромчилар, бахшилар, дарвишлар, азиз-авлиёлар, фолбинлар, илон сеҳрловчилар ва сайёҳ музикачилар қаёққа кетди? Эндиликда, ҳамма зулматда қолди,— дея нолирди Лукая.— Дўхтирлар қўзиқерин янглиғ кўпайиб кетган. Яра-нинг маддасини сиқиб, ич сурадиган дори ёзиб беришдан бошқага ярашмайди. Оддий безгакни ҳам даволаша олмайди.

Оғзига майда тош ташлаб олган Арзакан алланималар деб гўлдирадди.

Бидъатчи Лукая қудратли олло-таоло Шервашидзе-лар овласига дарвиш, дудуқ чолни йўллаганидан хурсанд эди. Энди бу дарвиш салбнинг йўқолиш сирини очади, Тамарни даволайди.

«Мўъжизанинг сири шундаки: диндорнинг уйида жафо чекканга кутилмаганда ёрдамга келади».

Шундай қилиб Лукая «дарвиш чол»га маҳлиё бўлиб боқаркан, кечалари пайдо бўладиган мусофирларни, таъбирлаб каромат қилувчиларни эслади.

Лукая жинчироқ ёқиб, ёғоч қутига қўйди-да, башоратчи қаландарга қараб бақа бўлди-қолди...

Тиланчининг либоси ёмғирда ҳўл бўлиб кетган эди. Бошлиқ тагидан сарғиш соқоли тутам-тутам бўлиб кўриниб турарди. Қаландар қовоғини солиб ўтирар, ҳатто самимий суҳбат ҳам унинг қовоғини очмасди.

— Фолбин келди!— деб ҳаммани хурсанд қилишга шошилди Таризэл Шервашидзе. Утмиш кунларнинг бу адашган қалдирғочини қўққисдан уларникига қадам ранжида қилиб қолганига у Лукаядан ҳам баттар қувонган эди.

Бир замонлар Шервашидзе-лар қўрғонига фолбинлар, афсунгарлар, кинначилар, тутқаноқлар, девоналар, монах қизлар, тарки дунёчилар ва саёқ созанда-ларнинг бири келиб, бири кетиб турарди.

Таризэл тоқатсизланарди.

«Нега энди бу тентак Лукая қаландарни Тамар олдига бошлаб кира қолмай, кулбасида олиб ўтирибди!»— деб жаҳли чиқарди унинг.

Кейин болохонага чиқиб, Лукаяни чақира бошлади.

— Бу бадбахтнинг сира ўжарлигини синдириб бўлмади-да! Кейинги қочганидан кейин бутунлай ақлдан озди,— деб тўнғилларди Таризэл. Кейин яна қичқирди:— Лукайя-а-а!

Шусиз ҳам безовталаниб турган итлар эгасининг қичқиридан кейин баттар хуружга келди.

Қўлтиғидан кашиш ушлаб келаётган Арзакан мийғида кулиб, зинадан битта-битта кўтариларди.

— Хуш келибсан, худо таолонинг элчиси бўлиб қадам ранжида қилган қаландар!— тантанали суръатда мулойим кутиб олди Таризэл тиланчини.

Сўнгги зинада Арзакан атай қоқилиб кетди ва ўнг оёғи қайрилиб кетиб, йиқилаёзгандай қилиб кўрсатди ўзини.

Ўзи зўрға турган Таризэл бобо унга ёрдамга шошилди. Қоронғида тиланчининг белига тегиб кетиб, маузернинг сопини ушлаб олаёзди.

Жулдурларни Арзакан ўз либоси устидан кийиб олган эди. Таризэл қўли нимага тегиб кетганини англаб ололмади.

— Белингга нима қилган?— сўради кашиш ҳайрон бўлиб.

— Раҳмсизлар уриб сон суягимни чиқаришган, отахон!— гўлдиради сохта фолбин.

Таризэл Шервашидзе билан Лукая «диний таъқибнинг яна бир қурбонини» кўриб, кўнгиллари бузилиб кетган эди.

— «Мен туфайли таъқиб этилганлар жаннати» дейилган китоба, чирогим,— деди Таризэл тиланчига юзланиб.

Қария билан йўлакда гаплашиб бўлгач, Таризэл уни ўз хонасига бошлаб кирмоқчи эди, лекин тўсатдан электр чироғи ўчиб қолди. Уйдаги бирдан-бир чироқни Даша бемор хонасига олиб чиқиб кетган эди.

Собиқ кашиш большевикларни ва уларнинг заводини яна бир бор лаънатлади.

— Заводларнинг иши тиқилиб ётибди дейишади. Бунинг дастидан биз қоронғида ўтирамыз. Заводларам, электрам — шайтоннинг кашфиёти,— дея нолирди кашиш.— Қаердаки завод, электр, темир йўл пайдо бўлса, худодан юз ўгиришади.

Абхаз урф-одатларига кўра Таризэл Тамарнинг хонасига кирмасликка ҳаракат қиларди (ўз қизи бўлса ҳам ҳар ҳолда аёл-да). Лекин ҳозир кирмаслигига яна бир сабаб бор эди: Тамарнинг хонасида Тараш Эмхвари ўтирганини Таризэл биларди. Қанишга бу ёқмасди, лекин тишини тишига қўйиб чидаб келарди. Фижинганини билдирмаслик учун у билан учрашмасликка ҳаракат қиларди.

Уринда ётган Тамарни кўрганда Арзаканнинг юраги қаттиқ ура бошлади.

Лукая каравот ёнига стул суриб қўйди.

Арзакан ўтирди ва ўгирилиб қаради.

Лампанинг сарғиш, хира нури хонани ёритарди. Диванда — Каролинанинг ёнида Тараш ўтирарди. Улар немисчалаб шивирлашиб ўтиришарди.

Тараш кирганларга парво ҳам қилмади. Синчков Каролина фаройиб меҳмон билан чалакам-чатти рус тилида гаплашмоқчи ҳам бўлди. Лекин тиланчи рус тилини билмаслигини Лукая орқали тушунтирди.

Немис аёл тинчиди ва яна Тараш билан суҳбатга тушди.

Арзакан букчайиб ўтирарди, ҳўл бошлиқ кўзигача тушиб кетган эди. У худди шамоллаган қўтосдай хириллар, пишиллларди. У яширинча Тамарга секин қараб-қараб қўярди. Бемор тўшагида безовталаниб, кўрпасини очиб ташлаганда, кўкрагининг оқлигига маҳлиё бўлиб қоларди у.

О, бу дақиқа Тараш Эмхвари нақадар бахтиёр кўринди унга! Ахир у ҳар кеч, мана бунақа бесўнақай париксиз бу хонага кириб келиши, Тамарнинг бошида унга термилиб ўтириши мумкин. Ким билади, ёлғиз тикилиб ўтириш билангина кифояланармикан?..

Бир олам гумон унинг қаршисида даҳшатли жағини очиб турарди. Шу дақиқа у, сут эмишган биродарини қувиб, тутзор хиебонда тутиб олиб, қутурган итдай ўлдириб ташлашга тайёр эди. Муҳаббат, ҳасад ва рашк ҳисси айқаш-уйқаш бўлиб, Арзакан Звамбанинг юрагида тўполон кўтарди. Унинг аъзойи бадани қалтираб, худди катта ирғишга ҳозирлик кўраётган махлуқдай букчайди.

У ён чўнтагидаги қизнинг салбини ушлаб қўйди. Тараш Эмхвари бўлмаганда Арзакан салбни, албатта Лукаяга берган бўларди. У шундай қилмоқчи эди. Лукая бунини оллонинг мўъжизаси деб биларди...

Лекин ҳозир, ҳозир Арзакан нафратдан қалтирарди.

Шу чоқ ширинсўз Лукая гап бошлади:

— Ҳой қаландари порсо,— деб мегрель тилида сўзлай кетди у,— беморимизнинг марҳума онаси туҳфа қилган салби йўқолди. Қанча ибодат қилдик, аврадик, энагаси ётарда алла билан чонгурига жўр бўлиб «Шоунана»ни куйлади. Илоригача пиёда бордим... Авлиё Георгийга атаб уч ойлик бузоқ қурбон қилдик. Лекин худонинг иродасини ким ҳам айта олади бизга? Раҳмдил қаландар, беморимизга кимнинг кўзи теккасини сен айтиб берарсан балки? Уни жин чалдими ё ажина қувдими? Ут-ўландан тегдими касал унга ё ер-сувдан? Унинг дарди ерданми, қуёшданми, ё ойдан?

Лукая тинмай бидиллай кетди. Арзакан ундан қандай қутулишини билмас эди. У қовоғини осилтириб, аччиғи қистаб ўтираверди.

Имтиҳонга тайёрланмай келган ўқувчи тўғри жавоб беришдан қочиб, раҳмдил ўқитувчининг ёрдамчи саволлари изидан кўр-кўрона судралгандай ёки уларга рад жавоби бергандай, бизнинг сохта фолбинимиз ҳам тутила-тутила сўзларди.

— Беморингизни жин ҳам чалмаган, ажина ҳам қувмаган. Ут-ўландан ҳам эмас, ер-сувдан ҳам эмас унинг дарди. Қуёшданам, ойданам, сувданам зиён тегмаган унга. Кўз ҳам текканмас, дам ҳам урилганмас.

Севимли онаси туҳфа қилган салбни йўқотганига худонинг қаҳри келган. Гуноҳини ювиш учун бемор сочини қирқиб, Георгий Илорскийга бахшида қилиши керак.

Тамар худди илон чаққандай ирғиб тушди, фолбинга тикилиб қолди. Фолбин бошини қуйи солди.

Бу сукутни бемор тақдир ҳукми деб ўқиди.

Тамарнинг ҳаяжонли товуши Тараш билан Каролинанинг диққатини тортди.

— Алжияпти!— шивирлади Тараш немис тилида Каролинага.

Тамар бу сўзни эшитди, лекин фикридан қайтмади.

Сохта фолбин ўрнидан туриб, Лукая ортидан индамай хондан чиқди.

Тамар девор томон ўгирилиб, хаёлга толди.

Узининг қисқагина қизлик умрини кўз олдидан ўтказди.

Худонинг нега қаҳри келсин унга? Ахир у ҳали дунёда тўй-гунча яшаб ҳам кўргани йўқ-ку, ҳатто чивинга ҳам озор беролмайди. Акасининг гамхўрлиги туфайли яшаш учун кураш машаққатларини ҳам чекиб кўргани йўқ ҳали.

Бу аломат қариянинг келиши, салбнинг йўқолишини таъбирлаши унинг қалбини ваҳимага тўлдирди.

Лукая ўзи оқсоқланса-да, иложи борича қаландарга кўмаклашишга уринарди. Чолга раҳми келарди.

Тамарнинг хонасида кўрганлари Арзаканни ларзага солган эди. Лукаянинг гаплари қулоғига кирмас, у эса зўр бериб қаландарни овқатланишга таклиф этар, «муқаддас» буюмлари яширилган сандиғини кўрсатишни, қишда кийиш учун эски либослардан беришини, бут туҳфа қилажagini айтарди.

Арзакан бетоқатланиб турган бўлса-да, бу сўзларни эшитиб, ўзини табассумдан зўрға тия олди.

У теварак-атрофга аланглаб, қочишнинг пайига тушди. Лекин итлардан қўрқди. Кулбага етиб боришди. Лукая қулфни зўрға очди, ҳужрага кириб, жинчироқни излай бошлади.

Арзаканнинг бахтига шумтол хиёбони тарафдан шитир эшитилди. Итлар ҳуришиб, шу томон ташланишди. Арзакан эшикни очиб, ҳужрадан қайтиб чиқди, устидан тамбалади-да, боғ тарафга югура кетди.

Ёмғир тинган, лекин осмон булутлар-ла қопланган эди. Олма дарахлари ёнида аллақандай муаттар ис тараларди. Аҳёнда ой мўралар, дарахтлар қорасини, пальмалар япроғини бирор

дақиқа ёритарди-да, эскирган ямоқ буркаларга ўхшаш булутлар орқасига яширинарди. Бир неча пальма қоронғида худди шохдор дарозларга ўхшаб кўринарди...

Янги ўрилган пичан ғарамига рўпара келган Арзакан чалқанча тушиб, осмонга тикилди. Ойни пишган тамаки тўсидаги доғлар қуршаган эди.

Акас дарахти ортида аллақандай қуш чирқирайди. Узоқдан якка итнинг узук-юлуқ ҳургани эшитилди. Арзаканнинг назарида юракни орзиқтираётгандай бўлди!

Шу аҳволда кўзини юмганича, узоқ тинглаб ётди у.

Итнинг ҳуриши юрагини ғуссага тўлдирарди.

Бир неча зум ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Арзакан ҳозиргидек грим қилиб Ачандар ўрмонига йўл олганини эслади...

Янги ҳаёт учун кураш ишига ўзини бахш этган ўша пайтларда у қанчалар бахтиёр эди! Арзакан Звамбаяга нима бўлди энди? «Наҳотки муҳаббат мени шу кўйга солди?— деб ўзидан ўзи ўпкалади.— Абжирлигим қаёқда қолди?»

Пичан ғарамида шу алфоз чўзилиб ётаркан, назарида, юраги алмаштириб қўйилгандай, жасорати уни тарк этгандай, сёғида мадор қолмагандай эди. Ғарамда чалқанча ётган эса, Арзакан Звамбая эмас, гўё, ростдан ҳам, кекса тиланчи фолбин эди!

У кўзларини чирт юмиб, хаёлга толди.

Тамар ҳақида, Тараш Эмхвари ҳақида, бугунги қалтис иши ҳақида ўйларди у.

Ҳаммасини қўққисдан бошлади ва амалга оширди!

Балким хат қолдириб, Тамарга салб ҳақида хабар қилиш керакмиди?

Йўқ, хатни ёқиб ташлаб тўғри иш қилди.

Бўлмасам-чи! Тамар билан Тараш хилватда фароғатда ўтиришсинми... Йўқ, бунга йўл қўймайди у! Тамар ҳам азоб чексин бир оз, сочини қирқсин! Майли! Тараш Эмхвари лаззатини бир оз бўлсаям заҳарлайди-ку бу. Негаки, у сочи қирққизларни ёқтирмайди, баттар бўлсин!

Яна якка ит ҳурди, кейин жимиб қолди... Кўп ўтмай, яна увлай бошлади.

Бу увлаш Арзаканнинг юрагини увуштириб юборди. Назарида, тақдирнинг даҳшатли кароматидай эди бу.

Арзакан сесканиб кетди.

Итнинг ҳуриши ҳам юрагини ларзага соладиган бўлса, комсомоллигинг қаёқда қолди! Арзакан Звамбая пулемётлардан қўрқмасди, босқинчилар ўқига кўкрагини неча бор тутиб берган эди. Энди-чи?

Бу оқ соқол Арзаканнинг шер юрагини, ростдан ҳам, қари-тиб қўймадими?

Шу топда у Тараш Эмхварининг, табиатда жонсиз нарса йўқлиги, ҳар бир буюм — жонли материя эканлиги ва жисми-

мизга таъсир кўрсатмай қолмаслиги ҳақидаги гапларни эс-лади.

Арзакан оқ парикни, соқол-мўйловини юлиб олди, жулдур либосларни ечди, ирғиб туриб маузерини нампиқиб қолган қини-дан чиқарди. Кейин уни рўмолчаси билан артиб, синчиклаб қа-раб чиқди-да, уй томон дадил юрди.

Тамарнинг деразаси очиқ эди. Хонани шамоллатаётган бў-лишса керак.

Деворга суяниб қулоқ солди: эркак кишининг овози эшити-ларди. Оёқ учида юриб, олма дарахти тагига борди. Олманинг ҳўл танасини кучоқлади. Ёмғир томчилари устига қуйилиб, ёқалари орасига тушди. Арзакан этигини ечиб, олмага чиқди.

Кўз олдида шундай манзара намоён бўлди: Тамарнинг сочи ёстиқ билан битта бўлиб ётибди, бети кўринмайди. Хонада Ка-ролина йўқ. Тараш Эмхвари креслони Тамарнинг бошига яқин суриб, суҳбатлашиб ўтирибди.

Узуқ-юлуқ сўзлар эшитилади. Уларнинг нима тўғрисида сўз-лашаётганини тушуниб бўлмайди. Арзакан бутун вужуди билан кўз ва қулоққа айланди. Ана, Тараш Тамарнинг оппоқ қўлла-рини қўлига олиб, силай бошлади.

Арзакан вужудини қалтироқ босди, кўз олди қоронғилашди.

Ўзига келиб қараса, Тамарнинг қўли кўрпа тагида ғойиб бўлибди. Эмхвари боягидай креслода ўтирибди. У куляпти.

Арзаканнинг кўз олдида Тамарнинг момиқдай оппоқ қўл-лари яна кўриниб кетди.

Бирдан Эмхвари ўрнидан ярим турди-да, Тамар устига эн-гаши.

Арзакан қалтираб кетди, қўлини маузерга узатди, лекин шу чоқ Тараш қаддини ростлаб, кресло суянчигига ўзини ташлади.

Тўпонча Арзаканнинг қўлида қотди. Олма поясига суянгани-ча Арзакан телкини тортиб, тўпончани ўқталди.

Мана, Тараш яна қиз тепасига энгашяпти. Арзаканнинг кўз олди жимирлашиб, юраги дук-дук ўйнай бошлади... Тараш ярим яланғоч қизни кўтариб тиззасига ўтказди-да, сочидан ўпди; лабини излай бошлади...

— Мени нега ўпасан? Бошқани севасан-ку,— деган овозни эшитди Арзакан.

— Бошқа деганинг ким, Тамар? Нималар деясан, ази-зим?

— Каролинани!— дедими Тамар, лекин у ёғини Арзакан ях-ши эшитмади.

Яна бир дақиқадан кейин тўпонча гумбурлаб отилиши та-йин эди, лекин шу топда Тамар Тарашнинг қўлидан сирғалиб чиқди-да, хонадан чиқиб кетди.

Шоссе қоп-қоронғи.

Тараш Эмхвари ғамга ботган одамдай оҳиста боради. Ар-закан унинг кетидан соядай кетаётир. Аҳён-аҳёнда мойланмаган

араванинг гижирлаши-ю, хўрозларнинг уйқуга чорлаб қичқириши эшитилади. Ҳозиргина бошидан кечирганлари Арзаканни шу даража тўлқинлантирган эдики, у оёғини зўр-базўр судраб босарди. Рақибининг ёнига бориб: «Қани, келинг, бир ҳисоб-китоб қилиб қўяйлик-чи!»— дейишга ҳам ҳоли келмайди.

Хўрозлар қичқиради.

Арзакан бўлса, бу товушларни тушида эшитаётгандек бўлади. Олдинда кетаётган қора ҳам ўнгига айланган туш гўё.

Баъзан жисм кўтаринки руҳга монелик қилади. Лекин шундай ҳам бўладики, жисм қудратлилигича, толмаслигича қоладию, руҳ туш сингари уни тарк этади, билинтирмай жимиб қолади.

Тараш тор кўчага бурилди, эманзорни кесиб ўтди, қадимий ёғоч дарвозани очди.

Чирмовуқ гуллар чирмашган минора ёнида қарағайдан ясалган икки хонали уй бор эди.

Ховли ва боғча жимжит. Арзакан ҳайрон қолди: Зугдидида то шу вақтгача бу қадимий минора билан уйни кўрмаган эди. У Тарашнинг эшикни занжирлаганини эшитди.

Арзакан Звамбая баҳайбат арғувон соясида қимир этмай узоқ туриб қолди.

«Тамар нега энди унга: «Бошқани севасан», деди?— деб ўйларди у.— Балки, Каролинани дегандир?»

Унинг дилида умид учқуни йилтиллади.

Ойсиз тун оҳиста поёнига етмоқда эди. Соялар дарахтлардан ажрала бошлади. Эманзор оралаб туман қўйилди. Эманзор, биродари қотилининг қора ниятларидай мудҳиш эди.

REVERIE D'UN PROMENEUR SOL TALRE¹

Эрта тонгда, ҳали жуда тузалиб кетмасидан, Тамар ёнгоқ тагида очиқ ҳавода бир оз ўтиргани чиқди.

Кичкина Татия тиззасида типирчиларди.

Нонушта ҳозирлаб қўйилган стол ёнида Каролина газета кўриб ўтирарди.

Тамарнинг қўлида ўйинчоқ шиқилдоқ бор эди. Қизалоқ ўйинчоқнинг шиқиллашини қизиқиб кузатарди. Ўйинчоқни унга жуда яқин, қулоғи ёнига келтирганларида у хурсанд чинқирарди. Шунда Тамарнинг назарида кўзга кўринмас қушча сайраб юборгандек бўларди.

Тамар қизалоқни ўпар, ўпич излари унинг бетида пушти из қолдирарди.

— Шу шиқилдоқ бўлмаганда Татия бизни эсанкиратиб юборарди,— деди Каролина кўзини газетадан узиб.

Даша кечикиб қолиб, сигирлар яйловдан ҳайдаб келинма-

¹ Танҳоликда сайр қилгувчининг орзу-хаёллари.

ган эди. Оч қолган қизалоқни бир амаллаб чалғитиб туриш керак эди.

Дарахтларнинг учида қуёш нури ўйнайди. Шохларида зарғалдоқ сайрайди. Тўрғайлар осмонда чарх уриб, ёз тонги ва меваларга тўлиқ боғ мадҳини ўқийди.

Чигирткалар тўдаси ўз концертларини бошлаб юборишган. Ёнғоқ барглари орасида биттаси қўшиқ бошлаган эди, тут дарахтидагиси дарҳол унга жавоб қайтарди. Шумтоллар орасида, ёнғоқзор ичида, мевазор боғда — ҳамма ёқни уларнинг бир-бирсига жўр концерти тутган, гўё кўзга кўринмас бир кимса уларга дирижёрлик қилаётир.

Олачипор чивинлар йўғон қари ёнғоқ атрофида ғужғон ўйнайди.

Каролина дарахтдан тушаётган ҳашаротларни вақт-вақти билан устидан қоқиб ташлайди.

Тамарнинг соч ўримларида ҳам қўнғизчалар ўрмаларди.

Татиянинг елкасига бой қизи қўнди.

— Бахт келтиради!— деди Тамар қўнғизчани қизалоққа кўрсатаркан.

Татия бой қизига тикилиб қолди ва яна завқ билан чирқиллади.

Қўнғироқчалар товуши эшитилди. Тамар ўгирилиб қаради. Сигирларни ҳайдаб келган Даша аллақандай кичкина китобчани варақларди.

— Китоб ўқишга топган вақтингни қара-ю, Даша!— аччигланди Тамар.— Бола оч, сенинг қилиб юрган ишингни қара! Даша китобни узатиб, унинг ёнига келди.

— Ўрмондан топиб олдим. Грузинча ўқишни билмайман, балки керакли нарсадир, деб ўйладим.

Тамар унинг қўлидан блокнотни олди.

Биринчи саҳифада қизил қалам билан: «Танҳоликда сайр қилгувчининг орзу-хаёллари», деб ёзилган эди.

Унинг ёнида қадимий грузин черковларига ишланган барельефлардаги сингари қанотли шернинг сурати солинган эди.

Учинчи саҳифада инглиз тилида: «Meditation and thoughts about love»¹, деб ёзилган эди.

Шундан кейин грузин ёзуви бошланарди. Тамар Тараш Эмхварининг ёзувини таниди ва жимгина варақлай бошлади.

Каролина Тамар ёнига келиб, сарлавҳани ўқиди, лекин ёзувга тиши ўтмади.

— Қизиқ, ким ёзди экан?— деб қизиқсинди у.

Лекин Тамар, негадир, унга муаллифни айтмади.

Татияни Тамарнинг қўлидан олиб, Каролина боғдан кетди. Қиз ўқишга тутинди.

Муаллиф ҳикоя қилишдан вақтинча тўхтаб, китобхонни Тараш Эмхвари кундалигидаги бир неча саҳифа билан таништир-

¹ Муҳаббат ҳақидаги мулоҳазалар.

моқчи. Лекин ўқувчи икки йил олдинга ўтиши ҳамда бунда ҳикоя қилинганларни воқеалар тасбеҳига тизиши керак.

«Париж, 1928 й., 13 апрель.

Ҳар куни бу қаҳвахонада «гениал ипохондриклар»¹ билан учрашиш жонга тегди. Ўзига бино қўйган адиблар ва рассомлар, кутилмаган ролларни ижро этувчи кино юлдузлари, соткин журналистлар, философия, поэзия ва санъат ҳақида гап сотишлар.

Назаримда, бизнинг асримизда санъат ҳақида ҳаддан ташқари кўп гапирилади. Бу, шубҳасиз, зарарли.

Бу билан ижодкорларнинг ўзи шуғуллангани ёмон.

Ярат, кўп алжима, ижодкор! Ижод этишни ўрнига қўёлмаганлар, аксарият, шунақа мунозарага берилиб кетади.

Ташқарида туман. Бош оғрияпти. Лекцияга боришга эриняпман. «Келажақда дин» деган биринчи лекциядан қолдим.

Қаршимда аллақандай америкалик қиз ўтиради. Март ойида ўтлашга чиқарилган байталга ўхшамайдими?

Ҳа, дин ҳақида.

Уни ким ўйлаб чиқарди экан-а? Дин тараққиёт дардига мубтало бўлганлар учун зарурроқ. Ошқозони касалларга парҳез шу даража зарур.

Келажақ-чи? Келажақ ҳам ўтмиш сингари аниқ эмас. Буларнинг ҳаммаси тасаввуримиз шакли, холос.

Балки, ҳозирги замон ҳам шундайдир?

Албатта: миянда йилт этган фикрни қоғозга кўчиришга улгурмасингданоқ, ўтмишга айланади-қолади.

Қаҳвахонага кетаётиб Элен Ронсерни учратдим. «Кечқурун Одеоннинг марказий эшигида учрашамиз»,— деб таклиф этди у. (Агар Парижда таниш хоним билан қўққисдан учрашгудек бўлсанг, бунда албатта Тихэ тангрисининг қўли бор, деб билачер.)

Элен Ронсер хаёлимни олиб қочди.

Лекин у католик. Католик қизларидан эса, аллақандай, ўзига хос бир ҳид келади. Мен ёқтирмайман бу ҳидни. Яқинда Вандом майдонида жалада қолдим ва ёмғирдан қочиб черковга кирдим. Бурчакда икки монах чўқинаётган эди. Шамлар хира нур сочарди.

Бўм-бўш скамейкалар оралиғида, ҳамма ёқда бухўр исси анқирди. Қочиб кетгим келарди. Лекин ташқарида жала қуярди...

Уйга қайтгач, либосларимни алмаштира бошладим. Либосларимдан католицизм бўйи анқирди.

Элен Ронсердан ҳам шундай ҳид анқийди. Ахир бадани ва либосига озмунча атир қуядими у.

Эҳ ўша ис! Қувонч-ла тўла кўнглимни хира қилди-қўйди.

¹ Ипохондрик — ипохондрия касалига йўлиққан одам.

Париж, 15 апрель.

Бугун онамдан мактуб олдим. Очмайман, бир неча кун ёшмада асрайман. Севинтирадиган бирон янгилик топишни истайман бу мактубдан.

(Бу ёғида бир неча сатр ўчирилган, Тамар ҳар қанча уринмасин, илғаб ололмади.)

Сен-Мишель хиёбонида бир неча грузин эмигрантлари учрашиб қолишди — учиб кетган турналарга сих тайёрлайдиганлардан эди булар.

— Эмигрантлар бюроси сени Грузияга махфий топшириқ билан юбораётгани ростми?

Мен қатъиян рад қилдим, Марокашга жўнаётганимни айтдим.

Грузиянинг қонуний подшоҳи Вахтанг VI, бир вақтлар, бир неча минг сара йигитни Россияга жўнатган. Лекин эмиграциядан бирор иш чиқмаган.

Ҳа, қачонлар бўлган эди бу? Монархизм даврида! Бу чала журналистларнинг қўлидан нима келарди?

Йўқ, йўқ, азиз биродарлар, мен Грузияга бормамайман. Мен Марокашга жўнайман. Риффларнинг французларга қарши курашида ёрдам кўрсатмоқчиман. Умуман, шундай бир кайфиятдаманки, иблисларга қарши курашда иблисларга ёрдам беришга ҳам тайёрман.

Ҳа, шундай, мен Марокашга жўнайман, Марокашга!

Шундай деб ўйлайверинг. Менинг қаердалигимни, нималар қилаётганимни, нималар ҳақида ўйлаётганимдан одамларнинг хабардор бўлишини ёқтирмайман. Шунингдек, йўловчиларнинг кўзимга тик қарашини ҳам жиним севмайди. Венециан грандларининг маскасиз кўчага чиқмаслиги менга жуда маъқул-да.

Яна ёлғонни ёмон кўраман (лекин аҳён-аҳёнда ёлғонлашга тўғри келиб туради).

Ҳақиқий қиёфамнинг намоён бўлишини истамайман, шу сабабли ўзим тўғримда ёлғонлар тўқийман. Ҳамма ёқда ўзингнинг кимлигингни ойдин қилиб юриш малол эмасми ахир?

Европаликлар карнавалларда, грузинлар «берикаоба» байрамида нега маска кийиши ённки Филиппин оролидаги ёввойи одам жазаваси тутганда юзига йиртқич балиқ маскаси кийишининг сабабини энди биламан.

Париж, 17 апрель.

Бугун Фоли-Бержерда овқатландик.

Элен Ронсер ўзига бифштекс чақирди. Мен ҳайрон қолдим: рангпаргина бокиранинг қонли бифштекс ейиши ғалати кўринаркан.

Шу ернинг ўзида: «Бекага ўттиз беш франк тўладим, швейцарга беш франк бердим, Эленга гул юборсин деб гулчи Луизага ўн франк бердим. Бу гуллар атри, сенинг католик исингни кўмиб кетса ажаб эмас, азизим...»

Париж, 18 апрель.

Профессор П. буддизм¹ ва барахманизм² ҳақида суҳбат ўтказди. У христиан динидан бўлак динларга ғараз билан қарайди. Ренанга ёпишиб кўрди, позитивизмни танқид қилди. Нишсе ҳам қуруқ қолмади.

* Профессорликнинг шундай кибр-ғурурини ёмон кўраман.

Христианлик-чи? Ахир у ихтилофни яна ҳам чуқурлаштириб юборди-ку.

Жаноблар! Инжилингиз чигал бир нарса, Иоаннинг ҳақиқатлари ҳам худди Нотр-Дамдаги каби мужмал.

Мана, готик ибодатхона. У муҳаббатни ўзида гавдалантирган мисол кўкка бўй чўзган. Лекин у ер ҳам, готик ибодатхона ҳам зимзиё!

(Бир неча саҳифа француз тилида ёзилган бўлганидан Тамар у саҳифаларни тушириб қолдирди.)

Уч ойдан бери Луврга қатнайман. У бир кичкина шаҳарча жойини эгаллайди. Уч ой муқаддам хитой санъати экспонатларидан бошладим томошани. Хитой, Ҳинди-хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Эрон, Ассурия, Вавилония, Греция, Рим, Италия, Франция, Англия, Фландрия, Германия... Уч ойдан бери кўзим билан сайр қиламан. Мана ниҳоят, Лукас Кранахга етдим.

Оёқ-қўлидан михлаб қўйилган Исо сурати солинган бут, гултож, азобдан бурушган чеҳра, салбнинг бино этилиши, қатор-қатор мўъжизалар!

Наҳотки инсоният, қиёмат-қойим бўлганда жаннатга тушиш учун бутун умр азоб-уқубат чекиши керак! О, инсон қонини сўрувчи қонхўр!

Мана шундай чалкаш масалалар ҳақида ўйлайвериб чарчадим.

Овқатдан кейин Бельфор майдонига бормоқчи бўлдик. У ерда гумонсираш билан заҳарланмаган оддий одамлар ҳордиқ чиқаради. Халойиқ қандай ўйнаб-кулишини кўришни истайман...

Майдонда роден шери туради. Унинг кучли мускулларини кўришни истайман жуда! Масхарабозларни ҳам жуда соғиндим. Улар ҳам жар ёқасида ўйнашади. Лекин саҳнани хотиржамгина ташлаб кетишади.

Париж, 19 апрель.

Кеча тун соат учгача Сен-Жермен пансиониди, Элен олдида қолиб кетдим. Бенедиктин ичдик, Эленнинг ёноқлари қизариб кетди. Ширакайфлик унга ярашмайди. Мен, икковимиз ўрта-мизда соф, романтик дўстликни сақлаб қолишни истайман. Шуниси ҳам борки, айтишича, ҳозир қаллиғи Месопотамияда экан.

Қаллиғи Месопотамияда хотиржам бўлсин!

Анна-Марияга садоқатимни ҳеч бўлмасам икки ойгина сақ-

¹ Буддизм — Будда дини.

² Барахманизм — Мажусий дини.

лай. Анна-Мария — Эленнинг тамомила акси. Уни ҳақиқий май-хўр деса бўлади. Оғушининг лаззатини нариги дунёда ҳам унутолмайман. (Ҳозир шу сатрларни ёзарканман, юрагимга қон қуйилгандай бўлиб кетди.) Менимча, дўзах ҳам, жаннат ҳам йўқ парса. Жаннат — бу сенинг севгилинг!

Утган йили қишда Анна-Мария икковимиз ҳар ҳафтани Шварцвальдда ўтказдик. Лижада учдик. Тоғ тепасидан тағ-туби кўринмайдиган жарлик томон, унинг қўрқув билмай отилганини кўрсангиз! Оқшом тоғ меҳмонхонасига қайтардик. Оқ спорт либосини ҳам у, ана шундай қатъият билан ечиб ташларди. (Оппоқ малакка бу либос жуда ярашарди). Хуллас у, Праксителнинг маъшуқаси Фрина олимпиада кунни яланғоч бўлгандай, яланғоч бўлиб оларди.

Сен бу майхўрлик гўзалига асло ўхшамайсан, Элен. Лекин шунга қарамай, чехрангдаги ўйчан сояларни, вақт-вақти билан кўзинг тагида пайдо бўладиган уйқусиз тунлар гувоҳи бўлмиш кўк доираларни яхши кўраман, Элен.

Қора жар қаърига назар ташлаган бўлса ажаб эмас, бу кўзлар. Сен билан умрбод, эркак билан хотиндай эмас, ақасингилдай бўлиб қолишни истайман.

Малла хонимлардан жуда тўйдим.

Биринчи кунни улар жуда сипо кўринишади. Лекин иккинчи, учинчи оқшом ўтиши билан улар урғочи шер қиёфасини олишади (ўз қурбонини пойлайди).

Элен Ронсер! Бенедиктин туфайли ҳатто сенинг ранглар ёноқларингга ҳам қон югурди ва кеча кечқурун сен ҳам, кайфдан сузилган кўзларингни менга тикиб, урғочи шер янглиг чўзилдинг. Лекин мен ўзимнинг грузинлигимни эсладим ва «Аёллардан узоқроқ бўл, акс ҳолда, ён бериб қўясан» деган донишмандни ёрдамга чақирдим.

Париж, 20 апрель.

Бугун эрталабдан бошлаб кайфим соз. Тонг худди биздагидек. Заррача бўлсин шамол йўқ, осмон ёмғирдан дарак берувчи булутдан ҳоли. Консерватория майдониди сайр қилиб юриб, кекса почтальон мосье Гренарни учратдим.

У менинг уйим томон кетаётган эди. Мосье Гренар чарм сумкани зўр-базўр кўтариб борарди. У яқинда пенсияга чиқиб кетади ва ортиқ менга онамдан хат келтирмайди.

— Сизга хат бор, мосье Эмхвари,— дейди у қоқ суяк қўли билан сумкани узоқ титкиларкан.

Сабрим тугайди:

— Қавказданми, мосье Гренар?

— Йўқ, мосье.

Ва менга оқритка узатади.

Бор-йўғи бир неча сатр:

«Азизим, Париждан сенга нима олиб келай дебсан? Ҳеч

ниманинг кераги йўқ. Бошингда қолган бир тутам сочингни тўкиб юбормай, етказиб келсанг етарли.

*Анна-Мария
Фестнер.*

Оббо шайтонгина-ей, бу Анна-Мария!

Жуда тўғри топибди: Парижда сочим жуда тўкилиб кетди. Ёлғиз тишларимгина бутун. Бу ернинг пазандачилиги ва химиявий маҳсулоти ҳам менинг абхаз тишларимни емиролмади.

Париж, 21 апрель.

Бугун, ҳар кунгидек ўн тўртта газетани кўздан кечириб чиқдим. Спорт, дўннарлар пойгаси, сиёсат, ўзини ўзи ўлдиришлар, Ллойд-Жорж хабар қилади, Гинденбург пўписи қилади, миллатлар Лигаси тарғиб қилади ва бутун олам уруш очаман деб дўқ қилади.

Пацифист¹ ёзувчилар эса насиҳатгўйлик билан овора. (Урушни қоралаш пацифистларга касб бўлиб қолган).

Франциянинг ўн минг самолёти бор экан, Япония яна бир дредноутни² сувга туширибди, аллақандай немис олими, бутун бир шаҳар аҳолисини бўғиб ўлдириш мумкин бўлган газ кашф этибди.

Хуш ёқадиган янгилик! Жуда хуш ёқадиган! Месопотамияда қузғунлар кўпайибди. (Қузғунларни қирадиган газ кашф эшитишганда дуруст бўлармиди. Акс ҳолда, Элен Ронсернинг қаллиғи Месопотамияда очдан ўлиб кетиши мумкин. Агар қузғунлар ҳамма кўкатларни еб ташласа, мосье Ришпен стерлинг билангина қорнини тўйғизолмайди-ку ахир?)

Бугун кечқурун циркда ҳинд сеҳргари томоша кўрсатади. Қиличнинг тиғида ялангоёқ рақс тушади. Албатта бориб кўриш керак.

Элен, шу ойнинг охирида қаллиғи келажagini, кейин улар бир йилга Италияга жўнаб кетажакларини айтди.

Шундай қилиб, мосье Ришпен келади!.. Элен уни «қаллигим» деганига кулгим қистайди. Қаллиқлик унинг ёшига ҳам, туриш-турмушига ҳам ярашмайди. Ҳатто фотосуратларда ҳам пак-пакана, бақалоқ кўринади...

Қалта, тўмтоқ бармоқлари йиртқичнинг чангалига асло ўхшамайди. Лекин барибир, шу бармоқлар Стамбулдан Тигр ва Евфратгача тўр тўқиб ташлаган!

Мосье Ришпеннинг бойиши учун Осиё халқлари тер тўкиб ётибди. У Эленга тақдим қилган бриллиант шодаси неча-неча қабилаларнинг кўз ёши ва қони билан ювилган экан. Бу брил-

¹ Пацифизм — ҳар қандай урушларга, шу жумладан миллий озодлик урушлари, адолатли урушларга ҳам қарши чиқувчи буржуа оқими.

² Дредноут — броняли энг катта ҳарбий кема.

лиант шодасининг пулига ўртача бир князликни сотиб олиш мумкин.

Тўр Стамбулдан Евфратгача тортилган. Мосье Ришпен шу топда Мосулдами ёки Арзрумдами ўтирипти, ҳамма ёққа тузоқ тортилган, тўмтоқ бармоқлар усталик билан бизнес йиғиштиряпти.

Демак, яна бир ой бор унинг келишига.

Мен бетоқат хуштор ролини ижро этишни истамайман. Келса келаверсин, ўшанда кўрамиз...

Фақат бир нарсани: ҳеч қанақа мажбурият юкламайдиган ишқибозликнинг ҳам лафоти бўлишини Эленга исбот этмоқчиман (лекин парижлик хонимларнинг ҳаммасига ҳам маъқул келавермайди бу). Буни эса менинг ўзим жуда кеч тушундим. Шунинг учун ҳам Эльза Файлер, Антуанет Гризон, Мабел Гамилтон, Эльвира Фоконьериларга бўлган муҳаббатим заҳарланган эди. Муҳаббат Ингур асалига ўхшаш нарсалигини: ундан ортиқча тановул қилсанг, албатта заҳарлашини унутган эдим. (Ахир Ингур асали Қолхидани талагани келган император Помпей аскарларини заҳарлаган эди-ку. Баттар бўлишин!)

Элен Ронсер, сени бир илоҳий муҳаббатим тарзида сақлаб қолишни истайман.

Баъзан, метродан чиқаётганимизда мен Эленга туннель зинасидан чиқишга ёрдамлашарканман, маҳкам ўзимга қисаман. Шундай чоқларда Элен калтакесакники сингари яшил кўзларини менга тикади. Мен эса бу кўзлардан қай маънони ўқишни: ҳайратми ё ўпка билолмай қоламан. «Уйдалигимизда доим ўзингни олиб қочасан, одамлар орасида бўлса жуда ёзилиб кетасан»,— деяётгандай бўлади менга бу боқишлар.

Элен Ронсер! Юрагимда беғараз муҳаббатлигингча қол. Соят тунги уч, хайрли тун, Элен!

Париж, 22 апрель.

Қизиқ, инсон муҳаббатсиз яшаёлармикан? Мен шаҳвоний муҳаббатни кўзда тутяпман. Петрарка, Данте ва Руставелилар нимани куйлашган бўлмасам?

Кеча Италиян хиёбонида бетига қора тўр тутган, қора шоҳи костюм кийган баланд бўйли аёл диққатимни тортди.

Оқшом эди, катта хиёбонлар ясан-тусан парижлик хонимлар билан тўлган пайт эди.

Негалигини билмайману, ясан-тусан париж гўзаллари ичида диққатимни негадир шу аёл тортди ўзига. Париж гўзаллари орасида бу аёл руҳлар оламидан келган меҳмондай пайдо бўлди.

У билан ёнма-ён келгач, мен оҳистагина унга қараб қўйдим. Қараганимни сизди, одимини илдамлатди, электр нурларила гарқ витрина ёнида тўхтади.

Ойна банд деразада кўзларимиз тўқнашди. Жилмайди ва тез-тез юриб витринадан узоқлашди, оломонга қўшилиб кетди.

Ясан-тусан оломондан атир иси анқийди, ҳақиқий ва сунъий тақинчоқлар ярақлаб, кўзни қамаштиради. Аёллар, эрлар, болалар билан тўлган извошлар, автомобиллар, автобуслар ёнгинамдан ўтиб туради.

Ёлғизлик ҳисси мени қийнайди. Назаримда, мендан бир неча қадам нарида кетаётган аёл мени эзаётган хафақонликни ёзадигандай туюлади.

Аҳа, қора тўр тутган аёл яна витрина қаршисида тўхтади! Жигар ранг шляпа кийган бир кимса унинг ёнига келди. Аёл нари сурилди, кўзини витринадан узди ва шошиб хиёбонни кесиб ўтди. Киши йўлига равона бўлди. Одамлар оқими камайишини бир оз кутдим-да, мен ҳам хиёбонни кесиб ўтдим.

Ёлғизлик жуда қийнаб юборди мени. Назаримда, бутун слам кимсасиз дашт-биёбонга айлангандек эди.

Атрофда омнибуслар, авто, велосипедлар, очиқ, упа-элик суртилган бўйинлар, бўялган лаблар, яланғоч елкалар, келишган оёқлар, семиз ёки ориқ билаклар кўзга чалинади. Бадаллар шоҳилар ичида тўлғаниб йўловчилар диққатини тортади. Лабда табассум пайдо бўлади, пайдо бўлади-ю, таралади-кетди.

Зангори, қора, қўй кўзлар гоҳ бунда, гоҳ унда ярқирайди — кўзлар ва бриллиантлар... Қўллар, елкалар, кўкраклар, тўпиқлар. Парижлик хонимлар армияси пойтахтнинг Катта хиёбонларида! Шу гўзалларнинг бекорчиликда, роҳат-фароғатда яшаши учун бутун дунё бўйлаб тузоқлар тортилган.

Стамбулдан Мосулгача, Мосулдан Техронгача, Техрондан Калькуттагача, Калькуттадан Тибетгача, Тибетдан дунёнинг нариги четигача усталик билан тузоқ қўйилган. Бармоғи тўмтоқ тақир бош, қориндор Ришпеллар кўп миллионли Осиёни тузоғига илинтириб ўтиришади бунда...

Тантанавор Италиян хиёбонини ташлаб, тор кўчалар бўйлаб бораман — қаёққа бораётганимни ўзим ҳам билмайман. Одамлардан нарироқ кетишни истайман. Балки кимсасиз боғчага, кўкка танҳо бўй чўзган дарахт тагида ўтириб олиб, зим-зиё тун кўзига тикилсам-чи...

Миллионлаб кўзларнинг тикилишидан шундай чарчадимки! Ёлғизликдан маҳрум бўлганим, руҳнинг равшанлигидан ажралганим даҳшатли эди менга. Кичкина, жуда кичик бир боғча-ю, битта, биттагина дарахт бўлса бас менга...

Қутилмаганда қоронғи бир парк ёнидан чиқиб қолдим. Ҳамма ёқ шундай сокин эдики, кимса йўқдай туюлди менга. Кейин қарасам, бир неча минг жуфт скамейкаларда, скамейкаларда жой етишмаганлар кўкатлар устида ўтиришипти. Ошиқ-маъшуқлар нафасларини чиқармай ўтирардилар.

Аёллар ва эркаклар. Аёллар ва эркаклар.

Бу парижликлар ёз осмони остида юрак амрига қулоқ тутмоқдалар.

Аёллар эрларнинг тиззасида ўтиришади. Аёл ва эркак. Аёл ва эркак. Ҳамма жойда аёл белини қучган эркак қўли кўзга ташланади.

Паркда осойишталик. Аҳён-аҳёнда бирон жойда шивирлаган овоз, пиқ этган кулги, эшитилар-эшитилмас айтилган исм эшитилади ва яна ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолади. Мана, кимнингдир ҳўрсингани эшитилди ва яна ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Аёл ва эркак...

Бир амаллаб бир тўнгак топдим. Мана шу дақиқа мен, қанча-қанча одамлар Лондондаги Гайд-паркни, Лейпцигдаги Розергатен паркини, Мюнхендаги Инглиз боғини тўлдирган, деб ўйлайман.

Одамлар жуфт-жуфт бўлиб ўтирган ним қоронғи хиёбонларда Эрос кезади ва қарабсизки, Европа фабрика-заводларидаги беҳисоб қуллар армиясига яна янги-янги миллионлар қўшилибди.

Аёл ва эркак. Аёл ва эркак...

Париж, 15 май.

Мосье Гренар онамдан мактуб олиб келди. Мен унга қизғин миннатдорчилик билдирдим.

— Шунчалар севиниб кетдингизки, мосье Эмхвари, пул ҳақида ёзишибдимиз?

— Йўқ, пулдан кўра азизроқ нарса, мосье Гренар...

Парижда ҳамма нарса пул билан ўлчанади.

Мактубдан онамнинг жуда қариб қолганини англадим. Уни ёлғизлик синдирган бўлса керак. Ортиқча ҳеч нима ҳам демабди, лекин ёлғизликни дастхатидан ҳис этдим. Бод дастидан букчайиб қолган бармоқлар сингари майишиб қолган ҳарфлар уйқусиз тунлардан далолат беради.

«Паржаниани хола (сенга хат ёзиб эди, олдингми?) билан энаганг Хатуна (сен учун ҳар куни авлиё Георгий Илорскийга сажда қилади) сенга салом дейишади, ўлишади. Шу Париж дегани қайси тарафда, деб сўрайди энаганг доим. Энагангнинг эри Қац Звамбая сенга атаб бир айғир боқяпти. Арзакан, Қелеш, Бондо, Сандро ва қўшни қиз Мзеха ўпамиз дейишяпти. Като эрга тегди. Жогерийни уйлантиришди...»

Хат охирида шундай қўшимча бор:

«Наҳотки сени яна бир бор кўролмай Окумида ўлиб кетсам?»

Шугина. Онам бошқа ҳеч нима ёзмасди. Ҳеч нима. Шундай эса-да, бу мактуб юрагимга гулгула солиб қўйди.

Оқшом Лотин маҳалласининг тор кўчаларида ёлғиз сайр қиламан, лаврзорлар билан қопланган Қолхида тепаликларини кўришни орзу қиламан. Ёмғир ёғиб турибди, ҳўл йўлкалар, томлар, булутлар.

Оҳ, қани энди, Кавказ тоғларининг кумуш эгарини яна бир бор кўриш насиб этса! Ҳозир бизда магнолия ва анорлар гул-

лаган. Кўклам Колхида водийсини шундай безайдики! Ҳозир қишлоғимизда илк гуллар байрами — Мизитха байрами ўтказилаётгандир балки. Эман баргларидаги чамбарлар таққан қизлар, йигитлар баҳайбат кекса эман дарахти атрофида доира чизишаётгандир... Буркага ўраниб олган Ломқац Эсванжиа ўрмон ҳокими бўлмиш эман кўксига ханжар қадаётгандир...

Уйга қайтдим. Дераза эшикларини ёпдим. Бошимни буркаб олдим. Париждалигимни тан олгим келмайди. Тушимда онами, тоғларимизни кўрарман балки...

«Ойижон, агар яна юз йил яшасам ва шу юз йилнинг ҳаммасини ўзга юртларда ўтказсам ҳам, сиз унда экансиз, биламанки, менинг илдизим ўша ерда — она тупроқда... Онагинам, яна юз йил яшасам ҳам, ўзга юртлардан қайтгач, дарвоза ёнига бораман-да:

— Уйдамысиз, онажон?— деб чақираман.

Агарда сиз:

— Уйдаяман,— десангиз, мен:

— Ойижон, бор-йўғи энди ўн ёшга тўлдим! Сиз билан хайрлашиб кетганимга ҳали ўн йил бўлгани йўқ-ку, юз йил ўтиб кетганга ўхшайди-я» дейман.

Онамга, Окумига шундай деб хат ёзишим мумкин эди. Йўқ, ундай ёзмадим, йиғлаб юборади шўрлик онам...

О, ажойиб туш! Уйда эмишман, ҳали бола эмишман.

Телефон уйғотиб юборди мени. Элен Сен-Жермен пансионидан телефон қилмоқда эди. Месопотамиядан хат олибди: мосе Ришпен ноябргача ушланиб қолибди. (Ўша ёқда йўқ бўлиб кетмайди менга қолса.) Балким Мосулдан Калькуттага кетиб ҳам қолар. (Менга деса жаҳаннамга кетмайдими!)

Эленнинг овози телефонда қанчалар хушчақчақ жаранглари. У, ҳар ҳолда, Римга жўнаб кетса керак. Мен ҳам албатта боришим лозим.

Такси олдим: «Сен-Жерменга!»

Пансион йўлагига учрашдик. Бир ирғишлаб, шўх бола сингари бўйнимдан ўпди. Нимага севинаяганини тушунмадим: Римга бораётганигами ё қаллиғи Калькуттага жўнаётганигами? (Элени ҳеч қачон бундай ҳаяжонда кўрган эмасман.)

Париж, 18 май.

Кеча эмигрант бюроси билан алоқани батамом уздим. Бюродан чиқишим билан дўстим Яманидзени хафа ҳам қилиб қўйдим. Бу Яманидзе ўтакетган хаёлпараст. Грузин эмигрантлари бу ерда Парижда туриб тарихий муҳим иш қилишларига, ростдан ҳам ишонади.

Унга Антей билан Геркулес ҳақидаги ривоятни сўзлаб бердим.

— Антей деганинг ким ўзи?— сўради Яманидзе.

— Антейми? У Посейдон билан Геянинг ўгли. Геркулес унинг оёғини она-Ердан узгандан кейингина, уни енга олди ва ҳавода бўғди.

Мана шунақа, азизим Вахтанг. Кимда-ким она Ватанидан ажраса, ҳоли шу.

Лекин Яманидзе Жордания билан Церетели, Антейга ўхшамаслигини айтди.

— Жуда яхши, батоно. Антей бўлишмаса бўлмас, Прометей бўлишмаса бўлмас. Лекин шуниси борки, Прометей ҳам Кавказ қояларига занжирбандланган эди. Бу жаноблар бўлса Парижга «занжирбанд»ланишни афзал билишади.

е

Тамар ўқишни тўхтатиб кўзини ишқалади. Атрофда аввалгидек чигирткалар чирилларди.

Қиз керишди-да, кўзини кўтарди. Осмон тиниқ, жуда баланд кўринади. Шу мусаффо гумбаз остида чигирткалар пўлат панжаларини чархлайдилар.

Тамар юзига тушган бир тутам сочини текислаб қўйиб, Тараш Эмхварининг кундалигини яна варақлай бошлади.

Рим, 15 сентябрь.

Яна Италиядаман. Италиян тилининг муסיқийлиги худди ёшлигимдан танишдай хуш ёқади. Бугун мамлакат асло бегона туюлмади, гўё шу ерда, шу осмон остида, шу тоғлар оралиғида туғилгандайман. Одамлар худди ҳамшаҳарлардай яқин. Худди бизлар сингари сершовқин. Сўзлари шошқин, қўлларини силкиб гапиришади.

Осмон ҳам, булутлар ҳам, ўтлоқлар, дарё ва тепаликлар— ҳамма-ҳаммаси менга Грузияни эслатади. Қишлоқларнинг оқ харсанглардан ясалган уйлари тоғ этакларида ястанган. Экинзорлар ва жўхоризорларнинг осойишталиги нақадар таниш! Унда-бунда учрайдиган ливан кедраси¹ билан ложувард кўллар сал бегона кўринади, холос.

Юқорида қалъалар, саройлар, миноралар...

Ажойиб Қсан қалъасини, тенги йўқ Муцони, Самшвилдени, Тмогвис-цихени, Гудушаурини, Бебрисцихени, Нарикалани, Рухини, Сатанжони, Горини, Ухимерионини, Корсатевелни эслайсан.

Лекин шундай тафовут ҳам бор: италиян қалъаларига рим артиллерияси ўқлари келиб тегмаган, Помпей хуружини қайтариш насиб бўлмаган. Искандар Зулқарнайн ҳам, Мурман Аравийский ҳам, эрон шоҳи Аббос ҳам, оға Муҳаммаднинг ҳам қадами етмаган бунга.

Араб, мўғул, салжук, эрон ва турк отлари туёқлари остида,

¹ Кедр — игна баргли дарахтларнинг бир тури.

қақшатқич жанларда топталмаган бу далалар. Темурланг мерганлари ҳам келмаган бунга.

Станцияларда худди Грузиядаги сингари узум сотишади. Аёллар кўзи қорачиғи ҳам «будешури» узуми тусида. Ҳаво худди Грузиядаги сингари юмшоқ ва ёқимли.

Осмон мусаффо, ложувард тусда.

Шу осмонларнинг тиниқлиги Жотто ва Рафаэлнинг ўлмас асарларини бунёдга келтирди. Худди шундай ложувард осмон бизнинг Гелати, Светицховели, Кинцвиси, Вардзиа, Бетани, Зарзма, Анети Убиси ибодатхоналарида бўёқлар симфонияси яратган фреска¹ усталарини ҳам худди шундай ложувард осмон руҳлантирган.

— Наҳотки Италия ростдан ҳам Грузияга ўхшаса? Сен билан албатта бораман Грузияга!— дейди Элен Ронсер.— Албатта бораман, албатта!

Куламан, индамайман.

Кейин унга:

— Фақат Тибр дарёсининг оқими Кура билан Ингурга ўхшамайди,— дейман.

Тибр — ифлос, сассиқ ҳовуз.

Тибр сирли, ғамгин, кўзлари сўник.

У, дарҳақиқат мункиллаган чолга ўхшайди.

Бунёдга келганидан бери нималарни кўрмади Тибр, кўп нарсаларни ёдида сақлайди Тибр. «Атрофда бўлаётган нарсалар майда, гапиришга арзимамайди деб ҳисоблаганидангина сирли бўлса керак», деб ўйлайсан.

Лойқа сувларини оқиста оқизади Тибр. Цезарларнинг триремасини ўзида олиб оққан, уришқоқ италян князлари ва доғули папалар оқизган қонларни тўлқинларида ўйнатган дарё учун олам икир-чикири арзимас бўлиб кўринса ажабмас...

Тариэл бобо жаҳл билан қичқирган чоқда Тамар шу сатрларни ўқиётган эди.

— Касалдан энди турдинг-ку, яна захда ўтирибсан. Ўзинг ҳам дори ичмабсан, менга ҳам вақтида доримни бермабсан!

Тамар ўрнидан турди. Дадасига дори берди, ўзи ҳам ичдида, хонасига кириб олиб яна ўқишга тутинди.

Тарашнинг кундалиги уни ҳаяжонга солган эди. Кўз олдида, рашкини қўзғаб, Элен Ронсер образи турарди.

Рим, 17 сентябрь.

Бугун Элен билан Пьяцца дель Пополода бўлдик. Майдонда бир ориқ аёл сунбул сотарди. Аёлнинг бир қўлида кучук бола бор эди. Оч кучук бола эндигина дунёга очган кўзини зўрға йириб қарарди.

¹ Фреска — шувоқ устига солинган расм.

Аёл, қачонлардир Гелиополисдаги Қуёш ибодатхонасини бежаган ҳайкал тагида турарди. Мен аёл ёнига бордим ва сунбул сўрадим. У менга гулни узатиб, итни ерга қўйди. Ит ён томонга ўтди-да, ўз жинси одатини қилди: Қуёш ибодатхонаси ҳайкалига бориб ёзилди.

Умуман, бу ёлғиз итларгагина хос одат эмас. Шундай одамлар ҳам борки, ўтмиш маданияти ёдгорликлари ёнига боришди дегунча ўз табиатларини намойиш қиладилар. Тарихий ёдгорликларни мурдор қилиб, шундан лаззат топадиган саёҳатчилар ҳам бўлади-ку! Е бўлмасам, ноёб фреска ёнига муҳим бир воқеа содир бўлган вақтни — яъни фалончи писмандончи фалон йили бунга қадам ранжида этган, деган ёзувни тиркайдиганлар ҳам бўлади. (Арзимас одамлар шу йўл билан ном қолдирмоқчилармикан!)

Рим, 18 сентябрь.

Биз Санта Мариа дель Пополога кирдик.

Ривоятларга кўра, бир вақтлар Нероннинг жасади қўйилган бунда. Александр VI Баржиа император соясини таъқиб этган жинларни қувиш учун бунда меҳроб қурган.

Мен Эленга машҳур Виа Лата ва Марс даласини кўрсатдим. Шимол вақшийлари Римга шу ердан бостириб киришган.

Шу жойнинг аллақарида Фаонинг боғи бўлиши керак. Дарғазаб қулнинг қиличи шу ерда Неронни чопиб ташлаган.

*Qualis artifex morior!*¹

Одамларда ширин хаёлга чўмиш одати кучли-да! Бу тож кийган масхарабозга табиат ниҳоясиз мағрурликдан бўлак ҳеч нима бермабди.

Лекин ижодни ҳам мағрурликдан ҳоли кўриб бўлмайди-ку! Кимда-ким бир бўлак мармарни тарашлаб, ундан гўзаллик, илиқлик ва муҳаббат ярата оларкан, у мўъжизакор. Кимда-ким дагал сурпа ноз-неъматлар тўла дастурхон ярата оларкан, у сеҳргар. Кимда-ким ҳар бир орфографик луғатда бўлган оддий сўзларга юракни дукурлатадиган мазмун бериб, шарпаларга жон киргизиб, йўқ жойдан ҳаёт яратса, у ҳеч сўзсиз, алхимик ва тийрак инсондир.

Виа Лата!

Бу йўл антик дунё мисол кекса. Ўгирилиб қарайсан, назарингда, ҳали Христос оламга келмагандек! Цезарлар давридан авиация асригача чўзилган бу йўл. Юлий Цезарь, Помпей, Катилина, Вергилий, Гораций ўтган бу йўлдан.

Германлар, гуннлар, француз ва испан отлиқлари Римни вайрон қилиш учун худди шу йўлдан ўтишган. Мана бу палаццога телба Роберт Гвискар ўт қўйган...

Виа Лата билан Марс даласи шодиёна кунларни ҳам кўп кўрган.

¹ Қандай буюк артист жон бераётир!

Марс даласи бўйлаб, худди эллин худоларининг афсонавий замонасидаги сингари узум япроқларидан чамбарлар таққан ваҳанкалар югуриб-елишган.

Сатурналий кунларида бу ердан то Венециан майдонигача пойгалар уюштирилган. Римликларни ўз санъати билан ҳайратга солган Иверия шоҳлари Марс даласида пойгада иштирок этишган...

Ёмғир қўйиб юборди. Биз Арагон қаҳвахонасига кирдик... Ҳар турли қабилага мансуб, турли тилда сўзлашувчи ҳалойиқ билан тўлиқ эди қаҳвахона.

Долларга фарқ янги пайдо бўлган герцогиялар ва баронесалар фокстротга рақс тушадилар. (Аристократия билан буржуазиянинг бунчалар таъсирли иттифоқини томоша қилинг. Америка гўштли консервалар фабрикантининг қизи қашшоқлашиб кетган итальян дворянига эрга тегади.)

Америкалик, немис, француз журналистлари чет эл газетасини ўқийдилар. (Шундай пайтда трубка чекиб, қийшайган оғизларга бир қарасангиз. Лабларнинг чеккасида шундай бир кибр-ҳаво ўқиш мумкинки, гўё Римнинг асосчилари шулар ённки Рим Форуми улар шарафига қурилган.)

Ясан-тусан, бўянган аёллар қаҳвахонанинг кенг ойнаси қаршисида туриб лабларини бўййдилар.

— Наҳотки қадим матроналар ҳам ана шундай бўянишган бўлса?— деб сўрайман Элендан.

Дастали кўзойнаги орқали ҳар тарафга кўз югуртган хонимлар қўлтиғида оқ лайча. (Итларини ортиқ кўришадими ё эрларини, оллонинг ўзи билади.)

Бу қаҳвахонада упа сепган итальян альфонслари¹, баронесса унвони излаб юрган америкалик бева хотинлар ва қари қизларни пойлашади.

Ёмғир тинди. Осмон ёришиб, худди Грузиядаги сингари тиниқ бўлиб кетди. Венециан майдонидан Қолизей томон йўл оламиз.

Ҳатто осмон ўпар иморатлар даврида ҳам ҳайратга солади Қолизей!

Қолизей қулаган куни Рим ҳам қулашига римликлар қаттиқ ишонишарди: Рим қулагач эса олам ҳалокатга юз тутади.

Мана қаршимизда Палатинск ва Эксвиллинск тепаликлари. Бу ерда Нероннинг усти олтин билан қопланган, қимматбаҳо тошлар билан безалган саройи бўлган.

Ўзига бино қўйган, истеъдодсиз сохта донишманд бир вақтлар мана шу ерда тахтда ўтирган. Форумга кираверишда икита бўри ҳайкали туради. Ҳозирги замон Италияси қадимий Римга қанчалар ўхшаса, булар ҳам Ромул билан Ремни эмизганларга шунчалар ўхшайди.

¹ Альфонс — бирор хотиннинг таъминоти билан кун кўрувчи бузуқ эркак.

Капитолия музейида — машҳур Венера ва жаҳаннам маликаси Персефона. Унинг мармар қўллари таниш сатрларни ҳаёлимда гавдалантирди:

Бир умр малоҳатдан тошқиниб бўларман маст,
Шу оппоқ, момик қўллар бўйнимдан қучсалар бас...

Форумга кўтарилишда жингалак соқол Марк Аврелий отда туради. Узини ҳурмат қиладиган ҳеч бир грузин аравага қўшиладиган бундай зотли катта отга минмас эди. Бирон бир озор топган бўлса, ҳайкалтарош императордан шу йўл билан ўч олаётганмикан.

Форумни томоша қиламиз.

Унг тарафда Септимия Севера арки ва Конкордия ибодатхонаси. Чапда — Кастор ва Поллукс ибодатхонасининг вайронаси. Шу ернинг ўзидаёқ Ютурна нимфаси¹.

Мана бунда Сатурн ибодатхонаси. Унинг мармар устунлари тагида итальян кисавурлари ва лаццаронлари ошиқ ташлашадилар, тўполон қиладилар.

Бир вақтлар эса бунда рим сенаторлари ўтирар, ҳозир бу ўғрилар ошиқ ташлашганлари сингари, дунё тақдири билан ўйнашардилар. (Умуман, тарихдан маълум, сенаторлар ўрнини кисавурлар эгаллаган вақтлар ҳам бўлган.)

Веста ибодатхонаси томон юрамиз.

Мана у, бокиралар монастири. Миш-мишларга ишонадиган бўлсак, бунда христиан монахлари Боккачодан минг бор ўтадиган айш-ишрат қилишган.

Цезарь қасри. Ҳозир йўсинлар ўсиб ётган мана бу залларда Юлий Цезарь Галль урушида қўлга туширган ҳарбий асирлар— герман йигитлари билан ишратда бўлган бўлса керак.

Қим билади, қанчадан-қанча абхаз ва лаз йигитлари рим императорлари томонидан бузилган экан!

Иверияда, Кура соҳилида Иверия шоҳи Артак, Албания шоҳи Ориз Помпей билан жанг қилган. Албанлар билан иверлар ўрмонга ўрнашиб олишган. Лекин Помпей ўрмонни қуршаб олган-да, ўт қўйиб юборган. Асирлар орасида қуролланган ивер аёллари ҳам бўлган. Қарашса, эркаклар қанча жароҳатланган бўлса, аёллар ҳам шунча жароҳатланган экан. Шу ғалабадан сўнг Римда Помпей шарафига зафар тантанаси ўтказишибди.

Форум унча катта бўлмаган майдонни эгаллар экан-а! Аммо бунда мажлис қурган сенаторлар ўз иродаларини бутун оламга ўтказганлар. Худди шу олам Цицерон ва Виргилийни ҳам диққат билан тинглаган.

Грек Акрополи-чи! У Форумдан икки баравад кичик. Лекин,

¹ Н и м ф а — греклар мифологиясида табиатнинг турли-туман кучларини ифода этувчи иккинчи даражали худо.

шу топгача, ҳали ҳеч бир халқ Грецияникидақа юксак, жозиба-ли маданият ярата олмаган!

Бизнинг кунларимизда ҳам, жой, биз ўйлагандан кўра кам аҳамиятга молик. Ер куррасининг тўртдан уч қисмини сув эгаллайди. Сув эса — сув, холос.

Форумда эканмиз, қоронғи туша бошлади. Ярим вайрона заллар ва ибодатхонанинг оппоқ зиналари, мрамар устунлари қоронғиликқа чўмиб бораверди. Ҳаво қора тус олди. Тиннер денгизи томонда момиқ булутлар пайдо бўлди.

Қип-қизил булутлар гондоласида ой сузиб чиқди.

Элен икковимиз Веспасиана ибодатхонаси устунига суяниб ўтирамиз. Эленни кучоқларканман, ўйлайман:

«Бунда кимлар бўлмагану, кимлар эзилиб ўтирмаган? Гёте, Шатобриан, Мицкевич, Стендаль, Россетти—романтик аср дардига мубтало бўлганки бор, ҳамма-ҳаммаси.

Европа шоирлари ичида энг ботири ва ажойиби—лорд Байрон ўтирган бунда. Алам ва изтиробларда тўлиб Миссолунги-га жўнаб кетиши арафасида келган у бу ерга».

Тамар бошини кўтармасдан ўқирди. Лукая келиб, индамай қараб тураверди.

— Нима дейсан, Лукая?

— Нима дердим? Бошим дейсану, ёнғоқ тагига келиб ўтирасан. Кичкина эмассан-ку, наҳотки тушунмасанг?

Лукая зарда билан нари кетди.

Тамар ўқишда давом этди. У Элен Ронсер исми учрайдиган саҳифаларни излаб кундаликни шоша-пиша варақларди. Тамар, айниқса, Элен қиёфаси тасвирланган саҳифаларни қизиқиб изларди.

Рим, 20 сентябрь.

Кечқурун Элен Форумда шамоллаб қолибди. Буйрагидаги оғриқлар қайталанди. Эрталабдан кечгача унинг тўшаги тепа-сида ўтиришга тўғри келади. Етти хонали уйда — мен, Элен, унинг гаранг холаси, уч мушук, икки кучук, кекса хизматкор Жакомо.

Жакомонинг Гарибальди қўшинларидаги хизмати учун олган бир неча медали бор. У доҳийни 1866 йили, австрияликлар билан жанг чоғида ўз кўзи билан кўрган. 1867 йили Гарибальди Римга қайтаётганида у минган отга ўқ тегади. Шунда етиб келган Жакомо Гарибальдига ўз отини таклиф этади.

Мана шундай жасурлик кўрсатган Жакомо. Энди бўлса ош-хонада овқат тайёрлайди, канарейкаларни¹ боқади.

Жакомо жуда ҳам хушмуомала. Менинг бу оилада тўсатдан пайдо бўлишим уни ҳайрон қолдирди чоғи. Аввалига у мени мосье Ришпеннинг укаси, деб ўйлаб юрди. Лекин менинг ўкра-

¹ К а н а р е й к а — саъвага ўхшаш сайроқи қушча.

йиб-ўқрайиб қўйганимни кўргандан кейин унинг номини атамай қўйди.

Вителли хола — миср фиръавни хотинининг бальзамланган мурдасидай қоқ кампир. Ёлғиз кўзларигина унинг тириклигидан далолат беради. У йирик француз саноатчисининг қизи, Римдаги италян коммерсантининг хотини бўлган.

Холанинг нафаси қисади. Тик ҳам туролмайди, чўзилиб ҳам ётолмайди. Тўшакда бир қучоқ ёстиқ — синьора Вителли шу ёстиқларга суяниб, Будда сингари чордана қуриб, ҳар куни ўлимини кутиб ўтиради.

Вителли холанинг уйи — музейнинг ўзгинаси. (Шусиз ҳам Рим музейларини томоша қилиб улгурмаётиб эдим, яна бир иш қўшилди.) Лекин уйнинг жиҳозланишида бирор тартиб бор, деб бўлмас эди.

Бутун олам бўйлаб кезган коммерсант, тўғри келган нарсани сотиб олаверган бўлса керак. Сийқаси чиққан майда-чуйда безаклар, ҳозирги усталар томонидан билар-билмас тақлид қилиб ясалган буюмлар орасида мен қимматбаҳо, нодир буюмларни ҳам учратдим. Бу буюмлар қирқ йил бадалида синьор Вителли томонидан Пекинда, Бомбейда, Стамбулда, Смирнада сотиб олинган.

Заллардан бирининг деворига гилам сирилган, қизил ёғочдан ясалган, Людовик XIV услубидаги мебеллар қўйилган. Шу ернинг ўзидаёқ Наполеоннинг Давид ва Мейсонье томонидан чизилган суратлари, Гарибальди портрети.

Гравюралар, ёғочга йўнилган нақш, чиннилар, менуэт рақсига тушаётган хонимлар, бежамадор бурма ҳошияли либос кийган француз дворянлари, кийик овлаётган суворийлар, марionетка театри персонажлари.

Шарқ зали ҳинду ва Эрон гиламлари, жежимлар¹, матолар билан безатилган.

Ҳинду миниатюралари, суратлари.

Шива оқ хўкиз устида чордана қуриб ўтирибди; камон ўқларидан ясалган сўрида ёнбошлаган Шива тасвири.

Кришна чўпон қизлар либосини тортқилаётир. Кришна илон қиёфасидаги жинни енгаётир.

Қали ерда чўзилиб ётган Кришнага (Тбилиси ҳаммомидаги ходимлар қабилида) оёқ тираб турибди. Уд чалаётган Сарвасати. Уйига қайтган Рама. Гульсидас автографининг бир парчаси.

1567 йилда Цитор бастинининг олиниши. Рожастондан юлиб келинган миниатюралар. Будда жаҳаннамидан кўринишлар... Ёнбошлаган будда. Фил минган будда. Қизил харсангдан тарашлаб ишланган ёш будда.

Деворлар шарқ рицарлари қурол-яроғлари, совутлар, қиличлар, ойболталар, тўғри қиличлар билан безалган.

Катта залнинг бурчакларида, худди қоровулликда турган-

¹ Жежим — йўл-йўл жуи мато.

дай, қилич ушлаб, бетига совут тутган рицарлар саф чеккан... Улар эркаксиз қолган Вителлилар оиласини қўриқлаётгандай гўё.

Синьора Вителли ўлими яқинлашганини ҳис қилди чоғи. Кеча у Эленга сейфларнинг калитини берди. Шу кунгача бу калитларни ҳеч кимга ишонмас эди. Элен сейфларни очди. Кўз ўнгимизда ҳақиқий хазина намоён бўлди: ҳақиқий япон, эрон ва ҳинду сервислари, патнислари, грузин азарпешалари¹ ва Стамбулда сотиб олинган шохлар. XIII аср белгиси қўйилган, асл олтиндан ясалган грузин ва арман салблари, олтин суви юритилган Византия салблари, шарқ патриархларининг бош кийими ва ҳассалари, бриллиантлар қадалган билагузук ва узуклар.

Устига оҳу сурати туширилган иккита узун бўғизли грузин кўзаси ва атиргул нақши чекилган ханжар осилган олтин камар менга айниқса манзур бўлди. XIII аср грузин қўл ҳунарининг ноёб нусхаси ҳам бор эди бунда. Бу Византияда никоҳ қилинган бирон атоқли грузин қизининг сепи бўлган бўлса ажаб эмас. Матога: «Исо алайҳиссалом, нариги дунёда Қайхофо Панаскертели қизи Шоренани ўзинг қўлла...» деган ёзув зарҳал иплар билан тикилган эди.

Эленнинг касаллиги Римдаги ҳаётимни заҳарлади. Бунинг устига мадам Вителлининг ўлими ҳам ўзини кутдириб қўйди. Жакомонинг боди тутиб, ошхонадан боши чиқмаганидан, ҳар куни врачларга югураман.

Буйрагининг оғриётганидан нолиса ҳам, Элен туриб кетди. Ниҳоят мени синьора Вителлига рўпара қилдилар.

Менинг азобларим ана шунда бошланди!

Анкетага доир сўроқларни ёмон кўрганим учун Элендан, ҳаммасига, кимлигимни очиқ айтмасликни сўрадим. Ҳазиллашиб, мени эрон география жамияти директори дея тақдим этишни таклиф қилдим. Элен карнай олиб, аммасининг қулоғига қичқириб, менинг янги унвонимни айтди. Кейин менга ўгирилиб:

— Аммам, эрондагилар географиянинг нималигини билишадими, деб сўраяптилар,— деди ва ўзи жавоб қила қолди:

— География жамияти бўлганидан кейин, ҳар ҳолда билишса керак.

Лекин кампир тинчланмади:

— Синьор Эмх... варининг нечта... (Фамилиямни айта туриб нафаси тиқилиб қолди.)

— Битта ҳам!— деб қичқирди Элен.

— Ёлғиз сенинг амманггина шундай деб ўйлади дейсанми?— дедим мен.— Ҳамма европаликлар Осиеда жоҳиллар яшайди деб ўйлашади.

¹ Азарпеша — узун бандли кумушдан яслган кўза.

Элен кулади, қариганидан ва бетобликдан аммаси эсини еб қўйганини, маразмга¹ йўлиққанини айтади.

— Сени ишонтириб айтаманки, европада бундай маразм билан кексаларгина оғриган эмас. Маразмга йўлиққан тарихчилар, танқидчилар, журналистларни Римда, Берлинда, Лондонда ва Парижда кўп кўрганман.

Рим, 25 сентябрь.

Римда ҳақиқий Тбилиси кузи. Элен бемор ёнидан жилмайди. Мен икки соатлар чамаси Ватиканда ишлайман-да, уйга қайтаман. Кеча Париждан Вахтанг Яманидзе келди. Шайтондек қаршимда туриб олиб, яраларимни ковлаштира бошлади.

Аёлларнинг туйғуси ғалати нарса-да! Элен биринчи кўришдаёқ Вахтангни ёмон кўриб қолди. Жуни тўкилган папахи ёқмадимни унинг ё кўм-кўк юзи, билмадим.

— Шундай бир кўзинг тушса, бас, ваҳима босиб кетади,— деб нолиди Элен Вахтанг кетиши билан.

Консилиум шундай хулосага келди: синьора Вителлининг икки ҳафталик умри қолган. (Врачлар айтган гапнинг аксини тушунмоқ керак.)

Кеча Элен икковимиз кечаси билан ухламадик, ҳар соатда беморга камфарадан укол қилиб турдик. Вителлининг уйдаги девор соатлар эрталабгача, бири олиб, бири қўйиб занг уриб турди. Эрталаб бемор ёнига кирганимда, у мени, марҳум ўғли деб ўйлади. Севинганидан юраги қинидан чиқиб кетаёзди бечоранинг. Тушга бориб Элен, бир амаллаб, менинг Жо. ванни Вителли эмаслигимга ишонтирди уни.

— Бўлмасам ким у?— деб сўрарди кампир.

Шунда биз ростини айтишга қарор қилдик.

— Ҳушига келиб қолса, ёмон аҳволда қолмайлик тагин,— деди Элен.

У яна карнайни олиб қичқиради.

— Бу Грузия дегани қаерда?— сўрайди бемор.

— Римнинг шарқ томонида.

— Туркия тарафдами?

— Ҳа,— қичқиради Элен.

— Улар қайси мазҳабда?

— Христиан,— жавоб беради Элен менинг айтишимни кутмай.

— Ҳақиқий христианлар, католикларми?

— Католиклари ҳам бор.

— У ерда қанақа ҳукумат? Ёвуз большевикларми?

— Большевиклар.

— Бу жаноб большевикми?

¹ М а р а з м — қариллик натижасида жисмоний ва маънавий қувватнинг тамсман заифлашиб қолиши. (Тарж.)

— Йўқ.

Синьора Вителли тинчланди ва ачиниб менга қаради.

— Большевикларнинг одам гўшти ейиши ростми?

Элен иккиланиб тўхтаб қолди. Большевикларнинг одам-хўр эмаслигига унда ҳам тўлиқ ишонч бўлмаса керак.

Мен уларнинг шубҳаларини тарқатиб юбордим.

— Нега бўлмасам газеталарда шундай деб ёзишди? Ундан ташқари,— давом этди синьора Вителли,— папа большевикларга қарши салб юриши эълон қилди.

Шу ерга келганда Элен ҳам, мен ҳам жим қолдик. Бир мўмин католикка, унинг ўз уйида туриб, бенуқсон папани, ёлгон гапиряпти, деб ишонтириб бўлармишми.

Рим, 27 сентябрь.

Бугун Яманидзе билан христиан Римини томоша қилдик. Юзакигина кўрдик. Авлиё Петр жомесига кирдик, унинг бронзадан ясалган ҳайкалини кўрдик. Авлиёнинг оёғидаги тирноқлари асрлар давомида ўпилавериб сийқаланиб кетган эди. Герман императорларининг тош тобутларини кўрдик, гумбазга чиқдик ва Кампани, Остия, Тиррен воҳаларини ҳамда Тиррен денгизини узоқ томоша қилдик.

Жомеда ҳамма ёқ мармар, олтин, қирмизий... фрескалар, нақшлар, фриزلар, ўйма нақш.

Микеланжело, Гвидо Рени, устунлар, токчалар, тоқи равоқлар ва фрескалар, фрескалар ва яна фрескалар.

Ҳадсиз-ҳисобсиз авлиё оталар, фаришталар ва малаклар...

Ватиканга ўтдик. Станц делла Сегнатурни кўрдик, Рафаэлнинг Мадонна ди Фольгиносини ўнлаб марта томоша қилдим.

Сикстин капелласида Перужинонинг «Қалит топшириш»ини, Микеланжелонинг «Даҳшатли суд»ини яна бир бор томоша қилдим.

Ватиканда Лаокоон қаршисида узоқ туриб қолдик.

Яманидзе пластик санъатда ҳеч нима тушунмаслигини тан олди. У ҳамма нарсага амалиётчилик нуқтаи назари билан қарашлигини айтди.

Баҳайбат илон, ота билан икки ўғилга чирмашиб олганига ҳайрат билан узоқ тикилиб қолдим.

— Ҳайкалтарош бу билан нима демоқчи?— соддадиллик билан сўрайди Яманидзе.

«Бу билан нима демоқчи» дегани кулгимни қистатади.

— Ижодкор, баъзан, нима демоқчилигини ўзи ҳам билмайди, ахир у гапирётгани йўқ, ижод қиляпти, қимматли Вахтаг.

Санъат асари алгебра формуласига ўхшаган нарса. Минглаб мажозий маънони ўзида мужассам этади. Ижодкорнинг «нима демоқчилиги» қанчалар чуқур яширинган бўлса, унинг ижодиёти шунчалар узоқ яшайди. Санъат асаридан гоё уфу-

риб турса, суяклари туртиб чиқиб турган гўзал аёлга ўхшаб кетади.

Хафа бўлма, дўстим Вахтанг. «Бу билан нима демоқчи?» деган хитоб, одатда, бадий асар қаршисида танг қолган анойилар хитоби. Мана шу Лаокоон ҳақида ёзилганларнинг ҳаммаси жамланадиган бўлса, Ватикан саройига сиғмаган бўларди. Мен уни шундай тушунаман: қўлимизни осмонга чўзиб, етказган чоғимизда ҳам, эртами, кечми, барибир, оталаримиз гуноҳи бизни пастга тортади ва бўғиб ташлайди. Негаки томиримизда шу аждодларимиз қони оқади! Инсониятнинг буюк фожиаси шундаки, биз мана бу ота ва ўғилларга чирмашган даҳшатли илон мисол завқ ва ҳавасларла чамбарчас боғлиқмиз.

— Бўлди, ёдгорликлар бўғзимга келди. Ундан кўра оддий майхонага кирайлик, овқатланайлик, озгина итальян виносидан тотайлик,—таклиф қилди Вахтанг.

Қовоҳонада итальян хизматкор бизни шундай навозиш билан, хушмуомалалик билан кутиб олдики, нақ имеретинли официант дейсиз.

Бир неча стакан кьенти ичгандан кейин Вахтанг бирдан менга тик боқди-да, сўради:

— Бир нарсани айт менга, Тараш, фақат ростингни айт: бегона юртларда сандироқлаш жонингга тегмадими?

— Тегди... Хўш, нима бўпти?

Бир неча зум икковимиз ҳам жим қоламиз.

Кейин винодан ҳўплаб олиб гап бошлайман:

— Ростини айтсам, Вахтанг, Европа ҳам, унинг музейлари ҳам шу қадар жонимга тегдики, яна бир кўклам шу ерда қоладиган бўлсам, ёрилиб ўламан.

Саккизинчи куз келиб, бегона юртда тўққизинчи баҳорни юрак ҳовучлаб кутардим. Грузияни, унинг ҳавосини, қўшиқлари, виноси, қалампирини соғиниб, юракларим зирқирарди...

Биз ўз мамлакатимиздан узилиб қолган эдик. Унда қандай яшашларини, нималарни орзу қилишларини билмасдик. Балки она юртимга қайтгач, у менга бегона бўлиб қолгани каби мен ҳам халқимга бегона бўлиб қоларман. Яна бир неча вақт ўтса бўлди, мен ҳам Грузияда фақат тоғ, вино ва ҳаммоннигина кўра олган чет элликлар ҳолига тушиб қоламан.

Борган сайин мени маъюслик қамраб ола бошлади— марҳум отам ҳам худди шу кўйга тушган эди. Бу маъюслик Италияда яна ҳам кучайди.

— Менгаям осонмас,— деди Вахтанг ғамгин.— Бултур яширинча Грузияга жўнамоқчи бўлдим. Лекин бу ишда тўғри келган одамга ишониб бўлмайди. Мени ёшлигимдан билсан: оғзи бўшлардан эмасман, сенга ўхшаб гапга чечан ҳам эмасман.

Яқинда бир Брюссель фирмаси Бельгия Конгосига жўнаб кетишни таклиф этди. Жуда яхши ҳақ тўлашни ваъда қи-

лишди. Лекин мен рад қилдим. Ҳар қанақа қилиб бўлса ҳам Грузияга жўнашим керак. Тутиб олишсаям, қамоққа ташлашсаям майли... Ҳар ҳолда она юртимда бўламан-ку!

Мен жим бўлиб қолдим. Назаримда, Вахтанг Яманидзе менинг яширин ўйларимни ўқиб олгандек эди.

«...Ҳар ҳолда она юртимда бўламан-ку!»— деб такрорлардим фикран.

— Мен ҳам... мен ҳам шундай деб ўйлайман, Вахтанг! Лекин билмайман, бахтсизлигимнинг сабабчиси балки ўзимдирман? Ўзимни ҳеч қачон жуда қаҳрамон деб билмаган эсам-да, жасурликда ҳеч ким билан рақобат қилмасам-да, ўлимдан қўрқмайман.

Ростини айтсам, большевиклар мени жуда қизиқтиради. Қизиқ, қайси тоифадаги одамлар экан? Мана, ўн икки йилдирки Европа матбуоти, улар ҳақида, ақл бовар қилмайдиган нарсаларни ёзади. Лекин, шунинг ҳам айтиб қўяйки, бу нарсалар менга аксинча таъсир қиляпти.

Арзимаган, оддий одамлар туфайли бунақа олатасир бўлмасди. Римнинг қанча католик ордени борлигини биласан-ку. Бугун эрталаб Ватикандан гурас-гурас чиқиб келаётган иезуит¹ ва доминиканларни² кўрганимда анқайиб қолдим.

Иеремитлар, иезуитлар, францисканлар, доминиканлар, шайтон ва иблислар... Ҳаммалари бир гўр — мутаассиблар.

Яна бошқа ташкилотлар — сектант, англикан, протестант, масон ташкилотлари озмунчами Европада! Лекин улар ҳақида ҳеч ким ҳеч нима демайди-ку!

Неча турли партиялар бор оламда! Унглир, радикаллар, ярим радикаллар, мўътадил, ярим мўътадил, ўлчовли ва ўлчовсиз мўътадиллар, социалистлар, анархистлар, синдикалистлар партияси. Шунча партия! Лекин уларнинг биронтаси ҳақида бирон нима билмайман, биронтаси йўқ бўлиб кетса сезмайман ҳам.

Гендерсоннинг қайси партияга тааллуқли эканлигини ҳозир ҳам айтиб беролмайман, Макдональд баптистми ё англиканми, бу ҳам менга қоронғи. Инглиз квакерлари қайси интернационалга киришади—буни ҳам билмайман. Шу II Интернационалингиз ахирйи қаёққа боради?

Мен, Европанинг французлар *médiocrate* деб айтайдиган «ўртамиёна, идрокли», ўрта даража кишиларини ёқтирмайман. Наполеон бундай одамларни *bontuquiers*, яъни дўкдорлар деб атарди.

Уч ойдан бери мenden бирга жўнайсанми деб сўрайсан? Билиб қўй, агар отишга ҳукм этиладиган бўлганимда ҳам, бу дунёда ачинадиган ҳеч нима йўқ.

¹ Иезуит — реакцион католик монахлар ташкилотининг ўз мақсадига эришишда ҳеч нарсадан тортинмайдиган аъзоси.

✠ ² Доминикан — авлиё Доминикнинг муриди.

Бизнинг авлодга умрини хотиржам кечириш насиб этмаган бўлса керак. Бу яширин ташвишлар биз билан ҳамма ерда — Римда, Парижда ва ҳатто, Тбилисида ҳам соядек юради.

Оламга келиб йигирма беш йил умр кечиргач, шу бошдан кечирганларни такрор-такрор бошдан ўтказишдан бўлак ҳеч нимани кўрмадим.

Кўряпманки, икковимизнинг ҳам фикримиз бир ердан чиқяпти — Грузияга қайтмоқчимиз. Рицарларга хос одоб менда етарлими, йўқми, лекин дўст учун заҳар юта оламан.

Лекин бир нарсани англаб етиш керак энди. Дунёда ҳовир фақат икки йўл бор: биринчи йўл — большевикларники, иккинчиси — Муссолини, Гитлер ва барча дўкандорларники. Сен ва Жордания турган йўл европа демократиясини чиришга олиб келди. Йўл эмас, балки йўлнинг йўқлиги бу. Ишингиз ҳалокатга юз тутиб қолган менимча.

— Шу икки йўлнинг қайси бирини танладинг ўзинг? — сўрайди Вахтанг.

— Мен ҳеч қачон сиёсий арбоб бўлган эмасман, бўлмайман ҳам. Халқимдан бутунлай узилиб қолганман. Халқимнинг қандай фикр-хаёл билан, қандай орзулар билан яшаганини ҳам билмайман. Бу ердан туриб бир нима деб бўлмайди. Бир нарса менга равшан: гвельфлар билан гибеллинлар кураши мендан қанча узоқ бўлса, европа проблемалари ҳам шунчалар йироқ мендан.

Биз яна бир неча стакандан къянти ичдик ва узоқ жим бўлиб қолдик. Қовоқхонага аллақандай кайфи тарақ улфатлар кириб келди. Биз чиқиб кетдик.

Грузияга қайтиб кетамиз, деган қатъий қарорга келган эдик. Жўнаш вақтини учинчи октябрга белгиладик. Маршрут: Рим — Таранто — Стамбул — Ризе. У ерда ҳамма нарса ҳозирлаб қўйилган бўлади. Ажар кузатувчиси чегарадаги Чорох дарёсидан ўтказиб қўяди.

Рим, 25 сентябрь.

Бир иш бошламоқчи бўлсам, аввалига узоқ иккиланаман. Лекин бир қарорга келсам бас, ўлим йўлимни тўсиб чиққанда ҳам қайтмайман. Онам менга: «Худди дадангдек ўжарсан» дерди.

«Абадий Рим»га яна бир назар ташлайман.

Севган жойларимни айландим. Капитолий музейига яна бир бор кирдим, Персефоннинг оқимтир-пушти қўлини сўнги бор томоша қилдим.

Вителлиларникига қайтиб, Эленнинг йиғлаб ўтирганини кўриб, амма дунёдан ўтибди, деб ўйлабман.

Лекин йиғининг сабаби бошқа экан. Хўпам хом калла экан бу Вахтанг! Эрталаб мен йўғимда келиб мени сўрабди

ва жунаб кетиш режамизни барча тафсилотлари билан сўзлаб берибди.

Мен эсам, Грузияга жунашим ҳақида унга ҳеч нима демоқчи эмас эдим. Венецияга кетяпман дердим-да, йўлдан очиқ ёзиб юборардим. Аёллар кўз ёшини ёмон кўрганам учун шундай қилмоқчи эдим.

Кутилмаган бир янгилик кутарди мени: Элен мосье Ришпен билан муносабатини узиб, бриллиант шодасини унга қайтариб юборибди.

— Сени деб шундай қилдим!— дейди у менга ва ёш боладай йиғлайди.

Кечаси синьора Вителли жон талвасасига тушди. Қуришиб, кичкина бўлиб қолган бечора кампир сесканар, кўзлари йилтиллаб, юзининг мушаклари тортиша бошлади.

У жонҳолатда ўлим билан олишар, ёстиқларни отқилар, тўлганар, оғзи билан ҳавони ютарди.

Ўлим сеҳргар тўрини оҳиста унга ёймоқда эди. Кампир кучсизланиб яна бужмайиб қолди, нафасини ололмай, бир тўп ёстиқ орасида кўмилиб кетди.

Элен эрталабгача кўзини юмади. Биз у билан синьора Вителлининг ётоғи ёнидаги кичкинагина хонада ўтирардик.

Ётоқ эшиги очиқ эди. Биз оҳиста сўзлашардик.

Шу кеча Элен менга ўзининг болалиги ҳақида сўзлаб берди.

— Жуда ёш етим қолдим. Дунёда шу Вителли аммадан бўлак ҳеч кимим қолмади. Дадам ва аммам йирик коммерсантлар оиласига мансуб эдилар. Бу оиланинг уч авлоди ҳам коммерсантлик билан шуғулланган, ҳаммаларининг Шарқ билан мустақкам алоқалари бўлган.

Болалигимдан ажойиб мамлакатлар ҳақидаги ҳикояларни эшитганман, доимо Шарққа боришни орзу қилганман. Қлюни монастиридан чиққанамдан кейин, Сен-Жермен пансионида биринчи бор танишган эркак сен бўлдинг. Биринчи бор юрагимни сенга ишондим.

Оиламиз одатига кўра, мен ҳам, коммерсантга эрга тегишим керак эди. Аммам шуни истарди. Мосье Ришпенни ҳам менга шу аммам танлади. Ришпенни қанчалар ёмон кўришимни ҳеч сезмасмидинг?..

Девор соати олтига жом урди.

Элен чўчиб кетди. Беморнинг нафас олишига қулоқ тутди, кейин шивирлаб гапини давом эттирди:

— Мосье Ришпен Вителли поччамнинг дўсти эди. Уларнинг Левантеда умум ишлари бўлгувчи эди: трапезунд тамакисини ё кўмир...

Аммам ўзича мени, ишончли бир одамга узатишни мўлжаллаган бўлиб, Қлюни пансионига мени кўргани борганида, ҳар вақт, шундай дер эди.

Амманинг продасига қарши бора олармидим? Шундай қила кўрсам унинг меҳр-шафқатидан ҳам, меросдан ҳам маҳ-

рум бўлиб қолмайманми. Монастирда тарбия топган ёлғиз бир қиз сермашмаша Парижда нима ҳам қила оларди?

Элен йиғларди. Уни овутиш учун сўз топа олмасдим.

— Шу ерда қол, кетма!— деб нола чекарди Элен.— Қолгин! Қаерда яшашни истасанг шу ерда, қандай яшашни истасанг шундай яшайлик. Аммам ўлгандан кейин Парижга жўнаймиз, янгидан ҳаёт бошлаймиз.

Грузияга қайтганим ҳамон большевиклар менинг бўғзимга эритилган қўлом қуйишларига ишончи комил эди унинг.

— Шу ерда қол, кетма!

Рим, 30 сентябрь.

Кеча кечаси, соат учу ўн минутда синьора Вителли дунёдан ўтди. Ўлик чиққан уйда сира ухлай олмайман.

Элен мурдадан мендан баттар қўрқаркан. У эрталабгача қалтираб, йиғлаб чиқди.

Мен унинг бошида ўтириб, уни тинчлантиришга уринардим. Лекин у кўзи илиниши биланоқ, сесканиб кетар, шитир этган товушдан ҳам чўчиб тушарди.

Оламдан ўтган одамнинг руҳи нариги дунёга кетганда ўлган ажодлар арвоҳи хонадонни қуршаб олади ва арвоҳлар кўз тутган уйда дукур-дукурлар эшитилади, деган гапга ёш боладек, ёввойи одамдек ишонарди.

Кекса Жакомо эрталабгача тобут ёнида мукка тушиб, ибодат қилди. Эрталабгача музхонадан сув томчилади, Вителлилар хонадониди эрталабгача соатларнинг бири олиб, бири қўйиб, жом уриб турди.

Кейинчалик шу ёзувлар қўшиб қўйилди: «Элен жуда ҳам ёлғиз ва ожиз. Кўмиш маросимига оид ҳамма ташвишлар, ҳеч сўзсиз, мен билан Вахтанг Яманидзенинг гарданига тушди.

— Ҳатто ўз аммамнинг кўмиш маросимида ҳам шунча югурган эмасман!— деб ҳазил қиларди Вахтанг».

Рим, 4 октябрь.

Кечгача ёмғир ёғди. Рим тепаликлари билан ҳаво очиқлигида хайрлашмоқчи эдим! Рим — Таранто маршрути билан йўлга чиқадиغان Экспресс соат 00.30 да жўнаб кетди.

Деразага, поезд ортидан югуриб келаётган Эленга узоқ қараб турдим. Шамол унинг ёйилиб кетган сочларини тортқиларди. Газ фонарлари ёруғида унинг юзи ўлим фариштаси юзидан ҳам рангсиз эди.

Элен Ронсер менинг тасаввуримда шундайлигича қолади.

Зугдиди, 1929 й., август.

Грузияга келганимга кўп бўлди.

Авантюрамиз биз ўйлагандан кўра осон тугади.

Грузия черагасига эмаклаб келдик.

Уч кеча-кундуз Ажариянинг лавр ва магнолиязорларида яшириниб юрдик.

Биринчи зонадан ўтишимиз билан кузатувчимиз тутиб берди.

Бир йилдан бери озодликдаман. Зугдидида яшайман, қади-мий Қолхидада сифиниш масалаларини текшираман.

Яманидзе кўнчилиқ заводига директор қилиб тайинланган.

Элен Ронсер-чи?..

Уни деб озмунча ташвиш чекдимми. Баъзилар кофени ширин қилиб ичади. Мен эсам, аксинча, кофенинг шу аччиқ таъмини севаман.

Аччиқ азоби қанча кўп бўлса, муҳаббат шунчалар мустаҳкам бўлади.

Қайғу-ташвиш ҳузур-ҳаловатдан кўра барқарорроқ».

Тамар блокнотни ёпди ва қоронғида мудраётган боққа кўз тикиб, дераза тагида узоқ ўтирди.

ОФАРИН ЧИНОРЛАР

... Қайдасиз эй, табиат китобини ўқий билган, зук-колар, чинор япроқларининг денгиз шамолига сўзлаган ҳикоясини бизга етказсангиз? Қайдасиз эй, мўйқалам соҳиблари, ёшгина нав-ниҳол поясидаги ажойиб иероглифларни эслатувчи нақшлар нафосатини бизга етказсангиз!

Болалигимда чинорларнинг нақшинкор поялари мени жуда ҳайратга солган. Назаримда, қандайдир бир сирли рассом чизгандай бўларди уларни.

Ростдан ҳам, нималарни эсга солмайди у нақшлар!

Бирлари — қанотини ёйган қушни эслатса, бошқалари — тармоқ ёйган шохли кийикка ўхшайди. Баъзилари — йироқ-йироқлардаги денгиз оролларини эслатса, баъзилари — жағини очиб турган китга ўхшайди. Қўлингга қалам олиб суратини қоғозга тушироқчи бўласану, лекин бу иш сен ўйлагандай осон эмас.

Шундай эди, бундан кейин ҳам шундай бўлаверса керак: буюк уста яратган асар, ҳамма вақт, шунчаки, енгилгина яратилгандек кўринади.

Қолхида қуёшни салқин елдириб қўйган чоқларда чинор япроқларининг шилдираши инсонга нақадар хуш ёқади!

Бу ҳайбатли дарахтларга кўзингиз тушган ҳамон кўнглингиз равшан тортади.

Қадимий мисрликлар осмонга найзадек бўй чўзган ҳайкалларни севишган. Негаки, ҳайкал — офтобда қовжираган ер орзуси бўлмиш дарахт ҳақидаги орзу.

Лекин ҳайкалнинг осмонга интилиши совуқ, ер аҳлидан узоқ.

Чинорнинг бўйдорлигида ҳам осмонга интилиш бор. Лекин шунинг билан бирга гуллаш, яшаш, ҳаётни севиш бор унда.

Мана шунинг учун ҳам қадимги греклар чинорни севишган.

Тараш Эмхварининг кундалиқ дафтаридан.

Кузнинг кеча-кундуз баробар кунлари келди. Буғдойлар йиштириб олинди. Жўхори попилтириқ чиқарди. Унинг ханжардек найзадор пўстлоғи офтобда сарғиш товланарди. Кундузлари кун исиб кетарди. Лавр билан қопланган Қолхида тоғлари оқшомлари зангори туманга бурканиб мудрарди.

Шервашидзе қўрғондаги булбуллар навоси тинди. Ёзнинг бири биридан узун кунлари қувалашиб ўтиб борарди.

Тамар тузалиб қолди. Лекин саломатлик уни ортиқ севинтирмасди.

Инсон ҳаётида шундай вақтлар ҳам бўладики беморлик одамни оғир руҳий кечинмалардан чалғитиб, таскин бергандай бўлади.

Шервашидзелар оиласида ҳаёт бир меъёрда ўтиб турарди.

Таризл бобо, ҳар вақтдагидек, уйдагиларга тўнғиллар, Херилс клиникада қолиб кетарди. Лукаянинг оёғи тузалди. Арзакан Окумига кетиб қолган, ундан дом-дарак ҳам йўқ эди. Тараш ҳам келмай қўйганди.

Тамар азоб чекар, лекин буни сездирмасликка ҳаракат қиларди. Каролина бўлса, Тарашни зориқиб кутаёганини Тамардан яширмасди.

Кунлардан бир кун у, шаҳардан қайтгач, Тарашнинг, янги уйда ўтириб олиб, Қолхида ҳақидаги илмий иши устида зўр бериб ишлаётганини айтди.

Ҳамма вақт хушчақчақ юрган Каролинанинг хомуш тортиб қолгани Тамардан яшириниб қолмади.

Неча йиллардан бери Тамар кеннойисининг рояль чалганини кўрмаган эди. Энди бўлса Каролина Шуман ва Григ асарларини соатлаб чалади, оқшомлари дераза тағида ўйга толиб ўтиради ёинки қизлик чоғларини эслаб кетади.

Салби йўқолганидан бери Тамарнинг юраги ғаш. Тамар бу воқеани, бошга тушадиган катта бир бахтсизлик аломати, деб ҳисобларди...

Баъзан шаҳарга тушмоққа отланиб ясанади, лекин шу заҳоти ҳафсаласи пир бўлади. Шу ясанган кўйи диванга ўзини ташлайди ва Каролина келиб тиқилинч қилмагунча ухлайверади.

Бугун ҳам Тамар, Таризл бобонинг меҳмонхонадан келаётган овозига қулоқ солиб, анчагача чалқанча тушиб ётди.

«Рўшнолик, халоскорлик гултожи эрурсан, эй қодир худо, сердоликдан тортиб, топазу, зумраду, яшмагача, сапфиру лигверигача, бериллдан тортиб, оникс, агат, яхонту кумушдан тортиб олтингача сенинг ироданг-ла бунёд бўлмиш...»¹

Тамар ухлаб кетганини билмай қолди.

Аввалига ҳаво тиниқ зангори бўлса, бора-бора шишага ўхшаш шаффоф тусга кирди.

Тамар кўл бўйида кетаётган эмиш. Одам бўйидай келади-ган қамишлар қаршисида эгилмоқда эмиш. Тамар юра-юра чарчаган эмиш-да, қамиш тўшалган тўшакка ёнбошлаган эмиш.

¹ Ранго-ранг, асл қимматбаҳо тошлар санаб ўтиლაётир.

Онаси келиб, унинг бош томонига чўккалаб ўтирганмиш. Онасининг этагидан фируза-ю, ёқутлар, зумраду, бриллиантлар, олтин-кумушлар сочилаётган эмиш — бу қимматбаҳо тошлар ҳад-ҳисобсиз эмиш. Лекин Тамар йўқотган салб улар орасида йўқ эмиш.

Шунда Тамар қимматбаҳо тошларни этагидан қоқиб тушириб, ўрнидан қўзгалганмиш-да, онасининг кўксида ярақлаган салбга чўзилганмиш. Лекин онаси ўзини олиб қочармиш. Тамар онаси томон жилган сари онаси ўзини нари тортармиш, қизини қучоқлашни истамасмиш. Хуллас, онаси ўгирилиб ҳам қарамай, кетиб қолганмиш, қаршисида катак-катак бўлиб далалар ва ўтлоқлар ястанганмиш.

Тамар қуюқ қамишзор оралаб ўтиб борармиш, онаси бўлса, ҳамон қўлини чўзганича йироқлашармиш.

Она-бола шу йўсинда ҳамон илгарилашармиш...

Бирдан ҳамма ёқ қоп-қоронғи бўлиб қолибди. Тамар тўнкага қоқилиб кетибди. Дўнгликда каттакон қора ёғоч салб қоқиб қўйилганмиш. Тамар уни маҳкам қучоқлаб олганмиш.

Тамар ёғоч салбга бағрини берганича, онаси қабри устида аччиқ-аччиқ йиғлармиш...

Унинг оҳ-фиғонларини Каролина ёндаги хонадан эшитиб чиқди.

— Тура қол, Тамар, бемаҳалда ухлама! Тур, кийин. Шаҳарга бориб бозор қилиб келамиз, — деб қизни кўндиришга уринарди янгаси.

Фамгинлик ва ҳасрат ҳамма дардларни келтирувчи бало, дея қайинсинглисини овутишга уринарди Каролина.

— Бу кайфиятни енгиш керак, — дерди Каролина. — Сенинг ёшингда хафалик нималигиңи билмасдим. Қара, ҳаво қандай яхши, шабадани кўр, баҳр-дилиңгни ёзади. Юра қол!

Тамар, Тараш Эмхварини учратиб қолиш умиди билан рози бўлди. Баъзан шундай бўлади: бирор дўстингни кўргинг келади. лекин бориб кўришга имконинг бўлмайди. Лекин қарабсанки, қўққисдан, қаршингда пайдо бўлади.

Шу куни ҳам худди шундай бўлди.

Тараш Эмхвари чинорзор хиёбонда китоб варақлаб ўтирарди.

— Қаёқларга ғойиб бўлиб кетдингиз, соғиниб қолдик-ку, ахир сизни! — деб қичқирди Каролина.

Тамар қулоғигача қизариб кетди.

— Зарур ишим бор эди, — ўзини оқлашга уринарди Тараш. — Уч кунча бурун қарасам, ишлайвериб чарчаб кетибман. Ҳордиқ чиқариш учун овга жўнадим.

— Ўқиётганиңиз нима? — сўради Каролина.

— Платоннинг «Федр»ини ўқияпман.

— Яхши жой топиб олибсиз.

— Ҳа. Бу чинор шу ўртадаги чинорларнинг энг чиройлиси назаримда.

«Федр»да ҳам чинор мақталади. Афина стадиони ёнида ажойиб чинор бўлган экан, чинор тагида булоқ қайнаб тураркан. Шимол қуюни Борей, Эрехтей подшосининг қизи Орифеяни худди шу ерда ўғирлаб кетаркан. Борей қизни ниҳоятда тезликда учириб бориб, қўққисдан қояга уриб юбораркан, қиз бечора ҳалок бўларкан.Қадимги греклар ана шу чинор тагида Пан ва худоларга шон-шарафлар тилашаркан.

— Шу чоққача қўлингизда ҳеч қачон китоб кўрмагандим,— деди Каролина.

— Рост, китобвозлар мени шу даражага етказишдики, китобдан беиз кетаёздим. Умуман олганда, мен қоғозни, аъло бўлсагина яхши кўраман...

— Наҳотки сиз китобларни ҳам қоғоз навига қараб баҳоласангиз?

— Йўқ, мазмунига ҳам қарайман, албатта,— жилмайиб жавоб қилди Тараш.— Ҳеч бўлмаганда, ўрта асрни мисолга олайлик. У пайтларда терига хат битиларди. Шунинг учун ҳам, кўп ёзмасликка уринишарди. Бир ўрам шундай қоғоз тайёрлаш учун бутун бир пода қўйни сўйишга тўғри келарди.

Шунинг учун ҳам асар муаллифнинг ҳаётигида кўчириб қўйилмаса, кейинги авлод шоҳ ва сарой амалдорларининг нўноқ асарларини кўпайтиришга зарурат топмасдилар. Шундай қилиб, вақт ҳар бир асарнинг қаттиқ танқидчиси ҳисобланарди.

Ҳозир бўлса, китоб учун қоғоз топиш уни нашр этишдек осон. Бир ҳисобда Гутенберг қобилиятсизлар учун адабиётга йўл очиб, инсониятга анча зарар келтирди.

Менинг бир ҳинду биродарим бор эди. Унинг «Ригведа гимнлари» деган ягона китоби бўлгувчи эди. Шундан бўлак китоб ўқимас эди у.

«Бировларнинг фикрини онгингга имкони борича камроқ йўлат. Йўқ эса, миянг айниб кетади. Ташқаридан оз қабул қилу, қабул қилганинг устида кўпроқ бош қотир», дер эди у.

Буржуа цивилизацияси бўлса, фикрни таратиш учунгина ўйлаб чиқарилган нарса. Ҳад-ҳисобсиз китоблар, кинолар, театрлар, режюлар... Бу хиёбондаги чинорларнинг биронтасининг япроғи Европада бир мавсумда чиқарилган китоблар сонича келмас.

Шунинг учун ҳам, ҳеч қайси даврда инсон бизнинг замонамиздагидек бош қотирмаган.

Ўрта асрларда камдан-кам одам асар ёзар, ёзганда ҳам кам ёзар, лекин яхши ёзарди. Бизнинг асримизда қобилиятсизлар шу даража кўпайиб кетганки, қобилиятлиларга жой ҳам қолмаган.

Бутун юнон поэзиясини жамлайдиган бўлсак, ҳажм жиҳатдан ҳозирги сермахсул адиблардан биттасиникича келмайди. Шуниси ҳам борки, қадим бунақа сафсатабозлик ҳам бўлмаган.

Европадаги университетлар кафедрасидан туриб аравани қуруқ олиб қочишлар қанчадан-қанча!

Европа буржуазияси маориф масаласига ҳам ўз фойдаси

нуқтаи назаридан туриб ёндашади, поэзияни ўз сиёсати қуролига айлантириб юборган.

Қадимги юнонлар тарбияни, ёшларни юришга ўргатишдан бошларди. Соддагина қадам ташлашни, соддагина сўзлаб, содда фикр юргизишни ўргатишарди.

Юнонистонда шоғирдлар устозлари билан мана шунақа чинорлар тагида учрашишар, ерда чорданани чор қуришарди-да, замин ҳақида, ҳаёт ҳақида, ўлим ва муҳаббат ҳақида суҳбат қуришарди...

Каролина Тарашнинг қўлидан пергаментга ўхшаш сарғиш қоғозда нашр этилган китобни олди.

— Мен буни немис тилида деб ўйлабман,— деди у юнон ҳарфларини кўздан кечираркан ҳафсаласи пир бўлиб.— Ҳарфлари грузин ҳарфига ўхшар экан-а? Озгинасини ўқиб беринг-чи.

— Қаерини ўқисам экан?

— Тўғри келган еридан ўқийверинг. Юнончани ўқиёлмайман-ку, ахир.

Каролина болаларча эркатойлик қилиб, бармоғини нуқиб кўрсатди. Тараш «Федр»ни ўқиб, шошиб таржима қила бошлади:

«Суқрот: Муҳаббат, ўзига хос бир жазавадир деб биламиз.

Федр: Худди шундай.

Суқрот: Жазава эса икки турли бўлади: бири — инсон аъзоларининг хасталиги туфайлидан бўлса, иккинчиси — илоҳий бир бурилиш туфайли одатдаги шаклдан четланишдан бўлади.

Федр: Худди шундай.

Суқрот: Илоҳий жазавани тўрт худо ўртасида тўрт қисмга бўламиз: мантиқий илҳомни — Аполлонга, телестигини — Дионистга, поэтигини — муза илоҳийсига тааллуқли деб билдик; тўртинчи хил илҳомни, Афродита ва Эросга ҳосини биз эротик жазава деб атадик-да, энг афзали ҳисобига киритдик».

— Бундан чиқди, сиз ҳам муҳаббатни бир жазава деб биларкансиз-да?— деб унинг сўзини бўлди Каролина.

— Ҳеч сўзсиз,— дея жавоб берди Тараш ва Тамарга бир қараб қўйди. Қизга у шундай тик боқдики, Тамар бундан хижолат тортди. Унинг елпиғич шаклидаги узун киприклари тираб кетди. Икки бетига қон югурди ва бирдан яна қони қочди.

Тамар билан бўлиб ўтган сўзсиз суҳбатни яшириш учун Тараш:

— Сизга бошқа ерини ўқиб бераман,— деди-да, китобни варақлай кетди.

«...Аммо жазаванинг ажиб бир эзгулиги бизда олло таоло иродаси-ла бунёдга келади... Дарҳақиқат, Дельфдаги башоратчи ойимлар ҳам, Додонадаги қоҳинлар ҳам жазава билан Эллада учун ҳам, жамият ва шахслар учун ҳам ажиб ишлар қилдилар...»

Тараш Эмхвари бир неча сатрга кўз югуртгач, давом этди:
«Учинчи турдаги — муза илоҳийсига тегишли илҳом ва жавава нозик ва покиза қалбларни эгаллаб, унда орзу-умидлар уйғотиб, ғалати бир кайфиятга солади ва қўшиқ бўлиб қуйилади, ижод самарасига айланади, қадим анъаналарда намонён бўлиб, ёш авлодни тарбиялаб, йўлини ёритади...»

МИСОУСТ

Каролина уйга қайтмоқчи бўлиб скамейкадан турди. Тамар ҳам ўрнидан кўзғалмоқчи бўлди, лекин Каролина унинг бунда, чинорлар тагида ўтиргиси келаётганини сезиб, уни тўхтатди:

— Шошилиб нима қиласан? Кечқурунги поездни кутгинда, газета олиб қайтарсан.

— Эртага тушки овқатга албатта келинг,— деди у кета туриб Тарашга.

Тараш миннатдорчилик билдирди-ю, лекин на ҳа ва на йўқ жавобини қилмади.

— Ўтириб нима қиламиз, яخشиси, юринг, айланамиз, — деди Тамар Каролина кўздан йўқолгач.

Улар анчагача миқ этмай бордилар. Чинорзор хиёбоннинг охирига етгунча ҳам бирорта танишни учратмадилар.

Тамар билан ёнма-ён бориш Тарашга хуш ёқарди. Вақт-вақти билан у, ён томондан қизга тикилиб-тикилиб қараб қўяр, биринчи бўлиб сўз бошлашини кутарди. Умуман олганда, у ҳам, қиз ҳам бу сўзсизликдан ўзларини ўнғайсиз ҳис этмасдилар.

Улар шаҳар чеккасига чиқдилар.

Қатта йўл бўм-бўш эди.

— Нега доим ғамгинсан, Тамар? Сенга нима бўлди?

Тамар жавоб бермади. У Тарашнинг кундалик дафтари ҳақида, «рангпар» Элен Ронсер ҳақида ўйларди.

— Биласанми,— гапини давом эттирди Тараш,— назаримда ёшларимизни йиғлоқи шеърлар ва романлар бузаяпти. Ҳаммасининг қаҳрамони доимо ғамгин, ҳаётдан безган бўлади. Мабодо севиб қолгудай бўлса, албатта етишолмайди. Кунларнинг бирида шу романларнинг барчасини бир тўда қилиб уйиб, ёқиб юбориш керак.

— Ўзинг ҳеч ғамгин бўлмайсанми? Ахир ўзинг ҳам кўпинча маъюсликдан нолийсан-ку.

— Нолисам нима бўпти? Мени тўғри тарбиялашган дега-ним борми бирор марта? Маъюслик касалига сендан ортиқроқ чалинганман, бунинг ўрни ҳам бор. Шопенни тингларкансан, Шопенгауэр ва Сведенборгни ўқиб, Помпей харобаларини томоша қиларкансан, хушчақчақ бўлиб қола оласанми киши?

Улим ҳақида ўйланиб қолишга биринчи бор мени Шопен билан Шопенгауэр мажбур қилди.

Бир вақтлар шундай одатим бўлгувчи эди: бирор бегона шаҳарга боргудек бўлсам, аввало, дарё қаерда, деб сўрардим.

— Нега?

— Негаки, ўзим дарё ёқасида дунёга келганман, дарёни жон-дилдан яхши кўраман. Болалигимда кўнглимдан шундай фикрлар ҳам кечган: мабодо ўзимни ўзим ўлдирадиган бўлсам, сувга фарқ бўлиб ўламан, дердим.

Лекин, бир вақтлар Вена яқинида Дунайда чўмилганман. Бирдан нафасим тақилиб, қўл-оёғим бўшашиб, тош сингари чўкиб кета бошлаганман. Балиқчилар қутқариб қолишган. Ушандан кейин фарқ бўлиб ўлиш фикридан воз кечганман.

— Мабодо ўзингни ўлдирмоқчи бўлсанг нима қиласан? Тараш ўйланиб қолди.

— Стрихнин ичасанми?— сўради Тамар.

— Худо сақласин! Стрихнин ичиш — аёлларнинг иши. Ов ханжарим ёки тўппончамни ишга солардим. Эркакларга шуниси муносиб. Турмада ўтирганимда назоратчим тўппончасидан кўз узмасдим. Агар зарур бўлиб қолса, назоратчига ташланиб, тўппончасини тортиб оламан-да, ўзимни отиб ўлдираман, деб ўйлаб қўйгандим. Ҳали-ҳануз ётишдан олдин ёстигим тагига ўқланган тўппонча қўйиб ётаман.

Лекин, ҳар ҳолда, бўш келмайман, ғам-ғуссага фарқ бўлмасликка ҳаракат қиламан. Соғайиб кетишни истайман, она тупроқ исидан таскин топмоқ истайман. Ўзимдаги, бизга бегона бўлган одатларни енгиб, ўз халқимга қайтишни истайман.

Туманли ўлкалардан илаштириб келганим маъюсликни енгмоқ бўламан. Шунинг учун ҳам пойгада иштирок этдим, шунинг учун ҳам овга чиқяпман, тоғ-тошларни ошяпман,— бо-бокалонларимнинг қайноқ қони томирларимни қизитсин дейман, аждодларим эга бўлган куч-қудратдан баҳраманд бўлай дейман.

Инсон ҳар дақиқа ўлимга тайёр турмоғи даркор. Лекин у нолимаслиги керак, унинг чеҳрасида на ғам-ғусса ва қўрқувдан асар бўлмасин. Қиёфанг, ҳамма вақт, тўйга отланиб тургандек бўлсин.

Юнон фалсафаси том маъноси билан тушкун. Лекин шунга қарамай, юнонлар ҳаётнинг ҳар лаҳзасидан тўйиб роҳатланишни билганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳаёти нур билан шодликка тўлиқ.

Қадим Грузияда ҳам шундай бўлган.

Бизнинг христианизмга Ғарбнинг мудҳиш мистицизми¹ бегона. Бизнинг поэзиямиз нурга, шодликка тўлиқ, қуёш нурига фарқ.

¹ Мистицизм — табиатдан ташқари сирли олам борлигига ишонишдан иборат диний тасаввур.

Мана шу юмшоқ майсалар узра юрганинга, офтобни, булутларни, узумларни, мана бу Сатанжо қалъасини кўриб турганинга қувонишинг керак.

Мени айниқса қувонтирадиган нарса шуки, мен бугун сен билан ёнма-ён кетаётирман, сенинг сочингни, елкаларингни томоша қилаётирман, мана шу ажойиб тупроқ узра қадам ташлашингни эшитаётирман. Ешман, куч-қувватга тўлиқман, бунинг устига эса, назаримда, сен туфайли девларни ҳам кунпаякун қилишга тайёрман.

Бир кулиб юбор, жоним! Қарагин-а, ҳув анави шумтолға қўниб чуғурлаётган қушча мунчалар чиройли. Бахтнинг заррасидан ҳам қаноатлана билиш керак.

Тамар жилмайди. Қушчанинг ранго-ранг товланган тўшини томоша қилиб, маҳлиё бўлиб қолди.

— Кул, азизим, кул! Шуни билиб қўйки, офтоб бир кунда атиги бир маротаба чиққанидек, кишига ёшлик ҳам бир марта берилади. Кейинча, ғам-ғусса маконига тушганимизда, ғам чекишга улгураимиз.

Улар бир қанча вақт сўзсиз бордилар.

— Сени унашилган дейишадими?— деди тўсатдан Тараш.

Тамар табассумини яшириб, юзини ўгирди. Кейин, ўзини яна жиддий тутиб сўради:

— Агар шундай бўлса-чи?

— Ҳечқиси йўқ... Шардин Алшибая айтиб эди менга.

Тамар ҳамон индамасди.

— Арзакан икковингиз ўн бешинчида Тбилисига жўнармишсизлар, ростми шу гап?— сўради Тараш.

— Ҳа, институтга кирмоқчимиз. Сен ҳаммамиздан ҳам ўзиб кетдинг. Жаҳонни кезиб чиқдинг, илмий ишлар қилдинг.

— Эҳ, шуларнинг ўрнига шу ерда сизлар билан қолганим, ҳеч нимани билмаганим яхши эди!

— Кўп бўласанми бунда?

— Ўзим ҳам билмайман. Университет менинг тадқиқотларимни қабул қилгудек бўлса, ўзимни ҳам кафедрага таклиф қилиб қолса ажаб эмас. Агар бунинг имкони бўлмаса, Абхазия тоғларига жўнаб кетаман ва ўла-ўлгунча ўша ерда қоламан.

Ёввойи ўрдаклар галаси денгиз тарафга учиб ўтди. Тараш уларнинг учинини кузатиб турди. Кейин яна Тамарга бир қараб қўйди-да, оҳистагина деди:

— Хафа кўринасанми?

— Ҳа, ёмон туш кўрдим.

— Туш? Қанақа туш?

Тамар кўрган тушини сўзлаб берди ва анча енгил тортди. Бирдан поезднинг гуриллаб ўтгани эшитилди. Тамар газета олиши кераклигини эслади, лекин ҳеч қачон уни бунчалар яхши кутмаган бу ёш эманзорни тарк этгиси келмади.

Улар вақтни ҳам унутиб, оҳиста суҳбатлашиб сайр этишарди. Ҳаво фавқулодда енгил эди. Эманларнинг пастак, бақувват пояси икковининг юрагида соғломлик ва бахтиёрлик ҳиссини уйғотарди.

Ўрмонда дарахтлар кесиб ташланган жойлар, ўриб, ғарам-ғарам қилиб қўйилган буғдойлар учрарди. Кўкаламзорларда бўтакўзлар ва мойчечаклар очилиб ётарди.

Оёқ шарпасидан чўчиган ёввойи ўрдаклар қанотларини қоқиб, типирлатишарди. Мусичалар соябондек шохини ёйган тутларнинг новдаларидан учиб чиқиб, ғув-ғувлаганича якка ўсган эман томон интилишарди.

— Бундан чиқди, олмос салбинг йўқолганига ҳали-ҳануз куйиб юраркансан-да? Эҳ, бу Христ салби! Европани у бошидан бу бошигача кезсанг-да, ҳамма, ҳамма ерда — ҳар шаҳар, ҳар қишлоқда тепасига салб қўндирилган черковларни кўрсанг борми, мўъжазгина Палестинадан чиққан дуродгорнинг никоҳсиз туғилган ўғли жаҳон узра ўзининг мудҳиш рамзини ёйганини кўриб, ҳайрон-ҳайронлар қоласан.

Бизнинг юртимиз ҳам унинг қурбони бўлди. Немислар Венада турклар қаршисида қалт-қалт титраган ўрта асрларда, бизнинг отлиқларимиз Арзум ёнида улар билан олишган.

Сендаги шу салбга бўлган садоқатни бўшаштирмоқчиман, Тамар. Менинг қалбим мажусийлик шодлиги томон ошиқади, сеники бўлса, дарз кетган илор қўнғироғидек дириллайди.

Тамар эътироз билдирмасди. Унинг чеҳрасида одатдан ташқари итоаткорлик аломати пайдо бўлди. Лекин Тараш бу итоаткорлик замирида бўйсунишга тайёрликни эмас, балки унинг ҳамма далил ва таъналарини сабр қилиб эшитгани билан, ҳеч нимада ён бермасликка тайёрликни кўрди.

— Салбинг йўқолганига мен ҳам ачинаман,— давом этди Тараш.— Менинг учун у, топинишга доир буюм эмас, балки грузин заргарлик санъати асари сифатида қиммат. Устаси қапчалар ихлос билан ясаганингни уни. Энди бўлса, бир ярамас чайқовчи Тбилисида кўчама-кўча олиб юрибди уни. Қарабсанки, қандайдир бир европалик савдогар сотиб олибди-ю, ўзининг парижлик ўйнашига туҳфа қилибди. Ё бўлмасам, шундай ҳам бўлиши мумкин: ҳозирги жоҳил заргарлардан бирортасининг қўлига тушади-да, беўхшов бир медальон ясаш учун ёинки шароб солинадиган кўзани бежаш учун салбни эритади. Кейин ўша кўза, еб тўймасларга хизмат қилади.

Олмосини сирғага кўз қилишади. Қарабсанки, у ҳам константинополлик ёинки парижлик таннозларга зеб бериб қолибди.

Шундай қилиб салбингни Грузиядан ўғирланган беҳисоб хазинанинг зарраси деса бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда менга ҳам алам қилади.

Лекин шуни ҳам айтиб қўяйки, шу чоққача унга бўлган буюк муҳаббатингни юрагингдан юлиб ташлай олмаганинг учун сени Христан жуда рашк қиламан.

С Тамар Тарашга қараб қўйиб:

— Бунақа гапларни гапирма, Тараш,— деди.

Сўнг, йўл бўйидаги, Тараш узмоқчи бўлган бўтакўзни чаққонлик билан узди-да, асабийлик билан гулбаргларини юла бошлади.

— Рашк қиламан дейсанми? Бирор кимсага мени рашк қилишга қандай ҳаққинг бор?

— Менинг ҳаққимми?— хитоб қилди Тараш.

Қизга етиб олиб, қўлини унинг елкасига қўйди, юзига, четини мўй ҳошиялаган, хиёл чўччайган лабига кўз югуртирди.

— Менинг ҳаққимни сўрайсан-а? Ҳа-ҳа-ҳа! Менинг ҳаққим ҳам, насибам ҳам йўқ бу дунёда. Ҳақ-ҳуқуқсиз одамман мен. Осмонда — худойим, ерда — дўстим йўқ менинг. Вақт-вақти билан ёлғизлик шундай еб ташлайдики, назаримда бошқа оламдан парашютда тушиб келган кимсага ўхшайман.

Бахтим бўлса гурбатга тушармидим? Руҳимни майдалаб юборармидим... сенинг юрагингнигина муқаддас билмасмидим?..

Унинг овози узоқдан келаётган қўнғироқ товушидай эшитиларди қизга. У индамай, бўтакўз гулбаргларини битта-битта юлиб ерга ташлаб борарди. «Ишонайми ё ишонмайми?»— деб савол берарди ўзига ўзи. Ниҳоят, гулбарглари юлинган гул қолди қўлида.

— Қани менга шуни айт-чи, Тараш, қанча аёлга айтгансан худди шу сўзларни?— сўради у қўлидаги юлуқ гулни улоқтириб.

— У нима деганинг. Тамар?

— Сени субутсиз дейишади.

— Тўғри, гурбатда кўп ҳис-туйғуларимни исроф қилиб юбордим. Лекин баъзан юрагимиз фируза тусдаги денгизга — Қора денгизга ўхшайди... Неча-неча лойқа дарёлар қуйилади унга. Лекин шунга қарамай, жаҳондаги денгизларнинг энг чиройлиси, энг софи шу!

Шундай қилиб у Тамарга ҳайф кетган ёшлик йиллари ҳақида, бегона эллардаги сарсон-саргардонлиги ҳақида сўзлади.

— Шифти қия болохоналарда яшаб юрган чоқларим, уйқусиз тунларимда онамнинг эркалашларини соғиниб юракларим куйди. Ғам юрагини кемирган отам бир шаҳардан иккинчи шаҳарга кўчиб, кўпинча мени арзон меҳмонхоналарда ёлғиз ташлаб қўйди.

Отамдан пул келишини, онамдан хат келишини кутиб, ойлаб ёлғиз ўзим шубҳали, ярамас меҳмонхоналарда ярим оч яшадим. Бунда кундузлари тартиб сақланса-да, ярим кечадан кейин фоҳишалар билан уларнинг муштарийлари ҳамда хўжайин ўртасида мастона жанжаллар бўларди.

Кейин шундай вақт келдики, қоним жўш урди. Малла соч аёлга ишқивоз бўлдим. Аёлларнинг малла сочлари бу дунё завқини суришга бизнинг ғамгин қора сочлардан кўра мойилроқ бўлади.

Катта шаҳарларга хос бўлган бемаза муҳаббатга дуч келдим.

Ҳар қандай эркак, яккаю ягона аёл қиёфасини қалбида сақлайди ва шу топингани кимсани тинимсиз излайди. Мени тағ қолдирган нотаниш аёлга дуч келганимда «Мана шу!» деб ўйлардим кўпинча. Лекин яқинроқдан танигач, билардимки «У эмас!» экан.

Забули ёнида мени Дон Жуан дединг. Тўғримас бу. Менинг ҳаёт йўлим унинг ҳаёт йўлига асло ўхшаган эмас.

У сингари мен ҳам аламзада эдим. Лекин бу, она тупроғидан юлиб олинган ниҳолнинг алами, тошюрак овчи она кўкрагидан айирган оҳу алами эди. онани, қадрдон тоғларни қўмсаш эди.

Шимолга олиб бориб ўтқазилган грузия пальмасига довул келиб урилиб, дўл ва қор бўрони кўмиб ташлагани каби, ҳайбатли ёт тараққиёт довули мени чирмади-олди, алғов-далғов қилиб ташлади. Ҳаёт мени бир момикдай шаҳардан шаҳарга учириб юрди.

Студентлик чоғимда тушган суратларимни кўздан кечирарканман, хаёлан ёшлигимни назардан ўтказарканман, ҳали-ҳали юрагим орқамга тортиб кетади.

Уша яккаю ягонани излаб жаҳон кездим, лекин ҳеч қаерда топмадим. У эса мени бунда, она юртимда кутаётган экан.

Лекин, энди билсам, кеч қолибман. Ҳаётим бутунлай айқашуйқаш бўлиб кетди.

...Қоронғи тушди. Яқингинада ёнган ялангликдаги дархатлар баҳайбат ҳайвонларга ўхшаб кўринарди. Яланглик ўрталиғида каттакон эман қад кўтарган бўлиб, атрофида қора кабутарлар чарх урарди.

— Буни Додон эмани деб атайман,— деди Тараш.— Ҳар уч кунда овга чиққанимда бу ерга келаман ва соясида ўтираман. Кунлар исиб кетиши билан кабутарлар ўзини унинг панасига олади. Ҳар отганимда тошдай пастга қулайди. Суқ овчи эмасман, тўғрироғи — ёмон овчман. Табиат қучоғида довдираб қоламан, бутун вужудим билан томошабинга айланаман. Менга кўп нарса даркор ҳам эмас. Қозон қайнатишим учун уч кабутар кифоя.

У Тамарга Фивдаги дўстлик ҳақида сўзлаб берди.

— Уз ҳаётигини, кўрган-кечирганларингни ҳикоя қилганингда тинглашни яхши кўраман,— деди Тамар.

— Мен бўлсам сенинг овозингни эшитишни,— деб жавоб қилди Тараш.— Шу қадар майин ва тоза жаранглайдик, самовий қўнғироқнинг ўзи дейсан. Шундайлигини ўзинг ҳам билмасанг керак.

Яқинда бир ҳафта тоғда қолиб кетдим, савсар овладим. Тоғдаги қарағайзорда ов қилиш қанчалар роҳат! Саҳарлаб турардим да, сирли товушлар-ла тўлиқ, сокин ўрмонда кечгача юрардим.

Кўп миллионли аҳоли қайнаган шаҳарларнинг кўчаларида сандироқлаш жонимга тегди! Европада узоқ яшасанг одамови бўлиб қоласан киши. Трамвайлар, меҳмонхоналар, метрополи•тенлар, театрлар, фабрикалар, университетлар... Кўчалар оломонга тўлиқ. Одам овози-ю, ҳатто уларнинг исидан безиб кетасан.

Шаҳар ичида одам кўзи узоқни кўрмайди. Тепангда бир бурдагина осмон. Бора-бора тепага қарашни ҳам унутиб юборасан.

Фабрикалар, поездлар, автомобилларнинг гудоклари асабни бузиб, қулоқни батанг қилади. У ёқда, тоғда эса қулоғинг ҳам, зеҳнинг ҳам, кўзинг ҳам дам олади. Назарингда, минг яшар шу эманлар орасида сеҳрли сокинликка ҳеч тўймайдигандай бўласан.

Асфальтнинг буғланишидан, тутундан, бензиндан ис билмайдиган бўлиб кетган эдим. Энди бўлса кўзим, қулоғим очилганидек, ҳидни ҳам биладиган бўлиб қолдим. Урмонда элас-элас анқиган ҳидларни ҳам сезаман.

Ё бўлмасам, жимгина ўтириб овни кутаётганимда арча ён-оққларининг ерга тушганигача пайқайман.

Заррача шарпадан замин ларзага келади. Баъзан дарахт тагида ухлаб қоласан-да, савсарнинг югургилаб ўтганини, баҳайбат дарахтлар танасидан мумнинг томганини уйқу аралаш эшитасан.

Бир кун икки кечгача ов қилдим. Оқшом йўғон қарағай тагига ёнбошладим-да, ухлаб қолдим; тўғрироғи, мудраб ётдим. Бирдан сенинг овозинг эшитилди. Узоқ-узоқлардан: «Мисоуст!» деб қақираётгандайсан гўё. Бу сенинг овозинглиги менга аниқ эди.

Эсимда, болалигимда Паржаниани хола мени Шервашидзеларнинг қайси бириникигадир тўйга олиб борган эди. Уларникида қўлга ўргатилган кийик боласи бор эди.

Сен ҳам ўша ерда эдинг — сочинг майда ўрилган, эгнингда анор гули тусидаги кўйлак, ўн ёшлардайдинг чоғи. Негалигини билмайману, ўшанда сени ўша кийик боласига ўхшатиб эдим. Хуллас, образ билан боғлиқ бўлиб қолгансан менинг хаёлимда.

Муҳожирликда сени кўп эсладим: кўз ўнгимда худди кийикдай енгил одим ташлардинг, кўзларинг ўтдек чақнарди, сочинг ҳозиргидан туссизроқ эди. Ўша чоғларда сочинг сарғиш эди менинг назаримда. Шундай эмасми?

Тамар кулиб юборди-да, бош ирғитди.

— Ҳа, малла соч эдинг... Паржаниани хола икковимизни завқ билан томоша қилиб: «Шервашидзелар қони бор зиммамизда,— деганди.— Уруш чиқишига аёл сабабчи бўлгандек, тинчлик ҳам аёл орқасида барқарор бўлади. Қичкина Тамарни Мисоустга беришимиз керак».

Сенинг онанг Жаҳона ҳам бор эди тўйда. Унинг бўйнида қимматбаҳо маржон шодаси, садафдек оппоқ тишларини кўрсатиб, майин жилмайганича қаҳрабо тасбеҳ ўгириб ўтирарди.

У мени ёнига чақирди-да, пешанамдан ўпди.

— Мениям эсимда шулар,— деди Тамар.

— Шундан кейин ҳамма бизни бешиккerti қилинган деб ўйлайдиган бўлди. Бешиккerti қилинмаганлигимизни мен аниқ биламан. Қани эди, бешиккerti қилинган бўлсак!

Муҳожирликда яшарканман, шу оқшомни, сени тез-тез эслаб турардим, бу фикрлар хаёлимдан кўтарилмас эди.

Бир куни онамга Окумига хат ёзиб: «Ҳеч ким билан бешик-кертги қилинмаганманми?» деб сўрадим ҳам ҳатто.

Бу гап онамнинг кулгисини қистатибди.

«Йўқ, гўдаклигингда ҳеч ким билан бешиккертги қилинмагансан,— деб жавоб қилди у менга.— Лекин, менга озгинагина бўлса ҳам ҳурмат-муҳаббатинг қолган бўлса чет элликка уйланма. Чет эллик қиз урф-одатларимизни ҳазм қилолмайди. Шундай кунга қолсам куя-куя адои тамом бўламан...»

Онамнинг сўзини икки қилмадим. Неча аёлнинг кўз ёши ожизлик қилди унинг насиҳати олдида.

Тамар Элен Ронсерни эслади.

— Ие, жуда валдираб кетибман-ку! Сенинг овозинг ҳақида сўзлаб туриб, бутунлай бошқа нарсага ўтиб кетибман... Қарағай тагида ётибману, сенинг: «Мисоуст!» деб чақираётганинг эшитилади қулоғимга.

Ирғиб ўрнимдан турдим, сенинг бу ерда бўлишинг мумкин эмаслигини билсам-да, атрофга алангладим: «Унинг болалиги чақирапти мени. Болалигимнинг узоқ хотиралари бу», деб ўйладим. Ўсмирлик чоғларимда ёруғлик кўрмадим. Шу туфайли доим болалигимни эслардим, сени қўмсардим Тамар. Хаёлимда доим икки нарса эди: бири сен бўлсанг, иккинчиси ўша чиройли кийик — хушбахт Элизиум боғларидан олиб чиқилган икки қимматли образ эди.

«Мисоуст!»— дея чақирдинг кимсасиз чакалакда уйқумни қочириб.

Шундан кейин кечгача арчазорда телбалардай васвасага тушиб юрдим. Овни ҳам унутиб, мени яна: «Мисоуст!»—деб чақириб қолармикансан — овозингни яна эшитармиканман, деб юрдим.

Қош қорайгунча шу алфозда юрдим, йўлимдан адашдим, мен тўхтаган абхазнинг уйи қай томондалигини билолмадим. Ёнимда компасим йўқ эди. Адашиб қолдим.

Қалин ўрмонда адашиб-улоқиб юрибману, овозингни хотирлаб қолишга уринаман. Фикран уни такрорламоқчи, яна бир бор эшитмоқчи бўламан. Лекин уринишларим бекор кетди.

Хотирамиз нақадар ожиз!

Жонли мавжудот бу дунёдан ўтар экан, овозини мангу ола кетади. На рассомнинг бўёқлари, на шоирнинг хаёли, на пластик материал уни қайта тиклай олади.

Рассом ёки шоир, маъшуқаси қанчалар узоқда бўлмасин, унинг ташқи гўзаллигини тасвирлай олади. Аммо ҳеч қайси бир ижодкор овозни тиклаб бера олмайди. Жаҳондаги энг ажойиб мўъжиза экан инсон овози.

Шу топда мен сен билан ёнма-ён борарканман, худди ўша кечадаги сингари мени: «Мисоуст!» деб чақиринингни, мени ўзингни деб ҳисоблашингни кутаман, негаки, мен, шу топда, ўша кечаси қоронғи ўрмонда қолган чоғимдагидан кўра ҳам ёлғизман. Ишонаманки, сенинг овозинг, сенинг чақирининг менга менинг ўзимни топиб беради — муҳожирликда дарбадар бўлгунга

қадарги чоғимни қайтаради. Сенинг чақирғинг менга йўқотган бахтимни топиб беради.

Оҳ, қани эди, сенинг азиз онанг бизни бешиккерт қилган бўлса!

У чоқда ёнингга қайтишим кечиккан бўлмас эди, узоқ элларда қанчалар дарбадар кезсам ҳам мени кутардинг. Мен ҳам ўз навбатимда, бу ерда мажбуриятим борлигини ҳис этиб, куч-қувватимни бошқа хотинларга сарф қилмаган бўлармидим. У чоқда сен мени беқарор деб таъна қилолмасдинг...

Қоронғи тушди. Тамар ташвишлана бошлади.

Шу чоққача ҳали бирор марта бўлсин йигит киши билан ўрмонда, уйдан шунчалар узоқда ёлғиз қолмаган эди. Ҳар бир шарпа эшитилганда ҳадиксираб алангларди. Назарида, учинчи бир одам изма-из келаётгандай эди.

Тамарнинг саросимага тушганини сезган Тараш, аввалига, уни қўлтиқлаб олди, кейин белидан кучди. Уларнинг юзи юзига теккудек эди. Тараш қиз сочлари юзини қитиқлаётганини ҳис этарди. Унинг юраги гуп-гуп урарди, ҳамма вақт равон сўзлагувчи бу одамнинг тили тутила бошлади.

Эманзор тепасида ой кўтарилиб, ўрмонни ҳам, ялангликни ҳам кумушсимон парда қоплади. Уйқу элитган дарахтлар мудради. Табиат уйқуга кета бошлаган эди.

Тараш кетиш кераклигини англади.

Улар яна баҳайбат эман ёнига келдилар. Қўкатлар нам бўлганини Тамарнинг туфлиси ҳўл бўлиб қолган эди. Тараш пиджагини ечиб, тўнкага тўшади-да, Тамарни ўтказди.

Унинг сочлари тўзғиган бети ой нурида дардман бўлиб кўринарди.

Тарашнинг кўз ўнгида Элен Ронсернинг газ чироқ ёритган чеҳраси намоён бўлди.

У Тамарнинг оғир сочларини қўлига олиб, юзига босиб, қиз сочларининг муаттар бўйларини искади; кейин сочи қизнинг бўйнига ўради.

Тамар унинг қаршисида шундай ўтирарди, сочлари илондек бўйнига чулганганди.

— Бирон нима дегин, Тамар, овозингни шундай яхши кўраманки. Мисоуст деб ата мени, ёлвораман сенга!

— Мендан нима истайсан, Тараш?

— Муҳаббатингни истайман, овозингни, ажойиб сочларингни истайман.— қайта-қайта такрорларди Тараш қизнинг елкаларидан қучиб.

Тамар ўзини четга олди, Тарашнинг қўлларини бўшатди ва унга маъюсгина боқди.

— Нега индамайсан? Бирон нима десанг-чи!

— Индамаслигимнинг боиси шундаки, сени юпатиш учун айтадиган гапим йўқ, Тараш. Сен ҳақсан. Агар бешиккерт қилинган бўлганимизда эди, кутардим сени. Худонинг иродаси бўларди бу. Лекин энди кеч. Муҳаббатингни бошқага бергансан.

— Бундан чиқди мени ўтмишга рашк қиларкансан-да? Лекин шуни билиб қўйки, юрагимда сен учун сақлаб келаётганимдек катта муҳаббат ҳеч қандай аёлга насиб этган эмас!

Тамар ҳамон индамасди.

Тараш қизишди.

— Ё бошқани севасанми?

— Биласанми...

Қиз шу сўзни айтар-айтмас, Тараш эсидан ажраган кишидек, бирдан унга ташланди, маҳкам бағрига босганича ўпа бошлади. У қизнинг кўзи, юзи, пешанасидан ўпарди. Лабини қиз лабига босган ҳам эдики, Тамар юлқиниб, унинг қучоғидан чиқди, сакраб ўрнидан турди.

— Мен сенга фақат дўст бўла оламан,— деди қиз, унинг овози титраб кетди.

— Агар сенга бу ҳам камлик қиладиган бўлса, ортиқ кўриш-маслигимиз керак. Бизниқига қадам қўйма. Ҳа, ростдан ҳам,— қўшимча қилди у,— Каролинани кўргани келиб турсанг бўлади, дўстсизлар-ку у билан.

Бу дақиқада Каролинани эслашнинг маъноси нимадалигини Тараш тушунди. Нима дейишини билмай қолди. Хотирасида Илор ибодатхонаси ҳовлисида Каролина билан ўтказилган тун гавдаланди.

Тараш эманнинг ердан туртиб чиқиб турган илдизига чўккалади-да, тиззасига қўлини тираб, қизиб кетган бошини чангаллади.

Тамар тўнкада йиғлаб ўтирарди.

Унинг нега йиғлаётганини суриштирмай, Тараш ўрнидан туришга ёрдамлашди. Улар индамай, келган йўллари билан уйга қайта бошлашди.

Қаердадир бойўғли қичқирарди. Узоқда ит уйқу аралаш ҳуриб қўйди.

Улар дарахтзорни шу зайл кесиб ўтишди ва Тариэл Шервашидзенинг боғига етишди.

Шу чоқ Тамарнинг назарида, уларни кузатиб турган учинчи бир одам изма-из келаётгандай бўлди.

Эшикка етганда, Тараш шивирлаб сўради:

— Демак, ўн бешинчи август куни Арзақан билан Тбилисига бораркансизлар-да?

— Ҳа, бормоқчимиз.

Тамар эшикдан ичкари кирди ва ўгирилиб, эшитилар-эшитилмас овоз билан: «Мисоуст!» деб чақирди.

Тараш сесканиб кетиб, қиз томон югурди.

— Жуда ҳам жаҳлимни чиқардинг. Шунинг учун ҳам бундай ёмон муомалада бўлдим сен билан.

— Қайси муомалани айтяпсан, Тамар?

— Бизниқига келма, дедим сенга. Яхши бўлмади шу муомалам. Мени аччиғлантирганинг учун айтдим. Лекин ўйлайманки, биз шунга қарамай, аввалгидек дўст бўлиб қоламиз, аввалгидек бизниқига келиб турсан.

Қизнинг овозида кучли ҳаяжон бор эди. Қиз сумкасини очди.
— Ростдан ҳам, унутай дебман! Даша ўрмондан сенинг ён дафтарингни топиб олибди, мана.

Тараш лабини тишлади. Қизнинг қўлидан блокнотини оларкан, чурқ этолмади.

— Хайр,— деди Тамар.

Тараш қизнинг узатган қўлини ўпди.

ҚАРМОҚ ҚУЙГАНЛАР

— Арзакан болохонада ётган ерида тунги овозларга қулоқ соларди. Молхонада сигир зўр бериб маърайди. Шамол жўхорининг қуруқ пояларини шундай шитирлатадики, баъзан, қандайдир баҳайбат махлуқ жўхоризорни ёриб ўтиб келаётганга ўхшайди.

Кейин яна шамол тоғтеракка ёпирилиб, шохларни шундай силкитадики, худди кема елкалари тапирлаб елпинаётгандай бўлади.

Арзакан жуда эрта, ёмон кайфиятда уйғонди.

Шу ёз Окумида қурғоқчилик бўлганидан, замин узоқ-узоқларгача тарс-тарс ажралиб ётарди. Жўхори қуриб қолган эди. Водийда ҳамма тегирмонлар тўхтаб қолди.

Бу офатни кексалар ўзларича йўйдилар.

— Яхшилик кутиб бўлармишми? Сеҳргарларни ҳайдашди, черковларни ёпишди, Дурипшидаги эманни куйдириб юборишди, худонинг қаҳрига йўлиқдик!

Кексалар шундай дейишарди, қишлоқдаги қулоқлар эса зўр бериб маъқуллалашарди.

Собиқ азайимхонлар ҳам бош кўтариб қолишди. Фолбинлар, кинначилар, азайимхонлар гивирсилаб, шивир-шивирлашиб қолдилар.

Хурофотга ботган деҳқонлар ваҳимага тушдилар. Қиёматқойим бўлиши ҳақидаги васвасаларга қулоқ тута бошладилар.

Иссиқ кун ойдин тун билан алмашинарди.

Деҳқонлар қишлоқ-қишлоқ бўлиб кўтарилиб, топингани юз ёшга кирган эманлар тагига ёки Илори ибодатхонасига боришарди, авлиё Георгийга қурбонлик учун юзлаб мол сўйишарди...

— Илорлик авлиё Георгийга қойил-э! Бунчалар қўй-эчки қурбонлик қилинганини шу ёшимгача ҳеч кўрмагандим!— дерди юз ўттиз яшар Киут Какачиа.

Мардум ичида нималар дейишмаяпти.

Қулақлар алангага мой қуйиб, ваҳимани оширардилар.

Кўп ўтмай, ҳамқишлоқларининг ҳаммаси Арзаканга олайиб қарай бошладилар.

У пайдо бўлиши билан шивир-шивир бошланар, кексалар лабларини буриб, кўзларини олиб қочишарди.

Қишлоқ алғов-далғов бўлиб кетди.

Қулақлар кечалари бузоқларни, ишчи буқаларни сўйишар,

еб-ичишга зўр беришарди. Ичкиликбозлик қилишар, большевикларни сўқишар, охир замон келиб қолди, деб валдирашарди.

Кундузлари ғийбатдан, шивир-шивирдан бўшашмас, кечаси сўядиган буқа ва ҳўкизлар билан хайрлашишар, кўзларидан ўпишарди.

Кулақлар камбағаллар билан уришишар, аммо бир-бирлари билан эса жуда иноқлашиб кетишган эди.

Киутлар Аланиаларнинг қонини тўккан эди. Энди бўлса Аланиалар Киутларни чорлаб чақириб, уч буқа сўйишди, Киутларнинг хотинлари эса Аланиаларнинг ўғилларини эмизишиб, ўғил қилдилар уларни. Икки авлод шу йўсин қадрдон бўлиб кетишди.

Е бўлмасам, Гвичиа билан Хвичиаларни олайлик. Ун йил чамаси марзанинг талашини қилиб юришган эди. Боғ-роғларни, марзаларни олиб қўйишларини эшитишгандан кейин эса, ярашиб кетишди. Етмиш уч нафар ашаддий душманнинг ярашганига атаб ўн уч буқани сўйишди.

Окуми кулақлари бошида етти оға-ини Тарбалар туришарди.

Гванж Апакидзе аҳёнда бир Окумига бориб қолар, кўпинча эса Зугдидидан туриб топшириқлар берар, газета янгиликлари ва ҳар турли гапларни етказарди.

Оға-ини Тарбаларнинг каттаси Ломкац бўлса Окумида: «Арзакан Звамбаяни ўлдириш керак. Шундай қилсак коллективизациядан қутуламиз», деб таҳдид соларди.

Пойга чоғида Арзакан Тарбалардан ғолиб келгани ҳам уларнинг ғазабига ғазаб қўшди.

Арзакан бир неча камбағал деҳқонни атрофига тўплашга муваффақ бўлди. Арзакан шулар ва яна ўн чоқли комсомоллар ёрдамида биринчи колхоз ташкил қилишни ўйларди.

Лекин кўп ўтмай, камбағал деҳқонлар тумтарақай бўлдилар.

«Кулақлар бизга бир сиқим ҳам ун қарз беришмайди. Колхоз ҳосилини йиғиб-териб олгунга қадар очимиздан тиришиб қоламиз»,— деб ўзларини оқлашди шу ерлик деҳқонларнинг энг қашшоғи Цанавалар.

Кулақлар бўлса авлиё Георгий Илорскийни мадҳ қилишар, крепостной ҳуқуқнинг тугатилганини афсусланиб эслашарди. Улар князлардан Апакидзе, Дадияни ва Эмхвариларнинг беваларига, улар сўрамасалар ҳам, турли-туман нарсаларни ташиб келтирдилар.

Шунингдек улар, Николай II нинг офтоби ботиб кетганига ачинишар, романовлар миршаби, Гвичиа, Хвичиа, Аланиа, Маланиа, Звамбая ва Тарбага ўхшаганларнинг таъзирини берган чоқлар ўтиб кетганига афсусланишарди...

Ўтган шанба Чежиа Арзаканни кўргани келди. Унинг келиши Кац Звамбаяга ёқмади, лекин меҳмон меҳмон эди-да, Чежияни яхши кутиб жўнатишдан бошқа иложи йўқ эди.

Дастурхон устида, кексалар ҳузурида, колхоз ҳақида бир оғиз ҳам сўзлашмади.

Тушликдан кейин Арзакан Арабиани эгарлади-да, дўстини Галигача кузатиб қўйди.

Чежиа хомуш эди.

Коллективлаштириш аксарият нотўғри ўтказилаётгани унга ойдин бўлган эди. Бу соҳада ҳаддан ошириб кўрилаётган чораларни у маъқул топмаган эди.

Аренба Арлан ўз районида коллективлаштиришни юмалоқ-ёстиқ қилиб ўтказиб бўлган эди. («Хаттоки, товуқларгача умумлаштирилибди»,— деб сўзлаб берди Чежиа.) У, мажбурий чоралар кўришдан ўзини тутиб турган баъзи партия раҳбарларини «калтабинликда» ва «либералликда» айбларди.

Яқин ўртада Чежиа ишдан олиниб, ўрнига Арлан қўйилади, деган миш-мишлар юрарди.

— Арланнинг ўтмишдаги хизматлари катта,— дерди Чежиа.— Лекин ўзбошимчаликни, гуруҳвозликни бу билан оқлаб бўладими? Одамларга бундай ёндашишга қаршиман. Агар ўтмишда хизматларинг бўлса, бунинг учун катта раҳмат. Лекин бугун қандай фойда келтиряпсан, шундан гапир.

Арланни йўриғига юргизиб келаётган хотини билан қайната-си эканини бутун район гапиради. Ҳамма ишни Гванж Апакидзе бошқаради, Арланнинг биринчи маслаҳатчиси шу.

— Наҳотки шу одамни бир ёқли қилиш қийин бўлса?— сўради Арзакан.

— Тбилисига борай-чи, оёғи куйган товуқдай бир типирчилаб қолсин; ҳамма қилмишларини очиб ташлайман.

— Марказда Арланни қўллаб-қўлтиқлайдиганлар бор дейишади,— деди Арзакан.

— Ким қўлласа қўллайверсин. Барибир қилмишларини очиб ташлайман,— деди Чежиа қатъий.

Қуёш тоғ ортига ёнбошлади. Дўстлар хайрлашишди.

— Агар мени ишдан олишса, Тбилисида учрашамиз,— деди Чежиа Арзаканнинг қўлини қаттиқ сиқаркан, кейин отига қамчи босди.

Қош қорая бошлади. Шоссе устида бош кўтарган харсангларнинг учи қорайди. Узоқдаги текисликка туман ёйилди.

Милтиқ товуши эшитилганда, Арзакан Кохор ўрмонига етиб қолган эди. Чап томондан, ўрмон тарафдан милтиқ отилди. Араба бир силтанди.

Иккинчи!

Учинчи ўқ узилди!..

Яна ва яна отилди!

Араба учиб борарди. Арзакан маузерини чиқарди. Худди шу чоқ аллаким, йўлнинг чап тарафидан, милтиқдан ўқ узди. Арзакан ҳам отни елдириб бораркан, нишонга олмай ўқ узди.

От туёғининг товушидан қувловчилар тақаланмаган от минганини билди.

Тўхтасинми?

Қуролланган рақиблар билан очиқ шосседа учрашишни но-

Ўрин билди у. Арабага қамчи босди. От жонивор, қанот чиқаргандай, елиб кетди.

Телеграф столбалари лип-лип ўтиб турарди. Қора мойдай зим-зиё қора тунда Араба учиб борарди.

Яна милтиқ овози эшитилди, яна чап тарафдан. Кейин икки тарафдан отишма бошланди.

Қоронғида, ер шиббалайдиган машинага кўзи тушган Арзакан ирғиб ерга тушди, Арабага чап тарафига қўйиб ўзи машина ортига яширинди.

Милтиқдан бетиним ўқ ёғила кетди.

Бегемотга ўхшаган чўян машина йўл ўртасида турарди; атрофида ўқ визилларди. Араба борган сайин қизиша борарди. Чап қўли билан отини маҳкам ушлаган Арзакан, вақт-вақти билан ўқ узиб қўярди.

Мана у ўндан ортиқ ўқ узиб қўйди. Энди еттигача патрон қолган эди, холос.

Арзакан отининг жиловини қисқа қилиб боғлаб қўйди-да, машинанинг баҳайбат ғилдираклари орасига кириб, тагига жойлашиб олди.

Ишқилиб отимга ўқ тегмасайди, деб ташвишланиб, ер бағирлаб ётарди у.

Чап тарафда ўқ узиш тинди; рақибларнинг патрони тугади чоғи.

Аммо ўнг тарафдан ҳамон дўлдек ўқ ёғилмоқда эди.

Арзаканнинг маузери жим эди.

«Қани юракларинг бўлса берироқ келинлар-чи!»— ғазаб билан ўйларди йигит. Гап шу: олти ўқни уларнинг танасига жойлайди-ю, еттинчисини ўзига сақлаб қўяди.

Шу чоқ у бирдан, милтиқ ўқи етарли масофада уч қора пайдо бўлиб, отларни шоссенинг чап тарафидаги бутазорга элтаётганини кўриб қолди.

— Отни ярадор қилиб қўйма, бичо!¹— деб юборди уч кишининг бири.

«Отни ярадор қилиб қўйма?» Аввалига Арзакан, менга янглиш эшитилди, деб ўйлади. Йўқ, йўқ, аниқ-таниқ эшитди-ку бу сўзларни. У бирдан қувониб кетди.

Бу орада уч қора шоссега ётиб олиб отишмани бошлаб юборди. Арзакан маузернинг тепкисини босишга тайёр ҳолда пис-тирмасида писиб ётди.

Анавилар яна ўринларидан турдилар. Бир оз чошиб келиб ўзларини ерга отардилар-да, яна ўқ уза бошладилар.

Машинага жон киргандек бўлар, чўян бегемот гувилларди.

Араба тиккайишга уриниб, ўзини у ёқдан-бу ёққа отарди.

Уч қора тўсатдан отишмани тўхтатиб, кўздан ғойиб бўлди.

Арзакан қоронғиликка тикилиб қараркан, тўсатдан, уларни шундоққина қаршисида кўрди: улар машина томон бамайлихотир келишарди.

¹ Б и ч о — йигит.

— Ҳаром қотди чоғи,— деди ўртада келаётган найнов абхаз тилида.

— Патрони тамом бўлгандир. Шунинг учун писиб ётгандир?— деди бошқаси. Худди шу чоқ Арзакан ўртадагини, «ҳаром қотди чоғи» деганини пойлаб ўқ узди.

Найнов қорнини чангаллаганича йўл ўртасида чўккалаб қолди. Лекин Арзакан машина тагидан чиққунига қадар жўралари ярадорни буталар орасига олиб кириб кетган эдилар.

Арзакан яширинган еридан чиқиб, буталар тарафга бир неча қадам юриб, яна бир марта ўқ узди. Қулоқ солиб турди. Атроф сув қуйгандек жим.

Арзакан орқасига қайтди ва ирғиб отига минди.

* *

*

Бу воқеа ўтган шанба бўлиб ўтди.

Арзакан уйга келгач, бу тўғрида оғиз очмади.

Лекин шунга қарамай, эртасигаёқ бутун Окуми бундан хабар топган эди.

Бундай хатарли олишувдан ўғли омон-эсон чиққанига Кац Звамбая ич-ичидан мағрурланарди.

Лекин шундай эса-да, колхозга киргани учун Арзакандан норизо эди. Ахир бора-бора отанинг рўзгорини тақсим қилиш масаласи кўтарилди. Кейин қарабсизки, шундай бадастир бир хонадон алғов-далғов бўлиб кетибди!

Агар у ҳам колхозга кирса, қанчалар яхши бўлишини Арзакан отасига тушунтиришга кўп уринди.

Рақиблар пайига тушгандан кейин кўп ўтмай, тушлик овқат устида, ота-ўғил тортишиб қолишди.

Арзакан умрида биринчи бор отасига дағал гапирди.

Кацнинг кўзига қон тўлди, идиш-товоқларни ерга уриб синдирди, столни тепиб, ағдариб юборди. Стол Арзаканнинг оёғига келиб урилди, лекин у, «их» ҳам демади. Арзакан лабини тишлаганича ўрnidан турди-да, жаҳл билан ҳовлига чиқиб кетди.

Ўғлининг индамаганлиги Кац Звамбаяни баттар аччиғлантирди; у бутун ғазабини хотинига тўкиб солди.

Хатуна бирор марта унинг гапини икки қилиш у ёқда турсин, отини аташга ҳам ботинмаган аёл.

— Кўп ташвишланма,— деди кўзда ёши билан у идиш-оёқларни йиғиштириб жой-жойига қўяркан.

— Хонадонимдан йўқол икковинг! Колхоз сигирини боқларинг. Лекин шуни билиб қўйларингки, бу уйдан нинадек нарса ни олишларингга йўл қўймайман!— деб бўкирарди Кац Звамбая столга муштлаб.

Шу жанжалнинг эртасига Арзакан онасига Тбилисига ўқишга кетаётганини айтди.

Арзаканнинг колхозга киргани Хатунага ҳам хуш ёқмас эди. Лекин шунга қарамай, у ўғли тарафини оларди.

— Жонинг саломат бўлса бас, қолгани — уй-жой ҳам, ер ҳам, сигир-бузоқ ҳам, вақт-соати билан ўзи тўғри бўлиб кетади,— деди онаси.— Авлиё Георгий Илорский сени қўлласин, сигир-бузоқларни, менга деса, бўриларга ем қилмайдими.

Арзакан кечаси онасининг оҳиста ўрнидан туриб, бут тагида чўққайганини ва зўр бериб ибодат қилаётганини кўрди:

«Қудратли авлиё Георгий! Елғизгима ўғлонимни, Арзаканимни ўз паноҳингда асра! Уни ўқ балосидан, ёмонларнинг кўзидан ва сўзидан ўзинг сақла! Етти ўғлонимни ўлим бағримдан юлиб кетди, катта ўғлимни ўзимга қўйиб бер, авлиё Георгий...»

Онаизор кўз ёшларини шашқатор оқизиб, нола қиларди:

«Оҳ, раҳнамогинам Биби Марьям, ўзинг онасан ахир, фарзанддан жудо бўлишнинг азобини биласан. Арзакангинам ҳали ёш, бирор гуноҳини пайқасанг, гуноҳидан ўт!»

Арзаканнинг Окумидан кетаётганини билган Қац Звамбая севинди. У ўғлим чўчи қолди, шунинг учун Тбилисига жўнаб қсляпти, деб ўйлади.

Аслини олганда, Қац Тбилисини ёмон кўрарди.

«Газеталар, китоблар — ҳаммаси ўша ёқдан чиқаётган нарса,— дерди у.— Худодан қайтганлар, социалистлар, тартиб ва оила негизини барбод қилаётганларнинг барчаси шу Тбилисида яшайди. Эркаклар ҳуқуқини аёлга бергандан кейин оилани худо урди деяверинг».

Қац Звамбаянинг Тбилисини ёмон кўришининг сабаби мана шунда.

— Арзакан Зугдидида кутмоқчи бўлган ўртоғи учун Мачагва Эшбанинг отини сўраб олмоқчи,— деди Хатуна эрига.— Зугдидидан Сенакигача отда боришмоқчи.

— Мачагва илтимосимни қайтармайди-я! Лекин Келеш бирга кетиши мумкин бўла туриб, нега энди у отни қуруқ ҳайдаб кетиши керак экан?— тўнғилларди чол.

Лекин Арзакан негадир ўжарлик қилиб, Келешни олиб кетишга рози бўлмади.

Қац Звамбая ён берди. «Коллективлаштириш вақтида нарироқ кетиб тургани маъқул. Менга деса, Мачагванинг отини опичлаб кетмайдими!»— ўзича муҳокама юритарди у.

Арзаканнинг ҳар қаёққа кетиб қолишига она кўникиб қолган бўлса-да, унинг душанбада йўлга чиқаётганидан кўнгли ғаш эди. Кўзларидан дув-дув ёш оқизиб йўлга сомса пиширарди.

— Жоним болажоним, душанбада сафар қилмасанг нима бўлти,— ёлворарди Хатуна ориқ қўллари билан хамир ёяркан.— Ўзинг биласан, йўллар нотинч, қишлоқда бўлса ғанимларинг етарли. Икки кундан бери тушим бузилиб турибди.

Ўғил қовоқ-тумшугини осилтириб, қамчисини тузатар, онасининг оҳ-додини тингларкан, юраги увушарди. Онасининг арзимас бир илтимосини ҳам адо этолмаса нима қилсин. Ахир у, ўн тўртинчи августга отни етказиб бораман, деб Тамарга сўз берган-да!

— Эртага душанба бўлса бўлар, нима қипти? Душанбаси қолипими ҳозир? Бу гапларга барҳам берадиган замон келган.

Лекин онага гап уқтириб бўлармишми? Онанинг юзидаги ажинлар буришгани сари, Арзаканнинг юраги орзиқиб кетар, назарида кексалик ўзи келиб пойига бош уриб ёлвораётгандай эди.

...Душанба ҳам етиб келди.

Арзакан эрта саҳарлаб дарё бўйига борди ва унда жўш урган ҳаётни кузатиб, маҳлиё бўлиб қолди. Итбалиқларнинг тўда-тўда бўлиб чивинларни қувлаётганини, сувда майда доираларнинг ёйилишини томоша қилди.

Қуёш аллақачон кўтарилган эса-да, унинг нури қуюқ дарахтлар орасидан аранг ўтарди. Сувнинг қуёш нури тушиб йилтиллаган ерида бўлса майда балиқлар кўриниб турипти.

Дарёдаги миллионлаб жониворларнинг овоз чиқармай, қуёшни қаршилаб тантана қилиши Арзаканни ҳайратга солди.

Аҳён-аҳёнда сулаймон балиқлар сузиб ўтиб қоларди. Сулаймон балиқлар, улар яқинлашиш билан, икки тарафга қараб тирақайлаган итбалиқлар тўдасини ёриб, салобат билан ўтиб қоларди.

Табиат олами ҳар вақт Арзаканни ўйлатиб қўярди. У болалигини эслади. Яланг оёқ Забули образи намоён бўлди қаршисида: худди мана шу ерда Арзакан билан Забули иккови ранг-баранг тошлар қидиришар, саёз айланмада ивирсишиб, кичкинагина тўр билан балиқ овлашарди. Пешин пайтлари ҳув аनावи кекса қайрағоч тагида яшириниб, Забули иккови «эр-хотин» ўйнашарди...

Шу чоқ онаси чақариб, дастурхонга таклиф қилди.

Хатуна ҳол-жонига қўймай, кетар чоғида отаси билан нонушта қилишга кўндирди.

— Қаттиқ хафа бўлгани билан сенга жуда ачинади,— деб шивирлади Хатуна.— Шанбадаги воқеадан кейин кечалари мижжа қоқмайди. Ҳамма душманларингни тавбасига таяптираман, деб жони ҳалак.

Нонушта чоғи чол ўғлига икки стакан ароқ ичирди. Арзакан индамай хачапури еб ўтирар, меҳр билан онасининг кўзига тикилар, кичкинтойларни сийлаб, эркалаб қўярди.

Даҳлизга чиққанида эса, боши айланаётганини ҳис этди: лекин бу ароқнинг асоратими ёки диққатбозликданми, англаб етолмади. Назарида, узоқ бир сафарга чиқаётгандай, болалик чоғларининг дардсиз гувоҳи бўлмиш уй ёнида ўсган мана шу ажойиб магнолия билан, шу терак, ёнғоқ, олма ва анжир дарахтлари билан бир умрга хайрлашаётгандай бўлиб кўринарди.

Анжирга кўз ташлади-ю, Тараш Эмхварини эслади. Шу замон, қаршисида Тамар образи намоён бўлди.

Тамар Арзакан билан Тбилисга боради. Ҳаммаси шу шаҳарда бир ёқли бўлади-ю, шундан сўнг мен, Тараш Эмхвари билан яна ярашиб оламан, деб ўйларди у.

Ростдан ҳам, унинг олдида нима гуноҳи бор Тарашнинг? Бирор марта бўлсин иззат-нафсини койитадиган сўз айтгани йўқ. Энагасининг ўғлининг иззатини доим ўрнига қўйиб келади. Шу чоқ унинг кўзи яйловга ёйилган подага тушди.

«Ким билади, ҳали отасини ҳам йўлдан уришса, у ҳам анави аламзада кулаклар сингари бу ажойиб, меҳнаткаш ҳайвонларни сўйиб юборар? Ахир бу ҳўкизларнинг ҳаммаси — Цабла, Лома ва Гвине Арзаканнинг қарамидаги моллар-а. Ҳув анави қора тумшуқ Квишорани бўлса ўзи боқиб катта қилган».

Шу чоқ у дилининг аллақаерида хусусий мулкчининг қорамолга бўлган биноси борлигини ҳис этди. «Йўқ, хусусий мулкчининг қорамолга бўлган биноси эмас бу, йўқ, жонли мавжудотга бўлган меҳри,— дея шу замоноқ ўзини юпатди.— Жониворларни ҳамма вақт яхши кўраман-ку, ахир».

Бугун у Окумидан чиқиб кетади. Ишқилиб, тақдир дегани, шу қорамолларни, бу тераклардан тортиб ёнғоқлару, анжир дарахтларигача, ҳамда мана шу хонадонни омон сақласин-да!

Арабиа-чи? Отаси Арабиани устунга боғлаб, қашлағич билан қашларди. Отасининг ўғли учун биринчи бор от тайёрлаши эди.

Йигит ҳаммасига тан берарди-ю, лекин бир нарсани—Арабиани қандай ташлаб кетишини тасаввур қилолмасди. Шу нарса хаёлига келиши билан аъзойи бадани зирқираб кетарди. Бу хаёлан тасаввур қилинган оғриқ бўлмай, ҳақиқий, жисмона ҳис қилинадиган азоб эди. Лекин Арзакан шу замоноқ ўзини юпатди: ҳали ким билади, институтга кира оладими, йўқми.

Онасини золим отаси қўлига ташлаб кетаётгани ҳам унга азоб берарди.

Арзакан шу хаёллар билан катта йўлга чиқди. Онаизор ўзини тутишга ҳарчанд уринмасин, юзидан шашқатор оқаётган кўз ёшларини тиёлмади. Арзаканнинг назарида, кетма, бунда қол, дея кексалик ёлвораётгандай эди.

Йўлакай Арабиа кўп қайсарлик қилди, ёнида бошқа отнинг боришини ёқтирмасди у. Арабиага қараб Эшбанинг оти ҳам асабийлашарди. Арзаканнинг сабри тугаб, икковига ҳам қамчи босди.

Арзакан осмонга бир қараб олди-да, отларни йўрттириб кетди.

Шундай от йўрттириб бораркан, эртага Тамар билан учрашини тасаввур қиларди. Ваъдасининг устидан чиқиб, Арзакан билан отда сафарга чиқармикан? Қизнинг сарвдек қоматини, ҳаракатларини, гапларини яққол тасаввур этарди у. Фақат чеҳрасидаги маънони илғаб ололмасди, холос.

Арзакан Илорига қилинган сафарни, Арланнинг тўйини ва Тамарнинг ибодатхона гумбазига кўз тикиб туриб, тўсатдан салби йўқолганини сезиб қолган пайтини эслади.

Арзакан ён чўнтагини маҳкам чангаллади. Салб ёнида. Тбилисига етишлари билан Арзакан салбни Тамарга беради. У ерда шароит тамомила бошқа. Тамар сочини қирқади, салбни бўлса ё сотади, ёинки музейга тортиқ қилади.

Ҳа, Тбилисида ҳаммаси тамомпла бўлакча бўлади. Арзакан, назарида, фабрикаларнинг гувиллашини, автомобиль гудоклари шовқинини, трамвайларнинг жингирлашини эшитаётгандек бўлди...

Қоронғи туша бошлади. Тоғларнинг чўққиси қорайди. Сатан-жо қалъасини туман қуршаб олди. Йўллар қоронғилик ичида қолди.

Йўлнинг икки тарафидаги ўрмонларда сокинлик ҳукмрон. Аҳён-аҳёнда араванинг ғижирлагани эшитилади, холос.

Жиловни маҳкам чангаллаганича Арзакан икки отнинг юришини бир маромга солиб боради.

Ингур дарёсига етишга бир неча километр қолди.

...Ингурга қуйиладиган ирмоқ устига ташланган ёғоч кўприк тагида икки балиқчининг қораси кўринади. Улардан бирининг, Бўйдорининг елкасига бошлиқ ташланган.

Бошлиқлик киши беҳаловат эди — гоҳ турар, гоҳ ўтирарди. Қафти билан кўзини пана қилиб, ғарбга кўз ташлаб қўярди.

— Менга қара-чи, Жото, бугун Окумидан чиқиб кетганини аниқ биласанми?

— Аниқ биламан, Гванж амаки, онам ҳаққи қасамёд қиламанки, аниқ! Бугун уларникига синглимни юбориб эдим, чол Арабиани қашлаётган экан.

— Бугун душанба-ку,— эсимизга келмапти-да, бу. Ҳаммани қўйиб, Кац Звамбая ўғлининг душанбада сафарга чиқишига индамай қараб турарканми?

Бир неча вақт жим қолишди.

Жото қармоқни тортиб чиқарди. Қармоқдан томаётган сувнинг чакиллаши эшитилди.

Шамол узоқдан араванинг ғижирлаган товушини олиб келарди.

— Менга қара, Жото, бу зиқна Ломкац Тарба нега бунча лапашанглик қилибди? Етти оғайни бир бўлиб, шу битта гавандани гумдон қилолмабди-я.

— Эрталаб синглим айтди, Ломкац қорнидан ўқ ебди.

— Балки патронлари тугаб қолгандир у ношудларнинг, а, Жото?

— Патрони-ку етарли эди-я. Мен ўзим, бир кун олдин уларга йигирма беш дона патрон бергандим, Гванж амаки. Лекин маккор машинанинг тагига кириб олибди.

— Машина нима бало қилиб келиб қолибди?

— Окуми шоссесини текислашяпти-ку.

— Авлиё Илорскийнинг қарғишига йўлиққурлар! У лаъна-тилар ҳамма вақт бирор нарсани текислашади,— деди тўнғиллаб Гванж Апакидзе. Кейин бармоқларини қарсиллатиб, ғарб тарафга яна диққат билан тикилди.

Сўнгра у Жотонинг ёнига ўтирди, тирсагини тиззасига тираб, қўллари билан бошини чангаллади.

— Аблах Чамба, ичиравериб маст қилиб қўйди!

Бир оз жим тургач, давом этди:

— У қийшиқ башаранинг ўғлини бугун ҳам қўлимиздан чиқариб юборсак, тамом! Арабиа ҳам, Шервашидзенинг қизи ҳам унга қолиб кетади. Менга қара, Жото, уни бизнинг районимизга секретарь қилиш учун Тбилисига чақиришган дейишадими? Агар шу гап рост бўлса, сен билан мен Окуми билан хайрлашаверайлик. Ундай бўлса, чўқинтирган қизим, албатта, унга тегади...

— Қўлимизда милтиғимиз ҳам йўқ-ку, қанақа қилиб уни эплаймиз, Гванж амаки? Ахир у лаънати от минганда шамол ҳам бас келолмайди. Қўлимда бўлса фақат тўппонча.

— Тентак! Юзлаб одамлар, аравалар, автомобиллар ўтиб турган шосседа милтиқ кўтариб ўтириб бўлармишми? Менда бўлса тўппонча ҳам йўқ. Биз оддий балиқ овловчилармиз, кўприк ёнида балиқ овлаб ўтирибмиз... Гап қурол-яроғда эмас, ўғлон,— истехзо билан қўшиб қўйди Гванж.— Арланнинг тўйида қўлингда ханжаринг бор эди.

Жото Гвасалиа ғазаб билан ирғиб туриб кетди.

— Бўлмасам, мени бу ерга итбалиқ овлашга олиб чиқибсизда, Гванж амаки? Умрим бино бўлиб қўлимга қармоқ олган эмасман!

— Итбалиқ билан кўп ҳазиллашма! Яна катта бўлиб илон балиққа айланиб, ютиб юбормасин сени. Уша она сути оғзидан кетмаган гўдак шу ердан ўтиб кўрсин-чи. Уни бир ёқли қилш учун қурол-яроғ излаб ўтирмайман! Мени ҳам Тарбалардан бири деб ҳисоблаяпсанми? Бунақа мишиқиларни ўз уйида тирноғим билан эзиб йўқ қилганим бор.

Орадан бир оз вақт ўтгач Гванж:

— Сенинг кўзинг ўткирроқ, йигит, қара-чи, нима у,— деди.

Жото калласини кўтарди, кейин бирдан ерга ўзини отиб, қармоқни чангаллади.

— Тесс...— дея олди, холос.

— Бир отга ўзи миниб, бир отни тизгинидан тутиб келяпти чоғи?

— Бир отга ўзи миниб, бир отни тизгинидан тутиб келяпти,— такрорлади Гвасалиа ва ханжарининг сопини маҳкам қисди.

Гванж нима қилар экан, деб жуда қизиқиб қолган эди у. Гванж Апакидзенинг ёвузликлари ва босқинчиликлари ҳақида алланима балоларни эшитган Гвасалиа қуролсиз бир кексанинг қуролланган Арзаканни қандай қилиб эпламоқчи бўлаётганига ҳайрон эди. Бунинг устига Окумида Арзаканга етадиган ботир кам эди.

Ёғоч кўприк устида от туёқлари дупури янгради.

Отлиқ овчилар ёнига етганда Гванж Апакизде ирғиб туриб, елкасидан бошлиқни юлиб олди-да, ҳавода чир-чир айлантира бошлади.

Арзаканнинг назарида кўприк тагидан оппоқ қуш учиб чиққандай бўлди — зим-зиё қоронғиликда оппоқ бошлиқ ана шундай афсонавий бўлиб кўринмоқда эди. Лекин Арзакан бунинг нималигини аниқлаб олишга улгурмади. Арабиа жонҳолатда ирғишлаб олдинга отилган эди, тизгинидан ушлаб келинаётган Эшбанинг оти Арзаканни эгардан суриб туширди.

Арзаканнинг оёғи узангидан узилгунча Арабиа уни судраб кетди.

Оқ бошлиқ кийган бир новча киши билан пакана киши кечаси билан икки эгарланган отни қувлаб юрганини паромчи кўрибди.

Арабиа билан Мачагва Эшбанинг оти тонгга яқин Окумига етиб келиб, бутун қишлоқни оёққа турғизди.

16 август, ярим кечада аравакашлар Окумига буркага ўралган Арзаканни олиб келишди.

Бу ишга ҳукумат аралашди. Ака-ука Тарбалар гумон билан қамоққа олиндилар.

Қурғоқчилик тугади.

Окумида бир неча кун муттасил ёмғир ёғди...

БАҚА КҮЗ

Қодир худо, барҳам бер ёз кунларин,
Еруғ дақиқаларга қоронғиликни ёйгил!
Яшнаган ўтлоқларни айла кўзлардан нари,
Тарқоқ подаларни ҳам кўм-кўк тоғларга қувгил.
О, амр этгил сербошоқ, бугдойлар-да етишсин,
Бугдой ғарамларини, майли тўзитсин шамол!
Сен булутларни титгил, зумрад бўлиб тўкилсин,
Қуёш селини эмиб, майли узум йиғсин бол!

Тараш Эмхвари ўн еттинчи август кuni Тбилисига жўнамоқчи эди. Шундан бир кун аввал, эрта биланданоқ унинг кайфи бузилди: бир таниш абхаз, онасидан хат келтирди.

«Ёмон тушлар кўряпман», — деб ёзибди она. — Цируния бегоб. Арзакан отдан йиқилиб оёғини синдирди. Бобонгнинг аргувонини кесиб ташлашди. Том ёпилмаган. Ҳатто пулга ёпиб берадиган одам ҳам топилмайди. Ёшларни йўл қурилишига ҳайдаб кетишди. Чоллар бўлса, тўнғиллашиб, ҳатто ўз томларини ҳам ёпишмаяпти. Эртамас-индин ёғингарчилик бошланади. Цируния икковимиз минг азобда бир ботмонча ерга экин экдик. Жўхори пишди, яқинда ёғингарчилик бошланади. Мен бодман, Цируниянинг бўлса бели оғрийди. Жўхорини йиғиб ола бошлашди, ёмғир халақит бермаса кошки эди».

Кейин яна кўрган тушлари, қўни-қўшнилариининг йўллаган саломлари ва яна ёмғирнинг тинмай ёғаётгани ҳақида ёзибди.

Тараш кекса онасининг асаби ёмонлашиб бораётганини дастхатидан ҳис этарди. Шунингдек, бир гапни бир неча бор так-

порлаб. фикрини узуқ-юлуқ изҳор этиши ҳам кўнглини хижил қилди.

Безовталаниб хатни яна ўқиб чиқди ва шу замонок Окумига жўнашга қарор қилди. Кейин университетга топширган «Қадимий Қолхидада фетишизм» деган илмий ишини эслади. Шу ой охирида жавоб оладиган бўлса, онасини Тбилисига олиб келади.

Оқшом палла Тараш очиқ дераза ёнида узоқ ўтирди. Ботиб бораётган қуёш — «марҳумлар офтоби» Сатанжо қалъасининг жимжимадор минорасига, хурмо дарахтига чирмашган токдаги узумларга, қуриган нок тепасидаги пахмайган омега'га ёғду сочарди. Қуёшнинг сўнгги нурлари маккажўхорининг кумуш ранг попилтириқларида, заъфарон баргларини тўкаётган акас дарахтининг учларида ўйнади.

Кузак сокинлиги мевазор боғ ва маккажўхоризорни ўз ҳукмига олган эди. Фақат беором чивинларгина, жазаваси тутиб, тунни хуруж қилиб кутиб олмоқда эди.

Бу сокинлик Тарашнинг юрагига ором бахш этди.

Эшикнинг тақиллашидан чўчиб тушди.

— Кириңг!

Рўмол ўраган аёл кирди, бу Даша эди.

Мактуб олиб келибди.

Тамар билан Қаролина пеламушига² таклиф қилар ва хунук хабардан огоҳ қилардилар: «Кеча Лукая аймақи узум узиш учун дарахтга чиқди. Шу топда бирдан қуёнчиғи тутди-ю, йиқилиб тушиб, қовурғаси синди».

Тамар билан сўнгги учрашувдан кейин Тараш Шервашид-зеларниқига бормасликка қарор қилди. Бунинг устига унинг тез-тез бориб туриши Тариэлга эриш туюлаётганини Шардин унга етказди.

Тараш Дашага мужмал жавоб қилди.

— Шаҳарда ишим бор. Агар тез битирсам бориб қоларман,— деган жавобни аёлларга айтиб қўйишини буюрди.

«Борсаммикан?.. Бормасаммикан?..» деб ўйлай бошлади у Даша кетгандан кейин.

Қийинди, даҳлизгача чиқди-да, қайтди.

Шляпасини ечиб курсига қўйди-да, креслога ўтирди. Шундагина, у шу курсида кумуш нақшли ханжар ётганини кўрди.

Бундай қўшнилик уни ҳайратга солди. Париж шляпаси-ю, ханжар...

Беором ҳаётнинг рамзи эмасмикан бу? Ғалати хаёллар келади-я бошига!

Шляпани юлқиб олиб, уйдан чиқди.

Ҳовлида — тут ёнида тўхтади. Қараса: дарахт поясига бақа ўрмалаб чиқаётир.

¹ Омега — меваси оқ ва заҳарли бўлиб, доим кўм-кўк турадиган бута,

² Пеламуши — ун билан винодан тайёрланган бўтқа,

Рўмолчасиши чўнтагидан чиқариб, рўмолча билан бақани ушлаб дарахтдан олди. Асира ҳайрон бўлиб, унинг кўзига тикилади.

— Ҳа-а, кечаси билан уйқумни ҳаром қилаётган сен экансан-да, азизим! Боқишларинг бунчалар оқилона, инсон боқишларига ўхшамаса бунча.

Бақа киприксиз кўзларини ола-кула қилди. Ҳайрат билан боқди.

«Қимсан ўзинг?»— деб сўраётгандек гўё.

«Йўқ, мен эмас, ўзинг ким?»— фикран сўрайди ундан Тараш. Кейин бақани тўнтарди.

Қорни оқ. Тумшуги-чи? Бунақа тўмтоқ тумшуқ одамларда кўп учрайди.

Панжалари-чи? Панжалари — худди инсон қўли дейсиз. Шу панжалар ёрдамида дарахтга тармашади. Урмалайди ва тонггача тиним билмай қуриллайди...

Дарвоза ғижирлади.

Уй бекаси, ўрта яшар Хварамзе ҳовлидан ўтиб боради. Аёл эски соябонини судраб, оҳ-воҳ қилиб, судралиб келаётир.

У исполкомдан қайтпти.

Шу топда у, Тараш қаршисида тўхтаб, юзинчи бор аламини сочиб, исполкомни, молия инспекторини, райкомни қарғишлади.

— Дўконларимни олиб қўйишди, лоақал бирон бир тегирмон қолдиришмади ўзимга! Бу худодан қайтганлар на черковни, на векселни, на васиқани тан олишади. Менга бир ариза ёзиб бер, зора тегирмонимни қайтариб беришса...

Тараш жавоб бермади. Рўмолчани очди, Хварамзе не кўзи билан кўрсинки — бақа! Тараш уни авайлабгина кўкатга қўйди! Хварамзе кўрган кўзларига ишонмайди.

«Шундай ажойиб йигит, савдойи бўлиб қолибди»,— деган фикр келади миясига. Хварамзе кўкат устида ирғишлаётган бақани ҳайрон бўлиб кузатди, кейин, соябонига таяниб, индамай уйи томон йўл олди.

«Наслида бор бу дард!»— деб ўйлайди у Эрамхут Эмхварини эсларкан.

Шервашидзелар қўрғонига етгач, Тараш чеккадаги сўқмоқ билан Лукаянинг кулбасига етиб олди. У итларни безовта қилишдан чўчирди. Итлар хура бошласа борми, Таризэл албатта деразадан қарайди.

Кулбада бурилгани имкон йўқ эди.

Каролина ўчоқ ёнида қуюқ узум шарбати ҳозирларди. Қипқизариб кетган Даша, худди шу ерда тиз чўкиб олиб, сут жўхорини қўрга кўмаётган эди...

Тамар Лукая тўшаги ёнида унинг компрессини алмаштирарди. Тарашни кўриши билан ранги ўзгариб кетди. (Хонадаги ғира-шира ёруғда Тараш бу ўзгаришни сезмади.)

Бу учрашув Тарашни ҳам ҳаяжонга солган эди, юраги бирдан дук-дук уриб кетди.

Қизнинг ёйилиб кетган сочларига бир қараб олди-да, шошиб юзини ўгирди, қўлини беихтиёр Лукаянинг пешанасига қўйди. Чол каттакон ёстиққа бош қўйиб ётарди; у шу қадар ориқлаб кетган эдики, худди жонсиздек вуринарди.

Тарашнинг келишини гўё у машҳур врачдек, сабрсизлик билан кутарди.

Унинг овозини эшитиб, Лукая ҳам кўзини очди. Унинг ғалати боқиши Тарашни ҳайрон қолдирди. Кўзлари чи... Кўзлари бояги совуқ, сирпанчиқ бақанинг кўзига ўхшарди. Унда худди боягидек: «Кимсан ўзинг?»— деган саволни ўқиди Тараш.

Гўра узум тусидаги бу кичкина кўзларни, умри бино бўлиб, биринчи бор кўраётгандай, индамай тикилиб турарди Тараш...

— Аҳволинг қалай, Лукая?

— Қайтиб келдим, кечадан бери олов бўлиб ёняпман... Тегма, қорда олов ёняпти, қўлингни ол... Узум ўзи тўкилади... Онам икковимиз бугун Илорига жўнаймиз.

— Илорида нима қиласан?

— Нима қилардим? Илорида ётаман... Улар келишади. Кўшиқ куйлашади, устимдан ҳатлашади. Подалар қайтпти... Тўзон кўтарилляпти.

Тараш Тамарга ўгирилди.

— Алаҳлаяпти, безгакми дейман?

— Иссиғи баланд. Безгакми-йўқми, билмайман.

Гапга Каролина аралашди.

— Херис, мияси чайқалиб, лат еган, ўтиб кетади, деяпти.

Лекин барибир, эртами-кечми, бу яхшиликка олиб бормади...

— Қанча баланддан йиқилди?— деб сўради Тараш.

— Уч метр келар-келмас. Лекин унинг мияси учун шу ҳам етиб ортади,— деди оҳиста Каролина узум шарбатини аралаштираркан.

Лукая яна кўзини очиб, Тарашга бақрайиб қолди.

— Сен кимсан, шуригэ?

Тараш жавоб бермади. Чолнинг қоқ суяк қўлларини кўрпа тагидан чиқариб, пульсини санамоқчи бўлди.

Лукая ҳамон алаҳларди.

Унинг нима деяётганига Тарашдан бўлак ҳеч ким парво қилмас эди: унинг алаҳлашига кўникиб қолган бўлсалар керак.

Даша оловга яқин жойга курси қўйди. Курси устида оғзи жўхори барги тиқиб беркитилган кўза, қўрга кўмилган жўхори, қовоқ янги қоқилган ёнғоқ ва пеламуша.

Каролина енгил-елпи тайёрланган дастурхон учун кечирим сўрарди.

— Бу ишларимиздан Таризел бобо хабардор бўлмаса эди, деб қўрқдик,— дея сирни очди Каролина Тарашни тўнкага ўтқазар экан. У Дашага яна олов ёқишни буюрди.

Даша чўққайиб оловни олдириб юбориш учун анчагача пуфлади. Олов ловиллаб ёниб, кулбани ёритди.

Тараш аланглаб қаради. Деворга тираб маккажўхори уйиб қўйилган эди. Қовоқлар орасида, гоҳ унда, гоҳ бунда жўхори топилтириғи оқариб кўринарди. Деворга осилган боғ-боғ чобра, ёввойи чўчқа юнгига ўхшаб тиккайиб кўринарди.

Токчаларга катталиғи қўл тегирмондай келадиган замбуруғлар уйиб ташланганди. Бунда қўзиқориннинг деярли ҳамма тури бор эди: оқ қўзиқорин дейсизми, опенки дейсизми, заҳарли замбуруғ дейсизми, поддубкино, волнушка, мойчил сариғ замбуруғ дейсизми... лекин Лукаянинг ўзига ўхшаб кетадиган замбуруғ жуда кўп.

— Шунини билиб қўйинглarki, пеламушини ўзим тайёрлаганман,— деди Қаролина Тарашга бир товоқ таом узатаркан. Узумни Лукая узди. Лекин бу бахтсизлик рўй бергач биз Дашани оёғини ювиб, узум эзишга мажбур қилдик.

Тамар кўзадан Тарашга янги солинган май қўйиб берди.

— Бунини оддий май деб ўйлама, бобокалонлар эккан узумдан,— деди у.— Дадамнинг айтишича, шу узумнинг кўчатини Мегрелияга Эмхварилар келтиришганмиш. Бечора Лукая Қац Звамбаяга ёлвориб, шу узум кўчатидан бир тупини Окумидаги боғдан ўғирлаб келтирган. Кейин ҳеч кимни бу ток ёнига йўлатмаган. Қаролина икковимиз дарахтга чиқма, деб қанча ялиниб-ёлворсак ҳам кўнмади — ўзи дарахтга чиқиб кетди. Мана, оқибати нима бўлди — сал бўлмаса, ҳалок бўлаёзди.

Тараш стаканни бўшатди. Тамар яна қўйди.

Каттакон чала гўла ловиллаб ёниб кетди. Ўтин пишиллаб ёниб, бу учида кўпик пайдо бўлди.

Қаролина мийиғида кулиб, жўхори кавшарди.

— Нега куляпсиз?— сўради Тараш.

— Неча вақтлардан бери Абхазияда яшайман-ку, шу чоққача жўхори еб кўрмабман.

— Нега?

— Безгакдан қўрқиб.

— Безгак шунчалар хатарлими?

— Сизлар жуда пишиб кетгансизлар, биз европаликлар бўлсак дарҳол юқтириб оламиз.

— Биз ҳам кўп азобини тортганмиз. Лекин бир вақтлар безгак бизни душмандан сақлаган,— жавоб қилди Тараш.

Кейин у токчаларга ўгирилиб, уйиб ташланган қўзиқоринларни кўздан кечирди.

— Қизиқ, шунча қўзиқориннинг Лукаяга нима кераги бор экан? Наҳотки еса шуларни?

— Ўзим ҳам ҳайронман. Заҳарлилари ҳам бор-ку орасида.

Лукаяни ким билсин?.. Қўзиқоринларнинг бир турини еса, бошқа турини дори-дармонга ишлатади... Лукая билан Зосима илонни ўрмондан чақириб олиб, қўйинларига тиқиб юришади дейишади.

Илон ейишса ҳам ажаб эмас. Умуман, бу иккови тўғрисида шунчалар турли-туман гап юрадики, қайсиси рости, қайсиси ёлғон билиб бўлмайди.

Дашага ҳам май қуйиб беришди.

— Мен Эрехели ва Мерехели...— ингичка, мунгли овоз билан куйларди Лукая. Кейин яна алаҳлай бошлади:

— Ҳой. Зосима! Нега илоннинг бошини мажақладинг?.. Узиб олма, бақириб юборади... Худо қувват берсин! Худо қувват берсин!!

Тамар ўрнидан туриб, компрессни янилади.

— Кимсан?— сўради Лукая Тамардан. Таниб қолиб, қўлини маҳкам ушлади ва ўпа бошлади.

— Мана шу қўллар тобутим устига тупроқ ташлаши керак.

Тамар, овқат ейсизми, деб сўради. Лукая юзини буриштириб, деворга ўгирилиб олди.

— Мана бу шўрлик Лукаянинг саломатлиги учун!

Тараш қадаҳни сипқарди. Тамар қадаҳни яна тўлдиргач, Тараш уни Каролина ёнига қўйди. Каролина бир неча бор ҳўплаб Тамарга узатди. Тамар лабини ҳўллаб, Дашага берди. Даша қадаҳни бўшатди.

— Азрўйи азалдан шу — бир эркак уч аёлга тенг келади,— деб ҳазиллашди Тараш.

— У пайтлар ўтиб кетди! Энди бир аёл бир эркакка тенг келади, лекин ўтиб кетиши ҳам мумкин.

Тараш тортишиб ўтирмади.

— Эртага Тамарни Тбилисига олиб кетяпман, хабарингиз борми шундан?— деди Каролина.

— Нега?

— Медицина институтига ўқишга кирапти.

— Аёл кишига институтнинг нима кераги бор? Ундан кўра эрга тегиб, қатор-қатор бола туғсин.

Аччиғланганидан Каролина жўхори кавшашдан тўхтади.

— Сизданки шунақа гаплар чиқса, чидаб туролмайман. Хафа бўлмангу, лекин шунга айтиб қўймоқчиман. Сизнинг аёллар ҳақидаги мулоҳазангиз Таризел бобонинг афоризмларига ўхшайди.

Тараш жилмайиб, майдан ҳўплади.

— Сиз Тбилисига нега боряпсиз?

— Татияни врачларга кўрсатиш керак. Кўк йўталдан кейин томоғидаги безлар огрийдиган бўлиб қолган. Бу ернинг врачлари тайнлироқ бир нима дейишолмайди.

— Арзакан ҳам бормоқчи эди, лекин негадир кўринмайди,— қўшиб қўйди Тамар.

Арзаканнинг оёғи чиққанидан Тараш хабардор эди.

Лекин ҳеч нима демади, индамай қадаҳни бўшатди.

Тамар яна тўлдирди.

— Сафаримиз учун!— деди Тараш ва бир қатра ҳам қолдирмай сипқарди.

— Бундан чиқди, сиз ҳам бораркансиз-да?— сўради Каролина.

— Ҳа, бораман,— жавоб қилди Тараш ва еб бўлган жўхори: сўтасини оловга ташлади.

Учоқда олов бир меъёрда гувилларди. Қарағайнинг қуруқ шохлари чирсиллар, шумтол ғўлалари ловиллар ҳамда аланга тирик жонни ёндираётгандек аянчли читилларди. Синдирилган шохдан сув аралаш кўпик силқирди.

Лукаянинг кулбаси теграсини қоронгилик қуршаган, шамоллаган қўтос сингари ел гувилларди.

ҲИССИЁТ-ЛА ТУЛИҚ САФАР

(Колхида водийсидан Триалет тепаликларигача)

Аждодларни мамнуният билан хотирлаб, уларнинг фаолиятлари, улугворликлари ҳақида муҳожирга қувонч билан ҳикоя қилган ва шу ажойиб занжирнинг сўнгги ҳалқаси эканлигини ҳис этишдан яширин лаззат туйган ҳар бир кимса бахтиёрдир.

Гёте. «Ифигения».

Узингизни ўзингиз бебахт этасиз,

Стерн. «Ҳиссиёт-ла тўлиқ сафар».

Очамчир поезди Зугдидидан эрта билан соат еттида жўнардди. Аввал Сухумига бориб, у ердан денгиз билан Потига боришга қарор қилишди. Негаки Каролина Сухумида дўстлари билан учрашмоқчи эди.

— Оббо, ишимиз унмайдиган бўлди!— ҳазиллашиб гап қотди Тамар перронда Шардин Алшибаянинг турганини кўриб. Каттакон гулдаста кўтариб олган муаллим олазарак бўлиб аллакимни йўларди.

Унинг эгнида тамаки тусидаги пиджак, жигар ранг жилет ва тугмаланадиган сариқ қўнжга тиқиб қўйилган катак шим. Бошида плантаторлар киядиган шляпа. Бу либосига қўшимча бўлган катта гулдаста Шардинга опера қаҳрамони тусини берарди.

Аммо гуллар жудаям чиройлилигидан аёлларнинг кўзи ўйнардди.

— Доктор Қилосанианинг хотини Тбилисига кетаётган кўринадди,— деб шивирлади Каролина.

Қилосанианинг хотини Тбилисига отланди дегунча, Шардин Алшибая ҳар доим отпусқа олиб, гуллар, тармевалар ва турли емишлар ортиб, юрагининг маликаси бўлмиш хонимни кузатиб боришини бутун Зугдиди биларди.

Поезднинг жўнашига уч минут қолган эди. Каролина билан Тамар бетоле жазманнинг перронда ҳовлиқиб гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга елиб-югуришини қизиқиб томоша қилишарди.

Ниҳоят, поезд ўрнидан қўзғалди. Шардин ҳаллослаганича вагонга аранг чиқиб олди.

Тариэл Шервашидзенинг қизи билан келини шу вагонда кетаётганидан дарак топган Шардин улар ёнига келмасликнинг иложини қилолмади. Каролинанинг ўткир тили, бундай эътиборсизлик учун, омон қўймаслигини биларди.

Шардин купега дили сиеҳ қиёфада кириб келди.

— Шўрим қуриди!— деди у Тарашга.— Мактабимиз планини поезд жўнашига етказиб келтиришмоқчи эди, кечикиб қолишди шекилли.

Тараш унга ачингандек қараб қўйди.

Каролина Тарашга бир қараб қўйди. Шардиннинг қандай режалари пучга чиққанини у биларди.

Муаллим бирдан ўз кунесига отилди ва гулларни келтириб аёлларга тақдим қилди.

Поезд Ингур устидаги кўприкдан ўтиб борарди. Дераза ёнида ўтирган Тараш Сатанжо қалъасига хаёлчан тикилди.

Шардин аёлларни зериктирмай ўтирарди.

— Сатанжо дегани италян сўзидан олинган бўлиб, Сант-Анжело дегани эканлигини биласизларми?

— Ҳа, уни венецианлар қуришган, деб эшитган эдим,— тасдиқлади Каролина.

Дераза ортида чинор ва пальма ўрмонлари, қамишзор ботқоқликлар лип-лип ўтиб турарди.

Қўтослар подаси ботқоқда ётарди.

Улар бошларини эринчоқлик билан ўгириб, поездни ювошигина кузатиб қолишарди.

Шардин Очамчирни Тбилиси билан боғловчи темир йўл тармоғи ҳақида гап очиб, цивилизация ютуқларини кўкларга кўтариб мақтарди.

У купедан чиқиб кетиши билан аёллар дарҳол унинг ошиқона саргузаштларини Тарашга сўзлай кетдилар.

Каролина бу ҳақдаги янги ғийбатларни энди сўзлаб бермоқчи бўлиб туриб эди, эшик очилиб, бир қучоқ коньяк ва бенедиктин кўтариб Шардин кириб келди. Унинг орқасида провонник қовурилган товуқ, хачапуре ва мева кўтариб келарди.

Дастурхон ёзгач, Шардин ярим ҳазил-ярим чин тамадалик вазифасини ўтай бошлади. Бунда ҳозир бўлганлар саломатлиги учун навбатма-навбат ичиб бўлгач, у ватанпарварлик мавзуга ўтди. Колхида учун алоҳида қадаҳ кўтарди.

— Бизнинг давримизда Феникс сингари қайта бунёд бўлган қадимий Колхида яшасин!— деб эълон этди у.

Бу ерларни Колхида водийси деб атаган коммунистларни мақтади.

— Колхида тирилиши керак. Колхида далалари ва ўрмонларининг ўтмишдаги сероблиги камаймасин!

Колхида — грек адиблари тарафидан неча-неча бор мадҳ этилган марҳаматли диёр,— гап сотарди анчагина ичиб кайфи

ошиб қолган тамада.— Қимлар бўлмаган дейсиз бу ерда! Бу осмону фалак, бу денгиз, бу ўрмонлар, заминимиз бойлиги, қўшиқларимиз, жасоратимиз кимларни мафтун этмаган дейсиз! Фрикс олтин билан қочиб келган бунга ва Сракулнинг буйруғи билан уни Арей меҳробига тақдим этган.

Шуларни сўзларкан, Шардин, «Агар хато кетсам тузатарсан» дегандек, Тараш Эмхварининг кўзига шогирд каби қараб қўярди.

Каролина ўзини ҳеч нима билмасликка солди (у, билими билан мақтанувчи Шардинни мазах қилишни яхши кўрарди).

— Фрикс деганингиз ким ўзи?— сўради у Алшибая берган хачапурини Тamar билан бўлишиб оларкан.

— Фриксми? У беотий подшоҳининг ўғли бўлган, шунақамиди? (У Тарашга қараб олди.)

— У Колхидага қаёқдан келиб қолди?

— Угай онасидан қочиб келган, шундай эди чоғи?

Товуқ оёғини тозалаётган Тараш бош ирғаб қўя қолди.

Татиянинг саломатлиги учун бир стакан коньякни сипқорган Шардин давом этди:

— Фрикс синглиси Гелла билан Эллададан қочган. Улар ҳозирги Дарданеллдан ўтишаётганда Гелла денгизга йиқилиб чўкиб кетган...

Шардин бир дақиқа ҳикоя қилишдан тўхтади.

— Бу товуқ бугун эрта билан сўйилган,— деди Тamarга.— Бамайлихотир еяверинг.

Кейин тарихга экскурсни давом этди.

— Оракул Колхида шоҳи Аэтга: «Бегона юртдан келганлар олтинни ўгирлашганда, ўзингни ўлдирасан» деган. Шунақами?

Тараш яна бош ирғитди.

— Шундай қилиб, Аэт шоҳ Колхидадаги барча чет элликларни қириб ташлашни буюрди. Ушанда греклар ажойиб афсона тўқишди. Бу афсонага кўра, шоҳ Арейнинг қурбонгоҳига олов пурковчи буқаларни боғлабди. Олтин рунони эса аждаҳо кўриқлар экан. Шундайми?

Тараш Шардиннинг бу сўзларини ҳам тасдиқлади.

Кўнгли беҳузур бўлаётганини ҳис қилган Шардин йўлакка чиқиб кетиб, анчагача йўқ бўлиб кетди.

У чиқиб кетгач, купега сокинлик чўмди.

Каролина одатдан ташқари жим ўтирарди.

— Нега хомуш бўлиб қолдингиз?— сўради Тараш.

— Қизлик чоғларимни эсладим: қоронғи хонада ётаркансан, узоқ-узоқлардан паровознинг чинқириги эшитилади... Бутун вужудингга титроқ югуради-да, шу поездга ўтириб, жаҳаннамга бўлса ҳам кетиб қолгинг келади...

Каролина жим бўлиб қолиб, деразага ўгирилди.

У томондан бир метёردаги гувиллаш эшитилди. Очамчир шоссесида бир неча роллер¹ йўл текисларди.

¹ Роллер — аравача.

Қаҳрамонларимиз Очамчирда машинага ўтиришга мажбур бўлишди.

Шу заҳоти Шардин пайдо бўлиб, шофернинг ёнига ўтириб олди.

«Ёнимизга ўтирса эзма-чуруклик қилиб жонимиздан тўйдирарди»,— дея ўзича Каролина мамнун эди.

Шоссенинг баъзи ерлари денгиз ёқалаб ўтади. Унг тарафда тепаликлар узра мегрелларнинг уйи қатор тизилган. Шимолда, уфқда, бахмал тоғлар мудрайди. Тераклар, магнолиялар, мандаринзорлар ва лаврзорлар лип-лип ўтиб туради. Аравалар эринибгина судралади.

Йўлда бир гуруҳ отлиқлар кўринди. Эркаклар аёллардан олдинда боришарди.

— Абхазлар тўйга кетишяпти,— дейди орқасига ўгирилиб Шардин Алшибая.

Отлиқлар шосседан бурилишди. Қишлоққа олиб борадиган сўқмоққа чиқиб олгач, тўппончалардан ўқ узишиб, тепаликдаги уй томон от қўйиб кетишди. Зинапоядан, меҳмонларни қаршилаб, ял-ял ёниб, ясан-тусан аёллар тушиб келмоқда эди...

Бирдан Тамар безовталана бошлади: денгизда танҳо пароход кўринди. Пароходдан чиқаётган тутун буралиб-буралиб булутларгача кўтарилар ва шу ҳаво ранг корабль узундан-узун арқон билан осмонга илиб қўйилгандек бўлиб кўринарди.

Тамар ҳеч қачон пароходга тушмаганини тан олди.

— Нега бундай? Ахир денгиз яқинида туғилгансан-ку,— деди ҳайрон бўлиб Каролина.

— Ростдан ҳам жуда қизик,— қўшимча қилди Тараш,— лекин шуниси ҳам борки, бизнинг халқимиз денгизни суймайди. Грузин қабилалари ичида лазларгина бундан мустасно.

Менимча, кавказликлар, умуман, сувни севмайди. Диний эътиқодлар туфайли шундай бўлса керак. Улар сувни инс-жинслар макони деб билишади.

Фарбда сафар қиларкансан, дарё, кўл ва денгиз соҳиллари чўмилаётганлар билан бижиб кетганини кўрасан. Хевсурлар билан сванларда бўлса, фақат мурданигина чўмилтирадилар. Тўппонча отилганга ўхшаш тасир-тусур эшитилди.

Тамар чўчиб тушди.

Машина тўхтади. Улар Келасур қалъаси ёнида эдилар.

Шофер қопқоқни очди. Шардин болалардай қизиқиб моторни томоша қила бошлади.

«Лаънати, молнинг ичак-човоғига ўхшайди-я!»— хаёлидан ўтказди у, лекин овозини чиқариб гапирмади.

Йўловчилар ерга тушишди. Шофер машинани чеккага чиқариб қўйди-да, тирсакка ўхшаш банд билан, безгакдек қалтираётган моторни юргизишга урнай бошлади.

Тараш аёлларни қўлтиқлаб олди.

Нақ соҳил чеккасидан баҳайбат девор бошланарди. Печак гуллар тагида калтакесақлар югургилаб юарди.

— Буюк абхаз девори бу,— деди Тараш.— Бу девор Сатан-жогача, юз километрча чўзилиб кетган. Бир вақтлар Келасурида Грузия билан Грециянинг чегараси бўлган.

— Тамар икковимиз бу ердан неча-неча бор ўтганмиз, лекин қанақа ерлигини билмаганмиз,— деди Каролина.— Херипс бунақа нарсалар билан қизиқмайди. Ўтмиш ҳақида ҳеч қаерда сиздагича кам билишмайди. Лекин бу ерларнинг ҳар бир қоясида тарих тамғаси бор.

Бир оз ўйланиб тургач, Каролина қўшиб қўйди:

— Халқингиз тарихдан безор бўлган чоғи.

Денгиз билинар-билинмас жимирларди. Сув енгил мавжланиб, ўрилмаган ўтлоқ бетини шамол силаб ўтаётгандай, тўлқинларни яларди. Тўлқин қирғоққа урилганда пайдо бўлган тўлқин оқ тўри-ла кўм-кўк денгизни ҳошияларди. Тўлқинлар эса, гўё ташна бўлгандай, қалъанинг мох босган деворларини яларди.

Тараш Тамарга қаради. Қизнинг денгизга қадалган кўзи ҳар вақтдагидан ҳам кўкроқ кўриниб кетди.

— Окумилиқ Шервашидзе.ларнинг саройи ҳам бўларди бунда,— деди Тараш қизга.— Ҳув анави қорақатлар кўкарган ерда вайроналари кўриниб турибди...

Шардиннинг овози эшитилди.

— Машина тирилди!— деб қичқирарди у ғолибона.

Ёнларидан лип-лип ўтиб турган денгиздан, осмондан, магнолия ва мандаринларнинг зумраддай жилваланишидан абадий баҳор иси уфурарди. Баъзан саргайган япроқлари шиттирлаётган чинорлар кўза ташланарди. Япроқлар ичидаги бу хил заъфарон доғлар сокин кузак маъюслигини туғдирарди.

Сухуми Тарашга жуда ўзгариб кетгандай бўлиб кўринди.

«Грузия» пароходи роппа-роса тушда Потига жўнаб кетарди. Оқ чорлоқлар порт устида бақир-чақир қилиб учиб юришарди. Кун қизиб кетган эди. Ҳаво оғир, дим эди.

Тараш ҳузур қилиб, денгиз ҳавосидан нафас оларди.

Адриатика, Ўртаер денгизи, узоқ рейслар ёдига тушди.

«Денгиз касаллигига мубтало бўлмаган кимсаки бор, денгиз исидан лаззатланади, корабль қорасини кўрганда ҳаяжонланади.

Денгиз иси, корабль...

Инсон қалбида қандай шодлик туғдиради улар!

Пароход, бир жойдан иккинчи жойга олиб борадиган воситаларнинг бирон турига ўхшамайди. Унга қараб турсанг, болалигингда қоғоздан ясаган пароходларинг ёдингга тушади.

Биринчи денгиз сайёҳи болаликнинг мана шу ишқибозлиги, шўхлигининг мубталоси бўлган бўлса керак».

Тараш Эмхварининг миясини шундай фикрлар чулғаган эди. Сафарнинг қисқа бўлиши уни ранжитарди. Денгизда сузган чоқ-

ларда қисқичбақалар еб, қалампирланган коньяк ичишни, «Одиссея»ни ёддан ўқишни яхши кўрарди у.

Пароход Сухумидан чиқиши биланоқ ҳаво бирдан ўзгарди. Булутлар қорайди. Осмон эса... Колхида ботқоқликларида йиғилиб қоладиган ёмғир суви тусини олди... Яшил, ям-яшил тусга кирди. Ундан ҳам кўра кўпроқ бақа тусига кирган эди.

Кейин гарб тарафда булутдан бунёд бўлган қалъа бирдан қулади.

Қоп-қора булутлар пода-пода бўлиб ўта бошлади ва да-рахтга ўрмалаган бақа тусини ёпиб кетди.

Тараш Эмхвари рангларнинг товланишини болалардай завқланиб томоша қилиб турарди палубада. Пароход гуриллаб, орқасида сутдай оқиш жўяк қолдириб илгарилаб борарди.

Сув ойнаси қаттиқроқ чайқалди.

«Понт Евксинский денгизи нақадар маккор!»

Мачталар мунгли ғижирларди.

Тараш денгиздаги тўсатдан бўладиган бундай ўзгаришларни яхши кўрарди.

Посейдон ерости подшоҳлигидан чиқиб, гоҳ ўннга, гоҳ сўлга савалай кетади. Қарабсизки, даштдай очиқ денгиз сатҳида пойга бошланибди.

Ўкириб, ҳайқириб югуради тўлқинлар.

Баланд отилади тўлқинлар.

Кейин пароход палубага кўтарилиб, олатасир бошлаб юборади тўлқинлар.

Бу гал ҳам худди шундай бўлди.

Тарашнинг бетига сув сачрарди. У аста-секин кийими ҳўл бўлаётганини ҳис этарди-ю, «бекордан бекор» қутуриб кетган денгизга тикилганича турарди...

Тараш ҳамроҳлари борлигини эслаб, каютага тушди. Бу ерда у шундай манзара устидан чиқди:

Тамар мукка тушиб инграб ётарди. Татия йиғларди. Каролина ёнбошлаганича, қизи тепасида энгашган эди.

Каюта ажина ва шайтонлар билан тўлган уйдек ғижирлаб, тарақларди.

Иллюминатор орқали якор занжирининг жаранг-журунги эшитиларди, деворга ўрнатилган графин жингиллар, каютанинг ўрта ерида турган стол чайқалар, полкадаги чамадон ва шляпалар бирин-кетин полга тушарди. Тараш сув кираётган иллюминаторни маҳкам беркитди.

У довираб қолган эди: гоҳ Тамарга томчи дори келтирар, гоҳ Каролинани юпатар, гоҳ Татиянинг кўнглини оларди (қизалоқ денгиздаги чайқалишдан катталар зилзиладан қўрққандай, ваҳимага тушган эди).

Иўлакка чиққан Тараш узала тушиб ётган Шардинга рўпара келди. Унинг ўзи ҳам, ёнида думалаб ётган плантаторлик шляпаси ҳам аянчли эди.

Лекин ҳамма нарсанинг охири бор. Олатасир тинди. Йир-

тилган буркадан мўралагандай бўлиб қуёш кўринди. Потигача бир неча миль қолган эди.

Шаҳар қораси кўринганда, Тараш аёлларни палубага олиб чиқди.

— Поти атрофидаги анави қора тасмани кўряпсизларми? Шуларнинг ҳаммаси ботқоқлик, ўтиб бўлмас чангалзор — чивиллар колонияси.

Ботқоқликлар бир неча ўн минг гектарга чўзилган. Ким билади. Аёт шоҳ Язонни худди шу ерда, олов пуркайдиган хўкизлар билан ер ҳайдашга, аждаҳо тиши билан уруғ экишга мажбур этгандир балки? Бу жойларда бир неча бор ов қилганман. Мальт ва Марокко ботқоқликларини бу ер билан таққослаб бўлмайди.

Денгизга туртиб кирган ҳув анави бурунда торф ачиб-бижиб ётибди. Дарахтлар тагида эса — сув, денгиз суви.

Яқинда биз, бир неча киши бўлиб, шу ўрмонда ов қилдик. Ёрталаб сокин эди, соат ўнларга бориб бирдан бўрон кўтарилди. Икки соат мобайнида Потини ва унинг теварак-атрофини денгиз суви босди, биз турган ўрмонгача етиб келди. Таърифлаб бўлмайдиган нарсалар юз берди. Мана шу зиркзорларда ҳали ҳануз кийиклар бор. Сув босиб кедавергач, чўчиб, ҳаммаси бир тепаликка чиқиб олибди денг. Кийиклар орасида битта оппоғи ҳам бор экан.

— Оппоқ кийик ҳам бўларканми?— сўради Каролина.

— Камдан-кам бўлса ҳам, учраб туради. Бу табиатнинг нодир коллекцияси. Лекин у мен кўрган кийик пахтадек оппоқ эди. Ана шу ажойиб жониворнинг юзимга суйкангани ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Умрим бино бўлиб шундай гўзал жониворни қучган эмасман... Жониворнинг қалтираганини билсангиз эди! Кийикдан кўра ҳимматли жонивор бўлмаса керак. Кўзлари-чи... Шундай ювош, мулойимки... Ювошликнинг асл тимсоли эди.

— Шундай жониворни отгани уялмайсизларми?— деди Тамар.

— Шу кундан бошлаб кийик овига чиқмай қўйдим,— жавоб қилди Тараш.— Бу жониворнинг қандай жон берганини кўрсангиз эди! Бола сингари йиғлайди, кўз ёш тўқади. Кейин: «Нима учун отдинг мени?» деб таъна қилаётгандек, катта очилган кўзлари билан сенга тикилади.

Соҳилда гулдураган портлаш эшитилди.

Тамар билан Каролина чўчиб тушди.

— Ботқоқликка ҳар тарафдан экскаваторлар ҳужум қиляпти. Неча ўн минглаб одамлар ботқоқлик билан курашга отландилар, водийнинг ҳамма томонида зовурлар қазилди. Ботқоқни қуритиб, чангалзорларни кесиб ташлашади.

Потида офтоб чарақлаб турган бир чоқда, йирик ўмғир ҳам савалаб турарди. «Бўри болалаяпти» деганлари рўй берган эди.

Файтон проспект бўйлаб эринчоқлик билан судралади.

— Бунақа пальмалар яна фақат Малаккада ўсади,— дейди Тараш.— Халқобларга қаранглар, яшил тош тусида. Худди Тамарнинг кўзига ўхшаб кетади.

Шардин Алшибая типирчиларди, янги экилган мандарин ва грейпфрут кўчатларига аланглаб қарарди.

— Шундай серҳосил жойларда ҳамма ерни арзон мевалар ағалласа алам қилмайдими,— ғазабланарди у — Лола дарахти, итальян смаковничаси, япон мушмуласи, гуттаперча дарахтининг яхши ўсганини қаранг.

Файтон чайқаларди. Каролина Шардиннинг денгиз чайқаллиши чоғида расвоси чиққан шляпаси ва костюмига қараб, готиб-қотиб куларди.

— Эвкалипт... камфара дарахти, хина, хина,— дарахтларни санарди Шардин файтонда чайқалиб ўтираркан.

Ёмғирдан кейин мана шу ўсамликларнинг ҳаммасидан ёқимсиз ҳид тараларди. Ҳаммом бассейнонасининг туриб қолган суви ва мағор иси келарди... Уўлар деворини қоплаган яшил мох кўзга ташланарди.

— Аэт шоҳи даврида бу ерларда гуллаб-яшнаган Фазис, Геракле, ва Диоскурий шаҳарлари бўлган,— эслади Тараш,— Страбоннинг ҳисобича, Рионида бир юз қирқ кўприк бўлган.

Шардин Алшибая ҳам хотираларга берилди.

— Йигирма йил муқаддам, биринчи май куни, мана шу ўтлоқда тўп ўйнаганмиз,— деди у файтон Колхидстройнинг тажриба станцияси ёнидан ўтиб кетаётганида.

— Тажриба станцияси Шардиннинг ёшини очиб қўйди,— шивирлади Каролина Тарашга.

Тараш билан Шардин янги кўчатзорни кўриш учун файтонни тўхтатишмоқчи эди, лекин Каролина кўнмади. У Татияни аярди, «чивинлар пойтахтидан» тезроқ чиқиб кетишга шошиларди у.

Чивинлар ҳукмронлигига чек қўйилган, бу «қонхўр»ни Палестом кўли томон сиқиб қўйишган, дея ишонтиришга Шардин ҳарчанд уринмасин, бефойда эди.

Каролина сўзида маҳкам туриб олди. «Бундай шаҳарда чивин қақишидан сақлайдиган тўр тутиб юриш керак»,— дерди у.

Вагонга чиққанларидан кейингина Каролинанинг кўнгли тишчиди.

Татия деразадан қараб ўтираман, деб инжиқлик қила бошлади; лекин поезд Потидан чиқиб кетмагунча, ҳеч ким деразани очмади.

Шардин ғойиб бўлди. Шардин улар тушган вагонга билет ололмаганидан аёллар хурсанд эди. У ўзига муносиб шериклар топиб, ресторанга кириб кетган эди.

Поезд Техури дарёси устидаги кўприкдан ўтиб борарди. Сув Абаш кўпригининг темир устунларига жон-жаҳди билан келиб уриларди.

— Бу ердаги дарёлар бирданига, кутилмаганда тошади,— деди Тараш.— Арабларнинг бош сардори Мирван Гаранг Абашдан кечиб ўтаётганда неча минглаб лашкари чўкиб кетган.

Тамар ўрнидан туриб, купедан чиқди.

Каролина билан сўзлашгани қизга ёқмаётганини Тараш сизди. Умуман, у, ўзини четга тортишга уринарди. Унинг чеҳрасига маъюслик кўланка ташлаганди.

Тараш ҳам йўлакка чиқиб, дераза ёнида тўхтади. Улар зиркорларни, панжарадор болохонали уйларни, мевазор боғларни томоша қилишарди.

Поезд чайқалар, Тамарнинг елкаси Тарашга тегиб кетарди.

Тараш манзарадан кўзини узиб, қизнинг чеҳрасига назар ташларди. Ўзига ҳам аён бўлмаган алам борган сайин намоён бўла бошлаган эди.

Тамар Тбилисига кетяпти. Тараш уни умрбод йўқотиб қўйиши мумкин. Қўлдан чиқиб кетаётган Тамар шу дақиқа унга ниҳоятда азиз ва дилбар кўриниб кетди! Каролинанинг бирга кетаётгани алам қилди унга.

У Тамарнинг белидан қучди. Одатга кўра қиз, унинг қўлидан чиқиб кетишини кутди. Лекин Тамар буни сезмагандай турарди. Поезд қаттиқ силтаниб кетганда Тамар, Тараш икковининг танаси бир-бирига маҳкам ёпишиб турганини ҳис қилди.

Каролина йўлакка чиқиб, улар ёнидан ўтиб кетди, кейин қайтиб купега кирди ва эшикни ёпиб қўйди.

Тамар Тараш ёнидан нарироққа сурилди.

Тараш аллақандай арзимаган нарсалар ҳақида ҳамон сўзларди. Аргонавтларнинг Колхидага келиши, Медеянинг Язон тарафидан ўғирланиши ҳақидаги афсонани ҳазил-мутойиба тарзида ҳикоя қиларди...

— Колхида бир вақтлар дарҳақиқат, Айа ороли бўлган,— дея тасдиқларди Тараш.

Кейин у, Аэт подшоҳ грекларни ичириб, маст қилиб қўйиб, бу орада «Аргос» кораблига ўт қўйиб юбориш ниятида Язон шарафига зиёфат берганини ҳикоя қилди. Лекин Афродита Аэтда Эврилитага нисбатан ҳирс уйғотиб, подшоҳнинг режаларини пучга чиқариб юборган.

Тамар бу ерлардан неча-неча бор ўтган бўлса-да, бу жойлар билан боғлиқ бўлган афсоналар ҳақида сира бош қотирмаган.

Ҳикояни маҳлиё бўлиб тингларкан у, Тараш яна белини қучганини пайқамай қолди.

Йўлакдан пассажирлар ўтиб турарди.

Тамар яна Тарашнинг қўлини нари сурди.

Поезд кичик бир станцияда тўхтади.

— Маккажўхори, маккажўхори!— деб қичқирарди болалар.

— Маймунжон, маймунжон!— деган аёллар овози эшитиларди.

Юмшоқ вагон рўпарасида, бир саватчани тўлдириб маймунжон кўтарган бола турарди. Хушбичим, қорачадан келган оёғи

тиканаклар билан тимдаланган эди. Похол шляпа бодом қовоқлари, кўзи, ингичка бурни, офтобда қорайган юзига соя ташлаб турарди.

Хушқад, келишган, чиройли бола шу туришида:

— Маймунжон! Маймунжон!— деб қичқирарди.

Мева керак бўлмаса ҳам Тараш унга бир сўм узатди.

Бола саватни узатди.

Тараш унинг пешанасини кўрмоқчи бўлди.

— Шляпангни ечгин-чи, бола,— деди Тараш мулойимгина қилиб болага.

Боланинг икки бети қип-қизариб кетди. У қизишиб кетди, лекин ҳеч нима демади, фақат қўй кўзлари ғазабли чақнади.

Поезд жойидан қўзғалди. Тараш деразадан болага уч сўмлик пул ташлади. Унга нима учун бунча кўп пул берганларини тушунмай, бола хижолат тортди. У пулга бақрайганича қараб қолди.

— Шляпасини ечса унга шу пулни бермас эдинг-а, шундайми?— сўради Тамар.

Тараш жилмайди. «Албатта, бермас эдим», деб жавоб қилди у боқишлари билан.

— Маккажўхори, маккажўхори!

— Узумдан олинг, узумдан!— қичқаришарди болалар поезд кетидан югуриб.

— Каролинадан хабар олиш керак,— ғўлдиради Тараш.

Лекин Тамар индамади. Тамар деразадан кўринган манзарани томоша қилмоқда эди.

Поезд Ажамет ўрмонларига кириб бормоқда эди.

Сарғайган эманзор офтоб шуълаларида мудрарди...

Халқаро вагон проводниги кўринди. Тараш шивирлаб купени очиб беришни сўради.

Кейин Тамарни қўлтиқлаб, купесига бошлаб кетди.

Қиз, купега берилган қизил ёғоч қопламани, юмшоқ креслони, ярқираган ойна ва шкафни қизиқиб кузатарди.

Тамар ойнани яхши кўрарди, хонасининг ҳамма деворларини ойнаванд қилишни орзу қиларди.

«Шахсан ўзингнинг мана шундай купейинг бўлса-да, шу купеда бутун дунёни айланиб чиқсанг!»— ўйлади у.

Тараш проводникни излаб кетди.

Тамар ойна қаршисида туриб, сочини тузатди, ўзини маҳлиё бўлиб томоша қилди. Сумкасини очиб лаб бўёғини олди, Тараш бир неча бор унга: «Лабингни бўяма, грузин қизига ярашмайди бу» деган бўлса-да, лабини билинар-билинемас бўяган бўлди.

Кейин қайтиб яна юмшоқ диванга ўтирганида, шу ерда ўтириши ўзига ғалати туюлиб кетди. Ҳозир Тараш киради-да, улар бу кичик купеда ёлғиз қоладилар.

Ўзидаги хижолатпазликни тарқатиб юбориш учун деразани

кўтарди, ҳамон яшиллигини йўқотмаган текисликни ҳошиялаб турган тоғ тизмасини томоша қила бошлади.

Тараш қайтиб келди.

Тараш ғойиб бўлган бир неча дақиқа Тамарга жуда узоқ кўриниб кетди. «Қаролинанинг олдига кирмадимикан?»— деган фикр кечди миясидан ва у:

— Татия қалай, инжиқлик қилмаяптими?— деб сўради.

— Ухлашаётган бўлса керак, купелари берк,— деб жавоб қилди Тараш қиз ёнига ўтираётиб.

Поезд тўхтади. Яна болаларнинг қичқириви эшитилди:

— Маккажўхори, маккажўхори! Шакардек узум! Асалдек узум!

Тарашнинг қалби яширин шодлик-ла тўлди. Сахий Грузия болалар тили билан мўл-кўл ҳосилидан дарак берарди!

Уларнинг шундоққина рўбарўларида — паст-баланд дала-ларда деҳқонлар маккажўхорининг пўстини тозалашарди; узум-зорларда эркаклар яланг оёқ бўлиб олишиб узум эзишар, янги, кўпириб турган вино катта-катта тоғоралардан, кўзалардан то-шиб чиқарди.

Ёнгиналаридан нақшинкор болохонали уйлар, гулдурлаган те-гирмонлар, қадимий дарвозалар лип-лип ўтиб турарди.

— Шакардек узум, шакардек узум!

Тараш теваарак-атрофни берилиб томоша қилаётган Тамар-нинг ёндан кўринишини маҳлиё бўлиб кузатарди.

Негадир жамалак соч ўн яшар қизалоқ кўз олдига келди. Лекин ҳозирги Тамарнинг боқишларида, ҳаракатларида, ово-зида, елкасининг бичимида ҳамма вақт маъюслик кўринади.

Тараш қалбида қизнинг бу яширин гамини билишга қизи-қиш пайдо бўлди. Шу чоқ, газетада ўқиган бир хабари ёдига тушди. Аллаким, фикрни топиб биладиган аппарат ишлаб чиқарибди. Шунақа аппарати бўлишини жуда истади шу топда.

Тараш қизни қучиб, юзини унинг сочларига босиб, муаттар исларини ҳидлай бошлади.

Тамар деразадан кўз узмай, қандай турган бўлса шундай ту-раверди.

Тамарнинг эркалашдан ўзини олиб қочмагани уни ҳайрон қолдирди.

У қизнинг юзини ўзи томон ўгириб, кўзларига қаради.

Тамар индамади, унинг рангсиз юзида қилт этган ўзгариш бўлмади. Иккита йўғон соч ўрими бошига чамбарак қилинган эди. Тараш Лондонда кўргани мармардан ясалган, боши ва бўйнига илон чирмашиб олган, ҳиссиз, дардсиз ҳинд худоси шаклини эслади.

Шу дақиқада Тамарнинг чеҳраси хотиржам эди. Хотиржаму, лекин итоаткор эмас. Ранги қочган бу қиз, ҳар қандай синовга ҳам гайёрдек кўринарди.

Мана шу мағрур қызга қараб туриб, Тараш жұшиб кетди. Энгашди-да, қизнинг бўйнига лабини босди.

Тамарнинг баданига ток югургандай бўлди.

Қиз аллақандай даҳшатли, фавқулодда нарсани кутгандай унинг кўзига тик боқди. Электр нури қизнинг нафис юзининг рангсизлигини яна оширарди.

Тараш сесканиб кетди: бу дақиқада қиз Элен Ронсерга бирам ўхшаб кетдики!

— Мендан нима истайсан, Тараш?— сўради қиз ва унинг бўртиб турган лаби титраб кетди.

— Муҳаббатингни истайман!— жавоб қилди у қизнинг елкасини қисиб.

Лекин бу сўзлар Тарашнинг ўзига ҳам заиф ва жонсиз кўриниб кетди! Уларга куч бермоқчи бўлгандай, Тараш қизнинг кўзларини, пешанасини, юзини бўсага кўмиб юборди. Кейин нафис мўй ҳошиялаб турган оғзи бурчига лабини босди.

Тамар Тарашнинг қўллари — унинг қайноқ, узун қўллари титрай бошлаганини кўрди... Унинг бутун вужудига титроқ югурган эди.

Тамарнинг кўзлари нам тортди.

— Таъна қилма!— деб шивирлади Тараш ва қизни маҳкам бағрига босди.

Улар узоқ шундай ўтириб қолдилар. Тараш Тамарнинг даҳани елкасида турганини, кейин қулоғи ёнига қизнинг кўз ёшлари текканини ҳис қилди.

Тамар ожизлик қилиб, болалардай йиғларди. Шервашидзе қизининг такаббурлиги-ю, мрамар санамнинг совуқлиги қаёққа кетди?

Тамар елкасини тушириб ўтирар, Тарашнинг назарида жуда ожиз ва ночор бўлиб кўринарди. Тараш қизни яна ҳам қаттиқроқ бағрига босди ва яна юзидан, нафис мўй ҳошияланган оғзининг чеккасида ўпа бошлади, ширин сўзлар айтиб, неча йиллар бадалига юрагида яширин сақлаб келаётган ширин сўзларни айтиб эркалай кетди.

— Шафқат қил менга!— дея ёлборарди Тамар.

Оппоқ кийик ҳам ўзининг катта, ночор кўзлари билан худди шундай шафқат тилаган эди.

Қоронғилашган дераза ортидан болаларнинг:

— Шакардек узум, асалдек узум!— деган қичқириви эшитиларди.

Тараш қизнинг қизиб кетган ёноқлари ва лабларидан бўса оларди.

Бирдан мазут исини туйди. Поезд тоннелга кирганини уқди.

Ўрнидан турмасдан қўлини дераза роми томон чўзди. Автомат дераза тарақлаб ёпилди.

Тўсатдан чироқ ўчди.

Тамар бошини олиб қочди, лекин Тараш қоронғида қизнинг лабини топиб лабини босди. Уларнинг бўсалари бўсага улашиб кетди.

Бахт араваси, жаҳаннамнинг қора қаърига учириб кетаётганини иккови ҳам ҳис қилди...

Рельсларнинг жаранги: тоннелнинг ўрталиғига етилгани белгиси қулоқларига етди.

— Қаердамиз, Мисоуст?— деб шивирлади Тамар.

Жавоб ўрнига Тараш унинг лабидан майингина ўпди. Қаердалиги-ю, вақт қанча бўлганлиги ҳақида ўйлашни истамасди.

Поезд зим-зиё қоронғиликда илгарилар, икковига ҳам бунинг ниҳояси бўлмайдигандай туюларди...

Деразадан қуёш шуъласи ярақлади.

Тараш соатга қаради. Соат ўн бир бўлган эди. Чилвирни тортиб, яшил пардани кўтарди.

Картлида ҳаво очиқ кезлари бўладиган ёруғлик купени ёритди.

Ер узра баланд, чиннидек беғубор осмон намоён бўлди.

Тараш Эмхвари хушбахт лаззатланиб керишди. Назарида дунёга қайта келгандай бўлди.

Осмоннинг нафис зангорилиги кўзини қувонтирарди.

Деразадан Картлининг пўлат тусидаги манзаралари лип-лип ўтиб турарди.

Пўлат,

шуъладор,

денгиз тусидаги

узоқ-узоқларга ястанган яланғоч чўққилар (жунини қарғалар чўқилаб ташлаган қўтос орқасида),

ярим хароба қалъа гумбазлари.

Тараш ўрnidан турди. Қийиниб-тараниб олган Тамар ювиниш хонасидан чиқди. Унинг ёноқларига қизиллик югурган эди. Одатдаги рангпарлиги изсиз йўқолган эди.

Қиз Тарашга кечагидан ҳам гўзалроқ кўринди. Тараш қизни ўпиб қўйди. Шу чоқ Тамар ойнада иккови бир-бировига худди ака-укадек ўхшашлигини кўрди.

Қиз ўзининг ойнадаги аксига шундай ҳис билан қарардики, гўё бу ўзи эмас, балки ҳаётини шу ерда, шу купеда бошлаган иккинчи Тамар Шервашидзе эди.

Тараш уни креслога ўтказиб, ўзи унинг рўпарасига ўтирди. Қиз кўксидаги қадалмай қолган тугмани кўриб, эҳтиётлик билан қадаб қўйди.

— Картлига келганимда,— деди у,— назаримда, сеҳрли, безгак ва тропик жала хоқонлигидан ўз уйимга қайтгандек бўламан.

Тамар деразага қараб қўйди.

— Каролинанинг олдида бориш керак,— деб тўсатдан эследи у кеннойиси билан жиянини.

Қаролина кечаси билан мижжа қоқмади. Тамар билан Тарашнинг «гойиб бўлиши» уни жуда ташвишлантирган эди. Қаролина уларни проводникдан ҳам суриштирди. Лекин Тараш тайинлаб қўйгани учун проводник, билмайман, деб жавоб берди.

Қаролина вагонларни айланиб чиқди, ресторандан хабар олди. У ерда Шардин Алшибаяга дуч келди-ю, лекин унга ҳеч нима демади. Ниҳоят, улар станциялардан бирида поезддан қолиб кетишган деган фикрга келди.

Тушга бориб Тамар билан Тараш Қаролинанинг купесига киришганида у, ҳеч нимани суриштиради. Гўё, поезд ўтиб кетган жойда, тоғ тепасида кўринган қалъа уни кўпроқ қизиқтираётгандай эди.

— Бу қалъа, архитектура билан табиатнинг уйғунлиги намунасидир,— деди Тараш.— Бу қалъа энг баландда ўрнашган қалъа ҳисобланади. Тмогви билан Муцо мана шунақа тик қояларда қад кўтарган. Бутун Грузия бўйлаб шундай: ҳар бир дарё ёқасида шахмат тартибида қалъалар бўлади. Улар Кура ёқалаб Туркия чегарасигача чўзилган; Ингур бўйида эса — Сванетиянинг бошидан охиригача — Ценаргача; Арагви бўйлаб то Гвелетигача; Мцхетадан Пшав Арагвисининг бошигача ва ундан Аргун дарёси ёқалаб Чечнягача. Ҳар икки юз метрда бир қалъа.

Қадим замонларда Чечнядан рақиб бостириб келадиган бўлса, Муцо қалъасида ўт ёқиб, отишма бошлаб юборардилар. Шахмат тартибида жойлашган қалъалар бирин-сирин жанговар тревога ҳолатига ўтарди. Сўнгги сигнал Тбилисидаги Бебрисцихедан бериларди.

Қисқа паузадан сўнг, у маъюс қўшиб қўйди:

— Шундай қилиб, бу бадбахт халқ бутун кучини ўзини ҳимоя қилишга сарф этган.

Тараш ўрнидан туриб, Татиянинг ёнига бориб юзини сийпади.

Қаролина унинг кўзига қаради. Унинг кўзида ташвишли ўтказилган тун сояси кўринди.

— Wenn meine Tochter erwachsen wäre, Würde ich sie schön vor Ihrer Liabkosung hüten¹.

— Warum denn, gnädige Frau?²

— Weil Sie durch die wastliche Zivilisation varsauht sind.³

— Wirklich? Obschon... mag sein.⁴

¹ Агар қизим каттароқ бўлганда эди, уни сизнинг эркалашларингиздан эҳтиёт қилардим.

² Нега ундай дейсиз, хоним?

³ Негаки сиз бу цивилизацияси сизни бузиб юборган.

⁴ Йўғ-ей! Лекин бўлса ҳам бордир...

Бу хил сўзлашув Тамарнинг гашига тегди, кўнгли чўкиб, кудан чиқиб кетди.

— So hartherzig hatte ich Sie nicht geglaubt,— деди қиз чиқиб кетгач, Каролина. — Es ahnt mir, dieses arme Mädchen wird von Ihnen ins Unglück gestürzt. Sollten Sie doch Ihre eigene Leben sart damit enthüllt haben, als. Sie inlängso sagten, alles Schöne müsste Zugrunde gerichtet Werden.¹

— Zugrunde gehen damit von neuene aufzublühen — es ist der Natur das unvergängliche Gesetz und so meinte ich,²— жавоб қилди Тараш Эмхвари.

Каролина Татияни кўтариб олиб, ёноқларидан ўпди-да, дераза ёнига ўтказди.

— Шакардек узум, асалдек узум!— деган овозлар эшитиларди дераза ортидан.

Тараш станцияга чиқиб, Татияга бир бош узум кўтариб кирди.

Тамар купега қайтиб кирди.

Каролина Карталин манзараларини томоша қилиш билан банд эди.

Ўртадаги ўнғайсизликдан қутулиш учун Тараш зўр бериб чичероне³ ролини ўтай бошлади.

Деразадан Гори қалъаси кўринди.

— Хув анави ағдарилиб ётган харсангга қаранг,— дерди Тараш.— Ўша ерда Горисжвари қалъаси бўлгувчи эди. Турклар «Дэли⁴ Симон» деб аталган подшоҳ ўз лашкарлари билан шу ерда қамалиб олган.

— Ҳа, эсимда, сиз бу тўғрида сўзлаб берган эдингиз...

— Ана шу Дэли Симон қалъада жойлашиб олиб вино ичиб, наша чекиб ўтираверибди, турклар бўлса Гори қалъасини қуршаб олишибди.

Симон қалъа деворидан теварак-атрофдаги полизларга қарабди-да, кайф аралаш тархун⁵ егиси келиб кетибди.

«Менинг тархун егим келса-ю, кўзим кўриб тургани билан кўлим тутолмаса, уялмайсизларми»,— дебди подшоҳ ўз лашкарларига.

Баҳодир рицарлар шу замоноқ подшоҳ истагини амалга оширишга отланишибди, кўплари бу йўлда ҳалок бўлишибди-ю, лекин подшоҳларига Гори полизларида кўқарган тархунни келтиришибди.

¹ Шафқатсиз одамсиз. Наҳстки қиз шўрликни фалокатга йўлиқтирмоқчи бўлсангиз. Ҳар қанақа гўзаллик забун бўлиши керак, деган сўзингиз ёдингиздадир?

² Мен табиатнинг бузилмас қонуни ҳақида гапирган эдим. Яна қайта бунёд бўлиш учун ҳамма нарса ҳалок бўлади.

³ Чичероне — диққатга сазовор жойларни томоша қилаётган туристларга йўл бошловчи. (Тарж.)

⁴ Дэли — девона.

⁵ Тархун — хушбўй кўкат.

— Подшоҳларингиз ҳам худди ўзларингиз сингари телба бўлган эканми, дейман.

Купе эшиги очилиб, кайфи тарақ Шардин Алшибая кўринди.

— Кечаси билан ёшлар ичида кайф-сафо қилдим. Сизларнинг саломатликларингиз учун ҳам кўтардик,— деди у Тамар билан Тарашга кўз югуртириб.

У тунги зиёфат ҳақидаги ҳикоясини тугатмаган ҳам эдики, эшикда яна бир бош кўринди-да, имлаб уни йўлакка чақирди.

Шардин ирғиб турди, авф сўраб, чиқиб кетди. Аёллар оқлавий масалаларга доир суҳбат бошлаб юбордилар.

Йўлакдаги йўловчиларнинг гаплари Тарашнинг қулоғига узуқ-юлуқ кириб турди. Улар орасида Шардин ҳам бор эди.

Қандайдир бир ҳарбий Ксан қалъасига қойил қолмоқда эди. Бу қалъани моҳир лашкарбоши қурдирган бўлса керак, дея тахмин қиларди у.

Шардин гапдонлик қилмоқда эди.

— Албатта,— насиҳатомуз гапирарди у,— Ксан қалъаси ҳам, Гори, Мцхета Светицховели қалъасию, Бетани қалъаси — ҳаммасидан минг ўргилсанг арзийди. Неча минг йиллаб қад кўтариб турибди улар; биз ўлиб кетамиз, лекин улар тураверадилар. Лекин ҳозирги дамда бизга улардан нима фойда? Ҳозир мени Агарин қант заводининг шу бу йил қанча маҳсулот бериши-ю, Касп цемент заводи ёки Тбилиси мовут фабрикаси қандай ишлаётгани кўпроқ қизиқтиради.

Гапнинг ҳақиға кўчилганда, осмонда учиб юрган какликдан ҳовлингда қа-қолаб юрган товуқ афзал эмасми!

Йўловчилар кулишар, жазаваси тутган Шардиннинг гапини маъқуллаб қўйишарди.

Тараш унинг сафсаталариини Каролинага таржима қилиб берди.

Дераза ортида Мцхета соборининг кул ранг деворлари кўзга ташланади.

— Шу ерда, Мцхетада, Рева шоҳнинг хотини бир вақтлар Афродитага ҳайкал қўйган,— деди Тараш.— Ҳув анави жойда бир пайтлар фолнома бўлган. Зедазен тоғи тепасида эса Санам бўлган. Шунинг учун ҳам афсоналарда бу тоғ жинлар макони бўлган деган ривоятлар бор. Ҳув анави пастроқ тоғда бўлса Сир ва Аждодларнинг — «Гац ва Гаим» ҳайкали бўлган.

ТБИЛИСИ

«Тбилиси, шаҳар ҳам, қалъа ҳам, тор-мор этилган».

Жуаншер. («Грузия ҳаёти»).

Тбилиси Гринвич бўйича 41° 43' шимолӣ кенгликда ва 44° 48' шарқӣ кенгликда жойлашган.

Шаҳарни Триалет тоғлари қуршаб олган.

Унинг теварак-атрофида Мтацминда, Махати, Лило ва Саидобод тепаликлари бор.

Мтацминда оппоқ черковни бағрига босган.

Грузин романтиклари шу тепаликка кўп кўз тикишган. Шоирлар унинг туман билан бурканган манглайига бағишлаб шеърлар тўқишган.

Бизнинг давримизда бирваракай Парнас ва Пантеон шухрати билан доврў солган Мтацминда.

Тоғдан шаҳар томон Бесики деган тик кўча чўзилиб ётади.

Оқшом соат роса еттида Тамар Шервашидзе билан Тараш Эмхвари шу кўчадан боришарди.

Қишлоқдан эндигина шаҳарга келган қизнинг кийиниши Тбилиси сатанларини танг қолдиролмасди. Лекин шунга қарамай, йўловчилар Тамарни кўришлари билан, қадамларини секинлатганини, эркаклар ўгирилиб қараганини, дадилроқлари, тортинмай-нетмай бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқаётганларини Тараш сезарди. Тамарнинг ёнидан ўтиб кетгач, тўхтаб чиройли қадди қоматини ва тўпиққа уриб турган сочларини томоша қилиб қараб қолишарди.

Ҳатто аёллар ҳам тортинмай-нетмай, кўзларини лўқ қилиб, унга тикилиб қолишар, тутинган сингилларини учратиб севиңгандай жилмайишарди.

Уқувчи қизлар эса тўда-тўда бўлиб Тамарга эргашишар, бармоқларини нуқиб кўрсатиб:

— Мунчаям чиройли-я!—деб хитоб қилишарди.

Ҳамроҳининг ўткинчиларга бундай манзур бўлиши Тараш Эмхварининг гашини келтирди.

Тараш Тамар билан қўлиқлашиб юришни истарди. Лекин қизнинг унга нақадар яқинлигини кўча-кўйдагиларга аён қилмаслик учун қизнинг қўлини қўйиб юборди.

Кузнинг бошларида Тбилисида бўладиган сокин, ёқимли оқшомлардан бири эди.

Кожордан эсаётган шамол зумда кундузги иссиқни ҳайдади, Ҳаво мусаффо ва шаффоф эди. Баланд, мовий осмон қуёш шуъласига кўмилган замин узра тўнтарилган эди.

Ҳаётда шундай бахтли дақиқалар ҳам бўладики, қалб ички мусиқала тўлиқ бўлади. Ҳеч қаёққа шошилишнинг эҳтиёжи йўқ, ҳеч нима ташвишлантирмайди сени. Бу дамда сен, дарё денгизга қуйилишга яқинлашганда эриниб чайқалгани каби эринибгина одимлайсан.

Табиатнинг барча бўёқлари, барча товушлари, яшнаётган ҳаёт қувончи-ла тўлиқ!

Ҳатто автомобилларнинг сигналлари ҳам, ўрмонда чўчитиб юборилган ўрмон қуши чириллашидек, қулоққа ёқади.

Шаҳар бўйлаб тушда кетаётгандай борасан, жигга тегадиган ҳовлиқиш, одамларнинг ташвишлари, тиним билмаган шовқинлар — барча-барчаси сендан йироқда.

Аста-секин бораркансан, кўчадаги уймаланишга, худди гравюрада тасвир этилган уруш ёки ов манзарасини томоша қилаётгандай хотиржам боқасан.

Руставели проспектидаги поёни кўринмаган одамлар ва фойтонлар оқимини Тараш ана шундай кузатиб қоларди. Умуман, у катта шаҳарлардаги одамлар оқимини ёқтирмасди. Унинг айтишича, бунда расвогарчилик гўзалликдан, бесўнақайлик ва дағаллик назокат ва нафосатдан устунроқ юради.

«Дунёни одам босиб кетди, — дерди у ўзига, — кўчалар, майдонлар, хиёбонлар уларни сиғдиришдан ожиз».

Дидсиз, завқсиз кийинган одамлар, хатти-ҳаракати қўпол оломон, заиф кексалар, тақдир ранжитган мажруҳлар унинг эллин¹ эстетизмини таҳқирлади. Беўхшов тош ва темир-бетон корпуслар, уйларнинг хунук ташқи кўриниши, олабайроқ плакатлар, ёзувлар, кино ва театрларнинг афишалари, ўткинчиларнинг безбетлик билан тикилиши, одобсиз хатти-ҳаракатлари, асфальт ва тер иси унинг ғашига тегарди.

Тараш, айниқса, ҳамма ёғига одамлар осилиб олган тиқилинч трамвайларни ёмон кўрарди.

Лекин бугун у ярқираган трамвай вагонларига ҳам, кексаларнинг бурушган юзига ҳам, оқсоқ мажруҳларга ҳам мулоим ва бепарво боқарди.

Вагонлардан бирининг тепасида илмоқ шаклидаги грузин ҳарфи турибди. Ҳарф электр трамвай тепасида бамайлихотир қад кўтарган.

Бошқа вагон устида яна бир ҳарф қария каби чордана қуриб мағрур ўтирибди.

Ҳозиргина овқат берилгандан кейин тўйиб олган ипак қурти бошини кўтариб, тут новдаси бўйлаб эринчоқлик ва ялқовлик билан ўрмалаб, йўғон шоҳлардан ингичка новдаларга, ундан янада нозикроғига ўтиб, кейин уни ҳам қолдириб, япроққа кўчган учидан бандига ўтиб, ундан тепадаги япроққа чирмашган, бунисидан яна ҳам баландга ўрмалагани сингари, грузин алифбеси ҳам ҳаракатда эди.

Ҳарфлар йўловчиларнинг елкасига, почтальонларнинг, кондукторлар, темирйўлчиларнинг, милиционерларнинг, қизил аскарларнинг петлицаларига² тармашар, эшиклар, ромлар, витриналар, машиналарнинг кузовларида пайдо бўлар, араваларни, ҳилпираган қизил байроқларни безарди.

Ҳарфлар жонга кириб, аллакимларни бир нималардан хабардор этаётгандай, алланималарга чақираётгандай бўларди. Ярқирар, ранг-баранг нур таратиб жилоланарди... кулар, ҳаракатини секинлатар ва яна аллақайларга ошиқарди.

Буни кўрсангиз, грузин алифбеси, хушманзара Руставели проспектида пойга бошлабди, деб ўйлардингиз...

Одатда Тараш, катта шаҳарларда ҳайвонлар ва ўсимликларга алоҳида аҳамият берарди. Европада отларни соғинганида, аравачаларга қўшилган итларни томоша қиларди. Унтер-ден-

¹ Эллинизм — қадимги грек маданиятининг кенг тарқалган даври.

² Петлица — формали либос ёқасига тикиладиган белги.

Линдендаги арғувонларга, Гейдельбергдаги каштан ва чинорларга маҳлиё бўлиб қоларди.

Руставели проспектида Тарашни чинор кўчатлари қизиқтириб қолди.

Тамар бўлса, аксинча, ярқираган автомобилларни, аёлларнинг пардозларини кузатар, ёмон кийинган эркакларга қарарди.

Улар қаршида, буржунлар ўсган кўркам хиёбон намоён бўлди. Икки қатор қилиб экилган дарактларнинг учлари биродарлардек қучоқлашиб, ўткинчиларни офтоб тигидан пана қилишарди.

Тараш Грузия музейи ёнида тўхтади. Грузия маданиятининг бу оппоқ қасрини Тамарга кўрсатаркан, дарвоза тепасидаги нақшларда тасвирланган мавзулардан тушунтирди.

Дворцовая кўчасида Тамар витриналарни томоша қила бошлади. Мўйналарнинг хил-хиллари: оқсувсар, савсар, йўлбарс, ёввойи мушук; тимсоҳ терисидан ясалган бежирим сумкалар, шоҳи кўрпалар, бахмал мутакалар ва портьерлар, абажурлар, қадимий шамдонлар, гиламлар, палослар, қўл ойналари, зумрад қадалган йўғон билагузуклар, ёқут кўзли қадимий исиргалар.

Тараш камар ва ханжарларга маҳлиё бўлиб қолди. Бу ерда яна нақшдор ва чақмоқ тошли милтиқлар, тўппончалар, қадимий бешотарлар бурунги эски оғир милтиқлар, зиоҳли кийим, от ёпқилари, шлёмлар, ёпқилар, бўғзи узун кўзалар, патнислар, гулдонлар, лаганлар ҳам қўйилган эди.

Бу нарсаларга кўз тушганда, барча дворянлар мерос қолган қимматбаҳо нарсаларни сотишга келтириб қўйган бўлса керак, деган фикр туғиларди.

Каролина майдонда кутиб қолган бўлса керак, дея Тараш шошила бошлади.

Лекин бундан кейинги витрина ҳам Тамарнинг диққатини жалб этди. Амиркон туфлилар, «виктория» пайпоқлари, жемперлар, пижамалар, комбинезонлар, жужунча, крепдешин ва файдешин кўйлақлар, узуклар, ойналар, упадонлар...

Дераза ичида юзи оқиш бронза билан бўялган манекенлар сино бўлиб туришарди. Урф бўлган европа костюмлари кийиб олган манекенлар маҳаллий артистлар каби бўйнини чўзиб турардилар. Ўтиб-кетиб турган оломон уларга қанчалик лоқайд қараётган бўлса манекенлар ҳам шундай лоқайд боқишарди.

Дворцовая кўчасининг қоқ ўртасидан олтиа хевсур ўтиб бормоқда эди. Учтасининг қўлида қалқон. Биттаси — баланд бўйли, соч-соқолига оқ оралаган, белига қилич осиб олгани уларга бош бўлиб бормоқда эди. Олтовида ҳам узун ханжар. Чохаларининг этаги ва орқасига салб шакли тикилган. Тараш уларга маҳлиё бўлиб тўхтаб қолди. Хевсурлар шаҳар кўчаси бўйлаб, Рим сенаторлари каби виқор билан борардилар.

— Уларга бир қара-я! — хитоб қилди Тараш. — Йигирманчи асрда катта бир шаҳарнинг марказида, автомашина ва трам-

вайлар гирдоби ичида қалқон ва ханжар осган одамлар ўтиб туриши мумкин, деб ким айта олади? Европада бўлса борми дарҳол кинооператорлар мўлжалга олиб қолишарди буларни. Тамар хевсурларга қараб кулиб юборди, кейин яна витринага ўгирилди.

Мўйналар, ич кўйлақлар, шляпалар, туфлилар, атирлар...

Бир дақиқа хаёлга берилди.

Тараш икковининг тўйи бўлди, деб фараз қилди. Шаҳарнинг энг яхши ерида ажойиб жиҳозланган уйлари бор. Тараш Эмхвари давлатманд ва обрўли одам...

Каролинанинг овози уни чўчитиб юборди.

— Қаерларда қолиб кетдинглар-а, азизларим? Энди Армадар холаникига борасизларми?

Тамарнинг бетига қизил югурди. Каролина аниқликни яхши кўришини Тамар биларди. Тараш ҳам ўнғайсизланди.

Ўнғайсиз жимликдан сўнг Тараш Каролинага юзланди:

— Тбилисида сизга чичеронелик қиламан деб, ваъда бериб эдим. Мана бу ёққа қаранг: ҳув анави тоғдан мана шу ергача қалъа девори бўлган. Бу ердан девор тўғри дарёгача чўзилган. Ҳозирги коммунарлар Боғида қадимги Кабах бўлгувчи эди. Руставели проспектига яқин жойда кичкинагина черков бор эди. Темурлангнинг фармони билан, ўғил чақалоқларнинг барчаси шу жойга қамаб ўлдирилган.

Серебряная кўчасига бурилишди. Бунда улар жаҳаннамга тушгандай бўлдилар. Майдонда гулхан ёнарди. Қоракуяга беланган ишчилар асфальт эритишарди. Аравача гурилларди. Иморатларни қуршаган ҳавозалардан чанг-тўзон, ғишт парчалари тўкиларди. Каролина дақиқа сайин либосини қоқарди.

Атрофда гулдурос, емириш ва осмонни тутган тўзон.

Портга баҳайбат океан пароходи гувиллаб ва ўкириб кириб келганда кичкина қайиқлар, елканлар, катер ва шлюпкалар тараф-тараф бўлиб кетгандай ёинки бостириб келаётган голиафни кўриб ваҳима ичида писиб қолгани каби, баҳайбат кул ранг бинолар ҳам, ипак қурти пўстини ташлаган мисол ҳавозаларини йиғиштириб, пойдевор устида янги шаклда намоён бўлардилар.

Улар оралиғидаги эски уйлар, нақшинкор панжарали ёғоч болохоналар ҳалокатга юз тутган эди.

Тараш Эмхвари ана шу нақшинкор болохоналарга маъюс боқарди. Трамвайларнинг жингиллаши, автомобилларнинг гудоклари, қурувчиларнинг бақир-чақирлари, чиғирларнинг ғийқиллаши ва тарновлардан туширилаётган ғишт майдаларининг гулдираши — ҳаммаси бир бўлиб шундай ғала-ғовур кўтарган эдики, ҳатто қаҳрамонларимиз бир-бировларнинг сўзларини эшитишмасди.

У ер-бу ерда тасодифан бутун қолган пастак уйлар эса, қўтослар подасига тушиб қолган янги туғилган қўтос болаларидай аянчли кўринарди. Бу уйлар бир неча ой ёки бир неча кун-

дан кейин ер юзидан ғойиб бўлишлиги шундоққина кўриниб турарди.

Тараш аёллар кетидан борарди. Аҳён-аҳёнда грузиннинг бурмали, бари узун чохасини, грузин яҳудийсининг узун соқолини, яроғи йўқ лезгиннинг паҳмоқ шапкасини кўриб қоларди. Сион кўчасининг у ер-бу ерида мисгарлар, эгар-жабдуқчилар, чеварлар, поябзалчиларнинг қораси кўриниб қоларди.

Сион собори атрофида тиланчилар уймаланишарди. Сўқир бандурачи, шоҳ Ираклий II нинг жасоратлари ҳақида ҳикоя қиларди.

— Мана шу соборнинг қуббасини Жалолиддин вайрон қилган,— деди Тараш.

Черковга кираверишдаёқ ладан иси сезилиб турарди. Ним қоронғиликда тиз чўккан одамлар қораси кўринарди.

Черковда бор-йўғи бир неча шам ёнарди. Соқоллари пахмайган дьякон минғиллаб псалом ўқирди.

— Черковларингиз кўримсиз экан,— деди Каролина.

Тараш унга черковларнинг таланиш тарихини ҳикоя қила бошлади, чор губернаторлари буйруғига мувофиқ оҳак билан оқлаб юборилган фрескаларни эслатди.

Тамар олдинга ўтди, онасининг хотираси учун шам ёқди ва стунлар ортида ғойиб бўлди.

— Қизиқ,— деди Каролина,— бу шаҳарнинг тарихи бой-ку, ёдгорликлари оз-а.

Тараш Тбилисининг тарафини олди:

— Араблар, мўғуллар, эронликлар уни неча бор куйдириб юборганларини санаб ҳисобига етиб бўлмас! Тбилисида шоҳларнинг бир неча қасри бўлган. Сал нарироқда шоҳ Вахтагнинг мармар ва заҳармуҳра билан безалган саройи бўлгувчи эди.

— Ростдан ҳам, тезроқ борайлик,— ўз сўзини бўлди Тараш,— Армадар хола эрта ётади.

У, стунларнинг бири ортида ибодат қилаётган Тамарни излаб топди ва аёлларни шоширди.

КЎЛАНКАГА АЙЛАНГАН КНЯЗЬ

Паржаниани хола одатига кўра баланд суянчиқли қадимий чарм креслода, мушуклар қуршовида ўтирарди.

Кресло кир, ёғи чиқиб кетган эди. Креслонинг баъзи ерида чарми тарс-тарс ёрилиб кетган бўлиб, пахтаси ва жунлари оқиб ётарди.

Мушукларнинг бири беканинг тиззасида ухлар, иккинчиси кресло суянчиғига чиқиб олган бўлиб, учинчиси оёғи остида мудрарди. Бурчакда икки мушук бола миёвларди. Уларнинг ўз

ҳолига ташлаб қўйилганликлари бу жониворларнинг қиёфасидан кўриниб турарди.

Кампир Тарашнинг пешанасидан ўпди, ўн беш йил муқаддам Шервашидзелар хонадонида биринчи бөр кўргандаги каби, Тарашнинг бошини силади.

Армадар Тамарни келин қилиш орзусида бўлганидан, Тамар билан Тарашнинг бирга кириб келганидан хурсанд бўлиб кетди.

У Каролинани ҳам очиқ юз билан кутиб олди. Тариэл бобонинг саломатлигини, Херипснинг ҳол-аҳволини сўради, ухлаб ётган қизни меҳмонхонада ёлғиз қолдиргани учун койиган бўлди.

Армадар хола эски тушунчалар билан яшарди. Ҳозир кириб келганларни иззатли меҳмон — княжна Тамар Багратнонига бир-бир таништиришарди. Княжнанинг қулоғи оғир бўлганидан Армадар хола овози борича бақириб фамилияларни атарди.

Княжна кўзини қисиб қарар ва француз тилида илтифот билдирарди. Княжнанинг кўксига бекор осилиб ётган лорнетга¹ Тарашнинг кўзи тушди.

Меҳмонларни Шакро Орбелиани — уларни кўрганда саломлашган бўлиб, алланималар деб ямланиб қўйган бўйдор, елкадор киши билан таништирдилар. Собиқ князнинг оғзида иккитагина тиши қолган эди.

Унинг эғнида эскириб кетган яшил куртка бўлиб, аввалига Тараш уни хат ташувчи деб ўйлаган эди. (Кейин маълум бўлишича у, дарҳақиқат, аллақайси идорада хат ташувчи бўлиб хизмат қилар экан.)

Ўтиришди. Тараш вақт-вақти билан, бир вақтлар гўзал бўлган княгинянинг қовжирай бошлаган чеҳрасига назар ташларди.

Княжнанинг бўйни, кўкраги, юзи сўлий бошлаган эди. Кексалик, такаббур аёлнинг бир вақтлар тарашлангандай гўзал ва нафис бўлган чеҳрасини емирипти. Фақат кўзларидагина қаҳрабо ялтираши сақланиб қолган.

Кўп ўтмай яна бир меҳмон келди — пастаккина, чўтир чол эди бу.

— Бу киши собиқ генерал, — Каролинага оҳиста тушунтирди Тараш. — Жаҳон уруши вақтида бир батальон билан туркларнинг бутун бир қисмини асир олган. Турклар унга «шайтон-капитан» деб ном қўйишган. Американинг бирон бир газетаси унинг ёдномалари учун катта пул тўлаши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмасди.

«Шайтон-капитан» чўнтагидан газета олиб, текислади ва столга ёзиб қўйди. Кўзойнагини тақиб меҳмонларга кўз югуртирди. Унинг нўхат тусидаги кичкинагина кўзлари кўзойнак ор-

¹ Лорнет — дастали кўзойнак. (Тарж.)

тидан, аквариум ойнасидан кўринган балиқ кўзларидай ювошгина боқарди.

Армадар хола ҳазиллашиб уни «жаҳон стратегияси¹ референти»² деб атарди.

Унинг бу хонадонга ташириш буюриш сабаби жуда оддий эди. Вақтидан ташқари олиб борган бухгалтерия ишидан сўнг у, чой ичиб, Ношреван Паржаниани билан нард ўйнаш учун кирди.

Тараш «шайтон-капитан» билан суҳбат бошлаб юборди.

Шакро Орбелиани, пайт пойлаб, газетани қўлига олди. Ёнидан ойнаси дарз кетган кўзойнак чиқариб, букри бурнига тақди, кўзойнак тушиб кетаверганидан ушлаб туриб, ойнак тепасидан газетага қаради.

Армадар хола эса, японлар нотасига қандай жавоб қайтарилгани-ю, Литвинов қандай янги «демарш» қилганини бетоқатланиб суриштирарди.

Шакро истар-истамас алланима деб ғўлдирар; жавоб нота-си ҳам, Литвиновнинг демарши ҳам уни қувонтирмасди.

«Шайтон-капитан» бўш столга қаради, соатга кўз югуртирди-да, кетишга чоғланди.

— Кетманг, у ҳозир келади,— деди Армадар хола спиритик сеанс³ вақтида арвоҳлар гапирадиган товуш билан.

Дарҳақиқат, эшик очилиб, баланд бўйли ориқ бир киши меҳмонхонага йўлбарс каби юмшоқ, енгил юриш билан келди.

Унинг эғнида зарғалдоқ тусидаги пиджак, ранги ўнгиб кетган яшилга мойил шим, баланд осие этиги. Бу соқолига оқ оралаган, қирра бурунли, чўзиқ пешанали киши бўлиб, тўтиё тусидаги қисик кўзи юзини янада чўзиқ кўрсатарди.

Ношреван Паржаниани меҳмонларни шодлик билан, бир вақтлар грузин дворянларига хос бўлган бир оз чучмал илтифот билан кутиб оларди.

Кейин Тараш билан уч маротабадан ўпишди, Каролинанинг қўлига лабини босди, эркалагандай бўлиб Тамарнинг елкасига қоқиб қўйди.

Эскилик руҳи сингиб кетган бу хонадонга у жомланиш ва кўтаринкилик олиб келди.

— Шу пайтгача режиссёрим ҳузурда князь ролини ижро этаётган эдим, энди оқсоч ролига ўтаман,— деди столга дастурхон тузалмаганини кўрган Ношреван.

Сўнг ошхонага чиқиб, қайнаб турган чойнак кўтариб кирди ва чой дамлай бошлади.

Армадар хола Каролинани ёнига ўтказиб олди ва Шервашидзе оиласига доир саволлар билан кўмиб юборди.

¹ Стратегия — ижтимоий, сиёсий курашга раҳбарлик қилиш санъати.

² Референт — маълум масалалар юзасидан консультация берувчи ходим.

³ Спиритик сеанс — ўлганларнинг арвоҳи билан сўзлашув (Тарж.)

Кампирнинг кўйлагига ва Армадар хола негадир ҳозир ҳам ўраб юрадиган шарфига (бир вақтлар бунини театрга борганида ўрарди) ёпишиб қолган мушук қиллари озодаликни севадиган Каролинанинг кўзига дарҳол ташланди.

Каролина жирканиб кўзини бошқа ёққа олди.

Қоракуяга беланган мушук тўсатдан унинг тиззасига ирғиб чиқди. Мушукни ёмон кўрадиган Каролина қўлини теккизмасдан мушукни ҳайдаб туширмоқчи бўлди. Лекин мушук тихирлик қилди.

Армадар хола мушукни қувиб, қанчалик пиштламасин, фойда бўлмади. Мушук бекасининг буйруғини писанд қилмас эди.

Ниҳоят, бу ишга Ношреван аралашди ва мушукни Каролинанинг кўйлагидан юлқиб олди.

— Бу жониворлар яқинда бизни тириклайин еб юборишадди,— деб ҳазиллашди Ношреван.

Унинг нима деганини Каролина тушунмади, лекин шундай эсада, назокат билан жилмайиб қўйди. Ношреваннинг тетиклиги, ёш кўринишини сезмай қолмади, тишларининг бу қадар оппоқлигига ҳайрон бўлди.

Каролина кўйлагини қоқиб, меҳмонхонага кўз югуртди.

Хона бесаранжом бўлиб ётарди.

Дераза ромининг ойнаси синган кўзларига Брокауз томларининг ва географик атласларнинг томлари тираб қўйилган эди.

Деворларда шоҳ Вахтанг VI нинг чанг босган сурати ва малика Тамар тасвирланган сурат осилган эди; суратда, тиз чўккан Руставелининг Тамарга ўз поэмасини тақдим этгани тасвирланганди. Суратнинг бурчакларидан қурум босган ўргимчак уялари осилиб ётар, оқ жойларига пашша ўтириб қўйган эди.

Булардан нарида Қарс, Ереван ва Гуниб ёнидаги жангларда хизмат кўрсатган грузин генералларининг суратлари бетартиб осилган эди.

Жамоат арбоблари, қалпоқ кийган либераллар, юмшоқ шляпадаги «социалист» князларнинг (соқол қўйиш ва мовут шляпка кийиш билан улар ўзларининг прогрессивликларини кўрсатмоқчи бўлардилар) суратлари алоҳида осилган эди. Булардан кейин эса қатор-қатор оилавий суратлар кўзга ташланарди.

Улар орасида князь Паржанианининг от миниб тушган суратининг катталаштирилгани кўзга яққол ташланарди. Ношреваннинг эғнида қайтарма энгли қадимги пўстин ва бўйнининг узунлигини яна ҳам таъкидлаб кўрсатадиган учдор папах бор эди.

Каролина бу суратдаги хушбичим қоматни маҳлиё бўлиб кўздан кечирди, кейин қаршисида ўтирган тирик Ношреванга билдирмайгина қаради. Каролинанинг назарида у, унча ўзгармагандай кўринди.

Хона ёруғлик ўтказадиган палос ва жежим билан уч бўлака бўлиб қўйилган эди. Мана шу сунъий девор тагига сўрилар ва ўтиргичи ўпирилиб кетган креслолар қўйилган эди. Улардан

бирининг пахтаси оқиб ётган бўлса, бошқаларидан пружинаси чиқиб ётарди. Сўри устида жилди йиртиқ мутакалар¹ ётарди.

Бурчакда устида нота варақлари ёйилиб ётган эски беккер пианиноси турарди; шам ёғи эритиб юборган шамдонлар ва пашшалар ўтириб қўйган баланд гулдонлар ҳам бор эди унда.

Камин тепасида бўғзи учган аллақанча шишалар қатор турарди.

Каролина икки япон гулдонини томоша қила бошлади. Афтидан бу гулдонларга бепарво муносабатда бўлган бўлсалар керакки, уларнинг бандлари синиқ эди.

Бу ердаги ҳамма нарса қаровсиз ҳолда ётар, биронтасига бўлсин қараб турилмасди. Бундаги ҳамма нарса тўхтатиб бўлмайдиган емирилишдан дарак берарди.

Ношрewan Тaмaр Багратионига одатдаги илтифот билан муурожаат қилди-да, ўтган якшанба Сионда бўлганми, йўқлигини сўради.

Йўқ, Тaмaр Сионда бўлмабди. У Қашвет черковига борибди, у ерда ибодатни католикос олиб борибди.

Кейин Ношрewan Тараш Эмхвари билан Тaмaр Шервашидзе ёнига кўчиб ўтирди.

— Бизнинг Анули аллақанақа Манжгаладзе билан айланишиб қолибди,— деб нолиди у.— Қўйиб берсангиз, у билан ЗАГС га ҳам боришга тайёр. Холанг, мен бунга чидолмайман, деяпти. Мен Анулига, ўзимни ўзим ўлдираман, деб пўписа қилдим. Бу ёғи нима бўлади, билмайман.

Шакро Орбелиани билан «шайтон-капитан»нинг алланималар тўғрисида қизгин баҳслашаётганини кўриб:

— Бу оддий ҳаётий воқеалар ҳақида қандай фикр юритишадди ҳурматли референтлар?— деб сўради.

— Бу гал бутун жаҳонда порох ҳиди анқиб қолгани таъин,— қатъий оҳангда деди Шакро.

Ношрewan жилмайиб, Тарашга юзланди:

— Князь Шакро, шенма мзем², менга, 1910 йилда ҳар куни деразадан бошини чиқариб ўз моурависидан³ руслар кетишди-ми, деб сўраган Орбелианини эслатади. Йўқ, деган жавобни олгач, у, яна қасрида яшириниб оларкан. Князь Орбелиани ана шу сўроқни бера-бера ўлиб ҳам кетибди.

Менинг княгиням ҳам худди шу қабил, мана ўн йилдирки мени, le mende civilise⁴ хусусий мулкчиликнинг тугатилишига йўл қўймайди, деб ишонтириб келади. Маърифатли мамлакатларда аристократия ҳамон барқарор бўлганини ҳисобга олганда, le mende civilise табақаларнинг йўқотилишига рози бўлмайди, демак, бизга князлик шарафимизни қайтариб беришади, дейди.

¹ Мутака — узунчоқ, аксарият, қаттиқ ёстиқ.

² Сенинг ҳаққинг қасамёд қиламан.

³ Моурави — фесдал Грузиясида маъмурий лавозим.

⁴ Маърифат олами.

Мен мапа шу уйни согмоқчи эдим, шенма мзем. Лекин холанг, аввалига, жаҳонни шу бошқаради дея, Франциядан умид тутди. Кейин Англия майдонга чиқди. Лекин у ҳам ён бериб қочди. Муссолини ҳам умидни пучга чиқарди, миллатлар Лигаси эса ҳамма ёқни расво қилди. Энди бўлса, холангизнинг бутун умиди Японияда! Бу орада қарабсизки, уйни тортиб олиб қўйишибди, шенма мзем.

Уйимизга бир қизил командирни қўйишди. У кетганидан кейин эса, ана шу лаънати Манжгаладзени қўйишди.

Ношреван бир хўрсиниб олди-да, Тарашга нард ўйнашни таклиф қилди.

Улар пианино яқинидаги кичик стол ёнига бориб ўтиришди.

Ношреван соққани олди-да:

— Ду-беш!¹— деб қичқирди.

Дарҳақиқат, ду-беш чиқди.

— Анулининг, ўзини зоти паст одамлардай тутганига, айниқса, жоним чиқиб кетяпти, шенма мзем, — ғазабланиб гапирарди Ношреван. — Яқинроқларига ким кўчиб келса, шунга ошиқ бўлишади-я, бу қизлар.

Бу лаънати Манжгаладзе Анулини ЗАГСга судрайди. Менинг қизим аллақайдаги бир муттаҳамга, шубҳали одамга тегса! Яқинда муштлашиб милицияга тушиб эди, пул бериб зўрға қутулиб қолди. Қизим шунга тегадиган бўлса, аламимга чидолмайман, ўзимни ўзим бир нима қилиб қўяман, дейди холанг. Мен Анулига ўзимни ўзим ўлдираман, деб пўписа қилдим. Ҳозирча аҳвол шу, кейин нима бўлади — билмайман, шенма мзем.

«Ле монд сивилезэ» мамлакатимизни большевикларга бериб қўймаслигига, большевикларни ҳайдаб чиқаришига ва Манжгаладзедан қутулишимизга холангнинг ҳам ишончи борган сайин камайиб боряпти.

— Шаш-се!²— деб қичқирди Тараш ва ду-сега³ рўпара бўлди.

— Панж-шаш⁴, лаънати бўлмасам аҳволим пачава!⁵— деб ёлворарди Ношреван.

Лекин панж-шаш ўрнига шаш-як⁵ тушди.

Тараш Эмхвари ўйнаб ўтириб, оиланинг моддий аҳволи ҳақида суриштирарди.

— Беш йилгача холангнинг узук, исирга, вазаларини сотиб тирикчилик қилдик, — деб жавоб берди Ношреван. — Кейин санамларга навбат етди. Учта нақшинкор санамни музейга арзонгаров сотиб юбордик. Улардан биттаси Грузиянинг сўнгги бахтиқаро подшоҳининг жияни бўлмиш бувимнинг сепидан чиққан буюм эди. Иккинчи санам Бек Опизари томонидан олтиндан

² Ду-беш — икки беш мазмунида.

³ Шаш-се — олтию уч.

⁴ Ду-се — иккию уч.

⁵ Панж-шаш — бешу олти.

⁶ Шаш-як — олтию бир.

ясалган бўлиб, ёқут ва дур қадалган эди. Зумрад, лаъл, фируза кўзли ўн беш узукни, мен тентак, биттасини юз сўмдан сотибман; Эриставнинг қизи бўлмиш янгамдан хотира бўлиб қолган олтин ҳалқали бир шода дурни, йигирма инжу терилган шилди-роқни, бир қимматбаҳо лаъл узукни айтмайсизми?!

Эронда чиққан ён кўзгу ва тош ойналар, Иоанн Крестителнинг эллик уч инжу қадалган яна бир ажойиб санами, бадахшон лаъли қадалган етти жуфт исирға шулар кетидан кетди.

Шуларнинг ҳаммаси, қимматбаҳо нарсаларнинг сотилиши ман этилган йилларда сув текин кетди. Ҳаммаси чайқовчилар қўлига тушиб кетди. Шу пулдан икки юз фунтини сенга Парижга юбордик.

Ношреван ташлаган соққа столча устидан ошиб ўтиб, ерга тушди.

Соққани оламан, де! энгашиганида Ношреваннинг чўнтагидан кичкинагина сурат тушди.

Тараш суратни олди, Ношреваннинг оқ чоха кийиб тушган суратига диққат билан тикилиб турди-да, индамай қайтиб берди.

— Шу йўсин ҳаммаси кун-паякун бўлди,— хўрсинди Ношреван.— Шундай қилиб кунимиз монпаси билан чой ичишга-ю, қора нон еб, виносиз овқатланишга қолди. Холанг бод бўлиб қолган, уни даволашгаям озмунча пул кетдим.

Ўзинг яхши биласан, мен ҳеч қачон хизмат қилган эмасман. Қўлимдан нима иш келарди? Ов милтиғи-ю, ханжардан бўлак ҳеч нима ушламаганман, шенма мзем. Ёзишга бўлса шунчалар эринаманки, мабодо мусофирчиликда ўн йил юрсам ҳам битта откритка жўнатишни эп билмайман.

Режиссёримни худо омон сақласин! Аллақайси тўйда тамадалик қилганимда мен билан танишиб олди. Яхши ҳамки, отам шўрлик менга шу ҳунарни ўргатиб кетган экан.

Ношреван жилмайди. Оғзи чеккасидаги ажинлар чуқурлашди.

— Хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл, артист деганини ёқтирмасдим,— давом этди у— одам қаторига санамасдим. Кинони ҳам, граммофонни ҳам, радиони ҳам ўша янги пайдо бўлган вақтлардаёқ ёмон кўриб қолганман. Энди бўлса ўзим киноларда князлар ролини ижро этаман, ўз табақамниям, ўзимниям майна қиламан. Кунлар шу алфоз ўтяпти, умр кетяпти, шенма мзем!

Шундай бўлсаям сенга очигини айтишим керак,— бир ожим тургач, давом этди Ношреван,— шу дақиқалар ҳаётимдаги энг ёрқин дамлардир. Мен — абадий тамадаман, зотли отлар минаман, пойгага қатнашман. Ов қиламан, чиройли хотинларга мулозамат қиламан, ҳамма вақт эгнимда ўзим яхши кўрган оқ чоха. Ахир бир вақтлар шундан бўлак либос киймасдим. Хуллас бир пайтлардаги бутун ҳаётим экранга кўчди, ўзим эса, кўланкага айландим.

Кечқурун уйга қайтарканман, эрта билан кетаётганимдаги манзара устидан чиқаман: хаста хотиним, итоат қилишдан бош тортган қизим, холангнинг мушуқлари-ю, монпаси билан чой. Начора, одатланишдан бўлак илож йўқ.

Аммо хотиржамликда Тамар Багратионига етгувчи йўқ, шенма мзем! Хаста, бир буйраги кесиб ташланган, лекин дардни тангрининг шафоати деб билади. У ҳаммамиздан илгари бу балоларга кўникди. «Дворянлар олами имонга хиёнат қилди,— дейди у,— шунинг учун ҳам худо жазамизни бераётипти. Олло таоло барча гуноҳларимиз учун: худодан тонганлигимиз, фақш-лигимиз, исрофгарчилигимиз учун жазо берапти. Оллонинг иродасидан ташқари ҳеч нима бўлмайди». Тамар Багратионининг гапи бу; вақти-вақти билан мен ҳам шак келтириб қоламан, шенма мзем.

Уйинда Тараш ютқизди. Энди нард ўйнагани «князь Шахро» ўтирди.

Армадар хола Тарашни ёнига қақириб олди-да, онаси ҳақида, оливайи ишлар ҳақида, уйланиш борасида кўзда тутган кишиси бор-йўқлиги ҳақида суриштира бошлади.

— Анули яна клиникасида мажлисда ушланиб қолган кўри-нади,— дея ташвишлана бошлади Армадар хола.— Қанақа ба-ло ўзи бу мажлислари!

— Анули бизни жуда қийнаб юборди, қариган чоғимизда ошимизни заҳарлади,— дея нолирди холаси.— Бир гаплашиб қўйсанг бўларди, худо ургур, анави Манжгаладзе билан ЗАГСга бормагин деб тушунтир. Ношреван амакинг бундай аламга чи-дай олмайди,— шивирлаб қўшиб қўйди у.

Тараш ўрнидан турди-да, Каролинани деворда осиглиқ су-ратлар қошига бошлаб борди. Каролина ҳамон Ношреваннинг суратига қараб-қараб қўярди. Бу орада Армадар хола Тамардан ҳол-аҳвол сўрарди.

Тамарнинг ҳам медицина институтига ўқишга кирмоқчи эканлигини билгач, жаҳл билан, ундан кўра тезроқ эрга тегиш-ни маслаҳат берди.

— Грузин қизи ёшлигида эрга тегиши керак,— дер эди кам-пир,— бунинг устига, сенинг келиб чиқишинг шундайки, бари-бир институтга киролмайсан. Менинг Анулим институтга кириш учун икки йил овора бўлди, ниҳоят, қандайдир бир илож қилиб кириб ҳам олди, лекин ҳали ҳануз, ҳар бир тозалов пайтида қалт-қалт титрайди. «Князларнинг шунча ўқиб келгани етар! Эндиликда ишчи ва деҳқонлар ўқисин!»— дейишяпти больше-виклар,— деб гапига якун ясади Армадар хола.

Эшик очилиб, ранги ўчган Анули кириб келди. Қиз ўлгани-нинг кунидан жилмайиб, меҳмонлар билан сўрашди, Тамар ва Тараш билан ўпишди, уни зўрға таниган Каролина билан ҳам кўришди.

Анули улғайган, семирган эди. Қирқилган сочи бетартиб тарзда юзига тушиб турарди. Батис блузкасининг чуқур ўйил-

ган ёқасидан бирмунча кирланган елкабоғи кўриниб турарди. Бўйнига икки қатор йўл тушган эди. Жилмайганида кўзи атрофида майда ажинлар пайдо бўларди.

Анулининг ранги қочганини кўрган Армадар хола ташвишланиб, нима бўлди, деб сўради.

Бишсаки, Анулини медицина институтидан чиқаришибди. Бу хабардан Армадар хола аввалига қувонди (буни эшитиб Ношреван ҳам севинишини у биларди). Лекин, бир оз ўйлаб кўргач, кампир, Анулининг бунга осонгина кўникмаслигини англади. Ўйланиб қолиб, хафа бўлди.

Анули ўзига совиган чой қўйди. Тамар уч йилдан бери кўришмаган мактабдош дугонаси ёнига ўтирди. Улар «ўзига хос» мактаб тилида, гоҳ жиддий, гоҳ ҳазил-мутойиба билан бир-бирларига янгиликларни ҳикоя қилишар, ўтганларни эслашарди.

«Шайтон-капитан» хайрлашиб чиқиб кетди.

«Князь Шакро» берилиб ўйнарди. У рақибини марсга¹ дучор қилмоқчи эди.

— Шаш-се қайдасан-е!— деб қичқирарди у соққага, тихирлик қилган ҳўкизига бақирган деҳқон каби.

Каролина ҳам кетишга отлана бошлади.

Тамар ҳам ўрнидан қўзғалди, лекин Анули унинг қўлидан маҳкам ушлаб, ўтказиб қўйди.

— Бизниқида ётиб қола қол!— деб ёлборарди Анули.

Тарашга бу гап ёқмади. Анулини у ёқтирмасди. Шунинг учун ҳам у, Тамарнинг бу ерда бир кеча бўлсин ётиб қолишини истамасди. Лекин ҳеч нима демай, Каролинани кузатиб қўйиш учун ўрнидан турди.

Тараш билан Каролина, бир вақтлар малика Дарьянинг қасри бўлган жойга етиб келишганда, шайтон-бозордаги шоҳ Исмоил мачитидан муаззиннинг чинқирқ овози эшитилди.

Тарашнинг баданига ёқимсиз титроқ югурди. У Каролинани қўлтиқлаб олиб маҳкам қисди.

Улар бир неча вақт жим бордилар. Бир маст гандираклаб, алланималар деб гудрана-гудрана келарди. Кейин у қоронгида сирпаниб кетиб йиқилди.

Тун сокинлигида, кечиккан йўловчиларнинг оёқ товушлари эшитиларди.

— Шу бугун оқшом мени ғалати бир туйғу қамраб олган эди,— деди Тараш.— Ношреваннинг чўнтагидан сурати тушиб кетди. Суратни ердан олиб қарадим. Назаримда мурданинг бетига қараётгандай бўлдим. Бу ҳол умримда иккинчи бор юз бериши.

Кунлардан бир кун, Римдалиқ чоғимда париждик бир ошнам Нищеда, денгиз бўйида тушган суратини юборди. Суратга қарадим, қалтираб кетдим. «Бу одамнинг куни саноқли»,— деб

¹ Марс — енгил маъносида.

ўйладим.— Орадан бир ҳафта ҳам ўтмади, онаси ўғлининг тўсатдан вафот этганини менга билдирди. Мана, кўрасиз, Ношреван Паржаниани ҳам узоқ яшамайди.

— Нега шундай деб ўйлайсиз?— сўради Каролина.

— Тушунтириб беролмайман. Юрагим сезиб турибди, лекин негалигини билмайман.

Яна жим қолишди.

— Бир гапни айтсам: менинг ҳам умрим қисқа. Ўзимни шундай ҳис қиламанки, гўё тирик ҳам эмасман, ўлик ҳам. Биламан, куним саноғлиқ.

Каролина унга қаради.

— Сиз иримчисиз, шунинг учун ҳам ҳаммаси мана шунақа даҳшатли кўринади. Кечалари ишлайсиз, чарчагансиз, ҳаммаси шундан.

— Иримчи дейсизми? Бўлиши мумкин. Қац Звамбая билан энагам Хатуна мени шундай тарбиялашган. Сарбоннанинг профессорлари, бунга зид ўлароқ нима ҳам қилишарди? Доноларнинг доносидан кўра, авомнинг юраги кўпни билади.

Юлдузлар чарақлаган кўкда, жарлик тепасида Метехининг қора шарпаси кўринади.

Тараш Тбилисининг бунёдга келиши ҳақидаги афсонани сўзлаб берди.

— Классик оламнинг ҳеч қайси бир шаҳри ўзининг бунёдга келиши ҳақида бундай чиройли ривоятга эга эмас.

Тбилисига асос солган Вахтанг Горгасал серзавқ овчи эди. Тарихчининг ёзишича, у от қувиб бориб, кийикка етиб оларкан. Тутиб олгач, уни орқалаб олиб Зедазен тоғига чиқиб кетаркан.

Кунлардан бир кун Вахтанг, ҳозир биз ўтиб бораётган худди мана шу жойларда лочин билан ов қилиб юраркан. Лочини қирғовулни қувиб бориб, чакалакзорда ғойиб бўлибди. Горгасал узоқ қидирибди ва тошдан отилиб чиқаётган қайноқ булоққа дуч келибди. Қараса, лочини ҳам, қирғовул ҳам булоқ сувига тушиб, пишиб ётган эмиш. Худди шу жойда у шаҳар барпо этганмиш.

— Ривоятда мана шу олтингугурт булоғи ҳақида сўзланарди, — деди Тараш қўли билан Орбелиани мўрчасини Каролинага кўрсатаркан.

Мевафурушлар юришарди кўчаларда: улар деворга суянишиб паст товушда ўзаро сўзлашардилар. Форс тилидаги сўзлар ирмоқдай шилдирарди.

Ним ёруғ ертўладан юракни ўртовчи баёт куйи эшитиларди. Қоронғида тошга қоқилиб кетиб Каролина Тарашнинг қўлига ёпишиб олиб, кутилмаганда:

— Тбилисининг герби борми?— деб сўради.

— Қанақа герб?

— Римда она бўри ёки Берлинда — айиқ бўлганидай?

— Албатта бор. Қийик.

Улар меҳмонхонага етиб келганларида шаҳар соати ўн иккига занг урди.

Тараш тўхтаб, қўл соатига узоқ қараб турди.

— Нега қараяпсиз?

— Тбилисининг юрак уришини санаяпман. Беш минут ичида Руставели проспектидан йигирма енгил машина ўтди. Агарда, проспектдан ўтиш ман қилинмаганда, икки карра шунча юк машинаси ўтган бўларди. Тбилиси, аста-секин, катта шаҳарлар оиласига кириб бораётир.

Тараш Каролинани меҳмонхона эшигигача кузатиб қўйди-да, у билан хайрлашди.

УИҚУСИЗ ТУН

Армадар хола анчагача мушуклари билан олишди. Таёқ тўқиллатиб уларни қарғади, ношукурликда айблади. Холанинг овози Тамар билан Анулига шундоқ эшитилиб турди.

Ношреван ғар-ғарлаб томоғини чайди-да, кейин этигини еча бошлади, лиқиллаб қолган кресло унинг тагида ғижирлаб турди.

Ниҳоят, ҳаммаси тинди. Ёлғиз девор соатининг чиқиллашигина эшитиларди.

Юрагини очиб сўзлаётган Анулининг ҳикояси ҳали ниҳоясига етгани йўқ.

Бир вақтлар жуда яқин бўлган дугоналар учун уч йил оз муддат эмас.

Бу йиллар ичида Анули жуда ўзгарган эди. Қизнинг бу қадар андишасизлик билан гапириши Тамарни ҳайрон қолдирди.

— Танинг ҳали ҳануз қиз боланикидай-а, азизим! Наҳотки, шу топгача бирон эркак билан яшамаган бўлсанг?

Бу сўзлардан Тамарнинг дили ранжиди.

У қип-қизариб кетди.

Алдади.

— Умрингни савил қилворасан, тентак! Болаларимиз сени тегманозик деб бекор айтишмаган. Эсингдами, Арзакан сенга «Роҳиба» деб ном қўйган эди? Ҳозир ҳам ўша роҳибалигингча қолганга ўхшайсан-а?

Анули Тамарнинг кўзига боқди. У кўз боқишлари билан Тамарнинг юрак сирларини билиб олмоқчи бўлаётгандай эди.

— Ростдан ҳам, Арзакан билан ошиқ-маъшуқлигинг қалай?— қисқа жимликдан сўнг тўсатдан сўради у.

Тамар хижолат бўлди.

— Қим айтди бу гапни? Мен билан Арзакан?.. Қанақа ошиқ-маъшуқлик?

— Ҳамма вақт шунақа ичимдагини топ, эдинг. «Қим айтди» деганинг нимаси? Ўтган куни Абхазиядан Шелегиа келди. Эсингдами? Биз билан саккизинчи гурпуада ўқирди, биз уни итбалиқ деб чақирардик. Хаҳ, оти қурғур нимаиди-я...

— Шелегианинг исми Нодар эди.

— Ҳа, ҳа, Нодар! Сепкилдор новча бола. Даднианига уйланибди. Гап шу ерда қолсини, ўша Лили илгари ҳам қараб ўтирадиганлардан эмас эди, билдингми?.. Уқитувчилари билан яшарди, шунинг учун ҳам мактабни тамомлаган-да...

Бир оз жим ётгач, қўшиб қўйди:

— Нима бўпти? У бизлардан кўра ақллироқ экан. Эрга тегиб ҳам олди. Эрининг икки қаватли уйи, шахсий машинаси ва катта тажрибаси бор. Ёзни Қисловодскда, кузни Гаграда ўтказлади. Эри молдек ишлайди. Лилининг бўлса ҳар йил жазмани янги, бунинг устига битта доимийси ҳам бор, жуда ўзиники бўлиб кетган, Лилининг эри билан бирга овга ҳам бориб юради. Бу йил учови Гаграга боришди.

— Шелегиа нима деди?— оҳиста сўради Тамар.

— Кеча у билан клиникада учрашиб қолдим. «Эрта-индин Тамар билан Арзакан бирга келишади. Иккови медицина факультетини танлашди. Эр-хотиннинг касби бир бўлгани яхши», деди.

— Ҳеч-да, Арзаканга тегишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ.

— Нима, ҳали ҳам князлигинг билан кеккайишни ташлаганинг йўқми? Худди менинг онамга ўхшайсан-а.

— Кеккайишнинг бунга нима алоқаси бор, Анули? Севиб турмуш қураман.

— Ке қўй-е, муҳаббат ҳақидаги бу уйдирмалар романчилар тўқиган ҳангама холос. Онамнинг фақат бир гапига қўшиламан: ақлсиз қизларгина муҳаббатни кутиб эрга тегмай юради. Қорни тўймаган ошиқ-маъшуқлар бора-бора бир-бирини ёмон кўриб қолади.

Муҳаббат учун-чи, Тамар, аввало, комфорт¹ керак. Камбағаллик жонимга тегди. Оиламизнинг харобалари остида ҳалок бўлиб кетишни истамайман. Яшашни истайман, роҳат-фароғатда яшагим келади! Муҳаббат бўлса... муҳаббат кейин пайдо бўлаверади.

Боя сенга айтдим, Манжгаладзе менга ёқмайди. Лекин у билан бўлсам камчилигим бўлмайди. Мабодо Жоржадзега теккудек бўлсам, у менга нима ҳам қилиб бера оларди?

— Ростдан ҳам ҳозир қаёқда у?

— Ҳали ҳеч нимадан хабаринг йўқми? У менга одам қўйиб юрди, лекин мен уни рад қилдим. У бўлса овда ўзини-ўзи отиб қўйди.

Тамар хафа бўлди.

— Қандай чиройли йигит эди-а, ўша Жоржадзе?

Тамар ўринда сал қаддини кўтариб, сочини йиғиштирди-да, бошига чамбарак қилиб қўйди.

— Сочингни ҳалигача эскича ўриб юраркансан-да! Эртага-

¹ Комфорт — маънавий қулайлик. (Тарж.)

ёқ сени сартарошимга олиб бораман, билиб қўй. Шаҳарда сочи-ни ташлаб юрадиганлар қолгани йўқ. Алвабарда ёнки Чугуре-гада узун сочли мешчан аёллар учраб қолиши мумкин.

Тағинам тбилисилик болалар ҳуштак чалиб майна қилишма-ганига ҳайронман.

Ундан ташқари, институтда шу узун соч билан кўринишининг ўзи ўринсиз. Шу алфозда кўринадиган бўлсанг, шуни бир карра билиб қўйки, деворий газетага солмай қўйишмайди.

Тамар индамади. Лекин унинг ҳам, Анулининг ҳам уйқуси келмади. Шунинг учун яна гапга тушиб кетдилар.

— Сени институтдан чиқаришгани ростми?— деб сўради Та-мар.

— Ҳа, чиқаришди, лекин ҳечқиси йўқ. Яқин орада князь қизи эмас, Манжгаладзенинг хотини бўламан. Бир-икки кун ичида Манжгаладзе билан ЗАГСга борамиз. Ҳозирги кунда князь фа-милиясида юрган студент қизни, «революция олдида отасининг хизмати бўлмаса» ҳаммани қўйиб институтга қўйишармиди.

Тамар ўйлашиб қолди. Бир зумгина хаёлига Арзакан келди, кейин у Тараш ҳақида ўйлаб кетди. Халқаро вагон ёдига тушди...

Агар Тарашни университетга таклиф қилишмаса, Тамар учун у ёққа йўл ёпиқ.

Зугдидига қайтсамикан?..

Аламзада отасининг вайсабини, Шардин Алшибаянинг кайф билан бидирлашини, бекорчи меҳмонларнинг ғийбатини, Херипс-нинг кабинетида операция қилинаётган аёлларнинг оҳ-зорини эшитгани борадимми...

Шуларни хаёлига келтирганнинг ўзидаёқ, юраги сиқилди.

— Ҳа, Шелегианинг айтишича, Тараш Эмхвари ҳам сенга му-лозамат қилиб юрармиш,— деди тўсатдан Анули.

Шу сўзларни айтди-ю, Тамарнинг кўзига тик қаради. Тамар қизариб кетди. Лекин ярим қоронғиликда Анули буни сезмади.

Тамар ёстиғини тузатди.

— Улгудай ғийбатчи экан, ўша Шелегианг,— ғудранди у.

— Йўқ, икковингизни бирга кўришим билан унинг сўзи ёдим-га тушди.

Менга қара, Тамар, Тараш менинг холаваччам бўлгани билан сенга ундан нарироқ юришни маслаҳат бераман. У ҳозирги ҳаёт-га сира мосланмаган. Бизнинг замонамизда бундай одамлар ҳеч нимага ярамайди.

Уни университетга чақирилиши масаласи аллақачон пучга чиқди. Утган йили у бизникида яшади, шунинг учун университет-дан юборилган хат бизникига келди. Унга бу тўғрида шу бугуноқ айтмоқчи бўлган эдим, лекин онам унамадилар. «Унга ўзим ай-таман» дедилар.

Бунга у хафа бўлади, деб ўйлайсанми? У онаси билан хола-сининг кўнглига қараб шундай қилган эди, ўзига қолса, профес-сорлик кафедрасини хаёлига ҳам келтирмасди. Унга ўзининг Аб-хазияси-ю, от билан овчилик бўлса бас,

Отаси, марҳум Жамсуг ҳам шунақа тентак эди. Йигирма ботмон ерни битта зотдор отга алмаштирган дейишади. Бизнинг Тараш хаёлпараст, хаёлпарастларга оиланинг нима кераги бор? Бу янгилик Тамарнинг руҳини тушириб юборди.

— Хабарномада нима дейилган?— сўради у титроқ товуш билан.

— Нима бўларди! Унинг тадқиқотлари бекор қилингани айтилган.

— Нега?

— Бекор қилишибди-да, замонга...— Анули тутилиб қолди.

— Нима, нима?!

— Замон талабига жавоб бермайди деб.

Тамарнинг назарида кўзини парда босиб қолгандай бўлди. У бошини кўрпага буркаб олди.

Анули ҳамон бидирларди:

— Нина Алавидзе учинчи эрга тегди, ўтган куни рўйхатдан ўтди. Тина Цхведадзе эридан ажралди. Элико Синауридзе аборт қилдирибди. Манана Анчабадзе, бачадондан ташқарида ҳомилалик бўлиб, Бокуда ўлибди...

Тамар, ўнг юзида кичкина холи кўзга ташланиб турган Манананинг ёқимтой чеҳрасини эслади. Қора денгиз соҳилида бирга бўлганлари, унинг сарвдек қомати эсига тушди...

— Ухланглар энди, қизлар, соат уч бўлди,— Армадар холянинг овози эшитилди.

Анули чалқанча ётиб ухлаб қолди. Унинг оғзи ярим очиқ эди. Унинг рангпар юзида қандайдир азобнинг тамғаси бор эди. Ухлаб ётганида у ёшига нисбатан катта кўринарди.

Тамар ёстиққа яна ҳам чўкиб олди.

Унинг хаёлида Тарашнинг юзи кўринар, унинг қайноқ эркалашлари эсига тушарди.

Кўчадан араваларнинг ғижирлаши ва: «Амо-о, ха!» деган бақариқлар, трамвайларнинг узоқда жингиллаши ва керосинчининг қўнғироғи эшитиларди.

Эскифуруш ўртача овозда чақиради...

— Мацони, мацо-они!— деб бақиради йўғон овозда эшак ҳайдовчи.

Аллақайда, узоқда, жуда узоқда ёлғиз қўнғироқнинг бир меъёрда жаранлагани эшитилди.

Тамар қўнғироқнинг жаранлаганини олти мартагача санади. Кейин уни уйқу элти...

* *
*

Эрталаб соат ўнда оқ халат кийган студентлар, шафқат ҳамширалари, врачлар гинекология клиникаси зинасидан чиқиб келавердилар. Санитарлар замбилда хаста аёллар билан янги тутилган чақалоқларни кўтариб ўтиб қолишарди. Портфель кўтар-

ган эркак ва аёллар, устки кийимларини ечиб, ялтиллаган зина-лардан сакраб-сакраб чиқиб кетишарди.

Ҳамма шошарди. Лекин шундай бўлса-да, Тамар Шервашид-зегга бир ўгирилиб қарарди.

Тамар билан Анулидан олдинда профессор борарди. У зина тутқичларини ушлаб, тўхтаб-тўхтаб нафасини ростлар ва яна йўлини давом эттирарди. Дугоналар зумда унга етиб олдилар.

Профессорнинг кўзи Тамарга тушди, лекин ёш ординаторлар сингари ўгирилиб қараш унинг ёшига муносибмасди!

Зина майдончасидаги ойнада кўринган сарвқомат қизнинг акси профессорга ёқди.

Ишга кета туриб, кутилмаганда ёш, чиройли бир мавжудотга дуч келиш қандай яхши-а? Айниқса, эрталаб. Қиз билан учрашув туфайли пайдо бўлган энгил кайфият қанчадан-қанча кўнглисиз таассуротларни қувади.

Анули дугонасининг билагини сиқиб:

— Бу киши профессор Годерели,— деб шивирлади Тамарнинг қулоғига.

Машҳур хирург нотаниш кишиларнинг кўчада, автобусда, клиникада унинг номини тортинмай-нетмай тилга олишларига ўрганиб қолган. Бошқа вақтда бунга у эътибор ҳам бермаган бў-ларди. Лекин ҳозир у улугворлик билан ўгирилди. Профессор (қиз на қобилияти ва на ташқи қиёфаси билан бошқалардан аж-ралиб турмаса-да), студентка Паржанианини таниди, одатдаги-дан кўра илтифотлироқ саломлашди. Қарға уясидай паҳмайиб турган қошлари тагидаги қора кўзларини энгил табассум ёритди.

Хирург одимини секинлатиши билан Анули унинг ёнига бор-ди-да:

— Сиздан илтимос қилмоқчи эдим, профессор, дугонам Шер-вашидзегга лекциянгизда иштирок этишга ижозат берсангиз,— деб илтимос қилди ҳайиқибгина.

— Ҳай, марҳамат,— деди Годерели ва Тамарга жилмайиб қўйди.

— Яқин ўртада тингловчи бўлиб олиш насиб этса ҳам ажаб-мас.

— Марҳамат,— такрорлади Годерели ва қадамини илдам-латди.

Иўлақда студентлар инига қайтган асаларилардай гўнғил-лашарди.

Тамар гимназияда ўқиган чоғларини эслади.

Йигитлар билан қизларнинг бамайлихотир ва эркин муома-ла қилишлари унга манзур бўлди.

Улар иккита-иккитадан бўлиб, қўл ушлашиб у ёқдан-бу ёққа юришар ёинки сўзлашиб туришарди. Йигитларнинг баъзи бир-лари лабини ёнидаги қизнинг қулоғига яқинлаштириб, кула-ку-ла алланималар деб шивирларди.

Тамар бу студентларга ҳаваси келиб қараб турарди. Қиз

Зугдидидаги хунобгарчиликни, синчков одамларнинг четандан мўралашини, қўни-қўшниларнинг фиққ-фасодларини эслади.

— Ҳамма сенинг сочингга ҳайрон бўлиб қараётганини кўр-япсанми?— деди Анули унга.

Тамар, сочи чамбарак қилиб қўйилганда ҳам, шляпаси тагига яширилганда ҳам, одамлар барибир кўзини лўқ қилиб қарашларига ишонч ҳосил қилган эди. Лекин шундай бўлса ҳам:

— Эртагаёқ сочимни қирқтираман,— деди қатъият билан.

Институт клиникаси алоҳида оғир ҳолатдагиларга мўлжалланган эди. Палаталар ёнидан ўтиб борар экан, Тамар қатор ётган янги бўшанган аёлларга чўчибгина қарар эди. Узоқдаги хонадан янги туғилган чақалоқларнинг баробар ингалаши эшитилди.

Палаталарнинг бирида аборт қилдирган аёллар ётарди. Уларнинг юзлари қонсиз, лаблари кўм-кўк, кўзлари ич-ичига тушиб кетган.

Йўлак охирида «Операция хонаси» деган ёзув қоқилган хона. Ойнавандли эшик ичкарасидан хлороформ иси келарди. Кўк-лам кезлари Қолхида ботқоқликларида юрганнингиз борми, ўқувчим? Яшилтош тусидаги халқобларни — ўйчан қора кўзларни кўрганмисиз? Бақа ва зулукларга макон бўлган қамишларнинг чирик илдиэларини-чи?

Нам буғланиш қуршовада қолган балчиқзорда ботаниклар «Қолхида париси» деб атаган ажойиб ўсимликни кўргансиз, албатта. Бу ўсимликнинг сувдан чиқиб турган новдаси бошдан-оёқ пушти гулга бурканган.

Қолхида ботқоқлигининг сукунатида гаранг бўлиб турган чоғингиз, шу гулни кўришингиз билан, тўхтаб қолгансиз ва унга тикилиб кўнглингиз ёришиб кетган.

Инсон жонининг азоби билан тўлиқ бу клиникада ҳам, врач ва студентлар Тамарга маҳлиё бўлиб қарашарди...

Студентлар билан тўлиқ аудиторияда профессор Годерелининг лекциясини тингларкан, Тамарнинг назарида, унинг қайлиги Тараш ҳам, мана шу Годерелига ўхшаш мўътабар профессор бўлиши мумкиндай кўринди. Тараш ҳам шундай юмшоқ, босиқ гапиради, уни ҳам юзлаб студентлар мана шундай, диққат-эътибор билан тинглаши мумкин.

Лекин Тарашини университетга олишмаяпти... Мана шу орзуси ва институтга кириш умидидан воз кечиш Тамарга яна ҳам оғирроқ кўринди.

Лекциядан кейин студентларни операцияда иштирок этишга таклиф этишди. Тамар ҳам қўрқа-писа Анули кетидан операция хонасига кирди.

Оқ халат кийган одамлар стол атрофида уймаланишарди. Бемор аёлнинг бети хлороформ маскаси билан ёпилган эди. Аччиқ ҳид Тамарни гаранг қилиб қўйди.

Годерелининг қўлида пичоқ ярақлади. Тамар титраб кетди ва беихтиёр кўзини юмди. Унинг кўз ўнгида Манана Анчабадзе образи намоён бўлди.

КҰҚАТ ҚОНГА БЕЛАНГАН ЭДИ

Қора денгиз бұйлаб довул турди. Тоғ жылғалари тўлиб-тошди, кўприкларни, ўтар жойларни, тегирмонларни бузди.

Қутурган Ингур Очамчир темир йўлининг анча-мунча жойини ювиб кетди. Шунинг учун Забули Окумига айланма йўл билан, денгиз йўли билан келди.

Забули Зугдидидаги ишини ташлаб етимчаларни туғилган ерига — отасидан қолган кулбага кўчириб келди. Энди бўлса Забули билан Хатуна бемор Арзаканга галма-гал қараб туришарди: чиққан ерига ялпиз босишар, эти узилган ерини силашарди.

Арзаканнинг ҳар куни иссиғи кўтариларди. У, ўшанда, кечаси билан зах ерда ётиб шамоллаб қолган эди. Узангида осилиб қолганида Араба бир неча секунд судраган чоғида, сони билан ўнг қўли қаттиқ шилиниб кетган эди.

Оёқ томирларининг шикастланганидан, бировнинг ёрдамисиз, тўшагида ҳам ўрнидан қўзғалолмасди.

Бунинг устига юракни қон қилувчи куз ёмғири эзиб ёғарди. Ёмғир эзиб ёғар, йўллар ўтиб бўлмас ҳолга келган эди...

Арзакан томонидан қорнидан яраланган Ломқац Тарба эртасига ўлди. Унинг уч оғаси ўрмонга қочиб кетди. Тарба билан Звамбая ўртасида хундорлик пайдо бўлган эди.

Теварак-атрофларда Тарбанинг уруғ-аймоқлари яшаганликдан, кўп ўтмай, қўшнилариинг ҳаммаси Арзаканнинг ҳамда унинг оиласининг душмани бўлиб қолдилар.

Аравакашлар Арзаканни уйга келтирганларида у ошхонага ётқизишларини илтимос қилди. Ҳамма вақт жаврақи отаси билан ёнма-ён бўлишни истамасди.

Уларнинг хонадони бошига тушган сўнгги кулфат Қац Звамбаяни эзиб юборган эди. У ҳеч қаёққа чиқмас, хаста ўғлидан ўзини четга тортарди.

Хатуна икки ўт орасида — жоҳил эри ва бемор ўғли ўртасида соя янглиғ елиб-югурарди.

Кун сайин янгидан-янги ташвиш тушарди уларнинг бошига.

Чежиа ишдан олиниб, ўрнига Арлан белгиланди. Шу замонақ Арлан, Арабани сотишни тақлиф қилиб, Звамбаяникига одам юборди. Қатъий рад жавоби олганидан кейин эса Арлан, Қац Звамбаяни ҳуқуқдан маҳрум этилганлар рўйхатига қўшди.

Қишлоқда порох ҳиди анқиб қолди.

Кулақлар қишлоқ совети раисини ўлдириб, ўлигини хуржунга тиқибдилар-да, ўзининг отига ортибдилар. От тонготарда қариндош-уруғлари қошига калласи олинган мурдани олиб келиди.

Ўрмонга қочган Тарбалар кетидан Киутлар йўл олишди. Уйда қолганлар ҳам ханжарини қайрарди. Ўлган Ломқацнинг оғалари эса:

«Окумида биринчи бўлиб колхоз тузган Арзакан йўлдами, даладами дуч келмаса, уйига бостириб кириб, у газанданинг терисини шиламиз», деб пўписа қилишибди.

Қоронғи тушди дегунча, Забули билан Хатуна итларни ечиб юборишар, эшик ва дарвозаларнинг ҳалқасини илиб, маҳкам тамбалашарди.

Арзакан ётадиган ошхонанинг деразаси йўқ эди. У иссиқдан димиқарди.

— Ҳаво етмайди...— деб нолирди у.

— Эшикни очинглар!

Чежиани Ачандарада икки бор ўққа тутишди. Шунга қарамай, у, Арзаканни кўргани келиб юрди. У ҳамма вақт кечқурун, юзини бошлиқ билан беркитиб келар ва шу кечасиёқ қайтиб кетарди.

Муваффақиятдан руҳланган Арлан жим турмасди.

Ун саккизинчи август куни Окуми қишлоқ совети: ҳуқуқдан маҳрум қилинган Кац Звамбаянинг икки отини тортиб олиш ҳақида кўрсатма олди.

Уша куниеқ Арабия билан Цирани олиб кетишди. Уч кундан кейин, колхоз молхонаси қурилиб битгач, қорамолларни ҳам ҳайдаб кетишди.

Забули билан Хатуна, Келеш билан кичкина Жамуга Арабияни олиб кетганларини Арзаканга айтиб қўймасликни тайинлашди.

Айғирни олиб кетгани келишганда Хатуна унга отилди ва узоқ сафарга отланганида Арзаканнинг кўзидан ўпгандек отнинг кўзидан ўпа бошлади. Кейин тинкаси қуриган аёлнинг тиззалари букилди, ерга ўтириб қолиб, узоқ йиғлади.

Кац милиционерни қовоғини уйиб қарши олди. Қўлини чўнтагига тиқиб, муштини маҳкам туккан Кац ханжарига ёпишишдан ўзини зўрға тийиб турарди.

Милиционер таниш чиқди. Отни жуда яхши кўрарди у.

— Биладан, оғайни, севган отингдан ажралишнинг қанчалар оғирлигини яхши биламан. Лекин мен кичкина одамман. Биров мендан сўраб ўтирармиди?

Кац уйга кирди. Ароқ олиб чиқиб, милиционерни меҳмон қилди.

— Отамга ялингандек сўрайман, индингача муҳлат бер...— деб илтимос қилди ичира туриб.

— Беморни Сухумига олиб бориш керак,— дея ёлғонлади.

— Индинга келгин-да, олиб кетавергин.

Лекин милиционер рози бўлмади.

— Отларни дарҳол олиб бориб, шу бугуноқ колхоз отхонасига жойлаштиришни буюришган.

Шундай қилиб у, Арабияни етаклаб кетди.

Кац Звамбая аламига чидолмай муштини тишларди.

— Лаънати қарилик, лаънати заифлик!— дея қичқирар ва бошига мушларди.

— Худонинг қаҳрини келтирма, батоно! Уйда хасга ўғлинг ётибди, батоно!— унга отилди Хатуна кўз ёшларини унутиб.

— Арзаканингни гўрга тиққанинг минг афзал эди!

Хатуна қулоқларига бармоғини тиқди-да, тиз чўкиб ёлбора кетди:

— Худонинг қаҳрини келтирма, батоно!— дея оҳ урарди у.

— Жонивор катта кўзларини тикиб, шундай маънос тикилдики, нақ худди тили чиқиб, одам каби гапириб юборадигандек бўлди, нан,— шивирлаб Забулига ҳикоя қиларди Хатуна.

Иккала аёл оғилхонада жўхорини япроғидан тозалаб ўтириб Арабиадан ажралганларига куйинишарди.

Қац Звамбая ёнғоқ дарахти тагидаги хода устида, худди тахта бўлиб қолгандек, узоқ ўтирди.

Кейин ўрнидан туриб, болта билан қайроқ олиб чиқди.

Аёллар оғилхонадаги ишларини тугатиб, ошхонага қайтиб келдилар ва ялпиз багрини саралай бошладилар.

Қац ҳамон ёнғоқ тагида болта қайраб ўтирарди.

Эрига болта нега керак бўлгани Хатунанинг хаёлига ҳам келмасди. Қишга ўтин бўлса, аллақачон ҳозирлаб қўйилган.

У ўрнидан турди, бўйрага тўкилган жўхориларни чўқиляётган товукларни киш-кишлади, этагини қоқди, эри ёнига ҳурмат билан яқинлашди ва оҳиста деди:

— Овқат вақти бўлди, батоно.

Қац Звамбая бошини эгиб ўтирганича, болта чархларди.

— Тушлик қилиб олайлик,— такрорлади Хатуна.

Қац индамай ўрнидан туриб, уй томон юрди.

Овқат устида гўштдан татиб ҳам кўрмади. Бир сўз ҳам айтмади.

Келеш билан кичкина Жаму оталарининг тумшайган чеҳрасига қўрқиб-пусиб қарашарди. Овқатланишга иштаҳалари ҳам қолмади.

Бу жимлик Келешнинг тоқатини тоқ қилди.

— Қвишора полизга кириб кетди... Эртага молларни ўтлоққа ҳайдайми, йўқми?— деб сўради у.

Қац «йўқ» маъносида бош чайқади-да:

— Йўқ,— деди зўрға.

Кейин кичкина Жаму сўз бошлади:

— Дада, Келеш усач балиқ тутди.

Келеш отанинг сеvimли ўғли эди; бошқа вақт бўлганда-ку, Келешнинг балиқ овидаги муваффақиятидан боши кўкка етарди.

Лекин у ҳозир миқ этмади.

Ароқдан қуйиб, индамай ичиб юборди.

Болалар овқатланиб бўлишди ва туришга оталари ижозат беришини кутиб ўтиришди.

— Қвишорани қачон бичамиз, дада? Бугун бичамиз деган эдингиз-ку,-- жим туролмади Келеш.

— Нима бало, товуқ оёғини ютиб юбордингми? Мунча қа-
қоғлайсан?— дўб пўписа қилди Қац Звамбая. Кейин ароқдан яна
қуйиб ичди.

Стол тагида оч мушук миёвлади.

Қац уни тепиб юборди.

— Қашқирга ем бўлгур!

Жамунинг мушукка раҳми келди. Лекин бекордан-бекорга
калтакданган мушукни бағрига босиб, эркалашга юраги дов
бермади.

Хатуна худди игна устида ўтиргандек ўтирарди.

Арзаканга кунига уч бор оёғини иссиқ сувга солиб ўтириш
буюрилган эди. Забули ёлғиз ўзи сув тўла қозонни оловдан
ололмаслигини биларди. Хатуна эрининг кўзига қараб-қараб
қўярди: овқат ея бошласа ёки ўрнидан туриб кетса эди, бориб
ишини қила қолармиди.

Лекин Қац ароқ ичиб, жўхори бўтқа қирмочига қалампир
сепиб еб ўтирарди. Қабрдай жим эди у шу топда.

Қацнинг юзи абхаз қалампиридай қип-қизариб кетган, кўз-
лари (қўлга тушган қирғий кўзидай) ялтирарди.

Қоронғи туша бошлади.

Оғир хаёллардан ўзига келган Қац Хатуна томон юзланиб:

— Бор, беморингга қара,— деди.

Хатуна ундан бундай сўзларни кутмаган эди: шунча кундан
бери, бирон маротаба бўлсин, ўғлингга қара, деб жўнатгани
йўқ эди. Аксинча, бутун вақтинг Арзаканга қараш билан ўтиб
кетяпти деб жаҳли чиқарди.

Бундай юмшоқлик Хатунага ғалати туюлди. Эри томонидан
қанчалар сиқилган бўлмасин, бу гаплар тагида гап борлигини
ҳис этди.

Хатуна ўзини эшитмаганга солди-да:

— Нима деяпсиз, батано?— дея қайтариб сўради.

— Урнингдан тур, ўғлингга қара деяпман.

Хатунани совуқ тер босди.

«Тарбалар бизниқига бостириб келаётган бўлса-я? Ёки Қац-
нинг ўзи мастлик билан бирор даҳшатли нарса бошламоқчи
бўлса-чи?»

Ваҳиманинг зўридан тиззалари букила бошлади.

Қацнинг ғазаби қайнади:

— Бўл, қимирла, тезроқ бўл!— деб қичқириб юборди.

Сўнг столга шундай муштладик, идиш-товоқлар жаранглаб
кетди. Болалар қўрққанларидан ғужанак бўлиб олишди. Жа-
мунинг кўзидан дувиллаб ёш оқиб кетди.

Арзакан онасини кутиб ётарди. Хатунанинг кулбага киргач
мулойим сўз айтмагани ва ҳатто унга қайрилиб қарамаганига
ҳайрон бўлди.

Онасининг қора рўмоли ечилиб кетган, учлари осилиб ётар-
ди. Хатуна ўчоқ бошида уймаланишар экан:

— Қаёққа кетди-я, бу пақир?— дея ғудранарди.

Арзакан эса пақирнинг ҳар вақтдагидай, ўчоқ қошида турганини кўриб ётарди.

Кейин онаси чўккалади-да, рўмолининг учини боғламай пақирни юва бошлади. Унинг елкаси титрарди.

Тўсатдан пақир ювишни қўйиб ўрнидан турди, эшикни қия очиб ҳовлига қаради. Қац Звамбая бир қўлида болта, иккинчи қўлида арқон сиртмоғи, иккала ўғли билан қўтос ва ҳўкизни қувлаб юарди.

Келеш билан Жаму таёқ силкитишиб, югуриб-елиб юрган қорамолнинг йўлини тўсмоқчи бўлишарди. Ҳўкизлар думларини кўтариб, қўрқиб, у ёқдан-бу ёққа қочишарди. Қўрқувдан қутурган қўтос югура келиб четанга урилди. Тушовланган эчки аянчли маъраб, ҳовлида гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа чопарди.

Қалт-қалт титраган Хатуна жон ҳолатда совуқ сув солинган кўзачага ўзини отди, (бирор жойга ўт тушмадимикан деб ўйлаш мумкин эди), қозонга сув қўйди, қўлини тиқиб кўриб, Забулини чақирди.

Улар биргалашиб қозонни кўтаришди ва Арзаканнинг оёғини сувга солдилар.

Хатуна Арзаканни Забули ихтиёрига қолдириб, яна эшик ёнига югурди ва ҳовлига қаради. Қаради-ю, кўрган кўзига ишонмади. Кўзини ишқалади. Худди шу дақиқа Қац Звамбая болта билан қўтоснинг бошига бир туширди. Қўтоснинг боши ёнғоқ дарахти тагига учиб кетди.

Хатуна ғужанак бўлиб олди, бадани жунжикиб, пати юлинган урдакдек бўлиб кетди. Даҳшатдан бошидаги сочи тик бўлиб, рўмолини кўтарганини ҳис қилди.

Эс-ҳушини йўқотиб, бир алфозда ўғли тўшагига судралиб борди, Арзаканнинг орқасида туриб, қўлини унинг пешанасига қўйди-да, тутилиб-тутилиб:

— Иситманг йўқми, нан?— деб сўради.

Ҳовли томондан ҳўкизнинг маъраши эшитилди, кейин жимиб қолди.

Хатуна бу маъраган Цабла бўлса керак, деб ўйлади, Келеш уни шу томонда арқонидан ушлаб турган эди.

Арзаканнинг оёғини артиб қўйиш учун сочиқ изларкан, ёғи билан кўз ёшларини арта-арта унсиз йиғларди.

Ҳовли томондан яна маъраган овоз эшитилди.

Хатуна эсанкираб қолганидан, тўшак ёнида бетоқат ивирсирди. Кейин ўзига келиб, қозонни тортиб чиқара бошлади.

Белига бирдан оғриқ турди.

Забули югуриб келиб унга ёрдамлаша бошлади, икковлон бир амаллаб қозонни бурчакка олиб бориб қўйишди.

— Ялпизни тайёрла,— илтимос қилди Хатуна.

Ўзи бўлса ихтиёрсиз пақир чеккасини силар, кўз ёшлари юзини ювиб, шашқатор оқиб тушарди.

Ҳовли томондан бўкирган овоз эшитилди.

Қутилмаганда Забули жинчироқни тушириб юборди. Вақт-

дан фойдаланиб Хатуна эшик ёнига югуриб борди. Қараса, Арзаканнинг ҳўкизи Қвишора кетидан Қац билан икки ўғли қувалаб юрибди.

Қвишора бир ирғишлади-да, четандан ошиб, қочиб кетди.

Хатуна енгил тортди. Учоқ бошига қайтди, пақирда қайнаётган ялпизга човли солди. Бирдан, тутиб олинган эчкининг юракни ларзага солувчи маъраши эшитилди.

Забули жинчиروқни ёққанда, Хатуна Арзаканнинг ранги оқариб кетганини кўрди. У нафасини ютиб, қора шифтга кўз тикиб ётарди.

Кейин худди ухламоқчи бўлгандай кўзини юмди.

— Бориб қарангчи, отамга нима бўлди,— деди онасига ва девор томонга ўгирилиб олди.

Кечки овқат вақти аллақачон ўтиб кетган эди.

Хатуна зинадан уйга кўтарилар экан, болохонадаги столда сигир, қўтос ва ҳўкизларнинг қонга беланган каллалари ётарди.

Ранги оппоқ оқариб кетган Келеш билан Жаму қарағай тутатқи ушлаб туришарди.

Қац Звамбая чўккалаб қўтос терисини тузларди. Ерда эчки калласи ётарди.

Севимли жониворларнинг очиқ қолган кўзларида ҳадсиз азоб ва таънани ўқиди Хатуна.

Сигирнинг калласи сира ўзгармаган эди. Сигир сўник кўзлари билан, аввалгидай, итоаткорона ва ювош боқарди.

— Нималар қилиб қўйдинг, батона!— дея оҳ уриб юборди Хатуна қўллари билан юзини беркитиб.

* *
*

Қолдан тойган Қац Звамбая ухлаб олиш умидида бўйрага чўзилди.

Лекин кўзи илинди дегунча, сигир, қўтос ва ҳўкизларнинг ўлгандан кейин очиқ қолган кўзлари кўринарди...

Бу манзара борган сари яқинроқдан кўринарди; жониворларнинг маъюс, нам кўзлари Қац Звамбая атрофида доира чизар, улар ўртасида иблис рақс тушарди — эчки каллалик, ингичка оёқ, тийрак иблис ҳиринг-ҳиринг куларди...

Қац чўчиб уйғонар, кўзини ишқаларди.

Кейин уйқу уни яна элитарди, ухлаб кетди дегунча, яна қотиб қолган нам кўзлар қуршаб олар, эчки шохли иблис қоронгида яна рақс туша бошларди...

Арзаканнинг ҳўкизи қайтиб келганида, тун яримдан оққан эди.

Ёнғоқ дарахти ёнига борди, оғалари қонига беланган кўкати ҳидлади. Бўкирди ва олдинги оёқлари билан ер кавлай бошлади. Ҳўкиз тонг отаргача даҳшатли товуш билан бўкириб чиқди.

Шу кеча Хатуна ҳам, Забули ҳам мижжа қоқишмади.

ОЛТИН РУНО

Тун аста-секин Метехи тоғи чўққиларига қўна бошлади. Аввалига Шурис-цихе билан Саидобод чумчуқ тусига кирди. Бора-бора қора ранг олди. Шаҳар ичида электр лампалари чарақлаб ёнғач, Саидобод бутунлай зулматга чўкди.

Эски Тбилисининг Осиёга хос тор кўчаларидан, тим тагидаги деразаларини чанг босган расталаридан моғор ва тер ҳиди келарди.

Бозор оралаб пода ўтмоқда эди. Чўпонлар узун таёқ билан қўйларни ҳайдаб боришарди.

Қулоғи кесилган овчарка итлар бир-бир қадам ташлаб, поданинг икки томонида боришарди. Эчки ва қўйлар бу ерда, шаҳарда ҳам йўл бошловчи ролларини ижро этишарди.

Чўпонларнинг бошида қирғий уясидай паҳмайган папах, эгинларида узун юнг чопон. Трамвай ва автомашиналар оқими ичида улар, асир Даниил арслонлар маконида юргандай, бамай-лихотир боришади.

Чўпонлар бақириб-чақиритиб, таёқларини силкитишиб, бефаҳм жониворларни йўлга солишарди. Чангга ботган пода Куранинг лойқа тўлқинларидай, кўчанинг гоҳ у томонига йўналар, катта кўчага сиғмай, йўлкаларни эгалларди.

Кинтолар¹, дўконларини ташлаб чиққан приказчиклар ва бекор сандироқлаб юрган одамлар қўйларнинг семиз думбаларини завқ билан томоша қилишар, шохдор қўйларнинг, серкаларнинг жанговар кўринишларини мақташар, оғзиларининг суви келиб қўзичоқларни томоша қилишар, қани энди ёғлиқ шашлик бўлса эди, деб гапириб ҳам қўйишарди.

— Қаёқдан ҳайдаб келишяпти?— деб сўради Тараш ёнма-ён кетаётган Вахтанг Яманидзедан.

— Жавахетиядан Широққа ҳайдаб кетаётган бўлсалар керак.

Трамвай ҳайдовчилар кўнғироқни жиринглатар, шоферлар сигнал берардилар. Аммо поданинг кети кўринмасди. Қўй-қўзилар бағ-буғлашиб, кўча ва майдонларни тўлдириб йўртиб кетмоқда эдилар. Пода тепасида чўпонларнинг қичқириқлари, паҳмоқ кучукларнинг ванг-ванги эшитиларди.

Кекса чўпон оёғи синиб, аянчли маъраётган қўзичоқни бағрига босганича, ҳам қарғишлаб, ҳам боладек эркалаб келарди.

— Қара, сал бўлмаса трамвай босиб олаёзди,— деди Вахтанг. Метехи томон бурилишди.

Тараш қоронғида кўкка бўй чўзган Шурис-цихе қалъасига яна бир бор назар ташлади-да, Вахтангга ўгирилиб деди:

— Бу қалъа ҳақида грузин солномасида шундай дейилади: «Грек Ираклийси келибди-ю, Қала қалъаси тарафдан Тбилиси-

¹ Кинто — революциягача бўлган Тбилисидаги аскиячи, масхарабоз. (Тарж.)

га яқинлашибди. Цихистави¹ бўлса қалъа минорасига чиқиб, Ираклийни «соқоли ўсган така, ноинсоф тоғ така» деб қарғишлай бошлабди.

Буни эшитган Ираклий цихиставидан жуда аччиғланибди, кейин Даниил китобидан: «Ғарбдан така кўтарилади-да, шарқ кўчкорининг шохини чилпарчин қилади» деган сўзларни ўқибди.

Шу-шу Тбилисидан чекинибди...»

Улар қоронғи кўча билан борарканлар, чўпонларнинг бақириқ-чақириқлари, трамвайларнинг қўнғироқлари, қўй-қўзиларнинг маърашлари анчагача эшитилиб турди.

— Менимча, Осие билан Европанинг ҳақиқий чегараси Фазис эмас, мана шу Шайтон-бозор,— деди Яманидзе.

— Уша «Олтин руно»нингча ҳали кўп юрамизми?— сўради Тараш.

— У ерда бўлмаганимга анча бўлди, қаердалиги ҳам эсимдан чиқиб кетган. Лекин ташвишланма, топиб бераман.

— Ке қўй, қидирмай қўя қол; юр, яхшиси, бирор ошхонага кириб тамадди қилиб оламиз. Барибир мен ичолмайман.

— «Ичолмайман»нинг нимаси? «Руно»нинг майи жуда ажойиб. Албатта топамиз.

Ираклий кўпригида жиловланган туя турарди.

Туянинг ғамгин шалвираган лабларида чўл маъюслиги бор эди.

Эроннинг қақраган чўлларининг бу чопари тик турар ва кўзни қамаштирар даражада порлаган электр лампочкаларига кеккайиб қарарди. Укириб учиб ўтган «Форд» ҳам ғамгинлик юки остида турган туяга таъсир кўрсатмасди.

Кўмир ортилган эшаклар йўртиб борарди; унинг кетидан эса юлдузлар чарақлаган осмонга ва ойга қувонган ёш-яланглар қўшиқ қуйлаб боришарди.

Тараш билан Вахтанг эгри-бугри кўчаларда ҳамон айла-нишарди.

Вахтанг бир ертўладан иккинчисига, бир бурчакдан иккинчи бурчакка отилар, лекин ҳамма ерда ё сартарошхонага ёки китоб дўконига, ё электр асбоблари складига ённки тикувчилик артелига дуч келарди.

Ниҳоят у, тепасига «Ошхона» деган ёзув қоқилган ертўлага тушди. Зинанинг пастида, кираверишга «Олтин Руно» деб ажн-бужи қилиб ёзиб қўйилган эди.

Сурнайнинг чинқиरोқ овози, Вахтанг кетидан ертўлага кириб бораётган Тарашнинг қулоғини қоматга келтирди.

Ертўлада, тўрт музикачи кичкинагина эстрадада вазирлар каби кеккайиб ўтиришарди.

Бағбақалари осилиб кетган тепакал киши тиззалари орасига баҳайбат барабан қисиб олган бўлиб, бу чолғу асбоби қорнининг давомидай кўринарди.

¹ Цихистави — қалъа бошлиғи.

Найчи қизил юзларини шишириб, қорайиб кетган сибизғани оғзига тутиб турарди. Олакўз торчи бўлса, зўр бериб торларни чертарди. Нимжон чол ствири чаларди. Унинг ажинлар қуршо-вида қолган кўзида йигитлик ғурури барқ урарди. Бу киши тақир бошига қалдирғоч уясига ўхшаш думалоқ тушин қалпо-нини бостириб қўйган эди.

— Яшавор, Арташ!— деб қичқирди папах кийган бир найнов.

Оғзи очилган бочка атрофида майпарастрлар ўтиришар, Ка-хетия виносидан ичиб, суҳбат қуришарди.

Икки юзи қип-қизил, пуфланган самочга ўхшаш майхона эгаси эшикдан кирганлар истиқболига югурди.

— Ниманг бор?— деб сўради Вахтанг.

— Цоцхали¹, чалагажи², биқин гўштидан тайёрланган, анор суви сепилган шашлик, жўжа харчо³, бозбош⁴, лўла кабоб, қо-вурма, янги чиққан редиска,— шошиб санаб ташлади майхоначи.

Вахтанг унинг бетига қаради.

— Шошма-шошма, «Сўгалли Сакул» эмасмисан?— сўради у. Майхоначи кулиб, индамади.

— Нега индамайсан, Сакулмисан ё бошқа?

Майхоначи тасдиқ ўрнида бош ирғитади.

— Сўгалингни нима қилдинг, Сакулжон?

— Ҳозирги кунда бизга ўхшаганларнинг кўзга ташланма-гани маъқул. Қириб ташладим.

Стол ёнига қарама-қарши ўтиришгач, Тараш Вахтангнинг нақадар ўзгариб кетганини яна бир бор ҳис этди. Семирибди, очилибди. Рангининг кўкишлиги, чакак-чакак бўлиб юриши, кўзи тагидаги қорайган доиралардан асар йўқ.

Вахтанг уйда қандай юрган бўлса, шундай чиққан эди: ёқа ўрнида нақш тикилган украинча кўйлак, тугмаланадиган қўнж ўрнида — этик, борхад шляпаси ўрнида — ранги ўнгиб кетган кепка.

Майхонагача бир соат чамаси юришган эди, аммо суҳбатла-рини бежайдиган олдинги самимият йўқ.

Тарашнинг шу топгача уйланмаганлиги, Тбилисидаги квар-тирасини сотмоқчи бўлаётгани, ҳеч қаерда ишламаслиги Яма-нидзегга ёқмасди. Ишининг ўнганмаганлигига, Тарашнинг бу қадар бепарволигига, айниқса унинг жиғибийрони чиқарди. Вахтанг оғайнисини бепарволиги учун койир, ёрилмасликда айб-ларди.

— Эмиграциядан қайтганингдан хурсандмисан, Вахтанг?— унинг гапини бўлди Тараш.

— Нимасини айтай! Мен ўз мамлакатимдан, халқимга хизмат қиляпман. У ёқда, Парижда бўлса, осмон билан ер ўртасида дардисар бўлиб осилиб қолган эдим.

¹ Цоцхали — грузин таоми.

² Чалагажи — ҳукиз бўйнидан тайёрланган таом.

³ Харчо — грузин таоми.

⁴ Бозбош — грузин таоми.

Ҳаттоки тушларимда ўзинг кўнглимдадурсан,
Кўз очганим замони, кўзим ўнгидадурсан!

нола чекарди торчи.

Тараш винодан ҳўплади-да, ертўланинг зах деворларига кўз югурди. Бу деворларнинг бирига хонаки рессом қўли Тбилиси кинтоларининг муштлашувини тасвир этган эди. Ранги ўнгиб кетган девордаги кинтолар, бозорда учраб турадиган намуна-лари каби хира тортиб кетган эдилар.

Шу деворда яна қўчқор уриштириш гавдалантирилганди. Жониворларнинг уришишини томоша қилганда пайдо бўладиган жонланиш акс этади томошабинлар чеҳрасида.

Худди шу ернинг ўзида, сал пастроқда «Кееноба»—грузин маскаради тасвир этилган эди. Масхарабоз шох сағрига юз тутиб туя минган эди. Унинг бошида тож шаклидаги учли қоғоз қалпоқ, ўнг қўлида қилич ўрнида — човли, чап қўлида эса — пиёз тизилган сих. Бўйнида яхшилаб чизилган ёлғондакам маржон.

Сурнайчиларнинг бағбақалари ва бўйни ҳўкиз гарданидай қўша-қўша, қорни катта, оёқлари қисқа. Ҳаракат, маъводорлик бўш чизилган.

Қаршидаги деворда эса, тармевалар ва Тбилиси натюрморт-лари: қовун, тарс ёрилган анор, узум, нок, турли-туман ошкўк-лар кўтариб кетаётган кинтолар тасвирланган.

Лекин бу натюрмортлар булардан татиб кўрмаган кимса-нинг оғзидан сираям сувини келтиролмайди.

Тараш бурчакда майдароқ суратлар борлигини кўрди: ҳаддан ташқари узун ёки ҳаддан ташқари қисқа оёқли, бир ҳаракатда қотган қўллар, одатда, болалар ёки ёввойи одамлар шундай чизишади.

Бу ерда аллақанча нарсалар тасвирланган: авлабар гўзал-лари дейсизми, қўй-қўзичоқлар, хўрозлар, кинтолар...

Сурнай навоси тинди.

Сакул шашлик келтирди. Вахтанг иштаҳа билан ея бошлади.

— Ҳатто овқатланишга ҳам вақт йўқ. Бугун шу топгача, туз тотганим йўқ.

Кейин стаканни бўшатиб, қўшиб қўйди:

— Сенинг ўрнингда бўлсам, фамилиямни ўзгартирардим.

Тараш мийиғида кулиб қўйди.

— Фамилия — либос эмаски, уни алмаштираверсам.

Дард орттирдим ўзимга сув ичра ҳам
Менга олсв тутақар.

деб куйларди хириллаб қолган торчи.

Дўстлар оилавий мавзуда гаплаша кетишди.

Яманидзенинг отаси вафот этган эди.

— Отам оддий ишчи эди,— деди Вахтанг,— ҳатто саводи ҳам йўқ эди. Сенга салом деяпти, фалон-писмадон деяпти, деб

қариндош-уруғларим хатда ёлғон ёзишаркан. Отам бўлса, аллақачон дунёдан ўтган экан. Онам касалманд. Синглим турмушга чиқпти.— Вахтанг жим қолди-да, қўшиб қўйди:— Отамга меҳрим бошқача эди.

Кейин у, кўн заводидаги ишлари ҳақида қизиқиб сўзлай бошлади.

— Шаҳар ташқарисида ярим хароба бир бинони кўриб қолдим. Маблағ ажратишларига муваффақ бўлдим. Йил ўн икки ой лойдан чиқмай, қурувчиларнинг гирибонидан маҳкам қисдим. Янги завод режасини ўзим туздим, асбоб-ускуна топдим. Пул етмади. Яна сўрадим. Кейин қурилиш материаллари тугади. Ижрокомга югурдим, трестга бордим, хулласикалом топдим. Кўргани бир киргин. Завод эмас, сурат.

Яманидзе стаканини кўтариб, Тарашга жилмайиб қўйди:

— Сени аллақайси Шервашидзега мулозамат қиляпти, ўшанга уйланмоқчи дейишади. Ростми?

— Уйланишни ким қўйибди, Вахтанг! Ундан кўра бадбахт отам менга жон ато қилмаса яхши бўларди!

— Нега ундай дейсан? Худонинг жаннатидан кўра, ҳар ҳолда бу оламдаги ҳаёт яхши-да!

— Билмадим..

— Тбилисида қандоқ аёллар борлигини кўряпсанми, Тараш? Ҳў-ҳў! Париж аёллари булар олдидан ўтаверсин. Афсуски, бу ишларга вақтим йўқ-да! Соқол олишга ҳам вақт йўқ.

Лампочкалардаги электр нури ёруғлашди.

— Станцияга енгиллик тушди,— деди Яманидзе.— Ҳозир менинг заводимда ҳам иккинчи смена ишини тугаллади.

Тараш ўгирилиб қаради. Улардан нарироқда, қатор шишалар терилган узун стол атрофида ўтирганлар алақандай ёзувчини табриклашарди.

Тантана айбдори, бошини эгганича тамаданинг сўзларини тинглар ва у нимаики деяётган бўлса, ҳаммасига қўшиларди. (Одатда, тантана айбдори шундай қиларди-да.) Жавоб сўзида бу адиб, Руставели олдида қарздор бўлиб қолмасликка сўз берди.

Стол охирида ёшлар ўтиришарди. Йигитлар винони яширишар ва оҳиста кулиб қўйишарди. Тамадага тегажоғлик қилаётган кўринишарди.

Майхона говур-ғувурга тўлди.

Кайфи ошиб қолганлар у столдан бу стол ёнига келар, бир-бирларини вино билан сийлашар, офтоб ҳаққи қасамёд қилишарди.

Кинтога ўхшаб кийиниб олган кимса рақс тушарди.

— Ҳали ҳануз борми бу кинто?— сўради Тараш жилмайиб.

— Ҳалигача бор ишқилиб; бу томонларда карачохели¹ ҳам, қуролсиз усталар ҳам, кўкфурушлар ҳам, косиблар ҳам топила-

¹ Карачохели — революциягача бўлган Тбилисининг ҳунармандлари.

ди. Эски Тбилиси харобалари оралаб санғишади. «Олтин руно» га ўхшаш ресторанлардагина сурнай, баётнинг шикаста овозини эшитасан.

Вахтанг Сакулни ёнига чақириб яна вино сўради.

— Яшавор, Арташ!— деб қичқирди рақс тушаётган киши мувикачига ва майхона бўйлаб яна рақс туша кетди.

— Сурнайни ёмон кўраман,— деди Тараш.— Бу куйлардан Эрон чўлларининг ғам-андуҳлари ёғилади.

— Мен сурнай овозини эшитсам, аъзойи баданимга тигроқ туради,— деди Вахтанг.

У Тбилисини «Шарқнинг Парижи» деб мақтана кетди, станканини кўтариб:

— Ана энди, грек шоҳи Ираклийни қарғишлаган ўша Цихтавининг саломатлиги учун кўтарамиз!— деб хитоб қилди.

— Ҳай, шундай бўлса бўла қолсин,— деб гўлдиради Тараш ва стаканни бўшатди.

Икковининг кайфи анчагина ошиб қолган эди.

Ҳамма нарса: музикачиларнинг, грек императорнинг, Сакулнинг, кинтонинг, эрон шоҳи, хўрозлар ва қўйларнинг қораси айқаш-чайқаш бўлиб кетди.

Вино тириклар билан ўликлардан тортиб, тасвири чизилган ва чизилиши лозим бўлган нарсаларгача, ҳаммасини аралаш-қуралаш қилиб юборди.

Хекалраули сувини ичдим,
Бунёд эдим Мухетани мен.
Тутдилару, қўлим кесдилар:
«Бунча яхши тикладинг» — дея.

аллақачон бу оламдан ўтиб кетган, халқ ҳали ҳануз мотам тутаётган буюк усталар тақдири ҳақида ҳикоя қиларди торчи.

ХИРА ТОРТГАН РАНГЛАР СИМФОНИЯСИ

Европада олган билими Грузия музейидаги экспонатларни тушунтиришга етарли эмаслигини Тараш Эмхвари яна бир бор ҳис этди. У равоқлардаги, расмлардаги, ва устунлардаги қадим Грузин, араб, эрон, арман тилларидаги ёзувларни ўқиёлмасди. Грузин, рим ва грек тангаларининг чиқарилган вақтини аниқлай олмас эди.

Оппоқ халдей¹ бургути, қизил метиндан ясалган грузин қўйлари, грузия шоҳлари ва эриставлари тасвирланган барельефлар — қадим маданиятнинг бу қолдиқлари Тарашнинг хаёлини олиб қочарди.

¹ Халдейлар — Қадимда Вавилония пасттекислигида яшаган одамлар.

Синчков Каролина ўзини қизиқтириб қолган ёдгорликлар ҳақида суриштирарди. Тараш гоҳ индамай қўя қолар, гоҳ фанда мавжуд бўлган тахминларни такрорларди.

Тамар учун буларнинг бари хитой алифбесидай, тушунилиши қийин нарса эди. У одатга кўра Тарашни индамай тинглар, унутилган зулмат ичидан сузиб чиққан буюмлар ҳақидаги ҳикоясини қачон тугатаркин дея, сабрсизлик билан кутарди. Соат олти яримда Анули билан учрашишга келишиб олганлиги туфайли, ўқтин-ўқтин соатига қараб қўярди.

Византия кесарлари¹, грузин подшоҳлари, эрон шоҳлари, Грузиянинг ҳисобсиз князлари, авлиёлари, монахлари ва феодалларининг қиёфалари экрандаги кинокадрлар каби лип-лип ўтиб турарди.

Улар этнография² бўлимининг Хевсур³ залига киришди. Бу ерда Тарашнинг тили эшилиб кетди. У қисман, ўзилмий текширишларига, қисман бошқа этнографларнинг асарлари туфайли Хевсуретия билан яхши таниш эди. Каролина олдида эса, янги, номаълум дунё очилди. Тбилисидан юз километрча нарида ҳамон мажусийлик санамига топинадиган қабилла борлигига ва авиация даврида совут ва металлдан ясалган бошлиқ кийишларига ишонгиси келмасди.

Тараш ёғочга йўнилган шеърларни ўқиди, «цацлоба»⁴ ҳақида, хевсурларнинг рицарлиги ҳақида, хундорлик ҳақида, хевсурларнинг писмиқлиги ва мардлиги ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Кейин Тараш аёлларни сванлар залига олиб кирди.

Сван деҳқони яшаган хонадонни кўриб, Каролина завқланиб кетди.

— Шундай хонадонда жон деб яшардим!—деб хитоб қилди у. (Саранжом немис аёли бундай хонадон ичига кирилганда, музей макетидагидай озода эмаслигини билмас эди.)

Китобхон шундай манзарани тасаввур қилсин: оддий ўчоқ тепасидаги тутун тортадиган туйнукдан мис қозон осиш учун учи илмоқли занжир туширилган. Учоқ атрофида муайян бир тартибда, турли ўлчовлардаги ўтирғичлар ва уч оёқли стуллар қўйилган.

— Креслоларнинг энг каттаси, нақшинкори Кора Махвш қабиласининг каттасига тегишли,—деб тушунтирди Тараш.— У ёғига ёшига қараб жойлашиб ўтиришаверади.

Уй ёнида кичкина дарчали макет тўсиқ ҳам бор эди. Бунда ҳам ўша тартиб сақланган эди: молхонанинг биринчи деразаси-

¹ Кесарь — ҳокими мутлақ.

² Этнография — тарих фанининг халқларнинг келиб чиқишини, урф-одатларни, моддий, маънавий ва ижтимоий маданиятини ўрганадиган бўлими.

³ Хевсур — Грузиядаги бир вилоят.

⁴ Цацлоба — ўтмишда Шарқий Грузиянинг тоғлик районларида урф бўлган қадимий одат. Эрақк билан аёл ўртасидаги жинсий муносабатдан мустасно бўлган яқинлик.

дан энг яхши ҳўкиз калласини чиқариб турар, ундан у ёғига кичикроқ ҳўкизлар кўринар, энг охирига бориб эса — сигир ва бузоқлар пайдо бўларди.

— Жуда қизиқ-а,— деди Каролина.

Кейин сван либосини кўздан кечирдилар.

Тараш Сванетиянинг сўнгги бадавлат князи Константин Дадешкелиани кийган чоханинг нақадар катталигига Каролинанинг диққатини тортди.

— Дадешкелиани мана шу баҳайбат ханжар билан Кутанси губернатори Гагариннинг калласини олган.

Кейин Тараш қадимги диний маросимлар ҳақида ҳикоя бошлаб, худоларнинг номи билан аталиб, қатор тизилиб қўйилган харсангларни — тошга топинишдан қолган белгиларни кўрсатди.

Бунда «тош-юррак» ва майда тошлар — «болачалар» билан қуршалмиш «она-тош» ҳам бор эди. «Болачалар» харсанг тошнинг емирилган чеккалари атрофида товуқ қаноти остидаги жўжачалардай тизилишган эди.

Каролина куларди. Тараш ўйланиб қолган эди. Грек афсоналарида шунга ўхшашини ўйлаб тополмас эди.

Тамар ўзининг ҳеч нима билмаслигини ва бундай аломат нарсалар билан қизиқмаслигини сўзсизлик ниқобида яшириб, миқ этмай турарди.

Қўлёмалар бўлимига етганда у боши оғриётганидан шикоят қила бошлади.

— Бу бўлимни эртага қолдирайлик,— деб илтимос қилди у.

— Йўқ, эртага мен Татияни докторга олиб боришим керак,— эътироз билдирди Каролина.— Келишга келибмизми, охиригача кўрамиз.

Қадимги қўлёмалар бўлимида уларни, баланд бўйли, соқоли оппоқ, кўзи порлаб турган, нимаси биландир монахга ўхшаб кетадиган бўлим назоратчиси кутиб олди. Грузин инжиллари миниатюраларида Тараш, қачонлардир, худди шундай соч-соқоли оппоқ, қадди букик ҳаворийларни кўрган эди.

Назоратчи калит қидириб кетгач, Тараш:

— Тавба, кутубхона ва музейларнинг ходимлари бора-бора кўланкага ўхшаб қолишади-я,— деди Каролинага.— Худди китобдаги суратлар ёки миниатюралардан жонланиб чиқиб келган кимсалардек товушсиз қадам ташлашади.

Пўлат сандиқнинг оғир эшиклари очилди.

— Едгорликларингиз қайси даврга оид?— деб сўради Каролина.

— V дан XIX асргача,— жавоб берди назоратчи.

У терига ёзилган қўлёмани очди.

— Биринчи сатрларни ўқиб кўринг-чи,— илтимос қилди Тараш.

Назоратчи биринчи дуч келган сатрни ўқиди:

«Хулласи калом, ошиқ-маъшўқлар, мен шундай тез ёзаман-ки, бир сўз айтиб улгурмайсиэ...»

— Бу қўлёзма Х асрда Палестинда грузин монахлари томонидан кўчириб ёзилган... XIX асрда уни қандайдир рус сайёҳи сотиб олади. Кейин у, Петербург халқ кутубхонаси томонидан «Эфиопия кодекси» сифатида олинади. Большевиклар эса уни Грузияга олиб келишади.

Назоратчи уларга «Грузиянинг христианликка айлантирилиши»ни кўрсатганда Каролина:

— Энди сиз ўқиб кўринг-чи,— таклиф қилди Тарашга.

Тараш ҳижжалаб зўрға ўқиди:

«...шундай қилиб кесарь Ираклий қалъани қамал қилишга Жибго Эриставини қолдирди-да, ўзи Эрон шоҳига қарши уруш бошлади.

Кўп ўтмасдан ўшал Жибго қалъани эгаллади-ю, цихиставини қўлга тушириб, оғзига олтин тўлдирди, кейин эса тириклайин терисини шилди...»

Тараш ҳамроҳларига, қалъа бошлиғи кесарь Ираклийга, вронликларни енгажани каромат қилганини сўзлаб берди.

Яхшиликни каромат қилгани учун оғзини олтин билан тўлдириши, итоат қилмагани учун эса терисини шилишди.

Каролина астрология ёзувининг тўғри келган ерига бармоғини нуқди. Тараш таржима қилиб берди:

«Ун икки юлдузлар туркуми бўлади: Хут, Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадди, Далв...»

Энциклопедист шоҳ Вахтанг VI нинг ёрлиғида, Багратиони авлодининг чанғалида қилич билан перо тутган икки бошли бургут тасвир этилган эди.

— Перонинг кескириқда қиличдан қолишмаслигини хатто Багратисини ҳам билган,— деди Тараш.

У малика Тамар учун қайта кўчирилган китоблардан бирини қўлига олди, терини ушлаб кўрди-да, нега бунчалик юмшоқ, деб сўради.

— Чала туғилган қўзичоқларнинг терисига ёзилган. Шу битта китоб учун неча юзлаб қўзичоқ нобуд қилинган экан.

Қизиқиб кетган Каролина миниатюраларни томоша қиларди. Энгашган кўйи ёзиб ўтирган ҳаворийни маҳлиё бўлиб томоша қиларкан, Каролина деди:

— Ёзаётган одамнинг вазияти қанчалар чиройли.

Бу ажойиб қўлёзмадан енгилмас ирода нафаси уфурарди.

Грузин ҳарфи шаклида букилган малаклар бош ҳарф ўрнида хизмат қилишарди: кентавр-аёл чонгури чаларди; қирғовуллар, тоғ эчкилари, жайронлар, шунқорлар қанотли арслонлар, маймунлар, товуслар катта маҳорат билан чизилган эди.

— Мана бу машҳур «Пархаль хрестоматия»си,— тантана билан эълон қилди назоратчи.— Бу китобнинг тақдири ажойиб. Х асрдан бу ёғига у жануби-ғарбий Грузияда сақланиб келган. Вақт ўтиши билан бутун вилоят турклаштирилади, аҳолининг

хаммаси диний эътиқодини ўзгартиради, шунга қарамай китоб сақланиб келади. XVII асрда уни малика Мариам сотиб олади.

Кейин назоратчи полкадан XVII асрда бир деҳқон томонидан хаттотга бериб кўчиртирилган инжилни олади.

— Деҳқон хаттотга меҳнат ҳақи учун икки ботмон ер беради.

Грузия подшоси Баграт IV нинг қизи, Византия императори Михаил Дукнинг хотини бўлмиш императрица Мариам учун XI асрда Константинополда кўчиртирилган «ўқиш» китоби, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

Каттакон бу китобни қўлига олиб, Тараш, унга қайд этилган куйидаги сўзларни ўқиди:

«Ўз паноҳингда омон сақла, олло таоло,— илтижо қиларди шу катта китобни кўчириб ёзган худонинг бандаси Габриел Патарая.—...Габриел Скавели билан Габриел Хорга катта марҳамат кўрсатишди. Менга, зор бўлганимда нон беришди, Иоани Чувринди бўлса вино тутди»,— қўлёзма саҳифаларидан унинг ҳазин овози эшитиларди.

— Қадимги хаттотлар қанчалар ювош бўлишган-а,— деб хайрон бўларди Каролина.

— Кимда-ким очликнинг ёки муҳаббатнинг азобини тортмабди, ҳеч қачон ҳеч нима бунёд этмабди,— деди Тараш.

У ниҳоятда майда қилиб ёзилган, хаёлий виньеткалар¹ ва миниатюралар билан бежалган қўлёзмани қўлига олди. Ун икки ойнинг рамзи бўлмиш ўн икки шакл назокатга тўлиқ эди. Аёлсифат хушқад Марсга бурка кийгазилган эди.

— Урушнинг даҳшатли худоси Марсни қараинг-а?— кичкириб юборди Каролина.— Грузин устаси унга қанчалар латофат бахш этибди.

Марс ёнида, Виргилий ўз шеърларида тасвир этгани каби қўлида оқ қўзичоқ билан (бурка кийган) мовий кўз чўпон турарди. Унинг сўл қўлида шунқор. Унинг чўғдай қизил кўзлари ёввойиларча қувончга тўла чақчайиб, қушга қарарди.

Кейин назоратчи улар олдида Руставелининг «Йўлбарс териси ёпинган паҳлавон»нинг миниатюралар билан бежалган қўлёзмалари рўйхатини қўйди.

— Юз йилликлар тумани оша бизга кўз тикади бу сеҳргар. Унинг келиб чиқишидан беҳабарлигимиз бўлса, грузия поэзиясининг шоҳи шуҳратини сирли бир ниқобга ўрайди,— деди назоратчи. У Руставели поэмаси ёнига Саба-сўлхан Орбелиани ва Давид Гурамишвили қўлёзмаларини қўяди. Давиднинг ўзини ўзи чизган суратидан ғамгин бир чеҳра боқади. Гўё самога шикоят қилаётгандай кўзи тепага боқади.

Буларнинг учови ҳам Ватанни ташлаб кетишга мажбур бўлганларини Тараш алам билан эслади.

Подшо Вахтагнинг қонунлар Мажмуаси, битимлари, шеър-

¹ Виньетка — китоб бобларининг бошида ёки охирида солинган гул

лари рўяхати ва унинг ўғли Вахуштининг қимматли ҳужжатлари шитирлади.

Тамар соатга қарайди, лекин ҳамроҳларини шошилтиришга ботинмайди.

Тараш Каролина билан Тамарга Грузия вилоятларининг гербини кўрсатади: Абхазиянинг герби — эчки, Гурияники — тоғ эчкиси, Мегрелияники — байроқли тўнғиз (байроқда негадир кабутар сурати бор), Имеретияники — Кийик билан Ой, Қартлиники — Исонинг хитонини¹ тутиб турган икки арслон, байроқли қўй — Жанубий Грузияники, Пегас — Қахетияники...

Пўлат сандиқнинг қопқоғи оғир ёпилди. Тамар боши оғриётганидан шикоят қилаётган эса-да, Каролина қўл ҳунари бўлимини кўриб чиқамиз, деб қатъий туриб олди.

Тараш аёлларни қўлтиқлаб олди. Лекин фикр-хаёли узоқ-узоқларда эди. Бир соат ичида тасаввур ўн беш асрни кезиб чиқди. Ёзув тепасида мук тушган хаттотлар кўз ўнгида гавдалана бошлади. Кўз олдида асрлар, ҳозиргина кўргани терига ёзилган қўлёмалар сингари гоҳ намоён бўлар ва яна ғойиб бўларди, камтаринлик билан қўшимча қилган ёзувларида ҳақларига дуо қилишни илтижо қилган муаллифлар, хаттотларнинг тортичоқ овозлари эшитилиб кетарди.

«Бизни ёд этинг, ҳаққимизга дуо ўқинг, биз ҳам эдик сизнингдек, сиз ҳам бўласиз бизнингдек» — бир терига ёзилган бу ғамгин сўзлар Тарашнинг ёдига келди.

Назоратчи уларни қўл ҳунари бўлимига бошлаб кетди.

Ойнаванд шкафлар кул ранг тусдаги мато билан тўсилган эди. Бир қатор тизилган оқ тусдаги бу шкафлар мрамар тобутларни эслатарди.

Назоратчи биринчи шкафнинг пардасини сурди-да, ниҳоятда усталик билан тикилган, тўйда бошга ташланадиган шаффоф рўмолни олди. Олтин пистонлар қадалган оқ шоҳига япроқлари ложувард, зумрад тиканли тўқ қизил ғунчалар тикилган эди. Гўё ҳозиргина узилган гуллар қорда сочилиб ётибди.

Бу рўмолни кўриб, Каролинанинг кўзи ўйнаб кетди. Ҳориган Тамар ҳам гулларни кўриб яйраб кетди.

Тараш Тамарга қараб қўйди ва олтин пистонлик рўмолни хаёлан унинг бошига ёпди.

Назоратчи иккинчи шкафнинг пардасини очди.

— Бу орқага қўйиладиган қадимий ёстиқ, — деб тушунтирди у Каролинага.

Қизил меваси рангидаги матога тикилган ранго-ранг гулларга оқ маржон кўзни олар даражада нафосат бахш этарди. Рангларнинг жилваланиши бу нақшга алоҳида ҳусн берарди.

Аввалгидан бирмунча кейинги даврларда тикилган бошқа ёстиқда оқ мойчечак гуллари сидирға қилиб тикилган эди. Унинг атрофига сарғимтил-яшил тусдаги эман япроқлари ташланган.

¹ Хитон — қадимги грекларда, бир бўлак мато қабилидаги либос.

(Бу дарахт янги гуллаган чоқда япроғи шу тусда бўладн, одатда.)

Кейин улар илмоқли игна билан тўқилган зарҳал ҳошияли лечакани кўришди.

— Бу XIII асрда тўқилган тўр. —

Чинни ранг матога зарҳал иплар билан тикилган, нур сочиб турган қуёш атрофини кумуш ранг юлдузлар қуршаган.

— Мунча чиройли!— деб қичқириб юборди Каролина, майда зангори қимматбаҳо тош ва зумрад қадалган ҳаво ранг гулиспирини маҳлиё бўлиб томоша қиларкан.

Оқ шоҳига зарҳал ип билан ҳинд нақшлари тикилган, четига чинор япроқлари тизилган яна бир кўкракпеш Тамарга манзур бўлди.

Назоратчи Тамарга ҳаво ранг, оч яшил, сўлиган япроқ тусидаги атлас кўйлақларни кўрсатди.

Кўйлақлар жуда яхши сақланган эди. Лекин ўтган даврнинг гўзаллари буларни кийгани сезиларди. Ҳозир бу либослар музейни бежаётган эса-да, барибир, дафн либосига ўхшаб кетарди.

Зардўзликнинг қадимий намуналари вақт ўтиши билан яна ҳам сарғайиб кетган эди. Оппоқ зарбоф эндиликда (нобуд бўлган севгилининг «ўқув» китоби саҳифалари орасидан топилган) атир гул япроғи тусида эди. Ранглар сўлиган эса-да, уларнинг уйғунлиги ҳамон нафислигини сақлаган эди...

— Мана халқ поэзиясида мадҳ этилган кўйлақлар,— деди Тараш, келинчак никоҳ тунн княдиган марварид тугмали лола ранг кўйлақни Тамарга кўрсатиб.

Каролина тўқ қизил тусдаги аёллар чолворини кўрсатди.

— Аёлларимиз бундай чолворни XIX асргача кийган,— туншунтирди назоратчи.— Бу чолворларнинг паст қисмига узум япроқлари, айри шоҳли кийиклар, қирғовулларнинг, югураётган оҳу сурати тикиларди.

Кейин томошабинлар олдига олтин, кумуш ва ранго-ранг ипақларла тикилган, бири қип-қизил, бошқаси одам тани тусидаги чўмилиш либослари ёйиб қўйилди. Нақшлар шундайин бир маҳорат билан тикилган эдики, нақ кўз ўнгингизда ранго-ранг товланарди: бир суратнинг ўзи бир қарасангиз кийик бўлиб, бошқа қараганда эса ғаройиб гул бўлиб кўринарди.

Назоратчи уларга аёллар катибини¹ ва (саман от ёлидай қалин) заррин попукли нақш тикилган белбоғ, олтин бошоқ ва медальон билан бежалган оқ кимхоб белбоғ кўрсатди.

Кейинги шкафта чиройли сўзана сақланарди. Шулардан бирининг бир чеккасига соддагина қилиб: «Хизматингда бўлсин» деб ёзилган эди.

Қизил меваси тусидаги кўйлақларни, тўқилган енг қайтармаси, белбоғлар, кўйлақлар, княгиня ва деҳқон аёллар тиккан буюмлар томошабинлар кўз олдидан бир-бир ўтаверди.

¹ К а т и б и — аёлларнинг устки либоси.

Қишлоқ қиз-жувонларининг оқсуякларникидан қолишмаган тиди Каролинани маҳлиё қилган эди: рангларни танлашдаги олижаноблик ҳам, нафислик ҳам, ранглардаги уйғунлик ва кўзга ташланадиган бўёқлардан қочиш ҳам ўшандай.

Қимматбаҳо буюмлар сақланадиган шкаф ёнига бордилар. Қалин олтиндан ясаиб, ёқут ва сапфир қадалган салбни кўргач, Тамар ўз салбини эслаб юраги уюшди.

Каролина олмос, дур, маржон, фируза шодаларини завқ билан томоша қиларди.

Қадимги узук, исирға, билагузук, кўкракка тақиладиган — грузин ва грек тилида ёзуви бўлган иконалар, дур, ёқут шодалари, зарбоф шокилалар, бош кийимлари, маржон билан тикилган чамбарлар ялтир-юлтир қиларди.

Пардоз асбоблари шкафида олтин қулоқ тозалагич, упаэлик солинадиган кумуш нақшбандлик садаф идишлар, маржон қадалган соч тўғноғич, сочга тақиладиган тақинчоқ, турли-туман қўл ойналари, қош тарайдиган майда тароқ, кумуш қайчилар, хина эзадиган идиш, нақшланган нафис сандиқча ва кичкинагина қутичалар, нуқраланган ленталар, жужунчадан тикилган тун либослари бор эди.

Тамар маржон тасбеҳлар, қаҳрабо салблар, нуқра билан нақшланган рўмоллар, сувсар мўйнаси билан бежалган зарбоф аёллар камзули, оқ сувсар билан бежалган тўр, француз атлас кўйлаги, бадан тусидаги кўйлак, зангори тальма ва ҳоказоларга маҳлиё бўлиб тикилиб қолди...

Назоратчи кирман гиламлари, барқут сирилган сандиқчалар, фил суягидан ясалган нардлар, садаф доволар, кумуш шамдонлар, олтин ва кумуш чашкалар, пиёлалар, кумуш туздонлар, тарелкалар, оҳу, қирғовул суратлари туширилган мис, бронза, олтин ва кумуш куваларни кўрсатди...

Кейин у Тамарни келин сепи тахлаб ўраладиган рўмол ёнига олиб борди.

Ранго-ранг маржонлар қадалган, ипак нақшлар чекилган кумуш ва зарбоф матолар ялт-юлт қиларди.

Худди шу ернинг ўзига нафис хира тусдаги ипакли анор ранг, оч бинафша ранг гиламлар, нақш чекилган тўқ сариқ гиламлар тахлаб қўйилган эди.

Кейин улар тўқ кўк тусдаги, маржон ва нуқра гажим билан бежалган ложувард тамаки халталарни томоша қилишди.

— Мана бу халта коллекциямиз ичида энг қадимий намуналардан — XIV асрда тикилган, — деди назоратчи йўлбарс сурати тикилган, қадимги ҳарфлар билан шеър битилган тамаки халтани кўрсатиб.

От афзали ичида малика Даражаниннг барқутдан тайёрланган малина тусидаги ёпқиси, шоҳи жилов, майда мунчоқдан тўқилган айри қамчи, зарбоф попуқлар билан бежалган, ғаройиб ўсимлик расми тикилган от ёпқиси бор эди.

Ёпқичга қуйидагича шеър битилган эди:

Юзлари офтобдай, қомати сарвдай
Мустаҳиқ мардларнинг —
Валломатларнинг
Ҳоки пойи бўлиб яратилганмиз.

Унинг ёнида зарбоф нақш тикилган, тўқ қизил йўргак боғли •
грузин бешиги.

Грузиянинг қадим заргарлик санъати намуналари ичида Баграт Куропалатнинг баҳайбат кумуш салби, алоҳида ажралиб турарди. Булар орасида Давид Строителнинг кумуш салби, малика Тамарнинг ёқут ва инжу қадалган бўйнига осадиган салби, католикосларнинг митра¹ ва либослари, VIII—XV асрларга доир эмаль ва миниатюралар бор эди.

Назоратчи эмаль устида алоҳида тўхталади, бу санъатнинг IX асрдан XII асргача ривожлангани ва таназзулга юз тутгани сабабини сўзлаб берди, олтинга зарб беришнинг моҳир усталари Бешкен билан Бека Опизарини мақтади.

Каролина фрескалар бўлимига йўлланмоқчи бўлиб туриб эди, лекин Тараш кўз қири билан Тамарга ишора қилди. Тамар оёқ устида зўрға турган эди.

Улар индамайгина зинадан туришди. Ташқарига чиқаётганларидагина Каролина тилга кирди:

— Музей — ранги ўнган бўёқлар хазинаси экан. Биз ҳозиргина кўрган нарсаларнинг ҳар бири ортида озмунча сўнган ҳиссиётлару, босилган завқ ва ҳаваслар бўлган.

— Тарих бошдан-оёқ инсон ҳиссиёти, завқ ва ҳаваслари курашидан иборат, — деди Тараш. — Музейларда ўтган асрлардаги бўронли ҳаётдан бир парча мис, олтин ёки кумуш, қўлёзма ёки бир чимдим тўзон қолади...

Малика Тамар билан Темур, Ираклий II билан унинг ашаддий душмани Оға-Муҳаммадхон музей деворидан туриб бирига қанчалар лоқайд боқади. Гўё спектакль тугагану, бир неча маска қолиб, ижро этувчилар саҳнадан туриб кетган...

Руставели проспектида эса машиналар худди яйловдан қайтаётган ҳўкизлардай ўкирарди. Осмонда самолёт вағиллайди.

МТАЦМИНД ОЙИ

Шу куни Тамар билан Тараш Мтацминддаги ресторанда овқатланишди. Улар тоққа кўтарилишганда вақт кеч бўлган эди. Оркестр эринчоқлик билан машқни давом эттирарди.

Эстрадада ҳамманинг кўнглига уриб кетган қўшиқларни ижро этишарди. Кейин радио эшиттириш бошланди.

Улар кичкинагина стол ёнида, бир неча йиллик эр-хотинлардек аҳён-аҳёнда ундан-бундан гапиршиб ўтиришарди.

¹ Митра — православ олий руҳонийларининг бош кийими.

Тамар дақиқа сайин соатига қарарди. Бу ҳол Тарашнинг га-
шини келтирарди.

Тамар бир неча бор Анули ҳақида, ўзининг институтга кириш
иштиёқи ҳақида сўз бошлади.

— Ҳужжатларимни аллақачон топширганман, эрта-индин
жавобини оламан.

Тараш индамасди. Анулининг ҳам, институтнинг ҳам унга
қизиги йўқ!

Пастда ястанган шаҳарга кўз ташлагач, у:

— Қизиқ, августда бу тоғлар снегирь¹ тусига киради,— де-
ди.— Бу ернинг қуёнлари ҳам кузда шу рангга киради.

Тарашнинг нега энди бирдан қуёнлар билан снегирни эсла-
ганини билолмай ҳайрон бўлиб қошини чимирди Тамар.

Шу топда у яна институт ҳақида гап бошлади. Кейин:

— Анули Манжгаладзегга турмушга чиқяпти,— деди.

Тараш стакандаги чойни ичиб тугатди.

— Биласанми, Тамар, махлуқлар ичида қуён энг абжирн
бўлса керак, деб ўйлайман.

Тамар камон қошларини чимирди. Тарашнинг кўзига тики-
либ туриб:

— Биров сўзлаганда қулоқ солмаганинг қизиқ, Мисоуст,—
деди.— Қуённинг бунга нима даҳли бор? Мен Анули тўғрисида
гапирайману, сен бўлсанг, нуқул «қуён», «қуён» дейсан.

— Кечир, Тамар,— мен бир оз паришонман. Ҳаётим шун-
дай айқаш-чайқаш бўлиб кетдики, аҳёнда бир алжиб қолсам
ажаб эмас. Тинглаш масаласига келсак, диққат қилишга ар-
зийдиган нарсаларнигина диққат билан тинглайман.

— Нега бундай деяпсан, Мисоуст?

— Нега деганда фикримча шундай.

Тамар тарелкасига тикилганича овқатланишга киришди.

Тараш ғарбга кўз ташлади. Қуёш бота бошлади ва Қазбеги
қўқиси пушти парда билан қопланди. Сабдзели музлигига эса
қип-қизил ёғду тушди.

Кахетия томон чўзилган тоғлар ложувард тус олди, вулқон-
ларнинг отилиши билан ағдар-тўнтар бўлган қоялар қочиб ке-
таётган оҳуларнинг орқасидай оқариб кўринарди. Кавказ тиз-
масининг Кахетия тармоғи акварель бўёқ билан бўялгандай бў-
либ кетди.

Тбилисини қуршаган кенг даштга аста-секин қоронғилик чўка
бошлади. Поёни кўринмаган бу даштлик бўрон олдидан қора-
йиб, жимиб қолган океанга ўхшарди.

Сочига оқ туша бошлаган, лекин куч-қувватга тўлиқ киши
бирдан кексайиб қолгани каби осмон ҳам бирдан рангсизлан-
ди, дашт кул ранг тусга кирди, тоғларнинг осмон фониди кўри-
ниши бир хилда тўқ кўк тус олди.

Тараш официантни чақириб ҳисоб-китоб қилишни сўради.

¹ Снегирь — чумқуқсимон қушлар туркумидан.

Иккови сўзсизгина ўринларидан турдилар. Соат саккиз бўлган эди.

Тамар, агарда фуникулер вагониди йўлга чиқсалар, Анулини уйдан топишига умид қиларди. Анули уни албатта кутади.

Тараш бўлса пиёда кетишни истарди.

Уларнинг истаги яна бошқа-бошқа чиқди.

Тамар унга ён босайми, йўқми, деб иккиланиб турарди. Лекин шу чоқ Тараш уни маҳкам қўлтиқлаб олди. (Аёл кишини, худди ана шундай, иккиланиб турган чоғида қўлга олиш кераклигини у яхши биларди.)

— Юр, Анулиникига борамиз, танца қиламиз. Юра қол...— дея илтимос қиларди Тамар.— Қайтайлик, фуникулер билан борайлик, улгурамиз. Пойлаб ўтираман деб эди.

— Майли, зериккунича пойлаб ўтираверсин.

— Менинг танца қилгим келяпти, Мисоуст, кел, хўп дея қол...

Лекин Тараш қатъий деди:

— Сенга музейда кўрсатганларимдан кейин ҳам, фокстротга танца қилгинг келаётган бўлса, демак, сен, мен севган Тамар эмас экансан.

— Ўлгудек худбин экансан, Мисоуст.

— Ҳа, худбинман. Альтуризм¹ эса мунофиқлик.

— Яна афоризмингни бошладингми?

— Агар афоризмларим жонингга теккан бўлса, бугун кеч-қурун Манжгаладзенинг афоризмларини тингларсан.

Тамар лабини тишлаб қолди. Индамади...

Тараш сўқмоқда тўхтади. Қўлини белига тираб Тбилисига қаради.

Гўё бўрон осмондаги юлдузларни супуриб олиб, Қураинг икки томонида ястанган водийга ёйиб ташлагандай. Тепаликларда чироқлар худди қора бахмалда ётган заррин айиқтовонларга ўхшаб йилтиларди.

Тамар билан Тараш қўлтиқлашиб тоғдан тушиб келишарди. Лекин Тараш ўзини танҳо кетаётгандек ҳис қиларди. Унг қўли билан Тамарнинг билагидан тутиб кетаётган эса-да, қизнинг яқинлигини ҳис қилмасди.

Тамар бўлса бу пайт: «Анулини уйдан топа олармиканман?» деб ўйларди. Унинг тасавурида жуфт-жуфт бўлиб танца ташаётганлар намоён бўларди.

— Мисоуст, Анули биз билан таништириб қўйган доктор Теделури бор-ку, шу киши Тбилисининг энг уста танчачиси экан.

— Ҳалиям фокстротни ўйлаяпсанми?

— Сен ҳам фокстротга яхши танца тушишинг мумкин эди. Қоматинг келишган, дид билан кийинасан.

— Дид билан кийинишим рост, лекин дидсиз танчаларни ёқтирмайман...

¹ Альтуризм — бошқаларга ҳолисона ғамхўрлик қилиш.

— Фокстрот сенга нега ёқмайди?
— Бу танцани сифилитиклар¹ ўйлаб чиқаришган.
— Доктор Теделури фокстротга танца тушиш менга ярашадн, дейди.

— О-о! Сенинг докторларинг кўп нарсани билишади!
— Сенга бирор нарса ёқмай қолса, доимо шундай ўжар бўлиб оласан...

— Мен сен учун, музейда кўрганимиз сингари, грузинча нақшлар тикилган, медальон қадалган жужунча кўйлак буюртириб бермоқчиман...

— Бунақа кўйлакни кийишга ботинмайман, Мисоуст.
— Нега?

— Ҳамма менга қарайверади-да. Ҳалиям бўлса, сочим туфайли ҳамма менга худди ёввойига қарагандек қарайди. Анули сочингни қирқтир, деб маслаҳат беряпти.

Тараш тўхтади. Тамарнинг қўлини қўйиб юборди.

— Агар сочингни қирқтиргудек бўлсанг, иккаламиз орани очти қиламиз, Тамар.

— Ростданми, Мисоуст?

— Ростим. Шуни билиб қўй!

Тамар кулиб юборди.

— Шунақа арзимас нарсалар учун уришиб қоламиз деб ўйламайман.

— Бу дунёда арзимас ва катта нарсалар бўлмайди. Қоинот билан таққослайдиган бўлсак, бутун ҳаётимиз арзимагандан арзимас.

Сўқмоқ тикка пастга қараб кетди.

Бир чеккада деворга суяниб йигит билан қиз ўпишиб турарди.

Тараш яна Тамарни қўлтиқлаб олди ва қаттиқ қисди.

Улар эҳтирос ичида гангиган кўйи пастга қараб югуриб кетишди.

Ҳаяжоннинг зўридан иккови ҳам сукутда эдилар. Фақат Мтацминд черковининг оқариб кўринган дарвозаси ёнидагина ўзларига келишди.

Черков ҳовлисида кул ранг фаришталар қабр тошлари устида қотган эдилар. Қуруқ япроқлар йўқликнинг аччиқ аламини ошириб оёқ остида шитирларди.

Тараш Тамарнинг бошини ўзига тортди-да, лабидан ўпди. Лаб бўёқнинг нохуш исини ҳис этди, лекин истак шундай кучли эдики, у яна бир бор ўпди.

Ой ёғдусида Тамарнинг чеҳраси маъюс эди. Гўё куни кечагина у билан бўлган яқинликдан лаззатланган қиз шу эмасдек, Тамар бегоналардай жимгина унга қараб турарди.

Тараш бир қўли билан қизнинг белидан тортиб, иккинчи қў-

¹ С и ф и л и т и к — сифилис касалига мубтало бўлган киши.

ли билан оғир сочлари беркитиб турган бўйнидан қучди. (Шу дамда қиз сочи ҳам ер каби муздек эди).

Рангсиз, қорга ташланган чўғ сингари ярақлаб кўринган Мтацминд ойн улар тепасида шуъла сочарди.

СУЗЛАГУВЧИ ДАРАХТ

Эртасига кечқурун соат етиларда Тараш Паржанианилар эшиги қўнғироғи тугмасини босди. Кекса кампир эшикни очди. Уйда ҳечким йўқ экан. Кампирнинг айтишича, князь Ношреван бир неча дақиқага кирибди-ю, яна кетиб қолипти. Тамар, Анули ва Манжгаладзе бирга Чавчавадзе томонга чиқиб кетишибди.

Тараш Чавчавадзе кўчасига борди. Лекин уларни у ердан топмади.

Чевар уларнинг ЗАГСга кетишганини, кейин қандайдир қозларни институтга олиб боришмоқчи бўлишганини айтди.

«Институтга бориб Анулининг княжна Паржаниани эмаслигидан далил кўрсатишмоқчидир», — истеҳзо билан ўйлади Тараш.

Кекса Армадар холани ва «кўланкага айланган» князь Паржанианини эслади. «Бу янгиликка қандай қараркин қария?»

Руставели проспектига боргач, Тараш кўчада чиройли хотинларнинг кўплигига ҳайрон қолди.

Қундузи тбилислик аёллар офтобдан ўзларини олиб қочадилар, оқшомги салқин тушишини кутадилар.

Тараш ташна бўлди. Дўкон ёнида аёллар ва эркаклар боржом сувига навбатда турардилар. Тараш уларга қўшилди. Унинг кўзи Мтацминдга тушди.

Қоронғилик қўйнида Давиднинг черкови оқариб кўринарди, салб шаклида илинган электр лампалари нур сочарди.

«Ким билади, — деб ўйлади Тараш, — бу романтик тоғ қатида, шу топда, неча юз маҳбублар топишган экан!»

Тараш ўзини банд этган фикрларни қувиб, қўл силтади ва навбатдан чиқди. Проспектнинг чап томонидан йўл олди.

Яна аёллар.

Кўзлар,
елкалар,
сонлар.

Ёш қизлар оқимини кўрди у проспектда. Ориқ ва семиз, қулиб турган ва ўйчан қизлар; баъзилари рангсиз, баъзилари қипқизил. Қора, кўк, қўй кўзлар...

Шу порлаб турган кўзлар соҳибаларининг ўз маҳбуби бор.

Хув анави шошиб келаётган қиз ҳали жуда ҳам ёш. Ким билади, балки нариги кўчада уни кутиб турган йигит дарров қўлтиқлаб ҳам олар.

Анави келаётган икки қиз, сайр қилиб юрган икки йигитга дуч келишди.

Ана, юзида холи бор бир қиз жайрондай юриб ўтиб кетди. Унинг Арманистоннинг иссиқ қуёшида тобланган юзи пишган тамаки барги тусида.

Кейин оқ юзли, кўзи каҳрабо тусидаги икки қиз ўтди. Улар эгизаклар сингари бир-бирига жуда ўхшаш.

Тарашни ғалати бир маъюслик қамраб олди...

Икки маст муюлишда, тили зўрға калдираб, алланималар ҳақида баҳслашишади.

Тараш улардан бирининг:

— Эҳ, азизим, баъзи одамларнинг ҳаёти истеъдодсиз ёзувчининг романига ўхшайди. Охиригача ўқиб чиқасан-да, ўқима-сам бўларкан, деб ўйлайсан,— деганини илғаб олди.

— Бошқаларнинг ҳаёти-чи?— сўради ёнида турган, қора пахтали киши.

Лекин Тараш жавобни илғаб ололмади.

Университет кўчаси бошланди. Студентлар оқими йўлкани, баъзи жойларда катта кўчани ҳам тўлдирган эди.

Улар муюлишларда тўда-тўда бўлиб туришар, кулишар, баҳслашишар, қўшиқ айтишарди. Шунда Тараш Париждаги лотин маҳалласини, Сен-Мишель хиёбонини эслади.

Баланд бўйли, сарвқомат бир қиз ўтиб кетди. Унинг ғамгин қиёфаси Тарашнинг хотирида Элен Ронсер образини намоён қилди ва қандайдир даво топмаган алам юрагини ачиштирди.

Эленнинг сўнги мактубини бежавоб қолдирганига ачинди. Медицина институтига етди. Студентлар Тарашга ўгирилиб қарай-қарай, зинадан тушиб келишарди.

Лекин Тараш улар орасида Анулининг қизил шапкачасини ва Тамарнинг зарғалдоқ тус беретини излагани беҳуда кетди.

Биринчи қават аудиториялари бўш эди. Иккинчи қаватда қорвуллар йўлакларни супуришарди.

Қайтди. Институт дарвозаси ёнида йўловчилар билан лиқ тўлган трамвай тўхтади. Йигит-яланглар шўхлик қилиб, олдинда турганларни итаришарди.

Тараш орқадаги вагонга ирғиб чиқиб олди. Нохуш бир фикр кўнглини ғаш қилди, Анули билан Тамар ҳам шу олдинги вагонда бўлса-чи? Йигитлар уларни ҳам мана шундай қисаётган бўлсалар-чи...

Тараш трамвайдан юриб кетаётганида сакраб тушиб қолди ва проспект бўйлаб пиёда юриб кетди.

Одамлар эндигина операдан, Руставели театридан ва кинодан чиқиб келишаётган эди.

Йўловчилар уни қизиқсиниб, бошдан-оёқ кузатганлари Тарашнинг ғашини келтирарди.

Прспектни тўлдириб кетаётган оломоннинг бундай бақрайиб қарайвериши Тараш кўнглида ёлғизлик ва ғариблик ҳиссини уйғотарди. Шу чоқ Каролинани кўргиси келиб кетди. Негадир, шу дақиқа Каролина ҳаммадан кўра яқинроқ туюлди унга.

Ташналик уни қийнай бошлади. Лекин сув сотадиган дўконларнинг ҳаммаси олдида одам тиқилинч эди. Тараш навбатда турмади; у Каролина ҳали ухламаган бўлса, деган умидда меҳмонхонага шошиларди.

Зинадан кўтарила туриб соатга қаради. Соат ўн бир ярим эди.

«Каролина балки ресторандадир» деб ўйлади у. Шу томон бурилди.

Эшикдан кириши биланоқ, эстрадага яқин жойда ўтирган Тамарни кўрди.

Шу ернинг ўзида бурчакдаги стол ёнига ўтириб, боржом суви сўради. Атрофга қаради. Бир-бирига яқин сурилган икки стол ёнида Тамар, Анули, Каролина, Отар Манжгаладзе ва яна учта нотаниш аёл ўтирарди.

Оркестр фокстрот чаларди.

Театрлардан чиқиб келаётган халойиқ столларни эгалламоқда эди.

Тараш сувдан ҳўплади, пешанасидаги терни артди, эстрада томонга яна бир бор қаради ва...

Тамарнинг сочи қирқилганини кўрди.

«Сочини қирқтирибди-да!... Ҳм... Анулининг айтганини қилибди-да!.. Ҳм...»

Сўнгги сўзни Тараш овозини чиқариб гапирди.

Ҳаяжонини босиш учун сувдан яна ҳўплади. Кейин яна шу томонга қараганида стул бўш эди. Отар ҳам стол ёнида йўқ эди. Тараш кўзи билан уларни излади. Столлар оралиғида уч жуфт танца тушмоқда эди. Улар ичида Тамар билан Манжгаладзе ҳам бор эди.

Тамар фокстротнинг бир меъёрдаги оҳангига берилиб танца қиларди. Уни маҳкам бағрига босганича Отарнинг новча бўйи чайқаларди.

Отарнинг қизни маҳкам қучиб олгани Тарашнинг ғазабини кўзғарди.

Столлар ёнида ўтиргувчилар бу жуфтни кўзлари ёниб кузатардилар. Танца тугаганда атрофда қарсақ говушлари янгради. Тамарни яхшироқ кўриш учун одамлар бўйинларини чўзиб қарашарди. Танца ва винодан ҳаяжонланган эркаклар бошларини чайқардилар.

Ғазабни қайнаганидан Тарашнинг нафаси сиқиларди.

Тўсатдан қуйидаги диалогни эшитди (икки кайфи тарақ йигит сўзлашмоқда эди):

— Мунча гўзал! Лекин гаров ўйнайман, қишлоқ қизи бу.

— Қишлоқ қизи? Қаёқдан била қолдинг дарров?

— Унга қарсақ чалишганда қизариб кетганини кўрмадингми?

— Ҳа-я! Отасининг уйидан энди учиб чиққан бўлса керак-да!

Тараш уч сўмликни столга ташлади-да, ресторан даҳлизида тиқилишган одамлар кетидан кетди.

Жимгина турган Сион ёнидан ўтди.

Темир дарвоза тагида мунгайишиб тиланчилар ўтришарди. Сион кўчасининг қоронғилигида ҳам Тараш эски Тбилиси томон кул ранг тусдаги баҳайбат янги уйлар сурилиб келаётганини кўриб турарди.

Хувиллаб қолган Шайтон-бозор бўйлаб кўланкалар ўтиб қоларди.

Мевафурушлар оҳиста суҳбатлашарканлар, олтин юлдузлар сочилган осмонни томоша қилардилар.

Тараш Ираклий кўпригидан ўтди.

Исмоил мачити минорасидан сўфининг чақиргани, юлдузли осмон томон Қуръон сураларини учиргани эшитилди.

* *
*

Соат ўн икки яримда Тараш Паржанианилар уйига етди. Эшикнинг очиқлигини кўриб, ҳайрон бўлди.

Меҳмонхона, емакхонадан ўтди. Ҳамма ёқда жимлик ҳукм сурарди.

«Ухлашяпти»,— деб ўйлади Тараш ва ошхонага ўтди. Кеке кампирни уйғотди. Кампир ихраб-сихраб ўрнидан турди.

— Тамар Багратиони оғриб қолди,— деди у кўзларини ишқалай-ишқалай,— княгиня унинг ёнида. Хўжайиннинг тоби қочиб турувди, аллақаёққа чиқиб кетди. Бу орада секин мудраб олдим. Қайтиб келиб ҳам қолгандир.

Тараш Ношрewanнинг хонаси ёнига келиб эшикни тақиллатди. Эшикни қия очди.

Тўшагининг бош томонидаги креслода Ношрewan Паржаниани қимир этмай ўтирарди. Стол лампаси унинг қуйи эгилган бошини ва оқ чоҳасини ёритиб турарди.

Тараш юқоридаги чироқни ёқди. Ношрewanнинг оқ архалух билан газири қон эди. Шундоққина ёнида қонга беланган устара ётарди.

Кекени чақирди.

Кеке чўқиниб олиб, ўзини мурда оёғи остига отди, тиззасини кучиб, овоз солиб йиғлай бошлади.

Тараш кампирни кўтариб турғизди, хонани ёпиб қўйишни буюрди ва тезда келишга ваъда қилиб, қоронғи кўчадан тез-тез юриб кетди.

Авлабар майдонида милиционерларнинг қораси кўринарди. Паркка кетаётган трамвайлар ғизиллаб ўтиб турарди. Телеграф симлари гувилларди. Тараш Навтлуг шоссеси бўйлаб борарди. Шаҳардан нарироқ кетгиси келарди.

Кенг кўча борган сайин бўшаб борарди.

Унинг қаршисидан усти ёпиқ ва очиқ аравалар келар, ёнидан ўтиб кетганда нон, вино ва қорамол исини қолдирарди.

Баъзан тўлдириб юк ортилган юк машинаси туннинг битган қулоғига ўкириб ўтиб қолар, кейин моторнинг гуриллаши-ю, ши-

наларнинг шитири тинар ва мойланмаган араванинг гижирлаши-ю, уйқу аралаш: «Амо!» деган қичқириқ эшитиларди. Қоронғида қамчи визиллар, деҳқонларнинг отни нўқиб сўкингани эшитиларди.

Қўтослар бўлса кўзларини ялтилатиб, оға-инилардай жуфт-жуфт бўлиб, елкама-елка бардам юриб келардилар.

Тараш шляпасини ечиб, пешанасидаги терни артди. Шамол телеграф симларида жуда секин куйларди.

Қоронғида бирдан қаттиқ-қаттиқ гапирган одам товуши Тарашни чўчитиб юборди.

Дарахт сўзламоқда эди. Ишончли, аниқ овоз билан сўзлайди. Қайсидир бошқарманинг нутқини баён қиларди чоғи... Рақамлар, рақамлар, яна рақамлар...

Тонналар, метрлар, километрлар...

Дарахт Грузия пахтаси, Грузия чойи, Грузия ипаги, нефти, рамиси, тош кўмири, темири, пўлати, буғдойи, жўхориси, неча гектар ботқоқнинг қуритилгани, мактаблари, институтлари, касалхоналари, диспансерлари, электр станциялари ҳақида, киловатт-соат ҳақида, темир йўл ва шоссе йўлларининг узунлиги ҳақида, меҳнат қаҳрамонлари ва зарбдорлар ҳақида, янги одамлар, қурувчилар ҳақида сўзларди.

Қўтослар бўлса жуфт-жуфт бўлиб, ялтираган кўзларини қоронғида олайтириб баб-баравар шаҳар томон одимлашарди. Ўзларидан кейин нон, вино ва қорамол иси қолдириб ҳамон илгарилашарди.

ДАРБАДАР УҒИЛ

Окумидаги сарой ташландиқ ҳолга келган эди.

Нақшинкор устунлар қийшайиб кетганди. Тисдан¹ ясалган зинапоя панжаралари бузиб ташланганди. Айвон томини ёпиб турган эман резги чакка ўтавериб, чириб кетипти. Қачонлардир тепалик устида гердайиб турган оқ саройнинг сувоқлари кўчиб кетган эди.

Бувасининг катта арғувони ростдан ҳам, онаси ёзганидай кесиб юборилибди. Чинорлар билан эманлар қурий бошлабди. Қари нок дарахтини омель² чулғаб олибди, магнолиянинг шохлари эса қорнинг оғирлиги билан синиб тушибди, пихта³ни бўлса ўтган йили қишда шамол ва изғиринларда совуқ уриб кетибди.

Онаси айвонда бева либосида, букилиб ўтирарди. Кўзойнагини пешанасига кўтариб қўйиб, хонаки мовутдан тикилган кўйлагини ямарди.

¹ Тис — жанубда ўсадиган игна баргли дарахт.

² Омель — меваси оқ ва заҳарли, доим кўм-кўк турадиган бута.

³ Пихта — бир хил катта қарағай дарахти.

Цируния кампир бўлса, шу ернинг ўзида таёқ билан нўхат қўзоғини уриб ўтирарди.

Кейинги ойлар ичида онасининг сочи қанчалар оқариб кетибди-я!

Бўшашиб қолган пол Тарашнинг оёғи остида ғижирларди.

Она бошини кўтариб қаради ва ўғлини дарҳол таний олмади. Бир оғиз сўз айтмай, узоқ қучиб ўпди, Тараш юзида онасининг ёши оқаётганини ҳис қилди. Майя Гуликосини яна ва яна бағрига босарди. Онаси уни «Гулико» деб атаганида Тараш ўзини ҳамон ёш боладай ҳис қилди.

Хонага киришди. Тараш ойналарни ис босганини кўрди. Каминга мўридан чакка ўтиб турса керак. Оёқ остида пол лопиллар, қийшайиб кетган эшиклар ғижирларди.

Жуни оқиб қолган креслодан оқ този ит ирғиб тушди. Чўзилиб керишди, қулоғини қоқди, эгасини ҳидидан таниб Тарашга отилди.

Орқа оёғига туриб, олдингисини унинг кўкрагига қўйди. Ориқлигидан ўмров суюги ва қовурғаси туртиб чиқиб турарди.

Тараш Мгеликани эркалаб, бошини силади. Ит ингиллаб узун тумшугини унинг тиззасига қадади.

Она-бола шалағи чиққан креслода ўтиришарди. Ўғлининг тиззасидаги қўлини она силаб-сийпарди. Шодлигини баён қилишга сўз тополмасди.

Цируния Гуликосининг оёғи тагида сал ёнбошлаган эди.

Тараш мулойим сўзлардан қочарди. Ҳиссиётга берилиб ялашиб-юлқашини ёмон кўрарди.

Мусофирликда юрган чоғларида онаси ҳақида, ота уйи ҳақида қанчалар муҳаббат ва соғинч билан эсларди! Грузияга қайтгач эса, кампир ёнида атиги бир марта бўлди. Оиланинг барбод бўлгани унга азоб бераётганидандир бу балки. Онасига берган ваъдасининг устидан чиқолмагани учун ҳам шундай бўлса бордир.

У онаси билан энагасини Окумидан олиб кетишни истарди. Лекин қаёққа олиб кетишни билмасди. Мана энди улар орасида, бутунлай ўзи билан ўзи овора бўлиб ўтирибди.

Ҳатто ўрнидан туришга ҳам эринади. Ҳовлини, чинорлик хиёбонни, мевазор боғни айланишга ортиқ истак йўқ. Аллақайларга кетиб йўқолган болалигининг лаззатли макони хонавайрон бўлганини ўнгида кўришни истамасди.

Хонага кўз югуртирди. Ҳар бир стул, шезлонг¹, этажерка, каминь, деворлар, суратлар — ҳамма-ҳаммаси ўтган кунлардан сўзлайди. Ҳар бир бурчак хотиротларни қўзғайди, ҳар бир тирқишдан болалиги мўралайди.

Кўнглида таскин топа бошлаган ғусса яна уйғонди. Онасининг бетига оҳиста боқди.

¹ Шезлонг — ёнбошлаб ўтириш мумкин бўлган суюнчиқли стул.

Ҳа, кампирнинг ажини кўпайибди, кўзлари ичига ботиб кетибди. Юзида, чаккасида, ориқ бўйни атрофида — ҳамма ёқда ажин.

Қанақа аҳамиятсиз нарсалар ҳақида сўзлаб беряпти онаси, қаёқдаги арзимас нарсаларни ҳикоя қиляпти Цируния! Лекин шунга қарамай, уларни тинглаш оғир. Ҳатто шу икир-чикирлар ҳам унинг юрагини яралаб, оромини ўғирлайди.

Цируния шу жойга хос янгиликларга кўчди.

— Арзакан тузалди, гаёққа таяниб юрипти, — деди у. — Хатуна шамоллаб, касал бўлиб ётди, эжди тузалди. Қац Звамбаяни қамашган эди. Икки ҳафта олиб ўтириб, кейин чиқариб юборишди. Келешга тепки келибди. Қацга оти Цирани қайтариб беришди, нега деганда оёғи чиқиб кетибди.

Онаси Цирунияни кечки овқат ҳозирлашга юборди.

Лекин хачапури ёпишни Майя унга ишонгиси келмади-да, ўзи ошхонага кириб уннаб кетди.

Тараш хонада ёлғиз қолди.

Ҳаммаси ўзгариб кетди. Ахир куни кечагина бола эмасиди. Ё йўқми?

Хув анави сўрида Мисоуст деган бола ётарди, нариги уч оёқли стулда Гулико ўтирарди. Манави эрон арслони тасвир этилган гиламни Гуча қанчалар яхши кўрарди-я! Арслоннинг қандай бўлишини ҳам биринчи бор шу гиламда кўрган. Анави столда эса Тараш сўт ичган эди.

Хулласи калом, бир неча исмли Тараш Эмхвари қайта-қайта иккита қиёфада ҳис этади ўзини. Шу чоққача у битта эди, энди бўлса, ўтмишнинг қора пардаси ортидан неча ниқоб мўралаяпти-я. Шуларнинг ҳаммаси шунчалар йироқда, шу билан баробар шунчалар яқинда.

Ҳақиқий «у» — ҳозирги у эмас.

Бир қанча исмли ва ҳар турли ёшдаги.

Бир қанча қиёфада таништирилган.

Бир нарсани турли шаклда кўрсатадиган сеҳрланган калейдоскопга¹ ўхшарди.

Мана шу ранги ўчиб кетган ёстиққа миниб тўполон қилган чоғлари куни кечагина бўлгандай. Ёстиқ от эди, Тараш бўлса Эрамхут.

Деворга ёпиштирилган, ранги ўчиб кетган қоғозларга Гулико деган бола узоқ-узоқ тикилиб қолар ва аллақандай афсонавий ҳайвонлар ва қушлар кўринарди унга деворда.

Оқшом қоронғисига кўмилган каминь ёнида Мисоуст ўтирарди. Бармоқларини ўйнайди. Бошмалдоқ — Вардан Варданид-зе деган жасур паҳлавон, паст бўйли, лекин эман тўнкасидай йўғон.

¹ Калейдоскоп — ичига турли рангдаги тош ва ойначалар ўрнатиб, дурбинга ўхшатиб ясалган асбоб-ўйинчоқ.

— Тур, Вардан, қилич ва қалқонни ол, денгиз қиролидан олтин соч гўзални тортиб ол.

— Ҳой, Шергил,— буюради Тараш қорамалдоғига,— паҳлавонга йўл кўрсатиш учун йўлга туш!

— Сен бўлсанг, ҳой Шемадавле (ўрта бармоқни у шундай атайди), кўринмас қалпоқчани кий-да, денгиз қиролининг биллур мижорасига пусиб бор!

— Сен бўлсанг, Алдоқчи Қал, Қўлқиз икковинг паҳлавонларим билан бирга йўл олинг,— мурожаат қилади Мисуост номсиз бармоқ билан жимжилоққа. (Митти одамлар ҳам фалокатга йўлиққан одамга ёрдам қилиши мумкинлигини у эртаклардан биларди.)

Тараш креслодан түрди.

Отасининг қиличлари, ханжарлари, чақмоқ тошли милтиқлари тартибсиз осиб қўйилган эди. Фотосуратларга пашшалар ўтириб ташлаган. Погон таққан, тўраларча тик қотган Эмхвариларнинг барчасини жуда ранги ўнгиб кетган эди. Қора соқолли, қадди нозик, кенг елкали баҳодирлар. Тараш қачонлардир мана шундай қора соқол ва оқ погонларни орзу қилган эди.

Қилич — эр киши учун энг яхши безак, деб биларди.

Суратларга яқинроқ борди. Эрамхут Эмхварининг суратигина бўёқларини йўқотмаган.

Эполет тақмаган, қора чохали баҳодир. Мана ҳозир сўзлаб юборадигандай турибди.

Губернатор ёинки улус бошлиғи отасининг олдига меҳмон бўлиб келганида, онаси билан холаси, меҳмонхонадан Эрамхутнинг суратини олиб чиқиб кетишганини эслади. Ҳатто ўлиб кетганидан кейин ҳам чор ҳукумати ҳокимларидан яшириниб бўрди у.

Шусиз ҳам афсонавий бўлиб кетган Эрамхут Эмхварини кўзлардан йироқ тутиш керак эди.

«Агарда шонрининг сўзлари-ю, рассом бўёғи ва афсонасининг хаёли ёрдамга келмаса, жанговарликнинг ёлғиз ўзи қаёққа бора оларди? Жанговарлик мана бу оқ эполетлар мисол ранги ўнгиб кетар, торлари узилган мана бу чонгури сифат жимиб қоларди»,— деб ўйлади Тараш ва дераза пардасини очди.

Ўркак-ўркак булутлар зангори осмонда ғарбга томон шу қадар паст сузардиларки, гўё чинорларнинг учига тегиб кетаётгандай туюлишарди. Қўлини чўнтагига тикқанича Тараш хонада у ёқдан-бу ёққа юрар, тарқоқ фикрлар ҳиссиётларини сиқиштирарди.

Шкаф ёнига келди.

Полкаларда йиртиқ муқовали китоблар Париж ва Тбилиси букинистларида кўргани мисол бетартиб юмалаб ётарди:

Зарҳал берилган энциклопедиялар, география атласлари,

Романовларнинг юбилей альбомлари, Сабининнинг «Грузия жаннати», сонсиз-саноқсиз авлиёларнинг «Ҳаёт ва қийноқлари», пазандалар китоби, ошқозони касалларга маслаҳатлар, дуолар тўплами, карабадинлар...¹

Тараш чанг босган саҳифаларни варақлай бошлади, у ер-бу ерда отасининг белгиси учрарди. Бегона тупроқда унутилиб қолган отасини эслади.

«Стратегия қўлланмаси» ичидан Георгий орденлари ленталари, мактублар, пасха ва янги йил табриклари тушди. Рус генераллари ва руслашган Грузия князларининг номлари чанг билан қопланган эди.

Юқоридаги яшикни очди. Эски векселлар, туғилиш гувоҳномалари, васиқалар ва яна табрик мактублари-ю, таъзияномалар.

Мана шу тартибсиз архивда у тўсатдан қоғоз ўрамини топиб олди. Қаёқдан келиб қолди экан бу? Дераза ёнига борди, ёзиб қаради.

«...Худонинг иродаси билан подшоҳлар подшоҳи Тамар Багратионидан...»

...Вазиримиз Антоний Чкондидели, архиепископ ва маориф министри бизнинг ҳузуримизга, содиқ хизматкоримиз, ўз номи-ни, шунингдек, бизнинг номимизни ҳам шуҳрат-ла буркаган, садоқатли қўшинларимиз султон Рукниддинни Карну шахридан қувиб чиқарган ёз фасли донг таратган саркардамиз Вардан Эмхварига илтифот қилиб, ушбу ёрлиқни тақдим этишимизни сўрашган. Шу хизматларни инобатга олиб, ғарб томонда Ингур дарёсидан Келасуригача баланд-пастликлари, тоғлиқ ва ўрмонларидан тортиб ялангликкача бутун ер-заминни тортиқ қиламиз...»

Онаси Тарашнинг ёрлиқни ўқиб тургани устидан чиқди. Тараш онасининг бир хил бўлиб кетганини сезди.

— Кимнинг ёрлиғи бу, Гулико?— сўради она хачапурини столга қўя туриб.

— Малика Тамарники,— жавоб қилди Тараш қоғоздан бош кўтармай.— Нега сўраяпсиз, ойи?

— Узим шундай, болагинам, католикосникими дебман.

— Католикоснинг ёрлиғи қани ўзи?— сўради Тараш қизиқсиниб.

Майя негадир ҳаяжонлана бошлади-да:

— Билмадим, қаёқларда қолиб кетди экан,— деб қутулмоқчи бўлди.

Кейин очигини айта қолди.

— Ёрлиқ ҳамма вақт шкафнинг пастки яшигида ётарди. Яқинда изладиму, тополмадим. Ким билади, балки бечора отанг бошқа қоғозлар билан қўшиб ола кетганми.— Тараш

¹ Карабадин — қадим грузин медицина китоби.

қандайдир ўроғлиқ қоғозни эс-эс биларди. Ёрлиқни излаб топишни онасидан ялиниб сўрай бошлади. Онаси пастки яшиқнинг калитини йўқотиб қўйганман, деб онт ича бошлади.

— Хачапури совиб қолади. Аввал озгина овқатланиб ол, кейин излайман.

Овқатланиб бўлишди. Тараш, қилаётган ишим учун зарур деган баҳонада эски ҳужжатларни суриштира бошлади.

Калитни изламаган жойи қолмади, лекин тополмади. Қўлфни бузмоқчи бўлган эди, лекин тис тахтасини кўзи қиймади.

Католикоснинг ёрлиғида нима ёзилган эди, дея онасидан суриштира кетди Тараш.

Онаси бу мавзудан унинг эътиборини олиб қочиш учун Ношриваннинг фожиавий ҳалокати ҳақида сўз очиб, Анулини қарғай бошлади.

Кейин Кац Звамбая оиласига кўчди.

— Сут эмизган онанг билан тарбиячингни бориб кўр,— деб маслаҳат берди она.— Арзакан отаси хонадонини ағдартўнтар қилиб ташлади. Аралашмасанг бўлмайди. Ота билан ўғилни яраштириб қўй. Қуни кеча Арзакан ҳам сени суриштирган эди.

Тараш винодан ҳўллади.

— Ойи, ўша Вардан Эмхвари ким бўлган эди?— сўради у.

— Нега мунча бу ўтиб кетган тарихга ёпишиб олмасанг, ўғлим! Дадангнинг айтиб беришича, Вардан Эмхвари оиламизга асос қурган одам. Бошқа ҳеч нима билмайман.

Қоронғи туша бошлади. Майя билан Цируния каминь ёнида тўр тўқиб ўтиришарди. Тараш креслога, улар ўртасига ўтирди.

Тўқиш билан машғул бўлган кампирлар ўртасида ўтириш унга ором берарди.

У қариндош-уруғларини суриштира бошлади.

— Қайхосро амаки Преображение¹ арафасида кўргани келди,— сўзларди онаси.— Цируния уни табаррукланган узум билан зиёфат қилди. Қайхосро амаки овқат устида битта товўз оёғи-ю, бир шингил узум еди ва бир стакан вино ичди. Кейин...

Майянинг кўзида ёш пайдо бўлди.

— Кейин ҳув нави сўрида ухлаб қолди-да, қайтиб уйғонмади шўрлик...

— Қайхосро амаки ўша кўни Мисоустни кўп тилга олган эди,— давом этди Майя, — ҳар ёз сенга атаб лочин ўргатарди. Кузгача кутарди, келавермаганингдан кейин лочинни қўйиб юборарди.

«Мисоустим Эрамхутга ўхшайди. У ҳам лочин ва шунқорларни яхши кўрса керак»,— дерди в. Бултурги лочинни Преображениегача сақлади. Қайхосро амаки ўлгандан кайин ким

¹ Преображение — Христиан байрамларидан бирининг номи.

хам қарарди бу қушга? Цируния қўнғироқларини ечиб олди-да, учириб юборди.

Майя яна Теймураз Эмхвари фарзандсиз ўтганини, Лиза хола юраги ёрилиб ўлганини сўзлаб берди.

— Ота авлодингдан уч қари қиздан бўлак ҳеч ким қолмади. Вардан Эмхвари авлоди тақдири эди сенга боғлиқ, ўғлим, Шунингдак, она авлодингнинг ҳам умиди сендан.

Цируния бу йил Окумида малануроба¹ ўтказилажагини шивирлаб сўзлади.

Хонада моғор ва зах иси анқирди. Цируния олов ёқди. Она ыа ўғил каминь ёнида тун яримдан оққандан кейин ҳам узоқ ўтириб қолишди.

— Эсингиздами, ойи, йигирма йил илгари шу ерда ўтирганимиз? Унда сочингизда биронта ҳам оқ тола йўқ эди.

— Битта ҳам, Гулико.. Сен омон бўлсанг бас, соч оқарса оқаравермайди!

— Манга эртак сўзлаб берганларингиз эсингиздами? Қани, айтинг-чи, энг яхши кўрган эртагим қайси эди?

— Эртак экан-ку, ўнгимда кўрган-кечирганларим ҳам унвтилиб кетди, Гулико!

— Менинг эсимда.. «Осмондаги минора» ҳақида эди,— номи шундай эди. Ўша минорада бир гўзал қиз бўлган экан, қандайдир бир баҳодир уни севаркан.

— Ўша баҳодирнинг олтин тиши бўлган экану, гўзалнинг сочи олтин экан,— эслади Майя.

— Кейин шайтон гўзал қизни йўлдан урибди, қиз олтин сочини қирқибди, баҳодир эса қиздан воз кечибди.

Майя ангишвонасини тушириб юборди. Тараш уни ердан олди.

— Қоғоздан қайиқ ясаб халқоб сувда оқизганларимиз эсингиздами, ойи? Гўё улар пароходу, мен эса, бу пароходларда сизга сандиқ-сандиқ олмослар келтираман.. Мана, шунча жаҳон кезибману, қуруқ қўл билан қайтибман-а!..

— Сен мен учун олмос тўлдирилган сандиқлардан кўра қимматлисан, Гулико!

Тараш бошини қуйи солди.

МАЛАНУРЛАР КЕЛИШДИ

Лукая Лабахуа эрталаб, Майя билан ўғли нонушта қилиб ўтирганда Окумида пайдо бўлди. У шилтаи-шалаббо бўлиб ивиб кетган, тиши тишига тегмасди. Ингурдан ўтаётганда, аравакашлар майнабозчилик қилиб, уни сувга ағанатиб юборишибди.

— Қаёққа бунча шошилмасанг?— сўради Майя.

¹ М а л а н у р о б а — Мегрелияда халқ байрами,

— Эртага малануроба,— шивирлади Лукая сирли бир нар- сани эълон қилаётгандай.

Тараш жилмайди. У Тбилисидан киноэкспедиция юборил- ганини, малануроба кинога олинажагини эшитган эди.

Тараш чолга арақ қўйди.

Лукая аввалига рад қилиб турди, кейин ичиб юборди-ю, лекин ҳамон қалтирарди.

Тараш унга ўзининг кул ранг костюмини келтириб берди. Майя довдираб қолди, ҳатто қўлидан қошиғи тушиб катди-ю, лекин миқ этмади.

Иккинчи стаканни ичганидан кейин Лукаянинг анча- гина кайфи ошиб қолди. Янги либосни кўриб, қисиқ кўзлари ёнди.

Бутун умр Лукая Лабахуа Шервашидзелар оиласининг э- кисини кийди. Чевар ҳеч қачон либос тикиш учун ундан ўлчов олмаган, янги либос кийганда ҳис қилинадиган шодлик унга ёт. Негаки, у ҳамма вақт бировнинг эскисини кияди.

Чашкадаги чойни нари суриб, Лукая шимга маҳкам ёпишди.

— Ҳе-е...— дея кулди у.

Тараш уни ёндаги хонага олиб кирди.

— Шимни тасмасиз қандоқ кияман, ҳе-е?— гўлдирайди у.

— Тезроқ кийин, шамоллаб қоласан,— шошилтирди Та- раш.

Маълум бўлишича, Лукаянинг ич кийими йўқ эди.

Тараш ич кийим олиб чиқди.

Ич кийимнинг нимага кераги борлигини Лукая сира ту- шунмасди.

Унинг ориқ, кўкариб кетган гавдаси Тарашга византия ико- наларидаги Исо танасини эслатарди.

Ахири чол ҳаддан ташқари узун шимни чигиртка оёғидек ориқ оёғига кийди.

Ёқа тутишни қатъий рад этди.

— Ҳали замон, битта-яримта бўғиб қўймасин мени тагин!

Шляпани ҳам олмади.

— Шляпа ўқиганларга ярашади,— деди Лукая ва лочин уясидай паҳмайиб кетган папахини бошига қўндирди.

Тарашнинг Окумида мана шу Лукаяга берганидан бўлак костюми йўқ эди. У онасидан отасининг чоҳасини олиб бериш- ни илтимос қила бошлади.

Майя ташвишланиб:

— Марҳумнинг либосини кийиш яхши эмас,— деди.

Лекин ён бериб, чоҳани келтирди.

Тараш нафталин ҳидини ҳис қилди. Унинг назарида нафта- линга мурда иси, Париж қабристонидан отасини сўнгги бор ўп- ганда тўйган иси қўшилгандай эди.

Белидан тасма билан сириб қўйилган чолвор кийди. Лукая этикка ўрдак мойи сурди. Шундай бўлса ҳам Тараш этикни

кийиб олгунча бир соат вақт ўтди. Кейин архалухини қадаё бошлади.

Ниҳоят, чохани кийиб олди-да, онаси ёнига чиқди.

Майя йиғлаб юборди. Уғлимиди бу ёки бир вақтлар отаси Шергил Даданининг ҳовлисида отни тўхтатган ёш қайлиқ — бунга ҳисоб бера олмай, у ўғлини бағрига босиб ўпди. Унинг бутун умри — эрининг ёлғиз ўғли билан бегона юртларга қочиши, Окумида тўққиз қишни қоронғи кечалар ёлғизликда кечиргани, ташвиш ва кўз ёшлари-ла тўлиқ туш бўлмадикан?

Нам кўзларини артди. Қарасаки, кўз ўнгида чинордек қоматли азиз ўғли, унинг ҳаёти, таянчи ва овунчоғи экан бу.

Ҳозиргина у девога Лукаяни (Тарашнинг костюмини кийгани учун) қарғишлаётган бўлса, энди хушхабарчи Лукая Лабахуани (юрагини қувонч-ла тўлдиргани учун) дуо қиларди.

Лукаяни стулга ўтказиб қўйиб, Тараш унга яна ароқ қуйиб берди.

— Сизникилар қалай?— сўради у.

— Ҳамма шуригеларингнинг умри узок бўлсин, — деди Лукая қадаҳни кўтараркан. Кейин жулдурлари томон отилди, уларни титкилай-титкилай гижимланган хат олди.

«Сизнинг Тбилисидан тўсатдан кетиб қолганингиз мени ҳайрон қолдирганини яширмайман, — деб ёзарди Каролина. То шу пайтгача сизни яхши биламан деб юрардим. Сизнинг баъзи ғалати қилиқларингизни ҳисобга олмаганда, сиз руҳан менга яқинсиз. Шунинг учун ҳам, ҳар ҳолда, сизни яхши билишим керак, деб ўйлайман.

Лекин сизнинг шундай одатингиз борки, афсоналардаги олтин илон мисол, қўлдан сирғилиб чиқиб кетасиз. Ундан ташқари, сизнинг баъзи ҳаракатларингиз мени боши берк кўчага кiritиб қўяди.

Маданиятнинг умумлиги инсон дилини тушунишга калиб бўлмайди, деб балки сиз тўғри айтгандирсиз.

Сизнинг ғойиб бўлишингиз мени хафа қилди.

Тбилисида сиз билан Тамар ўртасида нима ўтганини билмайман. Лекин ишонингки, жиддий воқеа рўй бергани тақдирда ҳам, менда — одобу, Тамарда — ичидагини айтмаслик етарли бўларди.

Сир тутиш грузин қиз-аёлларига хос хусусият экан. Муҳожирга, одатда, грузинлар — кўнгли очиқ одамлар кўринади. Лекин тамаданинг ширин сўзлари-ю, очиқ чеҳрасига кўр-кўрона ишонган одамгина шундай ўйлаши мумкин.

Аслида эса, сизлар сир яширадиган одамсизлар, европаликлар сингари кўпинча ёлғон гапирасизлар, осиеликлар каби ҳамма нарсани оширасизлар.

Бечора Ношревани кўмгандан кейин Тамар икковимиз Тбилисида яна уч кун қолиб кетдик. Сизни таниш-билишлардан суришгирдим, кўча-кўйда кўзим билан изладим. Кейин икковимиз уйга қайтдик, негаки, Тамарни институтга қабул қилишмади.

Тамар ўзини ёмон ҳис қиляпти, нимадандир қаттиқ хафла. Тариэл бобо қайтиб келганимизга шундай севиниб кетдики, ҳатто тўнғилламай ҳам қўйди. Ҳозир яна бояги-бояги жаврагани жавраган.

Зугдидида кунлар исиб кетди, лекин ажойиб ойдин тунлар бошланди. Тамар икковимиз боғда алламаҳалгача ўтирамиз.

Сизнинг қаердалигингизни аниқ билмайман. Лукая сизни Окумида деб мени ишонтирди. Энди мен шу имкониятдан фойдаланиб, сизга самимий саломимни йўллаймаман.

Окумида яшаб, хўжалик билан шуғулланаман дегандай эдингиз. Лекин менинг назаримда сиз у ерда узоқ туролмайдигандайсиз, Тбилисига қайтадигандайсиз.

Ҳамма ишларингизда муваффақият тилайман».

* *
*

Кўрқаманки, малануробанинг нималиги ўқувчига номаълум. Лекин шуниси борки, у қаҳрамонларим тақдирида машъум роль ўйнади.

Ҳозир мен малануробанинг қандай бўлишини тасвирлаб беришга ҳаракат қиламан. Уша йили малануроба Окумида сўнги бор ўтказилаётган эди. Малануроба фильм олиш учун ташкил этилган бўлиб, бўлажак тарихчиларга, бу қадимий удум устида бош қотиришга имкон берарди. (Тарихчиларга чин қалбдан ачинаман: аллақачонлар бўлиб ўтган нарсаларни қандай қилиб айнан тасвирлаш мумкинлигини тасаввур қилолмайман.)

Успения¹ ҳайити арафасида қўнғироқчи уч бор карнай чалади.

Окумида Сатанжо қалъасидан келтирилган қадимий карнай сақланиб келади. Бир вақтлар шу карнайни чалиш билан Ингур воҳасидаги аҳолини рақибнинг бостириб келаётганидан огоҳлантирадилар.

Майянинг Тарашга ёзган мактубларининг бирида айтилганидек, Окуми қўнғироқчиси касбини ўзгартириб, фойдалироқ иш билан шуғуллана бошлаган эди. Шунинг учун қўнғироқчи вазифасини Лукая Лабахуа бажарадиган бўлди. Ўзи пак-пакана бўлса-ю, каттакон карнайни пуфлаши жуда қизиқ кўринарди!

Карнай товушига қишлоқнинг барча қариялари тўпланди. Киноэкспедиция ваъда қилган мукофот ёш-ялангларни ҳам жалб этганди.

Ун икки маланур, яъни «тариэл» танланди. Уларнинг олти-таси Дадиани князлари тарафдори бўлиб, қолган олтитаси Картли шоҳи тарафдори бўлиб белгиланган эди. Шў ўн икки

¹ Успения — Христиан ҳайити.

киши қадимгича кийинишди: архалухларини чолворга тиқишди, бошларига қизил бошлиқ, оёқларига юмшоқ чувак кийишди.

Тараш Эмхвари кинога олинаётган ерга Лукая билан эрта-лаб жўнади.

Черков ҳовлисида киноаппаратлар қатор турарди.

Бола-чақа оператор ва режиссёрларни қуршаб олган эди.

Тараш аргувон тагига бориб ўтирди.

Болаликдан таниш кавакли аргувонлар кичрайиб қолгандай туюлди унга.

Арзакан билан Гулико бир вақтлар бу жойни уч бошли девнинг макони деб ҳисоблашарди. Девнинг масканини кунпаякун қиламиз деб неча-неча бор улар ёғоч отга миниб, елиб келишарди-да, қоронғи туша бошлаши билан «мурдалар арвоҳи» чиқиб қолишдан қўрқиб, тирақайлаб қочишарди.

Мисоуст тўпланган деҳқонлар орасидан тенгдошларини изларди. Уларнинг деярли ҳаммаси уйлик-жойлик бўлиб кетган, баъзи бирлари дунёдан ўтган ҳам эди. Уларнинг баъзиларининг сочига оқ оралаганди.

Йигитлар Тарашни узоқдан туриб, кузата бошладилар. Чоллар бошларидан бошлиқларини олиб «Жамсуг Эмхварининг ўғлига» ҳурмат кўрсатиб, таъзим қилардилар, у билан жиддий сўзлашардилар.

Тараш ранги ўчган чоха кийиб, елкасига бошлиқ ташлаб олган эса-да, ҳамсоялар ундан худди «бегонадай» тортинадилар.

Баъзилар истеҳзо билан:

— Деҳқонча кийиниб олибдими! Собик князь замонасозлик қияпти чоғи,— дердилар.

Умуман, Тарашнинг пайдо бўлиши анча-мунча мулоҳазаларга сабаб бўлди.

Биров:

— Уни Тбилисидан мактабга мудир қилиб юборишибди, деса, бошқа биров:

— Европани кезиб келган одам Окумида тура олармишми?— деб истеҳзо қилади.

Омар Ломиа деган чол Тарашнинг ўнг елкасини ўпиб, кўзига тикилди-да, чўқиниб олиб:

— Худо умрингни узун қилсин! Жамсугнинг худди ўзи-я бу! Марҳум Россиядан биринчи бор келганда худди шунақа эди,— деди.

Ватанига қайтган Тараш мактабдош ўртоқлари қуршовида мана шундай ўтирар, деҳқонлар қабилида суҳбат қуриб, оддий тамаки чекарди.

Қандайдир бир илиқлик ва шафқатга тўлган эди унинг юраги.

— Неча фарзандинг бор, Жвиби?

— Сенда-чи, Гурам?

— Гегидачи?

— Эстатэ, сенда-чи?

— Жвебе, сенда неча?

Жвибининг уч фарзанди бўлиб, ҳаммаси ўғил экан.

Гурамнинг фарзанди олтита, қизлариям бор, ўғиллариям. Эстатэнинг иккита боласи ўлиб, бир қизу бир ўғли бор экан, икковиям мактабга борибди, Жвебенинг боласи бешта экан.

— Нечтаси ўғил?— сўрайди Тараш.

— Бешови ҳам ўғил.

— Уҳ-хў! Эсимда, сен овни яхши кўрардинг, балиқ овидан ҳам қолмас эдинг. Мана, ёрдамчиларинг ўзингдан чиқиб қолибди. Бешовини эргаштириб овга бораверсанг ҳам бўлади энди!

Уз навбатида Жвиби, Гегидэ, Эстатэ, Гурам ва Жвебе Тарашга савол назари билан қарашади. Лекин: «Сенда-чи?» деб сўрашга ҳеч кимнинг тили бормайди.

Лекин Тараш сўзсиз ҳам уларни тушүвди. У хаёлга чўмиб қолди: унинг ҳеч кими йўқ, кекса онасидан бўлак кимсаси йўқ. Яна болалик хотираларига кўчишди.

— Эгарланмаган от мана шу майдонда сени олиб қочгани эсингдами, Мисоуст? Отнинг ёлига маҳкам ёпишиб олиб: «Отни тўхтатинглар!» деб илтижо қилгансан. Бу йил бўлса Арзакан икковинг пойгада мукофот олдиларинг,— дейди Жвиби Заганиа.

— Ушанда биринчи бўлиб отингга мен отилганман, Гулико,— деди Гегидэ,— сендан уч яшар каттаман-да. Кейин Омар, Жвебе ва Отна етиб келишган.

— Бир нарса ҳали-ҳали хотиримда,— гапга аралашди Эстатэнинг отаси Шелегна.— Арзакан билан Окуми дарёсида чўмилаётган экансизлар. Сал нарида, отангнинг ерида меннинг экинзорларим бўлгувчи эди. Эман соясида дам олиб, овқат келтиришларини кутиб ётаман. Бирдан бировнинг бақиргани эшитилди. «Хотиним кечикни тополмади шекилли?»— деб ўйладим. Қарасам, Қац Звамбаянинг ўғилчаси ҳовлиқиб, бақириб келяпти. Қандоқ турган бўлсам, шундоқлигимча кийимларим билан ўзимни сувга отдим-да, қулоғингдан тортиб чиқардим...

Маросим бошланди.

Ун икки маланурга уч найза қилиниб, пат ўтказилган ўн икки таёқ бердилар.

Кинооператорлар аппаратларини тўғриладилар.

Кекса деҳқонлар эҳтиром билан маланурлар қошига келишади. Маланурлар уларни дуо қилишади. Ёшини яшаб, ошини ошаган чоллар нарироқда туришади.

Ёшлар операторларнинг ишини кузатишади. Баъзилари «европача» кийинган Лукая Лабахуани томоша қилишади.

— Лукая — олифта!..— деб қичқиради кимдир арғувон тепасидан.

— Лукая — чарльстон!— деб бақиради иккинчиси.

— Лукая — Чемберлен! — қаққаҳлайди учинчиси.

Бу яп-янги костюмни девонига ким тўхфа қилганини ҳеч ким билмасди.

Жвиби Заганиа Тарашни черковга бошлаб кетди.

Окуми черкови Тарашнинг назарида жуда кичкина ва кўримсиз кўринди! Бир вақтлар иконастаснинг ажи-бужи суратларига маҳлиё бўлиб, эҳтиром билан қанча тикилиб қоларди.

Подшо дарвозасида, авлиё Георгийнинг оти туёғи остида тишини иржайтириб ётган иблиснинг мойли бўёқ билан чизилган сурати унинг ҳаёлида нималарни кўзғамасди.

Инжилдаги узун соқолли худонинг ранги ўнгиб, амалдан гуширилган попга ўхшаб қолипти. Мана бу соқолдор хаворийлар бўлса, ишсиз юрган қадимги одамларни эслатади.

Жануб тарафдаги деворда Тараш бир нечта қадимги суратларни кўрди. Уларнинг ранги ўнгиб кетган эса-да, Тараш қадим санъатнинг бу намунасига узоқ тикилиб қолди.

Ориқ, кекса кашиш, иконастас қаршисида қилар ишини билмай беҳуда ўралишарди. (Қариялар уни шў кун муносабати билан Йлоридан чақириб келишган эди.)

У псалтирь сатрларини эшитилар-эшитилмас шивирларди.

Тараш кекса кашишларнинг псалтирь ўқиганини тинглашни яхши кўрарди. Лекин ҳозир бирон сўзни ҳам илғаб ололмади.

— Мана бу энг фахрий жойда марҳум отанг турарди, — деб Тарашга шивирлайди Жвиби Заганиа.

Черков хувиллаб ётарди. Халойиқнинг тунда томоша учун тўплангани, оллога топинишдан кўра кинони афзал кўриши, билиниб турарди.

Черков ҳовлисида қарнай товуши эшитилди.

Тараш ибодатхона эшиги олдидаги айвонга чиққан эди. Лукая Лабахуани халойиқ қуршаб олганини кўрди. Унинг кўксига кумуш икона осилиб турарди.

Аппаратлар шақир-шўқур қила кетди.

— Ойса! — деб хитоб қилди Лукая.

— Гаиса! — деб барабар гулдирди оломон.

— «Ойса-гайса!» — деб уч бор қичқириб черковни айланишди.

Лукая маросим юриши олдида борарди.

Тараш яна болалигини эслади, бу тушуниб бўлмайдиган хитоблардан баданига титроқ югурди.

Худого топинадиган озгина оломон кетидан кинога олувчилар аппаратлари билан, уларнинг ассистентлари ва шоферлари боришарди. «Ойса-гайса» деган қичқирларга вақт-вақти билан болаларнинг: «Лукая — чарльстон!», «Лукая — фасон!» деб қийқирганлари аралашиб, қадимги удумнинг таъсир кучига кулгили тус берарди.

Тараш блокнотини олиб, удумни батафсил ёзиб олди.

Ун икки маланур оломондан айрилди. Уларни черковга қамашди-да, эшикка қулф солишди. Оломонни нари-бери суриб черков эшигига ўтиладиган йўлни очишди. Шу йўлга кўндаланг қилиб, черков кенглигида таёқ қўйишди. Кейин эшикни очиб, асир «тариэлларни» чиқариб юборишди.

Маланурлар икки гуруҳга бўлинишиб, таёқнинг икки учидан маҳкам ушлашди. Улар таёқни бир-бирларидан тортиб олоқчи бўлиб узоқ тортишишди, лекин уларнинг курашларида қадимги малануробаларда бўладиган жўшқинлик етишмасди.

«Подшо тариэллари» ғалаба қозонишди. Бунга ҳеч ким хафа ҳам бўлмади.

Ғолиблар ибодатхона эшиги олдидаги айвонга ўтиришди, «дадиани тариэллари» эса арғувон тагига жойлашишди. Кейин қадимда бўладиган каби мушоира бошланди.

Илгари замонлардаги подшо маланурларидаги пайров усталиги йўқ эди. Лекин бир неча «баландпарвоз» сўзлар айтилди.

Кейин таёқ отиш бошланди. Лекин таёқни черковдан ошириб отиш ҳам ҳеч қайси маланурга насиб этмади.

«Завқ бўлмагандан кейин моҳирлик ҳам кучини кўрсатолмай қоларкан»,— деб ўйлади Тараш Эмхвари. Худди шу чоқ дадиани маланурлари орасидан, бир малладан келган дароз ажралиб чиқди-да, таёқни ирғитган эди, черков минорасидан ошириб юборди.

Гулдурос қарсак янгради.

Оператор апаратини тўғрилаб у дароздан ушбу ҳаракатни қилиб кўрсатишни сўради.

Тараш маллани кўздан кечирди.

Малланинг бурни худди қузғун тумшугидай эгилиб турарди. Унинг қадди қомати ҳам қаноти синган калхатни эслатарди. Бу дарознинг белида каттакон эгри ханжар осифлиқ эди.

Унга объективни тўғрилаганларида у бирдан ғужанак бўлиб олди-да, кўзлари олазарак бўлиб қолди.

Бу одамни кўрганида Тарашнинг кўнглига ғашлик чўкди. Жвиби Заганианинг қўлини маҳкам қисиб:

— Ким бу?— деб сўради.

— Жамлет, Ломкац Тарбанинг катта ўғли. Отасининг ўлимидан кейин шаҳардан келган. Қамоқдан қочган дейишади. Унгача Абхазияда қароқчилик қилган,— деб шивирлади Жвиби.

— Унинг юзи жуда ғалати-я,— деб ғўлдиради Тараш.

Тарашнинг кўнгли алланечук бўлиб кетди. У Жвиби билан хайрлашди-да, черков ҳовлисини кесиб ўтди. Қац Звамбаянинг уйига яқин ерда Лукая Лабахуа унга етиб олди.

Қац Звамбаянинг эман дарвозаси ёпиқ эди.

— Эҳтиёт бўл, шуригэ,— деди Лукая Тарашнинг ҳайронлигига жавобан.

— Нега энди?

— Нега бўларди, шуригэ. Тарба билан Звамбаяларнинг энди ашаддий душманлигини эшитганмисан?

Тараш индамади. Унинг кўз ўнгида Жамлет Тарбанинг жаҳлдор чеҳраси-ю, эгик ханжари пайдо бўлди.

Кейин у юзига ёпишган ўргимчак уясини сидиргандай, юзини сийпалади.

— Вох, Кац, в-о-о-о-о-о-о-х!

Тарашнинг юраги шиг этиб кетди. Бунақа «вох»ни у болалигида, гоҳ тегирмон ёнида, гоҳ далада, гоҳ ўрмонда окуми деҳқонлари бир-бирини чақирганида эшитарди.

— Вох, Кац, в-о-о-о-о-х!— деб қичқирарди Лукая.

Жўхори поялари ғарами орасидан безовталанган бўрибосарлар отилиб чиқди-да, баланд ўсган акас тўсиқ томон отилди.

Тараш битта қари хонаки итни таниди. Кац Звамбая итларга пўписа қилиб, тирқишдан қаради-да, кейин занжирни очди.

— Худога шукур, хонадонимга сизлар қадам ранжида қилиб-сизлар,— деди у. Кейин чўқиниб олиб қўшиб қўйди:— Мен бўлсам, маланурлар келишди, деб ўйлабман.

Арзакан билан Забули меҳмонлар олдига чиқишмади.

Ўгли колхозга киргач, отаси бўлак бўлиб олди. Арзаканга ҳовлининг ярми билан ошхона тегди. У ўзининг тегишини жўяк тортиб ажратиб олди, отаси билан қаттиқ уришиб қолиб, шу чегарадан ўтмай қўйди. Хатуна билан укалари у билан яширинча кўришиб туришарди.

Арзакан оқсоқланиб, зўр-базўр юрарди. Лекин Тарашнинг овозини эшитиб, шундай ҳаяжонланиб кетдики, гўё оёғи тузалиб қолгандай бўлди ва асабийланиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Эшикни очиб қаради. Балконда Тараш ва унинг тиззасини кучиб Хатуна ўтирибди. Келеш билан Жамну ҳам улар ёнида. Кац Звамбая тикка турган ерида уларга алланималар деяпти.

«Мени сўкаётган бўлса керак», деб ўйлади Арзакан ва эшикни ёпиб, яна у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Тарашнинг Окумига келганини, иккови аччиғлашиб қолишгандирки, Тамарнинг Тбилисида қолганини у Забулидан эшитган эди.

У Тарашни кўргиси келиб бетоқатлана бошлади. Тараш унинг қалбида тирилгандек эди. Энди у яна аввалгидек сеvimли Гуча, Гулико, Мисоуст, унинг сут эмишган биродари эди.

Ёлғизликдан чарчаган Арзаканнинг назарида, шу дақиқа, уларни ҳеч нима айирмайдигандек кўринди.

Уни фақат Тамар ташвишлантирарди. Тбилисида нима қилиб юрибди экан? Оёғи тузалди дегунча, ўша ёққа боради, Тамар уники бўлади.

Забули, аёлларга хос сергаклик билан фикримни билиб олмасмикан, деб чўчиди Арзакан.

Негадир совқотгандай бўлди. Учоқ бошига бориб кафтини

оловга тутди. Сўзсизлик билан сир бой бермаслик учун ясама бепарволик-ла:

— Забули, биласанми, Тарашга чоха жуда ярашади-я,—деди.

Забули Тарашнинг ҳовлидан ўтиб кетаётганини кўрган, чоха унга ярашар экан, деб ўйлаган эса-да, Арзакан синаш учун сўрапти, деб ўйлаб:

— Ҳеч-да, чоха сенга кўпроқ ярашади,—деди совуққонлик билан.

Қизнинг титроқ овозидан, тилёғламалик қилаётганини Арзакан сезди. Унинг кўзига тикилди, қалбида яна рашк тугён урди. Ҳеч нима демади.

Кейин жимликни бузиш учун шунчаки:

— Анави девона Лукаяга қандай яхши костюм ҳадя қилипти-я!—деди.

— Тарашинг Лукаяни тамом эсанкиратиб қўйди,—деб бепарво жавоб қилди Забули ва ўчоқдаги гўлаларни тузатиб қўйди.

Арзакан яна эшикни қия очди. Қоронғи туша бошлаган эди. Болохонада итлар елиб-югуришарди. Меҳмонни хонага бошлаб кириб кетишган кўринади. Хатуна рўзгор ишлари билан машғул эди, Жаму жинчироқ кўтариб онаси кетидан юарди.

Арзаканнинг оёғи яна сирқиради, тиззаси бўшашди.

У Забулидан оловга яна ўтин ташлашни илтимос қилди (унинг ҳужрасида захлик оқшомлари жон-жонидан ўтиб кетарди) ва чалқанча тушиб ётди.

Забули Тарашни кутиб хонани супурмоқда эди.

Арзакан қоп-қорайиб кетган шифтга қараб ётарди.

«Тезроқ тун чўка қолса эди!» — деб ўйларди у. Чунки онаси меҳмонни отаси ухлагандан кейингина бошлаб келиши мумкинлигини у яхши биларди.

Хаёл Тбилиси томон, Тамар томон олиб кетарди уни.

Қизни шундоққина яққол кўриб турарди у.

Албатта, Тамар ҳамон ўша-ўша, у севган Тамар.

Қасал ётганида бирор марта кўргани келмаса нима бўлибди? Ҳаммани қўйиб, кечса зелим Таризэл унга бундай қилишга йўл қўярмиди?

Шардин Алишибая тарқатаётган овозларга келсак—бекорчи гийбат. Уларнинг Тараш билан бирга Тбилисига жўнаши эса, тасодиф, албатта.

Тараш Тбилисидаги уйини сотиб, Окумида турмоқчи, деяпти Забули.

— Тараш — кўриниб турган бир тентак, ундан ҳар нимани кутиш мумкин.— У ўлгудек қайсар. Катта шаҳарлар меъдасига тегиб кетгани учун қишлоққа интилаётибди, балки дарҳақиқат, Окумида турмоқчидир? «От, икки хўкиз сотиб оламан-да, бошқалардай яшайман, ишлайман, ов қиламан» деяётган эди-я ёзда.

Шундай бўлиши мумкинми? Мумкингина эмас, дарҳақиқат шундай. Ахир Тараш Каролинага ошиқу беқарор-ку!

Тамарни деб сут эмишган биродарини ўлдирмоқчи бўлганини эсласан Арзакан ана шуларни ўйларди. Ҳозир ўшаларнинг ҳаммаси бемаъни бўлиб кўринди унга.

Упгани-чи? Нима бўпти? Чиройли қизни ўпиш имкони бўлганда ким қараб турарди? Арзакан ҳам бўш келмасди. Имкони бўлиб қолса, ҳатто Каролинани ҳам...

Арзакан чалқанчасига етади. Забули ҳаракатда, меҳмонга ҳачанурини иссиқ тортиш учун сопол товани қиздиради. Яна озгина сабр қилса, албатта, Тараш келади.

Арзаканнинг ҳаяжонга келган фикри ҳамон бир нарса билан банд.

Бир ҳафта ичида у бутунлай соғайиб кетади. У ёғига Тбилиси, институт, Тамар билан учрашув. Шаҳарда бу масалалар осон. На жоҳил кашш ва на қишлоқ ғийбатчилари халақит беради.

— Винодан ҳеч қолганмиди?— деб унинг хаёлини бўлди Забули.

— Бор, кеча ичганимда қолдирган эдим. Меҳмонга етади.

Тўсатдан Арзакан билан Тамар ўртасида Забули образи пайдо бўлди.

Бу меҳрибон, содиқ Забулини Арзакан нима қилса экан? Шўрлик қиз! Арзаканни деб ишини ташлади, етимча укаларини Окумида ярим оч ҳолда қолдириб, унинг бошида парвона.

Эркаклар мунча бешафқат бўлади-а!.. Зарари йўқ, Арзакан уни шу ерда ишга жойлаштириб қўяди. Ҳамма қилган меҳрибонлигига яраша қайтаради. Яна нима керак унга? Ахир ораларида ҳеч нима ўтган эмас-ку.

Итлар ҳура бошлаган чоқда Арзакан шу хаёллар билан банд эди. У сергак тортди. Бегона одам ҳовлига кирмаса, итлар бунчалик ҳурмас эдилар.

Тўсатдан ҳуриш кучсиз вангиллаш билан алмашинди. Бир ит аянчли увлай жетди. Қимдир уни таёқ ёки тош билан урган бўлса керак. «Бу қари хонаки итимиз»,— деб ўйлади Арзакан.

Ит ҳамон увларди.

Арзакан бошини сал кўтарди.

— Қара-чи, нима гап ўзи?— деди у.

Забули эшикдан мўралади.

Қўлида ёниқ жинчироқ билан Келеш ҳовлида чопиб келаётган эди.

— Узи нима гап?— сўради Забули шивирлаб.

— Ҳеч нима, маланурлар келишяпти.

Арзаканнинг ғазаби қайнади.

— Ҳаммаси Арлан билан Апакидзенинг иши. Бу масхарабозликнинг кимга кераги бор? Ҳовлима-ҳовли изгишади, тиланчилик қилишади, одамни бесаранжом қилишади.

Арзакан шу сўзларни айтиб бўлиб эди ҳамки, эшик оҳиста тақиллади.

«Секин тақиллатишди. Онам билан Тараш бўлса керак»,— ўйлади Арзакан.

Забули хамир қормоқда эди. У қўлини ювгунча эшик яна тақиллади. Икки эркакнинг шивирлашгани аниқ эшитилди.

— Ахийри келишибди чоғи, лаънати маланурлар! Забули, меҳрибоним, эшикни очгин,— деди Арзакан ва келганлар билан сўзлашмаслик учун девор томонга ўгирилиб олди.

Забули қўлини фартуғига артди-да, занжирни туширди.

Хонага ханжарли икки эркак отилиб кирди.

Аёлни кўриб улар тисланишди.

Кейин улардан бири, малла дарози, Забулини айланиб ўтиб, Арзакан ётган тўшак томон юрди.

Қора папах кийган иккинчиси эса, қизнинг семиз, биққа гавдасини сиқиб, қўлини боғлай бошлади. Забули қутурган мода бўридек унинг билагига тишини ботирди.

Шов-шувга Арзакан ўгирилиб қаради.

Унинг қаршисида ханжарини ўқталиб Жамлет Тарба турарди.

Арзакан зумда ўқдек тиккайди, Жамлетнинг ўнг қўлини қайирди. Жамлет кўкраги билан унга ёпирилди. Звамбая билан Тарба ўртасида ҳаёт-мамот кураши бошланди.

Ҳовлида бирин-кетин бир неча ўқ узилди. Биротар милтиқ билан қуролланган олти киши Кац Звамбаянинг уйига яқинлашмоқда эди.

Уй эгаси билан Тараш Эмхвари орқа эшикдан чиқиб қочишга улгуришган эди. Ўқлар болохона панжарасини илма-тешик қилиб юборди.

Хатуна билан Лукая эшикни ичкаридан беркитиб олишган эди.

Кац Звамбая билан Тараш отиша-отиша Арзакан ётган кулба томон югурдилар.

Ой ҳали чиқмаганди.

Кац билан Тараш югуришар, ерга қапишишар, яна ирғиб туриб, отиша-отиша кулба томон йўналардилар.

Итлар қоронғида бу ёққа югургилаган босқинчиларга жонжаҳди билан ташланишарди.

Жамлет Тарба қўлидан ханжар тушиб кетган бир дамда Арзаканнинг яраланган ўнг қўли ишга ярамай қолди: Оғриқнинг аччиғидан кўз олди хиралашиб, Арзакан тўшакка йиқилди.

Тарба яроғини олиш учун энгашди, лекин қаддини ростлашга улгурмади: хонага отилиб кирган Тараш Эмхвари, яшин тезлигида, қўлини чохасининг бари билан ўради-да, ханжарни тортиб олди.

Тараш Европада бокс усулларини ўрганган эди. Фазаби қайнаган Жамлет қўл жангига ўтганида, Тараш мушти билан унинг биқинига туширди. Жамлет гандираклаб кетиб, йиртқичдек ўкириб юборди. Узига келишига йўл қўймай, Тараш яна мушти билан унинг қирғий бурнига туширди.

Юзи қонга беланган, ҳолдан тойган Жамлет яна бир бор рақибига ташланди, лекин ўз ханжаридан зарб егач, яраланган айиқдек бўкириб юборди ва Арзаканнинг тўшаги ёнига йиқилди.

Унинг шериги эса, Забулини жўхори барглари уюмига итқитиб, Арзаканга ташланди.

Лекин шу чоқ Қац Звамбая етиб келди, ханжарини унинг қорнига тиқиб, икки марта бураб олди.

* * *

Эртасига Қац Звамбая, унинг ўғли Арзакан ва Тараш Эмхвари Окумидан чиқиб кетишди.

Уқувчим, илгарилари Грузиянинг тоғлик районларида икки оила ўртасига тушган қонли интиқомнинг нималигини билса, қаҳрамонларимнинг келажagini яхши тасаввур қилади.

Бир ойдан сўнг Шардин Алшибая билан Гванж Апакидзе Окумида шундай овоза тарқатдилар: эмиш Тарбалар Тарашни, Қац Звамбая ва Арзаканни ўрмонда ўлдириб, ўликларини Ингурга ташлашибди. Паромчи ҳам қоровулхонаси яқинидан, чоха кийган уч одамнинг ўлиги оқиб ўтганини тасдиқлади.

— Уша мурдалар шулар бўлиши мумкин,— деди у.

Хатуна эрига, ўғлига ва эмизган фарзандига аза очди.

Забули ўзини Арзаканнинг беваси деб эълон қилиб қоракийди.

Бу машъум воқеанинг муаллифи бўлмиш мен эсам, жуда қаттиқ қайғуриб, юрагим, ғуссага тўлиб ҳикоямни тўхтатиб туришга қарор қилдим.

УЧИНЧИ КИТОБ

ЖОКИА

Кимда-ким Грузиянинг тоғли ўлкаларида бўлган бўлса, от даллоли нималигини, албатта яхши билади.

Ҳозирги туристик базалар ва саёҳат бюрolari вакили ролини ўйновчи бу шахс қадим замонларда ҳам Грузияда маълум ва машҳур эди.

Эндиликда уни Ҳарбий-Грузия йўлида ортиқ учратмайсан. У ерда автомашина от даллолининг бозорини касод қилди.

1931 йилда, Сванетия бўйлаб иккинчи бор саёҳат қилганимда шунақалардан бирига дуч келганман. Уша муттаҳамнинг дастидан шу чиройли саёҳатим заҳар бўлган эди. Бу ҳам камлик қилгандек, нариги дунёга жўнатворишига сал қолганди.

Биринчи бор у тўғрида мен, Ғарбий Грузия бўйлаб қилган саёҳатидан эндигина қайтиб келган рус олимидан эшитган эдим.

— Сванетия гўзалгина эмас,— деди у менга,— бу табиат ва тарих яратган, ҳали ўрганилмаган жонли музей.

Дарҳақиқат, ажойиб ўлка.

Ҳиндистон, Африка, Хитой неча юз йиллардан бери узоқ-узоқ ўлкалардан келган фольклорчилар, афсонанавислар, тилчилар, археологлар томонидан ўрганилиб келади. Сизга маза, шундай бир ажойиб ўлка ёнгинангизда!

Сванетияда қайси бир маданиятнинг изи йўқ дейсиз: Эрон маздаизми ҳам, халдейларнинг Ойга топиниш одати ҳам, қадим Греция мистериялари ҳам бор бунда.

Емонлиги шундаки,— давом этди у,— Сванетияга бориб бўлмайди. Ҳатто Тибетда ҳам бундагидай қийинчилик ва хатарга дуч келмаганман.

— Мен ҳам Сванетияга бормоқчиман. Фақат гўзаллик излаб эмас. Гўзалликка ўз боғингда ҳам дуч келишинг мумкин. Ундан ташқари, ҳар қайси биримиз, синчиклаб қарасак, ўз қалбимизда ҳам ажойиб ва кутилмаган нарсаларни топишимиз мумкин.

Илм туфайли машаққатли сафардан эндигина қайтиб турган олим жим бўлди. У хачирлар ўтадиган сўқмоқларда отда юриш, музлик қояларга тармашиш, овчиларнинг ғорларида тунаш, йўлсизлик ва одамсизликдан толиққан эди.

Булардан ташқари у, жварилик аллақандай от даллоли Жокиани эслаб сўкиниб қўярди.

Мен бизнинг гўзал ўлкамизда ҳам ёлғон-яшиқни олиб қочадиган одамлар топилиб қолишини унга айтмадим, албатта. Бир нарсани ваъда қилиб, ваъда устидан чиқмайдилар, бир муҳлатни белгилаб алдаб кетадилар. Еки бўлмасам, бир уйдирмани ҳикоя қиладилар-да, «ўз кўзим билан кўрганман», «ўз қулоғим билан эшитганман» деб ишонтирадилар Мен, аксинча, уни бутун Грузияда танҳо алдоқчи — от даллоли Жокиага дуч келганига ишонтиришга уриндим.

У фирибгар, ёлғончилиги очилгандан кейин ҳам заррача зарар кўрмади.

Негаки, унинг кирдикорларидан азият чеккан олим Сванетия ҳақида асар ёзганида, гаров ўйнайманки, унда албатта, Жокиа номини тилга олади. Қарабсизки, Жокиа, ёлғон-яшиқлари туфайли машҳур бўлиб олибди. Бунақа воқеанинг биринчиси эмас бу.

Шунақаси ҳам бўлади: бирон кимса ҳеч қачон ҳеч нима ўқимайди-ю, донолар доноси ҳисобланиб юради. Хўш, бунга у қандай муяссар бўлди, деган савол туғилади. Шуниси тайинки қаллоблик билан.

Бундан ҳам ажойиброқлари бўлади. Масалан, биронта асар ёзмаган адиб ёинки биронта бўлсин илмий асари бўлмаган профессорлар учрайди.

Жокиа ҳам шундай: унинг битта ҳам ўз оти йўқ, лекин шунга қарамай у, йўловчиларга от топиб бериб туради. Жокиа пулга зарур бўлиб қолгудай бўлса, бирон кимсага, ҳали тенги бўлмаган от топиб беришга ваъда қилиб, от ҳақини олволади, дейишган эди менга Жвариди.

Бир куни у оқ тангали уч яшар саман отни пуллади. Кейин маълум бўлишича, бундай от ҳали туғилган ҳам эмас экан.

Ана шу ғаройиб айғир ҳақида Жокиадан сўраганимда, у менга: «Ҳали дунёга келмаган отни сотиш ҳам бир санъат-да, бор отни ҳар қанақа аҳмоқ ҳам сота олади», деб жавоб берди.

Хуллас, октябрнинг ўрталарида Сванетияга жўнаб кетмоғим керак. Олдиндан аҳд қилиб қўйдим: Жварига боргач, Жокиага хизмат учун мурожаат қилмайман.

Тбилислик дўстларим, йилнинг бу фаслида бундай сафарга чиқиш ярамаслигини, бўронлар, ўпирилишлар бўлиб туришини айтиб, мени чўчитдилар. Лекин менинг қарорим қатъий эди.

Менинг фикримча, таваккал ва хавф-хатар сафаримга яна ҳам жозиба беради.

Тбилисида ҳаво жуда яхши эди. Шунинг учун ҳам, қаердадир шу ўртада қор гупиллатиб ёғаётганига, одамлар қулаган қоялар тагида қолаётганига ишониш қийин эди.

Бу воқеа менинг қаҳрамонларим Окумидан ғойиб бўлган кезларда юз берган эди.

Мен романни қандай тугатишни билмай юардим.

Ҳали пишиб етмаган ижодий фикрни қалбингга жо қилиб юришдан ҳам оғир нарса бормикан! Юрагингнинг бир чеккасини хира қилиб, зўр-базўр уйғониб келаётган афсона, пишган мева танадан узилган мисол юракдан узилгунга қадар санъаткор тортадиган азобни тасвирлаб бериш амри маҳол.

Шундай пайтда бутун борлигим ташвиш ичида қолади, талвасага тушаман, бундай чоқда — мени тутманг, сафар қилишим даркор бу дам!

Нималигини билмайману, ҳаракатда эканман, ўзлигимни ҳам, ташқи дунёни ҳам яхшироқ тушунаман.

Ҳаракат менга ижодий куч беради; шунинг учун ҳам мен юриб кетаётган, югураётган, елдек учаётган ва курашаётганни жон-дилим билан тасвирлайман.

Очамчир поезди билан Зугдидигача етиб олдим, ундан у ёғига машинада Жваригача бориб, шу замоноқ Сванетияга жўнамоқ ниятида от сўрадим.

— Жокиа билан гаплашиб кўринг,— маслаҳат берди Теймураз, мен қўнган хонадоннинг хўжайини.

Мен беихтиёр кулиб юбордим. «Теймураз Жокианинг сўнгги лўттибозликларидан бехабар бўлса керак» деб ўйлайман.

Қишлоқ совети раисига мурожаат қилдим.

— Ҳозир сванлар туз ташишяпти, қиш ғамини ейишяпти. Отлар йўл қурилишида банд. Яхшиси, от даллоли Жокиани излаб кўринг,— деб маслаҳат берди қишлоқ советининг раиси.

Эски танишим, мактаб мудирини учратдим

— Жокиа от топиб жонингизга ора кириши мумкин,— деди у ҳам менга.

«Бошқа иложи йўқ кўринади»,— деб ўйладим ва Жокиани излаб кетдим. Духанга¹ кириб уни сўраган эдим — почтага кетди, дейишди. Почтага борсам — уйга кетди дейишди. Уида бўлса, қишлоқ советида дейишди. Вақт алламаҳал, қишлоқ совети ёпиқ эди.

Кечқурун муваффақиятсизликка йўлиққанамни Теймуразга айтдим.

— Шу лаънати Жокианинг афт-ангори қанақалигини айтиб бериш,— дедим.— Симобдай тек турмас экан, эрталабдан

¹ Д у х а н — майхона.

бери излайман, ҳеч ердан топмайман. Балким учратгандирману, танимагандирман.

— О, Жокиани таниш осон,— деди Теймураз.— У малла, оловдек ловиллайди туси; юзи тўла сепкил, қадди-қомати бўлса қаровсиз қолган тоқдай қинғир, бурни сўқадай қийшиқ.

Хунук одам Жокиа, бесўнақай! Бошқа нима ҳам дердим. Эрта билан рўпарамиздан чиқса, «бетингни тескари қилсин!» деб қоламиз орқасидан. Хирмон ёнидан ўтиб қолди дегунча, болалар: «Нарироқдан юр, гарамни ўт олдириб юборасан!» деб қичқириб қолишади.

Уни ҳамма ёмон кўради, шу билан баробар у ҳаммага зарур бўлиб туради. Жокиани йигирмага яқин одам излаб юрмаган кун йўқ десам, хато кетмайман. Уни Жварида изласангиз — Сванетияга кетган дейишади. Сванлар Жокиа шу ерда деб юрган бир чоқда эса, Жокиа аллақачон Тбилисида юрган бўлади.

-- Лекин ҳар нима бўлганда ҳам, бу Жокиа қанақа одам эсти?— сўрайман Теймураздан.

— Ог ва ҳўкиз топиб берувчи, қўшмачи, собиқ савдогар, қаллоб ва яна алланимабалолар!

Эртаси куни Жокиани излай-излай чарчаб, қишлоқ кўчасидан ўтиб борардим. Қарасам, елкасига бошлиқ ташлаган, белбоғида ханжар осифлиқ, сочи оловдай лов-лов қилиб турган қизгиш соч бир киши ўтиб кетяпти. Юрган йўлида хиргойи қияпти. Ёнгинасигача бордим-да:

— Жокиа эмасмисиз?— деб сўрадим.

— Худди ўзи,— деган жавоб бўлди. Кейин менни оғиз очишга қўймай қўшимча қилди.

— Мен сизни излаб юрибман.

— ??? Менинг кимлигимни қаёқдан биласиз?

— Мен ҳаммани биламан. Сиз — Константинэ Гамсахурдиа-сиз, тўғрими?

— Тўғри.

— Сизга тўртта от тайёрлаб қўйдим.

Менинг кулгим қистади.

— Шунча отни нима қиламан? Ахир бир ўзимман-ку.

— Багажингиз-чи?

— Багаж? Енимда битта рюкзак, ов милтиғи, юзтача патрон, альпеншток ва ўнтача блокнот бор.

Жокиа ўйланиб қолди; чувлагининг учига тикилганича, бошини чайқаб қўйди.

— Битта керак дейсизми? Биттанинг иложи йўқ. Мен шу тўрттала отни Местиага, эгасига етказишим керак.

Мен хафа бўлиб қолдим.

Бирдан Жокиа кўзларини пирпиратиб:

— Агар шошмасангиз, ишингиз юришиб қолса, сизга яна учта шерик топаман. Тополмасам, мендан гина қилмай-сиз.

Шундай деди-ю, мени қишлоқ кўчасида ёлғиз қолдириб, жўнаб қолди.

Эртасига от излаб яна қишлоқ совети томон борардим.

Қарасам — тобут кўтариб кетишяпти. Тобут ортида эса, кулфатда қолган қариндош-уруғлар олдида Жокиа бораётир. У иккала қўли билан бошига уриб, бақириб йиғлаётир.

Мен ўзимни четга олиб, бошимдагини ечдим.

Жокиа бирдан йиғи-сиғисини тўхтатиб, менинг қошимга югурди.

— Ахийри сизга от топдим-да, от бўлгандаям тенги йўқ от!

— Биттами?

— Ўзи биттаю ўнтага татийди.

— Кимингиз вафот этди, Жокиа?— деб сўрайман ҳамдардлик билдириб.

— Кобулиа деган бир одам. Ёмон муттаҳам, қўрс одам эди. Эрталаб салом-аликдан бурун бир сўкиб оларди сизни. Сўрашадиган бўлса: «Ҳа, аҳволлар қалай, қўтиркал?» деб сўради. Еинки бола-чақангизга саломини айтиб турарди да, кегидан болохонадор қилиб сўкиниб оларди.

Мен беихтиёр кулиб юбордим.

— Нега унинг тепасида бунчалар фарёд чекаётган эдинг, Жокиа?

— Дунёда ундан баттар шарлатанлар қолиб кетаётгани, улар ҳали-вери ўлмаслиги алам қилди-да!

Учинчи куни эрта саҳарда мени уйғогишди. Жокиа келибди. У менга шундай от келтирибдики, кўзини юганида ўликка ўхшарди. Ўзи қўтир, орқаси шилинган, бутун жойи кўринмайди.

— Йўқ, азизим Жокиа,— дедим мен,— бундай қирчаиғига мингандан кўра пиёда кетганим яхши.

У билан совуққина хайрлашдим.

Бир соатдан сўнг у бошқасини олиб келди.

— Мана бу — айни муддао, болаларим ҳаққи қасамёд қиламан!— деб мақтарди Жокиа.

От кўринишдан ёмон эмас эди.

Лекин мен тоғларда бўлганман, шунинг учун ҳам, ҳар қандай от ҳам тоғ ошишга ярайвермаслигини биламан. Бунда энг муҳими шуки, отнинг оёғи кучли бўлса-ю, ўзи ҳурковуч бўлмаса бас, акс ҳолда сени жарликка итқитиб юбориб, чилларчин бўлиб кетишинг ҳеч гап эмас.

Мен отга миниб, у ёқ-бу ёққа юриб кўрдим. От ҳар бир харсангдан ҳуркар, оғир нафас оларди (жўткирув касалига дучорлиги тайин эди), кўприкка оёқ босмай, тисарилиб туриб олди.

Буни ҳам бекор қилишга тўғри келди.

Кечқурун духанга кирдим. Тбилиси газеталарини кўздан кечириб ўтирдим.

Духан одамлар билан тўла эди. Катта стол атрофида ўн чоқли одам ўтирарди. Жокиа тик турганича, шу ерда ўтирган-

лардан бирининг — соч-соқоли қирилган, бағбақаси осилиб тушган киши шарафига жимжимадор қилиб сўзламоқда эди.

Жокиа унинг донолигини, сахийлигини, куч-ғайратини, зий-раклигини кўкларга кўтармоқда эди. Сўз охирида уни ниҳоят, бургутга ҳам ўхшатди.

Бунинг устига Жокиа грузин тилида шундайин соф сўзлардики, мен ҳайрон қолдим. Юзимни газета билан пана қилиб, уни кузата бошладим.

Лекин у, барибир, мени кўриб қолди ва мен ўтирган стол томон югуриб келиб, дўст-биродарлари номидан улар компаниясига қўшилишни илтимос қила бошлади.

Мен қуруққина қилиб шошилаётганимни айтдим ва таклифни рад қилдим. Шунда у, шу чоққача от топиб бермаганига мендан уэр сўрай бошлади.

— Жуда уста нотиқ экансан, — дедим мен. — Бу узундап-узун қадаҳ кимга бағишланган эди?

— Нотиқлик қаёқда! Дудуқлар орасига тушиб қолдим-да! Мени гапиртириб қўйиб, ўзлари ноз-неъматни тушириб ётишибди.

Анави қўнғизнамо кал киши — катта муттаҳам, Батумида аллаким бўлиб ишлайди. Энди уни сван ўрмончилигига бирки-тиб қўйишибди.

— Нега бўлмаса уни бургут сиёқ деб мақтаётувдинг?

— Эҳ, батона, ҳар бир одамни у ўхшамаган нарсага таққослаш керак. Агар ҳаммани ўхшаган нарса билан таққослайдиган бўлсанг, бу ердан жуфтакни ростлаб қолмоқ даркор.

— Ҳўв анави, чеккада ўтирган малла одам ким?

— У-ми, жварийлик амалдан туширилган кашиш, ўлгудай бузуқ одам. Николай вақтида, қалбаки метрика бергани учун Сибирга сургун қилинган; большевиклар вақтида эса сиёсий каторгачиман, деб ишонтиришга кўп уринди, лекин айби очилиб, сургун қилинди. Муҳлатини ўтаб, яна шу ёққа келибди.

Бошқа ҳамтовоқларини ҳам шу йўсин тасвирлаб бергач, Жокиа мен билан хайрлашди.

Эртасига мен Тбилисига қайтишга ҳозирлик кўра бошладим. Лекин Жокиа келиб қолди ва остонадан ҳатламасданоқ топган отини мақтай кетди: йўрға айғир эмиш, оёқлари кучли, вазмин эмиш, олтин тусида эмиш. Хахуль маъбудасини тилга олиб қасамёд қилар, ҳатто Георгий Илорскийга ҳам бундай от минниси насиб этмаган, деб ишонтирарди.

Мен прокат ҳақи қанча бўлажагини сўрадим. Уч юз сўм экан!

— От эгасига икки юз сўм беришим керак. Ёлғон гапирсам, хотин, бола-чақамдан маҳрум бўлай, марҳум отамнинг суякларини тишим билан ғажиб қолай агар, яккаю ягона ўғлимнинг тобути устида ўтирай. Сули-чи? Бир пуд сули эллик сўм-а!.. Фақат сен учун уч юз сўм. Бошқалар учун баҳоси бошқа бўларди.

Менинг бошқа иложим йўқ эди; рози бўлиб, бай пулини беришга тўғри келди.

От дарҳақиқат яхши экан.

«Жокиа умрида бир бор бўлса ҳам рост гапирипти-я, қандай яхши», деб ўйладим мен.

Узангини тутиб туриб, Жокиа менинг гетра ва рейтузимга диққат қилди.

— Наҳотки сиз, музликларимизга шу пайпоқда чиқсангиз, тоғ такаси овласангиз?— деб сўради у.

— Ташвишланма, Жокиа,— дедим мен,— мен худди шу ки-йимда бутун Альпни кезиб чиққанман.

— Лекин Альп — бошқа, Сванетия — бошқа,— деди у.

Жокиа йўрғалаб бораётган от кетидан ирғишлай-ирғишлай югурди.

— Йўрттирманг, секинроқ юринг, бўлмасам улар бизга етиб олишолмайди,— деб қичқиради у менга ва қип-қизил сочини шамолда ҳилпиратиб кетимдан югуради.

— «Улар» деганинг ким?— сўрайман ундан.

— Сизга айтдим-ку, ахир, сизга уч ҳамроҳ топдим деб. Уч отни уларга бердим, тўрттинчиси, энг яхшисини сизга қолдирдим.

— Ким экан улар.

— Мана ҳозир етиб олишади, кўрасиз ўшанда. Исмини, отасининг исмини эса, ўзим ҳам билмайман.

«Менга барибир,— деб ўйладим мен.— Ёлғиз сафар қилиш аериқарли. Қим бўлса-бўлмаса менга барибир эмасми?»

Отимни тўхтатдим.

Манага дарёси устига янги кўприк қураётган эдилар. Нариги соҳилда трактор гулдиарди.

Ишчилар опалубкаларга мих қоқишарди.

От тархашлик қила бошлади. Унга бир қамчи уриб, сувга бошладим.

— Бу ерда кўприк қуриш аҳмоқликдан бошқа нарса эмас!— дейди истеҳзо билан Жокиа.— Ҳозир қуриб ётган мана шу Манага, кўкламга чиқиб, Ингурдай тўлиб-тошади, кўприкни зумда оқизиб кетади.

Шу зайл яна бир неча чақирим йўл босдик.

Уч ҳамроҳ ҳақидаги гаплар уйдирма деган фикрга кела бошладим.

Ундоғ бўлса, бу лаънати Жокиа нега энди мени Жварида уч кун ўтиришга мажбур қилди?

— Сувориларинг қани, ҳей Жокиа?— деб қичқираман унга.

— Онамнинг арвоҳи ҳаққи,— деб гап бошладич Жокиа отини йўрттириб менга етиб олиб ва овозини пасайтириб давом этди:— Гап шундаки... Сизни яхши биламан, шунинг учун сирни очиб қўймаслигингизга ишонаман. Оғайним Қац Звамбаянинг бошига ташвиш тушиб қолди: унинг ўғли, Ломкац Тарбани ўлдириб қўйди.

Маланурлар байрами куни Звамбаяларни кўргани, улар

боқиб катта қилган Эмхвари келган. Худди шу кеча Тарбалар уларникига бостириб кирган. Яна икки ака-ука Тарба ўлдирилган. Олишишда Қац, унинг ўғли Арзакан ва Эмхвари бўлган.

Энди мен, шуларнинг учовини Сванетияга ўтқазиб юборишим керак. Тарба қувватли авлод, Звамбаяларни жонидан тўйдириб юборади. Абхазларни биласиз-ку, бир томчи қонни ҳам интиқомсиз қолдиришмайди. Тарбалар Малазониалар билан ана шундай хундор душман бўлиб юришганда, улардан биттасини Москвада ўлдириб кетишган.

— Улар нега энди Жвариданоқ биз билан бирга йўлга чиқишмади?

— Мен уларни кўндиришга роса уриндим. Ёшлар-ку, сизни танишади-я, лекин Қац кўнмади. Қац — кекса абрек-да, шунинг учун ҳам жуда эҳтиёткор: «Йўлда етиб оламиз...» деди.

Мен Жокиадан узангини қисқартиб беришни сўрадим. Тўхтадик. Узангилар билан машғул бўлиб энди қутулиб ҳам эдики, яқингинада қурилган катта йўлда уч отлиқ кўринди.

Олдинда кекса киши от чоптириб келарди. Унинг боши бошлиқ билан бойланган эди. Икки ёнида икки ёш кўпириб кетган отда елиб келишар, лекин кексадан ўтиб кетишни исташмасди.

Яқинроқ келишганда мен ёшларнинг соқоли ўсиб кетганини кўрдим.

Уларнинг эғнида эски чоха, бировникилиги шундоққина сезилиб турибди. Бошлари бошлиқ билан боғланган. Этниклари тиззагача лойга ботган, либосларининг барига тиканаклар ёпишган.

Уларнинг бақувват сван отлари оғир нафас олиб, елиб келмоқда. Менинг ҳам мана шу янги қурилган йўлда от чоптиргим келди, лекин бу ерда отни йўрттириш ҳам хатарли эди.

Динамит билан портлатилган қояларнинг бўлак-бўлаклари йўл чеккасида, кета-кетгунча юмалаб ётарди, йўлда эса, қорайиб кетган роллерлар пишиллаб ҳаракат қиларди.

Портлатишлар гулдуриси Ингурнинг шовиллаши билан қўшилишиб кетарди. Шунақа йўлда от ҳуркиб олиб қочадиган бўлса, тамом — ҳаёт билан хайрлашавер!

Қария мени кўрмагандай бўлиб олдинга ўтиб кетаркан, ёшларга йўл чеккасидан юрмасликни тайинлади. У ташвишли кўринарди.

Бир неча вақт шундай жим бордик. Жокиа ҳарсиллаб бизга зўрга етиб оларди. Баъзан сўқмоқларга тушиб, бизни орқада қолдириб, йўлни кесиб ўтиб кетар, кейин яна биз унга етиб олардик. Шунда у, бошини қуйи солганича, яна бизнинг кетимиздан, чарчаган хонаки итдек эргашарди.

Йўл муюлишида юзтача ишчи тепадан юмалаб тушган харсанг атрофида уймалашиб, уни Ингурга итариб туширмоқчи бўлишарди.

Отини шу ерда тўхтатиб, Қац Звамбая бизга, қамчиси билан, илдамроқ бўлинглар, ишорасини берди. Итариб юборилган харсангнинг бўлаклари ёғоч кўприкни чилпарчин қилиб юборганидан, Ингурни юқори қисмидан кечиб ўтишдан бўлак иложимиз қолмади.

Ингур, тўлқинлари ёйилиб денгиз томон эркин оққан Мегрелияда қанчалар сокин бўлса, ўзининг тор, иланг-биланг йўлида қисилганидан Сванетияда шунчалар ҳайқириб оқади.

Бир неча километр чуқурликдаги метин харсангни теша олган ва ўзи пора-пора қилган харсангга отилиб, урилиб турган дарёнинг қанчалар қудратли кучи бор экан-а!

Дарёларимизни отда неча бор кечиб ўтиб юрганман. Лекин Ингурга кўз ташлаб, ҳанг-манг бўлиб қолдим.

Мен билан Арзакан дарёдан кечиб ўтишга қарши бўлдик. Иш бошқарувчи бизга, уч кун ичида кўприк тузатилишини, унгача ишчилар барагида дам олиб туришни маслаҳат берди.

Аввалига Қац Звамбая кутишга рози бўлди, лекин Жокиа, бу ердан кечиб ўтишга ҳатто аёл киши ҳам қўрқмайди, деб уни жўшга келтирди. «Бутун оламга расво бўламиз!» деб туриб олди.

Қац унинг томонига ўтиб олди ва ортиқ бизнинг гапимизга қулоқ солмади. «Ёшсизлар, гўрсизлар, ҳали нимани биласизлар!»— унинг айтган сўзларининг мазмуни шундай эди.

Тараш Эмхвари Қац Звамбаянинг қарорига қўшилди.

Абхаз одатига кўра, сафарга чиққанда, суворилар олдида ёши каттаси боради, дарёдан кечилган чоқда эса, ёшлар мардлигини кўрсатмоғи керак.

Энди гап номус ва эркаклик шаънига бориб тақаладиган бўлди. Шунинг учун Арзакан пиёда бўлиб олиб сўқмоқдан отни етаклаб кетди.

Бир соат чамаси шундай кетдик. Соҳилга яқинлашгач, Арзакан яна отга минди, қамчи босиб уни ниқтади. Арзакан отни қояли жарга икки бор бурди, иккала гал ҳам чекинди-да, кейин Ингурнинг кўпирган сувида оти билан бирга ғойиб бўлди.

Сўнг бир неча метр нарида отлиқнинг боши кўринди. Қац Звамбая соҳилда турарди. Қўлини карнай қилиб, Арзаканга, дарё оқимига қараб суз, дея бақирарди.

Арзаканнинг кетидан сувга Эмхвари кирди. Қац Звамбая Жокиани отига мингаштириб олди-да, менга ишора қилди.

Мен қамчи силкидим. Отни Ингурга олиб кирганимда бутун аъзойи баданим уюшиб, юрагим орқамга тортиб кетди.

Муздай гирдоб мени ўз қаърига тортди.

Умрим бипо бўлиб, бунақани ҳеч бошимдан кечирмаганман.

Ингур отимни бир коптокдек отқиларди. Шиддат билан оқётган дарёнинг ярақлашидан кўзим тинди, сув қаёққа оқижаётганини айиролмай қолдим. Тўлқин қўлимдан жиловни тортқилаб олди; отнинг ёлига маҳкам ёппыганимча ўзимни тўлқинга қўйиб бердим.

Қац Звамбая ҳаммадан илгари париғи қирғоққа чиқиб олди. Свози борича бир чинқириб, мен томонга отилди. Отим эпчиллик қилдими ё бошқа нарса руй бердими, нима бўлганини ўзим ҳам билмайман, соҳилга етиб қолдим. Қац орқасига қайтди.

Мен хатарсиз жойга чиқиб олган эдим. Сачраган сувлар билан туманлашган кўзимни ишқалардим. Шундан кейингина Қац Звамбаянинг орқасига мингашиб олган Жокианинг томири тортишган юзини кўриб қолдим.

Бурни катта, қизил соч Жокиа, инсон танасига ёпишиб олган иблисга ўхшарди. «Жокиа ўрта асрларда яшаган бўлса эди, уни иблиснинг ҳамтовоғи деб гулханда ёқиб юборишган бўлишарди!» деб ўйлаб қолдим.

ДАЛИ

Тараш Эмхвари баъзан мендан ўзиб кетар, аҳён-аҳёнда мен билан бир-икки оғиз гаплашарди. Арзакан бўлса кўпроқ ўзини чеккароқда тутар, саволларга қисқа-қисқа жавоб қиларди.

Менинг ғалати либосимга кўз қирини ташлаб қўяр, ҳамма вақт портлаган қоялар майдаси сочилиб ётган сўқмоққа ўйчан тикилиб қоларди.

Текис йўлдан бориш камдан-кам насиб бўларди; вақт-вақти билан ишчилар қоялар ичкарилиғига кириб яшириниш учун тараф-тараф бўлиб қочишарди. Тоғ гумбирлаб портларди. Қоялар гулдираб қулар, ҳайбатли дара ҳансираб ва ларзага келарди.

Ингур бу ҳайбатли тоғларнинг ҳалокати яқинлашганига се-
вингандай тоғ такаси сингари тошдан тошга сапчиб йўрғаларди.

Ун километр масофада биз, баланд тоғ тепасидан пастга қулатилган ўн мингларча дарахтларни кўрдик. Қарағай, арча, қайрағочларнинг таналари бир-бирларига чирмашиб Ингурни тўсиб қўйган эдилар.

Ундан ташқари соҳилга юмалатиб қўйилган яна неча-неча минги чириб ётарди.

Биз кичик бир қишлоққа кириб бордик. Бизни кўзлари чақноқ, буқоқ болалар қуршаб олишди. Каттакон буқоқли кекса бир аёл болохонада тўқув дўкони ёнида ўтирарди.

Отда юриш борган сайин оғирлашиб борарди. Янги қурилган йўл, баъзан, қўққисдан узиларди. Йўлни қисқа қилиш учун биз кенглиги эчки орқасидай келадиган сўқмоққа чиқардик.

Тепадан тушган харсанглар ёғоч кўприкларни бузиб юборганидан, баъзан Қац Звамбая билан мен, пиёда бўлиб олардик. Ешлар эса олифтагарчилик қилиб отдан тушишмасди, улар отларини бузуқ кўприкдан, бирдан узилиб қоладиган сўқмоқдан сакраб ўтишга мажбур қилишарди, ўлиб кетишларига сал қоларди.

— Нега мунча шошиласизлар?— деб сўрайман Эмхваридан.

— Бизнинг тарихимиздан хабардорсиз, албатта: Жокиа шундай шахски, бизнинг бу ердалигимизни оғзидан гулламай бўпти. Биз қоронғи тушгунча зунтар тор дараларидан ўтиб олишимиз керак, акс ҳолда, рақибларимиз бизга етиб олиши мумкин. Бу жар ёқаларида, ҳатто, ёш бола ҳам тепадан харсанг думалатиб, катта-катта кишиларни ҳалок қилиши мумкин.

— Биз тўрт кишимиз, уларнинг юраги дов бермаса керак,— дедим мен.

— Биздан сал орқароқда юришни, ёки бир оз илгарилаб кетишни маслаҳат бераман сизга,— гап қўшиб қўйди Арзакан.— Одам холис, бирор воқеа юз бериши ҳам мумкин. Бу Жокиа — қаллоб одам. Бизнинг қаердалигимиздан Тарбаларни хабардор қилган ҳам бўлиши мумкин.

— Барибир, бундай жар ёқалаб кетаётганда отларни шовилтириш ярамайди,— дейман мен.

— Биласизми, ҳурматли Константинэ, ҳеч нима мени манз шу тоғларчалик ҳаяжонлантирмайди,— деди Эмхвари.— Техника денгизни илгариги ҳайбати ва буюклигидан маҳрум қилди. Ортиқ у Одиссея давридаги ҳукмрон стихия эмас. Соз жиҳозланган океан пароходида ўзингни уйингда ўтиргандай ҳис этсан.

Дала-даштлар қиёфаси мени мудратади.

Тоғлар эса — ҳамма вақт ўзига тортади. Тоғни кўрсам, уни албатта ошиб ўтгим келади. Ошиб ўтсанг — бошқаси, бундан ҳам баландроғи кўринади, кейин яна бошқаси...

Дара яна гулдиради. Арчалар кўкарган, ёввойи қобон тукидай тиккайган қоялар ўқирди. Биз баҳайбат бир қоянинг тоғдан ажралиб, Ингурга қулаганини кўрдик.

Отлар сесканди. Мендан олдинда кетаётган Эмхварининг оти сўқмоқда зўрага туриб қолди.

— Бостириб келаётган цивилизация салют беряпти, тоғлар эса унга жавоб қияпти,— деб қичқирди Тараш Эмхвари гулдуросни босиб.— Йўл солишгандан кейин Сванетиянинг табиий гўзаллиги билан хайрлашаверинг!

Арзакан отининг жиловини тортиб, бизга ўгирилди.

— Балким сен буқоқ сванларни жонидан тўйдиришини истарсан?— деб сўради истеҳзо билан.

— Буқоғинг нимаси?— эътироз билдирди Эмхвари.

— Буқоқ одамларни кўрдингиз-ку йўлда... Мамлакатда қанча буқоқ борлигини ким ҳисобларди!— дедим мен.

— Сенга ва менинг отамга портлашлар ёқмайди,— деди Арзакан.— Кейин анави от даллоли Жокиага ҳам ёқмайди.

— Бу йўлнинг қурилиши сванларга ёқмайди,— деди Эмхвари.

— Қанақа сванларга! Қулақларга ва от даллолларига ёқмайди албатта,— чўрт кесди Арзакан ва илгарилаб кетди.

— Биласизми,— дейди Тараш Эмхвари мен томонга энгашиб,— ҳар бир халқ ўзида ибтидоий энергия запасини сақлаши

керак. Акс ҳолда, у, худди французлар сингари, нозикойим бўлиб қолади.

— Французларнинг нозикойимлиги ҳақидаги гаплар Париждан нарига ўтмаган журналистлар ўйлаб чиқарган уйдирма. Ғарбий ёки шимолий Франция бўйлаб сафар қилиб кўринг-чи!

— Менимча, индустриянинг ривожланиши кичкина халқларнинг ўзига хослигини барбод қилади. Авиация тоғларни бир тўсиқ сифатида йўққа чиқаради. Унда...

— Авиация ва умуман, техника масофани йўққа чиқаради ва шу билан бирга, халқларни яқинлаштиради.

Лекин Эмхвари ўз фикрида туриб олди ва биз, бу масалада тортишиб қолдик. Баҳс охирида у мулоҳазаларининг қўполлиги билан мени аччиғлантирди.

— Ёшингиз нечада?— сўрадим мен.

— Ёшимнинг бунга нима дахли бор?

— Дахли шундаки, сиз ҳали кўп нарсаларни ўрганишингиз керак, кўп нарсани бошингиздан кечиришингиз керак. Сизнинг ёшингизда мен ҳам худди сиздай мулоҳаза юритардим.

— Сизнинг ёшингиз нечада?

— Сванетияда менинг ёшим билан баробар қоя йўқ,— деб жавоб қилдим мен.

Манзара ўзгариб борарди. Биз борган сайин юқори кўтариламыз.

-- 2500 метр юқоридамыз,— дейди Эмхвари,

Ингур пастда қолди. Энг юқори чўққидан дарё ўзанигача икки километр келарди. Готик ибодатхоналар мисол осмонга бўй чўзган, қирғий тусдаги тоғлар кўринди. Ҳаво яна ҳам тиниқлашди. Бинафша тусдаги шуълаларга ғарқ бўлган, кўзни қамаштирарли даражада гўзал Кавкасион намоён бўлди.

Йўл чеккасига ўтқазилган каштан дарахтларининг меваси тап-тап тўкилади. Аҳён-аҳёнда айиқ поралаб кетган ҳайвонлар скелети учрайди. Баланд-баланд қояларда калхатлар ва қузғунлар ўлжа пойлаб жим ўтирадилар. Милтиқларимизни кўриб, улар оҳиста кўтарилади-да, ҳавода доира ясай бошлайдилар.

Папах кийган, ҳар қачондагидек белбоғига ханжар осган сванлар жарликка қараб от чоптирадилар. Тиш-тирноғигача қуроолланган ерли халқнинг кўриниши, ҳарбий лагерга тушиб қолмадимикан, деган фикрга олиб боради. Улар биз билан саломлашишади-да, отни йўрттириб кетишади. Юк ортилган хачирлар арқондек иланг-биланг қилган сўқмоқдан бамайлихотир кетиб боришади.

Жокна шошилади. У олдинда боради, атайлаб шосседан четлаб, бизларни хатарли сўқмоқлардан бошлаб боради. Отлар ҳаддан ташқари зўриқиб тошдан-тошга ўтишади.

Музликлар ва доимий туманлар салтанатига яқинлашамиз. Тоғларнинг чўққилари қорамтир бошлиққа ўралган.

Яна оҳиста пастга қараб туша бошлаймиз. Эшак орқасича келадиган сўқмоқ билан Ингурга, унинг тикка соҳилига, вайрон бўлган кўпригига қайтамиз. Ёмғир минтақасига тушиб қоламиз ва шу кўйи бир неча километр борамиз.

Мана, сел ювиб кетган соҳил бирдан узилди. Яна кўтарилиш керак. Дарахтларнинг аждар сингари иланг-биланг илдизлари тошларга тармашган эди. Баъзан от дупуридан чўчиган калтакесак ўрмалаб ўтиб қолади ёки олмахон шохдан-шохга ирғишлайди.

Энди биз яна Ингурдан баланддамиз, яна портлашлар гумбурини тинглаймиз.

Ишчилар йўл чеккасида асфальт қайратишади.

Неча минглаб қадоқ қўл бу қояларнинг яқин йўлаб бўлмайдиган қалъалари билан курашаётир. Сванча шапка кийган ишчилар — забардаст йигитлар

Сванларнинг тили шиддатли. Бу тил томоқдан чиқадиган бўғиқ товушлар билан тўлиқ эса-да, менга ёқимли эшитилади.

Сванлар Жокиани истеҳзога мойил табассум билан қаршилашади.

— Жокиа, сени Тарбалар сўроқлашаётувди,— дейди сван тилида хушбичим йигит.

Жокиа қип-қизариб кетади.

— Қаерда, қаерда ўша Тарба?

На Арзакан ва на олдинда бораётган Кац Звамбая эшитди бу гапни.

Тарба номи тилга олинганда Эмхвари сергак тортди.

Менга қараб қўйди-да, улар нима тўғрида сўзлашишганини сўради. Мен таржима қилиб бердим.

— Арзакан рост айтган экан; Жокианинг Тарбалар билан алоқаси бор.

— Зарарсиз, қоронғи тушгунча Хаишига етамиз, у ерда эса йўл бошқармаси ва милиция бор. Бир нима қилармиз,— дейман Эмхварига, лекин гапирган гапимга ўзим ишонмайман. Шунини яхши биламанки, бунақа масалада милиция ҳеч ёрдам қилолмайди.

Тарбалар авлоди кўпчилик. Улар Мегрелияда ҳам, Абхазияда ҳам яшашади; Сванетияда улар чорвадорлик билан шуғуллашади.

Эмхвари Арзакан билан абхаз тилида сўзлаша бошлади. Бу ўзига хос: гоҳ қушларнинг чирқиллашига, гоҳ ирмоқнинг жилдирашига ўхшаб кетадиган тилни сал-пал тушунаман. Лекин Эмхвари шундай гез сўзлардики, нима деганини англаб ололмадим.

Арзакан қовоғини уйди. Унинг Тарбаларга дағдаға қилаётгани кўриниб турарди.

Негадир отга жаҳл қилиб, қамчи солди. Қамчининг шивиллашига Ингурнинг нариги соҳилида каттакон йиртқич қуш қанот қоқиб осмонга кўтарилди. Арзакан маузерини ўқталди, ўқ еган қуш, осмонда бир айланиб, дарёга тушди.

Ўқ товуши қояда ўтирган бургутни чўчитди.
Энди Эмхвари милтиқ ўқталди. Аввалига осмонда пар ёйилди, кейин бургут бизга яқингинадаги тошга келиб тушди.
Қип-қизил қон сван пишлогисимон ғалвирак оқ тошга сачради.

Шундагина мен бу отишманинг мазмунига тушундим: ҳамроҳларим рақибларига нишонга хатосиз отишларини, қўллари қанчалик бақувватлигини кўрсатмоқчи бўлишган.

Малъун Жокиа мени хўп савдоларга солди-да!

Ҳамроҳларимдан ажралиб қолиш энди ноқулай эди. Жокиа отни ўзимга ишониб бериб ҳам қўймайди, бошқа отни бу ерда асло тополмайман. Муштлашаётганларни ажратишдан кўра — муштлашиш афзалроқлигини биламан.

Шу фикру хаёллар-ла банд эканман, Қац Звамбаянинг бақириви мени чўчитиб юборди. Қац ҳаяжон билан ўғлига алланималар деб қичқирарди. Уни сўкаётган бўлса керак. Арзакан бошлигини нақ кўзигача бостирди-да, отасига қарамай тўнғиллай бошлади.

Чол мен билан Эмхварига ўгирилди-да, тезроқ юринглар, деб жаҳл билан қичқирди. Биз индамай итоат қилдик ва оғир нафас олаётган отларимизни ниқтай бошладик.

Шоссега чиққач, биз йўртиб бораётган отларимизни чоптириб кетдик. Шу кетишда юришимизни секинлатмай, йўл бошқармасига етиб олдик. Текисликда ишчилар учун лагерь қурилган эди. Икки баракда чироқ бор эди. Кўкаламзорда ремонт талаб бўлган роллерлар турарди. Ўралган симлар, механизмларнинг қисмлари, рельслар, телефон аппаратлари, дизеллар, мис, алюмин, темир, пўлат ва чинни қисмлар, электроарматура, бетон қолиплар ҳали ҳануз, ҳатто арава ғилдирагини ҳам кўрмаган ўлкага келтирилган эди.

Лагернинг ўрталиқ ерида ягона телеграф устунни қад кўтарган бўлиб икки юз шам кучига эга бўлган лампа кўзни қамаштирар даражада нур сочарди. Юқори Сванетиядан ёлланиб келган уч юз нафар сван «перхули»га рақс тушмоқда эди.

Кенг яғринли паҳлавонлар гоҳ жуфт-жуфт бўлиб, гоҳ баробар саф тортиб, узун ханжарлари камарларининг кумушланган нақшларига тегиб жангиллаб, паҳмоқ кавушдаги оёқлари билан тепиниб рақс тушардилар.

Уларнинг бошларидаги пушка снарядининг учига ўхшаш учдор шапкалари лип-лип ўтиб турар, елкалари силкинар, гулдураган овозлари дара устида янграрди.

Бир гуруҳ куйларди:

Не қилай, куйламоқ қўлимдан келмас...

Иккинчиси жавоб қиларди:

Ташриф буюрдилар малика Тамар...

Яна биринчи куйлайди:

Бошида бор эди зевар дубулга...

Иккинчиси жавоб қилади:

Бошида бор эди зевар дубулга...

Тўсатдан, рақс тушаётганлар қадларини тиклаб, кенг хан-жарларига ёпишадилар.

Яроғларнинг тинимсиз жаранги эшитилиб туради. Бир-бирларига кўзларини чақчайтириб сванлар баробар жўр бўлишади:

Бошида бор эди зевар дубулга...

Паҳлавонлар жазавалари тутиб рақс қилишади. (Ёки бўронда букилиб, қирсиллаётган эманзордир бу?)

Баҳайбат бўғиздан гоҳ Ингурнинг ўкириши, гоҳ қор уюмининг гувиллаши, гоҳ уришаётган тоғ такалари шохининг тарақтуруқи, гоҳ портлаган қоялар гумбири эшитиларди.

Жокиа отларни жойлаштиргани кетди. Биз эсак, шу яқин ўртада бир ғарам пичан топдик ва ҳориб-чарчаганлигимиздан тунашга ҳозирлик кўра бошладик.

Перхули давом этарди. Рақс тушаётганлар кўзида электр чироқларининг нури акс этарди. Сванлар неча асрлик гимнларини, бу ерларда энди пайдо бўлган ана шу нурга бағишлаётган эмасмиканлар?

Мана энди улар «Беткилис перхули»ни бошлашди.

— Нима деб куйлашаётганини биласизми?— сўради мендан Тараш Эмхвари

— Олтин соч маъбуда Далини сванлар ов ҳомийси деб эъозлайдилар. Дали Беткилини севиб қолади. Беткили эса янгаси Тамарга ошиқ эди. Ламария ҳайити арафасида Беткили Тамарни йўлдан оздиришга муваффақ бўлади. Эртасига у перхулида иштирок этади. Дали ерга оппоқ мода тоғ такасини юборади. Рақс пайтида у Беткилининг оёғи орасидан ўтиб кетади.

Лекин мен ҳикояни тугатишга улгурмадим. Жокиа кўринди.

— Шу ерда тунайсизларми?— сўради у.

Қац Звамбая кўзини кўтарди.

— Ҳа,— тўнғиллади у бош иргитиб.

ҚИРҒОВУЛ ЧИНҚИРИҒИ

Қац Звамбаянинг имоси билан Арзакан бир эман ғўлачасини олиб келиб, мени ўтиришга таклиф қилди. Кейин у Эмхвари билан биргаликда яна икки шунақа ғўлача келтириб, устига тах-

та қўйди. Қац Звамбая сумкасидан хачапури чиқарди, шохга ароқ қуйиб менга узатди. Мен ўзингиз ичинг маъносида рад қилдим.

Қац овқат олдидан дуо ўқиб:

— Учрашувимиз хайрли бўлсин!— деган сўзлар билан сипқарди.

Кейин шохни менга узата туриб, ишонч билан давом этди:

— Тамадди қилиб оламиз-да, шу замон йўлга тушамиз. Шундай қилганимиз маъқул. Жокиа бизни сотиб қўйганга ўхшайди. Жваридан чиққанимизданоқ, Тарбалар бизнинг изимиздан қувиб келаётган кўринади. Изимизга тушмаган тақдирда ҳам, барибир, бу ерда тўхталиш хатарли. Бу жойларда бошқа Тарбалар яшайди.

У Тараш билан Арзаканга қараб қўйди.

— Тараш индамади. Бошидан бошлиғини олиб, тиззасига қўйди. Не кўзим билан кўрайки, бу йигитнинг сочи оппоқ оқариб кетган эди. Эмхварини илгари ҳам таниганим учун ҳайрон қолдим. Соци нега оқариб кетганини сўрадим.

— Бебахт Жамлет Тарбани ўлдириб қўйган куним кечаси оқариб кетди. Ҳа, худди шу кечаси...

Арзакан аввалига жим турди, кейин ота-ўғил баҳслашиб кетишди. Арзакан, бу ерда эрталабгача қолайлик, тонг отиши билан йўлга тушамиз, деб туриб олган эди. —

Менинг фикримни сўрашди.

Мен учун энг яхшиси улардан ажралиб кетиш эди, бу кечани бир амаллаб тонг отдириб, эрталаб эса, Тбилисига қайтиб бўлса ҳам, булардан ажралиш керак эди.

Лекин албатта бу тўғрида миқ этмадим. Тўғри жавоб қайтаришдан ўзимни олиб қочиб:

— Ўзингиз биласиз. Қандай лозим кўрсангиз шундай қилинг,— дедим.

Кейин Қац Звамбаядан:

— Жокиа менга сизни ошнам деб эди. Ошнаси бўлсангизу, сизга хиёнат қилса, бўладиган гапми бу?— деб сўрадим.

Чол истеҳзо билан кулди.

— Э, қаёқдаги гапларни гапирасиз-а! Фойда учун ўз ўглини сотишга ҳам тайёр бу. Шу бу йил кооперативга қурилиш тоши керак бўлди. Жокиа нима қилди денг? Онаси, отаси ва барча марҳум қариндошларининг қабр тошларини сотди. Шундоқ одам ошнасини аярмиди?

— Лекин унга эҳтиёт бўлинглар,— деди Қац Звамбая ўғли билан тарбиялаган фарзандига.— Унга ишончсизлик кўрсатманглар. Кечаси отларни ҳайдаб кетиб, бизни пиёда қолдирмасин тагин.

Бир амаллаб Махвш ёнига етиб олсак бўлгани,— давом этди Қац.— Агар Сванетияда Қора Махвш бизга паноҳ берса

бас, омон қоламиз. Унинг қалъаси ва бутун авлоди бизни ҳимоя қилади.

У билан кўпдан бориш-келишимиз бор: бир вақтлар мен Черкесиядан отларни ҳайдаб келардим.

— Қора Махвш деганингиз ким яна?— деб сўради Арзакан.

Сван тилида, бу — авлод бошлиғи эканлигини тушунтирдим.

Қац Звамбая мени ичинг деб қистарди. Мен яна бир шох ичдим. (Одамларда шундай одат бор — хатар олдидан алкогольга ўзни урадилар.)

Шундай қилиб биз, тоғ ҳавоси туфайли иштаҳамиз очилиб, ичкилик кетидан мегрель сулғуни ва хачапурисини еб ўтирибмиз. Кичкинагина вино шохи қўлдан қўлга ўтаётир.

Тараш Эмхварининг юзи ароқдан қип-қизариб кетган эсада, қовоғи солиқ эди. Вақтидан бурун сочи оқариб кетган бу йигит, ерга кўз тикканча, ўз фикри билан банд эди. У шохни олиш навбати етгандагина бошини кўтарарди.

Сванлар яна бир овоздан куйлашади:

Не қилай, куйламоқ қўлимдан келмас!

Ҳайбатли паҳлавонлар электр нурига фарқ ўтлоқда рақс қи-лишади.

Овқатланиб бўлгач, биз Жокиани уйғотдик, отларнинг ай-лини тортиб, милтиқларимизни ўқладик. Арзакан маузерга ўқ жойлади. Жокиани олдин йўлга чиқариб, билдирмайгина, битта-битта йўлга тушдик.

Қишлоқ уйқуда эди. Қоронғида тегирмоннинг бир меъёрдаги гувиллаши эшитиларди. Ой қуюқ булутлар оралиғидан аста-секин сурилиб ўтиб, ғира-шира нур сочарди. Аллақерда қара-гай тутантриқ милтилларди.

Хомуш ястанган тоғ чўққилари паноҳида, пастликда, Иигур гулдираб оқарди.

Қац Звамбая билан Жокиа олдинда боришарди. Уларга етиб олган чоқларимда уларнинг сирли шивир-шивири қулогим-га чалинарди.

— Қизиқ, ким кимни лақиллатиб кетаркин?— дейман Тараш Эмхварига.

— Лаънати Жокиа Беткили воқеасини охиригача сўзлаб бе-ришингизга халақит қилди,— деди Тараш.

Мен ҳикояни давом эттирдим.

— «Мода — тоғ Така авлодимизни шармисор қилди!— деб бақира бошлади авлод.— Беткили энг уста овчи — қувиб етсин унга».

Шундай қилиб Беткили оқ тоғ такасини қувиб кетибди. Ле-кин Далини ёрдамга чақирмабди. Бунинг устига бир кеча олдин кеннойисининг қўйнига кириб, овчиларнинг ўзни тутиш ҳақида-

ги қасамини бузибди. Сизга маълум бўлса керак, сван овга чиқадиган бўлса, икки ҳафта мобайнида аёлнинг яқинига йўла-маслиги керак.

Мен шу сўзни энди айтиб бўлиб ҳам эдимки, арчазорда ўқ тасирлади. Менинг отим ўзини ёнга отди ва Эмхварининг отига урилиб кетиб, мени жарликка итқитиб юборди.

Мен суворий бўлиб туғилмаганман холос, лекин нималарни бошимдан кечирмаганман денг: пойга вақтида узангим узилиб кетган, учиб бораётган отим йиқилган ёки битта узангида мени судраб қочган вақтлар ҳам бўлган. Ҳеч қачон шу галгидек эсон-омон қутулиб қолган эмасман.

Қияликда бир неча бор ўмбалоқ ошиб, бир бутага тармашиб олдим. Қоронғида омадим келганидан қувондим, лекин шу за-моноқ ўқларнинг тасирлаганини эшитиб қолдим. Юрагим уюшиб кетди. Елкамдан милтиғимни олиб, мох босган қияликдан ўрма-лаб кетдим.

Эмхвари иккала от жilовини қўлига ташлаган кўйи, милтиқ стволини эгарга тақаб отмоқда эди.

Мен ҳам, кимга отаётганимни ўзим билмай, бетартиб ўқ уза бошладим. Ўқлар визиллаб, яқингинадаги арчазордан отилмоқ-да эди; биз ҳам шу тарафга қараб ўқ узмоқда эдик. Бир печа дақиқадан сўнг арчазордан ўқ узиш тинди, биз эса, бу жин ур-гур сўқмоқдан кўтарила бошладик.

Биз қарағайзорга етган чоғимизда осмонда етти оғайни шун-доққина кўзга ташланарди. Тун қоронғисида ҳайбатли қарағай-лар сокин қад кўтарганди. Шундоққина пастда, қарағайлар учуда ой сузарди.

Гулхан ёқдик. Гулхан атрофига жойлашиб ўтириб ҳам эдик-ки, ўрмонда шатир-шутур кўтарилди.

— Айиқлар,— деди Кац зим-зиё ўрмонга кўз тикиб.

Қуруқ шох-шаббанинг шатир-шутури ва япроқларнинг ши-тир-шители эшитилди. Бирдан айиқ бўқирди, кейин иккинчиси. Укириклар кўтарилди.

Дарадан шоқоллар қичқирғи келарди. Ҳайвонот подшоҳ-лиги қоронғида безовталанган эди.

Аллақандай кул ранг нарса олдимиздан югургилаб ўтиб кетди. Бу нарса тахта кўприкдан от чопиб ўтиб кетаётгандай тарақ-туруқ қилиб югурарди.

Биз Кац Звамбаяга саволомуз қарадик.

— Бўри,— деди Кац гулханни ковлаб.

Кейин ҳамма шов-шувлар тинди, фақат арча бужурларининг ерга тўкилиши эшитиларди.

Мен, Тараш Эмхвари ва Арзакан юз тубан тушиб ётиб ол-дик. Замин ва каштан япроқлари исидан лаззатланиб чўзилдик.

Ўрмон ҳамма вақт ўрмон ҳақидаги суҳбатга майл уйғотади.

Кац гулхан ёнида чордана қуриб ўтиради ва тоғ эчкилари қандай қилиб доира тартиб йиғилиб, бўридан ўзларини мудофаа қилишларини, тоғ такаси шоҳи билан бўридан ўзини ҳимоя

қилишини, оҳунинг бургут билан қандай олишини, овчилар бўрини қандай аврашини ҳикоя қилади.

Бўрининг увлашига тақлид қилиб, Қохор ўрмонидан мода бўрини алдаб чақирганини эслади. Енгини шимариб, каттакон чандиқни кўрсатди: бу ярадор оҳу туёғининг изи эди.

Ундан ташқари Қац Звамбая, лоснинг кузда шох ташлашини, январда эса қайтадан шохини ўстиришини сўзлаб берди. Лоснинг урғочиси қочди дегунча, эркагини ташлаб кетаркан.

Эркаги ўрмонма-ўрмон сандироқларкан, урғочисини учратди дегунча, қоринини ёриб ташламоқни кўзлаб суза бошларкан ё бўлмасам, болачасини шохи билан сузиб ўлдираркан.

Арзакан ухлаб қолди. Қац отдан хабар олгани кетди.

— Мени ҳануз Беткилининг тақдири қизиқтиради,— деди Тараш Эмхвари.

— Тоғ тақасининг модаси,— деб афсонани тамомладим мен,— Беткилини ўтиб бўлмас чўққига эргаштириб кетган-да, пастга думалатиб юборган. Хаишида сванлар шу тўғрида қўшиқ куйлашаётувди.

Етти оғайни юлдузи сўнди. Қарағайзордаги айиқ ўкириклари ҳам тинди.

Мен билан Эмхвари уйқуга чўмган заминга маҳкамроқ қапишамиз. Шу чоқ, аллақаяқларда қирғовул чинқираётгани эшитилади.

Оҳ, кимда ким бу чинқириқни эшитмабди, у ўрмоннинг, Дали чехрасидай порлаган қуёш кўтарилишини қанчалар завқ билан кутиб олишини билмабди.

Арзакан билан Жокиа ҳуррак отишарди. Қац Звамбая, биқсиб ёнаётган оловга тикилганича, чубукини тутатиб ўтирарди.

Отлар шатир-шутур қилиб кўкатларни кавшарди.

Қаштан япроқларидан иборат тўшакда чўзилганимча, ширин уйқуга толгунимга қадар, қирғовул чинқириғига қулоқ солиб ётдим...

ИНТИҚОМГА ТАШНА ЧОНГУРАЧИ

Биз яна Ингур томон туша бошлаганимизда кузнинг сўнги момақалдиروғи гулдиради.

Аввалига, ёмғир ёғиб турсада қуёш чарақлади. Кейин осмонни қора булутлар тутиб, ярқироқ найзалар тоғ чўққиларининг қалқонларига бориб урила бошлади. Дара ларзага келди. Шамолда чайқалган, чақмоқда ёришган дарахтлар гижирларди. Ингур ғажиб ташланган соҳилга келиб урилиб, ўкирарди.

Қац Звамбая ўғли билан тарбиялаган фарзандини, тик қияликдан отни учуриб ҳайдасликдан зўрға тиярди. Отни аямаяпсан деб мени ҳам бир-икки бор койиб ташлади чол. Лекин сел қуя бошлагач, ўзи ҳам отига қамчи босди.

Сувга тушган чумчуқдай бужмайиб олган Жокиа, сўқмоқлардан тик юриб, биздан ўзиб кетарди. Баъзан у бутунлай

кўздан ғойиб бўларди. Кейин яна бирон бир чўққида пайдо бўлар, тик қияликдан пилдироқдек сирғалиб тушарди.

Биз буркаларга ўралиб олдик. Йўл Ингурни пастликда қолдириб, энди текисликдан борарди. Қац Звамбая қихладида, отининг бошини қўйиб юборди. Биз ҳам унинг ортидан от қўйдик. Жокиа ҳеч қаерда кўринмасди.

Сўқмоқ билан юриб, биз ўрмонга ичкарилаб кетдик. Буталарнинг бўйи елкамизгача келгани туфайли, ўрмон чеккасига чиққунимизга қадар шилта-шалаббо бўлди. Отимизни чоптириб кетдик. Менинг ёнимда от чоптириб кетаётган Қац бирдан қаққаҳлаб юборди:

— Анави иблисваччани қаранглар!— деди у шалаббо бўлиб, сўқмоқ бўйлаб, деярли биз билан баробар, судралиб келатган одамга қамчиси билан ишора қилиб. Қарасак у одам Жокиа экан.

Яна момақалдироқ гулдуради. Аввалгидан ҳам қаттиқроқ сел қуйди. Қац Звамбаянинг Жокиага раҳми келди. Отининг бошини буриб, орқага қайтди, даллолни отига мингаштириб, яна менга етиб олди. Мен ҳаммадан олдинда кетаётган эдим.

Сув оқиб ёқам ичига тушаётганини ҳис қиламан, сирғалиб кетаётган эгарда ўзимни базўр тутиб, шунда ҳам, азобда қолган отни ниқтайман.

Кўтарилиш тугади, довон ортида қишлоқ кўринди. Мен беҳтиёр отимни қишлоқ чеккасидаги илк дуч келган уй бостирмаси томон бурдим.

Отимни пиллапоя панжарасига боғлаб, уй эгаларининг таклифини кутмаёқ, ёғоч зинадан юқори кўтарилдим. Торгина болохона бошида чоха кийган йигит турарди; дераза тагида қўлнинг дераза тоқчасига тираган узун соқол кашиш кўринди.

Оёқ говушимни эшитиб, йигит мен томон ўгирилган эди, унинг бутун борлиги намоён бўлди: елкадор, ингичка бел, лочин қараш, кенг пешана.

Деворга суянганича, менга — нотаниш кишига шунчалар мағрур боқардики, гўё мен унга атаб совға-салом келтирган қули эдим. Белбоғидаги ханжари — кўришим билан эътиборимни тортган кумуш гардишли оқ суяк сопли сван ханжари тиззасигача тушарди.

— Ханжаринг ниҳоятда нафис ишланган экан-да, йигит,— дедим мен салом-алиқдан сўнг.

— Ҳа, ёмон эмас. Лекин шуниси ҳам борки, яроғни кумушгина бежамайди. Ханжардан яхши нарса бормикан ўзи!

— Бу гапинг тўғри. Лекин ханжарни мадҳ қилишга чек қўйса бўлмасмикан энди, сван?— мулойимгина дедим мен.

— Аввало мен сван эмасман, Сванетияда ўсганман холос,— жавоб берди у дағалгина.

Мен ҳайрон қолдим. Йигит асл сван каби соф сўзларди. Шу кунгача ўзимни грузин шеваларини бенуқсон биламан, деб ҳисоблаб келган бўлсам, эндиликда иккиланиб қолдим.

— Кимсан бўлмасам, йигит?— деб сўрадим.

— Мегрелман.

— Фамилиянг нима?

— Тарба.

— Исминг-чи?

— Исминг Абесалом. Ломкац Тарбанинг неварасиман,— жавоб қилди у гердайиб.

Ана холос! Мен киши томон кўз ташладим. Лекин у деразани ёпиб, гойиб бўлган эди.

Дарҳол орқага қайтиб, ҳамроҳларимга қичқирсам-да, улар дарҳол отларига миниб, беғалва жуфтакни ростлашса деган фикр келди миямга.

Лекин шу чоқ зинада Жокианинг боши кўринди, унинг кетидан Қац Звамбая, Арзакан ва Тараш Эмхвари чиқиб келаверди. Тор болохона одамлар билан тўлди.

Йигит телбалар сингари кўзини ола-кула қила бошлади. Жокиани қўлининг ишораси билан ёнига чақириб олди. Жокиа кўм-кўк кўкариб унинг ёнига борди.

Саломлашишди.

— Анави чол — Қац Звамбая-а?— сўради йигит, овга чанг солган калхат сингари даллолга ташланиб.

Жокиа марҳум онасини ўртага солиб, бу чолни танимаслигини айтиб, онт ича бошлади.

Шунда Абесалом менинг қўлимни чангаллаб, шу савол билан менга мурожаат қилди. Мен, бу одамларни йўлда учратганимни, ким эканликларини билмаслигимни айтдим.

— Ундай бўлса, ўзим билиб оламан!— деб бўкирди ёш паҳлавон ва ўзини менга ташлаб, ханжарининг бандини чангаллади. У мени деворга маҳкам қисиб олган эди.

Жиу-жутсу усули билан бироз таниш бўлганимдан, унинг билагини қаттиқ чангалладим-да, қинидан ярим чиқарилган ханжарни қайта қинга солиб қўйишга мажбур қилдим.

Шу ўртада Қац Звамбая, ортиқ қон тўкилишини лозим кўрмади чоғи, ўғли билан тарбиялаган фарзанди қўлини қаттиқ ушлаб олди ва улар учовлон зинадан югуриб тушиб кетишди.

Мен чангалимни ёздим-да, бир қадам чекиндим. Ҳамроҳларимнинг ириб отга миниб, елдириб кетганлари болохонадан менга кўриниб турарди.

Ҳаммаси осон тинчиди, деган хаёлга келган ҳам эдимки, Абесалом бирдан Жокианинг гирибонидан олиб, чақирилмаган меҳмонларнинг кимлигини суриштира кетди.

— Ханши йўлида Звамбаялар билан Эмхварини қочириб юборган сендурсан балки?— дея қичқирарди у ғазаб билан.

Жокиа муштдек ғужанак бўлиб олди; ерга узала тушганича онаси ҳаққи онт ичиб, бола-чақасига шафқат қилишни сўрарди. Жокиа ҳалқумига пичоқ қадалган эчкидай хириллар, типирчиларди.

Мен яна Тарбанинг ёнига бордим.

Тажрибали овчи чангалида бедана тутган лочин ёнига келиб, қурбон танидан, қонхўр йиртқичнинг аввал бир тирноғини, кейин иккинчи, учинчисини бўшатиб, бўйнини силагани мисол,— мен ҳам, унинг адашаётганини, Жокиа менинг кузатувчим эканини, икковимиз анави тоғ ортидаги қўшни қишлоқда тунаганимизни айтиб, Абесалом Тарбага ўгит-насиҳат қила бошладим.

— Наҳотки бегуноҳ Жокианинг қонини тўкишинг мумкин, Абесалом?— дердим мен.

Кўзи қонга тўлган йигит секин-аста ҳовуридан тушди.

Бирдан дераза очилиб, унда, хотиржам юзи узун соқол билан ҳошияланган кашиш кўринди. У йигитга чонгури узатди.

Абесалом Тарба эса, шу жойнинг ўзида чордона қуриб, чонгурига жўр бўлиб, ширин бир мегрель қўшиғини бошлади.

Бу қўшиқ хотирамда тўла сақланиб қолмаган. Бу қўшиқда қонли интиқомнинг ширинлиги куйланганлиги ёдимда қолган хос.

Қадим-қадимда, неча асрлар бурун пўқилган бу қўшиқ.

Бир соатлардан сўнг Жокиани отимга мингаштирдим-да, Ингурдан ўтиладиган кўприкда ҳамроҳларимга етиб олдим. Кўприкдан ўтдик. Лапарияни қишлоғи кўринди.

На Фарбада ва на Шарқда кўрганларимнинг ҳеч бири сван қишлоғига ўхшамайди.

Баланд-баланд оппоқ миноралар кўкка бўй чўзган бу тоғларга қарасанг, вақт орқага қайтиб, тарихга қадар даврга тушиб қолгандай ҳис қиласан ўзингни.

Шуларнинг барчаси оқ салла ўраган чўққилар ва унинг ортидаги мовий тусга ҳамоҳангдай эди.

Бирортангиз ойдин тунда Баку нефть конларининг вишкисини кўргангиз борми? Лапарияни фамилияли Қора Махвшнинг кўрғонига яқинлашганимизда, қаршимизда намоён бўлган манзара ана шундай эди.

КОРА МАХВШ

Сван меҳмонхонасига кирганимда илк бор кўзимга ташланган нарса Қора Махвшнинг афти бўлди.

Афти? Қани ўзи ўша афт?

Оппоқ соқол шундоққина кўзи остидан бошланиб, юзини тутган ва ханжари бандигача тушган эди.

Ўртаси туташ қоп-қора қошлари чимирилган. Қулоғи ва бурни тешиқларидан ҳам мўй чиқиб турарди.

Қац Звамбая олдинга чиқди. Олтмишга яқин киши, оиланинг барча аъзолари, баробар унинг истиқболига туришди.

Улар орасида — белбоғига ханжар таққан йигирма бақувват йигит, беш чол, ўн чоқли хотин-халаж ва ёшлар, ўн бештача

бола бор эди. Девор тагида қатор турган бешиклардан эмизикли болаларнинг йиғиси эшитиларди.

Қора Махвш ўрнидан қўзғалиб қўйди, лекин турулмади. У баланд товушда, сван тилида, Қац Звамбая билан омонлашди. Лекин жилмаймади. Умуман, унга қараркансиз, бу кекса уруф бошлиғи чехрасида бирон марта бўлсин, табассум бўлганини тасаввур қилиш қийин.

Қац Звамбая букчайиб қолган чол ёнига яқинлашишга шошилди, мегрель одатига кўра ўнг елкасидан ўпиб саломлашди.

Уласи бўлиб ҳорган, шалаббо бўлиб ивиб кетган эдик. Бизни сван креслосига ўтказишди.

Эркаклар ўчоқ атрофидаги ғўлага ўтиришди. Аёллардан биронтаси ҳам ўтирмади. Аёлларнинг ҳатто энг кексаси ҳам, қўлини кўксига қўйиб, чақирилмаган меҳмонларни кўздан кечиришарди. Арзакан икковимиз Махвшдан нарироқда жойлашдик.

— Наҳотки бугун қишлоқ биргина шу уйда яшаса?— деб шивирлади мегрель тилида Арзакан.

Қац Звамбая билан Қора Махвш эсон-омонлашиб, сихат-саломатлик сўрашиб, шунингдек, янги замонни, яна янги тартибларни сўкиб, армондан чиққач, Қора Махвш, сарғиш кўзини бизга — Қац Звамбаянинг ҳамроҳларига тикди.

Ёши каттароқ деб ўйлади чоғи мендан:

— Оламда нима гаплар, батоно?— деб сўради.

— Оламда тинчлик, Махвш батоно.

Чол меннинг сўзларимни эътиборсиз қолдирди. Шунда Қац Звамбая менга, Махвшнинг қулоғи оғирлигини айтди. Шундан сўнг мен сўзларимни такрорладим.

— Тинчлик?

Қора Махвш ҳайронлик белгиси ўлароқ қуюқ қошларини кўтарди.

— Қани ўша тинчлик, жесмимо?

— Батоно Махвш, тинчлик шундай, шу биз яшаган тупроқда.

Қора Махвш ханжари сопини кўздан кечираётгандай, бир неча вақт бошини эгиб, ўйланиб қолди. Кейин яна ўзининг фавқуллода кенг юзини кўтариб:

— Хаишига йўл ётқизиб бўлишди дейишади, ростми шу?— Бизга тинчлик келтирмайди бу йўл, нима дейсиз?

— Қим айтади буни, батоно Махвш?

— Қим айтарди? Мен айтаман. Бу йўлдан бизга диёнатсизлик келади, шундай эмасми?

Шу сўзларни айтаркан, у Қац Звамбаяга қараб қўйди.

— Биз томонларда янги тартиблар ўрнатилади, минораларимизни портлатишади, тоғларимиздан ошиб ўтишади, санамларимизни мурдор қилишади,— ёпирилиб келаётган балоларни санарди Қора Махвш.

— Менимча ҳеч нима бўлмайди. Минорангизга ҳам, санамларингизга ҳам ҳеч ким тегмайди. Йўл масаласига келсак, бу йўлдан маърифат келади бунга.

Шу сўзларни айтарканман, сўзларимни унинг онгига етиб боришига ишонмасдим.

— Жесмимо,— деб яна гап бошлади Махвш,— у ёкда, тексликда одамлар учишни ўрганган дейишади, ростми шу? Одамлар осмонга учишармиш, кейин осмондан ерга сакрашармиш-а?

— Рост,— тасдиқладим мен.

Бу орада Тараш Эмхвари бошлиғини ечди. Унинг оппоқ сочларини кўриб, Кора Махвш мендан юз ўгириб, Тараш билан сўзлаша бошлади.

Бир дақиқа ичида Кора Махвш олдида обрўйим тушди-кетди. Нега бундай бўлганини ўзим ҳам билмай қолдим. Уша пайтлар қуюқ қўнғир сочимга ҳали битта бўлсин оқ ораламаган бўлиб, соқол-мўйловимни олдириб юрганам учун шундай бўлгандир балки? Сўзларим чолга ёқмагани учун шундай бўлган бўлиши мумкин.

Кора Махвш билан Тараш суҳбатга берилишди. Менинг ёнимда ўтирган Арзакан истеҳзоли жилмаярди.

— Унга ёқадиған ҳамсуҳбат,— деб шивирлайди Арзакан менга.— Тараш Эмхварининг гоёлари Кора Махвшга яқин.

Тараш Эмхвари чолнинг қулоғига қичқиради.

— Ёшингиз нечада, батано?— сўрайди у.

— Мен вабо тарқалган йили туғилганман. Турклар Мегрелияга ўт қўйган йили эса, тўнғич ўғлим Темур туғилган.

Оғзидан чубукини чиқариб, тиззасини қучиб ғўлада ўтирган чолни кўрсатди. Темурнинг тулкиниқига ўхшаш учдор бурни унинг чўзиқ юзига писмиқлик туси берарди. Ўртамиёна қовоқдек келадиган бўқоғи ҳам бор эди.

Ўқтин-ўқтин Қац Звамбая билан гаплашиб қўяр, фикри бир жойдан чиқаётгани сезилиб турарди.

Темур ғазаб билан алланимани ҳикоя қилаётган меҳмоннинг сўзларини маъқуллаб:

— Ааду, ааду,— деб қўярди.

«Ааду, ааду!» яна анчагача давом этди.

Мен картвель қабилаларининг бошқа тилларидан айрилиб турган бу ажойиб қатъиятли тилга, сванча гапларга қизиқсиниб қулоқ солиб ўтирдим.

Жокиа икковимиз отларимиз қандай жойлашганини кўриб келиш учун ташқарига чиқамиз.

Ховли қоронғи, шамол гувиллайди. Қарағайлар прибой вақтидаги денгиз тўлқини янглиғ шовиллайди. Овчаркалар ҳуради. Ёнги шимариглиқ аёллар сут соғадиган идишларни даранглатишади.

Ханжар тутган икки йигит ҳозиргина сўйилган қўйни даҳлизга олиб киришади. Сигир ва ҳўкизларни меҳмонхонага ҳайдаб кириб, девор тагидаги ярим доира шаклида жойлашган оғилларга боғлашди.

Бу ерда ҳам улуғлар иззатда эди: биринчи оғилдан бўйни

йўғон, бағбақаси осилган, лаби йўғон бошловчи — ҳўкиз бошини чиқарди. У истеъфога чиққан кекса министрға ўхшарди.

Кўп ўтмай, итларнинг ҳуриши, эркакларнинг қаттиқ-қаттиқ сўзлашиши ва болаларнинг бақир-чақирига оғилдан бош чиқариб бизга қараётган молларнинг дупур-дупури ва мў-мўси қўшилди. Кекса ҳўкизлар бир меъёрда кавш қайтариб ётардилар.

Аёллар яна бир неча қарағай тутантириқ ёқдилар; липиллаб турган шуъла қишга ғамланиб, деворга қатор қилиб осиб қўйилган сур сон гўштини, сигир ва эчкиларнинг сонини ёритди. Дудланиб қорайиб кетган бу гўштар ғалати кўринарди.

Кечки овқатга ўтиришди. Аёллар ва чохаси барини белбоғига қистирган эркаклар қайноқ зоғора нон, хамирга ўраб пиширилган пишлоқ ва қўй гўшти тортишди.

Қора Махвш нақшинкор курсига ўтирди. Унинг олдига уч сёқли столча қўйишди ва қўй калласини беришди. Оиланинг каттаси пиёласини ароққа тўлдиргач, у юзини шарққа қилиб, чўқиниб олди-да, овқатланишга ижозат берди.

Яна бир неча жинчиноқ ёқишди ва мен Қора Махвшни қайта бошдан қизиқиш билан кузата бошладим. Қора Махвшнинг узун соқоли ва бутун қиёфаси ниҳоятда савлатли эди. (Шарқда қабилла, авлод ёки оила бошлиғи шундай савлатли бўлиши керак, дейилади.)

Қариб мункиллаб қолган Махвшнинг оғзи атрофига хиёл сарғайган соқол-мўйлови ниҳоятда зеб берган эди. Қумуш зарб қилинган ханжарининг эни кафтдек келарди.

Белбоғи-чи! Белбоғини сўрамаёқ қўя қолинг. Белбоғи бошдан-оёқ денгиз қибаноқларига ўхшаш шакллар билан бежалган эди. Махвшнинг чохаси сичқон тусида, қўнжи узун сван махсисин ҳам шу тусда.

Махвш грузин тилидан кўра мегрель тилида яхшироқ сўзларди. Сўз орасида, ўқтин-ўқтин, «жесмимо» яъни «қулоқ бер» деган сўзни ишлатиб туриши менга ёқарди. Унинг шошилмайгина, кўп сўзларни ишлатиб гапиришини шу «жесмимо» жонлантириб турарди.

Баъзан Махвшнинг йўтали тутиб қоларди. Бундай пайтларда у, тиззасигача икки букилиб олар, ёшланган кўзини чохасининг энги билан артарди-да, яна ўша «жесмимо»сига бериларди.

Ниҳоят ухлаш чоғи етди. Аёллар қўшни хонага чиқиб кетдилар. Мен билан Арзакан яна ёнма-ён бўлиб қолдик.

Уй эгалари ечинишга ёрдамлашиш учун Махвшнинг кичик невараси Саурни юборишибди. Билсак, Саур комсомол экан, Тбилисида ўқиркан.

У оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайгани-жилмайган эди. Тоғ эчкисиникига ўхшаш узун, ҳаракатчан бўйнига тўппонча тасмаси осилган бўлиб, бошида лочин тусидаги сван қалпоғи бор эди; ўнг юзида ханжар жароҳатидан қолган чандиқ кўринарди.

Мен билан Арзакан, ўзимиз ечинамиз, деб унинг хизматидан фойдаланмадик.

Саур кўзлари чақнаб Тбилисини, май байрамини, газеталар, китоблар, театрларни эслади...

Эркаклар девор тагига қатор қилиб солинган ўринга аллақачон ётиб олган эдилар. Учоқ ёнида Қора Махвш билан Тараш Эмхваригина қолди.

Тараш Эмхвари, умри бино бўлиб арава ғилдирагини кўрмаган юз ўттиз яшар чолга самолётлар, радио, химия ва Европанинг катта шаҳарлари ҳақида ҳикоя қиларди.

Бизнинг атрофимизда ётган эркаклар қаттиқ хуррак отмоқда эдилар. Хўкиз ва сигирлар пишиллашарди. Молларнинг ачимсиқ ҳиди анқийди. Бу ис менда, доимо, қандайдир ибтидоийлик ҳиссини, ёввойилик ҳиссини уйғотади.

Қорақатдан гайёрланган бўза меъдамни қайнатди... Қайфим оша бошлади. Бошим айланади. Тагимга така териси тўшалган, устимга ҳам така териси ёпилган. Бурга талай бошлади мени. Улар шунчалар беор, устимда сакрашар, бамайлихотир чақишадики, гўё жоним танамдан аллақачон чиқиб бўлгану, ҳар қанақа махлуқ ражийвериши мумкиндек.

Кўп ўтмай Эмхвари ҳам, курсисида мудрай бошлаган Қора Махвшни ёлғиз қолдирди.

Саур этигини ечишга ёрдамлашиши учун Тараш томон отилди, лекин у ёрдамни рад қилиб, оёғида қуриб, қотиб қолган этикни ечишга уннаб кетди.

Тараш Эмхвари пишиллайди, кафтига туплаб-туплаб қўяди, пешанасини тер босади.

Арзакан ухлаб қолди деб ўйлаган эдим. Бирдан кулги эшитилди.

— Ётиш олдидан доим шундай азоб чекади шўрлик. Умуман, Окумидан чиқиб кетганимиздан бери, атиги уч марта ечди этигини.

Тараш Эмхвари ўрнига чўзилди-ю, шу замоноқ, у ёнидан-бу ёнига ағдарила бошлади: бургалар уни ҳам тинч қўймади чоғи.

— Махвшлар Сванетияси сенга ёққан эди-ку. Қўлингдан келса, мана энди романтиканинг ҳузурини сур,— истехзо қилади Арзакан қарт-қарт қашиниб.

Саур эртага бизни минорага кўчиришни ваъда қилади: унинг айтишича у ерда бургалар йўқ эмиш.

Тараш Эмхвари аллапайтгача у ёнидан-бу ёнига ағдарилди; ниҳоят мудраб кетди. Кечаси у хавотир билан ухлади, Жамлет Тарбани тушида кўриб алаҳлади, қон тўкишининг кераги йўқ, деб қичқирди.

Учоқдаги олов ўчди. Бир неча тутантирик липиллаб турибди холос.

Бургалар билан олишиб ётибман, тонг оттиролмайд доғдаман. Энди мудраб кетган эканман, бирдан Арзаканнинг қичқирғи эшитилди. Ирғиб ўрнидан туриб, тўппончага ёпишди Арзакан.

— Кўряпсизми, кўряпсизми?— деб гўлдирайди у уйқу ара-лаш.

«Наҳотки уни ҳам, Эмхвари сингари, тўккан қони қийнаётган бўлса?»— ҳайрон бўлдим мен ва уни юпата бошладим.

— Илон, илон! Қарасанглар-чи, ана, ҳув ана,— шивир-лайди Арзакан.

— Тинчланинг, илон нима қилади! Хаёлингизда кўринган бўлса керак,— дейман унга.

— Йўқ, хаёлимда эмас. Уйғоқ эдим. Шифтдан, шундоққина бошимиз тепасидан ўрмалаб келиб, кейин осилиб турди-да, ҳув анави ерда ерга тушиб кетди.

Кўзимни ишқалайман, қарасам, дарҳақиқат: бошини баланд кўтарган илон, ҳозиргина Махвш билан Тараш Эмхвари ўтирган курси тарафга ўрмалапти. Ҳозир у ерда, бошини гўлага қўйиб Жокиа ётибди.

Арзакан тўппончасини чиқариб, илонни мўлжалга ола бош-лади. Шу чоқ тўсатдан миямга бир фикр келди.

— Шошманг!— деб қичқирдим мен.— Ахир бу сван Мезири-ку! Балким бу шу хонадон раҳнамоси ҳисобланар. Отманг Ар-закан! Мезирни ўлдириш сван оиласида катта фалокат ҳисоб-ланади. Ундан ташқари ўқ илонга эмас, Жокиага тегади.

Шунда Арзакан илонни тутиб, бўғиб ўлдирмоқчи бўлди.

У олдинга қараб юрди, кетидан мен юрдим. Меҳмон эканли-гимизни, ўзимизни тутабилшимиз кераклигини эслатаман.

Учоққа яқинлашдик, қарасак ҳеч нима йўқ. Мен жинчиروқни қўлимга олдим. Учоқ ёнида Жокиа оғзини катта очиб ухлаб ётарди.

— Илон бечора даллолнинг оғзига кириб кетмадимикан?

Ниҳоят бироз тинчиган бўлиб, яна ётдик.

Кўп ўтмай хўрозлар қичқирғи эшитилди... Худди сигнал бе-рилган мисол, шундай ўкирик, жаранг-журунг ва итлар ҳуриши бошландики, гўё Лапарияни минорасига душман бостириб ке-лаётгандай.

Бўшаганимдан бош кўтара олмай мудрайман. Шундай бе-дармон чоғимда ғалати бир ҳол намоён бўлади кўз ўнгимда.

Ушба тоғининг калхат тусидаги чўққиси осмонга қадалиб туради. Баҳайбат тоғ, ақлдан озган тангрининг орзуси мисол осмонга отилади.

Ана шу ҳайбатли тоғ чўққисида, ғарб томонга қараб. Лапа-риани авлодидан бўлмиш Қора Махвш ўтиради. Қарагайдан тайёрланган ароқ тўлдирилган қадаҳ тутганича, лаънатлар ё-дирмоқда у. Буни у, ҳозиргина Шарққа қараб ўтириб, бизни дуо қилгани мисол жон-жаҳди билан қилаётир.

Махвшнинг оёғи ёнида тўнғич ўғли Темур чордона куриб ўтирибди. У Мефистофель сингари юзини буриштирал. Унинг манқаланиб:

«Аладу, ааду...» дейиши эшитилади.

СЕРКА

Ҳамроҳларимга эргашиб келавериб, ўзимнинг режаларимни ҳам унутибман. Сафарга чиқишимдан асосий мақсад, сван Прометейи ҳақидаги афсоналарни чоллардан ёзиб олиш эди.

Тоғ эчкиси овига чиққанда бунга яхши имкон бўлади, деб ўйлар эдим.

Рости ҳам шундай: бир ҳафтагача пистирмада ётасан, тоғ эчкиси подаси кўринмасмикан деб, эрталаб ва кечқурун биноклда атрофни кузатасан, тилинг ва хаёлинг эркин.

Кечаси гулхан ёқасан, арча шохларининг ёқимли иси ғорни тўлдиради. Кекса овчилар чордана қуриб ўтириб олишади-да, бўлган-бўлмаган воқеаларни ҳикоя қила бошлашади. Афсоналарни билгувчи одамнинг ҳамма билганларини айна ўртага ташлайдиган пайт.

Бундан ташқари мен, кўпдан бери бир сван эчкиси овлашни орзу қилиб юрардим.

Қора Махвш менинг истагимни рўёбга чиқаришга майл билдирди ва Темурга, катта ўғли чўтир Тенгиз билан маймоқ бўлса ҳам эпчил Османни ола кетишни буюрди.

Саур эса отаси билан акаларига эргашиди. Лекин Қора Махвш бунга тиш-тирноғи билан қарши эди.

Мен бутун жисмим билан қулоққа айланиб, чолнинг нега энди неварасини биз билан юборишни истамаётганини англашга уринардим.

Агар Саурни ола кетадиган бўлсак, ишимиз ўнгидан келмаслигини, ов вақтида ман қилинган нарсаларга Саур эътибор қилмаслигини Тенгиз менга грузин тилида сўзлаб берди.

Саур бўлса, ёш боладек менга ёлбориб, биз билан бирга кетишга Махвшдан ижозат олиб беришни сўрарди. Чолни бир амаллаб кўндиришга муваффақ бўлдик.

— Майли, майли,— деди ниҳоят Махвш.— Лекин тоғ эчкисини нишонга ололмасаларнинг ўзларингдан кўринглар.

Қац Звамбая ҳам менинг ҳурматим юзасидан, овда иштирок этишга хоҳиш билдирди. Ундан кейин Арзақан билан Эмхвари ҳам борадиган бўлишди.

Сванларнинг тоғ эчкиси овига қанчалик пухта тайёргарлик кўриши маълум. Икки ҳафта мобайнида аёл билан яқинликда бўлишмайди. Икки ҳафта ўтди, тешик кулча ва зоғора нон ёпа бошлашди.

Ҳаммамизга Темур бошчилик қилади; Менинг пойабзалим, калта райтузам ва гетримни роса майна қилди.

Шундан кейин биз ҳаммамиз сван чориғи билан кул ранг чоха киямиз-да, устидан тоғ такаси терисидан пўстин ёпинамиз, деган қарорга келдик. Қора Махвш ҳаммамизга бузоқ терисидан ўз қўли билан чориқ бичди, Темур билан Тенгиз эса тикишди.

Темурнинг онаси Гурандухт бизга хачапури ёпди. Саур музда

юришимиз учун чангал ясаш билан овора. Осман эса альпен-штокларни тартибга солди.

Тайёргарлик битди, лекин овга чиқиш ҳақида ҳеч ким миқ этмайди. Эрта билан Темур тўнкада чубук тутатиб ўтираркан, туман қоллаган осмонга қараб қўяди.

— Жесмимо, Темур, қачон йўлга чиқамиз?— сўрайман ундан.

У, қўшнисининг хотини ўлганини, азадор эканини бармоғи билан имо қилиб кўрсатиб, уч кундан кейин бир ой тўлажагини, сўнг овга чиқиш мумкинлигини айтади.

Уч кун ҳам ўтди.

Темур эса ҳамон ўша тўнкада ўтиради. Қачон чиқамиз, деб сўрайман.

«Қачон чиқишмизни билмайман» маъносида бош чайқайди.

Саур мени чеккага чақиради.

— Яна бирорта аломат ҳалал бераётгандир,— шивирлайди у.— Юринглар, ўзимиз кетаверамиз, сизларга Арзакан икковимиз йўл кўрсатаверамиз. Бу кексалар билан сафарга чиқиш ташвишдан бўлак нарса эмас.

Яна бир ҳафта ўтди. Шамол кўтарилиб, тоғдан оғир булутларни суриб келди, ҳуштак чалиб, ўкириб пастликда ҳукмрон бўлиб олди. Йўллар беркилиб қолмасидан Тбилисига жўнаб қолиш ҳақида ўйлай бошлайман.

Махвш-минорасида эртадан-кечгача тоғларга кўз тикиб ўтирамиз. Аҳёнда бир ташқари чиқамиз; Арзакан билан Тараш сванлар билан пойлаб отишга мусобақа ўйнаб, нишонга ўқ узишади. Ёинки меҳмонхонада йиғилишиб, ароқ ичамиз.

Сван қизлари бизга чонгури чалиб беришади.

Қорақатдан қилинган ароқдан кейин ёмон туш кўриб чиқаман, алаҳлайман.

— Эртага овга чиқадиганга ўхшаймиз,— шивирлайди кечаси Саур,— Жокиа кетди. Дадам малла Жокиа билан овга чиққиси йўқ эди, бўлмасам бугун эрталабоқ овга чиқишга тайёр эди. Фақат ҳеч кимга оғиз оча кўрманг, йўғаса, яна ишимиз юришмай қолади.

У менга шуларни тайинлади.

Эчки терисига бурнимни суққанамча индамайман, лекин уйкум қочган. (Овга чиқиш олдидан доим шундай бўламан.)

Темур тун ярмидан оққанда турди. Тўшаги ёнида тиз чўкканича узоқ дуо ўқиди. Дуоси ниҳоясига етганида эса ҳаммамиз барабар турдик.

Темурнинг буйруғи билан чарм хуржунга ароқ, шам, хачапури жойладик. Минорада биздан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Шунга қарамай, Темур шивирлаб буйруқ берарди.

Сванларнинг қатағонига гал келди: ҳар биримизга Темур бошқа исм қўйди. Ўзи Ноополи қуши деб аталадиган бўлди, мен Эсам Бўри, Арзакан — Эчки, Эмхвари негандир — Балиқ, Қац Звамбая — Айиқ, Саур — Илик (кийикнинг бир тури) деб атала бошладик. Милтиқча у Тархан-ўқчи деб ном қўйди.

Биз минора зинасидан Темур кетидан бараварига югургилаб тушдик-да, бирон жонни уйғотмай, қишлоқдан чиқиб жўнадик.

Сўқмоқлар, ўрмонлар, далалар бўйлаб пусиб борамиз. Қарағайлар зонаси тугаб, альп зонаси — тоғ ўсимликлари олами бошланди. Яланғоч қояларда бургут ва зоғлар ўтиради. Бизнинг оёқ шарпамизни эшитиб, эринчоқлик билан парвоз қиладилар ва осмонда доира ясайдилар. Сокинлик. Табиат сукутга чўмган. Мана, ниҳоят Ушбанинг икки бошли чўққиси кўринди.

Ўнгда ҳам, сўлда ҳам, тўқ мовий туман ичра, Кавказининг биллур пирамидалари мудрайди. Аста-секин ёруғлик туша бошлайди, сўнг у тез тарала кетади. Ниҳоят чарақлаган офтоб булут пардасини ёриб чиқади ва биллур қасрларга кўзни қамаштирадиган ёғду қуйилади.

Булутларга яқинлашамиз. Гоҳ бутазорлар ичида тоғ товуқларининг қақағлаши, гоҳ булутлар аро парвозда бўлган қирғийларнинг қиғиллаши эшитилади.

Оёғимизга чангал боғлаб, қўлимизда альпеншток, кўз тинадиган сўқмоқлар билан кўтарила бошлаймиз.

Темур борган сайин бадфеъл бўлиб боряпти. Арзакан билан Саурнинг шивир-шивири-ю, тиржайишигача унинг ғашига тегяпти.

Бу икки йигитнинг янги қўйилган исми чалкаштириб юборётгани, айниқса, унинг жиғига тегаётир.

Менга, бўрига ўхшайсан, деб бир неча бор айтган эдилар. Шунинг учун мен, ов вақтида қўйилган исми дарҳол ўзлаштириб олдим.

Темур билан изма-из кетаётган Кац Звамбая, вақт-вақти билан тўхтаб, Арзаканга роса танбеҳ берарди-да, яна сўқмоқ бўйлаб кўтарила бошларди.

Саур Арзаканнинг қулоғига нималар деб шивирлаётгани менга қоронғи-ю, лекин қаршимиздан чиқаётган, туби кўринмаётган чуқурликларни кўриб ҳам, улар кулгиларини тўхтата олмасдилар. Шундай берилиб суҳбатлашишадими, гўё мана шу тоғли раёнда комсомол ишини жонлантириш режаларини тузаётгандай.

Мен билан Эмхвари сван чоригини эплаштиролмаймиз сира. Катта шаҳарларнинг асфальтига ўрганган оёқларга, бу жаҳаннам тиккаликларида юриш осон дейсизми? Тарашнинг чориги оёғига жуда катта, меники эса жуда тор: гоҳ биримизнинг оёғимиз қайилиб кетади, гоҳ чоригимизнинг ипи ечилиб қолади.

Тушга яқин, ниҳоят, кўпдан бери кутилган «Паҳлавонлар ғори» кўринди.

Денгиз сатҳидан 3560 метр баландликдан туриб, теги кўринмаган жарликка боқадиган бу ғор, овчилар учун бошпанадан кўра, паҳлавонлар манзилгоҳига ўхшарди.

Темур бир қоя тепасига чиқиб, шам ёқди, бир қўлида ч кулча, иккинчисида — бир пиёла ароқ тутиб, Шарққа қараб туриб, ибодат қила бошлади.

«Ё раббим, марҳаматингни дариф тутма, ишимизни ўнгидан келтир, овимизга барор бер!»

Қац Звамбая, Осман, Тенгиз ва ҳатто Саур ҳам унга тақлид қилишди; чарм хуржунларни очиб, шам, нон ва ароқ олиб, Далига қурбонлик беришди. Саурнинг мийиғида кулиб, Арзаканга бир неча бор кўз қисиб қўйганини кўрдим.

Нонушта қилиб бўлгунимизча осмонни булут қоплаб, ёмғир шивалай бошлади.

«Паҳлавонлар ғори»га яширинишга тўғри келди. Дара оғзи шунчалар торки, икки киши барабар ўтолмайди. Ичкарида эса, қорайиб кетган деворларнинг баландлиги ўн метр келади.

Қадим замонлардан бери мавжуд бу ғор Вулқон туфайли бунёд бўлганми ёки ибтидой одам шундай баҳайбат қояларни қирқиб олиш имконини билганми бу бизга қоронғи. Ғорнинг уч томонида шинаклар бор эди. Биз шу шинаклардан мўралаб, таркибида темир моддаси бўлган булоқларнинг жарлик тубидан отилиб чиқшини томоша қиламиз.

Ҳаво очилиб кетишини бир ҳафта кутдик. Темур қовоғини уйиб, кул устида аллақандай шаклларни чизарди. Чубукини тутатиб, тупуриб қўяр, Саурни авра-астарини ағдариб сўкар ёки бўлмасам, Жокиани лаънатларди.

Ишимиз ўнгидан келмаганига малла Жокиани айбдор ҳисобларди у. Баъзан эса у, Саур билан Арзакан қатагонни бузганлари учун маъбуда Далининг қаҳри келди, деб ўйларди. (Дарҳақиқат шундай: Арзакан билан Саур, Ноопolini — Темур деб, Тарханни эса милтиқ деб атаб уч марта гуноҳ қилишган эди.)

Ёмғир эзиб ёғарди. Оламни булутлар ва туманлар қоплаган бўлиб, баъзан назаримизда, булут денгизида сузаётгандек бўлардик.

Учинчи куни осмон ёришди, лекин кечга бориб яна туман тушди. Туман шу даражада қуюқ эдики, бир ўқ етар жойда одамни кўриб бўлмасди. Шу оқшом уч киши ёввойи товуқ овлагани бордик. Ҳар биримиз учтадан товуқ овладик.

Биз оҳистагина куйлаб ғорга қайта бошладик. Йўлда Эмхвари қаёққадир ғойиб бўлиб қолди. Қарасак, қуюқ туман орасида аллақандай қора жилиб келаверди.

Мен милтиқни ростлаб, ким у келаётган деб қичқирдим.

Қарасак, лось экан; у кўланка янглиғ оҳиста келмоқда эди. Туманда у ҳам, биз ҳам бир-биримизни илғаб ололмадик. Юракларимизни ғулғулага солиб қоронғида ғойиб бўлди-кетди.

Ёмғирлар тинди. Шамол кўтарилиб, қор учқунлай бошлади.

Тонг ёришиши билан шинаклар ёнига югурамиз ва биноклда узоқ-узоқларга кўз тикамиз: кўз тикадиган юксак чўққилар узра, жарликлар ёқалаб бораётган тоғ эчкилари подасини кўрамиз. Улар гоҳ пайдо бўладилар, гоҳ ғойиб бўладилар. Баъзида узоқ-узоқда, музлик чўққилар узра така кўриниб қолади.

Орқа оёқларини танига қайириб, олдингиларини чўзиб, худди чанғида кетаётгандай сирғалади жарликлар томон. Ёинки така

осмонга бир ирғишлаб олади-да, шохи билан яланғоч қояларга урилиб кетади ва тубсиз қоронғи жарлик қаърига қараб отилади.

Тонг отарда бўлса тоғ куркасининг патирлагани, эчкиларнинг ҳуштаги ва булар ортидан қояларнинг гулдираб қулагани эшитилади.

Кўп ўтмай нонимиз, сув ва тузимиз тамом бўлди.

Эрта азонда инимиздан бошимизни чиқарамиз-да, юз қадамча юрамиз, пастак, яланғоч қояларга қўл узатса етадигандек. Тоғ куркалари ибодатхона панжарасига қатор қўниб турган чумчуқлар сингари, найза қояларга тизилганлар. Биз ўнга яқинини отиб туширамизда ғоримизга элтамиз. Қарабсизки, кечгача ўчоқ тепасида курка гўштлари часирлаб пишиб туради.

Сув ўрнига муз ютамиз, тузсиз қовурдоқ еймиз.

Овчилар эрта ётишади. Шаҳарда яшаб, уйқусизликка одатланганимиздан мен билан Эмхвари, кечаси билан, у ёнимиздан бу ёнимизга ағдарилиб чиқамиз. Хаёл қанотида учиб, осмонга шоти қўймоқ бўламиз...

Кўзни уйқуга кетди дегунча, Тараш босинқирай бошлайди. Уйқу аралаш Жамлет Тарба номини такрорлайди, ғазаб билан ирғиб туради, миллиққа ёпишади.

Бир куни кечаси у Арзакан билан тортишиб қолди. Яна гап Сванетиядаги йўлсизлик азоби, унинг қолоқлиги устида кетди. Биздан бўлак ҳамма уйқуда эди. Бирдан улар грузин тилидан абхаз тилига ўтишди-да, тўсатдан бир-бирига ёпишиша кетди.

Ирғиб туриб, базўр ажратиб олдим.

Арзакан уйқуга кетиши биланоқ, Тараш мен билан тортишиб қолди. Умуман, сўнгги вақтларда унинг феъли айниб қолган эди.

Тбилисига қайтишга қарор қилган кунимнинг эртасига ҳаво бирдан ёриша бошлади. Баҳайбат музликларнинг коинотнинг бунёдга келиши чоғидаги янглиғ гўзал чўққилари булутлардан фориг бўлди. Кўзлар бу чўққиларни, кўзни қамаштирар даражада ярақлаган паға булутлардан ажратиб ололмасди.

Тоғлар ҳам, паға булутлар ҳам мана ҳозир кўтарилиб, ҳавода эриб кетаётгандай. Аксига олгандай шу тонг бирорта ҳам тоғ такаси кўринмади! Биз бинокль билан тоғ сўқмоқларини, темир моддасига бой булоқлар бўйини узоқ тимирскиладик.

Темур аччиғланди, «Паҳлавонлар ғоридан» чиқиб, қўшни музликларда ов қилишни таклиф қилди.

Бу жаҳаннам ёқасидан бизлар бир амаллаб эмаклаб ўтмоғимиз лозим бўларди. Темур бир жойни билажагини, ўша ерда тоғ такалари пастга, ўтлоққа тушишларини айтиб, бизни ишонтиришга уринарди.

— Агар ўша ерда подани учратадиган бўлсак, ҳаммасини қириб серкасини ҳам тутиб олишимиз мумкин,— дерди Темур.

Темур фақат бир нарсани: бутун пода йиғилиб келмагунча серкасини отмасликни тайинларди. Акс ҳолда қуруқ қайтар эканмиз.

Биз серкасини отмасликка онт ичдик.

Ҳаммадан ҳам Тараш Эмхвари қизгин қасамёд қилди.

Темур чўқинди, сўнг биз, нишабликдан пастга қараб кетган йўл билан оҳиста йўлга тушдик.

Биз шу зайл бир неча соат йўл юрдик. Эмхвари икковимиз нуқул орқада қолиб кетардик. Тўсатдан альпенштогим синиб қолиб, Саур етиб келмаганда, ҳалок бўлиб кетишим аниқ эди.

Эмхварининг чангали сирғалиб кетиб, Арзакан жон ҳолатда унга отилиб, қутқариб қолди.

Шундан кейин Темур, биз икковимизнинг, ғорга қайтиб, уларнинг қайтишини кутишимиз кераклигини айтди. Лекин биз қулоқ осмадик. Шунчалар ташвиш ва қийинчиликлардан кейин тоғ эчкисини отиш, ҳар биримиз учун ҳам шундай орзу бўлиб қолдики, бунга эришмоқ йўлида ҳалок бўлиб кетишга ҳам тайёр эдик.

Қоронғи тушди. Музликда гунаб қолишга тўғри келди.

Эртасига тушгача дарама-дара йўл юрдик. Кўпирган ирмоқлар музликлардан ҳушчақчақ жилдираб оқмоқда. Яна юқори қараб кетган сўқмоқлар бўйлаб кўтариламиз. Биз, узоқдан кўринган музликларга чиқиб олган эдик. Оппоқ ярқираган қор далалари кўзимизни қамаштиради. Мана, шарқ қизара бошлади, музликларга ҳам пушти сув пуркалгандек бўлиб қолди.

Темур ҳориб қолди. Йўл бошловчимиз борган сайин кўпроқ бақирадиган, туриб-туриб Саурни уришадиган бўлиб қолди. Қац Звамбая ҳам бўлар-бўлмасга Арзаканни койийди. Кексалар арзимас нарсалар учун ҳам уришаверади: ёшлар бўлса моҳир овчиларнинг қатъийликлари-ю, эҳтиёткорликлари билан чиқиша олмайди.

Вулқон чоғи отилиб чиққан тошлардан таркиб топмиш ялангликка чиқдик. Ҳатто овчиларнинг сўқмоқлари ҳам ғойиб бўлди, инсон оёғининг изи кўринмай қолди — ҳамма ёқ оппоқ қорга бурканди. Тепамизда вулқон отилган чоғида пайдо бўлган қоялар, лавалар ҳаракати расвосини чиқарган жарликлар. На бургутлар кўринади ва на лочин. Аҳён-аҳёнда ранги ўнган альп йўсини қоялар орасида яшириниб ётади.

Ясси тоғдан ўтдик. Упирилиб тушган қоядан сал нарида столга ўхшаш силлиқ тош плитага йўлиқдик. Тош устида эса, гўё кимдир унутиб қолдирганга ўхшаш оппоқ майда тошлар.

Темур альпенштогини бир тарафга итқитиб, чарм хуржунни елкасидан олиб ўтирди ва тошларни уч марта осмонга отди. Осман билан Тенгиз ҳам унинг ёнига ўтиришди ва думалоқ, оқ тошларни ёш болалар сингари ўйнай бошлашди. Темур гоҳ юзини норози бужмайтиради, гоҳ сван тилида алланималар деб ғудраниб, шод қаҳ-қаҳлайди. Биз эса, альпенштокка таянганимизча, бу болалар ўйинини томоша қиламиз.

Ёнимизга етиб келган Саур уларнинг фол очаётганини: шу

тошчалар ёрдамида, ов худосининг номаълум мақсадларини аниқлашга уринишаётганини айтди.

Мана, Темур ўрнидан қўзғалди, хуржуни ва альпенштогини олди, юзи ёришиб бизга ўгирилди ва йўлга тушамиз, деб имо қилди.

Дали эчки галасини биз тараф ҳайдаяпти, деб ишонч ҳосил қилди чоғи.

— Қани, чекишни бас қилинглар, милтиқни тайёр тутинглар,— деб буюрди Темур.

Яна икки поғдан ўтилса — эчки подасига йўлиқамиз, деб ҳисоблайди Темур билан Осман.

Саур қадамини илдамлатди. Ҳатто унинг ҳам кайфияти яхшиланди. Билсак у: илик тутишни, ҳали шохи чиқиб улгурмаган эчки боласини тутиб олишни орзу қиларкан. Саур эчки боласини боқиб катта қилади-да, баҳорда Тбилисига олиб кетади.

Болаларча бу орзу Саур билан ёнма-ён кетаётган Арзаканнинг кулгисини қистатади, у мийиғида кулиб қўяди.

— Фотри-фотри,— дейди Саур оҳиста ва порлаган кўзлари билан бизга қарайди. Асал тусидаги бу чиройли кўзда қуёш шуъласи ўйнайди; қор сингари оппоқ тишлари ярақлайди.

— Фогри-фотри,— такрорлайди Саур сўқмоқдан кўтарилишда давом этиб.

Бу «фотри» — илик деган сўз менга жуда ёқади. Бу сўзни баланд товушда такрорлагим келади, лекин қатағонни бузиб қўйишдан қўрқаман. Ёнимда Осман кетяпти, бунини у дарҳол Темурга еткази. Меҳмон — худонинг марҳамати дейишгани рост, лекин ов чоғида, йўл бошловчимиз, меҳмон экан деб бетига қараб турмайди.

Биронтамизга бу бахт насиб бўлажагига ишонч йўқ эсада, «фотри-фотри» деган сўз ичимда ўйноқлайди.

Орқага ўгириламан. Эмхвари қаёққадир ғойиб бўлибди. кела-келгунча унинг кайфи бузуқ эди. Қошларини чимириб, милтиғини елкасидан туширмай, индамай келарди. Қац Звамбая ва Темурдан бўлак ҳамма билан уришиб бўлишга улгурган эди.

Тоғни айланиб ўтдик. Темур, Осман ва Тенгиз анча илгарилаб кетишди. Қац Звамбая билан Арзакан ҳеч қаерда кўринмайди. Бирдан ҳуштак эшитилди. Мен нафасимни ичимга ютиб юбордим. Яна ҳуштак чалинди, яна чалинди, сўнг яна музликларга хос сув куйгандек жимлик чўкди.

— Пода келяпти, пода!.. — шивирлайди Саур ва катта харсанг ортига яширинади. Темур ҳам, Тенгиз ҳам, Осман ҳам кўринмайди. Қац билан Арзакан ўнг тарафдан айланиб ўтишлари керак. Лекин ўзлари қани? Уч қадамча орқага чекиниб, қояга суяндим-да, атрофга алангладим...

Баланд қоя тепасида каттакон эчки турарди. Поданинг кўрар кўзи бўлмиш бу эчки калласини виқор билан баланд тутиб,

хотиржамгина атрофни кўздан кечирмоқда эди. Шу кунгача ҳали ҳеч қандай ҳайкалтарош бундай чиройли жонзот ҳайкалини ясаган эмас!

Нишонга оламан. Юрагим қинидан чиққудек гурсиллайди. Томиримда қонимнинг уриши шундоққина эшитилиб турибди. Мана ҳозир, булоққа бориладиган сўқмоқда пода кўринади.

Миямдан шу фикр кечиб эди ҳамки, тўсатдан, қарши тарафдан милтиқ овози гумбурлади. Бутун қоялар гулдираб қулагандек бўлди. Пода ҳуркиб кетди, бўкириб, чийиллаб, ўкириб, музликлар томон тирақайлаб қоча кетди.

Чап тарафда, баланд қояда тутун таралди. Қор босган даранинг нариги тарафида Тараш Эмхвари турар ва милтиғи стволини кўздан кечирмоқда эди.

Бошимга қон қуйилди. Милтиғимни тўғриладим-да, тепкини босиб юбордим. Эмхвари қоядан узилди ва пастга қараб думалаб кетди.

Тисарилиб кетдим, лекин пастга бир қарагим келди. Тараш кўринмасди, жаҳаннам қаъри уни ютиб юборган эди.

Мен ўнг тарафга қарадим: мендан узоқ-узоқликда Саур билан Темур, ўқ тегиб қулаган серка томон югуришмоқда эди. Темур қорда тиз чўкди-да, чўқинди, серканинг тушмуғидан ўпди.

Тарашнинг жарликка қулаганини Саур кўрмаганига ишончим комил эди.

Чангалимнинг қайишларини маҳкамлаб, қияликдан пастга тушдим. Шу юришда, бирон ерда дам ҳам олмай, тоғдан ошдим. Бунда ўзимни танҳо ҳис қилганимдан кейингина, умидсизлик чулғади мени, жаҳл устида жиноят қилиб қўйган эдим.

Мана энди маҳобатли табиат билан юзма-юз келганимда қалтираб кетдим. Жон ҳовучлаб қочиб кетяпман, қочаман, атрофга аланглайман.

Тўхтаيمان. Шимолга қарайман. Музликлар олами ором уйқусида. Зарҳал бўёқлар югурган осмон, қоронғиликка ўралиб бораётган оппоқ пирамидаларга қулиб боқади.

Тоғларга кўз тикарканман, бу эришиб бўлмас улугворлик қаршисида ўзим ҳам, ғам-аламларим ҳам ночор, арзимасдек туюлади.

Зунтар қояларидан, бўронлардан ўтиб, уч кун деганда Жварига тушиб бордим. Эрталабга бориб қор шундай бўралаб ёғиб бердики, Юқори Сванетияга бориладиган йўл бир неча ойга ёпилди-қолди. Ҳатто тажрибали тоғликни ҳам бу пайтда сван сўқмоқларидан ўтиб боришга юраги бетламасди.

Кейинроққа бориб билишимча Жоқиа, бутун қиш давомида Местиа билан Жвари оралиғида қатнабди; посылка, пул, хат ва ҳатто туз ҳам ташибди бу шайтон.

1932 йилнинг кўкламида мен уни Зугдидида учратдим; у менга бир нечта хат сотди.

Лекин бир оз сабр қил, азиз китобхон. Кейинги бобларда бу мактубларнинг мазмуни билан таништираман сени.

«DICEBAMUS HESTERNA DIE»

Испан инквизицияси вақтида бир «шубҳали» одамни кафедрада нутқ сўзлаётганда тутиб кетишибди.

Жаллодлар уни беш йил мобайнида қамоқда сақлашибди. Озодликка чиққан замоноқ, ўша одам, тўғри университетга бориб, худди ўша кафедрага чиқибди-да, студентларга: «Dicebamus hesterna die» деб гап бошлабди.

Бу: «Ўтган гал биз шундай деган эдик...» мазмунида экан.

Мен ҳам худди шундай. Беш ҳафталик мусибатлардан сўнг мен не азобларда Тбилисига етиб олдим ва яна ҳикоямни давом эттира бошладим.

Сентябрь ўтди, октябрь ҳам охирлаб қолди. Оқумида бўлса қаҳрамонларимнинг тақдири нима бўлганини ҳеч ким билмайди. Мардум орасида тарқалган овоза, чўққидан юмалаганда муштдеккина бўлган эсада, пастга етгунча бир олам бўлиб кетган қорга ўхшайди.

Оғзининг танаби бўлмаганларнинг Қац Звамбая, Арзакан ва Эмхвари ўрмонда отиб ўлдирилди деб гап тарқатишлари учун, Сванетия ўрмонидаги енгил тўқнашув етарли эди. Забули Арзакан учун иккинчи бор мотам либоси кийди.

Майя ўғли учун узоқ фиғон чекмади. Шамоллаб қолиб, ётиб олди-да, ортиқ ўрнидан турмади-қўйди.

Хатуна-чи? Ҳар кун, Келеш билан Жаму чўчқаларни ўтлоққа ҳайдаб кетгандан кейин эри, ўғли ва тарбиялаган фарзандига тегишли буюмлардан бирини: Арзаканнинг бошлиғини, Қац Звамбаянинг чоҳасини, Тараш Эмхварининг эски костюмини олиб, ёнғоқзорга боради-да, бедарак кетганларга аза очиб, айтиб-айтиб йиғлай бошлайди.

Вафот этганларга аза очиб йиғлаш Абхазия ва Мегрелияда «Твалуа» дейилади, «Твали» (кўз) сўзидан олингандир. Азадор йиғлар экан, дорилфанога кетган кимса билан қаршисида тургандай суҳбатлашгани учун, шундай дейилса ажаб эмас.

Аёл сочларини ёйиб, вафот этган кимсанинг буюмларини қаршисига ёзиб қўяди-да, унинг руҳига мурожаат этади.

Аввалига аёл кўз ёшсиз суҳбатлашади, марҳумнинг яхшиликларини санайди, нозик қалбини, раҳмдиллигини мақтаб, бу дунёни эрта тарк этганидан нолиган бўлади. «В-о-ой-Во-ей!» сўзи нақоратдек такрорланиб туради.

Кейинги «в-о-ой» поласи билан у мавзуни ўзгартади: шундай бағри тош экансанки, болаларингни етим қолдириб кетдинг, деб марҳумга таъна қилинади.

Кейин эса, аёл йиғлай-йиғлай авзойи бўзилгач, қўлларини ёйилган сочига тикқади-да, сочинини юлиб, юзини тирнай бошлайди, ғам-андуҳга тўлиб, кўз ёшига эрк беради.

— Во-й, во-й!-- дея нола қилади у.— Агар нариги дунёда, сенинг ўзинг каби бевақт кетган марҳум фалончи-писмадончини

кўриб қолгудек бўлсанг, не балога гирифтор бўлганимни, ғариб-бенаво бўлиб қолганимни билдириб қўй унга! Во-й, во-ей! У бахти қарога менинг не алфозга тушганимни етказгин! Кечаю кундуз қон йиғлайман. Сенсиз қуёшим сўнди, бу аламли юрагимга ўтлоқларнинг яшиллиги таскин бермайди, қуёш кўтарилиб, янги кун туққани билан юрагим илимайди.

Хатуна эри, ўғли ва тарбиялаган фарзандига аза очиб шундай йиғларди.

Хатуна эри Қац Звамбаяни ҳеч қачон отини атаган эмас. «У». «анави киши», «батона», «шуригэ» — эри ҳақида сўзлаганда, шундай сўзларни ишга соларди у.

— Шуригэ! — дейди у фикран Қац Звамбаяга мурожаат қилиб. — Бир вақтлар бахт косаси лим-лим тўлган рўзгоринг хароб бўлди. Чинорга чирмашган аймақи узуминг қуриди-қолди. Малазона, Макацариа ва Тарбалар хонадонингни вайрон қилишди.

Қаёқларда қолиб кетдинг? Ханжарни белнига тақиб, қўлингга милтигингни олиб, хонадонингни ҳимоя қил!

Во-й, во-ей, Келешгинанг етим бўлиб, азобда қолди! Муштдак боши билан рўзгорни қандай тебратсин шўрлик. Қўлларини қара, қадоқ бўлиб кетди бечоранинг!

Жамунинг ҳам юраги эзилиб оқди. Отам қачон келаркин. деб кўзлари нигорон. Сенинг бу дунё билан аллақачон видолашганингни унга айтишга тилимиз бормайди. Бечора бўлса кечаю кундуз кўзини дарвозадан ўзмайди. Ҳаво айниган кун кечаси билан мижжа қоқмайди болагинам.

Шамол туриб, чинор шохи силкинди дегунча, Жамунинг наздида отаси келаётгандай...

Вой-вой-ей, батона, Арзаканим шундалигида тинчлик бермасдинг, койиганинг-койиган эди, хафа қилаверардинг болагинамни... Бизлардан хотиржам бўл, — шу бугун бўлса ҳам дунё билан хайрлашишга тайёрман, — Арзаканимга кўз-қулоқ бўлиб турсанг бас! Етимча шўрликларимизни, сен жонингдай кўрган Келеш билан Жамуни, бир амаллаб, ўзим тарбиялайман...

Вой-во-ей! — фиғон чекади Хатуна жонидан азиз ўғлони Арзаканга мурожаат қилиб. — Онанга шафқат қилмадинг, о нан! Она юрагининг золими бўлдинг сен. Ҳаётимни заҳарладинг, кўрар кўзим! Кекса отанг ҳаётлигида унга итоатсиз ўғил бўлдинг, болам. Ҳеч бўлмаса, нариги дунёда кекса отангга итоаткор бўл, ўғилжоним!

Отингни энди яшамагур Аренба Арлан миниб юрибди! Авлиё Георгий ва малак Гавриил мададкор бўлсин, Аренба Арланнинг бўйини узилсин!

Сенинг жонингга қасд қилган Тарбанинг зотига қирғин келсин!

Денгизда сузса кемаси ғарқ бўлсин, қуруқда эса, Тарбалар авлоди тагидаги елиб кетаётган отнинг оёғи синсин!.. Оёқ қўйса кўприк ўпирилсин, жангга кирса қиличи нақ бандидан синсин!

Олло таоло ва авлиё Георгий Илорский Тарба авлодини қуритсин ер юзидан! Тарба авлоди аёллари жон ато қилган зотга олло таоло билан авлиё Георгий кўкламда кўтурган Ингүр сохилидаги чумоли уяларини ювиб кетгани мисол қиргин келтирсин...

Хатуна шу зайл овозини баланд кўтариб фарёд чекади, Арзаканга оқ сут берган кўкрагини тирнайди.

— Воҳ, нан!— мурожаат қилади у Арзаканга.— Сен ношукурга Забули ўз ҳаётини қурбон қилди. Иккала ўкаси пеллагра касалидан ўлиб кетди. Қиз шўрлик, отасининг эски кўлбасини қўлфлади, туғилган хонадонининг чироғини ўчирди-да, менинг қошимга бир суюнчик бўлиб келди сенинг Забулинг.

Сенга аза очди, ўзини сенинг бевағ деб эълон қилди. Унинг олдида сени эслаб қолсам, ранги қум ўчади-ю, қалт-қалт титрай бошлайди шўрлик! Сенинг қўлинг тутган куракнинг бандини ўпади. Қамчингга кўзи тушиб қолгудай бўлса ҳам, ўзини тутолмайди, қон-қон йиғлайди қиз бечора, эгарингни болиш қилиб ётади, сенинг ханжаринг ва қиличингни эса кўз қорачиғидай, юрак далдасидай эҳтиёт қилади.

Воҳ, нан!— давом этади Хатуна ҳамон Арзаканга мурожаат қилиб.— Тарбиялаб ўстирган фарзандимга мадад бўл. Ахир икковинг ҳам бир кўкракдан оқ сут эмгансизлар-а. Яланг оёқ бўлиб югургилаб юрганларингиз, ёнғоқзорда ўйнаганларингиз, ҳув анави кўприкдан туриб қармоқ ташлаганларингиз, ўтлоқда, тегирмон ёнида от боққанларингиз ёдингдасиз? Тараш туғишган акадек эди сенга, яхши кунингга ҳам, ёмон кунингга ҳам сен билан елкама-елка туриб эди. Ахир сени деб у, лаънати Жамлет Тарбага ҳамла қилди, жонини ҳам аямади.

Воҳ, нан!— фарёд чекади Хатуна. Энди у Тараш Эмхварининг руҳига мурожаат эгади, унинг довюраклиги ва фидоийлигини кўкларга кўтариб, мадҳ қилади.

— Ўсиб вояга етгандан кейин энагаси ва мураббийсидан воз кечиб кетадиган димоғдор дворянларга ўхшамдинг,— дейди Хатуна ва тарбиялаган фарзандининг ўқимшлилигини, олижаноблигини, оддийлигини, хокисорлигини мадҳ этади.

Воҳ нан!— йиғлайди у юзларини юлиб.— Сен ҳам тошбағир бешафқат чиқдинг, ёлғиз, бебахт онанг шўрликни ташладинг-кетдинг. Сенинг ғаминг онаизорингни гўрга тиқди. Мендай бетоле энаганг шўрлик энди қайга боради?

Бутун умидим сендан эди,— сендан эди умидим, ўғлимнинг тенгқури, жони жаҳоним менинг! Сен билан Арзакан ўрнига гўрга мен кирсам бўлмасмиди? У кишининг ўрнига мен ўлиб кетсам бўлмасмиди? Мен ўлсаму, учовингиз менга аза очиб, қора кийсангиз бўлмасмиди, ўғлоним менинг?

* *
*

Сентябрь охирида ёға бошлаган ёмғир октябрга бориб тинди. Шунинг учун ҳам жўхорини йиғиб-териш олишга кеч киришил-

ди Бунинг устига қулоқлар далаларини бутунлай ташлаб қўйишди.

Аренба Арлан бутун аҳолини жўхорини топширишга мажбур қилди, кулакларни суриштирмай, колхозга олиб кирди. Аламзада кулаклар ишдан бош товларди. Шунинг учун ҳам ёнигарчилик бошлангач, йиғиб олинмаган ҳосил турган жойида ирнй бошлади. Қарғалар, бўрсиклар, айиқ ва олмахонлар бунчалар тўкин қишни энди кўришлари эди. Тариқ билан гомни бўлса чумчуқлар талади. Қаламушлар эса гала-гала бўлиб, далаларга ёпирилди.

Хатуна билан Забули Арзакан тузган колхозда олтмиш меҳнат куни ишлаб, ўн путга яқин жўхори, үч пут ловия ва беш пут тариқ олишди.

Хатуна, эркаклар билан баб-баравар меҳнат қилаётган Забулига ачинарди жуда. Хатунанинг фикрича, аёл киши далада жўхори, ловия йиғиши, тозалаши, тариқ елпиши мумкин. Бошқа ишларни эса, мол сўйиш ва айғир бичиш кабиларни аёл кишига номуносиб деб санайди. Лекин ҳозир аввалги пайтлар эмас.

Хатуна янги тартибларни хомүш кўзатарди.

«Қайнанаси» ҳузурнда Забули мола босиш, ер чопишга тортинарди-ю, колхоз даласида эркаклардан қолишмай ишларди.

Тариқ қуритадиган вақт етди. Хатуна бу ишнинг қандай бажарилишини биларди-ю, бидъат бу ишга қўл уришга йўл қўймасди.

Шундай қилиб, Хатуна чўқинтирган Кужи Гвахария уларга ёрдам бериш учун тез-тез келадиган бўлиб қолди.

Чўқинтирган фарзандгинами у? Кужининг онаси кўзи ёриб дунёдан ўтгани туфайли уни чўқинтирган она бўлмиш Хатуна тарбиялаб катта қилган эди.

Забули болохонада эски қопларни ямаб ўтирарди. Бирдан иг ҳура бошлади. Бошини кўтариб қараса: қаршисида, аста пусиб келган Кужи Гвахария пайдо бўлибди. Саломини канда қилмайдиган йигит, бугун ҳаяжонланганидан, саломини ҳам унутибди. Унга ўгирилиб қараган Забулининг кўзи йигитнинг маъюс кўзларига тушганда Кужи қип-қизариб, қалқиб кетди-да:

— Мен эдим..— деб гўлдиради.

Забулининг бетига қон қуйилди: эркак овози уни ҳаяжонга солган эди.

Тамаки иси Забулини титратиб юборди. Йўқ, тамаки иси эмас, бўлак бир ис, эркак кишидан келадиган, тушунтириб бўлмайдиган, гангитиб қўядиган ғалати бир ис уни шу кўйга солади. Арзаканнинг тўппончаси, ханжарининг банди, қамчиси, эгари, оснеча этиги ва кийимларидан худди шундайин бир ис келади. Кўпинча қиз Арзаканнинг буюмларини боши тагига қўйиб ётади, уларни бағрига босиб, ўпаверади, ўпаверади, ўксиб-ўксиб йиғлайди, ҳеч бўлмаса тушимга кирса-чи, Арзакан, тушда бўлса ҳам эркаласа-чи Арзакан, дея нола қилади.

Кужи қизга ёқмайди. Сўнги пайтларда у билан рўпара келганида Кужининг бошқача бўлиб, бирдан қизариб кетишини, овози ўзгариб, дўриллаб қолишини қиз пайқаган эди. Унинг овозида қиз илтижони ҳис қилади. Забули, қизлар билан рўпара келганда қиз бола сингари қизариб кетадиган тортинчоқ йигитларни ёқтирмайди.

Кужи Гвахария худди шундайлардан эди. У доимо хаёлчан, фикр-хаёли аллақайларда, қизларга дуч келса ўзини йўқотиб қўяди.

Колхозчи қизларнинг у тўғрида қўшиқ тўқиганлари ҳам бежиз эмас-да!

Қўшиқда шундай сатрлар бор:

Мунча уялиб, қўрқиб,
қочмоқдасан эй, хотин!
Агар куёв топмасам,
Кужини олиб қочгум.

Шу топда у Забулига худди шундай бўлиб кўринди. Лекин шундай эсада қиз қизариб кетди.

Итларнинг ҳуриши Хатунанинг носинини бўлди.

— Тариқ ёйиб қуритишга ёрдамлашгани келгандирсан, нан? Кечқурун қилинадиган иш-ку бу, аввал овқатланиб олайлик,— деди Хатуна Кужига.

— Биламан, онахон, тариқ кечқурун ёйиб қуритилади. Маъракага чўчқа сўямиз, деб эдингиз-ку, ўзингиз.

Хатуна билан Кужи чўчқани қувалай кетишди.

— Мах, мах, мах!..— деб чақиради Хатуна.

Ана улар чўчқани тутиб олишди. Бир дақиқагина бурун йма-ниб турган мулойим Кужининг чўчқани кўтариб туриб ерга урганини, тиззаси билан маҳкам босиб турганини Забули кўрди.

Хайвоннинг чинқириғи Забулини титроққа солади.

Мулойим Кужининг қандай қилиб бу ишга қўл урганига Забули ҳайрон.

Овқатланиб бўлгунларича қоронғи тушди. Кужини овора қилишнинг кераги йўқ, икковимиз эплаштираверамиз, деб туриб олди Забули.

— Кужи тариқ қуритишни бизнинг хонадонимизда ўрганганда ахир,— деб Хатуна эътироз билдирарди.— Қўлимиздан келишга келади-я. Бундай иш билан машғул бўлишни аёл кишига ким қўйибди? Аввал тариқни жўхоризорга элтилади, сават тўшамага ёйилади, кейин олов ёқиб, дон тутунда дудланади. Агар оловни эркак ёқмай аёл киши ёқса борми, тутун етарли бўлмайди.

Унинг сўзларини тингларкан, Забули дилида кулади, лекин индамайди.

Кужи олов ёнида бошини қуйи солиб ўтиради. Вақти-вақти билан Забули томонга ўғринча қараб қўяди, боқишлари қизнинг

баланд кўкрагидан сирғалиб ўтиб, яна ўчоқда ёнаётган ала-
ганинг ўйноқлашига қадалади.

Икки йил муқаддам Кужи акасидан жудо бўлиб, мотам ало-
мати ўлароқ, соч-соқолини олдирмай қўйганидан, эндиликда
тим қора соқоли кўкрагигача тушган эди.

Кужи жўхоризорга сават-сават тариқ ташиб қўйганда, қо-
ронғи тушиб қолган эди. Хатуна билан Забули нам ўтин ташиб
келтиришди. Пальёнларни икки қатор қилиб тахлаб қўйгач, Ку-
жи олов ёқиб юборди, кейин дарахт новдаларидан келтириб,
тўшамалардаги тариқни ёйди.

Олов ловиллаб ёна бошлади, тутун тўқима тўшамаларни
қамраб олди. Кужи бўлса вақт-вақти билан новдаларнинг тўғ-
ри-нотўғрилигини текширади-да, кейин яна Забулининг рўпара-
сига келиб ўтиради.

Вақт аллақачон ярим кечадан оғди. Забули қараса, Хатуна
жунжикиб, шумшайиб олибди, совқотган қўлларини оловга ту-
тиб исниятти.

— Этингиз увушаётгани йўқми, нан?— сўрайди Забули ва
Хатунанинг қўлини ушлайди. Бечора кампирнинг қўллари уву-
шиб қолибди. Пешанасидан совуқ тер қуймоқда.

Забули унга ўрнидан туришга кўмаклашди ва ошхонага жой
солиб берди.

Забули жойига қайтиб келганида хаёлга толган Кужи бояги-
дек ўчоқ ёнида ўтирарди.

Кейин у ўрнидан туриб тариқ қуритиладиган жойга чиқиб
кетди-да, анча қолиб кетди ўша ерда.

Хўроз қичқирди. Узоқда иккинчиси, кейин учинчиси жўр бўл-
ди. Бир неча вақт жимжитлик ҳукм сурди, кейин бирдан қиш-
лоқдаги барча хўрозлар, ер юзини чулғаб олган тўти қоронғили-
гини йиртиб солаётгандай, бараварига қичқира бошладилар.

Забули ловиллаётган оловга тикилиб ўтиради. Хўл қайрағоч
аянчли пишиллайти, ёнаётган ўтин худди йиғлаётгандек кўпик
чиқаради. Забули иягига қўлини тираб, оловдан кўз узмай ўти-
ради. Тутундан кўзи ачишдими ёки чеккан аламлари йиғлатяп-
тими, ўзи ҳам билмасди.. Нам пальёнлар, гуноҳкор банданинг
жаҳаннам азобига қолган жонидай чиийилайди.

Хўрозлар бўлса, худди тунни қувиб қочирмоқчи бўлгандай,
бараварига қичқирашади.

Забули мудраб кетади. Уйқунинг нозик қанотлари шундоқ-
қина киприклари устида силкиниб турибди. Мана, қўшни итлар
ҳура бошлади; Хатунанинг овчаркалари бу ғала-ғовурга жўр
бўлди ва шундай тўс-тўполон, вангиллаш, ингиллаш кўтарилди-
ки, нақ тарбалар Звамбая уйига бостириб кирган машъум
тундаги тўс-тўполоннинг ўзидек эди. Забули ирғишлаётган
алангага тикилади, унинг кўз ўнгида ака-ука Тарбаларнинг
даҳшатли турқи: Жамлетнинг қийшиқ бурни ва Забулининг қў-
лини боғлай бошлаганининг тақдир каби қоп-қора папахи намоён
бўлади.

Кейин унинг хаёлида Арзаканнинг қадрдон чеҳраси пайдо бўлади.

Мана, Тараш Эмхвари югуруб кирди, рақибларга ташланди. Забули қараса, Жамлет Тарбанинг кўкси пора қилиб ташланибди. Қац қорнини ёриб юборган кичигининг қонга беланган ичак-чавоғи оқиб ётибди.

Кейин қандайдир қора, ғалати марса Забулининг кўзини чулғаб олди. Мажолсизланиб боши қўйи солинди ва уйқуга кетди..

Арзаканнинг ҳамма рақибларни енгиб, уйига қайтгани тушига кирибди. У тиш-тирноғигача қуроолланган; унинг белбоғида илон шаклидаги ханжар осиглиқ, бошида эса Тарбанинг, жунлари кўкрагигача осилиб турган, қора паҳмоқ папахи, Арзаканнинг юзи жуда қўрқинчли, қобонники янглиғ ҳайбатли қозик тиши бор, оғзидан тишлари туртиб чиқиб турибди. У қон тўла кўзларини аланг-жаланг қиляпти.

«Арзаканнинг шундай узун сочи, қобонникидай нозик тиши йўқ эди шекилли?»— дея Забули тушида азоб чекади ва йиглайди..

Арзакан бир қучоқ ўтин келтириб, ўчоқ бошига қўйди. Забули қарасаки, бу ўтин эмасмиш-да, Тарбанинг танасидан жудо қилиб қирқиб олинган, қуруқшаган йигирмата қўли эмиш.

Арзакан шу қўлларни бир-бир олиб, оловга ташлаётганмиш. «Шундай қилсак ловиллаб ёнади,— дермиш у,— тариқни қури-тишга тутун кўп керак».

Кейин Арзакан Забули ёнига келди-да, лабидан, худди ўтган гал Зугдидидаги каби, сўриб-сўриб ўпди, метин қўллари билан уни қучди. Тамаки ва эркак бадани исидан маст бўлган Забули ихтиёрини тамомила йўқотди.

Кужи Гвахариянинг тариқ қуритиладиган жойга ўтин кўтариб ўтаётганини кўрган қари хонаки кучук Мура яқинроққа келиб, улий бошлади; қари кучук маъюс увлайди-ю, лекин ёт одамга ташланишга мадори етмайди.

Муранинг улиши Забулини уйғотиб юборди. Қараса, уни Кужи қучоқлаб ўпаётган экан.

— Нима қиляпсан!— деб қичқириб юборди Забули ва хирсдан ақлини йўқотган йигитни итариб ташлади.

Йигит чўчиди, уялиб кетди. Лекин тўсатдан унинг кўз қорачиқлари кенгайди,— қарабсизки, Кужининг тортинчоқлигидан, ювошлигидан асар ҳам қолмади.

Кужи ёниб кетди.

— Тушунсанг-чи, куйиб кетяпман!— деб ғудранди у.

Кужи қизнинг яланғоч қўлидан маҳкам ушлаб, қалт-қалт титраётган Забулини бағрига тортиб, шундай қисдики, бечора нафас ололмай қолди. Шунда қиз, ўнг қўлини тортиб олди-да, қулочкашлаб туриб, йигитнинг юзига шапалоқ тортиб юборди.

Кужининг бошлиғи учиб кетди. У бош яланг холда ёнғоқзор томон отилди ва қоронғиликда ғойиб бўлди.

ҚОРА КАБУТАРЛАР

Бу йилги куз шундай маъюс келдики, Тамар, умри бино бўлиб, ҳали бундайини кўрмаганди.

Шервашидзе қўрғонида кунлар секин, сирғалиб ўтар ва аста сўнарди. Кечалари Тамар анчагача ўхлай олмасди. Ҳатто, шабнамдан кумушланган боғда эшитилган сезилар-сезилмас шарпа ҳам уни чўчитарди.

Ана ёнғоқ тўкилди, деразанинг нақ тагида олма узилиб тушди, кейин қуруқ хазонларни штирлатиб кирпи ўтди.

Сўнг табиат нафасини ичига ютгандай жимиб қолди, сергак мудраётган Тамар яланғоч олма дарахтининг сўнгги япроқларини тўкаётганини сезиб ётди.

Тамар эрта саҳарлаб деразани очди, юраги сингари ҳувиллаб қолган боққа назар солди. Сўлгин япроқлар енгил шабадада ҳазин шивирлашарди, акас дарахтлари устидан заррин либосларини ечмоқда эди.

Тамар беихтиёр, уйқу аралаш юргандек юриб, зинадан тушди. Лукая билан Даша олхўри тагида, териси шилиниб, ичи тозаланган чўчқа боласини оловга тутиб ўтиришарди.

Тамар, бугун Херипсининг меҳмон чақираётганини эслади.

Тараш бедарак кетгандан бери Тамар одамларга кўринмасликка ҳаракат қиларди. Бир ойдан бери у шаҳарга чиқмас, чиққан тақдирда ҳам, танишлардан ўзини олиб қочарди.

У, айниқса аёлларнинг синчков назаридан ўзини олиб қочарди. Негаки, юзида пайдо бўлган доғлар ҳам, қоматининг тўлишиб қолгани ҳам, аёллар кўзидан четда қолмасди.

Шардин Алшибаянинг холис хизмати туфайли, шаҳарда унинг Эмхвари билан бўлган муносабати ҳақида турли-туман миш-мишлар юрганидан Тамар хабардор эди.

Исмини Тарашнинг номи билан боғлаб гапиришларига қиз ичида қувонарди. Мисоуст ҳаёт деган хабарни эшитса бас, унинг учун жонини беришга ҳам тайёр эди у. Унинг ҳаётлигидан дарак топса бас...— ундан кейин ўлса ҳам рози! Ҳеч ким унга ёқмайди, ҳеч кимга сирини очолмайди.

Илгари Тамар таниш-билишлар билан учрашишдан ўзини олиб қочмаган чоқларда ҳар турли миш-мишларни эшитарди; бировлар Тараш Эмхварини Тарбалар ўлдиришибди деса, бошқалар уни Арзаканнинг ўлимида айбларди.

Баъзида эса:

— Акам Тараш Эмхварини Тбилисида кўрибди. Тараш Руставели проспектида бир гўзал қиз билан кетаётган экан,— дегувчилар ҳам топиларди.

Энди бўлса Тамар, худди зимистонга тушиб қолгандек, бундай гапларни ҳам эшитмайди. Нима дейишса дейишмайдами, ишқилиб, Тараш номини тез-тез тилга олиб туришса бас. Мисоусти бошқа аёлларга муҳаббат изҳор қилса қила қолсин, жони омон бўлса бўлгани!

Энди, бутунлай якка қолгач эса, Тамар юрагини кемираётган ташвишларни Каролинага ҳам айтолмасди.

Юрагини кимга очиб солса экан? Унга бор ҳақиқатни келиб айтадиган кимса топилармикан?

Ёнғоқ тагида унга Лукая етиб олди.

— Бугун тушликка меҳмонлар келади. Қаёққа кетяпсан асти?— қиз енгига тирмашиб суриштиради Лукая.

Тамар сесканди.

— Келаман, ҳозир келаман. Дадамга газета оламан-да, дар-ҳол изимга қайтаман.

Дарвозадан чиқди. Кунлардан бир кун худди шу ерда Тараш билан уришиб қолганини эслади. Хафа бўлганидан Тарашнинг юзи қоп-қорайиб кетди, толзор бўйлаб итоаткорона узоқлаша бошлади. Тамар: «Мисоуст!» деб чақиргач эса, севиниб унинг ёнига қайтиб келди...

Шосседа кимса кўринмайди. Ариқларда қурбақалар сакрашади холос. Темирчиликларда эса, енглари шимариғлиқ шогирд болалар қўраларни пуфлашади. Улардан биттаси Тамарни кўриб, бўйнини чўзиб, безбетларча тикилди.

Мана Зугдидининг чинорли хиёбонига ҳам етди. Дарахтларнинг учлари оҳиста, билинар-билинимас чайқалади. Қуриган япроқлар офтобда ғамгин жилмаяди, гоҳ бири, гоҳ бошқаси маъюс шитирлаб ерга тушади. Бу товушда Тамарга, тасаллисиз куз марсияси эшитилади.

Мана Мисоустнинг севимли чинори. Кўпинча у шу ерда ўтирарди, Тамар билан Каролинага «Федр»ни ҳам шу ерда ўқиб берганди.

Тамарнинг назарида бу чинор Мисоуст қалбининг бир бўлагидек туюлди. Скамейкага — унинг скамейкасига ўтирди. Дарахт танасини сийпалади. Кекса чинор жуда ғамгин кўринди. Чинор офтобга бўй чўзиб, ундан илиқлик, кеч кузнинг сезилар-сезилмас илиқлигини кутяпти.

Хиёбон ёқалаб кетган ирмоқ жилдираб оқади ва узоқлашиб тушдек ғойиб бўлади.

Тамар нари кетди. Мана таниш магазинлар, мана бу яшил бино почта, аптека. Кейин яна шоссе бошланади ва Тамарнинг назарида Мисоуст у билан ёнма-ён бораётгандай бўлади. Йўл чеккасидаги толлар ҳам, янги экилган кўчатлар ҳам унга қанчалар таниш. Фақат шуниси борки, устларидан яшил либосли ечган толлар, шоҳларини эгиб, учлари энгашиб туради.

Утлоқда ола-була бўлиб яшнаб ётган айиқтовонлар аллақачон гулини тўккан эди. Шумтоллар ва эманлар қимир этмайди, уларнинг сўлган япроқлари чирийди.

Мана шу ялангликда ўша кунни сассиқпопишаклар сакрарди, анави шоҳлар ортидан кабутарлар потирлаб чиқиб қолган эди. Мисоустнинг овозидан ҳуркиб, жуфт-жуфт бўлиб учиб юрарди улар...

Мана Мисоуст уни ўтказиб қўйган тўнгат. Бу ерда Тараш унинг сочларини бошига чамбарак қилиб, ташналик билан ўпа бошлаганди.

Ушанда Мисоустнинг кичик бир илтимосини рад этганини эслаганда; Тамарнинг юраги увушиб кетади.

Ҳозир у Мисоустни кўрса бас, бунинг эвазига ҳар қандай жабр-жафога ҳам тайёр. Мана шу ерда, шу ялангликда Тараш ёшлиги ҳақида аччиқ ҳақиқатни унга сўзлаб берган эди.

Дўстларсиз, бошпанасиз, якка-ёлғиз яшарди Мисоуст. Бу дунёда энди кўп сандироқдолмаслиги шундоққина кўрниниб турибди.

Тамар арава изи билан боради. Дарахтлар сокинликда котиб қолгандай туради. Эманлар фалакдан янги баҳор, янги гуллашни сўраган мисол яланғоч шохларини осмонга чўзиб турардилар.

Афсус! Тамарнинг илтижоларига осмоннинг ҳам, ернинг ҳам қулоғи гаранг. Шодликнинг дарвозаси унинг учун мангу ёпиқ. Бахтли кунлари мунчалар оз бўлди. Муҳаббатнинг ширин бодаси бунча тез битди.

Тамар ресторанда фокстротга танца тушган бебахт кунни лаънатлайди, сочини қирқишга маслаҳат берган Анулини қарғишлайди. Уни сартарошга бошлаб борган ўша Анули бўлди. Тарашдан жудо қилган у оқшомга минг лаънат! Тарашнинг сўзини икки қилгандан кўра ўлгани яхши эмасмиди. Институтнинг, кесилган сочнинг нима кераги бор унга? Шу ишлар бўлмаганда, ким билади, Тараш балки ҳалок бўлмасмиди? Тамар ортиқ ҳеч қачон фокстротга танца тушмайди.

Энди у юрагидан шодликни қувиб чиқарган. Ортиқ ҳеч қачон сочини қирқмайди. Эндиликда сочи ўсиб, абадий мотам рамзи бўлиб турсин.

Тамар иримчи энагаси қилгани янглиғ эман тагида тиз чўкади-да, совуқ, шодликсиз дунёдан ғойиб бўлган Тараш Эмхварининг изини ўпади.

Оҳ, мана ўша, Тараш Додон эмани деб атаган эман! Шодхуррамлик билан патларини тозалаётган оппоқ кабутарлар қаёққадир йўқолиб, улар ўрнида қоп-қора кабутарлар дарахтни тутган, яланғоч шохларда имирсилашади. Тамарнинг юраги яна ғуссага тўлди.

Қора кабутарлар!..

Уша кунни Тараш унга Додон эмани ва қора кабутарлар ҳақида сўзлаб берган эди. Лекин у пайт Тамарнинг хаёли бошқа жойда эди. Ушанда унинг ҳикоясини диққат билан тингламаганига энди ачинади у.

Қора кабутарлар — бўладиган гапми бу ўзи?

Тамарнинг наздида тақдир, янги, яна ҳам машаққатли синновларнинг даракчиси қилиб юборгандек бўлди бу кабутарларни.

МАХВШ МИНОРАСИДАН ЙУЛЛАНГАН МАКТУБЛАР

Бу мактубларни менга 1932 йилнинг апрелида Жокиа сотди. Бу мактублар мени қизиқтириб қўйганини кўриб у, бу мактублар учун бундан ҳам катта пул бермоқчи бўлганларини айтди.

Хулласи калом, у мендан икки юз сўм ундириб олди. Мен ҳам Жокиага бунча катта пул берадиган анойилардан эмасман. Лекин у менга айтган бир хушхабар туфайли бундай сахий бўлиб кетдим. Тараш Эмхвари, қандайдир бир мўъжиза билан тирик қолибди.

Бу хабарни эшитганимда елкамни эзиб турган тоғ қулагандек бўлди.

Ахир одам тирик экан, бир кун эмас, бир кун албатта тузалади, деган гап бор-ку.

Бу хусусда бир воқеа эсимга келади.

Бир ўжар, золим грузин феодали Курада чўкиб кетаётган экан.

Бошқарувчи:

— Тўрам чўкяптилар, қутқаринглар!— деб деҳқонларга ёлворибди.

— Зарари йўқ, зарари йўқ,— деб жавоб берибди кекса деҳқон.— Тўрамнинг иродасига қарши келиб бўлмайди. қандай чўмилгилари келса, шундай чўмилаверсинлар...

Қўйида эълон қилаётганим мактубларнинг бир қисми француз тилида, бир қисми грузин тилида ва яна бир қисми немис тилида ёзилган.

«Зугдиди,

Каролина Шервашидзега.

Юқори Сванетия, Лапарияни
қавмидан бўлган Махвш минораси.
1931 йилнинг 25 октябри.

Қимматли фрау Каролина!

Сизнинг Лукаядан юборган мактубингизни олган кунларимда, бошимга бахтсизлик тушди: машъум оқшомларнинг бирида мен Жамлет Гарбани ўлдириб қўйдим.

Биз Окумидан қочдик ва ўша кундан бери эгардаман. Ҳатто кечаси ҳам эгарга бош қўйиб ётаман.

Шунинг учун ҳам қоғознинг ёмонлигига ҳам, қалам билан ёзаётганимга ҳам ҳайрон бўлманг. Шу алфозда юриб ҳам ёнимда қаламим борлигини айтинг!

Сиз ҳам, бошқалар каби, мени ўлиб кетган деб ўйларсиз балки. Бунинг ҳайрон қоладиган жойи ҳам йўқ. Негаки, Тбилисидалигимизда сизга ўлимим яқинлигини, ҳаёт бўла туриб ўзимни ўликдек ҳис этишимни айтган эмасмидим? Аммо менинг

тириклигимни ҳеч кимга айтманг. Менинг йўқлигимни ҳис қилган кимса топилмаса ҳам керак. Менга маълум бўлишича, мени, сут эмишган укамни ва энагамнинг эрини ўлиб кетган деб ҳи-соблашади.

Шундай ўйлашса яна яхши. Тарбалар тинчиб қолади; қон тўкилиш туфайли пайдо бўлган аламзадалик енгиллашиб қолади, негаки, ҳеч ким ва ҳеч нима вақт ҳукмига қарши туролмайди.

Менга қолса, бу хунрезликнинг қандай якунланиши барибир.

Бунда, ер юзида бемаъни югур-югур мени қизиқтирмайди. Париж, Берлин ёки Лондон проспектларини ҳам, Помпея ва Мессина харобаларини ҳам, Вардэня ва Зарзманнинг вайрон бўлган равоқлари оралаб ҳам бир хилда маъюслик билан кезганман. Ҳар қанақа қоронғиликни, ҳатто зий-зий қоронғиликни ҳам, ҳар доим, заиф бўлса-да, ёруғлик кузатиб боради.

Осмон ҳам мени унча қизиқтирмайди. Мен уни қандайдир бир хилдаги нарса деб биламан. Агар тақдирнинг хатоси билан мабодо, жаннатга тушиб қолгудек бўлсам, ишончим комилки, фақат тақводорлардан иборат жамоа ичида зерикиб ўламан.

Энди, сизнинг дилкаш мактубингизга келайлик.

Сизнинг суҳбатларингиз ва мактубингизнинг, доимо енгил ҳазил-мутойбага тўлиқлиги, айниқса, менга манзур. Сиз ҳақсиз, азизим, минг бора ҳақсиз! Бирон бир жойда ўзимни ўз ўрнимда ҳисоблармиканман.

Мени бу ерда — Махвш минорасида ҳам одатдаги ғам-ғусса босади.

Макрли тақдирнинг, вақт-вақти билан қандай ларзаларга йўлиқтиришини кўз олдингизга бир келтиринг-а! Ахир куни кечагина мен Зугдидида, сизга яқингина жойда, хушчиroy ойдин тунларда сиз чалган муסיқани тинглаб фароғатда яшамасмидим.

Ой бунда ҳам ёғду сочади. Лекин пианинони бунда ҳеч ким кўрмаган. На пианинони билишади ва на патефонни. Бу ёққа кела туриб, янги очилган йўл етиб келган Хаишида граммафоннинг бўғиқ овозини эшитган эдим. Орадан яна бир неча ой ўтиб, бу йўл Махвш минорасигача етиб келади, қарабсизки, патефон ҳам, телефон ҳам, электр ҳам етиб келибди.

Ойдин тунларда Арзакан икковимиз минорага кираверишда ароқ ичиб, ёшлар куйлаётган қўшиқни тинглаб ўтирамиримиз.

Мана ҳозир ҳам, мен мана шу хатни ёзарканман, миноранинг пастки қаватида йигит-қизлар тўпланишган, чонгурининг ҳайф ўтган даврларга ачинаиб йиғлаганга ўхшаш ҳазин товуши менгача етиб келаётгир.

Мабодо шу ерда бирон кимса мени ўлдириб қўйса-ю, мени шу ерда кўмадиган бўлишса, мана шу куй чалиниб турсин — васиятим шу менинг. Сван чонгуриси товушини ҳеч нима билан тенглаштириб бўлмайди!

Инсон қўли билан йўнилган оддий ёғочнинг юрагида қанчадан-қанча мунг бор-а! Қим билади дейсиз, сваннинг торни чертаётган дағал бармоқлари остида, Кавкасионининг энг баланд чуққисиди, тун билан чегараланиб турган ерда осмонга бўй чўзган хув қарағайнинг синглиси йиғлаётгандир...

Ахир юнонлар оламнинг охири Сванетияда деб бежиз айтишмаганку. Шунинг учун ҳам мен, аввалига, бу хатларни «Оламнинг бир чеккасидан мактуб» деб атамоқчи ҳам бўлганман.

Сизнинг Т. Э»

«Махвш минораси,
25 ноябрь

Мени эсон-омон қолганлигим билан муборақбод этинг. Яқинда ов чоғида бир ғалати воқеа юз берди. Нариги дунёга равона бўлишимга сал қолди, у ҳам бўлса ўз айбим билан (агар атрофдагиларга ёмон кўриниб қолганим учун айбдор бўладиган бўлсам).

Ҳаммасига-сабаб шу бўлдики, мен ов қонун-қондасини бузиб қўйдим. Сиз аёллар бу нарсага яхши тушуниб етолмайсизлар. Ов эркакларни шундай қизиштириб юборадики, агар қон-қардошни ўлдириб қўйсанг ҳам ҳайрон қоладиган жойи бўлмайди.

Сван овчилари «поданинг айғоқ кўзи» деб атагувчи серкага кўзим тушдию, ҳамма нарсани унутдим.

Ўзимни тутолмай серкани отиб қўйдим, шўрлик уч юз метр тепадан жарга қулади-кетди. Бу ҳол овчилардан бирини қаттиқ ғазаблантирди (бир кун илгари унинг жиғига ҳам теккан эдим) ва у мени пойлаб ўқ узди. Лекин мен анча узоқда эдим. Уқ шундоққина чаккам ёнидан визиллаб учиб ўтди. Мен бир гандиракладим-да, пастга қуладим. Бахтимга (ёинки аксинча), жарлик қорга бурканган бўлиб, мен то пастгача сирғалиб тушдим.

Овчиларнинг ўқ товушлари менгача эшятилиб турди. Лекин мен уларга ўзимнинг қаердалигимни билдириш имконидан маҳрум эдим: ортиқ патроним қолмаганди. Патроннинг бир қисмини бир кун илгари карқур отиб тугатган бўлсам, қолганлари йиқилганимда тўкилиб қолган эди.

Қанча қичқирмай, ҳуштак чалмай, ҳеч ким жавоб қилмасди. Мен йўлимдан адашдим, қайси томонга юришимни билмасдим.

Дарадан ўтдим ва нотаниш чуққидан чиқиб қолдим.

Мени сукунат қуршаган эди. Қор ва сукунат.

Тоғларнинг чуққилари ва музликлар сукунат посбони бўлиб тургандек эди.

На осмонда, на ерда заррача бўлса ҳаётдан асар йўқ. Гўё оламнинг томир уриши тўхтаб қолгандай, гўё оламни сукунат

тўлдиргандай. Харсанг тошлардан таркиб топмиш соҳилга ит-қитилиб, гўё ёлғиз менгина омон қолгандайман...

Кетяпман, кетяпман...

Табиат рафтори кўз илғар-илғамас ўзгариб туради. Қалхат тусидаги тоғ ва ҳурпайган, қорамтир тиканакли қарағайлар кўринди. Жарликка улоқтирилган кун оламдан ўтаётир. Тўсатдан, аллақаерда, карқурнинг мунгли қичқираётгани эшитилди.

Нафасимни ичимга ютиб жимиб қоламан. Қулоқ соламан-да, шамол қичқирқни олиб келаётган томонга қараб юраман. Балки менга шундай эшитилаётгандай бўлаётгандир. Бу нима ўзи? Карқур қичқиряптими ёки томирларимда қон уряптими?

Иўқ, бу карқурнинг овози...

Товуш узоқ-узоқдан, тубсиз жарликдан эшитиляпти.

Оқшом қўна бошлаган сўқмоқлар билан бораман. Бир баландликдан ўтгач, баҳайбат харсанглар босган кенг ёйма тоғдан чиқиб қоламан.

Унда-бунда қуриган кўкатлар кўзга чалинади. Атрофга назар ташлайман: олд тарафимда кўкатлар силкинади, шамолнинг визиллаши аниқ-таниқ эшитилади. Кўзимни ишқалайман. Алланарса кўкатлар оралаб, тўғри менга қараб келаётир. Унинг тўқ кул ранг орқаси кўзга ташланди-ю яна ғойиб бўлди...

Қўрққан одамга қўшалоқ кўринади.

Мен: балки бу қуш эмасдир, аллақандай мен билмайди-ган ҳайвондир деб ўйладим. Ёинки ўтлар оралаб эмакляб келаётган одам бўлса-чи? Шом қоронғисида пусиб, карқур бўлиб қичқириб келаётган бўлса-чи?

Ғалати мавжудотнинг қорамтир орқаси яна кўзга чалинди. «Бўри!»— деган фикр чақмоқдек ярақлаб кетди.

Милтиғимни кўтардим... ва шу онда эчкининг маърашига ўхшаш товуш эшитдим.

Нимага дуч келдим денг? Қарасам, кичкинагина илик эчкига ўхшаб, мунгли маъраб, тўғри менга қараб келяпти.

Борлиғимни завқ қамраб олди. Милтиғимни отқилаб, бу гўзал мавжудотнинг бўйнидан кучдим. Қоронғида онасини излаб юрган бўлса керак бечора. Йиғлаётган боласини овутаётган она мисол уни бағримга босдим.

Вой, нима бу?

Уқ болдир суягини майдалаб кетибди! Ярадор ҳайвоннинг бағримда, илиқ, соф қони билан мени бўяб сесканаётганини ҳис қиламан...

Бу учрашув, гўё умримда биринчи бор жонли мавжудотни учратгандай мени яйратиб юборди.

Мен бу ерда, булутлар тепасидаги, музликлар, харсанглар ва қорли чўққиларга сокин, совуқ осмон тўнтарилган бу биёбонда ҳаёт илиқлигини ҳис қилдим...

Лекин шўрлик жонивор кимнинг аёвсиз қўлига тушиб қолганини ҳис қилди ва мунгли қичқира бошлади.

Шу дақиқа мен, бу тилсиз мавжудотга юрагимдаги сўзларни тушунтира олиш учун ҳайвонлар тилини жуда билгим келди? Ҳайвонлар тилини билсам мен унга:

«Кетма, кимсасиз бу ялангликда мен билан қол. Мен сенга буркамни тўшаб бераман, сени доимий нафратдан толган, совуққотган қалбимга босаман. Кетма, паҳмоқ сван худосига топингани мисол, мен сенга топинаман»...— дердим.

Лекин илик, гўё юрагига пичоқ санчилгандек аянчли маъраб, яна бир неча бор отилди.

Унинг илтижоси мени ларзага солди. Қўйиб юбордим уни.

У туннинг қар қулоғига сўнги бор қичқирди-да, қоронғида ғойиб бўлди-қолди.

Унинг йиғиси яна анчагача, милтигимни қучганимча сокинликка чўмган мана шу музликлар янглиғ чуқур уйқуга толгунимга қадар эшитилиб турди.

Совуқдан қалтираб эрталаб уйғондим. Бунда якка қолган мен бечоранинг тепасида сокинликка чўмган, етишиб бўлмаслик ҳақидаги хаёл сингари сирли ва гўзал осмон жилваланар, алангаланарди...

Менинг бундаги ҳаётимда ортиқ, эътиборга лойиқ ҳеч нима бўлиб ўтмади. Ҳаммамиз саломатмиз.

Энагамнинг эри ҳали ҳануз тўнғиллайди. Вақт-вақти билан аллақаёқларга ғойиб бўлади. Черкеслар томонга ўтиб, от келтираётган бўлса керак. Кейин у ва Қора Махвш мен билан Арзакан тушунмайдиган сван тилида соатлаб суҳбатлашади.

Арзакан Махвшнинг невараси Саур билан иноқ бўлиб кетди.

Мен ҳарвақтдагидек ёлғизман; овга чиқаман, тоғларга тармашаман, қарағайдан қилинган сван ароғи ичаман, баъзида сванлар билан милтиқ отишда мусобақалашаман.

Ҳозир тинмай қор ёғяпти. У ҳамма ёқни қоплади.

Оламдан кесилиб, минорада ўтирибман. Шундай кунга тушганимга севинаман.

Сизнинг Т. Э.

«Элен Ронсерга
Рим, Неаполь кўчаси, № 17
1931 йил, 1 декабрь.

Қимматли Элен!

Сенинг мактубингга ўз вақтида жавоб қайтаришнинг имкони бўлмади. Ҳозир менинг қаердалигимни билсанг, сочинг тикка бўлиб кетарди.

География харитасини олгин-да, нозик бармоқларингни харита узра юрит: Апеннин этиги тагидан Таранто шаҳарини топ, сўнг Пирейга ўт, Эгей денгизи билан бориб, Мармар денгизига

Ўтгин-да, Стамбулга чиқ. Стамбулдан тўғри шарққа қараб юриб, Грузиянинг биринчи порти бўлмиш Батумини топ.

Батумидан шимолга қараб, Колхиданинг маълум ва машҳур серунум далалари билан юриб Мегрелияни топ ва ундан ҳам нарига қараб юр... бизнинг ўлкамизнинг номи, у харитага тушмаган ҳам бўлиши мумкин.

Баланд тоғ оралиғида, Кавкасион қатларида ястанган у.

Мен овлоқ бир минорада яшайман. Бунда суратчи йўқ, мен ҳам аппаратимни ола чиқмаганман. Бўлмаса сенга суратимни юборган бўлардим ва сен (ишончим комилки) менга бўлган муҳаббатингдан воз кеча қолардинг. Мен бир вақтлар аждодларимизга урф бўлгани қабилда узун соқол қўйганман. Менинг эғнимда (аждодларимнинг крепостнойлари кийиб юргандан ҳам дағалроқ матодан тикилган) оддий чоха. Тирноқларим ўсиб кетган. Бунда маникюршалар бўлмаганлигидан, ханжар тиги билан тирноқни олишга тўғри келяпти.

Металл буюмлар ҳам камчил. Негаки, биз томонларда аралаш тартиб, тош асрининг бронза асри билан аралашуви ҳамон сақланиб келади. Шу сабабдан ҳам мен ўша битта ханжар билан гўшт ҳам тўғрайман, итлардан ўзимни ҳимоя қилиш учун таёқ ҳам кесаман.

Бу ерда итлар шу қадар кўпки, кечаси суворийни эгаридан тортқилаб тушириши мумкин. Улар молхона, дарвоза ёнида чўққайиб шундай увлай бошлашадик, ҳатто мен фикрлаш қобилиятимни тамомила йўқотаман. (Умунан олганда, бу унақа арзирли йўқотиш эмас.)

Энди кўрдингми, фариштам, мен билан бирга қанақа жойга бормоқчи бўлганингни?..

Мана энди сен, Париж ва Римнинг гўзал проспектларини бу кўримсиз Сванетияга алмаштиришингга мене бўлганим учун мендан миннатдор бўларсан.

Лекин сенга очигини айтсам, сизларнинг ўша ажойиб шаҳарларингизда мен ўзимни, бу ердагидан кўра бахтсизроқ ҳис қиламан.

Фақат бир нарсага афсус қиламан — ёнимда суратинг йўқ. Умунан суратлар билан қизиқмаганимдан шундай бўлди.

Инсон хаёли қанчалар ожиз, азизам! Ҳар бир инсон амалга ошмайдиган, эришиб бўлмайдиган нарсани қўмсагани каби соғиндим сени. Лекин шунга қарамай, сенинг қиёфангни тасаввур этишдан ожизман.

Азрўйи азалдан, амалга ошмайдиган, эришиб бўлмайдиган нарсаларни қўмсаш — руҳий қашшоқлигимизнинг энг яхши исботидир. Назаримда, агар сен шу ерда мен билан бирга бўлсанг-да, бу тоғли ўлкада ўла-ўлгунча мен билан бирга яшашга рози бўлсанг, мен сени фариштам, эчки, оҳу ва карқур гўшти билан боқардим.

Сван аёллари сенга тўқишни, нақш тикишни, жун йигиришни ўргатиб қўйишарди. Сен тўқиган пайпоқни қанчалар мам-

нунлик билан киярдим, ҳозир яшаётганим минорага ўхшаш жойда, бажону дил умрбод қолиб кетардим.

Ахир сен ғайри оддий нарсаларни севасан-ку: Сванетиямизни севиб қолишинг муқаррар.

Бухгалтерия китоблари устида миясининг қатигини қуриб юбормаган бир халқни тасаввур қилиб қўйгин-а, фариштам.

Бу ерда йўл устида: «Венеролог»... «Абортмахер» деб ёзилган ялтироқ тахтачаларни учратмайсан...

Бу ерда ҳали ҳеч ким, на протез ва на бемаъни кўк кўз ойнакни кўрган. Одамлар трамвайнинг силкинишидан гангимаган, автомобилларнинг ҳайқириги ва фабрика гудокларининг ўкириги уйқуларини бузмаган.

Йўл юраркансан, гоҳ эрамизнинг биринчи асрида қурилган ибодатхонага, гоҳ художўй ўткинчи ташлаб қолдирган, ҳозирда япроқлар тизилган узун калтакка дуч келасан.

Агар сван тупроғига ёмон ният билан қадам қўйсанг борми, бу муқаддас дарахтзорларга қадам бостиришмайди.

Сванлар эрта билан, тушда ва кечқурун бу гўзал тоғларни томоша қилишади, меҳнат қилишади, чонгури чалишади, майл-ҳавасларига болаларча берилишади ва юз йил муқаддам тўкилган қон учун, бугун, қотилнинг эвара-чевараларидан қасд олишади.

Улар белларига олтин ва кумуш чекилган белбоғлар боғлашади. Душманларини гўрга киргунча таъқиб этишади, дўстларга минораларидан паноҳ беришади.

Бунда эрта саҳарлаб, қуёшдан аввал турадилар.

Сван аёлларининг сирини ҳеч ким фаҳмлаб ололмайди. Муҳаббат туфайли бир-бирини ўлдириб қўйиш бунда жуда оддий нарса.

Биз тарафда уруғдошлик тартиби қаттиқ. Бобоси ва бувисининг розилигисиз ҳеч ким уйлана олмайдиам, хотинини қўйиб юбора олмайдиам. Бунда аёллар алимент сўраб судга ҳам бермайдилар.

Бола туғилиши билан бўйнига бўри тишидан терилган маржон тақадилар. Бунда бўрилар авлиё Георгийнинг ити саналади ва ҳар йили бир марта улар шарафига зиёфат берилади. Бу байрам «бўри машъалалари байрами» деб аталади, негаки экинзорда шумтол новдаларидан машъалалар ёқиб қўйилади.

Шу гаплардан хулоса қилиб, менинг қандай жойдалигимни биласан-қўясан. Форумда тез-тез бўлсанг керак. Капитолий музейи ёнидан ўтиб ҳам турарсан, кечқурунлари қўнғироқларнинг данг-дунгини ёки оқ черков рўпарасидаги кичкина кафедра оркестрни тингласан.

Мен жонимдан севган оқ мрамор қўлли Персефонани деярли ҳар куни кўрсанг керак.

Кинода бўлмаганимга, ҳеч нима ўқимаганимга қанча бўлди! Кунлардан бир куни, эчки овида юриб, бир ғорга кириб қолдик ва альпинистлар қолдирган газетани топдик. Мен уни чўп-

чироқ ёруғида ўқидим ва қанчадан қанча янгиликларни билдим! Немис шоири Райнер Мариа Рильке ёлғизликда азоб чекиб, қашшоқликда ўлиб кетибди, Томас Манни бўлса фашистлар Германиядан ҳайдаб чиқарибди.

Европа буржуазияси тамомила дидсизликни қонулаштириб олганини вақтида пайқаган Рильке поэзияни ташлаган. Бу фонда катта шоирнинг овози ёғоч тилиш заводида сайраган булбул товушидек ўринсиз бўлиб кўриниши мумкин.

Бир идрокли француз юз йил муқаддам европали ёзувчиларнинг тақдирини олдиндан тўғри айтиб берган экан: «ўйлайманки, юз йилдан сўнг, бирор бир буюкликка, гўзалликка алоқадор бўлган, шоир қалбли, назокатли ҳар қандай кимса зерикканидан ўзини ўзи ўлдиради» деган экан у.

Йиртиқ газетани, эндигина саводи чиққан кимса сингари берилиб ўқий бошладим. Парижда, бебахт муҳаббат ҳақида, эмлик босма лист ҳажмида, яна бир китоб чиқибди; бир немис олими инсон фикр-хаёлини билиб оладиган аппарат ихтироси устида иш олиб бораётганмиш, қарабсизки, бунда — Сванетияда туриб, Аляска соҳилларида балиқ овлаб ўтирган кимсанинг нимани ўйлаётганини биламиз.

Агар бу амалга ошадиган бўлса, ҳеч кимнинг муҳаббат қўйишга ҳаваси қолмайди. Романларнинг қизиғи қолмайди, эрхотинлар бир-бирларини заҳарлай бошлайди. Ҳеч қандай сир қолмайди, ҳамма ҳамма нарсадан бохабар бўлади, ҳеч ким муҳаббат ва дўстлик ҳақида ёзмайди.

Вақт кеч бўлди. Сен ҳозир операга отланаётган бўлсанг керак, менинг атрофимда эса ҳамма уйқуда.

Алланарсанинг увлаши эшитиляпти: бўри бўлса керак.

Бу даралар орасида қолиб кетган ёлғиз ҳайвоннинг увлаши мени ҳаяжонга солади! Бизнинг музликлар ҳоқонлигида уни очлик қийнаётгандир балки, ё бўлмасам, очлик, ташналикдан эмас, ёлғизлик, бепаноҳликда совқотаётган, муҳаббатни қумсаётгандир.

Муҳаббатга зор кимсадан бўлакка унчалик ачинмайман.

Эртага карқур овига чиқаман, шунинг учун эрта азонда қуёш кўтарилмай туришим керак.

Хайр, фариштам. Абдий сеники бўлмиш

Тараш Эмхвари».

«Зугдиди,
Каролина Шервашидзега,
Паҳлавонлар ғори. Денгиз
сатҳидан 3525 метр юқорида.
1931 йил, 3 декабрь.

Қимматли Каролина! Биринчи мактубим сизга бориб етди-ми, билмайман. Мен уни ишониб бўлмайдиган бир одам орқали жўнатган эдим.

Лекин мен умримда бутунлай ишониб бўлмайдиган одамни ҳам, бутунлай маккор одамни ҳам учратмаганман. Шунинг учун ҳам, бу одам Жварига етгач, хатимга почта маркаси ёпиштирган бўлса, сизга бориб тегиш эҳтимоли йўқ эмас. Хатим сизга бориб тегадими, йўқми, барибир, қўлимда қалам қолдиғи бўларкан, сизга хат ёзавераман.

Биз ғорда ўтирибмиз. Тиззамда катта ясси тош ва мана шу дағал қоғоз парчаси. Бир неча овчи аланга атрофида ўтириб олиб, овозларининг борича сўзлашишади. Грузинлар қаттиқ сўзлашишади-да. Чидаб бўлмас даражага етади!

Илгарилар хат ёзишга эринардим. Фақат бир аёлга тез-тез хат ёзардим — у ҳам бўлса онаизорим эди. Бошқа аёллар учун бир неча оғиз сўз билан салом йўллашга оддий откриткани ҳам лозим кўрмасдим.

Бир неча дақиқагина намоен бўлган кайфият ва фикрларни қоғозга туширишга доим эринардим. Кимга ҳам кераги бор бунинг? Франснинг, агар ҳар кимса ўз ҳаётини қоғозга туширгудек бўлса, жаҳон адабиёти бир қанча шоҳ асарлар билан бойинган бўларди, деган фикрига қўшилмайман. Аксинча, менимча бу катта бебахтлик бўларди. Босмахона ишчилари зиммасига қурблари етмайдиган юк тушарди, ҳарф терувчилар кўздан ажраларди, бавосил азоби эса кутубхона ходимларини нариги дунёга юборарди.

Сизга нимани ёзсам экан? Уйқусизлик мени эзиб ташлади. Уйқусизликдан ҳам бутун тунги босинқирашлар еб ташлаяпти мени. Мен буни қорақатдан ясалган ароқ ичаётганимдан деб юрардим. Мана энди ароғимиз қолмади, мен эса ҳали ҳануз ором топганим йўқ.

Балким сиз тўшаги ёмондир деб ўйларсиз? Йўқ, асло! Менда овчиларнинг еттита эчки терисидан тикилган ажойиб пўстини бор.

Кундузи мен уни кийиб юраман, кечаси эса у менга кўрпа ва тўшак вазифасини ўтайди.

Ундан ташқари ғорда альп кўкатлари кўп. Уларни карқурлар ташиб келтиришган. Сван овчиларининг ҳикоя қилишича, карқурлар тангри Дали томонидан эчкиларга мададга қўйилганмиш; карқурлар қишга ғамлаш учун ғорга альп кўкатларини таширмиш. Бунинг ҳақиқага улар эчкиларнинг гўнгидан баҳраманд бўлишади. Бу гапнинг қанчалар рости, қанчалар ёлғонлиғи ёлғиз тангрига маълум, аммо биз овчилар бу кўкатлардан тўшак сифатида фойдаланамиз.

Яқинда мен карқур овида бўлдим. Тепамда — баландда қузғун ўтирарди. Мен пойлаб-ёштиб ўтирмай, тахминан ўқ уздим, қузғун бўйнидан ўқ еб йиқилди. Оҳ, нега шундай қилдим-а?!

Бу отиб туширилган қуш бебахт Жамлет Тарбага ўхшаб кетарди жуда... Жамлетнинг бўйнида катта чандиғи — ширинчаниннинг изи бор эди. Мана, бир неча кечадан буён шу қузғун кўз ўнгимдан кетмайди: у ёнимга учиб келади, бошини чайқайди,

кўзимни чўқимоқчи бўлади. Мен сесканаман, аъзойи бадашимни муздек тер босади, қузғун эса ҳамон бошини чайқайди, қонга тўла кўзларини, Жамлет Тарба кўзини кўзимга тикади...

Ҳамроҳларим ухлаш учун ётишди. Музликлар оқ сувсардан пўстин ёпиндилар. Баланд тоғлар чўққиси узра эса эчки шохи мисол қайрилган ярим ой ярақлайди.

Осмон билан ер оралиғи сутдай ойдин. Атрофда шунақа бир сокинлик ҳукмронки, гўё табиат унутиб қўйиб, нафас олишдан тўхтагандай. Хайр, қимматлигим.

Сизга умрбод содиқ
Тараш Эмхвари».

ТУМАН

Денгиз бўйидаги шаҳарча қизил байроқлар билан безатилган. Райкомнинг, гул ўрамлари ва электр лампочкалар билан зийнатланган икки қаватли биноси пештоқига «XIV» рақами қоқиб қўйилган.

Қийшайиб кетган уйларнинг болохоналарида қизил байроқлар ҳилпирайди. Одатда қоронғи, ифлос кўчалар чароғон эди.

Бўшаб қолган майдонда папирос қутилари, мандарин пўчоғи ва плакатларнинг бўлаклари ётади. Митинг тугаб, халойиқ тарқалган эди.

Уйлардан ва духанлардан қўшиқ, хушчақчақ одамларнинг қаҳ-қаҳлари эшитиларди. Унда-бунда чинорлар тагида одамлар қаттиқ-қаттиқ сўзлашиб турардилар.

Кечқурунга бориб ёмғир шивалай бошлади. Шаҳар тепасидан, жуда пастлаб, ёввойи ўрдаклар галаси учиб ўтди. Рейдда турган пароход, осмонга қуюқ тутун пуфлаб, зўр бериб ўкирарди.

Райком биносидан ўрта бўй бир одам чиқиб, зинадан туша бошлади. У оқсоқланар, азобнинг зўридан юзини буриштирарди. У бир қўлини сонига қўйиб, бошқаси билан бамбук таёққа таяниб турарди. Унинг эгнида ҳарбийларнинг кул ранг шинели. Бошида кўзигача бостириб кийилган мош ранг кепка. У бошини кўтармай, папирос тутатиб борарди.

Қаршидаги йўлқадан аллақандай бақалоқ одам унга томон ошиқди.

— Уртоқ райком!— деб қичқирарди бақалоқ ҳарсиллаб, кўчани кесиб ўтаркан.

Кепка кийган киши тўхтади.

— Сизга нима керак?— деб сўради у бақалоқнинг собиқ савдогарлардан эканлигини таниб.

— Мендан солиқ... талаб қилишяпти...

— Анчадан буён райкомда ишлаётганим йўқ. Аренба Арланга мурожаат қилинг,— чўрт гапирди кепка кийган киши ва қадамини илдамлатди.

— Салом, Чежиа!— деб чақирди муюлишда турган баланд бўйли ҳарбий.

— Ушубзиа, Личели!— дўсти билан абхаз тилида саломлашди Чежиа.

Личели унинг елкасига катта, сержун қўлини қўйди-да:

— Тбилисига бордингми?— деб сўради.

— Қим рухсат беради менга Тбилисига боришга?

— Нега? Нима гап ўзи?

— Райкомнинг ихтиёридаман. Ҳатто врачга кўринишга ҳам жавоб беришмаяпти.

Личели лабини маҳкам қисди, нўхат тусидаги каттакон кўзларини Чежианинг сепкилли юзига тикди. Кейин унинг қўлтигидан олиб, бардам сўзлади:

— Бирга кетдик!

Улар бир неча вақт индамай кетдилар. Бир қатор ёпиқ темирчилик устахоналаридан ўтишди. Шоссенинг чап тарафида цитрус ўсимликлари боғлари чўзилиб кетган; яшил япроқлар орасида, сап-сариқ мандаринлар суст ёнадиган электр лампочкаларидай ялтиллади. Боғларнинг нариги ёғида денгиз чайқалади. Рейдда турган пароход олов пуркаётган юзта кўзли аждаҳога ўхшайди.

Унг тарафда юпқа тахта ва похол билан ёпилган пастак уйлар, кулбалар чўзилган.

Яқин ўртада ҳеч ким кўринмаётганига ишонч ҳосил қилиб, Личели гап бошлади:

— Оёғинг қалай, дўстим Чалмаз?

— Ёмон. Ҳаво айнигани асар қиялпти шекилли.

— Гипсни олишганига кўп бўлдимми?

— Гипсни олишганига уч ҳафта бўлди, лекин тузаладиган сиёқи йўқ.

Личели мешкобқуш сингари бўйинини чўзди, шоссени кўздап кечириб олгач, шивирлаб сўради.

— ГПУ га докладни юбордингми?

— Юборишга юбордим-а, лекин нима фойда?

— Тбилиси ГПУ си биз ёзган докладномани Арланга юбориши ҳам мумкин. Унда...

Чежиа бошини қуйи солди.

— Босқинчиларнинг исмини билиб олдингми?

— Биттасини билдим, лекин бундан нима фойда! Ҳув бир вақт Жото Гвасалиани фош қилиб эдим. Бу ернинг ГПУ си ишни райкомга юборди. Арлан анчагача ишни чўзиб юрди, кейин гувоҳ керак дейишга ўтди. Бировни ўлдиришга жазм қилган одам атрофига гувоҳ тўплайдимми? Балки у Гванж Апакидзени гувоҳ қилгандир?

Бир гуруҳ шаҳарликлар ўтди. Иккови жим бўлиб қолишиб шумтол соясига ўтишди.

— Бу ишни қандай очдингми?— сўради Личели.

— Кунлардан бир кун Жотони тўйда ичириб маст қилиб қў-

йишди. Жото хотинлар орасида мақтаниб қолди. Унинг Апакидзенинг кичик қизи Зесна билан яшашини биласан-а? Энди Арланни ўзига муносиб божа билан қутласа бўлади.

Арава ғилдирагининг ғижирлаши ва аравакашнинг мунгли қўшиғи эшитилди.

Личели атрофга аланглаб олди, араванинг ўтиб кетишини кутди.

— Сенга босқинчилик қилиш Гвасалиа тарафидан ташкил этилганлиги ҳақида аниқ ахборот борми?— сўради у.

— Жуда ҳам аниқ. Лухумлик бир колхозчининг уйида тунашган экан Гвасалиа билан Гванж Апакидзе. Шу колхозчи айтяпти.

— Бунда Арланнинг ҳам иштироки бўлган албатта. Арлан сени йўқ қилиб юборишга ботинмаган, фақат Сухумига ишга кўчирган. Арзакан ғойиб бўлди. Унинг қўлида ёлғиз мен қолдим. Биз унга номуносиб одамлармиз. Бунақа бўлиши табиий.

— Бўлмаса нима қилмоқчисан?— сўради Личели.

— Бирон бир иш тутиш ҳозир хатарли. Из Арланга олиб боради, бунинг эса мавриди эмас. Бу ердаги ГПУ да Арланнинг одами ишлайди.

Чежиа жим бўлиб қолди, кейин секин деди:

— Арзаканнинг ғойиб бўлиши, сенинг бу ердан бошқа ёққа кўчирилишинг Арланнинг қўлини бўшатиб қўйди. У энди ўзига ёқмаган ҳар кимсани йўқотаверади. Ҳатто партиясиз зиёлиларни ҳам шаҳардан сиқиб чиқарди.

Сойга яқинлашишди.

Кўприкчадан ўта туриб Личели ёрдамлашиш учун Чежиага қўлини узатди.

— Менга қара,— деди у,— Лухумининг қайси жойида сени пойлашган эди?

— Кўприк ёнида. Мен райкомнинг топшириғи бўйича, махфий вазифа билан кетаётиб эдим. Менинг йўлга чиққанамни Арландан бўлак ҳеч ким билмасди.

Ёмғир ёғиб туриб эди. Туман бўлишига қарамай, панадан уч киши чиққанини кўрдим. Улардан бири ёнимга келиб саломлашди, гугурт сўради. Отимни тўхтатиб, ўнг қўлимни чўнтагимга тиққанамни биламан, шу чоқ ўқ товуши эшитилди, сонимдан яраландим.

Гугурт сўраган одам отимнинг жиловидан тутди. Мен браунингдан ўқ уздим, лекин у ўзини олиб қочишга улгурди. Мен отимни қўйиб юбордим. Улар отишни давом эттиришди. Бир ўқ елкамга тегди.

Аптекага зўрға етиб олдим. Доктор етиб келгунча кўп қон йўқотдим.

Олдин ҳам бир марта ярадор бўлган оёгимга ўқ теккани ёмон бўлди-да,— деб қўшиб қўйди Чежиа.

Бир қаватли уйдан бир ит ҳуриганича отилиб чиқиб келди. Эшик ғижирлаб кекса аёлнинг овози эшитилди:

— Ким у?

— Бу биз, онажон, қўрқманг,— уни тинчлатди Чежиа ёғоч зинадан Личелидан олдин кўтариларкан.

Личели полга оёқ қўйганида бутун уй ларзага келди. Учли будёновкаси шифтга тегиб қолди.

Нимжон кампир меҳмонни меҳрибонлик билан саломлашиб, газеталар ёпиштирилган хонага бошлаб кирди.

— Нега бунча чўчийсиз, онахон?— сўради Личели.

— Нима қилай бўлмасам, ўғлим! Қоронғи тушди дегунча, ўғлимни кута-кута қалтирайман,— шикоят қилди кампир меҳмонни каминга яқинроқ ўтказаркан.

Личели кулиб юборди.

— Шунақа ўзи. Уйланмаган ўғил оналарга ёш боладек туйлаверади.

— Оҳ, жоним болам-а, ўғлимнинг уй-жойлик бўлиб, ўздан тинганини кўриш насиб этмайдиганга ўхшайди. Ўзи тўғрисида ўйлашга вақти йўқ. «Озгина сабр қилинг сал бўшай, шунда уй-ланаман»,— деб мени юпатади. Иккита укасини тарбиялаб ўстирди, синглисини узатди. Ўзига қолганда сабр қилинг, дейди яккаш.

— Ҳечқиси йўқ, ўғлингизни уйлантириб қўямиз,— кампирни хушчақчақлик билан юпатди Личели. Кампир эса Личелининг френчи энги бўм-бўш осилиб турганини кўриб раҳми келди.

Бу бўйдор, келишган одам қўлининг йўқлигига қандай чидаркин, деб ҳайрон эди кампир. Яна бамайлихотир сўзлашиб, унинг нолишларини тинглаб ўтирибди.

— Хафа бўлманг, онахон, уйлантириб қўямиз ўғлингизни!— такрорлади Личели.

— Қачон келади у кун, болажоним? Чор ҳукумати вақтида уни ҳибсга олишар, сургун қилишарди. «Уйланиш вақти эмаску!»— дерди ўғлим у чоқларда. Кейин меньшевиклар замони келди, уни яна қамашди, сургун қилишди. Энди Арланнинг вақти келди чоғи, ўғлим яна кўкрагини ўққа қалқон қилиши керак... Бизнинг вақтимиз қачон келади ахир?

— Ҳеч кимдан қўрқманг, онахон,— куларди Личели,— бу бошлар нималарни кўрмаган, дейсиз!! Энди бизнинг вақтимиз етди, давр бизники энди! Маккажўхорилар ҳар қанча ўтоқ қилинмасин, бегона ўт қолмай имкони йўқ. Лекин улар униб чиқаётган жўхорига халақит беролмайди!

— Тилингга новвот, болажоним!— дея ёришиб кетди кампир, лекин ҳамон йиғисини тийиб ололмасди:— бутун оламга қарши келиб бўладими асти? Тоғларни пастлик билан баробар қилиш кимнинг қўлидан келаркин? Бу ишларни менинг ўғлим бажариши кимга зарур экан? Ахир унинг қарамоғида иккита етимча жиянчаси бор-а!

— Боринг, онахон, бориб ётинг,— мулойим гапирди Чежиа.— Ишимиз бор.

— Ҳозир, нан, ҳозир. Жўхори билан вино келтирай аввал.

Кампир дам олиш учун чиқиб кетгач, Личели Чежиага юзланди:

— Эртага мен Тбилисига жўнайман. Арланни яна бир бор сиқиб кўрайлик-чи, а?

Чежиа анчагача жавоб бермади. Охири винодан ҳўплади-да, жавоб қилди:

— Мендан кўра тажрибалироқсан, Ростом, сенга ўргатадиган жойим йўқ. Уйлайманки, гап фақат Арланда эмас. Коллективлаштиришни мажбурлаб ўтқазганлари, ортиқча тайёрлов қилганлари пачаваларини чиқарса ажаб эмас.

Кўкламгача сабр қиламиз. Экин кампанияси бошлангунга қадар баъзи нарсалар ойдинлашиб қолади. Ҳозирча Арланни кузатиб юрамиз.

Чежиа меҳмонни зинагача кузатиб қўйганида, хўрозлар қичқара бошлаган эди.

— Вой-буй, туманнинг қуюқлигини!— жунжикди Чалмаз ва кафти билан сонини силади.— Ҳаво шунақа бўлганда жароҳатим қаттиқроқ зирқирайди.

— Туман тузалиб битмаган жароҳатнинг душмани,— жавоб қилди Личели.— Деникин ўнг қўлимни кесиб ташлади, лекин агар зарур бўлиб қолса, чап қўлим билан ҳам Арланни бир ёқлик қиламан! Революция мени чап қўлни ҳам ишга солишга ўргатди, ўзинг биласан-ку, чапақайлар мерган бўлади.

Личелининг оёғи остида зина гижирлади. Оламни қамраган қуюқ туман, унинг баҳайбат гавдасини бир зумда ютиб юборди.

Мандарин боғлари ортида қуюқ парда билан яширинган, кўзга кўринмай турган денгиз гувилларди.

МАХВШ МИНОРАСИДАН ЙУЛЛАНГАН МАКТУБЛАР

«Зугдиди,
Тамар Шервашидзега.
Махвш минораси.
1931 йил, 13 декабрь.

Қадрли Тамар!

Грузия музейида палимпсест кўрсатган эдим-а, эсингдами? Уша куни сўзларимни диққат қилмай тинглаган эдинг. Палимпсест — бир вақтлар бирор нарса ёзилган, пергамент ўраמידир. Кейин у хат ўчирилади-да, янги хат ёзилган бўлади. Агар пергамент ўрамини ёруққа тутиб қаралса, аввалги ёзув ҳам, кейинги ёзув ҳам кўзга ташланади.

Бизнинг кўнглимиз ҳам шу палимпсестга ўхшайди, азизим. Қимдир пайдо бўлиб ўз ёзувини қолдиради, кейин бошқа одам келади-да, аввалги ёзувни ўчириб, ўз хатини ёзади, кейин яна ўчиради. Баъзан шундай бўладикки эски ёзув кейингиларидан қизиқроқ бўлади.

Ҳаёт мени шундай саргардон қилди, кўнглимда ёзувлар шу даража кўпки, уларнинг қайси бири эски-ю, қайси бири янги ўзим ҳам ажратолмайман.

Кеча биз қадимий бир минора яқинида тунадик.

Свандан:—«Бу қанақа минора?»— деб сўрайман.

— «Малика Тамарнинг минораси»,— дейди.

Бугун оқшом уйга қайтдим. Уй эгасининг митти невараси ҳовлида югургилаб юрарди.

Эркаладим-да, исминг нима деб сўрадим.

— «Тамар»,— деди қизалоқ саволимга жавобан.

Қоя ёригида бир гулни кўриб, қанақа гул бу, деб сўрадим свандан.

«Малика Тамар кўзи» деган жавоб олдим.

Грузияда ҳар уч қалъанинг бири Тамар қасри номи билан юритилса-да, ҳар уч аёлнинг бири Тамар деб аталса-да, ҳар гал шу исми эшитганимда, қалбимни ширин бир ҳаяжон қамрал олади.

Шунчаки яхши ёки ёмон исмлар бўлмайди, албатта, лекин шунга қарамай, қандайдир алоҳида бир илиқлик, сеҳрли бир жозибатор исмлар бўлади.

Мана шу фикр-мулоҳазалар сенга мактуб ёзишга ундади мени. Бунда неча бор сенга мактуб ёздим, юборишга жазм қилдим, лекин бирортасини ҳам юбормадим. Бу мактуб ҳам юборилмас балки, аммо, шундан қатъий назар, уни юбораётирман. Бундан хафа бўласанми ёки севинасанми, буниси менга қоронғу.

Булардан қатъий назар, инсон, ўз ўтмишини совуққонлик билан хотирлашга одатланмоғи даркор. Шилиқ қурт тош тагидан ённки бирор бир ёриқдан судралиб ўтаркан-да, шу йўл билан эски чиғаноғидан халос бўларкан.

Бизнинг йўлимиз уникидан узоқ эканми ҳали?

Мана шу улугвор музликларга, мана шу кумуш тахтада ўтирган сеҳргарларга қарайман,— офтоб чарақлаган чоқларда ҳам, ойдин тунларда ҳам қарайман ва эски чиғаноқдан, эски қобиқдан, жонга озор еткизмай, қутулишга имкон берадиган тор ёриқ излайман.

Сен, балки, мен тўғримда ўйламассан ҳам. Олдинги кўнгли қўйган кишисини осон унутиш аёлларга хос одат, дейишади.

Қалбимда чуқур из қолдирган сўнги ёзув сен бўлдинг — бу менга аён. Сен билан яқинликнинг лаззатини мен бу дунё-ю у дунё унутмайман.

Уч ойгина муқаддам, Тбилисига йўл олган чоғимизда, қандай ширин хаёллар, орзу-умидларга тўлиқ эди-я, қалбимиз. Айрилиб кетишимиз эса, тамомила бошқача бўлди! Инсон қисмати йўлларини ана шундай олдиндан билиб бўлмайди.

Шундай бўлгани яхшидир балки? Сен хушчақчақ, қайноқ ҳаётга интилардинг, мен эсам ватанга чарчаб, ҳаётдан ҳафсалам пир бўлиб, бузилган совуқ юракла қайтган эдим.

Сен ҳақ экансан: мен бағри тош, тубан бир одам эканман.

Ҳаёт устимдан шунчалар зардоб қуйдики, мен муҳаббат деган буюк бир заковатдан маҳрум бўлиб қолдим.

Севиш қобилиятидан маҳрум бўлган, тақдир танҳоликка маҳкум этган кимсанинг шўри қурсин!

Менинг қалбим палимпсестидаги барча ёзувлар — янгилари ҳам, эскилари ҳам ўчиб кетган.

Ичкиликдан кейин карахт бўлиб, боши оғриган бадмаст, бир кун олдин кўп ичиб қўйгани учун ўзини лаънатлаб, кеча ичганини қайт қилиб ташлашга урингани мисол,— мен ҳам, бегона юртларда танавул қилганларимни қайт қилиб ташламоқчиман. Етти ёт бегоналарнинг мулоҳазалари-ю, чала фикрлари, доно ва сохта таълимотлари, чалкаш философик назарияларидан безорман, қуриб кетсин ҳаммаси!

Шулардан абадий қутулай ишқилиб! Сван болалари сингари, бўйнимга бўри тишини осиб қўйишса ҳам майли, нобон сдатларимдан фориг бўлсам бас!

Мегрелияда чечак тошган киши қошига чонгурачини келтирилганларида, у, ширин қўшиқлари билан бемор юрагини илитгани мисол,— мен ҳам оқшомлари сван чонгурисини тинглайман, сван ароғи ичаман, тван чориғи ва хонаки сван чохаси кияман.

Эртадан-кечга қадар она табиатнинг кулиб турган кўзига боқаман. Эрта билан музли чўққилар тепасида Дали сингари олтин соч, гўзал офтоб пайдо бўлади. Қаердадир лава тошиб, жарликка оқади ва тоғлар қулоққа ором бергувчи тантанавор гимни, сван «Лилео» сини куйлайди.

Ҳозир қайдасан, азизим, аҳёнда бўлса ҳам мени ҳеч эслайсанми?

Сенинг Т. Э.»

«Зугдиди,
Каролина Шервашидзега.
Паҳлавонлар ғори,
22 декабрь. ...»

Қимматли Каролина!

Паҳлавонлар ғоридаман яна. Қуёш Кавкасиони билан хайрлашаркан, Ушбанинг кумушланган сочини ўпиб ўтади. Гоҳ унда, гоҳ бунда оловли шуълалар таралади.

Паҳлавонлар устидаги оқ мантиянинг¹ қатларидан қақшамас қудрат уфуради! Уларнинг чўққиларида кўзга кўринмас булутлардан шундайин хаёлий муқаддас шахарлар қурган.

Гўё бир-бирларига айтадиган гаплари йўқдек, осмон билан ер ўртасида оғир бир сукунат чўмган.

Биз истиқомат қилаётган дарага — паҳмоқ, қора қанотли, ҳайбатли кўршапалак мисол қоронғи тушади.

Қимматлигим, бу ерда ғалати бир шаклдаги тўқ кул ранг харсанг бор. Уни вулқонми ёинки ўпирилиш жарлик устидан ошириб қаршидаги чўққидан итқитган бу ерга.

¹ Мантия — сербар, узун либос

Бир қараганда уни тош деб ҳисобламайсан ҳам. Тепадан қарасанг, қўш ўрқач, олдинга чўзилган бўйни ва (худди ерга чўкаётиб тагига босиб олганга ўхшаш) икки оёғи кўринади. Ендан қарасанг туяга ўхшайди.

Паҳлавонлар ғорида ўтирган жойимда хаёлга берилман: гўё бу харсанг — менинг жанговар туяму, мен аллақачонлардир, уч минг йиллар муқаддам бу туяда Қарду мамлакатидан келиб қолганман. Гўё менинг ана шу туям чеки кўринмаган бўшлиқда, Паҳлавонлар ғори ёнида кавшаниб ётибди.

Шу туянинг эгаси, чавандози мен. Ана шу жанговар туямда Ассирияни, Среднеречъени, кимсасиз чўли биёбонни, куйиб қовжираган саҳрони кесиб ўтган ҳам менман. Жанговар туямда қаддимни дол тутиб суворий галаларини шимолга бошлаганман. Тор дараларни биз гала-говурга тўлдириб, жангу жадал билан ёриб ўтганмиз, зулматни ва йўлимизда дуч келган душманларни қилич билан чопиб келганмиз...

Қоронғи тушди. Кавкасионни тепасида булутдан ташкил топиш истеҳкомлар яққол кўзга ташланади. Улар, дарҳақиқат, мәрмардан қурилган шаҳарларга ўхшайди.

Тур ўрнингдан жанговар туям! Уйқуни тарк этайлик-да, бу оппоқ шаҳарлар томон юрайлик!

Лекин қарёқда дейсан!.. Сўнган ўчоқ қошида ўтираман. Уч минг йиллик сочим оқи кумушланади.

Туям бурка ёпинган мисол тун қоронғусига бурканиб, Паҳлавонлар ғори қошида ҳамон мудрайди...

Яқинда уйга жуда кеч қайтдим. Қоронғи эди, шундай қоронғи эдики, фақат бу даралардагина шунақа зим-зиё қоронғи бўлади. Балки қутбда ҳам шундай зим-зиё қоронғи бўлса керак.

Менинг чўпчироғим йўқ эди. Шунинг учун Махвшнинг хонасига кирдим. Ҳамма уйқуда эди, лекин чол ҳамон курсисида ўтирарди. Унинг боши бошлиқ билан ўралган, елкасига айиқ терисидан тикилган пўстин ташланган эди.

Буни кўриб ҳайрон бўлиб қолдим; ярим кечада овга жўнамоқчим, нима бало?

Ў курсида ўтирган ерида ибодат қилаётган яҳудий руҳоний-си янглиғ чайқаларди.

Унинг ёнига, ўчоқ бошига ўтирдим.

Қизиқ, соқол қўйганимдан бери Махвш менга аввалгидан кўра катта ишонч билан қарай бошлади. Менимча, сочимнинг оқи ва соқолимнинг узунлиги унда яхши таассурот туғдирса керак. Махвш соқоли қирилган одамларни жуда ёмон кўради. Унинг айтишича, соқол қириш бахтсизлик келтиради.

— Жесмимо, ростдан ҳам яқинлашиб қолишдими?— сўрайди у чаккасини ушлаб.

— Кимни айтяпсиз, Махвш батону?

— Катта йўл яқинлашиб қолдими деяпман! Портлатиш овози хирмон жойимизда эшитилипти дейишади.

— Катта йўл бу ердан ҳали йироқ.

— Хўш, йироқлиги қанча келади?
— Бир кунлик йўлча.
— Жесмимо,— дейди Махвш,— оламнинг кўлами қанча?
— Олам каттанинг каттаси.
— Хўш, шундаям чамаси қанча келади?
— Ушбадан неча-неча марта катта. Олам шунчалар каттаки, инсон кўзи билан қамраб олиб бўлмайди.
— Денгиз каттами?— сўрайди Махвш.
— Денгиз ҳам катта.
— Осмон-чи?
— Осмон ҳам шу даража каттаки, инсон кўзи қамраб ололмайди уни.

— Денгиз ҳам, қуруқлик ҳам бунчалар катта бўладиган бўлса, ана шу инсон кўзи қамраб ололмайдиган нарсаларни бунёдга келтирган ким бўлди экан?

— У, оламга қараганда, денгизу осмонда ҳам, Ушба тоғининг бир неча карра такроридан ҳам анча катта бўлмоғи керак.

— «Олло-таоло» демоқчисан-да, а?

Дудуқланиб қолдим. Қарияни хафа қилгим келмасди.

— Хўп, боринг-ки, шундай дейлик.

— Йўл қураётган одамларни шунинг учун ҳам ёмон кўраман-да, худони тан олишмайди. Йўл менинг минорамга етиб келган куни, дунёдан умидимни узаман.

Мен бунга ҳайрон бўламан. Махвшнинг хонадонида икки коммунист бор: бири меҳмон, иккинчиси невараси. Бунда аллақачонлароқ совет ҳокимияти мустақамланиб олган. Шундай эсада, катта йўлнинг яқинлашишига чол шундай қарайдики, гўё бу йўлдан иблис келадигандай.

Махвш яна бир чўпчиरोқ ёқди. Шунда мен унинг ўнг юзи шишганини кўрдим. Бу ҳурпайган чол эртақлардаги аллақандай махлуққа ўхшарди.

Махвш тўраларча оёғини оёғига қўяди. Тирсагига таяниб оловга тикилади. Унинг мўйловлари қимирлайди. Ўзи билан ўзи оҳиста гаплашаётгандай кўринади.

Шу зайл бир неча вақт ўтади. Кейин у яна менга юзланади:

— Одамлар осмонда учишади дейишади, ростми шу, Жесмимо?

Мен тасдиқлайман.

— Уғилларимнинг айтишича, одамлар учишармиш, лекин умрим бино бўлибдики, бунақасини кўрмаганман.

Одамларнинг қай тарзда учишларини имкони борича чолга тушунтираман. Лекин Махвш ишонқирамай тикилади.

— Дуруст,— дейди у,— хўш, ўша жойдан туриб милтиқ отиб бўладими?

Самолётлардан туриб, милтиқдангина эмас, тўплардан ҳам ўқ отишларини, осмондан туриб, икки соат чамаси вақт ичида бутун бир шаҳарни, кунпаякун қилиш, бутун бир ўлканинг кулини кўкка созуриш мумкинлигини айтаман.

Бу гал Махвш ҳаяжонда.

— Худо ўзи асрасин, худо ўзи асрасин!— дея гўлдирайди у алангага кўз тикканича.

Мен ташқарига чиқдим. Минорамизнинг эшиги занжир экан. Тақиллатдим, лекин Османни уйғота олмадим, меҳмонхонага қайтдим. Махвшнинг тиш оғриғи зўрайди. У юзини ушлаганича, курсисида чайқалиб, ярадор айиқ мисол ўкиради: «А-а-а... А-а-а-а...»

Эчки пўстагига ўралиб олиб, ётган еримда тўлғанамаан.

Ёввойи лочинни тутиб, чап қўлга ўтказиб, кечаси билан қулогига: «А-а-а-а...» деб қичқирган мисол, Қора Махвш қулоғимга қичқирди. Бўриларнинг увлаши билан безовталанган итлар эса кечаси билан ингиллаб чиқди.

Хайр, қимматлигим!

Абадиян сизники бўлган
Тараш Эмхварн».

БУЗАРГАН ОТ

Тамар эманзорда қора кабутарларга дуч келган куни, аравада бир ҳомиладор аёлни, жуда оғир аҳволда, Херипсга олиб келишди.

Тариэлнинг мазаси бўлмаётгани учун, у ҳатто, ҳовлига чиқмади ҳам. Бетоб Татия тепасида мижджа қоқмай чиққан Каролина ҳам дам олмоқда эди.

Келганлар ҳузурига Лукая чиқди. Лукая уларга докторнинг йўқлигини, эрталабки поездда келишини айтди.

Беморнинг отаси талвасага тушди. Лекин начора, эрталабгача кутишга мажбур эди.

Ҳўкизларни аравадан чиқаришиб, бўйинтуруққа тиргович қўйишди. Бемор қоронғи тушгунга қадар ёнгоқ тагида қолиб кетди.

Сайр қилиб қайтган Тамар, ҳовлида ҳўкизи чиқарилган аравани ва арава устида рўмолга ўралиб ўтирган аёлни кўрди. Аёл ўқтин-ўқтин инграб қўярди.

Ёнгинасида, тош устида, деҳқон либосида отаси ўтирарди. Тамарни кўриб у ўрнидан турди, бошлиғини олиб, энгашиб таъзим қилди ва докторнинг хотини эмасмисиз деб сўради.

Докторнинг синглиси эканлигини билгач чол ундан, меҳмондўстлик қилиб, бир кечага қизига бошпана беришни илтимос қила бошлади. Тамар қошида бошланг туриб, чол шундай илтижо қилардики, гўё Тамар ҳам врач, ҳам шу хонадоннинг бекаси эди.

Тамар ундан бошлиғини кийиб олишни илтимос қилди.

— Ҳаво салқин,— деди қиз,— шамоллаб қолманг тагин.

— Улиб кетмайманми!— нола қилди чол.— Ёлғизгина қизим омон қолса бас.

Тамар уни юпатишга уринди.

Қизнинг меҳр тўла муомаласидан ийиб кетган чол, ҳали ба-лоғатга етмаган қизи оилага одам томонидан йўлдан оздирилганини, ҳомиладорлиги оғир кечаётганини, унга зудлик билан операция қилиш керак дейишганини сўзлаб берди.

Тамар арава ёнига борди. Бемор узун киприкларини пирпи-ратиб, ажойиб бодом кўзларини унга тикди.

Ёш жафо чекувчининг юз бичимлари ниҳоятда нозик, гўзал бўлиб, тишлари садафдек эди. Бу деҳқон қизининг қўлларига кўз ташлаган Тамар ҳайрон қолди — қизнинг қўллари нозик, пушти бармоқлари узун-узун эди.

Унинг овози ҳам ниҳоятда ёқимли эди. Қизнинг исми ҳам чи-ройли — Родам эди.

Қиз Тамарга шундай ёқиб қолдики, ҳатто Тамар уни дарҳол ўз хонасига кўчиришга ҳам тайёр эди.

Чол Тамарга илтижола гикилар ва қизини йўлдан оздирган бағри тошни лаънатларди. Лаънатлаганда ҳам, Мегрелия ода-тига кўра санам олдида туриб қарғишлаган каби, малъундан олиб малъунга соларди.

Тамар беморни ўз хонасига кўчиришга ижозат сўраб отаси қошига кирганида, Таризэл Шервашидзенинг фиғони фалакка чиқди.

— Аллақаёқдаги бир деҳқон қизи ҳарами ортдирса-ю, сен уни хонанга киритмоқчи бўласанми!

«Ҳарами ортдирса»,— бу сўзларни Таризэл бобо руҳоний одам «иблис» сўзини айтгандек жирканиб гапирди.

— Шундоқ одамга хонангдан жой берасанми?! Рост, Херипс кабинетида беморларни қабул қилади, лекин бу ер касалхона эмас-ку! Аллақаёқдаги бир бузуқларнинг менинг хонадонимга келиб туғиши қолиб эди энди!— қичқирарди Таризэл.— Қандай кунларга қолдик! Она сути оғзидан кетмабди-ку, бола орттириб ўтирибди, яна ҳарами бола.

Отасининг тош юраклиги Тамарни ғазаблантирди. Айниқса отасининг ҳа деб такрорлаётган «ҳарами» деган сўзи унинг юрак-юрагигача бориб санчиларди.

— Бунинг қандай аҳамияти бор? Ҳарамими, никоҳдан туғил-ганми, худонинг олдида бир эмасми? Халоскоримиз Исо алай-хис-саломнинг ўзлари ҳам никоҳсиз туғилмаганмидилар?

Қашиш ғазабининг зўридан юмшоқ курсисидан ирғишлаб кетди.

— Нималар деяпсан ўзинг?— бақриб юборди у.— Қим айтди сенга Исони дурадгорнинг никоҳидан ташқари бўлган ўғли деб? Биби Мэрьям муқаддас руҳ билан бақамти кел-ган.

Шундай қилиб Таризэл, бутун дунё христианларининг қурул-тойида мажусийлар билан илоҳиётдан баҳслашаётгандек,

Исонинг ҳомилада беайб пайдо бўлгани сирини тушунтира кетди.

Тамар ёрдам сўраб Каролина ҳузурига югурди. У кўз ёшларини оқизиб, келинойиси ёнига кирди ва ялиниб-ёлвориб ҳовлига тушишни, Родамнинг қанчалар гўзаллигини ўз кўзи билан кўришни, бояқишга бошпана беришга, бир амаллаб, отасини кўндиришни сўрай бошлади.

— Агар гапимга юрмасангиз, ўзимни қудуққа ташлайман!— дея пўписа қилди Тамар.

Бир кун илгари Каролина билан Таризэл ўртасида можаро бўлиб ўтган эди. Лекин бунга қарамай, Каролина кийиниб қайнотаси ёнига кетди.

Беморга бундай муносабатда бўлиш хунуклигини қайнотасига тушинтиришга узоқ уринди.

— Херипс врач,— деярдди у,— у тўғрида тошбағир, тамагўй деган гаплар тарқалади.

Таризэлга христианлик бурчини ҳам эслатган бўлди.

Қашиш анчагача бўш келмади; у, никоҳдан ташқари алоқада бўлган аёлни виждонли христиан оиласига киритиб бўлмайди, дерди.

Лекин охири бир оз юмшади ва Родамни Дашанинг хонасига олиб киришга ижозат берди.

Унинг отасига, ўша ерда, даҳлизга буркасини солиб тунашга ижозат тегди.

Худди шу дамда эса Тамар, ўзини юз тубан тўшакка ташлаб аччиқ-аччиқ йиғларди. У шундай аччиқ йиғлардики, гўё бугунги хатарли операция Родамнинг эмас, унинг бошида. Бедавс бир дард юрагини сирқиратарди унинг «Никоҳсиз туғилган!..» Таризэлнинг газабдан бужмайган чеҳраси унинг кўз ўнгида турарди.

Қайтиб келган Каролина қайин сингисининг йиғлаб ўтиргани устидан чиқди.

— Нега йиғлаяпсан?— деди у жилмайиб. — Дадамизни кўндирдим.

Родам хонамда, ҳеч бўлмаса, бир кеча ётади, деб севишган Тамар ирғиб ўрнидан турди.

Лекин Родам унинг хонасида эмас, Дашанинг хонасида тунашни эшитиб, яна мунғайиб қолди. Лекин шунга қарамай, рўмолини елкасига ташлади, Каролинадан бирга боришни илтимос қилди. Лукаяни чақирди.

Аравани пиллапоягача олиб келишди.

Лукая, Родамнинг отаси ва Тамар беморни Дашанинг хонасига олиб киришди. Мана шу ерда Каролина билан Тамар Родамнинг фавқулодда гўзаллигини кўриб ҳайратда қолишди.

Родам овозини чиқармай йиғлар, биллур каби кўз ёшлари иситмадан ял-ял ёнаётган рухсорини юварди.

Бу нозик-ниҳол қиз ўзи кўтарган ҳомиланинг етукли юки остида, мандарин ҳосилининг мўллиги билан эгилган нозик нов-

дага ўхшарди. Электр лампочкаси ёруғида унинг нафис қўлларининг оппоқ териси ярқирар, кўзлари бўлса иккита йирик зумрад каби ялтилларди.

Бундайн мукаммал гўзалликни кўрганда Каролина ҳайратини пивҳон тутолмади.

Лукая шу ерда тиз чўкиб ўтирар ва зўр бериб чўқинарди. «Биби Марьям иккинчи бор ер узра оёқ қўймадимикан, асли?»

Ҳаяжонланганидан Тамарнинг юзлари қизарган, кўк кўзларида қандайдир қоронғи, сирли жилва барқ урарди. Кўкраги билан ёнбошларининг тўлишганлиги унинг қоматига ҳусн қўшган эди.

Гўё туғишган онадек Родам тепасида энгашиб, уни мулойимлик билан эркаларди.

Каролина кўзини бир қиздан олиб, иккинчисига қадар ва уларнинг қайси бири чиройлилигини ажрата олмасди.

Тамар беморга бром берган эди, анча тинчланди. Аравада узоқ силкинишдан ҳориган қиз елпигичсимон киприкларини яна бир бор силкиди-да, роҳат қилиб уйқуга кетди.

Ётишдан аввал Тамар роса ибодат қилди. Лекин уйқуси келмади. Унинг кўз ўнгидан Родамнинг ёш, гўзал қиёфаси кетмасди.

Мана шу ниҳол гўдак зиммасига шунчалар даҳшатли мажбуриятни юклаган табиат, Тамарга бешафқат кўринди.

У кашишнинг ғазабдан бужмайиб кетган юзини эслади. «Никоҳсиз туғилган» деган таҳқирловчи сўз қулоғи тагида борган сайин қаттиқ жарангларди. У яна бадтар аччиқланарди. Шу дақиқада у золим отасини ёмон кўриб кетди.

Ё раббий, унинг эртанги кунида қанчалар даҳшатли мавҳумлик яширин-а! Отаси нотаниш бир қизни бунчалар ҳақорат қил-япти-ку, қизи Тамар ҳам шундайлигини билса нималар қиларкин?..

Лекин шу ерга келганда фикрлаш ипи узилди: охиригача бориш даҳшатли эди...

«Бунчалар бешафқатсан-а, раббий! Қанчалар оғир синовга рўбарў қилдинг мени! Нега бунча шафқатсизлик билан жазоламасанг мени! Мен бахти қаронинг нима гуноҳим бор сенинг олдингда? Илк муҳаббатимни заҳар-заққум қилдинг! Мендан Тарашни, қимматли Мисоустни тортиб олиб, ёлғиз қолдирдинг».

Тарашнинг мулойим қиёфаси кўз ўнгида жонланди... Эманзор, кабутарлар... Енгил мудроқ ичида Тамарга, севгилиги ширин бўса учун лабини чўзиб келаётгандай бўлди. Унинг бошини орқага ташлаб, бўса олди...

Тамар уйғониб кетди. Родам отасининг тепакал, ғариб боши эсига тушди. Чол қизини йўлдан оздирганни қанчалар лаънатлади-я! Родам бўлса, аравада ётган ерида, бу ҳақоратларни на ўлик, на тирик бир алфозда тингларди.

Тамар бўлса, ҳузурда бирон бир кимсанинг, Тараш Эмхварининг ёрқин номини ҳақорат қилишига йўл қўймайди! Тараш

ҳаёт бўлсаям,— ҳаёт бўлса-ю, Тамарни ташлаб кетган бўлсаям, барибир уни ҳақорат қилишга ҳеч кимга йўл қўймайди!

Ишқилиб, Мисоуст тирик бўлса бас! Қисмат зиммасига юклаган бу оғир ташвишларни ёлғиз ўзи кўтараверади. Яқинда дугонаси Тина Шониа қилганидек, секингина уйдан кетади-қолади. Биринчи муҳаббати мевасини тарбиялаб катта қилиш учун бировларнинг кирини ҳам юваверади. Ишқилиб Мисоуст ҳаёт бўлса бўлгани!

Бугун кечқурун уйга қайтаётганида бева Маршаниа уни тўхтатди.

— Бу гаплар ростми, ёки уйдирмами билмадиму, Окумида Қац Звамбая Тараш Эмхварини черкаслар тарафга ўтказиб юборган, Эмхвари ўша тарафларда яшириниб юрганмиш, деган гаплар юрибди,— деди.

Шундай бўлса, қора кабутарларнинг маъноси нима? Бахти қаролик ҳис-туйғуси қаердан?

Маршинианинг беваси эртага ибодатни янги кашиш олиб боражагини айтди.

Тамар албатта черковга боради. У худога ёлвориб, Мисоустнинг умрини узун қилишни тилайди. Тамарга бошқа ҳеч нима керакмас.

Тамар тўшагида тўлғанади, ҳеч бўлмаса Мисоустни тушида кўриш учун ухлашга уринади.

Тамар, ҳар қандай диндор, иримчи хотинлар сингари, тушга ишонади. Орзуси ушалса бас!

У кўзини юмиб эндигина мудраб кетган ҳам эдики, даҳшатли қичқирдиқ уни ирғиб туришга мажбур қилди. Қимдир, устига қайноқ сув қуйилгандай, даҳшатли овоз билан чинқирмоқда эди.

Тамар нафасини ичига ютди. Чинқирдиқ яна эшитилди. Овоз Дашанинг хонасидан келмоқда эди. Тамар ич кўйлақда, яланг оёқ йўлақлардан чопқиллаб ўтиб эшикни тортди...

Родам тўшакда тўлғонар, юзини тирнар, зўр бериб чинқирарди... Кекса отаси, юз тубан тушиб, пешанасини ерга уриб, овозини чиқариб, ҳадеб ибодат қиларди.

Родам ёввойиларча бир чинқирди. Кўз қорачиқлари кенгайди.

Унинг бахти қаро отаси ирғиб ўрнидан туриб, қизига отилди. Родам яна бир бор қичқирди-да, сапчиб кетди, сўнг бошини ёстиққа ташлаб жимиб қолди.

Тамар кўз ёшлари қуйилиб, чўқниб олди ва Родамнинг совиб бораётган пешанасига лабини босди.

Қаролина билан Лукая хонага югуриб киришди. Улар чолни марҳум тепасида чўзилиб қолгани устидан чиқишди. Тамар ҳам ҳушидан кетиб ётарди.

Кутуриб кетган Тариди болохонада у ёқдан бу ёққа югурарди. У «ҳозирги одатларни» ва «бузуқ хотинларни» овози борича қарғишлар, бошига тушган бу кўнгилсизликларда Каролинани айбларди. Лукая билан Даша унинг ёнидан, беҳуш Тамарни

олиб ўтишганда кашишнинг ғазаби ниҳоясига етди. У хонасига яшириниб олиб, бром ичишга шошилиб қолди.

Боши оғриб, кўнгли беҳузур бўлиб турган эсада Тамар эр-талаб барвақт турди. У, отаси ётишга мажбур қилмасин яна деб, ўзини бардам тутишга уринарди: у ҳолда Тамар Родамни сўнги бор кўролмай қолади.

Лекин кашш сергак эди. У саҳарлаб туриб олиб, Лукая билан Родамнинг отасига, марҳумни тезроқ бу хонадондан олиб чиқиб кетишни буюрди.

Кекса ота арава ортидан борар, бошига муштлаб, овозининг борича ўкирарди.

Тамар Родамнинг руҳи билан хайрлашмоқчи бўлиб, эшигини очиб ҳам эдики, қаршисида кашш ҳозир бўлди. Кўзларини чақчайтириб:

— Тонг отмасдан мурда ёнига югурганнинг нафи йўқ!— деб тўнғиллади.

Тамар кечгача ўзини қўярга жой тополмади. Эшигини ичидан қулфлаб олиб, худди яқин дугонасидай, Родамга йиғлар, Тараш Эмхварини ёдлар, онасини, етимлигини, ёлғизлигини эсларди.

Дарҳақиқат, шу кунгача у ҳеч қачон дўсти йўқлигини бунчалар ҳис этмаган эди. Тамар аёллар билан дўст бўлолмасди. Ҳатто, мактабда ҳам у, тенгдошлари унга ҳасад билан қараётганларини ҳис қиларди.

Бир вақтлар Тамар Забули ва Каролина билан дўст бўлди. Лекин Арзакан билан Мисоуст уларни ажратиб юборди.

Эндиликка келиб — ҳаётининг энг оғир дамларида у якка-ёлғиз.

Тамар шу бугун онасининг қабрига боришга, у ердан чиқиб черковда ибодат қилишга кеча жазм қилган эди. Лекин кундузи бунинг иложи бўлмади, чунки отаси юбормасди.

Тариэл кечгача дарғазаб юрди. Гоҳ хонасига кириб, ичидан беркитиб олар, гоҳ Тамарнинг хонаси атрофида уймаланар, Лукаяни сиқиққа олар, бўлар-бўлмасга уни сўкаверарди.

Тушки овқатдан кейин, Тариэл ётиб ухлаши билан, Тамар онасининг рўмолини ёпинди-да, сездирмайгина уйдан чиқиб кетди.

Зугдидига кўчиб келгач, Тариэл Шервашидзе хотинининг хокини ҳам келтиришни буюрган эди. Тариэл хотини қабри атрофига сарв дарахтлари эктириб, гулзор қилдирган, Херипсни гулчин панжара ясатишга мажбур қилган эди.

Тариэл хотини ёнидан ўзига жой ажратганди. «Ёлғиз ўзим тупроқ остида қандоқ ётаман?»— деб қабрни ихлос билан безаттирарди-ю, лекин унга тушиб ётишга ҳали ошиқмасди.

Тамар юраги орзиқиб қабрни кўздан кечирди. Яқинда бўлиб ўтган бўрон сарвларни қулатган, камбағал бечоралар қабрида-

ги ёғоч салбларни учириб, ҳар ёнга сочиб юборган эди. Атрофда тўзган ёдгорликларнинг парча-пурчалари тартибсиз ётарди.

Қанот ёйган фаришталар чилпарчин бўлиб, худди чақирқиқни кутгандай, юз тубан ётардилар.

Совуқ, нохуш шамол эсиб, арғувоннинг қуруқ япроқларини черков ҳовлисида учириб юрарди.

Бу революция ўтмиш усталарига кўрик ясаб, палапартиш ясалган ёдгорликларни бузиб, ҳақиқий санъат асарларини қўриқлашга ўтган кезлар эди.

Бу черков ҳам XIX аср эклектикларининг¹ арзимас асарларидан бўлиб, бузиб юбориш мўлжалланган эди. Деворларининг путури кетиб, сувоғи кўчиб, бўроннинг суриб кетишини кутар, гўё қўрққанидан бужмайиб олгандек кўринарди.

Кўршапалаклар унинг синиқ деразаларидан бемалол учиб кирарди.

Тамар онаси қабри тепасида тиз чўкканча узоқ йиғлади: оғир дамларда ҳимоясига олишни, дунёга келиши лозим бўлган фарзандига оқ фотиҳа беришини севимли онасидан илтижо қиларкан, етимлигини эслаб, зор-зор йиғлади.

«Энди ёлғиз эмасман, онажон! Сенинг ўлиминг қизлик чоқларимни шодликдан маҳрум қилди, ёлғиз қолдим мен. Мана энди ёлғиз эмасман. Мен учун катта бахт бўлиши лозим бўлган нарсани ёвуз қисмат заҳар-заққумга айлантирди. Қалбим шу алам билан заҳарланган...»

Тамар черковга кирганда нафаси бўғилди, чаккасига қон қуйилди.

Қорамтир устунлар оралаб ўтиб, хилват жойга бориб турди. Бухурнинг иси уни бир мунча тинчлатди. Иконостас қаршисида бир неча шам ёнарди. Дераза синиғидан кираётган ҳаво алагани липиллатарди.

Аввалига, Тамарнинг назарида, атрофда ҳамма нарса чайқалаётгандай бўлди. Ранги ўнган авлиёлар тасвири деворларга сиқилиб олгандай кўринарди. Черковда кекса ибодатчилар у ёқдан-бу ёққа ўтиб турарди.

Ана шу қоронғилиқ ва сукунат ичида Тамар, аввалгидан бешбадтар сиқилди.

Тепага қаради: бари йиртиқ, узун соқолли яҳудий худоси сори кўчган, чакка ўтган гумбаздан пастга мўраларди. Унинг боши чаккада ювилиб кетганидан, жулдур либосли, боши кесилган одамга ўхшарди.

Кўршапалаклар, худди салб юриш қилаётгандай, қандил тепасида бетиним айланарди.

Шоҳ дарвоза ортида кашиш худди кўланкадек ҳаракат қиларди. Бухур тутатадиган идишнинг жаранги-ю, вақти-вақти билан енгил шарпа эшитиларди: кашиш яшил тусдаги пардани

¹ Эклектик — бир-бирига зид ҳар хил фикрларни, ҳеч қандай принципсиз қоришгириб юборовчи. (Тарж.)

ёпиб, унинг ортида гойиб бўларди. Чоллар ва кампирлар тиз чўккан ўринларидан туришар, шивирлашиб сўзлашишарди.

Жулдур кийинган, озиб-тўзиб кетган, пешанаси ғурра дьякон псаломдан суралар ўқирди:

«Яна қачонларгача мени унутасан, раббий?..»— деганида, худди ўз қисматидан оллога шикоят қилаётгандай бўларди.

Тамар тиз чўкиб, ибодат қилар, «бебахт, бахтиқароларнинг худоси»дан Мисоуст Эмхварининг жонини омон сақлашни илтижо қиларди.

Тамар шундай берилиб ибодат қилардики, зах гиштдан кўтарилаётган совуқни ҳам ҳис қилмасди. Тамар шамнинг йийтил-лаётган сариқ нурига мижжа қоқмай тикилганича, дьяконнинг нима ўқиётганини ҳам, шоҳ дарвозасидан чиқиб келган кашишнинг ғўлдирашини ҳам тушунмай қарахт турарди.

Унинг боқишлари бир нуқтада тўхтади. У диққатини бир ерга жамлаб, Тараш Эмхвари образини кўз олдига келтирди. Тарашнинг рангсиз тасвири энгил туман қуршовида тебраниб турарди.

Тўсатдан Тамарнинг қулоғи тагида даҳшатли сўзлар янгради:

«...У тўртинчи муҳрни бузганида тўртинчи махлуқнинг: олға қараб юр, кўзингни тик,— деган даҳшатли овози эшитилди.— Кўзимни тиккан эдим, қаршимда бўзарган от устида суворий намоён бўлди. Унинг номи ўлимдир...»

Тамарнинг онгида машъум суворий қиёфаси, бир зумга, Тараш Эмхвари қиёфаси билан бирлашиб кетди. «Ўлим» сўзи иримчи қиз ақлини ўқдек тешиб ўтди.

Лекин тасодифнинг битмас-туганмас кашфиётчилиги шу билан адо бўлмади.

Черков гумбази тагида доира чизаётган кўршапалак қандилга келиб урилди. Қандил жаранглаб кетди. Кўршапалак Тамар ёнига келиб тушди.

Қизнинг саросимада қолган тасавурида, кўршапалак қанотининг шитири шундай ғовурга айландики, қандайдир баҳайбат қуш гупурлаб тушгандек бўлиб кетди. Кейин Тамарнинг назарида бутун черков қора кабутарлар билан тўлгандек бўлди...

Тамар овози борича бир чинқирди-да, зах ерга муккадан кетди. Икки кампир беҳуш йиқилган нотаниш қизни ҳавога олиб чиқишди ва шундагина унинг Таризэл Шервашидзенинг қизи эканлигини танишди.

Бу воқеа Таризэл бобонинг жонини халқумига келтирибди. Улим тўшагидаги қизи билан деҳқонни хонадонига бошлаб келгани учун Лукая Лабахуани тинмай қарғишларди.

Тамарнинг бетоб бўлиб қолганидан юраги чиқиб кетган Лукая, улар ўзлари Херипсга келишган эди деб, қасамёд қилар-

ди. Лекин Таризэл Лукаянинг касофати билан хонадонига қора кўланка тушганини зўр бериб таъкидларди.

Кейин қашиш Каролинага ёпишди.

— Агар менга осилиб олмаганингда эди, мен уларни уйимга киргизмаган бўлардим. Бошимизда бу кулфатлар ҳам йўқ эди!— дея таъна қиларди нуқул.

Таризэл бобо, умуман, докторларга ишонмасди. Херипс Тбилисидан келмагани учун, кашиш, бирор кори ҳол рўй бериб қолишидан чўчиб, доктор Шургаяни чақиртиришга қарор қилди.

Шургая, асли тиш врач бўлиб, Таризэл бобо унга болаларини чўқинтирарди. (Балким, Шургая ҳамма касалликларни даволай олади, дейиши шундандир.)

Тамарни уйга олиб келган аёллардан воқеани батафсил суриштириб олган Каролина, қизнинг ҳушдан кетиши ҳомиладорлик билан алоқадормасмикан деб гумон қилди.

Лукаяга етиб олди-да, Шургаянинг ўрнига, аёллар касалликлари врач Перадзени таклиф қилишни буюрди. Перадзе теварак-атрофдаги қишлоқларга кетиб қолган бўлиши эҳтимол деган ўй билан Каролина Херипсга телеграмма берди.

Шервашидзелар оиласи тунни оғир ўтказди. Қўрқиб кетган Таризэл ўз хонаси билан Тамарнинг ётоғи ўртасида паришонҳол югуриб-елар, вақтида ўлим юбормаган оллодан нолирди.

Каролина гоҳ Татия ёнида, гоҳ Тамар ёнида уймаланарди.

Тамарнинг иссиғи ҳамон кўтариларди. Қиз алаҳлар, онасини чақирар, бўзарган от минган Тараш Эмхварини тилга оларди. Ёки бирдан юзини қўллари билан яшириб, титраб-қақшаб:

— Деразани ёпинглар! Қора кабутарлар учиб кириб қолади!..— деб шивирларди.

Тонг отиши билан Таризэл бобо болохонага чиқиб Шургаяни кута бошлади. Кўча эшиги очилиб, аёллар касалликлари врач Перадзе ҳовлига кириб келганда, соат тўққизлар бўлиб қолган эди.

Таризэл бобо саросимага тушди. У Перадзени ёқтирмас, врач ҳам ўз навбатида, уни ёқтирмасди.

Эшик ёнида докторни Каролина кутиб олди. Ҳаяжони зўридан Каролинанинг бўлиқ кўкраги кўтарилиб-кўтарилиб тушаётганини Таризэл бобо болохонадан туриб кўрди. Улар паст овозда сўзлашишарди. Паҳмайган Лукая ҳам улар ёнида турарди. У бутун вужуди қулоққа айланиб, бақрайганича сўзлагувчиларга қараб турарди. Таризэл билан Лукаянинг қиёфасидан шунинглаш мумкин эдики, иккови ҳам, буларнинг нима ҳақида сўзлашаётганларини тушуниш учун жонларини беришга ҳам тайёр эдилар.

Ниҳоят Каролина пастаккина, тепакал докторни қўлтиқлаб олиб, Тамарнинг хонасига бошлаб кетди. Таризэл ҳам шу томон ошиқди ва ярим очиқ эшикдан, докторнинг портфелидан никелланган икки асбоб олганини кўрди. Кашиш бунақа асбобларни

Херипснинг кабинетидида бир неча бор кўрган эди. Кейин Каролина эшикни ёпди.

Таризэл бобонинг тиззалари букилиб кетди. Унг қўли билан Лукаянинг бўйнини қучиб, ўзини меҳмонхонага олиб бориб қўйишни буюрди.

У ерда чарм диванга ўзини отиб, бошини орқага ташлаганича, нафаси тикилганидан ҳарсиллаб ўтирарди. Кўз олди жимирлаб, олов доирачалар айланарди.

Бирдан қулоғи шанғиллаб кетди. Қашиш — қулоқнинг шанғиллаши катта бахтиқаролик нишонаси дегувчи эди.

Тамарни кўздан кечириш ва қоғозга лотин тилида бир неча сўз ёзиш учун Перадзегга лозим бўлган ўн минут Таризэлга жуда узоқ туюлди.

Врачининг оёқ товушини эшитиб Таризэл ирғиб ўрнидан турди — оёғида куч қаёқдан пайдо бўлганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Хўш, қалай, доктор? — ҳаяжон билан сўради у.

Доктор бошини бир ёнга эгди ва қоғоғини уйиб олди.

— Ҳурматли Таризэл, — деди у, — менинг наздимда, жони хатарда эканини яширишнинг кераги йўқ. Қизингизнинг аҳволи жуда ҳам оғир.

— Нима бўлган ўзи, нима? — бадтар ҳаяжонлана бошлади чол.

— Унинг мияси сал лат еган, — деди врач бир оз ўйланиб олгач.

Бу сўзни эшитиб, Таризэл бобо бошини чангаллаб қолди.

— Қизингизнинг аҳволи оғир, — такрорлади Перадзе. — Депрессия¹ касалликни яна ҳам оғирлаштиради.

Доктор жим бўлиб қолди. Унинг жим қолиши Таризэл бобони қийноққа солди. У маъносига тушуниб етмаган «депрессия» сўзи уни танг қолдирди, бахтиқаролик рамзи бўлиб туюлди, унинг онгини мотам қобиғига ўради. Бу сўзни «дилҳасталик» сўзи билан алмаштириш докторнинг хаёлига келмади.

— Бундан ташқари, касалликнинг яна бир томони бор. Херипс келсин, у билан гаплашаман; шундай қилишим керак, — деди Перадзе ва шляпасини қўлига олди.

— «Херипс билан гаплашаман» деганингиз нимаси? Мен кимман? — овозини кўтарди Таризэл. — Нега энди Херипсга айтаркансиз? Қизимнинг ҳол-аҳволини мен билишим керакми ёки Херипс? Херипс...

Шу ерга етганда тили тутилиб, ўнг қоши пир-пир уча бошлади, чол кресло сунячиғини маҳкам чангаллаб қолди. Лекин ирода кучи билан заифликни енгди, доктор томонга юрди ва муштини дўлайтириб қичқириб юборди:

— Қизимга нима бўлган ўзи, гапиринг менга! Тезроқ гапиринг! Бўлмасам бу ердан тирик чиқиб кетолмайсиз!

¹ Депрессия — бошдан кечирилган руҳий азоб.

Меҳмонхонага Каролина кирди ва Перадзенинг ёнига келди, у қалт-қалт титрарди.

Буни сезган Тариэл бобо яна жавоб талаб қила бошлади.

Перадзе елкасини қисди, Каролина билан кўз уриштириб олди ва чолга юзланиб, қуруққина деди:

— Рост айтасиз, қизингизнинг аҳволини, аввало, сизга айтишим керак. Ўзингизни дадил тутинг: қизингиз ҳомиладор.

— Нима, нима? Нима деяпти у?.. Бемаъни гапларни қўйинг?!— деб бақариб юборди чол.

Тариэл, қўққисдан қаддини ростлаб, докторга отилди, иккала қўли билан унинг ёқасига ёпишиб, бу хўппасемиз одамни силталай бошлади.

— Бунақа гапларни айтишга қандай ботиндингиз! Ким деб ўйлаяпсиз мени? Эсингизни йигиб олинг, жаноб! Тариэл Шервашидзе хонадонида турибсиз-а? Сиз докторлар ҳеч балони билмайсиз! Сизни чақирмовдим-ку, мен. Доктор Шургаяни чақиртириб эдим, сиз нима қилиб юрибсиз бу ерда. Қани, туёгингизни шиқиллатинг-чи бу ердан!..

Докторнинг ранги қув ўчди, Каролинага ўқрайиб қаради. Кейин ёқасидан Тариэлнинг қўлини оҳиста олди-да, эшик томон юрди.

Кашишнинг оғир гавдаси чайқалиб кетди, боши орқага ташланди. Каролина билан Лукая у томон отилишди, ҳушдан кетган чолни диванга ётқизишди.

МАХВШ МИНОРАСИДАН ЙЎЛЛАНГАН МАКТУБЛАР

«Паҳлавонлар гори.
1932 йил, 14 январь»

Қимматли Каролина!

Яқинда бир ғалати воқеа юз берди. Ростини айтсам, ҳаммасига иситма сабаб бўлди.

Бир ҳафта давомида ёмғир шивалади, қор ёғди, бўрон турди. Сўқмоқларни ювиб юборди. Биз ортиқ на чангаллардан, на лижа ва на альпенштоклардан фойдалана олардик.

Нонимиз тугади, тузимиз ва ҳатто сувимиз ҳам йўқ эди. Негаки, иссиқ булоқларга бориладиган сўқмоқлар ўтиб бўлмайдиган ҳолга келган эди. Саур билан Арзакан бу ҳолга чидолмай Махвш минорасига қайтишди. Нарироқ бориб, Тенгиз билан Осман ҳам бизни ташлаб кетди.

Лекин йўл бошловчимиз Темур бўш келмасди. Бу чолнинг тошдан тошга сакраганини кўрсангиз! Мен уни эчкига ўхшатдим.

Унга эргашиб мен ҳам қоядан қояга тармашаман.

Темур неча-неча бор мени ўлимдан сақлаб қолди!

Бир куни альпенштогим сирғалиб, қоқилиб кетдим-да, муз босган бир тошга тармашганимча осилиб қолдим.

— Пастга қарама!— деб қичқирди Темур ва қоплондек бир ирғишлаб, қўлимдан ушлаб олди.

Бунақа пайтларда жарликка қарамаслик керак. Мабодо бехосдан қараб қолгудек бўлсанг борми,— тамом.

Лекин менинг шунақанги ғалати ҳиссиётларни яхши кўришимни биласиз. Қарамай туришга ўзимни зўрга мажбур қиламан. Туриб-туриб жарликка кўз тикиб қоламан.

Эрталаб Дали худосига ибодат қилиб бўлгач, Темур дарҳол менга насиҳат қилишга тушади. У насиҳатнинг биринчиси: «Жарликка қарама». (Агарда шу Темур болалигимдан менга тарбия берганда эди, анча эсли-ҳушли одам чиқарди-да менадан.)

Форга неча-неча бир шилтаю шалаббо бўлиб қайтдим. Утинимиз тугади. Гулхан ёқмай, совуқда ётавериш, саломатлигимга анча путур етказди. Безгак яна такрорлана бошлади. Бу ярамас касаллик Қолхида ботқоқликларидан то шу Альп зоналаригача таъқиб этди мени.

Бир куни Темур саҳарлаб туриб карқур овлагани кетди. Кейинги кунларда иситмалаб турганим учун у мени олиб кетмади.

Бир оз мизғиб олгач, уйғондим. Лекин ҳозир тонг маҳалими, туш пайтими ёки кеч кирганми — тушунмайман. Аъзойи бада-ним зирқирайди, тиззам санчади.

Аллақачонлар ўчиб қолган ўчоққа тикиламан. Йилтиллаган чўғ кўринмайди.

Эчки теридан тикилган пўстинга ўралиб ётибман.

Назаримда пўстин пардек енгил туюлади. Совқотганимдан тишим-тишимга тегмайди. Нарироқда Темурнинг пўстини ётибди.

Қани энди бирон кимса келса-да, устимга ўша пўстинни ҳам ёпса, деб хаёл қиламан. Ўрнимдан турмоқчи бўламан, лекин оёқ-қўлимда мадор йўқ. Назаримда мени уриб-уриб, суякларимни, умуртқамни парча-парча қилиб ташлашган.

Пўстинга ўраламан, етти эчки терисидан тикилган пўстин эса, пардан ҳам енгил туюлади! Оҳ, қани энди бирор кимса келиб қолса-ю, устимга Темурнинг пўстинини ҳам ёпса! Пўстиннигина эмас, ҳув анави катта харсангни қўйса ҳам майли эди, оғирлигини ҳис қилармидим ҳеч бўлмаса!..

Шинаклардан тушаётган ёруғликка қарайман. Бошимни хиёл кўтариб, булутли ҳавога ва қалай сингари ялтиллаётган музликларга қарайман.

Шинаклардан нур ва совуқ киради. Кул ранг тусдаги ёмғирга ҳомиладор булутлар шимолга қараб йўрғалайди. Улар гоҳ Ингурнинг лойқа тўлқинлари янглиғ бир-бировларини қувлаб қоладилар, гоҳ дашти биёбондаги чанг бўрони сингари устун бўлиб кўтариладилар.

Бу танг қоладиган бир манзара.

Совуқ ўчоқдан юзимни ўгираман. Бурчакда, Темур қора кунга деб сақлаб қўйган, иккита сўнган чўпчиरोқ билан бир неча чала ўтин ётибди.

Темур бизга қараб:

— Сиз, текисликда яшагучи одамлар, зиқнасиз. Биронта-миз оғриб-нетиб қолсак, кунимизга яраб қолар, сақлаб қўяй-лик,— дерди.

Энди Темурнинг ҳамма буйруқларини сўзсиз бажо келтира-ман, қатағонни сира бузмайман, бутун пода кўринмагунча сер-кани отмайман, тамаки чекмайман, негаки: эчкининг эҳтиёт-корлигини, шамолнинг ёмон ғийбатчилигини биламан. Ов чо-гида нафас олмасликка ҳаракат қиламан, шунчалар эҳ-тиёткорлик билан юраманки, шитир этган шарпа чиқармай-ман.

Ёлғиз бир гуноҳим бор: у ҳам бўлса, эрта билан уйғонганим-дан сўнг: «Қушу қумурсқаларни яратган тангри!..» дея ов худо-си Далига ибодат қилмайман.

Оллонинг қудратига ишонган одамгина ибодат қилмоғи дар-кор, деб билганим учунгина ибодат қилмайман. Акс ҳолда бун-дай одам майна бўлгусидир.

На Далига ва на иблисга ишонган мендайин куфр одам қандай қилиб ибодат қилсин?..

Лекин жуда мавзудан чиқиб кетдим. Ўтин ҳақида гап бош-лаб, атеистик пропагандага ўтиб кетибман. (Шундоқ ҳам бўла-ди-ку, ахир: миҳ ҳақида гап бошлаб, худо раҳмат қилсин билан тугатилади.)

Шундай қилиб, яна ўчоқ томон ўгириламан,— вой тавба-ей! Аллаким олов ёқиб юборибди. Бу ҳам майли-я, етти чўпчироқ ёқибди. Қарабсизки, етти чўпчироқ ғорда, худди етти олтин шамдон сингари ёруғ нур сочиб турибди. Паҳлавонлар ғорида ёқимли ис таралаяпти.

Қўлимни аранг кўтариб, соатимга қарайман. Тўхтаб ётибди. Вақт тўхтаб қолган. Шитирлаган шарпа йўқ.

Тепамда ғорнинг баланд, қоп-қорайган, готик услубда қу-рилган ибодатхоналарнинг устунларини эслатувчи қандайдир нотаниш ва сирли устунлари қад кўтарган, моғор, тутундан қо-райган сумалаклар осилиб турибди. Кўзим етти чўпчироқда. Қизиқ, ким ёқди экан-а?

Вақт тўхтаб қолган. Қон айланиши ҳам тўхтаган буткул. Жуда кучдан қолганман. Қўққисдан олам билан хайрлашувим тайин. Совуқ онгимни музлатган — совуқ ва қоронғилик қурша-ган мени буткул.

Бу дунёдаги ҳаётим тамомила унут бўлган. Бугунги кун ту-гади, беқарор вақт йўққа чиқди. Бири бирини қувалаб ўтиб турган беҳисоб ярқироқ кунлар орасидан кул ранг тусдаги, муз-дек совуқ шу кун тушиб қолди.

Таркиб топганим элементлардан фориг ётибман. На фикр-лар, на умуртқам, на оёқ-қўлим ортиқ итоат қилади менга. Ким-

ман ўзим, қаерда ётибман, шуларни тафаккур қилиш қобилиятидан маҳрумман энди.

Вақт кетди, ғойиб бўлди... Қачон кетди? Қаёққа кетди? У, оқшом палла, қуёш музли тоғларни тарк этгани мисол кетди қолди.

Оппоқлик, совуқ ва бўшлиқ қолди, холос.

Оҳ, қимматли Каролина, бу абадий музликлар қаршисида минг йилликлар ўтган кун сингари аҳамиятсиздир!

Бундай дақиқаларда бутун жонли мавжудот нафасини ичига ютади, ҳар қандай товуш жимиб қолади. Даралар орасида адашган ёлғиз қарқур қичқирғи ҳам эшитилмайди. Қарқур тўдалари ортиқ тоғ эчкилари подасининг яқинлашаётганини билдирмайди.

Кўзимни ишқалайман. Яна оловни, яна ярқираб турган етита олтин шамдонни кўраман.

Темур қайтиб келган бўлса керак, ўтин келтирган бўлса керак. Темур шундай одамки, кутилмаган ишлар келади унинг қўлидан. Бу ўшанинг иши муқаррар. Олтин шамдонларни ҳам Темур овчиларнинг қадимий ғорларидан топиб келтирган бўлиши керак. Ахир яқинда мен ҳам зарҳал қилич, тош ҳовонча, чақмоқ тошдан ясалган найза учи, ибтидоий одам, онасини эмаётган илик сурати билан бежалган сирға топган эдим-ку, ахир.

Лекин на Темур кўринади, на унинг сван қалпоғи, на чарм хуржун ва на биротар милтиғи.

Чўпчироқларни Темурдан бўлак ким ҳам келтириши мумкин? Чўпчироқларимиз аллақачон тугаб кетган эди-ку. Овчи Темур сван, меҳмоннинг раҳмини еган. Ахир мен унинг меҳмониман-ку, бунинг устига, яна бетобман. Ким билади, Темур балки шунинг учун жинчироқларни ёққандир...

Яна бир бор ўчоқ томонга қарайман. Йўқ, на Темур кўринади, на унинг сван қалпоғи, на хуржун ва на биротар милтиғи.

Шинаклар томонга ўгириламан. Вақт кетиб қолибди. Қаршимда оппоқ музликлар ястанган холос, совуқ музликлар ва даҳшатли бўшлиқ.

Бу абадий музликлар учун минг йилликлар, худди кечаги кун сингари тез ўтган-кетган.

Иродам тамомила фалаж, лекин эндигина вафот этганларгина шундай бўлади-ку? Танам салмоғини тамомила йўқотди, лекин бу мени асло ташвишлантirmаяпти. Бу дунёда яшаш муддатим поёнига етганидан асло хафа эмасман.

Атрофимда сут янглиғ туман; баҳайбат ҳарсанглар ортиқ оғирлик солмайди; музликлардан заҳарли совуқ уфурмайди ортиқ. Қутурган бўрон қорли чўққиларни ўлим сингари оқ, совуқ булутлар билан сузуриб кетди.

Булутлар ҳамон осмонда муаллақ тўхтаган. Шарқни, шимолдан ва жанубдан сидирға парда қоплаган.

Сокинлик ва бўшлиқ мени яна сескантиради.

Оғир мотам либосида, сочини ёйиб онам кириб келади.

Унинг ортидан Эмхвариларнинг бевалари. Қаторнинг охирида дард-ҳасрат билан адо бўлган энагам Хатуна. Қора кийинган бу аёллар, Мегрелияда чонгури чалғувчи аёллар қизамиқ билан оғриган бемор тўшаги атрофида доира чизган янглиғ, атрофимни қуршаб олишди.

Ўтиришди, чонгурини қўлга олишди ва торни чертиб юборишди, лекин торлардан садо чиқмади. Шундан сўнг менинг онам Майя ўрнидан туриб, мен томон юрди, қўлини совуқ пешанамга қўйди ва сесканиб кетди: менинг дунёдан ўтганимни тушунди.

Кейин атрофимни қуршаб ўтирган аёллар қошига келди ва юзини тирнай бошлади. Қора либосдаги аёлларнинг ҳаммаси йиғи берувчилар гиламга ўтирадиган тартибда ўтиришди-да, юзларини юла бошлашди. Лекин ҳеч қайси бирининг юзидан қон чиқмади. Уларнинг «Вой, во-ей!» деган нолалари ҳам эшитилмади...

Онам яна ўрнидан турди, яна менга яқинлашди-да, қўлини пешанамга қўйди, музлаб қолган танам даҳшатга солди уни!

Шундан кейин қора қўланкалар ўринларидан туришди-да, чонгуриларини ёрда қолдириб, чиқиб кетишди.

Яна беҳуш бўлиб қолдим. Лекин тезда ўзимга келдим. Қаршимда соқоли силлиқ қирилган, ориқ йигит ўтирарди.

Соқоли қирилган йигит менга тикилганича қаршимда ўтирибди. Кўзлари менга жуда таниш (марҳум отамни эсладим шу чоқ), қирғий бурун (бебахт амаким Эрамхут Эмхварининг бурни шунақа эди). Даҳани ва юз бичими эса онамни эслатиб турибди.

Костюмининг туси ҳам менга таниш. Маланурлар байрамида Лукая Лабахуага туҳфа қилганим ёввойи кабутар тусидаги, гомпсондан тикилган костюмнинг ўзгинаси. Ботинкаси ҳам меники, Англиядан сотиб олган жигар ранг ботинкам эмиш.

Нотаниш одамга бақрайиб қолдим. У бирдан кулиб юборди. Қулгиси шундай ғалати жарангладики, худди ойна устига питра сочиб юборилгандек бўлди.

Оғзининг бурчакларида, юрагидаги яширин қаҳр белгиси бўлмиш энгил ажинлар пайдо бўлди.

У шундай сурбетларча илжайдики — бировни таҳқирласам ёки ачитиб-ачитиб олгим келса, мен ҳам шундай илжайишим мумкин.

Оёғини оёғи устига ташлаб, ўнг қўлини негадир орқасига яшириб, мушт қилиб тугилган чап қўлини тиззасига қўйиб бепарво ўтирибди.

— Қарибсан, биродар, танимай қолибман. Сочларинг ҳам оқариб кетибди,— дейди у. Мен қаршимда ўтирган қиёфадошимга истеҳзоли кулиб, жавоб қиламан:

— Сен билан кураша-кураша сочимга оқ тушди.

— Сен билан мана шундай юзма-юз учрашмаганимизга, очикдан-очик сўзлашмаганимизга ҳам уч ойдан ошди,— деди соч-соқоли қирилган ёввойи кабутар тусидаги костюмдагиси,

соқоллари ўсиб, гам-кулфатдан сочи оқариб кетганига юзла-
ниб.

Шундай дейди-ю, уч бармоғини узатади. Унинг ўрта бармо-
ғида мен ўз узугимни танийман. Ака-ука тутинганим Хевсур
берган эди менга бу фил суягидан ясалган узукни. (Узукни
тақиб юрганимни кўрган бўлсангиз керак.)

Унда уч илон тасвирланган.

Кейин у, ўнг қўлини кўрсатади. Не кўзим билан кўрайки,
унинг қўлида илон нусха ханжар. Бу ханжарни мен Жамлет
Тарбанинг қўлидан тортиб олиб, шу билан ўзини ўлдирган эдим.

Бу ханжар илондай буралган, қини ҳам илон пўстига ўхшаш
тангача мисол нақшланган.

— Бу ханжарни сенга ким берди?— деб қичқириб юбордим,
газабимга чидолмай.— Беш кунгина илгари мен тақиб юриб
эдим уни! Мен уни Махвш минорасида қолдириб эдим, деворга
қоқилган кийик шохига илиб қўйиб эдим.

— Тўғри,— дейди соч-соқоли тарашлангани,— дарҳақиқат, бу
ханжарни илгари сен тақиб юрардинг, у Махвш минорасининг
қоронги бир бурчида осифлиқ эди.

— Мана бу фил суягидан ясалаган узук ҳам, бугун эрталаб
менинг қўлимда эди!

— Бу гапинг ҳам тўғри,— дейди чақирилмаган меҳмоним ва
кулади. Унинг кулгиси яна ойпага питра сочилгандай сочилади.

— Бундан чиқди, мени тунабсан-да!— дейди иситмалаб ёт-
ган ўзининг қиёфадошига.— Нимаики бойлигим бўлса ҳаммаси-
ни ўғирлабсан: юрагимнинг жўшқинлигини ҳам, дилларни маф-
тун этувчи муҳаббатли заковатимни ҳам; сен яқин кишимга
бўлган ишончини ўғирлаб, инсон зотига нафрат уйғотдинг менда.
Яқин кишиларимдан жирканадиган қилдинг мени. Сенинг дас-
тўйгидан авлод-аждодим, қоним-танзим менга бегона бўлди-қол-
ди. Шунинг учун ҳам мен, таёқ билан уриб бели синдирилгач
аламига, заҳрига чидолмай ўзининг думига ниш уриб, заҳрини
ўз танасига юборган заҳарли илон мисол тўлғанаман...

Хяста мен билан соғлом «мен», черкеска кийган мен билан
костюмдаги «мен», соч-соқоли ўсиқ мен билан тарашланган
«мен» бир шишага ташланган икки чаён янглиғ олишамиз,

— Бу ҳаётда сен адашдинг,— дейди менга яна қаршимда
ўтирган меҳмон.— Тўғри йўлни қолдириб, эшак орқасидай ин-
гичка сўқмоқларда улоқиб юрибсан. Денгиздан қочиб, ботқоқ-
ликда чўмилаётисан, электр чироғини чўпчиروққа, Кахетия
шаробини сассиқ қарағай арағи билан айирбошладинг. Сенга
маслаҳатим шу, ҳали ҳам бўлса қайт, текисликка туш, денгиз-
га олиб борадиган йўлдан бор. Қора денгиз юртимизнинг буюк
посбони бўлиб келган. Тур ўрнингдан, овчиларнинг бу қурол-
аслаҳасини жарликка итқит!

Кўзғол, ялқов, тирик мурда! Еруғлик шуъласи юртимизга
ҳам туша бошлаганини кўрмаяпсанми?!

— Йўқол! Кўзимга кўринма!—деб бўқирдим мен унга.—Бе-

гоналар дастурхонидаги қолдиқларни еб катта бўлган тиланчи-сан! Кўринма кўзимга, йўқса, ҳозир гирибонингдан оламану, шу ола-кула кўзларингни каноп билан чатиб ташлайман, мана шу Паҳлавонлар ғорида ўчоқ ёнига ўтқазиб қўйиб, қулоғингга: «А-а-а-а!» деб қичқиравераман.

Ҳамсуҳбатим ирғиб ўрнидан турди-да, илон мисол ханжарнинг бандидан чангаллаганича:

— Ё сен турасан, ёки мен! Биттамитз кетишимиз керак бу дунёдан!..— деб қичқирди.

Унинг чинқироқ овози қулоқларимни қоматга келтирди. Пўлат ярақлади ва кўксимни тилка-пора қилди. У энгашди-да, менинг илиқ қонимдан ҳўплади.

Мана энди мен, тилка-пора бўлиб, қонсиз чўзилиб ётибман.

Етти чўпчиरोқ, худди етти олтин шамдон мисол нур тўкиб турибди. Юмшоқ чориқ кийган сванлар одимидан чиқадиган, оҳиста қадам товушлари эшитилади.

Ўчоқ томонга қарайман, Темур келибди. У чўққайганича сўнган чалаларни пуфлаётир. Чол икки қўли билан ерга тиралганича, олов қаршисида ибодат қилаётган мисол оҳиста чайқалади. Ёнгинасида илик ётибди. Илик сонидан яраланган.

Бутун кучимни сарфлаб, бошимни кўтараман. Ҳа, бу ўша, тоғ ёнбағрида менга учраган Илик.

— Жесмимо бу илик аввал яраланган экан-а, шундайми? ʼ

— Ҳовва... ҳовва... Яраланганлигини билдим, лекин на чора, бир нима ейишимиз керак-ку, ахир-а?— деб минғирлайди Темур, кейин яна ўчоқ қаршисида чўққайиб, ибодат қилаётгандай, у ёндан-бу ёнга чайқала бошлайди.

Олов ловиллаб кетди. Темур шашлик пиширди, арақ илитиб ичирди. Кечаси иситмам тушди. Мен қаттиқ ухлаб қолдим.

Туш кўрибман. Тушимда мени Паҳлавонлар ғори ёнига кўмишибди, гўримдан ҳали сира кўрилмаган зангори гул униб чиқибди, гулнинг муаттар бўйи тоғу тошларни яйратиб юборибди...»

БЎРАЛАБ-БЎРАЛАБ ҚОР ЁҒАР, ОЛАМНИ БУРКАМОҚНИ ЧОҒЛАР

Қор ёғарди. Бўралаб, овозсизгина. Денгиз ёқасидаги ўлкаларда, одатда, шундай бўлади.

Хатуна билан Забули борган сайин пасайиб кўринаётган тунд осмонга изтиробга тўлиб тикилишарди. «Осмон тушиб кетмасайди, ишқилиб», деб ўйларди Хатуна.

Қишлоқни қортепалар тутиб кетиб, мегрель уйлари оппоқ пирамидаларга ўхшаб қолди.

Окуми, худди ҳаёт тамом бўлгандай, жимиб қолди. Хўрозлар билан итларгина сокинликни бузарди, холос.

Хатунанинг наздида табиат ҳам эсини еб қўйгандай.

Дарҳақиқат, ноябрдаёқ тинмай ёмғир ёғди. Окумидаги кичкинагина сой шунақанги тўлиб-тошиб оқдики, Звамбаялар кўпригини оқизиб кетди. Қийиниб олишга ҳам улгурмаган Забули билан Хатуна оқиб кетаётган кўприк кетидан жон ҳолатда югуришди; улар кўприкни чангак билан тутиб қолишмоқчи эди. Келеш бир вақтлар Қац Звамбая қилгани сингари, лассо ташлади-ю, лекин уринишлари бекор кетди.

Бу воқеа оилага катта зиён келтирди. Негаки, улар ҳиссала-рига теккан хашак билан ўтинни ташиб олишга улгуришмаган эди.

Кужи қадамини узиб қўйгани туфайли аёллар оилада эркак йўқлигини, айниқса, ҳис қила бошладилар.

Буларнинг устига-устак Хатуна шамоллаб, ётиб қолди. Забули колхозга ишга чиқолмай қолди; у бемор билан кичкина Жамуга қараб зўрға улгурарди.

Қац Звамбая оиласи шу тарз тушкунликка юз тутди.

Шамол томга қоқилган резги тахталарни учуриб кетди. Старпил ва устунлар чирий бошлади. Похол ёпилган омборхона бир ёнга қийшайиб қолди.

Томнинг қорини кураб туриш керак эди. Лекин буни қиладиган эркак қани? Болалар икки она чўчқани ўрмонда йўқотиб келишди. Эртасига маълум бўлишича, бўрилар поралаб кетибди уларни. Қор кўп ёққанидан оч қолган йиртқичлар, овқат қидириб изғиб қолишди. Ёнғоқзордан бўриларнинг увиллаши эшитила бошлади. Безовталанган итлар кечаси билан ҳуриб чиқарди...

Оғир ишларни қилиб чарчаган Келеш эрта ухлаб қоларди. Аёллар эса итларнинг ҳуришига қулоқ тутиб, қалт-қалт титраб ўтиришарди. Улар: уйга бўрилар яқинлашяптими ёки Тарба?— дея билишолмай гаранг эдилар.

Забули Арзаканнинг тўппончасини кўксига босарди; қиз Тарбалар эмас, бўрилар бўлишини афзал кўрарди. Тарбалардан бири духанда ўтириб, эркаклардан биронтасини ўлдириш насиб бўлмаса, Звамбаяларнинг уйига ўт қўямиз, деб пўписа қилганидан хабардор эди.

Қизиги шундаки, бу пўписадан кейин қиз дилида кичкина умид пайдо бўлди: ким билади, балки Арзакан тирик бўлса бордир?

Қиз кечаси билан шу алфоз, тўппончани кўксига босганича, ҳар бир шитирга қулоқ тутиб ётарди.

Ҳамма қўшнилар улардан юз ўгиришди; шундай қилиб Қац Звамбая оиласи совуқ муносабатлар ҳалқаси ичида қолди. Баъзилар Арзакан туфайли улардан хафа бўлишса, баъзилар Тарбалардан қўрқишарди. Аёллар Мачагва Эшба қамалгандан кейин, айниқса, қийналиб қолишди. У, аввалги дўстлик хотирасини қилиб, оғир юмушларда уларга қарашиб турарди.

Эшбанинг отини тортиб олишди. Аламига чидолмаган Эшба қасдама-қасдига колхозга тегишли ҳўкизни ўрмонда сўйиб юборган-да, гўштини Зугдидига олиб бориб сотган. Бу қилмиши учун уни суд қилиб, мажбурий ишга ҳукм қилишган.

Хатуна Кужининг келмай қўйганига ҳайрон эди.

— Уни хафа қилиб қўймадингми тагин?— сўради у бир куни Забулидан.

— Менми? Йўғ-а.

— Бўлмаса нега келмай қўйди?

— Қайдам.

— Уша кеча елпитилган тариқни у олиб келувдими?

— Бўлмасам-чи. Бир арава тариқни ёлғиз ўзим елпий олар-мидим?

Шундан кейин Хатуна Кужини айтиб кел, деб Жамуни юборди.

— Совуққа қотиб ўляпмиз деяптилар дегин. Томнинг қорини кураш керак, ана босиб қоламан, мана босиб қоламан, деб турибди. Келеш катта ходани ёролмади, ойим бетоблар, дегин; аррасини ола келсин-да, шу ходани арралаб берсин. Худо хайрини берсин унинг!

Жаму қайтиб келди-да, борганида Кужи ҳовлисида чикиб кетаётганини айтди. «Қайтиб келишим билан бораман сизлар-никига», дебди.

Хатуна, кун-уззукун, ёшли кўзини эшикдан узмади.

Ерни қоплаётган қор борган сайин кўтарилиб борар, Хатунинг назарида бўралаб ёға-ёға, оламни буркамоқни чоғлаётгандай бўларди.

«Кужи келса эди, Келеш иккови анави қарағай тўнкани думалатиб келиб, арралаб беришарди»,— деб орзу қиларди Хатуна кўзини эшикдан узмай.

Шундай фикр кўнглидан кечиб эди ҳамки, катта йўлда суворий кўринди.

— Кужи келяпти, нан, бирортанглар эшикни очинглар!— шошқалоқлаб деди Хатуна.

Келеш билан Жамну қорбўрон ўйнагани кетишган бўлса керак. Хонада иш тикиб ўтирган Забулидан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Қиз Кужи билан юзма-юз келишни истамасди. Лекин шунга қарамай, бир-бир юриб ҳовлига чиқди.

«Уша кечадан кейин ҳам Арзакан хонадонига қандай қадам қўяркин-а у?»— ўйларди Забули белигача келадиган қор кечиб бораркан.

Эшикни очди. Бошдан-оёқ оппоқ қорга беланган суворий ҳийла нарида эди ҳали.

Кўкраги билан қорни ёриб, ўзига йўл солиб келаётган от қора терга тушган эди.

Отнинг бўйни ва бошига кўзи тушиши билан Забулини титроқ босди. Кўзига кўринаётибди чоғи? Йўқ, у янглишиши мумкин эмас, Арабианинг ўзгинаси-ку бу!.. Ҳа, Арабианинг ўзгинаси!

Қорга бурканган отлиқни у ҳали ҳам таний олгани йўқ. Отлиқнинг соқол-мўйлови қирилганини кўрди, холос. Бундан чиқди Кужи эмас бу.

Отлиқ Забули тарафга қайрилиб ҳам қарамай, ўтиб кетди. Арабиани кўриши билан Забулининг тиззалари букилиб, юраги дук-дук ура кетди.

Айғир анчагина озиб қолгандай кўринди. Забули шу замоноқ Арлан, баҳорги пойгага тайёргарлик кўриш учун, уни Тбилисига юборган, деган гапларни эслади.

— Бу Арабия, шубҳасиз, Арабия бу! — такрорларди у ўзича. От йўртиб боради.

Забули бирдан олдинга отилди. От кетидан югурди. Арабиани минган кимсанинг кимлигини, қаёққа кетаётганини билгиси келарди.

Арзакан жонидан азиз кўрган айғирни яна бир бор томоша қилгиси, унинг катта-катта қора кўзларига тикилиб, йўғон кўрагини силагиси келарди қизнинг.

Ахир Арабия отгина эмас, у — Арзакан юрагининг бир бўлаги-ку.

Шуларни ўйлаб Забули қор уюмларида бота-бота, кучи борича югура кетди. Унинг шундоққина кўз олдида, кўзни қамаштирувчи оппоқ қор фонида Арзаканнинг сарғиш асал тусидаги кўзи порлаб турарди.

Қизнинг назарида Арзаканнинг овози эшитилаётгандек ҳам бўлди.

Енгинасидан аллақандай суворийлар ўтиб кетишди, чопиб кетаётган аёлга ҳайрон бўлиб қараб қўйишди. Югуриб юриш аёл кишига муносиб эмаслигини Забули билади. Лекин одамларнинг нима дейиши, унга барибир эди.

Забули юбкасини йиғиштириб, от изидан югуриб бормоқда.

От ҳам, суворий ҳам аллақачон кўздан ғойиб бўлган эса-да, у ҳамон югуриб бораётир.

«Қизиқ, нега бунча ғалати, болаларча қилиқ қилмаса! Арабиани кўрди нима-ю, кўрмади нима? Кўргани билан пора-пора бўлган юрагига тасалли бўлармиди?»

Забули шундай деб ўйлайди-ю, лекин ўзи жони борича югуради. Оёқлари чалишади. Суворий ҳам, от ҳам ғойиб бўлди-кетди.

Парча-парча бўлиб қор ёғяпти, ҳали-вери тинадиган сиёқи йўқ. Гўё, олам-жаҳонни, шунча ғам-ҳасрати билан Забулини кўмиб юбормоқни чоғлайди.

Забули бунга мингдан-минг рози. Майли, қор боссин, кўмиб юборсин уни. Майли, қор тинмай ёғаверсин, бутун оламни боссин! Оппоқ момиқ қор доначалари Забулининг кўкрагига ёғади ва ахийри у интиқ бўлиб кутган қабрига етади. Оппоқ момиқдай қордан иборат қабрга...

Муюлишга етганда Забули тўхтади. Из кўмилиб кетган эди.

Тиним билмай, ҳали-вери тинадиганга ўхшамай қор ёғади. Ун тусига кирган осмон шундоққина ерга тегай-тегай деб турибди.

Забулининг томоғига алланарса тиқилгандай бўлди. Бу қор суворийни ютиб юбормагандир-ку, ахир...

Забули шундоққина шу ернинг ўзгинасида қорга ётиб, абадий уйқуга кетишга ҳам тайёр.

Қандайдир сирли овозга итоат этиб, чап тарафга бурилди, изни топиб, яна чопа кетди. «Арабианинг изи бу»,— дея ўзига тасалли берганича аввалгидан ҳам тезроқ югуради у.

Жой таниш кўринди. Қишлоқ аро йўл тугаб, у катта арғувон дарахтини кўрди. Черков ёнидагими, қишлоқ совети олдидагими майдонни таниди. Бир милтиқ ўқи етарли жойга яқинлашгач кўрдики:

Қишлоқ совети ёнидаги бостирма тагида эгарланган от бойлоқ турибди.

Забулининг юраги гупиллаб уриб кетди. Мана энди у отнинг шундоққина ёнида, лекин қимирлашга мадори йўқ. Тиззаларининг мадори қуридьки, оёқлари чалишиб, қорга гупиллаб йиқилгудек турибди. Йиқилади, йиғлайди, оппоқ момиқ ёстиққа бошини суқади-да, ортиқ турмайди. Негаки, Арзакансиз яшаш унга малол, бундай ҳаёт уни мана шу қор уюмларидай босади, оёқларининг мадорини қуритади.

Забули яна юра кетди, оҳ, бу йўлнинг ниҳояси борми асти. Қизнинг кўзлари қамашиб кетди. Йигирма қадамча масофа қолди, лекин бу масофани босиб ўтишга мадори етармикан. Кўзлари ёшланади, оловли доирачалар липиллайди. Нафаси тиқилади, мана ҳозир юраги ёрилади-да, ниҳоят, тинчийди-қолади. Момиқдай оппоқ, ялтироқ қор унинг кўксига ёғади...

Ҳарсиллай-ҳарсиллай от қошига етиб борди-да, унга ташланди. Арабиа бошини кўтарди, кичкина қулоқларини чимириб, гўё ҳайрон қолгандай, Забулига тикилди.

Қишлоқ совети болохонасида икки киши турарди. Забули уларга парво ҳам қилмай, Арабиани қучоқлади, эгилиб турган бўйнига юзини қўйди, қоши устидан ўпди, отнинг бошини бағрига босди. Забулининг назарида бу ажойиб мавжудот унга Арзакан қалбининг бир бўлагини келтиргандек эди.

Қиз Арабианинг тумшугидан қайта-қайта ўпиб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Бу хотин ким? Нима бўлган унга? Жинни бўлиб қолганми, нима бало?— сўрайди эркаклардан бири.

— Арзакан Звамбаянинг беваси,— деб жавоб беради иккинчиси.

МАХВШ МИНОРАСИДАН ЙЎЛЛАНГАН МАКТУБЛАР

«Паҳлавонлар ғори.
1932 йил, 3 февраль»

Қимматли Каролина!

Йўллар батамом беркилди. Паҳлавонлар ғоридан Махвш минорасига ҳам ўтиб боролмаймиз энди. Энди мен оламдан батамом ажралиб қолдим. Мен учун на телеграф, на телефон, на

почта мавжуд. Бу мактубни сизга Ёзаётибману, лекин қачон бўл-
масин олиб ўқишингизга умидим кам.

Инсон юраги бир ғаройиб нарса! У, ҳам жаннат, ҳам жаҳан-
намни жо қилар экан ўзига. Эндиликда бирдан-бир шодлигим—
сизга хат ёзишдан иборат. Ёзув аломатларини биринчи бор
кашф этган ўша одам, ҳеч шубҳасиз, буюк донишманд бўлган.

Сизга хат ёзипману, бирор кун келиб, сиз шу белгиларни
кўздан кечириб туриб, шу бугунги кунларда менинг миямни чул-
гаган ўй ва мулоҳазаларни билиб олишингиз мумкинлигига, ёв-
войи одам мисол ҳайрон бўламан.

Лекин шунисига қамилманки, қаламимнинг хизмат куни оз
қолди. Ёза-ёза адо бўлса борми, тамом! Ташқи олам билан
алоқа батамом барҳам топади.

Ўтган ҳафта Махвш минорасида жуда ташвишга тушишибди.
Негаки, мен билан Темур, икки ҳафта давомида, ҳолимиздан
дарак беролмадик, тўғрироғи, бунга ҳолимиз етмади. Ҳаво очи-
лиши билан Арзакан, Қац Звамбая ва Саур биздан хабар олгани
келишди.

Бу ернинг аёзи ёқимли. Бунақа аёзда юриш яхши. Лекин тў-
сатдан туман тушиб қолиб, ҳаммамизни Паҳлавонлар ғорига
қамлади-қўйди.

Мана энди, улар ўзлари билан ола келган ва ҳаво очиқ кез-
ларда биз ғамлаган нарсалар тугади. Биз яна ўтинсиз, гўштсиз,
тузсиз қолдик.

Эҳтиёж одамларнинг феълени бузади. Қац Звамбаянинг қат-
тиқ қўллигини биласиз. Уйини ташлаб кетгани, оиласидан, одат-
ланиб кетган турмуш тарзидан йироқлиги уни баттар бешафқат
қилиб юборди. Унинг қалбидаги қаҳр-ғазаб бир кунмас бир кун,
ўзини еб қўйиши мўқаррар.

Унга ҳаммадан ҳам алам қиладигани шуки, унинг пушти ка-
маридан бўлган ўғли, унинг ўзини, яъни Қац Звамбани маҳв
этгувчи тузум тарафдори бўлса.

Чолнинг наздида, бутун ёруғ жаҳон ундан қасд олиш билан
банд. Ибтидий галалар сардори ҳисси Қац Звамбаяда ҳали
мустаҳкам. У ўғлидан, ёлғиз унинг фикр-мулоҳазаси билан иш
тутишни талаб қилади.

Бўлар-бўлмасга Арзакан билан уришади. Ўтган куни бўрон
турди. Бундай ҳавода ташқари чиқиш хатарли: сал тойиб кет-
санг, бас, борса келмасга қулайсан-кетасан.

Лекин очлик ҳоли жонимизга қўймайди. Ешлар, тоққа чиқиб,
иккитагина тоғ куркаси овлаб келамиз, деб туриб олишди. Те-
мур билан Қац тўнғиллашди, Арзакан билан Саурга ғордан
чиқишни қатъиян ман қилишди.

Арзакан жаҳл қилиб, Саур билан бир бурчакка бориб ётди-
да, шивирлаша бошлади.

Арзакан билан Саур гаплашадиган гапнинг мавзуи доимо
бир: улар Сванетияни қайта тиклаш лойиҳасини тузишгани
тузишган.

«Катта сван йўли қурилиб битиши билан бу ерга саноат келади,— деб фикр юриштилади улар.— Қарабсизки, эндиликда, одамлар бир-бирларидан хун олиш учун феодаллар минорасига яшириниб юрган жойларда фабрика ва заводлар бунёд бўлибди. Миноралар бўлса музей экспонатига айланибди-қолибди».

Иккала йигит, илгарилар ўтиб бўлмас Ингур дарасига электровозлар одамлар билан, фабрикада чиққан буюмлар билан тўла составларни эргаштириб келадиган кунларни кеча-ю кундуз орзиқиб кутадилар. Бу мағрур чўққиларга фуникулер¹ вагончалари ўрмалаб чиқади, электр, телефон ва радио пайдо бўлади, самолётлар эса Кавкасионини пастак деворга айлантириб қўяди.

Лекин Арзакан отасига индамайди, Саур билан нима тўғрида гаплашганини айтмайди.

Қац Звамбая хафа бўлди; ота-ўғил қаттиқ баҳслашиб қолишди. Темур билан Саур ухлаб қолгандан кейингина Қац жим бўлди; кейин мен билан сўзлаша бошлади. Мен пўстинга бурканиб, бўрон ҳайқириғини тинглаб, мудраб ётардим.

Шундай кечада ғорда ухлашнинг нақадар ширинлигини тасаввур қилолмайсиз! Бўрон бир ёприлиб келиб қояларга урилади-да, гоҳ така бўлиб бўкирса, гоҳ дараларда сиртлон сингари увлайди. Сен бўлсанг, мана шу Паҳлавонлар ғорида илиқ-иссиққина ўралиб ётасан-да, она ер бағрида роҳат-фароғатда эканингдан қувонасан.

— Ҳой, Гуча! Ҳой, Гуча!— чақиради мени Қац. Мен индамайман, Кейин у Арзаканга гапира бошлайди:

— Нега ухламаяпсан?

— Уйлаяпман.

— Нималарни ўйлаяпсан?

— Қачонгача юрамиз бунда? Уйимизни ҳам, ишларимизни ҳам қаровсиз ташладик-кетдик. Қоронғи минорада мунғайиб ўтирибмиз. Нега шундай қиламиз?

— Бошқа нима иложимиз бор, аҳмоқвой?

— Сизни билмайману, мен Тбилисига жўнайман.

— Тарбалар сени Тбилисидан тополмайди, деб ўйлайсанми? Тбилиси экану, Москвада, куппа-кундузи, кўчанинг ўртасида ўлдириб кетишган Пармен Малазониани... Йўллар ёпиқ бўлса, қаёққа борасан?

— Саурнинг айтишича, февралда ёки март бошида йўл очиларкан. Уша замоноқ йўлга чиқаман. Ахир Саур икковимиз, хундорларни яраштиришда, райкомга ёрдам берганмиз-ку, наҳотки ўз ишимни бир ёқли қилолмасам? Тарбаларга воситачи юбораман. Ахир улар ҳам одам-ку!

— Ҳм... одам эмиш!— тўнғиллайди Қац.— Уч оғайнининг гўри янги ҳали. Ярашиш ҳақида гапирадиган вақтми ҳозир! Бир йилдан кам ўтирмаймиз бунда, нима деб юрибсан.

¹ Фуникулер — тоғ тепасига олиб чиқадиган темир йўл.

— Йўқ, йўл очилиши билан кетаман. Бир тупканинг тагида ўтириш жонимга тегди! На китоб бор, на газета...

— Яна ўз билгингча иш тутмоқчимисан? Ужарлигинг дастидан бошимизга тушиб турган кулфатлар етмасмиди?

— Ҳар бир одам ўз билгисича яшаши керак.

— Бошинга кулфат тушганда ота керак-да, а!

— Ёрдам беринг, дебманми!

— Шунақами ҳали! Тарбанинг ўқидан сени ким асраб қолди?

— Нима бўпти?

— Мен билан Гуча қутқариб қолдик сени. Бўлмасам, Жамлет Тарба қирғийдек пора-пора қилиб ташларди сени!

Арзакан ҳурпайиб олди. Ота-ўғил айтишиб қолишди.

Саурни бўлса бобоси ва отаси жуда қаттиқ тутади. Саур уларнинг бир гапини икки қилишга ботинмайди. Қора Махвш билан Темурни ачиғлантирмаслик учун Саур ибодат ҳам қилади, рўза ҳам тутади. Саурнинг комсомоллигини Махвш билмас ҳам экан. Бу ҳол менга жуда тушунарли: акс ҳолда, бундай эскича оилада чиқишиб яшаши қийин.

Қора Махвш гаранг, кўзи заиф, ўзи жоҳил одаму, лекин ҳамма нарсани сезиб туради.

Динамитнинг портлашлари минорадан эшитиляптими, деб ўқтин-ўқтин сўраб қўяди. Сван йўли олиб келадиган янгиликдан, бу ўлканинг патрнархал удумларига путур етишидан чўчийди. Арзакандаги янгиликка мойилликни ҳис қилганидан уш ёқтирмас, Саурни койигани койиган эди.

Ана шу Арзакан ва Саурлар авлоди олтмиш кишидан иборат оилага нифоқ киритиб, Махвшларнинг тинч-осоийшта турмушига ташвиш келтиришини сезиб турарди. Сванетия томон йўл олган инженерлар, шоферлар, дурадгорлар, китоб ва газета-ларга худди шу авлод йўл кўрсатажагини тушунарди.

Кунлардан бир кун Қора Махвш Саурнинг елкасига қоқиб туриб: «Мени ўзинг кўмасан», деди истехзо билан.

Қора Махвш қай маънода гапирганини Саур тушундими, йўқми билмадим, лекин мен унинг нимани кўзда тутаётганини тушунган эдим.

Хайрли тун, азизим.

Қўлингизни ўпаман. Сизни кўришга интизор

Т. Э.»

«Паҳлавонлар дараси.
1932 й. 7 февраль

Қимматли Каролина!

Одамларнинг ўзаро можароларидан қутулиб кетдим, деб ўйлаган эдим. Лекин шундай бўлиб чиқяптики, ҳатто бу ерда, Паҳлавонлар дарасида ҳам одамлар орасидаги қақшатқич кураш гувоҳи бўлдим. Ота ва фарзандларнинг поёни кўринмаган

Баҳслари жонимга тегди. Уғил, ҳеч сўзсиз, отаси йўлидан бориб, унинг фикр-зикрини рўёбга чиқариши керак, деган мулоҳаза кимдан чиққан, билмадим. Лекин шуни биламанки, «оталарнинг» буюк идрокини қон жиҳатдан бутунлай бегона одамлар кенг ёйганлар.

Инсоният қанчалар шуҳратпараст! Наҳотки менинг дунёғарашига эргашувчи бўлмапти, деб мен нон емаслигим керак? Ё бўлмасам, юз минглаб кишиларнинг менинг сўзларимни маъқуллаб олқншлашидан нима фойда?

Менинг тахлитимдаги одам ортиқ дунёга келмаслигини, менинг ғояларимни давом эттирмаслигини олдиндан туриб билман. Лекин шундай бўлар экан, деб мотам тутмоқчи эмасман.

Музликлар ва юлдузлар ҳукмронлиги қаршида инсонларнинг барча ишлари майда-чуйда эканлигини ҳис қилиб қолсан. Шилиқ қуртларнинг «бадан тарбия майдони» менга шуни эслатади: шилиқ қурт не азоблар билан бир энли йўлни босиб ўтади, шу топ бир кичкина одам ўтиб қолиб, босиб-янчиб кетади уни...

Инсоният тарихида гениал ғоя найза ёки снаряддан ортиқ ишлар қилган деган гаплар бекор. Қудратли лашкарбошилар ва мустабидлар ўз даврининг энг улуғ кишилари заковатини пучга чиқариб ташлаган; бирор масаланинг ҳал бўлишида ҳаққоният эмас, бирор кимсанинг ҳис-туйғулари кўпроқ таъсир кўрсатган....

Бас, бас, энди! Тиним билмас фикр-мулоҳазалар ҳатто шу ерда ҳам қўймайди ўз ҳолимга. Тур нари, иблис!

Бугун кечга бориб ҳаво анча ёришди. Қуёш ботиши олдида Кавказионининг нақадар гўзаллигини таърифлашга мен ожизман!

Унинг ярақлаган чўққиларига, яхлит музликларига тикилсан-да, бу оламда ҳали ҳеч кимса, ҳеч қачон ўлмаган деган ишончга келасан. Улмасликнинг тоза нафаси уфуриб туради уллардан.

Паҳлавонлар дарасидан ўн минутча йўлда қирғий тусида, пирамида шаклидаги бир баҳайбат тош ётади; текис бир жойда бу тошнинг қандай пайдо бўлиб қолганига ақлим етмайди. Тоғлиқлар бу жойдан анча узоқда, қорамтир дараларнинг нариги томонида. Бу якка харсангнинг қаердан келиб қолганини, ўпирилиш чоғида бунга қандай тушиб қолганини тасаввур этолмайсан киши. Худди осмондан тушгандек туюлади сенга. Балким шунинг учун мен шу тош ёнида ўтиришни яхши кўрарман; овдан қайтаётиб, доим, унинг тагида ўтираман. Менинг биродарим бўлиб қолган бу ҳайбатли харсанг аллақачон қор кафанида.

Бу харсанг билан шундай яқинлашиб кетдикки, гўё бу музликлар подшоҳлигида биз бир кунда дунёга келгандай. Унинг бутун туриш-турмуши менга осойишталик бахш этади. Яқинда турган бўрон унинг устидаги қорни учириб кетибди-ю, қирғий тусидаги биродарим яна чеҳрасини кўрсатди.

Ёнига бораман-да, шундоққина ёнбошида ўтираман. Отинг

нима, қаеринг огрийди, қачон келдинг ёки қачон кетасан, деган саволлар билан қийнамайди у мени. У мангуликнинг ўзидай совуқ ва лоқайд. Назаримда сван Далиси эрта саҳарлаб худди шу ерга келиб ўтирадигандек, даралардан эчки подаларини чорлаб, худди шу ерда най чаладигандек.

Харсангга кўз югуртираману, бутун борлигимга қандайдир ёқимли ором қуйилади. Шунда менинг наздимда, менинг ўзим ҳам гўё шу харсанг руҳининг бир бўлагидек бўламан-қоламан...

Хайрли тун, азизим. Меним учун кичкина Татияни ўпиб қўйинг, бебахт Лукая Лабахуага мендан салом айтинг.

Йўқ, айтманг! Менинг бу ердалигимни Лукая билмасин. Бўлмасам, тириклигимга севиниб, бизнинг Сванетияда яширишиб юрганимиздан оламга жар солади.

Ҳар доим сизники бўлмиш

Тараш Эмхвари».

«Паҳлавонлар дараси.
1932 й. 18 февраль.

Азизим Каролина!

Сизга бир галати воқеани сўзлаб бермоқчиман. Сизнинг кўнгилчанлигингизни билганимдан, бу воқеа сизга маъқул бўлади, деган фикрдаман. Утган хатларимдан бирида Арзакан билан Қац Звамбаянинг қаттиқ уришиб қолганликларини айтган эдим. Уша кундан бери улар бир-бирини еб қўйгудек бўлиб юрарди. Яқинда Арзакан билан Саур бирдан ғойиб бўлди.

Арзакан билан Саур ака-ука тутинганидан хабарим бор эди. Мен бир куни, Саур нақшинкор ханжарининг кумушидан қариб олиб, ароқ тўлдирилган қадаҳга солганини ва иккови қадаҳни сипқариб юборганини кўрган эдим. Сванетияда шу тарзда ака-ука тутинар эканлар.

Дарада қаттиқ ухлаб қолибмиз.

Қац Звамбая уйғониб Арзаканни чақирди. Ҳа деганда жавоб бўлавермагач ва унинг дарада йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, Қацнинг жони халқумига келди. Бири биридан даҳшатли минг хил хаёлларга борди. Шовқин солиб ҳаммамизни уйғотди.

Темур Саур ётган жойга борди. Қараса у ҳам йўқ. Иккала йиғит ов анжомларини ола кетганини кўриб Темур бир оз тинчиди.

Қац Звамбая серзарда одам бўлгани билан жуда меҳрибон ота. У Арзаканнинг ҳаётини заҳарлашга заҳарлайди-ю, лекин ўғли бошига мушқул тушгудек бўлса борми, ҳамма нарсани унутади.

Қарабсизки, Қацнинг хаёлига минг турли даҳшат келаверибди. Кечаси ёмон туш кўрган эмиш, Арзакан ҳалокат ёқасида эмиш. Овга қизиқиб, Кавказ чўққисидан ошиб ўтиб кетиб қолиши мумкинмиш. Шундай бўлса Арзакан Москвага кетиб қо-

лармиш. Москвада эса, Тарбалар Малазониани ўлдиргандай ўлдириб юборармиш. Отаси узоқда қолиб ёрдам беролмасмиш...

Қац ташвишда қолиб, ўчоқ қошида чўккалайди ва ўзини лаънатлай бошлайди. «Ўзим ҳол-жонига қўймадим,— дейди жиғибийрон бўлиб,— лекин нима десам ҳам яхшилиқни раво кўрганимдан гапирдим!»

У шу алфозда кечгача гулхан ёнида ўтирди, оҳ-воҳ қилиб, гинаклардан мўралаб, Арзаканни кутиб кунни кеч қилди. Лекин қоронғи тушиши билан Қац Звамбая ўзини қўярга жой тополмай қолди: ўлик тепасида тургандай, Тарбалар Арзакан билан Саурга дуч келиб, уларни ўлдириб юборгандай, фарёд чека бошлади.

Темур ҳам ташвишлана бошлади. Тонг ёришар-ёришмас ўрнимиздан турдик, оёғимизга чангак боғладик-да, альпенштокларни олиб, уларни излаб, музлаган сўқмоқ бўйлаб кетдик. Паҳлавонлар дарасидан чиқиб, улар изидан ўнгга қараб юрдик, Арзакан билан Саурнинг овга кетганига ишончимиз комил эди.

Шу куни кўрган-кечирганларимизни тасвирлаб бера олармикин сизга? Икки марта альпенштогим сирғалиб кетиб, жарликка қулаб кетаёздим. Иқрор бўлишим керакки, чоллар мендан кўра чидамлироқ экан. Темур бўлса чайир, нақ тоғ такасининг ўзгинаси! У билан юрсанг компас ҳам, харита ҳам керак эмас.

Йўлдан адашмай, ҳатто, четлаб ҳам кетмай, ўттиз километр йўл юрдик.

Темур Кавказ тизма тоғининг сван тармоқларини ҳар бурилиши-ю, ҳар бурчигача — ҳар чўққию, ҳар сўқмоқни билди. Шу ёшгача у беш юздан ортиқ такани отиб йиқитган, у йиқитган кийикларининг эса ҳисобига етиб бўлмасди.

Биз Қорачой чегарасигача етиб бордик. Қоронғи тушгандан кейин эса Темур адаша бошлади. У буни бизга билдирмасликка ҳаракат қиларди, лекин Қац билан мен бир ишқаллик борлигини сезиб турардик.

Қаҳратон совуқда, музликда тунаб қолиш нақ ўлим деган гап. На овчилар бекати кўринади ва на дара. Шунча йўл юриб, бирор тирик зотга дуч келмадик.

Шу маҳал аллақайдандир калхат кўтарилди. Биз унинг учинини кузатдик. У доира чизиб бориб, жарликка шўнғиди. Қац Звамбая унинг кетидан қараб қолди, кейин сўқмоқ бўйлаб паства югурди ва тўсатдан ўзини ўзи ура бошлади. Билсак, калхатлар икки одам мурдасини чўқилаётган экан.

Мурдаларнинг ёнгиналарида, қорда бўш гилзалар ётарди. Қац Звамбая булар Арзаканнинг биротар милтигининг гилзалари, деб туриб олди. Арзакан билан Саурнинг ўлдирилганга ортиқ шубҳа қилмас эди у.

Қалхатлар базм қурган жойга етиш учун, сўқмоқ бўйлаб яна уч километрча юриб, кейин яна дара билан бориш керак эди. Йложимиз қанча, тошларнинг туртиб чиққан ерига гармаша-

тармаша туша бошлаймиз; ниҳоят етиб оламиз. Қарасак: иккита овчи чалқапчасига ётибди, икковининг ҳам кўкрагини ўқ тешиб ўтган.

Темур уларнинг юзига тикилиб қараб қичқириб юборди; мурданинг бири унинг адаши бўлиб, хундор рақиби шу ерда уни тонган эди. Улар ов чоғида тўқнаш келиб қолиб, олишиб сир-бирини ўлдириб қўйган бўлсалар керак.

— Йигирма йил бурун тўкилган қон уларни бир-бирига шу даража ашаддий душман қилган. Мана шу тариқа иккита инсон бемаъни ҳалок бўлди,— деди Темур.

Биз йўлимизни давом этдирдик; бизнинг шундан бошқа иложимиз йўқ эди. Тоғдан ошиб ўтдик, кейин яна дара билач кетдик. Ниҳоят Сванетиянинг шундоққина чегарасидаги бир қишлоққа етиб бордик.

Оқ сван минорларини кўрганимизда қанчалар севиниб кетганимизни сиз тасаввур қилолмайсиз.

Ой ёруғида у ажабтовур кўринади... Етиб бўлмас чўққида найзадек осмонга қадалиб турган қуббаларни кўрганингизда, улар одамнинг эмас, шайтоннинг иши деб ўйлайсиз.

Тоғ ён бағрида қадим замонларда бунёд этилган кўримсизгина черков ҳам бор. Яқинроқ борганимизда бу гумбазлар таги қоронғилиқ макони эканлигини кўрдик.

Бўронлар, ёмғирлар ва юз йилликлар бу ерда кўп иш кўрсатган кўринади. Ҳамма ёқда жимлик ва қаровсизлик. Тоқиравоқлар, кесилган харсанглар ва синган барельефлар шундоққина оёқ остимизда ётарди.

Қор ой нуридан ҳам ортиқроқ ярақлар, оқ миноралар эса қор билан ойдан ҳам ортиқроқ кўзни қамаштирарди.

Қишлоққа кириб бордик. Ё алҳазар! На ит акиллайди, на одам товуши эшитилади...

Шинаклардан сокин ва зим-зиё қоронғилик мўралайди.

Бу ўлик шаҳар қиёфаси мени ларзага солди. Назаримда, биз уйқу оламга келиб қолгандек эдик.

Совқотиб, чарчаб келиб биз, сван меҳмондўстлигига ва иссиқ хонага кўз тутган эдик. Бунинг ўрнига бизни жимжитлик ва даҳшатли совуқ кутиб олди.

Йўлга кўз тикамиз, оппоқ қорда одам изи кўринмайди. Томларга қараймиз, буралиб кўтарилган тутундан асар йўқ.

Энди нима бўлар экан, деган ўйда, юрак ҳовучлаб, олдинда бораман. Бу қанақа қишлоқ деб Темурдан сўрайман; унинг айтишича, бундай қишлоқнинг борлигини у ҳатто эшитган ҳам эмас экан.

«Қаёққа келиб қолдик? Тушми бу ё ўнг!» деб ўйлайман.

Шу чоқ, қўққисдан, қорликлар орасида қотмадан келган, оппоқ соқолли, оқ қалпоқ билан оқ чоха кийган буйдор чол кўринди. Агар билсангиз, мен сал примчиман. «Нариги дунё элчисимасмикан?» деган фикр келибди миямга. Тирик инсонми ё арвоҳ, билишга ошиқардим.

— Ассалому алайкум!— узоқдан туриб салом бердим оқсоқол кишига.

У жавоб қилмай, тўғри мен томон юрди.

Эркак одам бошқа бир эркак олдида қўрқувини яширади. Олдимда Қац Звамбая билан Темур бўлмаганда, қўрққанамдан қочиб кетардим.

Лекин ўзимни тутдим-да, чол қошига бордим.

Чолнинг ёнига қора бандли ханжар осилганини кўрдим. Бу ҳол мени сал тинчитди. Негаки, ўлганлар руҳи яроғ тақиб юрганини ҳеч қачон эшитмаганман.

Чол мен билан сван тилида шошмайгина саломлашди. Мен шу даража севиниб кетдимки, ҳатто қучоқлаб олишга ҳам тайёр эдим:

— Ассалому алайкум!— дедим овозимнинг борича.

— Алайкум ассалом, худо ёр бўлсин!— деди чол ва грузинча сержун, узун қўлини чўзди.

Шу орада Темур билан Қац Звамбая ҳам келиб етишди.

Темур чол билан сван тилида сўзлаша бошлади.

— Икки ёш овчига дуч келмадингизми?— деб сўради.

Чол бош иргитиб, жилмайди.

— Кўрдик,— деди у,— ўғилларим иккита ёш овчига дуч келишган экан, уйга таклиф қилишибди. Фақат фамилияларини билмайман.

Биз у йигитларнинг белгиларини сўрай бошладик; унинг тасвирлашидан биз у икки йигит, дарҳақиқат, Арзакан билан Саурлигини билиб олдик.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, тасодифнинг ажиблигига ҳайрон қолмай бўладими?

Қац Звамбая гўё туғишган акасига дуч келгандай чолни қучоқлаб олди; аввал унинг ўнг елкасини, кейин таралган жунга ўхшаш узун, оппоқ соқолини ўпди.

Биз йўлга тушдик ва йигирматача ҳовлидан ўтгач, итнинг ҳураётганини эшитдик. Сванетияда ит ҳуришини эшитиб биринчи бор хурсанд бўлишим эди: бу ернинг итлари шундай тишлонгич бўладики, уларга дуч келиб қолишни худо кўрсатмасин!

Чол минор ёнида тўхтаб:

— Ҳой!..— деб қичқирди.

Белига ханжар осган уч эркак бош чиқариб:

— Лаббай!— дейишди.

Қац Звамбая Арзаканни қучоқлаб, кўзларидан ўпа бошлади. Энагамнинг эрининг бунчалар меҳрибонлигини биринчи бор кўришим эди.

Биз кириб борганда оиланинг йигирма чоқли аъзоси бизнинг ҳурматимизга ўрнидан турди.

Бизни, узоқ сафар давомида бедарак бўлиб кетиб қайтган ўғлонларини кутиб олгандай, қаршилашди. Оёғимизни ювиш учун иссиқ сув келтиришди. Биз ювиниб бўлмасимиздан икки йигит ҳозиргина териси шилинган эчкини кўтариб кирди.

Опоқ соқолли чол Махвшнинг курсисига ўтирди ва биз билан суҳбат бошлади. Унинг овози шундай ёқимли эдики, гўё оғзидан бол томарди.

Мен ўзимни босиб ўтиролмадим, қишлоқларида нега бунча одам камлигини сўрадим. Кейин билсак, юз йилча муқаддам, чўққининг париги томонидаги одамлар бу қишлоқ одамларини қирғин қилган экан. Бу қишлоқнинг йигитларидан бири, Лама-рия байрамида, ўша томондаги тоғлиқларнинг бирининг қалли-нининг қўлини зўрлик қилиб ушлагани бунга сабаб бўлибди. Жазочилар қишлоқнинг ёшу қарисини бирдай қириб юборибди; эмизикли болалар билан бир нечта кампиргина омон қо-либди.

Йиллар ўтибди. Етимлар улғайибди. Орадан эллик йил ўт-гач, улар душманларидан қасос олишибди.

— Уша томондан қишлоғимизга беш юз қалпоқ олиб келга-нимиз ҳали-ҳали ёдимда,— деб ҳикоя қилди Махвш,— беш юз эркакнинг ўлдирилганидан нишона эди бу. Иккала қишлоқнинг аёллари қора кийиниб, сочларини ёйиб, йиғи берувчилар кети-дан фарёд чекиб бордилар. Олдинда эса эгасиз қолган қалпоқ-ларни кўтариб боришди!.. Уша даҳшатли оқшомни эсласам, ҳа-ли-ҳали этим жунжикиб кетади,— дейди Махвш.

Дастурхон ёзилди. Чол қадаҳга арақ қуйди-да, катта ўғли Мирзага узатди.

— Қадрли меҳмонлар!— деб гап бошлади у.— Мана бу паҳ-лавонни кўряпсизларми? Унинг исми Мирза. У менинг яккаю ягона ўғлим. Беш ўғлимни хундорларимиз ўлдиришган. Хона-донимиздаги ёшларнинг бари шу Мирзанинг бола-чақаси.

Мен гулхан атрофида ўтирган эркаклар ва уларнинг орқа-сида тик турган аёлларга кўз югуртирдим. Ун уч йигиту, бири биридан кўҳлик, малла соч, кўзлари порлаб турган уч аёлни кўрдим.

— Мирза ёлғиз ўғлим бўлгани билан,— деб гапини давом эттирди Махвш,— кўнгилли бўлиб урушга кетди. Яроғни жонидан афзал кўради, шунинг учун ҳам кетган бўлса керак. Ғарбий фронтда жанг қилган. Ўғилларимдан бирортаси душманга орқасини ўгирмаган. Мирза урушда узоқ жанг қилди, уч бор яраланди.

Махвш узоқ гапирди, лекин мен қисқа қиламан.

Карпатдаги жанглардан бири давом этаётганда Мирзанинг стряди австралияликлар ўққа тутиб турган бир ўрмонга развед-кага боради. Артиллерия оловидан ўрмонга ўт кетади. Юз йил-лик эманлар қамишдек майишиб тушаверади. Ўрмон ҳайвонла-рининг ўкириши-ю, ёниб тушаётган дарахтларнинг тасир-тусури, разведкачиларни ваҳимага солади.

Отларини қайси томонга буришмасин, ўт-оловдан таркиб тўпмиш девор. Мирзанинг командасидан уч рус ва икки грузин ҳалок бўлди. Ниҳоят, Мирзанинг ўзи ҳам снаряддан яраланади. Бечора Мирза ўлимнинг кўзига тик қараб чўзилиб қолади. Бир

кеча қадамгина нарида замбарак ўқлари баҳайбат дарахтларни илдири билан кўпоради.

Мирза чўзилиб ётганича тонг ёришишини ва ҳалок бўлишини кутиб ётади.

Тўсатдан венгер патрули кўриниб қолади. Командир Мирза ёнига келади, отдан ирғиб тушади, уни эгарига ўткизганча ўзлариники томон олиб кетади. Шу кундан бошлаб командир Мирзани худди акасидай парваришлайди.

— Уша бегона юрт одами ўғлимни ўлимдан сақлаб қолди, — дейди Махвш. — Ушандан бери, Мирза уйга қайтгач, биз ҳамма вақт биринчи қадаҳни ўша одамнинг саломатлиги учун кўтарамиз.

Биз индамай шохни сипқардик. Мирзанинг қизи қилич осиб юрадиган қайиш келтириб, менга кўрсатди: унда венгер тилида: «Шандор Сечен» деб ёзилган эди.

Бу сванларнинг шу одатга қанчалар содиқ эканликларини кўриб, ақлим тапг қолди, азиз Каролина. Музликлар ҳокимлиги чегарасидаги узоқ, ташландиқ қишлоқда, неча йиллар давомида, ўша бегона юрт одами саломатлигига қадаҳ кўтариш билан бошланса-я овқатланиш.

Дарҳақиқат, муҳаббат бўлмаганида душманлик бу оламни тамомила қонга ботирарди.

“Т. Э.”

ҚОРА ХҲҲҲ

«Қадрли Каролина!

Қор ҳали ўз ҳукмини ўтказаётир, лекин аллақайлардан эсан баҳор нафаси ҳатто Паҳлавонлар дарасигаям етиб келаётир. Музликлар қўнғир тусга кирди. Ҳар ер-ҳар ерларида қора доғлар пайдо бўлди. Жарликларда жилғалар айқира бошлади. Енгил, мусаффо ҳаво ўпкаларни тўлдиради, мушакларга куч-қувват бахш этади.

Кеча карқурларни овлаб юриб, бир қизғишини кўриб қолганимда бирдан қалбим қувончлар-ла тўлди. У баҳор таъсирида маст-аласт эди, тумшугуни очиб, чийиллаб-чийиллаб қўярди. Унинг кўксида ҳам баҳор гул очган бўлса ажабмас.

«Чи-й, чи-й, чи-й!» — қичқиради узоқ дарада карқур; у ҳам маҳбубасини излаб юради...

Қора қайин тагида бинафшалар бош кўтариб, фируза осмонга қараб жилмайди.

Музлаган юрагимни иситиб, харсанг устида узоқ ётдим.

Кейин ўрнимдан туриб, гандираклаб юрдим. Паҳлавонлар дарасидан узоқлаб кетиб, ғалати бир манзарага кўзим тушди. Йигирма-ўттиз илон бир-бирига чирмашиб, копток бўлиб, офтобда шаҳватга берилган эди.

Гамбургда денгиз соҳилидаги океан кемаларининг чувалашиб ётган арқонларини кўргандирсиз балки? Катта-кичик илонлар худди шу тариқа бир-бирига тармашган бўлиб, биланглаб турган таналарнинг боши қаердалиги кўринмасди.

Шу чоқ илонларнинг саркори бошини осмонга кўтарди, худди қуёш узатган байроқни табриклагандай бошини сарак-сарак қилди, қуёш шуълаларида унинг икки кўзи олмосдек ярақлаб кетди.

Унинг кетидан бошқа бири чўзилди. Иккови бошини чайқаб, бир-бирига суйкалиб офтобга чўзилишарди, лекин гавдалари бир-бирига чалкашиб кетган эди. Эндиликда эса, осмонга тикилган тўрт олмос кўз, бир вақтлар одамлар инжилдаги худонинг беўхшов чеҳрасини табрик этгандагидай чақнарди...

Яна ярим соат чамаси бошимни қуйи эгиб йўл юрдим. Бояғидай ғаройиб яна бир манзара устидан чиқдим. Бу ерга яқин жойда ўпирилиш натижасида тилка-пораси чиққан тоғ бор. Шу тоққа қараб турсам Дантенинг жаҳаннами ёдимга тушади. Баҳайбат бир тоғ аёз туфайлими, бўрон туфайлими ё вулқон туфайлими тилка-тилка бўлиб кетган эди.

Майда-майда бўлиб кетган, теварак-атрофда ёйилиб ётган тошлар Грециядаги амфитеатрнинг парчаланиб кетган зиналарини эслатарди. Пастда, тасаввур этиб бўлмайдиган чуқурликда баланд тоғ тепасидан қулаб тушган баҳайбат харсанглар устма-уст бўлиб уюлган эди.

Тоғ этагида эса карқурлар макиёнлари бир тараф, икки хўрози бир тараф тизилишган эди: эркаклари олдинга чиқиб дўғайишар, қанотлари-ла тортилган доира бўйлаб кеккайишиб юришарди; кейин чизикдан чиқиб, кўкракларини кериб бир-бирларига отилишар, бир-бирларининг тожларини чўқишар, елкаларига миииб олишар, бирлари ғолиб келгунга қадар қонларини оқизиб уришишарди.

Мағлубни ҳеч ким ёқтирмайди. Макиён карқурлар ҳам ёмон кўришади мағлубни. Улар энгилган хўрозни қувишади, расвоси чиққан шўрлик эса бирор харсанг ёруғига яширинади. Мен бу ҳақда Темурдан кўп ривоятлар эшитган эдим. Энди эса бунни ўз кўзим билан кўрдим.

Урмнига яна ичкарилаб кетдим.

Ёлғизлик ўзим билан сўзлашишга ўргатиб қўйибди. Тунов куни Темур ҳам шундай деб эди. «Ўзинг билан ўзинг шундай берилиб гаплашаётган эдингки, ёнингда Саур ҳам бордир, деб йўлабман»,— деди у.

Бу ерда миямга болаларча, тўғрироғи, ёввойи фикрлар келишини тасаввур ҳам қилолмайсиз! Темурдан анча-мунча афсунларни ўргандим, Лукая Лабахуадан эшитганларимни эсимга туширдим. Уларнинг бирида: «Денгиздан чиқди одам ва қутурди йўлбарсдай», дейилади. Ростини ҳам шу: текисликдан бу ерга келган одам, бундайини ажиб табиат оғушида талвасага тушиб қолиши тайин...

Баъзан қуёш тигида юз тубан тушиб ётаман. Шунда, ернинг қаъридан гулдураб чиқаётган кўклам нафасини тинглайман. Ёинки, паҳлавонлар дарасида ухлайман, музликлардан эса қор уюмлари кўчади, шунда менинг наздимда, жарликларда денгиз ўкираётгандай туюлади...

Ҳа, баҳор келди, унинг қўшиқлари эса қизилтўшнинг томиғидан қуйилиб чиқаётир. Музликларни гулдурашиб, қалпоғини ярқиратиб баҳор келди, қарабсизки, илон офтобга интилиб қолибди, дараларда эса карқур макиёнини чорлай бошлабди...

Бу баҳор менга нима олиб келишини ким билади дейсиз? Яширмайман, бунда, горда мен уни зўр ҳаяжон билан кутаман.

Сванлар кўрсичқон қуни байрамини ўтказишди. Баҳор келиши билан қишлоқнинг бари эркаклари тўпланиб, шам ва учтадан кулча олиб йўлга тушишади. Миноралар кўринмайдиган жойга етгандан кейин эса, тиз чўкишади, шамларни ёқишади, учтадан кулчани қурбонлиққа беришади-да, кўрсичқонлар худосига сиғинишади.

Бу қадимий диний удум қандай пайдо бўлдийкин-а? Қолхида фетишизми ҳақидаги ишимни бутунлай ташлаб қўйдим. Унинг кимга кераги бор? Қаламим ҳам адо бўлиб қолаёзди: хатни ёзиб тугатишимга етиб берса ҳам яхши.

Тун, мен хат ёзиб ўтирибман, қаердадир узоқлардаги жарликларда кўклам гулдурайди ва сокин тоғликларда акси садо беради. Зим-зиё горнинг қаеридандир мисга ўхшаш қизғиш ой сузиб чиқади. Музликлар пешанасини ҳарир рўмол янглиғ безайди-да, кейин яна бошқа горга кириб гойиб бўлади. Хуллас, бу она тупроқдаги ҳамма нарса сингари ой ҳам у гордан бу горга ўтиб сандироқлайди. («Дэла-мица» — «она-тупроқ» деган сўзни жонимдек яхши кўраман!»)

Кунларим ана шундай секин ўтади, энди мен кўрсичқон худосига топиниб, кунларимни бунчалар чўзмаслигини тиламоқчиман.

Аммо, ҳар ҳолда, менинг кўрсичқондан фарқ қиладиган жойим ҳам йўқ эмас, ахир мен ўтган кунимга ўгирилиб қарай оламан-ку!

Бундай қараганда бутун ҳаётим шундоққина яққол кўрилади: ҳаётим ой сингари бир гордан иккинчисига ўтиш билан кечган экан.

Мен ҳар доим хотирамнинг яхшилиги билан ажралиб турардим. Эндиликда эсимни таниган чоқларимда кўрган-кечирганларимни бир эслаб олмоқчиман.

Бир вақтлар онам менга сут ичиш учун хитой косаси — бамбукдан ясалган қоша сотиб олганди. Ҳали-ҳали эсимда, шу коса тубига қора хўроз сурати туширилган эди. Хўроз сурати шундай яхши чизилган эдики, мен уни ростакан хўроз деб ўйлаб, силаб ҳам кўрганман. Шу қора хўрозни тирик деб ўйлабман! Ўша қип-қизил тожли қора хўроз ҳали-ҳали ёдимда.

Ешлик таассуроти ҳаммадан кучли. На Грузияда ва на Ев-

ропада дарбадар юрганымда кўрганларимнинг ҳеч қайси бири, мен илк бор косам тубида кўрган қизил тожли қора хўроздай тасаввуримни банд этмади. Уша қора хўроз авлодимиз тамғаси мисол бутун умр менга ҳамроҳ бўлди. Ким билади, балки мен ўша коса тубида аждодларимиз қони эманация¹сига дуч келгандирман?..

Азизим, Махвш минорасида ёзган мактубларимнинг ҳаммасини сизга йўлладим. Лекин мана шу топда ёзаётганимни ҳаётлигимда юборишга муваффақ бўлишимга ишончим комил эмас. Балким Тарбалар бирор дарада мени дуч келтириб асфаласофилинга юборишар-да, бирор кимса хатни топиб олиб сизга юборар. Бу мактуб менинг иқрорномам бўла қолар. Сиз шундай юмшоқ кўнгилли одамсизки, ўқиб чиққач, раҳмингиз келиб, мени кечирарсиз.

Бу ерда ҳикоя қилганларим учун бирор кимса мени қоралайдиган бўлса, энди бу мен учун барибир. Негаки, менга отилган найзалар бўшлиққа бориб қадалади.

Шилиқ қурт чиғаноғини ечиб ташлагани мисол, мен ҳам бу ғорда теримни шилиб ташлаётирман.

Олдинги бемаъни ва енгил ҳаётга ортиқ ҳеч қачон қайтмайман! Балки ўша қора хўроз ҳаётим аравасини чекка²га буриб юборди чоғи.

Одам фақат тўғри йўлдан бориши керак, деб ким айтибди? Тикка, тўғри нарсa ҳатто, табиатда ҳам бўлмайди,— бу математик тушунча, холос. Музликларнинг ҳам, бизнинг ғорни қуршаган бошқа нарсаларнинг ҳам чизиқлари синиқ. Табиатда ҳамма нарсa тўғри эмас, балки спираль тарзида ривожланади.

Хуллас, қора хўроз ҳаётимнинг эртанги ва кечки шафогини белгилаб турди. Унинг виқор билан «қу-қу»лашига маҳллё бўлиб эргашаверибман. Ундан бошқа нарсалар ҳам бўлган албатта. Эсингиздами, Тбилисига кетаётганимизда сиз менга ғарб цивилизацияси таъсирида бузилгансиз, деган эдингиз. Ушанда мен тўғри жавоб қилмай, гапни чалғитиб эдим. Энди ростини айтаман: ўшанда сиз ҳақ эдингиз!

Ғарбнинг суперэротик² ва снобистик³ цивилизацияси инсон қалбини пўк қилиб қўяди.

Масалан, Европа санъатида аёл кишига қанчалар катта жой ажратилган! Христианликнинг, айниқса, католик христианлигининг қаттиқ таъсири туфайли шундай бўлиши керак.

Христианлик илоҳий учликка аёл жинсидан бўлмиш кимсани қўшган. Абадий латофатни Данте ва Гётега хос кўкларга кўтариб мадҳ этиш шундан келиб чиққан.

Рассомчиликдаги Марияга, Петраркадан Рильекегача бўлган

¹ Эманация — радиоактив элементларнинг емирилишидан ҳосил бўлган газ ҳолидаги модда. (Тарж.)

² Суперэротик — шаҳватни юқори қўйиш.

³ Снобистик — қуруқ олифтагарчилик.

минглаб мадонналарга бағишланган суратлар ва шеърлар шу тариқа дунёга келган.

Европа санъатидаги ягона ва доимий илҳом манбаи ҳам аёлдир.

Қадимий грек маданияти, асосан, мардонавор бўлган. Успирин Аполлон ёруғлик ва гўзаллик худоси саналган. Бутун қадимий грек поэзияси ва ҳайкалтарошлиги йигит кишига ҳамду санолар қилган...

Оқшом палла, одатда, форда ўтираман ва тақдирим китобини варақлайман. Баъзан қаршимда маъшуқаларимнинг сурати пайдо бўлади.

Немис «шатцлари»¹ ва француз «гризеткалари»² ҳақида гапирмаёқ кўя қоламан. Улар ҳаётимда кўп бўлган, бир-бирларига шундай ўхшаш бўлишганки, ҳатто исм-шарифлари ҳам ёдимда қолмаган. Энди уларнинг ҳаммасини бир исм билан Эльза ва Генриетта деб айтавераман. Улар мендан ортиғини талаб ҳам қилишмасди: муҳаббатларини бир чашка шоколадга сотишарди улар.

Қатта шаҳарлардаги гуллар билан безатилган болохоналарда ёки дарпардалик деразалар ёнида хаёл суриб турган қизлар эсимга тушади. Уларнинг мияси сентименталь шеърлар ва бемаза романлар билан шунчалар заҳарланганки, улар беғона юртдан келадиган шаҳзодалар хаёлида яшашади-ю, биринчи дуч келган муттаҳамнинг бўйнига осилишади.

Эҳ, бу маъшуқа қизлар! Уларнинг неча-нечалари Европанинг ҳисобсиз вокзалларида мени кузатган! Нечалари йиғлаб-йиғлаб кўзи қизариб қолган перронларда.

Рақибаларни гижгижлатиб қўйиб, иблисларча лаззатланардим; опа-сингиллар мен туфайли соч юлишишса, қадрдон дугоналар мен туфайли бир-бирларини юмма талашса севинардим.

Мухтарам зотларни лақиллатишни ўлгудек яхши кўрардим. Мюнхенда бир профессорни кига бориб турардим.

Илм йўлига ўзини тиккан бу тентак хотинининг топшириғи билан менга телефон қиларди. «Луиза зерикяпти,— дерди у,— марҳамат, бизни кига кириб ўтинг...» Мен бирор ёққа жўнайдиган бўлсаму, Луиза мени кузатгани вокзалга келолмаса, эри гул кўтариб кузатгани келарди.

Мана шу ўргатилган эрларни эсласам кўлгим қистайди. Бир немис майори менга кунда телефон қилиб: «Антонина сизни соат бешга чойга таклиф қилипти», деярдди... Уйига борганимдан кейин эса, нўноқ шеърларини ўқий бошлар ва тўсатдан, қарта ўйнайдиган эдик, деб узр сўраб, кетиб қоларди.

Жуда қадрсизламоқчи эмасман уларни. Европалик аёллар даврасида қанча-қанча ширин онларни кечирдим.

¹ Ш а т ц — суюқ оёқ.

² Г р и з е т к а — енгилтак қиз.

Лекин хўрозим ҳамма вақт айни паллада қичқирарди. Устомонлик билан қўйилган тузоқларни босиб-янчиб ўтиб кетардим; эр-хотинлик бўйинтуруғидан қочиб қутулиб қолардим.

«Осиёга хос» эҳтиросни севган сентименталь қари қизлар ва банкирларнинг хотинлари эсимга тушади: «дўст» излаган, зериккан беваларни, ёшлар орасидан «истеъдодли» санъат мухлисларини изловчи меценат¹ аёлларни, шаҳвоний ҳисдан нафратланган, теософик конгресслар ва спиритик кечаларда «яқинига» бўлган Христиан муҳаббати ҳақида гап очадиган қора либосдаги аёлларни эслайман.

Шу кўланкалар оломони орасида Эльвира Фоконьерининг чақнаган кўзлари шундоққина ажралиб турарди. Эльвиранинг оламда энг яхши кўрган нарсаси танца эди. У, қаерда бўлмасин, қачон бўлмасин, танца тушишга тайёр эди. Биз у билан бориб танца қилмаган жой қолмаган десам, хато бўлмас.

Эльвира малла аёл эди, қорачадан келган фарзанд кўришни орзу қиларди. У Милан касалхонасида туғолмай ўлиб кетди. Аянчли касалхона шароитида қимир этмай ётганини кўриш қанчалар ларзага солганди мени.

Эльвира Фоконьеридан кейин Анна-Мария Фестнер билан яқинлашдим. Бу аёл омади юришмаган қўшиқчи эди. Мен унга эргашиб шаҳарма-шаҳар кездим, кейин уни Шваривальдга олиб кетдим. Анна-Мария ҳам фарзанд кўришни орзу қиларди-ю, она бўлиш санъатига халал беришидан қўрқарди. У боласини олдирди ва қони заҳарланиб ўлиб кетди.

У пайтлар мен Парижда эдим. Анна-Мариянинг ўлимига жуда ачиндим. Аммо яна баҳор келди ва қора хўроз яна қичқирди.

Парижда Элен Ронсер билан танишдим.

Лекин бу гал мен катта хавф остида қолдим, лекин тарозининг бир палласида Эленга бўлган муҳаббатим турган бўлса, иккинчи палласида онамга, она юртимга, болалик хотираларимга бўлган муҳаббатим турарди.

Хулласи калом, танҳоликда Паҳлавонлар ғорига етиб келдим.

Шу ёшимгача асосан икки одамни, Элен Ронсер ва Тамар Шервашидзени севдим. Лекин шуниси ҳам бор эдики, Тамарни безаган нарса Ронсерда топилмас ва аксинча, Эленнинг менга ёққан томонлари Тамарда йўқ эди.

Зугдидидан менга ёзган мактубингизда, «Тбилисида нима бўлганини билмайман, нега тўсатдан ғойиб бўлдингиз», деб сўрайсиз.

Тбилиси менинг Тамарга бўлган ҳис-туйғуларимни совутди. Орамизда қанча ихтилофлар ётгани шунда аниқ бўлди менга. Мен уни тотли хаёлимдаги қиз деб ўйлабман, у эса, айни замонавий қиз бўлиб чиқди. Буюмларчалик инсон характери айна

¹ Меценат — санъатга ҳомийлик қилган давлатманд одам.

очиб берадиган нарса бўлмас. Тбилисида кўрган буюмларимиз бизни бир-биримиздан айирди.

Бу ердан туриб Тамарга совуққина, ҳис-туйғусиз бир мактуб йўлладим. Бу хат қўлига бориб тегдими-йўқми, билмадим. Севган кишингни жуда ёмон кўриб бўлмас, деб ўйлайман.

Ўтмишим ҳақидаги ҳаққоний ҳикоя шу.

Балки сизга ҳам, ўзимга хос шафқатсизлик қилгандирман. Лекин бунга ортиқча эзилмайман. Негаки, сиз ҳам менга юзаки муомалада бўлгансиз. Мен барча хотинларга ва ҳар бир аёлга алоҳида олганда ҳам худди шундайман. Лекин сиз эрингизни, Татиянғизни, оиланғизни севасиз.

Бу ерда бир сван қизи бор. У овчи Темурнинг қизи, исми Ламария. Тамардаги нозиклик, латофат, сиздаги маънавий маданият йўқ унда. У оддий, қўпол сван қизи. Унинг сепкил босган чехраси ва таранг кўкраги бор. Унинг қайноқ оғуши Қора Махвшнинг сон-саноқсиз авлодини яна ўн-ўн икки кишига орттириши табиий.

Мен унга муҳаббат изҳор қилиб ўтирмай, уйланаман-қўяман. Мен Темурга ёқиб қолдим. «Агар водийга қайтмайдиган бўлсанг, шу ерда қолсанг, менга куёв бўла қол», деди у менга.

Унинг қизига берадиган сепи — мана шу минора, бир ботмон ер, икки юз така териси ва яна шунча шох, суяк қадаб нақш туширилган битта қадимий сандиқ, учта сван ханжари ва така овида иш берадиган учта бурунги оғир милтиқдан иборат. (Бундай милтиқ узоққа отишда жуда қўл келади.)

Йўл очилгач, агар Кац Звамбая ижозат берса, Арзакан Тбилисига жўнайди. Мен бўлсам, шу ерда қолиб, Ламарияга уйлансам керак.

Сизга ушбу сатрларни битарканман, музликлар оёғида пиш-қираётган баҳор денгизининг гулдураши эшитилади. Назаримда, оқ соқоли суворилар тоғдан тушиб келаётгандай, қиличларининг пўлаг шлём ва темир совутларга тегиб жаранглагани эшитилаётгандай.

Қаердадир узоқ-узоқларда, жарликларда қора хўроз қич-қираётир.

Соғ бўлинг, қимматли Каролина.

Сизга содиқ Тараш Эмхвари».

«ҲЕЙ, ЛАМАРИЯ»

Йўл очилиши билан, масленица¹ яқинлашгани учун Темур Паҳлавонлар дарасини ташлаб кетди.

Эмхвари ҳам шу байрам туфайли Қора Махвшнинг уйига

¹ Масленица — христианларда қишни кузатиш байрами.

йўл олди. Кора Махвшникида итлар, болалар ва рўзгор иши билан уймаланиб юрган кекса Гурандухтдан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

Қўққисдан аллақайдандир Арзакан пайдо бўлиб қолди ва ёруғ чехра билан Тарашга отилди.

— Нималар овладинг, Гуча?— деб сўради унинг елкасидан қучиб, самимийлик билан.

Сут эмишган биродарининг бундай илиқ-иссиқ қаршилаши Тарашни ийитиб юборди.

Тараш буркасини ечди, хуржунини елкасидан олди, така терисидан бўлган пўстинини ечиб ерга отди.

— Хўжайинлар қаёқда?— сўради у.

— Бугун аллақанақа «Муркваноба» бор экан, ҳамма ҳайитга кетди. Саур бўлса мени эрталабдан ароқ ичириб, ўларча маст қилиб қўйиб, ўзи қаёққадир ғойиб бўлиб кетибди.

Арзакан пўстинини кўтариб, Тарашни Махвшнинг меҳмонхонасига бошлаб кетди.

Эшикдан кираверишда Гурандухт тўнкага ўтириб олиб, сгир соғмоқда эди. Унинг атрофини қуршаб олган бешта бола ёғоч пақирдаги лиммо-лим сутдан ҳўплашарди.

Уч илон пақир тагида ётар, биттаси ҳатто пақир четига бошини қўйиб олганди. Буни ҳамма кўриб турар, лекин ҳеч ким ҳайдамасди.

Бу манзарани кўриб, Арзакан титраб кетди. Бегона одамларни кўрган илонлардан иккитаси қирққулоқлар орасига сирғалиб кирди, учинчиси эса болалар оёғи тагида яширинди.

— Мунча жирканч!— деди Арзакан Тарашга ўгирилиб.

Тараш унинг билагини қисиб қўйди-да, у билан бошлашиб меҳмонхонага кириб кетди. Арзакан Тарашнинг аланг-жаланг қилаётганини сизди.

— Қимни излаяпсан, Гуча?— деб сўради у.

Тараш хижолат чекиб:

— Ламарияни,— деб ғўлдиради.

— Ламария байрамда.

— Ҳайит қаерда бўляпти ўзи?

Арзакан буни билмасди.

Улар минорадан чиқишди. Анчагача улар тезак босган йўлдан жимгина бордилар.

— Ҳайронман, бу одамлар қачон ишлашади. Қачон қараманг ҳайит қилишади: бир қарасангиз — тангрига топинишади, бир қарасангиз — кўрсичқон кунини ишонлашади, бир вақт ўлганларни ёд қилишса, яна бир вақт алланима балоларни байрам қилишади!— деб ғазабланарди Арзакан.

— Буларнинг яшаш тартиби шунақа; камроқ ишлаб, кўпроқ ибодат ва дилхушлик қилишдан иборат. Нима ҳам дердинг уларга?— жилмайиб жавоб қилди Эмхвари.

Майин баҳор кунларидан бири эди. Октябр ўйларда қор эриб битган. Шудгор чеккаларида рангсиз, майин майсалар бўй

чўза бошлаган. Оппоқ момиқ булутлар ўтлоққа ёйилган эчки болаларидай осмонни тутган.

Тараш Эмхвари хаёлга чўмиб, Арзакан ёнида битта-битта юриб кетаётир. Эрта баҳорда сут эмишган икки биродар ўтлоқларда яйраб юрган болалик чоқларини эсларди у...

Паҳлавонлар ғорида узоқ вақт ёлғиз яшашликдан чарчаган Тараш болаликдаги дўсти билан сайр қилиб яйрамоқда эди. Гаплашаётиб Арзакан юзини Тараш томонга бурди. Шундагина Тараш унинг ароқдан маст бўлганини ҳис қилди, қулоқларигача қизариб кетибди унинг.

— Кейинги пайтларда кўп ичадиган бўлиб қолдинг-да, Арзакан,— деди Тараш.

— Бу ерларда бошқа нима ҳам қиласан? Саур икковимиз уч кундан бери муттасил ичяпмиз. Ароқ ичамиз, мерганликда синашамиз. Йўқ, Гуча, сенинг фикрингга қўшилолмайман. Ҳаёт, меҳнат қилиш ва курашиш учун берилган.

— Бошқаларни билмайману, менга бу жойлар жуда ёқади,— деди Тараш ва чўнтагидан тамаки олиб, газета қоғозга ўрай бошлади.— Соатим Паҳлавонлар ғорида тўхтаб қолди,— деди у.— Соат неча бўлганини биладиган кимса топилмаса керак бунда. Қўнларни ҳам чалкаштириб юбордим. Шундай ша-роитда руҳинг дам олади.

Европа кишилари вақт касаллигига чалинган бўлади. Бир вақтлар мен ҳам бошимдан кечирганман бу касаллиқни. Бир куни Парижда кечаси соатим тўхтаб қолди. Унинг чиқиллашига шу қадар одатланган эканманки, тўхташи билан уйғондим. У ерда ҳамма вақт шошилсан, холос. Шошилганидан, умринг ўтиб кетганини ҳам сезмай қоласан.

Бу ерда вақт имирслаб ўтганидан ҳисобдан адашасан. Бу музликларга тикилиб қолганинда, ўн ёки йигирма йил бир дақиқадай туюлади.

Улар бирмунча вақт шудгор ёқалаб жим боришди. Арзакан қўлини чўнтагига суқиб, бошини қуйи солиб, ерга тикилганича марзадан борарди.

— Ламарияга уйланмоқчилигинг ростми, Гуча? У зўр бериб сеп тайёрлаб ётибди.

— Нима десам экан,— деди Тараш Арзаканга қарамай.— Шу қарорга келдим, лекин Ламария билан ҳали гаплашганим йўқ. Темур мени куёв қилишга мойиллигини айтди. Мен рози бўлдим.

— Жиддийми бу гапинг?

— Бўлмасам-чи. Ҳа, нима эди? Ҳазили борми!— Тараш оғзидан пага-пага тутун чиқарди.

Арзакан ҳам хурсанд эди, ҳам ишонмасди. Фикр-хаёли шу замоноқ Тамар Шервашидзега кўчди. Унинг тасавбурида, Мегрелияга қайтиши биланоқ...

Лекин қувончини изҳор этмади у. Ҳайрон бўлиб Тарашга қаради.

— Нега ҳайрон бўляпсан?— деб сўради у.

— Нега ҳайрон бўлмай? Сенинг тенгингни у? Бутунлай гўр, саводсизга ўхшайди.

— Менга шуниси ёқади-да! У театрлар, кинолар ва аҳмоқона романлар заҳарини тотмаган ҳали.

— Бундан чиқди, шу ерда, бир тупканинг тагида бир умр яшар экансан-да?

— Эҳ, Арзакан-а, бу ерда яшайманми, бошқа жойда яшайманми, менга барибир. Темурга ўрганиб қолдим. У уста овчи, ундан кўп нарсани ўргандим. Қора Махвш қабиласига кирман-да, шулар ичида яшайвераман.

— У нима деганинг асти?

— Жамоа хўжалигининг ибтидоий шакли бу. Ҳамма ҳам аъзо бўлолмайди қабилага, қон-қориндошларгина киради аъзо бўлиб. Сизлар бу ердан кетганингиздан кейин Тарбага хун тўлайман ва ярашиб оламан. Темурнинг айтишича, Қора Махвш Тарбага хун тўлашга рози эмиш. Сен ростдан ҳам кўкламда Тбилисига жўнамоқчимисан? Даданг нима дейди?

— Аллақачон йўлга тушардим, лекин дадам қўймаяптилар-да. Аммо, барибир, бораман Тбилисига. Дадам черкаслар тарафга ўтиб кетса керак... Илмий ишингни тамомлаш учун сен шу ерда қолсанг керак.

— Йўқ, унчалик эмас! Ростимни айтадиган бўлсам, мен ерни соғинганман. Темур қачон шудгор қиларкин, деб ўйляпман. Тупроқ ҳидига тўйиб-тўйиб олмоқчиман, Европада агрономияни ўрганмаганимга афсусланаман.

Она тупроққа муҳаббат уйгонди қалбимда. Элдан бурун сочларимнинг оқаргани сабабдир бунга балки? Яқинда, Паҳлавонлар дарасидан қайтаётганимда бир кекса сванни кўрдим, ниқиллаб-синқиллаб омоч кетидан юрувди. Қўлидан омочни олиб, бир соатча шудгор қилдим. Янги чопилган тупроқ иси мени элтиб қўйди. Дадангинг менга шудгор қилишни ўргатганлари ёдимга тушди.

— Молодан йиқилиб тушганинг эсингдами, Гуча?

— Бўлмасам-чи! Никора деган хўкизимизнинг манглайида гуддаси борлигиниям, бир шохи синганлигиниям эслайман. Қанчалар бахтли эдик-а, ўша пайтлар, Арзакан! Қанчалар эркин эдик, ўша чоқлар! Ҳар бир кун бизга янги шодлик ва мўъжизалар келтирарди. Одамлар ҳам меҳрибон, ажойиб кўринарди!

— Биз, дунёга янги кўз билан қарайдиган одамларни тарбиялашимиз керак. Революция плуги Сванетияда қўриқни чуқурроқ олиши керак. Бўлмасам, бу бечора халқ ҳалокатга юз тутади.

Тараш жимгина тинглар, Арзакан эса сўзида давом этарди:

— Мана, Саурни олайлик, ўзи яхши йигит, лекин асл комсомол эмас-да.

— Мен Саурни айбламайман,— деди Тараш.— Бу шароитда Саур ёлғиз ўзи нима ҳам қила олади? Одамни ўзгартириш

учун ўн-йигирма йил керак деб ўйлайсанми? Агар яхшироқ қиртишланадиган бўлса, ким билади, ҳар биримизда, неча хил маданият қатламига дуч келинар? Тоғлар қатламларининг тузилишини ўрганган геологлар дуч келадиган қаватларнинг ўзгинасидай.

Арзакан орқага ўгирилди. Саур етиб келиб қолган эди. Етиб келгач, у Арзаканни елкасидан қучди, Тараш билан саломлашди.

— Юринглар, Сакмисайни ҳайитга қандай бежашаётганини кўриб келамиз. Ароқ билан зиёфат қилишади бизни,— деб таклиф қилди Саур.

— Сакмисай дегани нимаси?— сўради Арзакан.

Саур тушунтирмоқчи бўлди-ю, лекин тушунтиролмади. Тараш унга ёрдамга келди.

— Бугун Муркваноба — Минора куни. Бу кунда сванлар ҳосилдорлик худоси Фаллосга ибодат қилишади, муқаддас Ламариядан яхши ҳосил беришни талаб қилишади. Қишлоқ аҳли иккита тўдабоши — «Сакмисай» ва «Шоҳ» сайлашади. Улар ҳосил яхши бўлмаса ундай қиламан, бундай қиламан деб Ламарияга ҳам, муқаддас авлиёга ҳам пўписа қилишади.

Арзакан, бундай майнабозчиликни кўришга тоби йўқлигини айтди.

Лекин Саур унинг қўлтиғига кирди-да, сал нарироқдаги минорага зўрлаб судраб кетди.

«Темурнинг куёви келди» деган овозлар эшитилди.

Бутун оила Сакмисайни бежашни чала қолдириб, уларни қаршилагани чиқиб келди.

Саур уй эгаларига, Темурнинг куёви сванларнинг Муркванобаси ҳақида китоб ёзаётганини, шунинг учун меҳмонга Сакмисай маросимини кўрсатиш кераклигини айтди.

Саурнинг бу гапи Тарашга ёқмади, лекин шундаям индамади.

Ешлар, белбогига узун ханжар осган малла Нодарни итариб ўртага чиқардилар, икки йигит уни ўртага олиб, кўндиришга унади. Нодар бўлса оппоқ тишларини кўрсатиб, кула-кула розилик бермасликка ҳаракат қиларди.

— Нега энди мен ҳар йили Сакмисай бўларканман? Бу гал Саурни қилинглар, мен Шоҳ бўламан.

Лекин йўқ-пўғига қарамай, Нодарнинг юзига қора суришди, жулдур либос, бошига чарм хуржун кийгазишди, белбогига қайрағоч ёғочидан йўнилган фаллос¹ осишди. Нодар афт-башарасини бужмайтириб халойиқни кулдиарди.

Ичкиликбозлик бошланди. Махвшнинг қадаҳини «профессорга» келтириб беришди. Сванлар уни негадир профессор деб аташаётгани Тарашга яна ёқмади.

¹ Фаллос — эркакларнинг жинсий аъзоси тасвири. (Баъзи халқлар, қадимги мисрликлар, греклар, римликлар, ҳозирда ҳинду ва япон халқлари табиатнинг ишлаб чиқариш кучи рамзи деб биладилар.)

Ароқ солинган қадаҳ бир айланиб чиқди. Арзакан аввалига йўқ-йўқ деб турди-ю, кейин қайтармай ичаверди; қадаҳни бўшатиб Тарашга қайтараверди.

Еб-ичиб ўтирган сванлар қаттиқ кулишар, ўзаро гўлдирашарди. Тарашнинг кўнгли беҳузур бўла бошлади. Бирдан боши айланиб, ҳамма нарса кўз ўнгида чир-чир айлана бошлади. Теварагида ўтирган ҳамтовоқларининг юзи, кинематографиянинг илк даврида экранда ирғишлаган одамларга ўхшаб ўйин тушиб кетди.

Энди оломон Сакмисайга эргашиб, бошқа хонадон томон йўл олди. Ҳамма нарса: итларнинг ҳуриши, болаларнинг қичқириши, аёлларнинг чинқириги, эркакларнинг қаҳ-қаҳлаши аралшиб кетди. Тараш кўзи сузилиб кетаётган бўлса-да, бу одатни кузатишга уринарди.

Норғул, бўйдор бир сванни Шоҳ қилиб сайлашди; бошига қалпоқ кийгазишди, юзига қора суртишди, белига ёғоч ханжар тақишди. Кейин Сакмисай ўрнидан турди, белбоғидаги ёғоч фаллосни ечиб олиб, беадаб қочириқлар қилиб, Шоҳнинг белига ура бошлади. Шоҳнинг тарафдорлари қўлларига эман таёқ олишди, Сакмисайнинг одамлари бўлса, ёшу қарини суриштирмай, ёғоч бигиз санча бошлашди. Бутун қишлоқ тўпланди. Маросим тугагач, оломон Ламария черкови томон йўл олди ва у ерда эман тагига жойлашди.

— Арзакан қаёққа кетди?— сўради Тараш.

— Арзакан маст бўлиб қолди. Ҳозиргина шу ерда эди, билмадим, қаёққа ғойиб бўлди,— деди Саур.

Унинг ҳам кайфи баланд эди.

Тараш ҳамма ёқни ахтарди-ю, лекин Арзаканни тополмади.

Офтоб ғарбга ёнбошини қўйди. Қишлоққа қоронғилик чўка бошлади. Кавкасион тепасидаги булутдан касб бўлган миноралар қизғиш тус олди.

Гала-ғовурда Тараш Эмхвари аёллар тарафига ўта бошлади. У Ламариянинг ёнига бориб, гаплашиб олмоқчи эди. Ламариянинг сингиллари ва янгалари қуршовида турганини кўриб, Тараш ғижинди.

Кутилмаганда ёнида Саур пайдо бўлди. Тараш ўйинни кузата бошлади. Кейин Саурнинг кўзини шамғалат қилиб қочди ва қанча изламасин, аёллар тўдасидан Ламарияни топа олмади. Саур яна унинг ёнига келди. Шундагина Тараш, Саурнинг қўққисдан Тарбалар келиб қолгудай бўлса, уни қўриқлаш учун атайлаб қўйилганини англади.

Йигит ханжари бандини қўйиб юбормаган ҳолда бўлажак поччаси ортидан айланиб юрарди.

Аллақаерда тўсатдан муштлашиш бошланди. Саур ўша ёққа югурди. Тараш аёллар ёнига борди. Лекин у ерда ҳам Ламария кўринмади.

Қоронғи тушди. Ўйин тамом бўлди. Халёйиқ қўшиқ айтиб, қишлоқ томон юрди. Тараш бошини қуйи эгиб, оломон ичида

борарди. Уни уч оғайни Лапарияни билан таништиришди; улар лапарияни авлодининг бўлажак куёвининг хислатларини мақтаб, кўкка кўтара бошладилар.

— Темурнинг айтишича, сен жуда уста овчи эмишсан,— дейишарди улар.

Қишлоқ чеккасида, баланд дарахт тагида қордан минора — Мурқвани ясалган эди. Шоҳ шу минорадан нарироққа ёнбошлади. У асир олган келинларни буркаси тагига яширар, қизларга тармашиб ҳол-жонига қўймасди.

Қайфи ошиб қолган йигитларнинг бақир-чақири ва хотинхалажнинг чинқириғидан қулоқ қоматга келган эди.

Сакмисайга каттакоп хачапури келтириб беришди.

Сакмисай ўрнидан турди, муқаддас Ламария черковига юзма-юз турди-да, фалло билан пўписа қилди.

«Қараб тур ҳали, бир таъзирингни бериб қўяй!.. Ҳей, Ламария, ҳей, Ламария!»

Бу ўртада Шоҳ ухлаб қолди. Сакмисай биқиниб келиб, бурка тагидан унинг келинларини тортиб чиқарди-да, ҳаёсизларча ёпиша кетди.

Шоҳ уйғонди, қараса: келинлар йўқ. Ирғиб ўрнидан турди. Сакмисайга ташланди, томошабинларни завқлантириб, ёқалаша кетдилар.

Тараш Эмхвари тўдадан чиқди. Арғувон тагида турган Ламарияга кўзи тушди. Қизнинг юзи офтобда сал қорайган бўлиб, ўзига ярашиб турарди. Йигит ва қизларнинг уятсизларча чимдилашидан қочиб, Ламария одоб сақлаб, Махвшнинг келинлари билан ўтирарди.

Тарашга кўзи тушиши билан Ламария қип-қизариб, ерга қаради ва айни бир паллада, бошқалардан яширинча, камондек қайрилган қийғоч қошлар тагидан муғамбирона қараб қўйди.

Бирдан бақир-чақир овозлар эшитилиб қолди.

Тараш чўчиб тушди. Ёнида яна Саур пайдо бўлди.

— Сакмисай Шоҳни курашда енгди,— деди у.

Уч оғайни Лапарияниларнинг тўнғичи, ёши қайтиб қолган Кохта, Тараш Эмхаридай ўқимишли одам бундай усталик билан отишни қаердан ўрганди экан, деб ҳайрон эди.

Кохта Лапарияни кўпни кўрган одам. Шунга қарамай у, шу ёшга етиб бунчалар ўқимишли одамни ва бунчалар соддадил князни ҳеч қачон кўрмаганман, деб онт ичарди.

— Уканг қани?— сўради у Тарашдан.

Кохта уканг деб Арзаканни айтаётганини Тараш тушунди ва Арзакан икковини ака-ука дейишгани унга манзур бўлди.

— Бу йил минора ҳам, дарахт ҳам биз томон — Лапариянилар томонга қулади. Ҳосилимиз яхши бўлади, Тарбаларга яхшилаб товон тўлаймиз. Қора Махвш мени Тарбаларникига воситачи қилиб юбормоқчи. Ярашишмаган тақдирда ҳам, бизга қўл теккизишолмайди.

Тараш миннатдорчилик билдирди.

Яна тўс-тўполон кўтарилди, ўқ отилди.

— Лапарияниларга отишди!— деб қичқирди аллаким.

Кохта Лапарияни ханжарини чангаллаб олдинга отилди. Икки укаси унинг кетидан югурди.

Улар ғойиб бўлгач, Тараш дарахт орқасига яширинди; бир оз фурсатдан кейин қишлоқ томон юра бошлади. Тўғри йўлдан кетаётган бўлса ҳам нуқул қоқиларди. Ичган ароғи аъзойи баданини оловдек ёндирарди.

У йўл-йўлакай Ламариянинг муғамбирона жилмайганини эсларди. Унинг кўз ўнгида оёқлари тоғ такасникидек хушбичим, сепкилли қизнинг ҳавасни келтирадиган образи турарди. Ташна тоғ такаси қанчалар сув ичгиси келса, шу чоқ у Ламариянинг меҳр-муҳаббатига шунчалар иштиёқманд бўлди.

Махвш итларининг ҳуриши уни чўчитиб юборди.

Итларни эркалаб, минора зинасидан югуриб чиқиб кетди.

Арзакан билан Тарашга берилган хонада чироқ кўринди. Йўлакка кириши биланоқ Тарашнинг қулогига аёл овози эшитилди.

У сесканиб кетди.

Шу ерда яшаганларидан бери, ҳали ҳеч қачон, бирор аёл минорага қадам қўйган эмас.

Қулоқ тутди ва Ламариянинг шивирлаётганини эшитди.

Эшикни қия очди.

Арзакан билан Ламария девор тагида оламни унутиб, ўпишишарди, кейин ўринга юмалашарди.

Шу дақиқа қоронғида кимдир Тарашга тегди.

Қаршисида Саур турарди.

Тараш шошиб эшнқдан узоқлашди.

— Ҳа, етиб келдингми, Саур?— хириллаган овоз билан сўради у.

— Қора Махвш сизларни чақиряпти. Тарбаларга воситачи юбормоқчи кўринади. Ҳозир бораркансизлар,— деди Саур тилк зўрға айланиб.

Улар минора зинасидан жимгина тушдилар.

— Ҳозир келади, дегин, мен бормасдан воситачи юборишмасин. Мен ҳозир бораман,— такрорлади Тараш, аммо ўзи қишлоқдан чиқиладиган йўлга бурилди.

Тараш Эмхвари тўхтаб осмонга қараганда, қишлоқ кўринмай қолган эди. Ун тўрт кунлик ой, тоғ такаси шохидай қайрилган эди.

Шунда Тараш, худди Сакмисай сингари:

— Ҳей, Ламария! Ҳей, Ламария!— деб қичқирди газаб билан овозининг борича.

Енгил паға булут ой четини қоплади.

Яланг бош танҳо бир кимса сояси билан сўзлашиб, анчагача сандироқлаб юрди...

Эмхвари тонггача далаларда санғиб юрди.

Дара буйлаб кета-кетгунча қўриқ.

Тоғлар оралиғи қўланкадай чўзилган. Фақат тоғлар туташган ернинг учигагина тонг ёриша бошлаган.

Узоқдан замбараклар гулдуросини эслатувчи овоз эшитилди. Йўқ, бу замбараклар эмас... Ана, яна бир неча бор кетма-кет гулдиради.

Ҳа-я, бу илк баҳор момақалди роғи!

Тараш осмонга қаради. Баланд осмонда юлдузлар олтин айиқтовон мисол йилтиллари.

Гулдирак акс садо бергач, ер узра ажойиб бир сокинлик чўкди. Тоғларнинг қўланкаси сокин дараларни қоплаган эди — қора рангларда чизилган гравюрани эслатарди.

Кейин бинафша тус осмонда тоғ чўққилари тархи белгиланиб кўринди. Бир-бирига суянишиб турган икки тим қора тоғ, қақшатғич олишувдан сўнг жанг майдонида дам олаётган икки биродарга ўхшарди.

Яна гулдиради. Шундагина Эмхвари бу гулдуроснинг нималигини тушунди: анави тик қоялар ортида тоғни динамит билан портлатишмоқда эди.

«Жуда яқин келиб қолишибди-я!» деган фикр кечди унинг бошидан. Шу ондаёқ Қора Махвшнинг, қари шернинг даргазаб қиёфасини эслатувчи қовоғи солиқ башараси кўз ўнгида гавдаланди.

Кайф туфайли кўнглини алғов-далғов қилган ҳис-ҳаяжонлағ ўтиб кетди. Шундай уйқу босиб кела бошладики, Тараш, шу ернинг ўзидаёқ, ерга ётиб ухлаб қолишга ҳам тайёр эди.

Атрофи кета-кетгунча текислик. Қанча изламасин, бефойда, тиккайган бута кўринмасди.

Йўлда қора қайин дарахтини учратганини эслади. Ўгирилиб қаради. Жуда узоқда қолиб кетибди у қора қайин.

Орқага ўгирилди, шитоб билан юриб кетди. Уйқу шундай элитяптики, ўзи юриб кетяпти-ю, кўзи ўз-ўзидан юмиляпти. Тараш бамайлихотир ухлаши мумкин бўлган ва ухлаётган бу тоғларга, қайинзор ўрмон ва бошқа нарсаларга ҳаваси келарди. Уша қора қайинга етиб олади-да, ўзини ерга отиб, ухлайди-қолади...

Осмондаги булутлар алвон ранг олди. Бир олам нур ёғилиб келди-да, ҳавода эриб кетди. Тарашнинг оёғи остидан пар этиб сўфитўрғай учиб чиқди ва ҳавода чир айлана кетди.

Тараш сесканиб тушди. Сўфитўрғайлар ҳақида китоблардангина ўқиб биларди. Бу кичкина тонг ва баҳор элчисининг бундай осмонга интилишини ўз кўзи билан кўриш қувончли эди.

Бу йилги баҳорнинг келишини Тараш, айниқса, бошқача ҳаяжон билан кутарди. Ҳаёти филдирагини одатдаги йўлдан итариб чиқармоққа ирода топган эди у. Мана энди бўлса у эртаги кун

нима келтиражагидан беҳабар, қоронғиликда, жарлик ёқалаб одимлайди.

Илгари у, урф-одатларга асосланган, бошқалар ҳаётини так-рорлайдиган намуналарни биларди. Ҳурта мактабни тамомлагач, университетга киражагини олдиндан биларди; уни яхшими, ёмонми тугатгач, эса хизматга киради; кейин уйланади, фарзанд тарбиялайди... Кейин-чи? Кейин ўлади.

Юз минглаб кишилар худди шундай яшаган, унда ҳеч қандай янгилик топмаган, ўзи ҳам ҳеч нима қўшмаган. Тараш Эмхвари бу йўлни рад қилди.

Лекин Тараш, журналист ва рассомлар билан Монмартр кафесида суҳбат қуришни «табиат фарзандлари» муҳитига айир-бошлайдиганлардан ҳам эмас. Шунингдек, у, на Шатобрианининг романтик қаҳрамонларига ўхшайди ва на Мопассаннинг дунёдан умидини узган қаҳрамонларига.

Тараш қон жиҳатдан ўзига яқин қабиллага қайтган эди. Бу ерда яшаш унга ёқарди. Бу ернинг ҳавоси унга ёқади, у ҳам жисмоний жиҳатдан, ҳам руҳий жиҳатдан соғломланган эди.

Ламария-чи? Нима бўпти! Ламария ҳам кўпчилик француз, грузин ёки немис аёллари сингари доғули чиққан бўлса нима? Бу қишлоқда бошқа сван қизлари топилади. Исми Ламария бўладими ёки Кетипоми — барибир эмасми?

Унга бир озгина муҳаббат қўйган аёл бўлса, сўйилган тоғ такасининг терисини шилишни билса, ясмиқ пиширса, дастгоҳни ўрнатиб, чоха учун мато тўқиса, бичиш-тикишни билса бас. Унча мураккаб бўлмаган бу нарсаларни ҳар бир сван қизи ҳам эсплайди.

...Иккинчи сўфитўрғай осмонга отилди. Нарироқдаги бута-зорда, қулоқни қоматга келтириб ўрмон қушлари сайрай бошлади.

Тараш қора қайин тагига чўкди, ханжарини олиб қўйди, чоҳасини ечиб, ерга ёзди-да, чўзилди.

Тараш Эмхвари яна Ламарияни, унинг муғамбирона жилмайганини эслади, минорада кўзи тушган манзара яна кўз олдига намоён бўлди: Тарашнинг қаллиғи Ламария, Арзакан билан уятсизларча қучоқлашиб турса-я!

Тараш бошига ҳеч қачон бунақа кўргилик тушмаган.

Қаттиқ таҳқирланган Тараш, дарахт тагида, осмонга кўз тикканча ётарди. Осмонда қулупнай ранг булутлар сузарди. Йўқ, қулупнай ранг эмас, қон тусидаги булутлар! Унинг томирида ранжиган эркакнинг безовталанган қони қайнаб кетди. У ирғиб ўрнидан турди, чоҳасини елкасидан оширди, ханжарини тақди ва шудгор оралаб Махвш минораси томон юрди.

Қора Махвш ҳовлиси жимжит эди.

Буқалар эринчоқлик билан кавш қайтарардилар. Ҳтган кечадаги алғов-далғовдан чарчаган итлар ҳам ухларди. Минора эшиги очиқ эди.

Яна бир неча қадам юргач, Тараш, зинада тиззасини қучоқлаганича, қўлига бошини қўйиб, ухлаб ўтирган Арзаканни қўриб қолди. Унинг эғнида архалухидан бўлак ҳеч нима — белбоғи ҳам, ханжари ҳам йўқ эди. Осойиштагина мудраб ўтирган ярим ялангоч одам билан жанжал чиқаришни Тараш ўзига муносиб кўрмади.

«Тур, қуrolингни ол!» деб қичқирмоқчи ҳам бўлди. Лекин ботинмади.

Кутилмаганда Арзакан бошини кўтарди, қия-қизариб кетган кўзларини Тарашга тикди.

Арзакан кўзи киртайиб, озиб қолган кўринди. Тараш нима дейишини, нима қилишини билмай, ўзини йўқотиб қўйди.

— Бу ерда кимни кутиб ўтирибсан?— сўради у Арзакандан.

— Кимни бўларди? Сени-да! Осман эшикни беркитиб қўйса, киролмай қоласан деб, кечаси билан ўтириб чиқдим, сени кутиб.

— Ҳалиям кайфинг тарқамадими?

— Шайтон ургур, Саур! Ҳоли-жонимга қўймади, кечаси яна ўласи қилиб ичирди. Ухлолмадим...

— Менам ухлолмадим. Тур ўрнингдан, тўппончангни олиб чиқ! Дарага борамиз, нишонга урамиз.

Арзакан ҳайрон бўлди. Тонг отар-отмас, нишонга уришнинг вақтими? Лекин Гуча иккови ичкиликбозликдан кейин нишонга уришни яхши кўришарди.

Шунинг учун Тарашнинг таклифидан шубҳаланмади: аксинча, севинди.

— Дарага борамизми, қоялар ёнига борамизми?

— Дарага борамиз, дарага! Қоялар ёнида қўшниларнинг эчкилари ўтлайди,— деди Тараш.

У Арзаканнинг минора зинасидан югургилаб чиқиб кетганини кузатиб турди.

Қўлини чўнтагига тикди, браунингини олди. Уқдонда икки дона ўқ қолган эди. «Биттаси унга, биттаси ўзимга» деб ўйлади.

Ҳовлига чиқди, чуқур хўрсинди ва овозини чиқариб такрорлади: «Биттаси унга, биттаси ўзимга».

Арзакан зинадан югуриб тушиб келди. Қўлида маузери. Кўзлари ёш боланикидек чақнайди. Қорайтирилган пўлатнинг хира ялтирашини мамнун томоша қилади.

Тараш ҳайрон бўлиб унга тикилади. У ўн йил муқалдамгина Арзаканни бунчалар хурсанд кўрган эди.

— Бир оз ўтирайлик, бир хил бўлиб кетяпман,— деди Тараш тўсатдан ва тошга ўтирди.

Арзакан унинг юзига тикилди, ранги ўчиб кетганини кўриб, ҳайрон бўлди.

Тараш чаккаларидан оқиб тушаётган терларини рўмолчаси билан артди.

— Сенга нима қилди, Гуча?— деб ташвишланди Арзакан ва пешанасига қўлини қўйди.

Бу самимийлик Тарашни ҳам ийтиб юборди, ҳам ҳайрон қолдирди. Беш дақиқагина муқаддам сут эмишган укасини ханжар билан тилка-пора қилишга тайёр бўлгани ғалати туюлди. Арзир-арзимас нарсага бир-бири билан уришиб, ярашиб кетганларидан кейин ўйинчоқ ўқ-ёйларини қўлга олиб, маррага отиб юрган пайтларини эслади.

Анчагача шу кўйи, минорага кираверишда ёнма-ён ўтириб қолишди.

Гурандухт кампир тоғора билан шам кўтариб пиллапояга чиқди. Тоғорада бир неча майда кулча бор эди.

У йигитларни кўрмади, эчкилар қамаладиган қўрани айлаиб ўтиб, ёнгоқ томон шошиб, ўтиб кетди. Кўп ўтмай, кесиб ағдарилган қайинлар орқасига ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

Қурбонликка ажратилган кулчаларни Гурандухт қаерга олиб кетди экан, деб Тараш ҳайрон эди.

Унинг миясига бир фикр келди.

— Юр, Арзакан. Сенга бир қизиқ нарса кўрсатаман. Фақат шарт шу — жим турсан.

Иккови ёнгоқ дарахти томон кетишди.

Кўтондаги эчки болалар шох-шаббалар орасидан бошини чиқариб турарди. Кўтонга кираверишда, қоп-қора эчки иблисона кўзларини чақнатиб турарди. Эчки шундайин ғалати кўринардики, Тараш беихтиёр грек Панини эслади. «Қадимги одамлар эчкини иблисга ўхшатишида гап борга ўхшаб қолди», — деб ўйлади у ўзинча.

Яна бир бор ўгирилиб қаради. Эчки: «Қаёққа кетяписизлар?» деётгандай кўзини чақнатиб турарди.

Тараш билан Арзакан товушсизгина қайин ходалар ёнига боришди. Улардан йигирма қадамча нарида Гурандухт тиз чўкиб турарди.

Тараш базальт¹ плитаси терлиб девор кўтарилган кичкинагина ҳовлини кўздан кечирди. Ҳовли ўртасига болалар ўз қўғирчоқларига ясайдиганга ўхшаш уйча ясалган. Эшик ўрнида хизмат қиладиган бир плита сал қиялаб қўйилганлиги туфайли ичи қорайиб турибди. Гурандухт тиз чўканича таъзим қилар ва ялиниб-ёлбориб сўзларди:

«Мезир, Лемзир, мен меҳмонинг бўламан, ялинаман-ёлбораман, тансиҳатлик бер, хотиржамлик бер, раҳмимни егин менинг! Меҳмонинг бўламан, ёлбораман!..»

Ҳой қудратли Мезир! Ёмонликни, дард-ҳасратни мендан йироқ қил, душмандан йироқ қил, ёмон кўздан, ҳасаддан асра! О, улуғ, қудратли Мезир!»

Кейин овозини секинлатиб, алланималар деб шивирлай бошлади.

Гурандухт анчагача шундай тиз чўккан кўйи, буришган лаблари шивирлаб дуо ўқиди.

¹ Базальт — вулқонлардан чиқадиган тоғ жинси.

Дуо ўқиб бўлгач, ўрнидан турди, кўйлагининг этагини қоқди, кулчаларни ерга қўйди-да, тоғорани қўлига олиб, уйга жўнади. Хола орқасига биқиниб олган Арзакан билан Тараш буни кузатиб туришарди. Кампир кетгандан кейин эса, қани, нима бўлар экан, деб қараб туришаверди.

Мезирнинг кичкина ибодатхонасидан калхат тус илон чиқди, садақа қилинган кулчага бўйшини чўзди. Иккига айрилган тилини қимирлатди. Икки ўткир кўз офтобда йилтиллади.

— Э-ҳа! Қора Махвшининг Мезири шу экан-да!? Утган куни ўлдирмоқчи бўлиб эдим-а. Товоғимга бошини суқишига сал қолди-я, лаънатини!— деб қичқирди Арзакан.

Бирдан ўқ узиб, Мезирнинг калласини мажақлаб юборди.

— Нима қилиб қўйдинг, бахти қаро!— деб ҳайқириб юборди Эмхвари.

Арзакан ҳатто маст чоғида ҳам шундай ишга қўли боради, деб асло ўйламаган эди.

Арзакан кулди. Лекин Тараш ортиқ у билан ади-бади айтишиб ўтирмади. Бир дақиқа бўлсин ушланиб бўлмайди ортиқ. Негаки Қора Махвш, хонадони ҳомийсини ўлдиргани учун, ҳатто меҳмонни ҳам кечирмайди.

Тараш Арзаканнинг қўлидан маҳкам тутди-да:

— Қочайлик! Бўлмасам бизни тирик қўйишмайди!— деб қичқирди.

Улар дарҳол минорага қайтдилар, қопларини, бурка ва қуролларини олиб чиқдилар-да, қочдилар.

Ўқ узилганда Гурандухт ҳали уйга бориб етмаган эди. Молхонадан итлар югуриб чиқдилар.

Гурандухтнинг оёғи чалишиб кетди. Орқасига қайтди, қайин ходалар ётган жойгача зўрға борди-да, илоҳий деб ҳисоблагани илоннинг калласи мажақланганини кўриб, катта бебахтликдан дарак берувчи овоз билан чинқириб йиғлайверди.

Темур, Тенгиз, Осман ва ханжарини яланғочлаган яна беш йигит ички кўйлақда югуриб чиқишди. Бу воқеа бутун оилани оёққа турғизган эди.

Бундай диёнатсизлик фақат ўғлининг қўлидан келишини ҳаммадан аввал Кац Звамбая тушунган эди.

Шу кушни кўргандан кўра тириклайин гўрга кирмоқ афзал эди қарияга! Кац икки букчайиб, бошини чангаллаб, кўзини кўтармай ўтирди. У ханжарини яланғочлаб ўғлини ўз қўли билан ўлдиришга тайёр турганда, Саур: Арзакан билан Тараш қочибди, деган хабар келтирди.

Саур қочоқларни қувишга тушган акаларига қўшилди. У ўзини ғазабнок қилиб кўрсатса-да, аслида, Мезирнинг ўлганига хурсанд эди.

Кеча кечқурундан бери Қора Махвшининг қовоғи очилмайди; кечқурун Саур, динамитнинг портлаши тегирмон ёнидан эшитилляпти, деганди унинг олдида.

Мезирнинг ўлдирилганини эшитгач эса, Махвш, худди бирон ёққа югурмоқчи бўлгандай, иргиб ўрнидан турди, кейин тиз чўкиб, нола қилиб қўлини чўзди, юз-кўзи демай шапатилаб ура кетди ўзини.

— Уйим куйди!— дея хўрсинди ва баҳайбат гавдаси ўринга йиқилди.

Шу алфозда у, тоғдаги гулдуросга қулоқ тутиб анчагача ётди.

Тоғлар ларзага келар ва Махвшнинг наздида, биллур музликлар чил-чил бўлаётганди.

Саур қайтиб келганда чолнинг юраги уришдан тўхтаган эди.

Махвшнинг каромат қилиб айтганлари тўғри чиқди: ўғиллари, невара-чеваралари унинг азасини тутаётган бир чоқда, катта сван йўлидаги динамитчилар бригадаси «Бургут қароргоҳи» деб аталадиган баҳайбат қояни портлатиб юборди.

Бу қоя Лапариани авлодидан бўлмиш қадимий Махвш минораси шинакларининг шундоққина рўпарасида эди.

РАҚИБ КЎЗИ

Паҳлавонлар дараси томон йўл олган Арзакан билан Тараш «Сариқ қоя»ларга яқинлашганда, яланг, кимсасиз қояларда жалада қолиб кетишди. Яширинадиган жой йўқ: на бирор бута бор ва на овчилар ёри.

Қоялар кул ранг тусда бўлгани учун сванлар бу жойни «Сариқ қоя» деб аташди. Овчи «Сариқ қоя» ёнида қўли бўш одамга дуч келса, овини бўлишиши керак.

Кечаги ичкиликбозликдан кейин йўловчиларимиз очиқиб қолишган эди. Узоқдан қуроли кишиларга кўзи тушди уларнинг. Уларни кўриб, Тараш қувиб келаётганлар бўлса керак, деб чўчиб тушди. Овчилар экан. Олти эркак отиб ўлдирилган тоғ такасини ва буркага ўралган мурдани — жарликка қулаб тушиб, ўлган ўртоқларини кўтариб келишмоқда эди.

Овчилар тоғ такасининг бир сонини кесиб, қаҳрамонларимизга беришди.

Лекин гулхан ёқиш учун бу яқин атрофдан бир парча ҳам ўтин топиб бўлмайди. Бутун кучни йиғиб, оч ҳолларича Паҳлавонлар ёрига етиб боришга мабжур эдилар.

Уч кеча-кундуз ёмғир ёғди. Овчилар туҳфа қилган гўшт туғач, очлик ўзини билдира бошлади. Иккала йигит икки томонга кетиб, кечқурун Паҳлавонлар ёрига қуруқ қайтишар ва оч болалар янглиғ бир-бирларининг қўлларига қарашарди.

Арзакан тенгсиз мерган ҳисобланарди.

У бир отишда чумчуқнинг калласини ёки оёғини учириб юбраман, деб гаров ўйнарди; нишонга оларди-да, гаровда ютиб чиқарди.

Лекин овдаги муваффақият, айниқса Сванетияда фақат мерганликкагина боғлиқмидики?

Бу ерда қатъий ички интизом ва сабот керак. Сванлар неча асрлар давомида овнинг қатъий тартибини ишлаб чиқишган. Ов чоғида мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган ҳаракатлар рўйхати бўлади. Бир қатор нарсалар ва ҳаракатларга қатъий қатоғон бор.

Тоғ такаси овига чиққан одам тоғда юришга жуда уста бўлмоғи даркор. Водийда ўсган Арзакан тоғда юришга ўрганолмади сира. Тараш икки ой мобайнида Темурнинг кузатувида ов қилиб юриб, яхши мактаб кўрган эди. У, дарҳақиқат, қадимда шогирдлар устасининг гапига қулоқ қоқмагани мисол Темурга жуда итоат қиларди. Шогирдликни ўтамаган кимса, ҳеч қачон яхши уста бўлолмаслиги тайин.

Эмхвари мерганликда ҳам ёмон эмас эди, альпенштокни ишлата билар, чангаklar ёрдамида қояларга тармаша оларди. У катта шаҳарларда ўсган бўлса-да, кўзи ўткир, қулоғи зийрак эди. Тоғ такалари қай тусда бўлса, ҳар фасл қоялар шу тусга кирадиган Сванетияда бунинг аҳамияти катта. (Тўғрироғини айтганда, такаларнинг туллаши табиатдаги фасл ўзгаришларига мос келади.) Бир хил тусдаги қоялар ичида пусиб турган серкани ажрата билиш учун кўз ҳам ўткир бўлмоғи даркор.

Лекин Тарашнинг овчи сифатида бир катта камчилиги бор эди; асабий бўлганлигидан керагидан аввал тепкани босиб қўяр, ёинки, тўсатдан такагами, буғугами, дуч келиб қолганда, бу эркин ва гўзал жониворларга шундай маҳлиё бўлиб қолардики, отиб йиқитадиган вақтни ўтказиб қўярди.

Баъзида Тараш маҳобатли табиат қаршисида лол бўлиб қоларди. Тоғ ҳайвони қотиб қолган овчи ёнидан пилдираб ўтиб кетар, тоқим у ўзига келиб, нишонга олгунга қадар ғойиб бўларди-қоларди.

Лекин булардан қатъи назар, Эмхвари ўртача сван овчиси билан бамайлихотир беллаша оларди. Лекин ҳамма вақт эмас; кайфи яхши чоқлардагина шундай.

Ҳозир эса, Арзакан билан Паҳлавонлар ғорида ёмғирдан яшириниб олган, кайфи ёмон эди.

Бир куни овдан кечаси қайтди, бир неча карқур келтирди. Учоқда олов ёнмоқда эди. Арзакан чалқанча тушиб ухламоқда.

Тараш унинг рўпарасидаги харсангга ўтирди.

Уша лаънати тун ёдига тушди. Арзаканнинг юзига, лабига қаради. Кўз ўнгида Ламария образи намоён бўлди. Юрагида яна ғазаб ўти аланга олди.

«Айни шу топда ё ҳеч қачон!»

Қизиқ! Ғалати бир қисмат Тараш билан Арзакан тақдирини бир-бири билан боғлагандай гўё. Бир аёл сутини эмиб катта бўлганликларни туфайли доимий рақобат ҳукм сурадигандир сраларида?

Юзаки қараганда, Тараш Эмхвари Европага жўнаб кетган чоқларидаёқ уларнинг ҳаёт йўллари айрилган бўлиб, Тараш узоқ вақт чет элда қолиб кетган эди. Лекин ватанида Арзакан у билан рақобатни давом эттирди.

Тамар ёдига тушди. Ешликдан яқин бўлган икки йигит қизни қанча тараддудга солишини биларди; Арзакан Забулини ундан қизғонишини ҳам сезарди.

Тараш гулхан ёнида жунжикиб ўтирарди. Пойгани эслади. Улар ўша ерда ҳам тўқнаш келдилар, болаликларида Хатунанинг кўкрагини, ўйинчоқни талашиб, Қац Звамбая Гуча учун боқиб катта қилаётган тойчани талашиб уришгандай, тортишиб қолдилар.

Ҳозир ҳам шундай. Емонми, яхшими, ишқилиб, Тарашнинг ҳаёти энди бир изга туша бошлаган эди. Ламария унинг дидига мос қиз эди: юрагида ўти бор, ювош, ўзига биноси катта эмас; тикишни, мато тўқишни билади, яхши пазанда. Хулласи калом, Тараш аёл кишида бўлиши керак деб билган барча фазилатлар бор Ламарияда. Бунинг устига ҳам Темур билан, ҳам барча оила аъзолари билан Тарашнинг муносабати яхши бўлиб қолувди.

Ламарияга уйланарди. Тарбаларга товоғ тўларди...

Энди билсаки, қишда, Тараш Паҳлавонлар дарасида қолиб кетган чоғида Арзакан Махвш минорасида, унинг бўлажак хотини билан айш қилиб юрган экан. Паҳлавонлар дарасига боришга эриниши шундан экан-да. Бўлмасам-чи, фақат шундан...

Лекин Тараш Ламариядан бўлакка ҳам уйланса бўларди. Ламариянинг сингиси Кетинони ҳам беришлари мумкин эди унга. Темур, албатта, аввал катта қизини узатишни истаса-да, ихтиёрни Тарашга қўйиб берган эди.

Аслида-ку, Кетино Ламариядан кўра чиройлироқ, одоблироқ. Лекин Арзакан Мезирни ўлдириб ишни расво қилди! Махвшнинг хонадони энди Тараш учун ёпиқ.

Арзаканни қочириб юбориб, ўзи қола қолгани маъқулмиди, балки? У чоқда, иккиюзламачилик қилиб, Мезирни ўлдиришда иштироким йўқ, деб қасамёд этиши керак эди. Аммо, ким биларди, унинг гапига ишонишармиди ҳали, йўқми?

Мегрелияда: «Свандек сержаҳл» деган гап бор. Арзаканни ушлолмай, Лапаранилар унинг ўрнига Тарашни ўлдириб юбориши ҳам ҳеч гап эмас.

Ким биларди, ҳаммасига она сути айбдормикан? Балки она сутида шундай бир фермент бордирки, айти бир пайтда эмизилган икки гўдак, ахийри бориб бир-бирига рақиб бўлиб кетар?

Тараш, то ўла-ўлгунга қадар бир-бирига халақит бериб юрган эгизакларни эслашга уринди.

У бутунлай хаёлга толди. Бир-биридан мудҳиш манзаралар хаёлидан ўтди.

Бас, етар. Тараш Эмхвари энди ўзининг шахсий ҳаётига эга бўлишни истайди. Унинг бошқаларга асло алоқаси бўлмаган ўз шахсий ҳаёти бўлиши керак, унга ҳеч ким суқилмаслиги керак! Шу чоққача унинг тақдирини Арзакан тақдир билан боғлаб келган занжирларни барбод қилиш вақти етди!

Эмхвари ухлаб ётган Арзаканнинг тепасига келди. Ўзининг ҳимоя қил, дея қичқирмоқчи бўлди.

— Тур, Арзакан!— деди оҳистагина.

Лекин Арзакан ширин уйқуда эди. Қўлини кўксига қўйганча ширин ухларди. Унга тикилиб тураркан, Тараш ўйлади: «Ҳатто энг қаҳрли қароқчи ҳам, ухлаб ётганида, бешикдаги гўдакдай безарар кўринади. Ухлаб ётгучи кимсанинг чеҳраси гўдак ёки мурда чеҳрасидай маъсум. Ухлаган одамдан ер юзидаги гуноҳи учун қасос олиш ярамайди».

Арзаканни турткилай бошлади. У эса кўзини пирпиратди. Юқори лаби чўччайди, уйқуси бузилган гўдакдай гингшиди.

Арзакан қошини чимириб, лабини чўччайтирди.

Бу ҳол Тараш Эмхварига, кичкинтой Гучанинг ҳар куни эрталаб ёнида ётган Арзакан билан талашиб-тортишганини эслатди. Олтин болалигини эслаганида юраги уюшиб кетди.

Сут эмишган биродари қўлини оҳиста ушлади-да:

— Тур, Арзакан!— деб қаттиқроқ хитоб қилди.

Арзакан кўзини очиши билан дарҳол: «Нима отиб келдинг, Гуча?» деб сўради. У шундай бетоқатлик билан, шундайин бир илинж билан сўрадики, Тарашнинг унга раҳми келди.

— Карқур отиб келдим,— деди у.

Арзакан норозилик билан тумшугини осилтириб олиб, хараша қила бошлади.

— Мен бўлсам така отиб келасан, деб ўтирибман! Сен учун Темур отиб юрган эмасмиди шу чоққача?— Бу гинахонлик Тарашга қаттиқ ботди.

— Сенингча серкани ким оғди бўлмасам?

— Ким отди дейсанми? Биз билан ов қилиб юрган ёзувчи бор эди-ку, ўша отган.

— Тентаквой, у мени отганди!

— Ке, қўй, ҳазиллашяпман,— қотиб кулди Арзакан ва иккови ярашиб олдилар...

Бир куни кечқурун Тараш эрталаб овга кетиб, то бир такани овламагунча қайтмаслигини айтди.

Тонг ёришмасданоқ чиқиб кетди.

Арзаканнинг кечгача кўнгли ғаш бўлди. Совуқдан эски яралари зирқираб оғриди.

У, ҳатто овқат пишириб ейишга ҳам эринди. Оғир хаёллар билан оч ётаверди.

Сванетияда ортиқ яшаш хатарли. Қора Махвшнинг уйига қайтишнинг имкони йўқ. Тасодифан учраган овчилар эҳсони билан яна қачонгача Паҳлавонлар ғорнда яшириниб бўлади?

Шунинг учун у Тарашнинг келишини кутишга ва эртасигаёқ Латпар довони оша Кутансига, ундан Тбилисига жўнаб кетишга қатъий қарор қилди. Тбилисида ўзига иш топади ва бир амаллаб институтга киради.

Тбилиси ҳақидаги ўйлар унга Тамарни эслатди. Юрагидаги жароҳатлар зирқираб кетди.

«Тамар» номи Арзакан учун мавҳумлик ниқобида қолган. Қизнинг тақдири нима кечди, бундан у беҳабар. Қаерда у? Турмуши қандай, нима қилаётир?

Балки институтга кириб олгандир? Еки эрга теккандир? Балки у Зугдидига қайтиб, қиши Тариэл бобо, Шардин Алшибая ва девона Лукая даврасида ўтказгандир?

Тамар қаерда бўлмасин, Арзакан уни излаб топади. Тбилисида топмаса Зугдидига боради. Қарори қатъий. Худди шундай қилади. Тарбалар экану, бутун олам унга қарши чиқса ҳам шундай қилади.

Тамар эрга теккан бўлса-я?

Теккан бўлса нима бўпти! Тамар кимга хотин бўлган бўлмасин, барибир бир кун келиб, Арзаканники бўлади. Қисмат китобида ёзилгани шу!

Режаларини амалга оширишга бир нарса халақит бериши мумкин. У ҳам бўлса Тарашнинг тақдири масаласи.

Аслини олганда, Тарашнинг бу лаънати Тарбалар билан рақиблиги Арзакан туфайли, ҳа, ҳа, фақат у туфайли. Уни шу ерда қолдириб кетадими? Йўқ, Арзакан ундай қилолмайди. Агар Тараш ўжарлик қилмаса, иккови бирга қайтади Тбилисига. Тараш шунчалар қўрқоқ эмаски, Тарбаларни деб шу ерларда яшириниб қолиб кетса... Уни Сванетияда тутиб турган бошқа сабаблар бордир бўлмасам?

Арзакан йўлга тушгунга қадар Тараш билан сўзлашиб, алов-далғов бўлиб кетган масалаларга ойдинлик киритишга қарор қилди.

Отаси бир қанча вақт черкеслар томонга ўтиб кетиши мумкин. Кейин Арзакан, ҳукумат Тарбаларнинг танобини тортиб қўйишига эришади.

«Наҳотки шу босмачилар олдида чекинсак ва бутун умр улاردан яшириниб юрсак?»— деб ўйлайди Арзакан.

Бекор отасининг сўзига кириб, қиши билан айиқ уясида умр кечирди. Қўй териси, тезак ва қорақатдан ясалган бўза иси келса кўнгли кетади; эчки гўшти ейиш, жоҳил Кора Махвш ва ўғилларининг сўзларини тинглаш жонига тегди.

Яна катта шаҳарга бир боргиси, соқол олдиргиси, асфальт кўчаларда кезгиси келди. Газета ва китобни соғинди.

Буни ҳақиқий ҳаёт деса бўлади! Бир тупканнынг тагидаги ҳаёт ҳаётми? Қиши билан одамлардан ажралиб, унутилиб, тоғлар орасида қамалиб ётса...

Отаси Арзаканга моненьлик қиладиган бўлса-чи? Нима бўпти! Отаси эски дунё билан алоқасини узмаган ҳали. Хундор рақиб-

лар бутун бир оилани, бутун бир қишлоқни дағ-дағ титратиб турадиган эски урф-одатлар унинг онгида чуқур илдиз отган. Ундан ташқари, Арзакан бола эмас-ку, отасининг измидан чиқ-маса! Ортиқча ади-бади айтишмаслик учун отасига билдирмайгина кета қолгани дуруст.

Арзакан шу хаёллар билан ухлаб қолди. Оёқ шарпасидан уйғониб кетганда, қоронғи тушган эди. Оёқ шарпалари ва хўрсиниш эшитилади. Оч ётган Арзакан севинди: «Тараш бирор парранда отиб келтирган бўлса керак».

Кўзини очмаёқ, келган кимсадан сўради:

— Така келтирган бўлсанг, яша, дейман-да, Тараш!

— Ҳа, қорнинг очдимми?— сўради Тараш ўрнига Қац Звамбая.

— Оч қолдим, ўлгудайин оч қолдим, Гуча.

— Тиқилиб ўл, ўғлим, тиқилиб ўл!— деб жавоб қилди отаси.

Отасининг овозини таниб, Арзакан жимиб қолди.

Қац Звамбая атрофидаги чала ёнган ўтинларни йиғиштириб анча овора бўлди. Ниҳоят, оловни ёқиб юборди-да, гап бошлади:

— Одам ҳам шунчалар виждонсиз бўладими? Бир кимса шунчалик одамгарчилик қилиб, бошпана берса-ю, сен эса тузлугига тупурсанг! Энди нима қилмоқчисан? Қаёққа бормоқчисан? Оч ётгандирсан? Махшникига меҳмон бўлиб кела қол, Гурандухт иссиққина хачапури билан зиёфат қилади сени... Жонингни олади сенинг, жонингни!

Арзакан эчки терига бурканиб олиб, жим тинглаб ётарди. Қац Звамбая жонидан ўтиб кетган аламларни бир-бир санаб бошлади. Унинг дашномлари пайшанбада инжилни ўн икки бор туширишдай меъдага тегиб кетган эди.

Арзаканнинг комсомолга кирганидан тортиб, қишлоқда қол-ҳоз тузиб ҳамқишлоқларини ўзига душман қилиб қўйганигача гапирди Қац. Кейин Тарбалар билан хундор бўлиб қолишлик воқеасига ўтиб, бунинг натижасида бошларига не кунлар тушганини санаб ташлади.

Арзакан индамай ётаверди, бу ҳол чолни баттар аччиғлантирди. У ўғлини лаънатларди, сенинг ўрнингга онанг илон туғса бўлмасмиди, онанг қорнида ўлиб кетганинг яхши эди, дея қарғишларди.

— Бўлди, хотиржам бўлинг,— деди ниҳоят Арзакан.— Мен туфайли шунча азоб чеккан экансиз, энди ортиқ сизга оғирлигим тушмайди.

Жаҳлдан чолнинг ўзи ҳам чарчаган эди.

— Тараш қаёққа кетди?— деб сўради у.

Тараш овга кетганини айтди Арзакан.

Ҳамма ёқ қоп-қоронғи. Тарашнинг кечикканидан хавотирлана бошлади Қац Звамбая. У тарбиялаб ўстирган ўғлонини тезроқ кўргиси, бу тентак Арзакан билан Мезирни ўлдиришда иштроки бор-йўқлигини сўрамоқчи эди.

Ухлаб кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Туш кўрса, Окумига қайтибди. Қоп-қоронғи эмиш. Арзаканнинг ҳужраси ёнига бориб эшикни очибди. Қараса, ўчоқ ёнида аллакимнинг калласи ётганмиш. Қисиқ кўзли бу калла қаёқдан келиб қолди, деб тикилиб қарабди. Қараса, бу Мезирнинг калласи эмиш, Мезирнинг мажақланган калласи эмиш! Бу кўзлар истеҳзоли кулиб, Кац Звамбаяни мазах қилаётганмиш.

Бу кўзлар унинг ғазабини қайнатибди, мажақлаб ташлагиси келибди, лекин кўзлар қинидан чиқиб, ҳужра томига ўрмалаб кетибди-да, чинқира бошлабди.

Кац қора терга ботиб уйғонди. Қараса: Арзакан кийиниб олиб йўлга отланаётибди. Буркасини ерга ёзиб, тахлади. Қўнжини тортди, папахини қоқди.

— Қаёққа кетяпсан?— қичқирди Кац бошини кўтариб.

— Қаёққа борсам боравераман. Бу менинг ишим.

Кац ирғиб ўрнидан турди.

— Сендан сўраяпман, қаёққа кетяпсан?

— Овга кетяпман, кейин Тбилисига жўнайман. Мендан қутулиб, дам оласиз.

— Қанақасига дам олар эканман. Тарбалар абжақ қилиб кетса, қонингга ким жавобгар?

— Ўзим учун жавоб қиламан.

— Сенми ё менми?

— Мен!

— Сен билан мен бир одам эмасмизми? Бизни ким айирди?

— Мени ким яратган бўлса ўша.

— Сени ким яратибди асти? Мен яратганман сени, сен менинг қоним...

Арзакан папахини юлқиб олиб чиқиб кетди.

Арзакан уч кунгача Ушба атрофида ов қилиб юрди, Тбилисидан келган туристлар билан бирга тунади. Паҳлавонлар дарасига кеч қоронғисида қайтганида, кираверишда чўпонларни кўрди. Улар Арзакан номини тез-тез тилга олиб, баҳслашмоқда эдилар.

Арзакан уларга яқинроқ келганида сванлар жим бўлиб қолишди. Арзаканга бу ғалати кўринди.

Одамлар орасидан Голета деган чўпон ажралиб чиқди, ўнг қўлини Арзаканнинг елкасига қўйди-да, деди:

— Кеча кечқурун биз ҳув аनावи тоғ этагида эчки боқиб юриб эдик. Мен жилғадан сув олмоқчи бўлиб, сўқмоқ билан пастга тушдим. Утиб кетаётиб, уч қуролли кишининг Паҳлавонлар дарасига кириб кетганига кўзим тушди; аввалига мен, бу сен, отанг ва сат эмишган биродаринг, деб ўйладим. Лекин бир неча дақиқадан кейин ўқ товуши эшитилди. Мен етиб келгунча дарада отишув кўпайди, дара ларзага келди.

Милтиғим йўқ эди. Мен ханжаримни яланғочладим-да, Паҳлавонлар ғорига отилдим. Қоронғида ёнгинамдан икки кўланка

югургилаб ўтиб кетиб қолди. Югуриб горга кирдим, қарасам: икки киши қонга беланиб ёнма-ён ётибди.

Голета ранги қув ўчган Арзаканнинг қўлидан тутиб, буркага ўралган икки мурда тепасига келтирди. Иккинчи ўлдирилган кимса Самсон Тарба бўлиб чиқди. Унинг кўкрагига ханжар қадалган эди. Арзакан отасининг ханжарини унинг кўксидан тортиб чиқарди-да, ерга отди.

Сванлар Тарбанинг ўлигини олиб кетишгач, Арзакан отасининг мурдасига бош қўйиб, аччиқ-аччиқ йиғлай бошлади...

Бирдан ташқаридан тантанали овоз эшитилди: «Биз келяпмиз, Арзакан! Сенга эчки келтиряпмиз!»

Тараш билан Саур ўлжаларини кўтариб кириб келишди.

Улар бурка ёпиб қўйилган мурдани кўрмай, завқ билан кулиб кириб келишди. Арзаканни қидириб юрган Саур «Бургут қоя» яқинида ов қилиб юрган Тарашга дуч келиб қолибди.

— Қаёқларда қолиб кетдинг-а?— ўпкаланиб сўради Арзакан Тарашдан.— Сен ёки мен шу ерда бўлганимизда, бошимизга бу кўргиликлар тушмасмиди!

— Қанақа кўргилик? Нима бўлди?

— Отамни ўлдириб кетишибди!..

— Кимни?..— қичқириб юборди Тараш ҳайратдан.

У кўзини ерга тикканича, миқ этмай тинглади Арзаканнинг ҳикоясини.

— Лаънати Тарбалар,— деб қичқирди Саур.— Ламари ҳайити куни Кохта Лапариянидан сизларни, Қора Махвшнинг меҳмони бўлиб юришибдим, деб суриштиришаётувди. Махвш улар билан битишиб олиш ниятида эди.

Тараш Эмхвари мурда устидаги буркани очди-да, унинг қошида тиз чўкиб, эҳтиром билан унинг ўнг елкасидан ўпди.

Сўнг учалови жимгина ўтиришди.

— Энди нима қилмоқчисизлар?— деб сўради Саур.

Арзакан индамади. Унинг ўрнига Тараш жавоб қилди:

— Мегрелияга олиб боришдан бошқа илож йўқ. Марҳум: агар ўлиб қолсам, ўлигимни Сванетияда қолдирманглар, уйимга элтинглар, деярди.

Эмхвари шундай деди-ю, савол аломати билан Арзаканга қаради. У индамайгина розилик билдирди.

Шундан сўнг Тараш Саурга мурожаат қилди:

— Бир иложини қилиб, ҳеч бўлмаганда битта от топиб берасан бизга.

— Нима деяпсан, нима деяпсан!— чўчиб тушди Саур.— Уйда сизларни тилга ҳам олишим мумкин эмас. Аксинча, сизларни аллақачон Сванетиядан чиқиб кетишган, деб овоза қилиб юборганман. Лапариянининг ҳеч қайси бири сизларга отини бериб турмайди. Эрта ё индин бу ердан Жокиа ўтиб қолиши мумкин, шу билан гаплашиб кўраман. Шундан бошқа иложим йўқ.

Шунга қарор қилишди.

Саур кетгандан кейин Тараш билан Арзакан чурқ этиб огиз очишмади. Бир-биридан хафа кишилардай жимгина ётишди.

Осмонни қора булутлар қоплади. Қаттиқ шамол туриб, жала кўйди. Тараш мукка тушиб ётганича, ҳар дақиқа бир хўрсиниб кўярди.

Арзаканнинг мияси даҳшатли хаёллар билан тўлди. У, шунча узоқ йўқ бўлиб кетиб, отасини рақиблар қаршисида ёлғиз қолдирганидан ўкинарди. Отаси дарага келаётганида Тарбалар унинг изига тушишган. Арзаканнинг чиқиб кетганини ҳам пойлаб, уларни битта-битта йўқ қилмоқчи бўлишгандир балки. Ҳозир ҳам улар пойлаб юрган бўлиши керак. Звамбаялар авлодида эркак зотини қуритмагунча жим юришмайди.

Отасининг эҳтиёткорликларига Арзакан қанчалар енгил қарарди-я! Бу хундорлик қасди одатининг қанчалар даҳшатли эканини кекса Кац жуда яхши тушунарди-да!

Момақалдироқ зўрайди. Аллақайлардадир, узоқда гулдиради, тоғларнинг тепаси ёришиб кетди, музликлар ва жарликлар акс садо берди.

Яшиларнинг шуълалари гўё осмон, дақиқали табассум маҳали олтин тишини кўрсатгани мисол шинакларда ярақлаб кўринди. Кейин яна зим-зиё қоронғилик ва жарликларда ҳайқирган шамол ҳукмронлиги бошланди.

Арзакан тушида тўсатдан бақириб юборганида, тун ярмидан оққан эди:

— Ким у? Яқинлашма, отаман!

Тараш ўрnidан турди, Арзаканни уйғотди-да, юпата бошлади.

Арзакан ўрnidан кўзғолиб, нима бўлганини суриштирди. Кейин яна ухлаб қолди. Уни яна даҳшатли тушлар қийновга солди.

Шинаклардан айқириб қон оқаётир. Арзакан Паҳлавонлар дарасида чалқайиб ётибди, дара эса қон билан тўлаётир... Мана қон оқими Арзаканга етиб келди ва уни дарада оқизиб юрибди. Мана шу гирдобнинг сатҳида эса, газаб-нафратла чақнаган баҳайбат бир кўз сузади. У Арзаканга тикилганича қотган. Кимнинг кўзи бу? Арзакан уни ҳеч қачон кўрмаган. Лекин шунга биладики, бу кўз Тарбаники, аллақайси бир Тарбаники, оламдаги барча Тарбаларники.

Арзакан тўппончасини ёнидан чиқармоққа уринади, хириллайди. Тараш яна уни уйғотади...

Кечаси билан Паҳлавонлар дарасида алланималар шитирлаб-гурсиллаб чиқди, ҳамма тешик-тўйнуқларда увлади.

* *

*

Саур дарҳақиқат Жокиадан от топди.
Тўртинчи куни Кац Звамбаянинг мурдаси ўғли ва тарбияланган фарзанди томонида Окумига келтирилди.

Тўрт кунда зўрға етиб келишди. Негаки ўлар фақат кечаси, шуида ҳам узоқ сўқмоқлардан юриб, кўп сонли Тарбалар авлодидан бирор кимсага дуч келмаслик учун кундузи қар'ағай-зорларда яшириниб йўл юришди.

ҚАЙТИШ

Арзакан билан Тараш Эмхвари Кохор ўрмонида, кеч киришини кутдилар-да, қоронғида Окумига кириб келдилар.

Эрининг ўлими ҳақида ярим кечада тўсатдан келтирилган хунук хабарни эшитганда Хатуна не кўйга тушишини тасаввур қилиб, Тараш бунга бардоши етмаслигини ҳис қилди. Шўнинг учун, Жамсугнинг собиқ қасри ёнига етганда сўт эмишган биродари билан хайрлашди.

Арзакан отини ниқтаб йўлини давом эттирди ва қишлоқ йўлига чиқди. Қишлоқ қаттиқ уйқуда эди. Қора бўлутлар оралиғидаги чуқурларда бота-бота ҳориган ой судраларди. Толларнинг учлари ой ёғдусида ўйнаб, товланиб турарди.

Тақаланмаган от дупури эшитилади. Арзакан азбаройи халғла толганидан, ўй суряпганини ҳам, мудраяпганини ҳам билмасди.

Ёнида Тараш борида бошига тушган кечмишлари бунчалар даҳшатли туюлмаганди. Энди бўлса, мана бу кўримсиз отда, қайғули хабарни етказиш учун ёлғиз ўзи бораётир.

Дарвоза тагида отнинг жиловини тортди. Отасининг хонадоними шу? Дарвозанинг эман тахтасини шамол юлқилаб кетибди. Устунлар худди урушиғлиқдек икки тарафга қийшайибди, дарвоза ҳам вайрон.

Дарвозага ҳожат бормикан ўзи бу ерда? Унинг ўнги ҳам, сўли ҳам очиқ йўл бўлиб, дарвоза шунчаки номига турарди.

Четан бузиб олинган эди: бу йил қишда ўтин етишмай, онаси қозиқларни ёқиб юборган кўринади.

Бир вақтлар ёнғоқ дарахти ўсган жойгача борди. Ёнғоқ ҳам, арғувон ҳам кесилган, магнолияни эса бўрон ер бағирлатибди.

Қац Звамбая хонадони қирилиб битгандай, сукўтда. Итлардан биронтаси ҳурмайди. Илгарилари Звамбаянинг итлари ашаддийлиги билан бутўн қишлоққа машҳўр эди.

— Ҳой!— қичқирди Арзакан.

Ошхона эшиги тагига борди. Эшик ичидан беркитилган эди. Демак, бирон бир тирик зот бор. Лекин ким у? Арзакан кимни чақиритишини билмайди. Қамчи дастаси билан эшикни тақиллатиб, абхаз тилида ўй эгасини чақирди.

— Ким у?— деган аёл овози эшитилди.

— Бу мен, мен! Очинг!

— Сен ким ўзи?

Арзакан Забулининг овозини таниди. «Демак, ҳали ҳануз»

шу ерда экан-да?»— деб ўйлади у ва ғижирлаган эшикни сабр-сизлик билан итарди.

У Забулининг эшик ёнига келганини ҳис қилиб турибди. Қиз, эшикни очишини ҳам, очмаслигини ҳам билмай иккиланди чоғи, ҳаяжонли товуш билан такрор сўради:

— Кимсан, ўзи?

— Бу мен, Арзакан. Наҳотки танимсанг?

Забули ўзини йўқотиб қўйди. Алдашяпти деб ўйлаб, ярим очган тамбани шошиб ёпди.

— Ростингни айт, кимсан? Бундай бемаҳалда сенга эшикни очмайман, Кужи.

Арзакан яна исмини такрорлади. Шундан сўнг эшик очилиб, Забули унинг оёғи тагига беҳуш йиқилди.

Арзакан энгашди, қизни кўтариб сўрига ётқизди. Сув келтирди, чаккаларини ишқалади.

— Бу мен, Арзаканинг бўламан, қўрқма,— дерди у.

Забули кўзини очди. Арзаканга, худди мурда тирилиб келгандай, ҳайрон бўлиб боқди. Тирик жонми ёшиқ кўзига кўринган хулёми, билмоқчи бўлгандай қўлини ушлади.

Арзаканинг кўксини тутган тим қора паҳмоқ соқоли қизни танг қолдирди. Хушчақчақ, мулойим Арзаканга нима бўлди, деб ҳайрон қолди. Кўзлари лак-лак тушиб кетган, соқолдор бу эркак бегонадек кўринди қизнинг кўзига.

Забули унинг қўлларини ўпади, кўкрагига босиб йиғлайди.

— Онам қани?— сўради Арзакан.

Забули Хатунанинг юмуш қила-қила бетоб бўлиб қолиб, касалхонада ётганини айтди.

Тарашни сўрамоқчи бўлиб тилғини жуфтлайди-ю, вақтида тиғиб қолади.

— Отангиз саломатмилар?— деб сўради Забули.

Арзакан сесканиб кетди. Бу саволдан у чўчиб турган эди.

— Отамни Тарбалар ўлдиришди...— бошини қуйи солиб жавоб қилди у.

— Вой шўрим!— чиққириб юборди Забули бетини юмдалаб.— Онамизга нима деймиз энди? Тарбалар ўлдиришди? Сизлар қаёқда эдинглар, туққан ўгилу, тарбиялаган фарзанд, қарда эдинглар сизлар? Икки эркак бир қарияни муҳофаза қилолмадингларми!

Арзакан хижолат бўлди. Бўлган воқеани ва Тараш иккови отаси жасадини қанчалар қийинчилик билан Окумига келтирганларини батафсил сўзлаб берди.

Арзакан жуда эрта турди. Тунни бедор ўтказган Забули донг қотиб ухларди. Унинг чеҳрасида изтироб аломати қотган эди. Шу йил ичи Забули жуда ўзгариб кетибди: сочларига оқ оралабди, лабининг икки ёнига ажин тушибди. Ночорлик ва дард унинг бўлиқ, келишган танини сўлтибди.

Арзакан ҳовлига чиқди. Бундаги ҳамма нарса қаровсиз,

ташландиқ бўлиб кўринди унга! Еғоч уйнинг томидаги тахталар шамолда учиб кетибди. Ҳовли иккига ажратилибди: уйнинг на-риги тарафида бирон бир қозиқ кўринмайди.

Арзакан яна бир бор магнолияга боқди. Болалик шўхлик-ларига макон бўлган, эндиликда шох-бутоқлари синиб битган бу дарахтга юраги ачишди.

Қаёққа қадам қўймасин, дилини оғир бир ғашлик кемирад-ди: қаёққа қарамасин, ҳамма нарса отасини ёдга соларди. Ма-на бу кесилган арғувонлар ҳам, чинорлар ҳам, анави анжир дарахти ҳам, эман ниҳоллари ҳам — ҳамма-ҳаммаси отасини эслатарди.

Ҳовлида туришга тоқати етмай, ёнғоқ томон юрди. Кўприк-ни сув оқизиб кетганини кўриб хафа бўлди. Емғир билан тўлиб қутурган сой ёнғоқ ва қорақайин тагидан оқиб ётарди.

* *

*

Қац Звамбая жасадини ерга қўйишга окумиликлар Майя-ни кўмишдан кўра кўпроқ эътибор қилишди. Абхаз одатига кўра аза очишди. Хатунанинг талабига кўра кўмиш маросими куни унга касалхонадан жавоб беришди.

Йиғи берувчи хотинлар тўрт қатор бўлиб ўтиришди, ўртага тобутни қўйиб, марҳумнинг либосларини ёйишди.

Қора чоха кийган ҳамқишлоқлар, яланг бошларига шапати-лаб ашула билан дарвозадан уйгача, уйдан дарвозагача юриб туришди. Паст, йўғон товушда «Азар»ни куйлашарди улар.

Қац Звамбаянинг оти Циранинг устига қора ёпқич ташлаш-ди, эгарни олд тарафини орқага қилиб қўйишди, эгасининг қу-ролини тигини пастга қилиб, эгарга осишди.

Хатуна марсия айтар, йиғи берувчи аёллар эса унга жўр бў-либ, «Вой-во-ей»лаб қўйишарди.

Бартаялар, Хатунанинг қариндош-уруғлари номидан, шохи-га ёқиб қўйилган шам қадалган ҳўкизларни ҳайдаб келди.

Келеш билан Жаму аччиқ-аччиқ йиғлаб олдинда туришар, кўкракларига муштлашарди.

Мотам либосига бурканган Цирани марҳумнинг бош тара-фига олиб ўтишди ва тобутни шу от кетидан уч бор уйни айлантир-гач, марсия айтиб, «Азар»ни куйлаб ҳовлидан олиб чиқишди.

Майянинг жасадини эса, Цируния билан Эмхвариларнинг беваларигина кузатди, холос.

* *

*

Тараш отаси хонадониди мункиллаган Цируния билан ун-дан баттар шалпайган тозидан бўлак ҳеч бир кимсани топмади.

Цируниянинг қулоғи том битган, қўшни болалар итнинг оё-ғини уриб синдирган эди.

Яланғоч деворларда фақат аждодлару, қариндош-уруғлар сураги осиғлиқ эди. Сўнгги гилам ва палосларни Цируния Майяни кўмиш учун сотиб юборган эди.

Тараш онасининг хонасига кирди, бўшаб қолган тўшак қошида тиз чўкди.

— Сизни мен ўлдирдим, ойижон!— болалардек ҳўнграб йиғлади у.

На Цируния ва на бошқа кимса шу кунгача Тараш Эмхварининг йиғлаганини кўрмаганди.

Эртасига Цируния унинг архалухи, белбоги ва ханжарига мотам белгиси қўйди. Шу кундан бошлаб у, соқолини олмади.

Изтиробда қолди Тараш Эмхвари. Аччиқ азоб юрагини сиқди. У шам сингари озиб-тўзди, ранги сишиқди. У кўланкадай уйда сандироқлаб, ённки эмхварилар қалъаси харобаларига бориб, бир харсангга ўтирарди-да, хаёлга толарди.

Уйда ҳар лаҳза, қачонлардир онасининг қўли теккан буюмларга у нақш тиккан болишларга, унинг уч оёқли курсисига, унинг чувагига, тўр тўқийдиган игнасига, игна қадаладиган ёстиқчасига, эски дуррасига, қайчига, кичкина кўзгуга кўзи тушарди.

Столда «Грузия тарихи» ётарди, Тараш китобни варақлади. Китоб саҳифалари орасидан онасининг кўзойнагини топди. Бечора онажониси, узундан-узун оқшомлар зориққанида, буни ўқиган бўлса керак. Малика Тамарнинг ўлган ерига етганида, китоб ичида кўзойнагини қолдириб, ўқишни тўхтатган...

Тараш Эмхвари ҳам шу ерга етганда тўхташни яхши кўрарди.

«Грузияни хонавайрон қилиб ташлаганларини ўқишни ёқтирмайман,— деяр эди у.— У ёғида, асосан, халқнинг қирилиши, хонавайрон бўлиши, подшоҳлар томонидан тахтнинг сотилиши, феодалларнинг бир-бирлари билан уруши тарихи кетади. Соқоли бўялган икки юзлама «ҳокимларнинг Тбилиси билан Теҳрон ўртасида юргизган чақувлари, Истамбул бозорларида сотилган қуллар тарихи бор у ёғида...»

Онасининг кўзойнагини олиб, шу билан атрофга боқди. Тева-ракдаги нарсалар аллақандай бўлиб кўринди унга.

Сўнг онасининг кўзойнаги хираланди, Цируниянинг одимлари эшитилди. У шошиб кўзойнакни ечди, кўзини артди, китоб варақлай бошлади. Цируния унинг оёғи тағидаги пастак курсичага ўтирди-да, овоз солиб йиғи бошлади:

— Кечаю кундуз дарвозадан кўз узмади шўрлик. Мисоустимдан дарак эшитмадингми, газетада бирор бир хабар ўқимадингми деб суриштирарди ҳаммадан. Кейин Окумида, Тарбалар учаловингизни ўлдирибди, деган хабар тарқалди.

Январда бор-йўғи бир пуд жўҳоримиз қолди. Тегирмонга элтиб, қайтаётувдим, қарасам: жойи жаннатда бўлгур Майя бекам уйнинг ўртасида ўтирибди, либосларинг тепасида йиғи беряпти. Жаҳлим чиқди: «Худонинг қаҳрига қолманг яна! Одам-

ларнинг тили узун, ақли қисқа» дедим. Лекин раҳматлик дод солиб йиғлайверди! Шанбада бошини ювди, ибодат қилди-да, ётди. Эрталаб ёнига келиб: «Туринг, алламаҳал бўлди» деб уйғотавердим. Лекин, жавоб бермади жойинг жаннатда бўлгур! Оёқ-қўлларини узатиб, бир чиройли бўлиб ётибди денг, раҳматлик! Бир кун олдин алланималар ёзаётувди, сенга хат ёзаётувди чоғи, лекин қаёққа юборишни билмади...

Тараш Цируниянинг сўзларини жимгина тинглади, кейин ўрнидан туриб, хатни столдан ахтара бошлади. Ғаладонларни очиб қаради, кутубхона полкаларини ҳам алғов-далғов қилиб ташлади. Сабинининг «Грузия жаннати» деган китоби қўлига тушди. Китобни варақлаб онасининг мактубини топди.

Ҳарфлар, у Европадалик чоғида онасидан олган мактублардагидан ҳам баттар эгри-бугри бўлиб кетган, чангали сиеҳга беланган қуш сариқ қоғоз устида ҳаққалагандай кўринарди.

«Сенга мен ҳаёт берганман, менинг умид-орзуларим бўлмиш ўғлоним, ўлиб кетганингга асло ишонмайман. Ҳаётимнинг сўнги дақиқаларигача, у дам жуда яқин келиб қолган, сенинг дуо жонингга бўламан.

Сенинг қўлёмаларинг ёзув столи ғаладонида ётибди. Гулико. Католикос ёрлиғини топиб қўйишимни сўраб эдинг. Сенинг ҳаққингла онт ичаманки, уни тополмадим. Балким тисдан ясалган шкаф ғаладонидадир. Аммо шкаф ёпиқ, калитининг қаердалигини билмайман, чилангар бўлса Сухумига кетган. Агар мени яхши кўрсанг, шкафни бузма. Ахир бир кунмас бир кун, менинг илтижойимни адо этиб, уйланарсан, шунда шкаф хотинингга керак бўлади. Ерлиқнинг сенга нима даркори ҳам бор? Эшитишимча, Эмхварилар уни ўқимасликка ҳаракат қилишган.

Ягона илтимосим шу — уйлан, Эмхварилар авлодига чек қўйма, Эрамхутга ўхшама. Ундан бир талай този иту пўлаг тус шунқор қолган холос...»

Онаси васиятномасида кўп нарсалар устида тўхталган, охирида, албатта уйланишни илтимос қилган. Мактуб сўнгида яна:

«Сўнги дақиқамда ҳам сени дуо қиламан» дея такрорлаган.

Тараш анчагача хаёл суриб ўтирди. Кейин уйдан чиқиб, вайрон бўлган қаср томон юрди.

Асрлар юки минораларнинг кунгураларини бузиб, черков қуббаларини путурдан кетказган эди.

Тараш ҳувиллаб ётган черковга кирди.

У болалик чоқларида қичқиргани каби:

— Ау! — деб қичқирди. Вайрона меҳроб ҳам, худди болалик чоқларидаги сингари, бўғиқ акс-садо берди. Кейин яна жимиб қолди.

Фрескалар синиғи, бетига ёзув тушган тош плиталар, қабрга қўйиладиган салблар ҳамма ёқда сочилиб ётарди.

Чирмовуқ гуллар орасида калтакесақлар изғирди. Қалъани хмель¹ ва қиёқ чирмаб олган эди.

Тараш қияликдан пастга тушди. Тош деворнинг охирига етганда, зилзила туфайли пайдо бўлган катта ёриққа кўзи тушди. Бир бўлак ёғоч олиб тошдан териб ясалган девор ёриғига тикди. Тўсатдан девор бирдан қулаб тушди ва Тарашнинг кўз ўнгида юзлаб одам скелети намоён бўлди.

Бу манзарадан ларзага келган Тараш онасининг бир ҳикоясини эслади. Унинг айтишича, Эмхварилардан бири беш юзга яқин рақибни асир олган ва ҳаммасининг бошини танидан жудо қилган. Қалласи олинган гавдаларни черков ҳовлисидаги девор орасига жойлаб, суваб ташлаган экан...

Энди бўлса, биродарини ҳимоя қилиб, Жамлет Тарбани ўлдириб қўйгани учун Тараш Эмхвари тоғ-тошларда қочиб юришга мажбур бўлди.

...Ота-бобосидан қолган қалъа харобалари тагида ўтираркан, Тараш Эмхварилар авлоди ҳаётига яқун ясарди.

Неча-неча замон бу қалъа ва унинг эгаларига хизмат қилди. Тарих ва тараққиёт уларга қарши иттифоқ тузди.

Тарашнинг бобокалони — Карну шаҳрини забт этган қаҳрамон Вардан, бундан саккиз аср муқаддам, худди мана шу ерда ўтирган бўлса ажаб эмас. Энди бўлса Карну шаҳри ҳам, уни забт этгувчидан тортиб, забт этишга буюрганлар ҳам, аллақачон, тўзонга айланиб кетган.

Янги аср келяпти, динамитларни портлатиб ўзига йўл очувчи янги халқ бош кўтариб келяпти.

Эмхвариларнинг сўнги авлоди дунёнинг ярмини айланиб келди, Шимолда бўлди, Фарба юрди. Озми-кўпми кезди дунёни, илм толибларига шогирд тушди. Юлдузлар сирини ўрганди; қадимий пергаментлардаги ёзувларни ўқийдиган бўлди; кутубхоналарда, семинарларда сабр-тоқат билан мутолаа қилди. Дошишмандлик меваларидан татиб кўрди. Хўш, нима чиқди! Уша-ўша Тараш Эмхварилигича қолди. Хўрозни, бамбук товоқ тубига чизилган қора хўрозни тутиб ололмаган уч яшар Мисоустдан нари кетолмади...

Шундай эди, ҳали ҳануз шундай.

Мумкин бўлмаган, эришиб бўлмайдиган нарсага уринади Тараш Эмхвари.

Кеча ва ўтган кунги уринишлари шундан иборат эмасмиди? У ўзини, куч-қудратини зим-зиё ёрда яширин тутган навқирон Прометей деб билмасмиди? Тақдир чақиригига биноан, яширин кучни йиғиб тоғни талқон қилмоқни чоғлаб, пайт пойламасмиди?

Меҳроблар қуриб, биринчи қоҳини ўзи бўлишини кўзламаганими ахир?

Меҳроб меҳроблигича қолиб, унинг ўзи ўша «пайт»ни кута-

¹ Х м е л ь — чирмалиб ўсадиган ўсимлик.

кута, кучини яширин тутган ғорни ҳам йўқотиб, адашиб-улоқиб қолмадимми?

Олам, бўрон қутурган тундаги қора денгиз янглиғ, қудратли ва сирли. Тараш Эмхвари бўлса, унинг соҳилларида даҳшатли бўрон, ваҳимали қуюнни томоша қилиб юрган оддий кузатувчи гўё.

Бугунги кун учун нафи тегмаган кимсанинг келаси асрларга тариқча фойда келтирмаслигини энди яхши тушунади Тараш Эмхвари.

Илгарилари у: «Бу ҳаётда бирор нарса яратмоқ учун ундан чеккароқда туриш керак. Ўз фаолияти туфайли ўлганда тирилиб келиш учун, инсон бир марта ўлмоғи даркор», дея эди у.

Бу унинг энг ҳал қилувчи ва энг катта хатоси эди. Шунинг учун ҳам ҳаётнинг дабдабали зиёфатидан қувиб солишди уни.

Орзу, ўжар ҳўкиз сингари уни бошқа тарафга тортқилаб кетди, ҳаёт эса ўз изида равона бўлди...

Тараш қаршисида намоён бўлган талай суякларга қарайди.

Бугунги кун, Тараш Эмхваридан, тўлаб бўлмайдиган ҳисоб-китоб талаб қилаётир. Аждодлари томонидан тўкилган қон, тақдир тарозисига оғир юк бўлиб тушди.

Елғиз унинг ўзидан талаб қилиняптими бу ҳисоб-китоб? Йўқ. Унинг авлод-аждодига, бутун синфига.

Янги давр оғишмай, қатъий бостириб келаётир. У, Тараш Эмхвари бўлса, ота-бобосидан қолган қалъа харобаларида ўтирганича мана шу гумбазлар, устунлар ва қалъа босиб қолишини кутарди...

Ҳаёт чиғаноққа ўхшайди: чиғаноқ мисол ёриқдан ўтди-кетди. Ҳамма илгариги қобигини ечди. У бўлса, оламда ҳеч нарса ўзгармаган, янги давр ва янги ишлар — хулёдан бўлак нарса эмас, деб юрибди.

Даврнинг жазоловчи қўлидан қочиб қутуламан, деган қарорга келди. Шундай қилиб тоғларга чиқиб кетди, етиб бўлмас дараларга яширинди. Лекин билсаки, у ерда ҳам ўтмиш вайрон бўлаётир, янги ҳаёт овози у ерларгача етган.

Хулласи калом, мана у — муваффақиятсиз ўтган овдан уясига қайтган «лочин боласидай» совуқ харсангда мунгайиб ўтирибди.

ҚУЗИ БОҒЛИҚ ПСИХЕЯ

Шервашидзелар боғига кўклам келди. Тоғолча гуллади, Тамар деразаси тагидаги олма куртак ёзди.

Беморнинг иситмаси тушган кезларда уни кўтариб, ёстиғига суяб ўтказиб қўярдилар.

Тамар шу ўтирган еридан туриб яланғоч боғнинг янги либос кийиб ясанаётганини томоша қиларди. Олчалар оппоқ соябонларини офтобга тутдилар. Асаларилар эса ғўнғиллашиб тонгни

ҳаршилар, оқшом чоқлари хаёлга толиб мудраган боққа алла айтишарди. Чумчуқлар акасзорда хушчақчақ чирқиллашиб офтобни кузатадилар.

Кечалари булбуллар, худди ўтган йилги апрель кунларидаги каби, навозиш билан ширин куйлайдилар.

Бу кўклам Тамарга ажойиб тушлар келтирди, ажиб ширин тушлар. Тамарнинг сочи ўсиб, белига тушган эмиш.

Тонг билан унинг бошини кўтариб, орқасига ёстиқ қўйганлари ҳамон у, сабрсизлик билан сочига қўл юборади. Аммо ҳаргал сочи ҳали ўримга келмаганини кўриб, кўнгли ранжийди. Йиғлагудек алам қилади.

Тўсатдан Тараш келиб қолса-я? Қиз севгилиси билан учрашгунга қадар сочи ўсиб, узун бўлиб қолишини орзу қилади.

Негадир онгида тушуниб бўлмас ўпирилишлар ҳосил бўлган, ўтган кунларини тартибга солиб эслаб ололмайди сира. Бир-бирига жуда ўхшаш, алам ва изтиробга тўлиқ кунларнинг ҳисобини йўқотган.

Баъзида у босинқираб чиқади-ю, ўнги ҳам, туши ҳам зим-зиё зулматга чулғанади.

Баъзан эса онги равшанлашиб, яхши тушлар кўради.

Иситмаси тушган кезларда у, ана шу ажиб тушларни қайта кўрмоқ учун яна ҳам ухлаб кетгиси келади. Қани энди, воқелик узилса-ю, ҳаёти тушга айланса. Тамар рози бўлар эди бунга.

Тамарнинг тушида Тараш Эмхвари ҳар кундан хабар олгани келади. У ҳали ҳануз ўша-ўша: соқол-мўйлови қиртишланган, тирноқлари ярқирайди, костюмидан, рўмолчаси ва қўлқопидан атир ҳиди анқийди. У, ҳар вақтдагидай рояль ёнига ўтиради-да, кўрган-кечирганларидан, қизиқ-қизиқ воқеаларни ҳикоя қила бошлайди.

Уйғонгач, Тамар Тарашни тасаввур қилишга уринади.

Қанақа эди-я у? Овози қанақа эди? Баъзида хотираси бунга тасаввур этишга жуда ожизлик қилади! Якка ва маъёс бу ғалати одамга Тамар жуда-жуда ачинади...

Дарҳақиқат, Тараш ўзини хушчақчақ кўрсатишга ҳар қанча уринмасин, Тамар бу «сурбет» одам ҳаммадан яширмоқчи бўлган маъёсликни сезиб оларди.

Баъзида тақдир Тарашни унга йўлиқтирганига афсус ҳам қилади. Агар Каролина бу одамни уйларига қадам бостирганида алам-изтироб Тамарнинг юрагини қуритиб юбормас эди.

Бу хонадонда Тараш илк пайдо бўлган кезлар Каролина: «О, бу Тараш деганингиз жуда олифта-қуруқ! Унинг бутун маданияти юзак. Ичи ковак дарахт у, илдизи қуриган беҳосил дарахт. Ундан фойда бўлмайди. У билан яқинлик кимга ҳам бахт келтирарди?» деярди.

Уларнинг вилоятида Тараш Эмхварини қораламаган кимса йўқ: Шардин Алшибая ҳам, Таризел бобо ҳам, ҳатто Херипс ҳам ёмонлайди. Шу ерлик кишиларнинг бу «димовдор»ни кўргани кўзи йўқ.

Шундай қилиб Тамар кунлардан бирида:

«Тош юраксан! Юрагингни ғурбатда ташлаб келдинг», деб Тарашга таъна қилганига афсусланди.

Гоҳ-гоҳида Тарашнинг ўзи ҳам, тош бағир, ўжарман, нафрат, ғазаб юрагинни кемириб юборган, дея ўзини ўзи қораларди.

Лекин аслида Тараш Эмхвари асло ундай эмас. Бунга Тамарнинг ишончи комил. У меҳрибон, мулойим, камтарин бир одам.

Унинг Лукаяга бўлган муносабатини олайлик! Бахти қаро чолнинг эси пастлигига шама қиладиган бирон хатти-ҳаракатда бўлмади. У билан худди ўзига тенг одам билан сўзлашгандек сўзлашади, қадимий воқеаларни, эртақ ва афсунларни сўзлаб беришни илтимос қилди.

Тараш Эмхварини ҳамма ёмон кўрса кўраверсин. Фақат Зугдидиликлар экану, бутун одамлар унга қарши турмайдими, уни қарғишлаб, лойга булғамайдими, барибир у Тамарнинг муҳаббатига, Тамарнинг содиқ юрагига орқа қилиши мумкин.

Тбилисида қиз мана шуларни англаб етмаган эди ҳали.

Буни қиз ўз вақтида тушунганда эди, Тарашнинг икир-чикир инжиқликларигача ўзига қонун деб қабул қилган бўларди. Лекин афсуски, вақт ўтди! Ночор тақдир Тарашни номаълумлик томон судраб кетиб бўлди.

Нега энди ундан хотира бўлиб бирор нарса қолмади қизда! Рўмолчами, узукми ёки ёзув дафтарчасими — ўша оқшом унга қайтариб берган кундалигимми. Ёлғиз Лукаяга қисмат кулиб боқди: Тараш унга костюм ҳадая қилди.

Мана ҳозир Лукая қиз қошида тушини сўзлаб бериб ўтирибди: бу тушларни ростдан кўрганми ё тўқияптими, бу ёлғиз худога аён...

«Тараш тушимга кирди,— дейди Лукая.— Қоп-қора соқоли кўксига тушиб турибди. Бошдан-оёқ оппоқ либосда, тагида оппоқ от. От туёғи тагида ер титрайди. Оқ ранг — яхши аломат. Ҳаммаси яхши бўлади, шуригэ. У яқинда келиб қолади, унгача сен ҳам тузалиб кетасан».

Тамарнинг юзи қип-қизариб, кўз қорачиқлари кенгайди. Каролина ёстиқни орқасидан олиб, қизни яна ётқизиб қўйди. Хо-нада камфора иси анқирди.

— Нафасим сиқияпти, деразани очинглар!— дея ингради Тамар ва кўзларини юмди.

Тамар оғриб қолганидан бери Тариэл Шервашидзе хонадони ёшикларини тақа-тақ қулфлади. У қизининг номуси ва оиласи номуси устида зир-зир титрарди.

Докторлар Тамар яхши бўлиб қолади, дея уни умидлантирардилар. Лекин бу унга етарли эмас. Тариэл бобога «номи бўлганмаслиги» жуда муҳим. Оиласи ҳақида миш-мишлар тарқалганидан кўра ўлимни афзал кўрарди у.

Қария, нотўғри диагноз қўйди, деб Перадзени роса сўкди, лекин Херипс Перадзенинг сўзларини тасдиқлади. Ҳеч ким

Таризлга аниқ-таниқ бир нима демаса ҳам ўнга ҳаммаси тушунарли. Бахти қароликда Тараш Эмхварини айбдор ҳисоблайди у.

Кечиқиб, афсус чеккан чол: нега энди бу лаънати вақтида уйдан қувиб солмадим, дея кўкрагига муштлайди. Эмхвари авлоди аслида Шервашидзелар қонини тўккан эди, эндиликка келиб, улардан бирининг касрига, Таризл хонадонига яна бир бахтсизлик ёғилди!

У манфур душманини истаганича сўқиб аламидан чиқолма-дям: негаки Херипс, Тараш Эмхвари ҳақида ёмон гапирилса, бемор жуда қаттиқ ҳаяжонланаётганини айтди.

— Қим билади, балки тузук бўлиб кетар, шундай бўлганидан кейин уни ҳаммага эшиттириб сўқканидан маъно чиқади-ми?— деди Херипс.

Бу кашишни бир оз ҳовуридан туширди. Шундай эса-да, Лукая шаҳардан қайтди дегунча, Таризл бобо ундан:

— Хўш, нима гаплар?— деб сўрарди шоша-пиша.

Лукая қулоғига чалинган бирор ғийбатни айтгудек бўлса, Таризл бобо қалтираб кетади. Унинг назарида, ёмон одамлар, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, унинг оиласи шаънига доғ туширмоққа чоғлангандай бўлади.

— Нима гаплар?— сўрайди у инқиллаб юрган княгинялардан, қариндош-уруғлардан.

Бунақа саволлар билан ғийбатчилар тегирмонига сув қуяётганидан беҳабар эди чол.

Врачларни кузатар экан, ҳар бирдан оғзидан гўллаб қўймасликни илтижо қилади ва бу билан гап-сўзларга йўл очади.

Ҳақиқатни яширмақ учун Таризл Даша билан Лукая орқали қўшнилар орасида Тамарга чочак чиққан, ота-оналар болаларини эҳтиёт қилишни керак, мазмунида гап тарқатди. «Менинг христианлик бурчим, сизларни бу балодан воқиф қилишни тақозо қилади»,— деган сўзларни уларга айттирди.

Тамар кекса энагасини кўриш истагини билдирди, Таризл бобо энагани Гуриядан келтиришни буюрди. «Кела қолсин, чечакнинг руҳлари чонгурига рақс тушишни ёқтиради»,— деди у.

Кўзи ожиз энага Тамарнинг бошига ўтирар ва чонгурига жўр бўлиб, майин куйларди:

Жаноблар, қарши олинг,
 чечакларнинг руҳини,
Қарши олинг гунафша-ю, қизил
 атиргул билан.
Улоқчалар ўйноқлашиб хурсанд
 қиларкан, уни --
Қайта бошлар. Жаноблар, кутланг
 уни дил билан!

Энага ҳар куни шу қўшиқни куйлайди, ҳар куни Лукая гунафша суви келтиради.

— Хонани қип-қизил қилиб бежанглар!— талаб қилади энага.— Чечакнинг руҳлари хонанинг қизил қилиб бежалганини ёқтиради.

— Қизил қилиб бежалган, аллақачон бежалган,— дейди Лукая энагани юпатиб.

Кўзи ожиз энага бурушган қўллари билан Тамарнинг қўлини ушлайди ва оҳиста куйлаган алласи-ю қадимий эртаклари билан қизни болалик чоқларга элтади.

Кечқурун Тамарнинг иситмаси кўтарилди. Қиз иситмада алаҳларкан, кўзига онаси кўринди: дераза очилиб, бошдан-оёқ мотам либосидаги онаси кириб келди. Кирди-ю, қизининг бошига келиб турди. Қўлида бир вақтлар Тамар йўқотган салб.

Бемор кўзини очмоқчи, онаси бетига қарамоқчи бўлади-ю, лекин мадори етмайди.

Тамарнинг тўшакда тўлганаётганини кўрган энага қиз қўлини ушлаб, куйлай бошлайди.

Еки бўлмасам, бир вақтлар Тамарга энагалик қилган олтин болалик чоқларида бўлган турли воқеаларни сўзлаб беради. Эсингдами, кичкина ўрдакчаларни тутишни яхши кўрардинг? Бахт келтирадиган тўртта гулбаргли гулларни қидирганинг қидирган эди-а?

Шундай қилиб, Тамар кўз ўнгида болалигининг ажиб гулбоғи гавдаланади. Бинафша ва атир гуллар тутган унинг йўлини.

Янгитдан чаноқ ёриб чиққан пахта мисол оппоқ ва майин бир қизалоқ ям-яшил майсазорда яйрайди. Жамалак сочлари елкасида ирғишлайди. «У томонга борма,— дейди энага қизининг юзини сийпалаб,— у бутанинг тагида «бў» бор, баҳайбат бир қашқир юрипти у ёқда! Жарликнинг нариги ёғидаги катта эманда бойўғли бор. Ой унинг севгилисини ўғирлаб кетган экан.

Шунинг учун ҳам бойўғли кечалари инида ўтириб, ойдин тунни кутаркан: ойна кўриши билан мунгли товўшда севгилисини чақира бошларкан».

Тамар қора либосдаги энагасининг ҳеч нимани кўрмайдиган кўзларига тикилади.

— Бор экан, йўқ экан, офтоб билан ой бўлган экан,— деб эртақ бошлайди энага.— Улар жуда аҳил яшашган экан. Икковиям ер юзида юраркан. Уларнинг ажралиб кетишларига ҳам муҳаббат сабаб бўлган экан. Иккови ҳам бир қизни — бир бева аёлнинг, ҳуснда тенгсиз, яккаю ягона қизини севиб қолишибди.

Бева бўлса, булар қизнинг кўнглини овлаб юради-ю, лекин ҳеч қайсиси уйланмайди, деб аччиғланибди. Шундай қилиб офтобни ҳам, ойна ҳам уйдан ҳайдаб солибди. «Остонамга қадам босмаларинг!» дебди

Кунлардан бир кун бева ўрмонда ҳўкизини излаб юриб, бир нарсани кўриб қолибди. Қараса, офтоб билан ой унинг қизини гулдан ясалган тахтга ўтқазиб, қўлларида олтин патнис, севгилиларига мулозамат қилиб туришганмиш.

«Хап, сенларними!»— деб пўписа қилибди аёл ва шу кундан бошлаб улардан ўч олиш йўлларини излай бошлабди.

Бир кунни, оқшом палла, аёл сигир соға бошлабди. Гўзал қизи ёнгинасида бузоқни эркалаб турган экан.

Муҳаббат севгувчиларни ақлдан оздиради, дейишади. Қутилмаганда офтоб билан ой беванинг ҳовлисига кириб келибди. Офтоб гўзал қиз ёнига олдин келибди, аввалига бузоқнинг тумшугини ялабди, кейин қизни эркалай бошлабди. Ой бўлса ҳасад қилиб, ранги қув ўчиб, шу ерда турганмиш.

Шунда бева аёл янгитдан соғилган идишидаги лим-лим сутни уятсиз офтобга сепибди ва уни илиқ сут билан шалаббо қилибди.

Опоқ тус олган офтоб осмони фалакка қочибди. Лекин ой жойида қимир этмай тураверибди. «Гўзал қиз энди меники бўлади», деб ўйлабди у. Шунда бева қисмлаб сигир тезагидан олибди-да, ойга қарата отибди. Тезакка беланган ошиқ денгизга қараб югурибди, лекин рашкчи офтоб, то у сувга етиб боргунига қадар, унинг бетидеги тезакни қуритиб қўйибди.

Шу-шу ранги оқарган офтоб осмонда кезармиш. Шунинг учун офтоб ҳам сут ҳам мегрель тилида «бжа» деган бир сўз билан ифода этилармиш. Ойнинг бетидеги қора доғларни эса ҳамма кўради.

Тамар деразадан ойга қаради. Фикр-хаёли эса Тараш билан Арзаканга олиб кетади уни.

Кўзини юмди дегунча кўзига яна онаси кўринади: қоп-қора либосда очиқ деразадан кириб келади у.

Кўз ёшлари томоғини қисади.

Энага қўллари билан тимирскилаб, беморнинг қошига келади, унинг нам пешанасини силаб оҳиста куйлайди:

Алла, қизгинам, алла,
Алла, аллаё.
Қанотларингни ёйдинг,
Сен осмону фалакка.

Энага бошини қуйи солиб, чўғи сўнган кўзларини садаф қадалган чонгурига тикканича куйлайди.

Тамар эса оташдек ёндирган иситмада тўлғанади, назаринда ростдан ҳам болалини қайтгандай, Шервашидзелар қасрига чечак руҳи келгандай бўлади.

Алла, қизгинам, алла,
Алла, аллаё,
Қанотларингни ёйдинг,
Сен осмону фалакка.

Агар муҳаббат жазава бўладиган бўлса, Эроснинг ўзи нима деган нарса? У эркакларча бешафқатлик совутига бурканган бебош, ҳовлиқма овчидир.

Унинг пушти ранг бармоқлари ва нафис қанотлари бору, қизларнинг эгилиб турган бошини мулойим сийпалайди, деган фикр нотўғри.

Бу тошбағир мерган ёнида ёй ва ўқ тўла садоқ олиб юриши рост. У на маликаларнинг ва на чўриларнинг юрагини аяйди; маликаларни тупроқни сочи билан супуришга мажбур этса, чўриларни маликалар тахтига ўтказди.

Эрос, севишганларга муҳаббат меваси ато этади, деган фикрларга ҳам ишониб бўлмайди. Аксинча, у ўлим каби бепушт, ҳатто ўлимдан кўра ҳам бешафқат ва доғули.

У ҳамма вақт, хундор кимса рақибининг қонига ташна бўлгани каби муҳаббатга ташна.

Мана, Эрос қандай нарса экан!

Шуниси ҳам борки, у тўрига илинганлар атрофида эмас, балки нишонга ололмаганлари, шикастлай олмаганлари атрофида парвона.

Тоғ эчкисига, рақибини баланд қоя тепасидан жарга қулатадиган тоғ эчкисига ўхшар экан у.

Кўпинча у, ургочиларини болаламасин дея сузиб ташлайдиган лосга ҳам ўхшайди.

Эрос мана шунақа нарса!

Айтишларича у, абадиян ойга ошиқ қуёш билан кунга эмас, балки ойга ва тунга ошиқ.

Эрос зимистонга талпинади, нурга эмас, зимистонга.

У хаёл билан маст бўлганларни танлайди, онглиларни четлаб ўтади.

Айтишларича: Эрос эрта тонгда, Психеяни осмонга эргаштирган чоғида, севгилисининг кўзини боғлаган экан.

Шунга ўхшаш нақлни бир вақтлар мен ҳам эшитган эдим. Қадимги афсоналар ҳам муҳаббат худоси Эрос ҳақида шундай ҳикоя қилади.

ТАВАККАЛЧИ ОДАМ

— Ду-шаши¹, деяпман сенга, лаънати,— соққага зарда қилди Гванж Апакидзе ва куёвнинг шундоққина тумшуғи тагида «ду-шаши» қилди.

Жото оқ доналарни қаторлатиб йўлини тўсиб қўйган жойда, Гванж очик йўлдан ўтиб, бирин-кетин уч донани уриб олди ва сатрдан чиқиб кетди.

Жотонинг газаби қайнади. Жаҳл билан соққани икки бор отиб эди, иккала гал ҳам соққа тахтадан ошиб тушди. Учипчи

¹ Ду-шаши — иккию олти.

бор отиб эди, «чору-се»¹ бўлди, рақибининг доналари йўлини тўсиб турганига қарамай, таваккал қилди ва ундан ўзди.

Гванж Апакидзе мийгида кулиб қўйди.

— Тўғри қилдинг, йигит, бу дунёда ҳар қадамда таваккал қилишга тўғри келади. Аммо мен ҳам шундайман, мен ҳам таваккалчи одамман.

Гванж соққани олиб, ҳовучига солди ва куф-суфлаётгандек лабига олиб келди, тахтага ташлаб:

— Мени дейдиган бўлсанг, панжи-чор²,— деб қичқирди.

«Панжи-чор» ўрнига «ду-шаши» бўлиб, куёвининг яна бир донасини йиқитди ва қадимда грузин князлари қаҳ-қаҳлагандек гулдираб кулди.

— Таваккални нега тилга олдингиз, Гванж батано?— сўради Жото йиқилган донасини йиғиштириб оларкан.

— Шаши-беш³— деб қичқирди Гванж Апакидзе ўжар соққасига ва «яган» бўлганини кўриб, ҳайратдан пастки лабини чўччайтириб, паҳмоқ қошларини керди.

— Нега тилга олдим?— тишларини тишига босиб туриб гапирди у,— негаки, агар одам таваккал қилмаса, бу оламда ҳеч нимага эришмайди. Омад — мана шундай соққз ташлашдай гап, ҳаётимиз бўлса мана шу нард ўйини. Мана, қаршимизда шашка. Сенинг доналаринг оқ, меники қора. Мен шундай ўйнашим керакки, менинг қораларим, ҳар қанақа қилиб бўлса ҳам, бировнинг оқини енгсин. Шунинг учун уларни шундай ишга солишим даркорки, улар менинг хизматимда гоҳ тирилиб, гоҳ ўлсин.

Баъзида бир донани сақлаб қолмоқ учун учтасидан воз кечиб, дарвозаларни тақа-тақ ёпасан. Ҳаётимиз ҳам шундай азизим: ҳар бир одамни ўз фойданг учун ишга солмоғинг даркор.

Энг муҳими: соққани ташлай билишда, пайтни топиб, таваккал қилишда ва «ду-шаши» туширишда. Баъзида шундай пайтлар ҳам бўладики, бирдан «яган» бўлади ва бу кечиккан «ду-шаши»дан кўра қўл келади.

Шундай, йигит. Таваккал қилмоқ даркор, акс ҳолда, умр бўйи, пачоқ тоғора ёнида қолиб кетасан. Таваккал қилмаганимда, Арлан менга куёв бўлармиди? Ота-бобомиздан қолган қаср хатга тушган эди, ҳозир у ерга район касалхонаси жойлашган бўларди. Чежиа билан Арзакан мени бу ердан суриб чиқармагунча, тинчимас эди. Унда сен ҳам менга куёв бўлмас эдинг.

Шундай деди-ю, у Жото Гвасалианинг кўзига тикилиб туриб, писмиқларча кулди.

— Сен нолимасанг керак-а, Жото? Бўлмасам-чи! Ҳозир

¹ Чору-се — тўрту уч.

² Панжи-чор — бешу тўрт.

³ Шаши-беш — олтию беш.

сенинг ҳам ишинг юришиб қолди: илгариги замон бўлганда-ку, Апакидзенинг қизига уйланиш у ёқда турсин, тикка қаролмасдинг ҳам, а? Бу замон ҳаммангга қўл келди, мендан бўлак ҳаммангга!

Айни пайтда «ду-шаши» чиқаролмадим-да, бўлмасаку-я, Царское селода иззат ва ҳурматда бўлардим-а. Малика Мюрат қарталаримни чийлаб қўйган эди, шталмейстер бўлмаганимда ҳам ёрдамчиси бўлардимов! Аммо, мана бу революция дегани бўлиб қолиб, ҳамма ёқ остин-устун бўлиб кетди.

— Ду-шаши!— дея қичқириб юборди Жото Гвасална ва шашкани шундай зарб билан сурдики, ҳатто стол ғижирлаб кетди.

— Ҳар ҳолда, қўл қовуштириб ўтиришинг тўғри келмайди,— давом этди Апакидзе.— Ҳар қандай шароитга мослашмоқ даркор. Агар сен омадсиз куёв бўлиб: «Омочимни беринглар, бўлмаса ерни ишлолмайман», дейдиган бўлсанг, икки қўлингни бурнингга тиқиб ўтираверасан. Энг муҳими шундаки, йигит, одамлар сени қўйдек ювош деб ўйлашмасин.

Устингга қўй терисини ёпу, лекин бўри панжасини тайёр тут. Бўри бўлиш керак, бўри! Қўй деб ном таратгудек бўлсанг борми, ҳеч қачон бўри бўлолмайсан. Агар қўйдек ювош бўлиб, бош эгиб юрсанг борми, одамлар: «Табиати юмшоқ», дейишади. Хунук хотинларни ҳам «Лекин яхши бека, юмшоқ кўнгил», деб юпатишади.

Лекин агар, тишингни ғижирлаётганингни кўришса, ўткир тирноқларингга разм ташлашса: «Хавфли одам, феъли ёмон» деб шивирлашади бурчак-бурчакда.

Исо алайҳиссалом айтганлар: «Урсалар ўнг юзингга, чап юзингни тут», деб. Лекин Исодан ўрناق оладиган анойн эмасман мен! Худога ёқмаган инсоний гуноҳларни ювмоқ учун салб экан-ку, олма дарахтига ҳам чиқмас эдим.

Менга қолса: «Биров ўнг юзингга ургудек бўлса, чап бетига шундай туширки, камида уч тиши учиб кетсин!» деган бўлардим. Наҳотки шу чоққача шуни тушунмаган бўлсанг, Жото?

— Нега ундай деб ўйлайсиз, Гванж батоно?

— Нега ўйламай? Ахир ҳеч қачон бир ишни охирига еткизмайсан-ку. Ҳатто Чежнани ҳам гумдон қилолмадинг. Қорнини нишонга ол, деган эдим-ку, сенга.

— Мен ҳам қорнини нишонга олдим. Лекин қоронғи эди, итваччанинг оёғига теккизибман.

— Қоронғи бўлса нима бўпти? Сенинг ёшингдалигимда кечаси қайтага яхшироқ кўрардим. Кечаси князь Дадиянига пистирма қўйиб пойлаб ётганман ва уч ўқни оғзидан қўйиб юборганман. Кечаси Теймураз Шервашидзе билан юзма-юз келиб қолганман-да, калласини гул навдасидек шартта учуриб юборганман. Нишонга уролмадим, дейсан-а! Лекин яна олти патронинг бор эди-ку! Энди бўлса кўриб турибсан, Чежиа яна бошини кўтариб қолди. Личели ГПУ бошлиғи қилиб тайинлан-

ди, эрта-индин Арланнинг ўрнига райком секретари бўлиб қолиши мумкин. Арланнинг аҳволи қалтис. Агар у ишдан кетса, аҳволимиз пачава!

У бир мунча вақт жим қолди. Кейин соққа ташлади ва сўради:

— Ломкац Эсванжиа нима деди?

— «Албатта бораман» деди.

Гванж Апакидзе атрофга бир аланглаб олди.

— Нима қилмоқ лозимлиги энди тушунарлими сенга? Қулоқлар ва уларнинг колхозга кириб олган ҳомийлари ҳукуматга қарши деҳқонларнинг норозилигини оширишяпти, давлат тайёрлаш планларининг бажарилмаслиги учун уриниб ётишибди. Биз оловга мой қуйиб турсак бўлгани.

Қулоқлар қишда: «Кохор ўрмонлари барг ёзсин-чи, шунда ўзимизни кўрсатамиз!» дейишаётган эди. Мана, дарахтлар барг ёзди ҳам, ортиқ кечиктириб бўлмайди.

Ломкац Эсванжианинг абхоз деҳқонларига гапи ўтади. Агар Ломкац уларнинг гавго кўтаришларига муваффақ бўлса, ишни қон тўкишгача олиб бориш керак-да, тўс-тўполонда баъзи одамларни ҳам йўқ қилиб юбориш лозим. Нима бўлганини кейин суриштиришаверсин. Ҳаммасига деҳқонлар жавобгар бўлади.

— Уша куня мен бирор иш билан Зугдидига кетаман, Ломкац бўлса, сигналга биноан халойиқни тўплайди.

— Сборни ким чалади?

Гванж Апакидзе иккала соққани жуфт қилиб пешанасига қадади.

Ростдан ҳам. Юриш бошлаш учун биринчи бўлиб сигнал беришга ҳамма ҳам рози бўлавермайди. Кимга топширсак экан-а?..

— Шу ишни Лукая Лабахуага топширинг!— деб юборди Гванж.

— У бир девона: нимага чалганини ўзи ҳам билмайди, ҳукумат ҳам бош-кетини тополмайди. Улай агар, яхши фикр, Лукая Лабахуа бир вақтлар қўнғироқхонада ишлаган, бунга эплайди.

Бу орада Жото, кўзни шамғалат қилиб, ўзининг оқ шашкаларини бехатар жойга суриб қўйди. Фақат битта оқ дона Гванж Апакидзенинг икки қора донаси ўртасида турарди.

— Яган!— деб кичқирди Гванж ва йўлни тўсиб, Жотонинг ўлган шашка донасини тутқазди.

Болохонада елкасига гулдор рўмол ташлаган Зесна кўринди. Ҳомиладорлик унинг ҳуснига ҳусн қўшган эди. Зинадан югуриб чиққани учун сал ҳарсилларди; юзларига қон югурган эди. У, сентябрь ойидаги бош-бош узумлари пишиб-етилиб турган кахетия токини эслатарди.

— Янгиликни эшитдингизми, ота— деди Зесна Гванжга.— Арзакан билан Тараш Эмхвари тирик экан!

— Нималар деяпсан!..— илон чақиб олгандай қичқириб юборди чол.

— Худо ҳаққи, тирик!

— Э-э, миш-миш! Шардин Алшибаянинг навбатдаги уйдирмаси,— деди Гванж ва соққа ташлади.

— Худо ҳаққи деяпман-а, ўз кўзим билан кўрдим. Арзакан билан Эмхварини!

— Ростдан гапиряпсанми?— такрор сўради талвасага тушиб Гванж ва Зеснанинг қўлидан тутди.

— Рост, ёлгон гапириб нима қиламан? Эртага Кац Звамбаяни кўмишаркан.

— Унга нима бўпти?

— Тарбалар ўлдиришипти.

— Аҳмоқлар! Арзаканни ҳам қўшалок қила қолишмабди-да?!

— Тараш Эмхварини таниб бўлмайди,— бидирларди Зесна.— Уни Звамбаялардан ёки Тарбалардан бири бўлса керак, деб ўйлайсиз? Соқоли кўксига тушади, сочи оқариб кетган, ўзи қариб, ҳолдан кетиб қолган. Шундай шалвираб кетяптики, кўрганнинг раҳми келади.

— Э-ҳе, католикоснинг қарғиши ижобатга ўтибди-да!

— Қанақа қарғиш, ота?— сўради Зесна.

Бу «девона» Эмхвари уни жуда қизиқтирарди.

— Онангдан эшитмаганмидинг? Айтишларига қараганда, XII асрдаёқ, Грузия католикаси Эмхвашилар авлодини, шайтон билан алоқадор ҳисоблаб, қарғишлаган.

Зесна бошқа хонага чиқиб кетаётганда Жото хотинининг бақбақалоқ гавдасига кўз югуртирди. Кетидан бориб, консультацияда нима дейишганини билмоқчи бўлди-ю, қайнатасидан уялди. Ютқазнишига кўзи етиб, зарб билан соққа ташлади.

— Кўрдингни, Жото, иш баттар чатоқ бўладиган,— гўлдиради Гванж Апакидзе.— Энди бу Арзакан ортиқча бўлди бошимизга. Илоннинг боласи у— ҳеч нимадан тап тортмайди. Чежиа ўткир, Личели бўлса собиқ каторгачи...— Жото томонга энгашиб шивирлади:— Энди шошилмоғимиз даркор. Ҳар қанақа қилиб бўлса ҳам, учаловини даф қилиш керак. Бу ишда тарбалар бизга биринчи ёрдамчилардир. Арзакан уларга хундор. Чежиа билан Личели, Арзакан учун, уларнинг бошини силамаслигини яхши билишади.

— Ишни 28 апрелга белгилаймиз. Ломкац Эсванжиа шу кунни деҳқонларни Кохор ўрмонига тўплайди.

Гванж Апакидзе жим бўлди. Соққани олди. Яна битта «яган» бўлса куёви «марс» бўлади. Лекин шу чоқ узун, оппоқ соқолли новча чол болохона ёнига келди. Унинг бошида оқ бошлиқ. Олча новдасидан ясалган таёққа таяниб, нафасини ростлаш учун минут сайин тўхтаб-тўхтаб кенг зинадан оҳиста кўтарила бошлади у.

Жото югуриб тушиб, меҳмонга болохонага чиқишга кўмаклашди. Гванж Апакидзе унинг истиқболига ўрнидан турди.

Бу Ломкац Эсванжиа эди. Кенг ягринли, баланд бўйли чол жамоага бош бўлишига хос сифатли эди. Оппоқ, чиройли соқоли, қирғий тус чоҳасининг қора газиригача тушарди. Қора сопли кенг ханжар унинг баҳодирона кўринишига янада мардлик тусини қўшарди. Четига зар жияк тикилган бошлигининг учи елкасига ташлаб қўйилган эди.

Ер юзида яккаю ягоналигини ҳис этиш чолнинг туриш-турушушида ҳам намоён эди.

Жото Гвасалия унинг қаршисида гужанак бўлиб кетди. Гўё унга қўл теккизишга ўзини номуносиб ҳисоблагандай чолнинг, чоҳаннинг кенг енги ичида яширин қўлини сермулозаматлик билан ушлади.

Гванж Апакидзе чол билан ёнма-ён тураркан, Жотога бу икки чол эгизакдек туйилди.

— Аҳволингиз қалай, батоно Ломкац?— дея мурожаат қилди Апакидзе меҳмонга ва лиқиллаб турган стулни унга суриб қўйди. Грузин феодаллари руҳонийлар билан учрашганда гап оҳангида сезиладиган истеҳзодан асар йўқ эди унинг овозида.

— Худога шукур, батоно Гванж,— жавоб қилди Ломкац.

Ҳозирги жирканч бир замонда ҳам мана шундай бақувват чоллар борлигидан ичида мамнун бўлган Гванж Апакидзе завқ билан унга тикиларди. Ломкац Эсванжианинг боқишларида хотиржамлик акс этарди.

Ломкац Эсванжианинг Гванж Апакиздедан фарқи кўп эди.

Апакидзе уччига чиққан артист эди. У жуда устомонлик билан ҳар қандай тусга кира оларди, шунингдек, устомонлик билан ҳар қандай динга бўйсунаверарди, ҳар қанака меҳроб олдига бир хилда эҳтиром билан чўқина оларди. У ҳамма вақт ўзини шундай тутардики, унинг асл ниятини ҳеч бир зот била олмасди. Унинг табиатида ҳам маккорлик, ҳам соддадиллик бор эди.

Табиатан пасткаш Гванж Апакидзе вақт-вақти билан ўзини мард қилиб кўрсатарди; аслида зикнаю сахийга ўхшашга уринарди: черковга борса жон фидо қилиб худога сиғинарди-ю, кези келса аламини худодан ҳам оларди.

Аммо Гванж Апакидзенинг ўзига хос, унинг фикр-ёди-ю, хатти-ҳаракатини белгиловчи асосий хусусият шундан иборат эдики, бугунги тартибларга тиш-тирноғи билан қарши эди. Кечаги ёки эртанги кунга муҳаббати зўрлигидан эмас эди бу; йўқ, шунчаки у, бугунги кундан лаззатланишга халақит берадиган ҳар нарсага нафрат билан қарарди.

Мезбон меҳмонни гапга солди: ой нимадан далолат бераётир, ҳаво очиқ бўладими ёки бузилади? Авлиё Георгий байрами кунни батоно Ломкац черковга борадими?

Ойнинг фазаларига қараб об-ҳавони била оладиган Ломкац Эсванжиа ёмғир ёғаганини айтди.

Гванж Апакидзе ҳамсўхбатидан бола-чақа, қариндош-уруғларини суриштириш ўрнига, шунга ўхшаган Нарсаларни суриш-

тиришди. Негаки, унинг ҳеч кими йўқ эди; қариндош-уруғ экану, юзга кириб қолган бу чолнинг тенгқурлари ҳам қолмаганди.

Салкам юз йил бадалида авлиё Георгий байрами арафасида. Ломқац Эсванжиани Илори ибодатхонасига қамашади. Эртасига у юз тубан тушиб, авлиёнинг майлини айтади. Шунингдек, Эсванжиа «Муқаддас эман» қоҳини ва об-ҳавони айтиб берувчи ҳам эди.

Шуларнинг ҳаммаси художўй, одамлар қошида унинг обрўйини орттирарди. У беморларни ўқир, доривор кўкатларни билар, яхши жарроҳ ҳисобланарди. Ҳозирги замон врачлари ҳам кадим черков кишилари ҳам унга қарши кураш олиб борардилар. Зеро, белига ханжар осган бу фидойи, беморларни даволашда ҳам, Исо билан авлиё Георгий иродасини таъбирлаб беришда ҳам улар билан рақобат қиларди.

Ломқац Эсванжиа қоҳинлик ва жамоага сардорлик қиларкан, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши ҳис этарди. Бу бежиз эмасди. Баланд бўйли, қоматдор, савлатли бу хушсурат одам ёшлигини — ёшлиги ва орзу-ҳавасини шу ишга бахшида этган эди.

Шахсий ҳаётидаги муваффақиятсизлик Ломқац Эсванжиани динга хизмат қилишга ундаган эди. У, йигирма беш ёшида Анчабадзе авлодидан бўлган бир қизга муҳаббат кўйди. Ломқацнинг отаси Анчабадзе қўлида бошқарувчилик қилгани учун ҳам улар бирга ўсишди. Лекин у замонларда княгиня Анчабадзеки ким ҳам унга берарди? Қизни бир кекса генералга унашишди. Уни Абхазиядан олиб кетишгаётганда қиз пароходдан ўзини сувга отиб чўкиб кетди.

Ана шу соатдан бошлаб Ломқац Эсванжиа бирон аёлга қайрилиб боқмади. У монахликка аҳд қилиб, шахсий ҳаётдан воз кечди. Ҳатто қариганида ҳам юрагидан дарди аримади. Ҳали-ҳали у ҳаётини шарт узадиган бирор-бир ҳодисани интизор кутарди. Негаки, ярим христиан, ярим мажусий бу қоҳин ҳаётни ўзи учун оғир бир юк деб биларди. Гванж Апакидзе билан унинг меҳмонини большевикларга бўлган ғазаб-нафрат бирга боғларди. Ломқацнинг нафрати фақат диний асосда эди. Унга ўхшаш содда мутаассиблар фитначиларнинг найрангига осон илинади ва алоҳида бир вазифани адо этипман деб ўйлаган ҳолда, уларнинг қора мақсадларига хизмат қилади.

Ҳозир ҳам шундай. Ломқац Эсванжиа Апакидзенинг уйига, у қўйган қармоққа илинмоқ учун келган эди.

МЕСЕФЛАР

Окумида кўкламги ёмғирлар даври бошланди. Эмхварилар қўрғонидаги томдан чакка ўта бошлади. Пируния инқиллай-синқиллай, хонама-хона юриб, бурчакларга тоғора, пақир, тос қўйиб чиқарди. Қарнизлардан сув жилдираб оқиб тушарди.

Тараш эндигина ётиб эди ҳамки, деразалар тарақ-түрүк бичилиб-ёпила бошлади. Қари този ит вовиллаб ёнғоқзорга отилди. Эмхвари Арзаканнинг бир гапини, Тарбалар, айниқса, ундан дарғазаб, деганини эслади.

Аммо ёстиғи тагидаги тўппончани олмади. Балконда бир оз турди-да, итни чақирди.

Мгелика, лочин боқиладиган уйча ёнида чўққайганича, қорайган ойга тикилиб увилларди.

Тараш уйга кирди. Энди ит қарағайзорга отилиб, ўша ерда увларди.

Эмхвари креслода қўлини кўксига қўйганича ётиб, Тарбаларни кутарди.

Болохонадаги тахталар фикрлади. Тараш қимир этмади. Қаши энди хундорлар кела қолсайди, деб кутарди. Улар келиб киришса-да, шу ётишича ётаверади, тўппончага қўлини теккизмайди ҳам. Қўлини кўксига қўйганича кутиб олади ўлимни. Лекин шу дақиқада ёнида Лукая Лабахуа бўлиб, унга жаноза ўқишини хоҳларди.

Девор томонга қаради. Эрамхут Эмхварининг сурати хира бўлиб кўзга ташланарди. Ранпар, тинка-мадори қуриган дарвиш.

Тўсатдан шундай тўс-тўполон кўгарилдики, гўё Қора денгиз жойидан кўчиб, ўкирганича ўзини қуруқликка ургандай. Ёмғир томни такирлатиб, қора қанотли қушлар шохлар орасида партирлаётган мисол, магнолия япроқларини елпиди.

Момақалдироқ тонг отарга яқин тинди, Тараш мудраб кетди. Мгелика эшик ортида увлаб, Тараш эса тушида Сванетияни кўрмоқда эди, негаки, у ерда итларнинг увлашига ўрганиб қолганди.

Шу топда Мгелика тумшугини қулф тешигига тикиб, аянчли увлай бошлади.

Ниҳоят, Тараш унинг товушини таниди, ўрнидан турди, тимириланиб бориб эшикни топди-да, итни ичкарига киритди.

Соатнинг дарчаси очилиб, ичидан какку қуш ирғиб чиқди-да, етти марта кукулади.

Каккунинг товуши Тарашни шунчалар қувонтирдики! Назарида, ўтмишнинг қоронғи ғоридан ёшлиги мўралагандай бўлди ва кўз ўнгида...

Тараш какку қуш товуши билан бошланадиган чароғон тонгларни эслади. У пайтларда томдан чакка ўтмас, отаси полкда хизмат қиларди, онаси ҳаёт эди...

Қушнинг «ку-ку»си тиниши ҳамон баланд эшик очилиб, Гулкониинг хонасига онаси кириб келарди.

...Тараш кўзини юмди. Оҳ, қани энди ўтган кунларни қайтариб бўлса! Баланд эшик яна очилса-да, онаси кириб келса!

Тараш хаёл суради:

«Агар юз йил яшасам-да, шу юз йилни ёт элларда ўтказсам

ҳам барибир, ойижон, сизнинг шундалигингизни билсам бас, мен ҳам ўзимни шу она тупроққа илдиз отган ҳисоблайман.

Дунёда юз йил яшасам-да, ёт эллардан қайтсам, дарвоза ёнига келаман-да: «Уйдამисиз, ойижон?» деб қичқираман. Шунда сиз: «Лаббай, ўғлим, мен уйдаман», десангиз мен: «Атиги ўн ёшга кирдим!» дейман... Бу дунёдан кўз юмганингизга ўн ой бўлгани йўқ-ку, назаримда, юзга киргандайман...»

Урнидан ярим қўзғалди, деразадан қаради. Ёмғир томчилари магнолиянинг сарғимтил япроқлари узра симоб томчиларидай ирғишларди.

Нариги ёнига ағдарилди, бошини ёстиққа босди ва мудраб кетди. Аллаким эшикни очиб кириб келди. Мгелика ирғиб туриб, кириб келгучига отилди. Бу Цируния эмас, юмшоқ чувагининг шипиллаши эшитилмайди. Мана, путури кетган кресло ғижирлади.

— Қариб қолибсан, шўрлик Мгелика, жунларинг тўкилиб кетибди. Аттанг-а! Бир вақтлар марҳум Жамсугга, сени эгарланган отга алмаштиришни таклиф қилишган-а. Тишларинг меникидақа тўкилиб кетибди, қариб қолибсан, Сечора Мгелика!..

Тараш мудроқ аралаш шу сўзларни эшитиб ётди. Сўзлаётган кимса жим бўлиб қолди. Инқиллади, оҳ чекди. Қари Мгелика думи билан ерни дупиллатиб ётаверди.

Тараш кўзини очган ҳам эдики, Лукая Лабахуа унга ташланди, қўлига бошини энгаштириб, ўпа бошлади. Тараш қўлини тортиб олди-да, чолни креслога ўтказди.

Лукая қувончини қай йўсинда изҳор қиларини билмасди.

— Худога минг қатла шукурки, Арзакан икковинг эсон-омон келибсан! Тушим тўғри чиқади менинг. Тамарга ҳам айтдим. Тараш тирик, дедим.

Чол Тарашнинг юрагидаги пинҳоний ярани ковлаштириб ташлади.

Одатда, Тараш бегоналар ҳузурида Тамар номини тилга олмасликка ҳаракат қиларди. Бошқалар ҳам у борида қиз номини тилга олишмасди. Гўёки бу номни тилга олиш қатағон қўлинган.

Телба Лукая Лабахуа шу қатоғонни бузди. Тамар номини эшитганда Тарашнинг аъзойи баданига титроқ югурди. Беихтиёр овозини чиқариб бу исмни, эски қахетия вноси тўлдирилган кўзадан келадиган ғалати бир хушбўй таратувчи, маст қилувчи, ҳаяжонга солувчи исмни такрорлади!

Неча асрлар давомида жаранглаб келди бу, афсоналарла чулганган «Тамар» деган исм. Афсоналарда нақл қилинишича, бу исм азрўйи-азалдан қўрғонларга, минюраларга, кўприкларга, гулларга, аёлларга ҳусн бўлиб келди... Бу исм, бир вақтлар, Тараш учун ҳам шундай эди.

Энди-чи? Эндиликда, бу, ярани янгиловчи «Тамар» деган исм унинг учун ҳасрат ва надоматла тўлиқ. Шундай эса-да, бу исмни яна бир карра эшитгиси бор.

Тараш Тамарни суриштиргиси келарди-ю, лекин чолнинг яна бирор бир кутилмаган, даҳшатли хабар айтишидан чўчирди.

Лукая ўз ишлари ҳақида сўз бошлаган ҳам эдики, Эмхвари унинг гапини бўлиб, оҳиста саволлар билан гапни Шервашидзелар оиласига бурди-да, аввал, атайлаб, кичкина Татияни сўради.

— Татияни Каролина кеча Сухумига олиб кетди. Қайтишида бу ёққа кириб ўтса ажаб эмас,— деди Лукая.

Бу хабар Тарашни қувонтирди. «Каролина Сухумига кетган экан, демак, хонадонларида тинчлик-хотиржамлик»,— деб ўйлади у. Кейин жим турмай, бирор бир гап айтмоқ учун:

— Кашиш нечук сенга жавоб берибди?— деб сўради.

Лукаяни Тариэлнинг ўзи юборибди Окумига. Лекин Тарашни кўргани эмас, албатта. Лукаяга бу ерда зугдидилик бир бева кампирни қидириб топиш топширилган экан. Бу кампир Зугдидидаги янги қабристондан қўш қабр сотаркан. Тариэл бобо қабрнинг биттасини ўзига белгилаб қўймоқчи экан, ёнгинасига эса Жаҳонанинг хокини қўяркан. Негаки, эски қабристон ўрни рохат боғча бўларкан.

Лукая, Тариэл бобонинг икки кишилик қабрни қўлга киритмоқ учун қанчалар ўлиб-тирилаётганини ҳикоя қиларкан, Тараш ҳузур қилиб кулди.

Кейин Лукая негадир қўшимча қилди:

— Тариэл бобо сенинг қайтганингни билмайди, биз ундан яширяпмиз буни. Сен билан Арзаканиннг қайтганини Зугдидида кўплар эшитди, лекин жуда кам одам ишонади бунга. Мен бўлсам, аксинча, сени ўлди деган овозаларга илгари ҳам ишонмаганман.

Лукая яна тушларини эслади.

Лукая тушини ҳикоя қилишга киришиб кетмасин, деб Тараш:

— Ингур қалай?— деб сўради.

— Бу йил Ингур жуда қутуриб кетди,— дея нолиди Лукая.— Мартда сув уч тегирмонни бузиб юборди, экин экилган уч юз ботмон ерни сув босди, кўприкни оқизиб кетди. Ўтган ҳафта темир йўл кўпригига ёпирилди. Кейин усталар уч кунгача уни тузатиш билан овора бўлишди.

Лукаянинг ўзи Ингурдан паромда ўтибди. Сал бўлмасам, паромни ҳам оқизиб кетаёзибди.

Цируния понушта келтирди. Лукая кетмоқчи бўлиб қўзгалган эди, лекин Тараш қўлидан ушлаб мажбур қилиб, дастурхон ёнига ўтказиб қўйди. Унга ароқ қўйди. Лукая аввал йўқ-йўқлаб турди-да, кейин ютоқиб ичиб юборди. Чолнинг ичкиликка ўрганиб қолгани кўриниб турарди. Кўзи беихтиёр графинга қадалиб қоларди.

Ароқ Тарашга анча далда берди, лекин Тамар ҳақида оғиз очишга юраги дов бермасди.

— Каролина нега Сухумига кетди?

Зудлик билан Татиянинг томоқ безларини кесиш зарурати туглибди.

Шу сўзларни айтгаркан, Лукая қўйнига қўл солиб, анчагача тимирскиланиб алланимани излади, кейин ниҳоят, шалаббо бир конверт чиқариб, Тарашга узатди.

Тараш бетоқатланиб мактубни очди, Каролинанинг дастхатини таниди. Хатни бошдан-оёқ ўқиш анча вақтни оларди, шу сабабли у Лукаяга юзланди-да, дабдурустан:

— Тамарнинг аҳволи қалай?— деб сўради.

Лукая чўчиб тушди. Унинг тили тутилиб, кўзлари пирпирай бошлади.

— Т-т-тамар...— чол айтадиган гапини бир қолипга солиб айтгунча Тарашни ваҳима босди, тузатиб бўлмас бир нарса содир бўлган бўлса-чи, дея юраги ҳовлиқди.

Ниҳоят, Лукая айтадиганини айтди:

— Тамар халос бўляпти.

— Халос бўляпти? Нимадан «халос бўляпти?» Нимадан халос бўлиши лозим?

Лукая тушунтирмоққа ошиқди-ю, баттар чувалаштириб юборди. Ниҳоят, «чечак» деган сўзни айта олди.

Лукаянинг айтганлари бекорчи гапдай туюлди Тарашга: ахир Тамар аллақачон эмланган-ку! Тараш қиз қўлида эмнинг изи муҳр босгандай кўринганини эслади.

Лукаядан суриштира кетди-ю, лекин ҳеч нимани аниқлай олмади. Хижолатда қолган чол касалликни бошқача ифодалаб, Тамар шамоллаган, деди.

Тараш Каролинанинг хатини ўқий бошлади.

Биринчи сатрларга кўз югуртирди. Кейин қўйидагиларни ўқиди:

«Тамар октябрь ойида ётиб қолди,— деб ёзарди Каролина.— Зотилжам билан руҳий азобланиш ҳомиладорликнинг ўтишини оғирлаштирди. Азоб-уқубатда қишни чиқардик. Иситмаси кўтарилди дегунча, сизнинг исмингизни тилга олади. Мисоустни чақириб келинг, деб ҳатто Таризэл бобога ҳам ёлворади. Мисоуст дегани сиз эканлигингизни хаёлимга ҳам келтирмаман. Таризэл бўлса, бу Мисоуст дегани ким бўлади, деб Хернпс билан мени сиқиб сувимизни ичди.

Кейинги ҳафталар ичида Тамарнинг хотираси ёмонлашди. Оғир хафақонликда шундай бўлади дейишади. Овқат емай қўйди. Лукая билан энагадан бўлак ҳеч кимсани ёнига киритмади. Кунлардан бир кун, эргалаб уйғониши ҳамоно: «Мисоуст келмабдими?» деб сўради энагадан.

Кеча ва бириси кун бўлса, кўзини юмди дегунча: «Мени кут, Мисоуст!» деб нола чекди.

Бутун хонадон алғов-далғов. Уч кун бурун консилнум бўлди. Шу ерлик врачлар яшаб кетади деган умидда. Тбилисидан профессор Годереллини таклиф қилдик.

Энди мен, жуда мураккаб бир масалага ўтмоқчиман. Сизнинг бешафқат одамлигингизни, бошқа кўпгина эркакларга нисбатан тош юраклигингизни биламан. («Қора хўроз»ингизни эсланг.) Лекин шундай эса-да, ҳозиргидек оғир дақиқаларда Тамарни кўришдан бош тортишингизга ишонмайман. Аммо лекин, врачлар бир оғиздан: қаттиқ ҳаяжонланиш бемор учун хатарли дейишяпти. Ундан ташқари, боланинг отаси ким эканлигини Тариэл бобо ҳис қилиб турибди.

Хернис икковимиз нима қилишимизга ҳайронмиз. Чол ўқтин-ўқтин бемор ёнига кириб турибди; шундай бўлгач, врачлар ижозат берган тақдирда ҳам, унинг ёнига қандай кирасиз, ҳайронман. Лекин, ҳар ҳолда, бир нима ўйлаб топармиз. Бу орада профессор Годерели ҳам келиб қолади. Қани, нима деркин у. Менинг аёллик туйғум, сизнинг келишингиз Тамарга фойдали бўлади, дейди.

Тараш Эмхварининг кўз олди қоронғилашди. Хатдан кўзини узиб, бошини кресло суянчигига ташлади. Ёмғирнинг томда магнолиянинг ялтирок япроқларида такирлашига қулоқ тутди.

Кейин саҳифанинг нариги томопини очиб, ўқий бошлади: «Сванетиядан ёзган мактубларингизни яқиндагина олдим. Уни менга Тбилисидан аллақандай нотаниш одам юборибди.

Врачлар уни ҳаяжонлантирманглар, дегани учун бунга Тамарга билдирмадим.

Илгари, ўзим ишонмаганим ҳолда, унга сизни тирик, деб уқтирардим. Гоҳ бир гап, гоҳ бошқа хил гап тўқирдим. Сизнинг хатингизни олганимдан кейин эса мен шундай ишонч билан сўзлаяпманки, яқинда қайтишингизга унда ишонч ҳосил бўлган.

Шундай ҳам бўлди, унинг аҳвол-руҳияси энгиллашди. Ушанда у эрта турар, ўзи ювинар, уч ойлар ичида сочим ўримга кириб қолади, деб севиниб соч тарарди.

Лекин хафақонлик яна устун келди.

«Мисоуст ҳаёт бўлса, нега энди мени кўргани келмайди?» дейди яккаш.

Нима қилишимга ҳайронман. Тамарга жуда ачинаман. Лекин сизнинг мактубларингиз ҳам юрагимни сиқиб юборди. Бундай тушқунликда қолганингнингизни боис, сизнинг урушдан кейинги руҳи тушган авлодга мансублигингизда.

Маданий тараққиёт сизни йўлдан оздирганини, афсуски, ўзингиз гасдиқлайсиз. Умуман Ғарб — мураккаб нарса. Унга бу ердан туриб назар ташларканман, ғарб маданияти, дарҳақиқат, кўпларни йўлдан адаштирганини ҳис қиламан, негаки, у маданиятга эришиш, биричи қарагандагидан кўра мушкулроқ.

Мактубингизнинг ҳар сатрида шундай фикр ётади, маданият—хасталик, ёввойилик эса—саломатлик! Агар, дарҳақиқат, шундай бўлса, бундан қандай хулоса чиқарилади? Агар Шекспир, Леонардо ва Шопен — хасталик бўлса, маданият билан яқин алоқада бўлган бундай хасталик яхши-ку!

Шаҳарларда, ҳамма даврларда ҳам эпидемиялар¹ бўлиб келган. Аммо хасталик организмизнинг саломатлик каби хусусияти эмасми? Йирик маданиятлар, одатда, шаҳарларда бунёдга келган (Афинада, Римда, Венецияда, Флоренцияда, Шарқнинг қадимий шаҳарларида). Жаҳон маданиятининг бешиги жаҳон аҳамиятига молик шаҳарларда бўлган. Қолганлари жаҳолатдаги қишлоқнинг қуруқ гапидан нарига ўтмайди.

Кечирасиз, аёл кишининг жиддий нарсалар ҳақида фикр юритишини ёқтирмаслигинингизни унутибман. Ахир, сизнингча, аёл урчуқ йнгиришдан бўлакка қобил эмас, шундайми?

Яна нима ёзай сизга? Сиз жуда ўжар одамсиз. Аммо Сванетияда ҳўп таъзирингизни еган кўринасиз, бўлмасам қайтмаган бўлардингиз.

Ламарияга уйландингизми?»

Ламария исмини ўқиган Эмхвари чаён чақиб олгандай ирғиб турди. Стол ёнига келиб, ароқ қўйиб очди.

Цируния каминь ёнида тиз чўкканича оловни пуфлаб, тараша ташлаб ўтирарди. Тараш ловиллаётган алангага тикилиб қолди. Гоҳ Каролинанинг, гоҳ Тамарнинг чехрасини тасаввур қилишга уринарди.

— Вамех Анчабадзе қайси ойда чўкиб кетди?— девона Лукаядан сўрайди Цируния.

— Уни қаёқдан биласан?

— Сендан кам билмайман, шўрнинг қурғур,— дейди Цируния ва ўзини кулгидан тия олмай оғзини қўли билан яширди.

Тараш Эмхвари Вамех Анчабадзе ҳақида суриштирмоқчи бўлди-ю, лекин юраги шундай сиқилдики, тили калимага келмади. У фикрга толганича, оловнинг жилваланишини томоша қиларкан, бир оғиз сўз айтиши малол эди.

— Худо умрингни берсин, Лукая, айт-чи: бу ёмғир яна қачонгача қуяди?— девонани ҳол-жонига қўймади Цируния.— Ойга қараб фол очоласан-ку. Экин эккан эдим, полизимни ювиб кетди батамом. Қачонгача ёгади-я, бу ёмғир?

— Ёмғирми? Ҳали кўп ёгади ёмғир,— дейди Лукая.— Месефлар денгиздан чиқиб келяпти.

— Месефларнинг ким бўлди?

— Улар тўғрисида ҳеч нима эшитмаганмисан? Месефлар денгизда яшашади, шуригэ. Улар денгиздан баҳор ёмғирларини кўтаришади. Кейин итларни эргаштириб ўрмонма-ўрмон, қишлоқма-қишлоқ кезишади — ўлпон йнгишади. Ерга ёмғир юборишади, ҳеч қачон қаришмайди,— яқунлайди Лукая.

Тараш унга ароқ қўйди. Лавлагидек қип-қизарган Лукая йўлга отланди. Тараш уни тутиб турмади, у ўзи ёлғиз қолмоқчи эди.

— Яна икки кундан кейин келаман, Тамардан хабар келтираман,— ваъда қилди Лукая кета туриб. Икки стакан ароқ

¹ Эпидемия — юқумли касаллиқнинг тарқалиши.

унга шундай таъсир қилган эдики, оёғини зўрга судраб босарди.

Цируниянинг шу ердалиги ҳам Тарашга малол келмоқда эди. Уни ҳам хонадан чиқармоқ ниятида, кечки овқатга хачапури ёпиб беришни илтимос қилди.

Цируния хонадан чиқиши билан Тараш ўрнидан турди, оверткани излаб топти-да, қизил ёчогдан бўлган шкаф ёнига келди.

У бир дам иккиланиб турди. Онасининг ўлим олдидан: «Қизил ёчогдан ясалган шкаф сенинг хотининга керак бўлади» деганини эслаган эди, чеҳрасида истеҳзоли табассум пайдо бўлди. Шкаф ёнида тиз чўкиб, пастки яшикни бузди, ота-бобосидан қолган архив қолдиқларини ерга ёйди-да, ёрлиқларни, қалъа васиқасини, ариза ва хатларни саралай бошлади. Ниҳоят, чанг босган, най шаклида ўралган қоғозни — католикос ёрлиғини топди, уни ёзиб, ўқий бошлади.

«Отакалони, жигарбанд ўғлоню, жин-парилар номидап лаънатлайман Вардан Эмхварини! Унинг боши узра юз саккизинчи псаломнинг лаънатлари ёғилсин! Абадул-абад бўлган оллоҳи таолонинг, олти ибодатхонаю, беш патриарх салби лаънатларига учрасин, муқаддас пойтахтнинг, Мцхета ибодатхонасию, менинг камтарин салбим лаънатига йўлиқсин! Зеро, Вардан Эмхвари черковдан юз ўғирди, иблиега қўл берди».

Тараш лупани олди ва имзо билан санани лупа орқали кўрди. «Исонинг ноиби, бутун Грузиянинг католикоси Арсен» имзо чекканди.

Унда шундай қўшимча бор эди:

«Эриставлар эристави бўлмиш биз ҳам буни тасдиқ этамиз». (Тараш эриставлар эриставининг исмини ўқиб олмади. 1133 йил деб ёзилган эди.)

Тараш ёрлиқнинг бир тарафини қўйиб юборди. Қоғоз аввалгидек бўлиб ўралиб қолди. Тараш ёрлиқни яна ёйди, қайта ўқиб чиқди.

Кейин полкалар ёнига келди, бутун кутубхонани алғов-далғов қилди ва ниҳоят, излаган нарсасини топди, лампанинг хира нурида бир юз саккизинчи оятни ўқий бошлади.

Ваҳимали сўзларнинг беқиёс ғазаби даҳшатга солди. Минг йиллар пардаси остида улар кул босган ўчоқдаги чўғдай қизиб турарди. Саккиз аср муқаддамги лаънатлар Эмхварининг юзини оловдек куйдирди.

Цируния кечки овқатни келтирди. Тараш овқатга ҳатто қўл теккизмади. У кечаси билан безовталаниб, у ёнидан-бу ёнига ағдарилиб чиқди. Кечаси билан қулоғига Тамарни унинг номини айтиб чақиргани ва католикоснинг Эмхвариларнинг авлодаждодини лаънатлаётгани эшитилиб турди.

Ҳовлида қари този ит увлар, четан девор шитирларди. Аллақандай одамлар ҳовлидан бостириб ўтиб юрарди. Тарашнинг деразасидан бошига бошлиқ боғлаган кўланкалар кўринарди.

Булар интиқомга ташна тарбалармиди ё денгиздан чиқиб келган ёмғир келтирувчи месефлармиди — Тараш учун барибир эди..

ЮЗ САККИЗИНЧИ ОЯТ

Тариэл Шервашидзе «ўлимни поймол қилган худо» Тамар ўрнига менинг қилтиллаб турган жонимни олсин, дея кечаю-кундуз ибодат қиларди. Халоскори — қимматбаҳо тошлар билан безалган иконаси ёнида соатлаб тиз чўкиб ўтирарди; ярим кечадан иконани Тамарнинг хонасига олиб кириб, ўша ерга осиб қўйди.

Профессор Годерелини эрталаб соат тўққизга етиб келади, деб кутишган эди. Тариэл бобо кечаси бир неча бор уйғониб, ўтаётган поездларнинг тарақ-туруқига қулоқ тутди. Бу поездларнинг қаёқдан келиб, қаёққа кетаётганини у яхши биларди. Аммо, шундай эса-да, ҳар гал: «Шу поезд билан профессор келаётган бўлса-я?» деб ўйларди.

Эрта саҳарлаб, биров туртгандай ирғиб ўрнидан турди, дарвозани очиб қўйсин, деб Лукаяни чақирди, ўзи эса болохонада ўтириб кута бошлади.

Осмонга паға-паға оқ тутун чиқариб, узоқдан поезд ўтганда беш минути кам тўққиз эди. Тариэл бобо паровознинг станция ёнида тўхтаганини кўрди.

Чол борган сари бетоқатланар, аммо профессорнинг фойтонидан дарак йўқ эди. Ниҳоят, автомобиль кўринди.

Тариэл бобо автомобилдан чўчирди, назарида автомобилларнинг ҳаммаси ГПУ га тегишлидек эди. Профессорни кўтиб олмақ ниятида Херипс райкомдан автомобиль топганидан беҳабар эди у.

Лукая дарвозани очди. Меҳмонни ҳурмат билан қаршиламоқ учун кашиш бир неча зина пастга тушгунча бўлмаё, машина пиллапояга етиб келди. Миқтидан келган бир қария машинадан лип этиб тушди-да, нафасини ростламаёқ, зинадан кўтарилди бошлади.

— Жаноб профессор, жаноб профессор!— дея гўлдирарди Тариэл, Годерели кетидан ета олмай.

У шунчалар аянчли гапирардики, Херипс отасининг ранги ўчган, уйқусизликдан мижиғлашиб кетган башарасига қаради-ю, Годерелини тўхтатиб, отаси билан таништирди. Ҳаяжоннинг зўридан Тариэл бобонинг кўзларига ёш қалқди.

— Ердан беринг, профессор, ердан беринг!— ёлвориб, профессорнинг қўлига тармашди чол.

— Тинчланинг, отахон, умидсизланмаслик кёрақ,— деди Годерели ва дадил қадамлар билан Херипс кабинети томон юрди.

Каролина ҳали Сухумидан қайтмаган эди. Херипс бегона одамларни бу ерга яқин йўлатмаслик учун Дашани чақириб ол-

ди ва улар икковлон, Тамарни ётоқдан кўтариб чиқишди. Тариэл бобо билан Лукая Лабахуа кўз ёшларини шашқатор оқизиб, улар кетидан эргашиб келишган эди, лекин операция хонасига уларни киритишмади.

Тамарни столга ётқизишганда, тепасида оқ халатда турган Годерелини кўриб, ҳайратда қолди.

Кун-туннинг ҳисобини йўқотган Тамарнинг назарида, Годерелини Тбилисида кўрганига бор-йўғи бир кун бўлгандек туюларди. Унинг онгида Тбилисидаги гинекология клиникасидаги оппоқ пардалар, у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган врачлар, йиғлаётган болалар пайдо бўлди.

Лекин шуниси қизиқки, хлороформнинг иси ҳам шундоққина келиб тургандек.

«Бунчалар гўзал бу қизни қаёқда кўрганман-а?»— ўйларди Годерели беморга қараркан, лекин эслай олмасди. Профессор қизнинг қўлини ушлаб, пульсини санай бошлади.

Херипс асбобларни никелланган идишга солди-да, штепселни тикди. Годерели кўзойнагини тақди.

Херипс Шервашидзе, табиатан, анча совуққон ва саботли эди. Аммо Годерелининг шафқатсиз қўли севимли сингисининг қоринини пичоқ билан тилганда, ранги қув ўчди, кўзларини чирт юмиб олди.

... Кетаётганда Годерели, кабинет эшиги тагида жонсиздай ўтирган Тариэл бобо ёнидан ўтаркан, қандайдир норозидек кўринди.

Мотор гуриллади. Годерели Херипсга қўл узатди:

— Агар мен вақтида чақирганларингда эди, сақлаб қолса бўларди.

Машина йўлга тушди.

Лукая профессорнинг нима деганини эшитиб турган эди.

* * *

*

... Шервашидзелар боғида кечаси билан булбуллар сайради. Типратикон бултурги хазонларни шитирлатиб, бесаранжом юриб чиқди. Дарахтларнинг гулбарглари қордек оппоқ бўлиб ерга ёғиларди. Туннинг қоронғи қанотлари боғ узра ёйилган эди.

Кўланкалар олами остонасига етган беҳуш Тамар яқинларининг сўзларини ҳам, ожиз энагасининг пиқ-пиқ йиғлашини ҳам, акасзордаги булбул навосини ҳам эшитмасди.

— Мисоуст! Ермам бер!— дея бор овозила чақирди тўсатдан.

Херипс унинг тепасига энгашди, аммо қиз яна кўзини юмган эди.

Кейин қонсиз лаблари ҳаракатга келди.

— Шошманг, ойи, мен ҳам сиз билан кетаман,— шивирлади у эшитилар-эшитилмас.

Унинг сўниб бораётган онгида қоп-қора либосдаги онаси намоён бўлди. Унинг қўлида бир вақтлар Тамарга тухфа қилган салб. Онаси сеvimли қизини қўлидан ушлайди ва шу кўйи, индамай етаклаб кетади.

Булут билан қопланган осмондан паға-паға қоп-қора қор ёғади. Эмансёр хиёбонида отлиқлар кўринади. Малазониа, Абдулла Рамаз ўғли ва дароз Лакербая пишқирган отни йўрттиришади.

Арабиа минган Арзакан ўтди, унинг орқасидан қий-чув қичқиришиб, тасир-тусур тўппонча отишиб, етти оға-ини Тарбалар ўтди.

Арабиа ҳаммадан илгарилаб кетди.

Лекин тўсатдан қора чоха кийган Тараш Эмхвари кўринди. У рангпар от миниб олган, бошига қора бошлиқ боғлаган.

Тамар унинг юзини кўрмоқчи бўлади.

Мана у Абдулладан ўзиб кетди, бир ҳайқириб қўйди-да, Малазониани қува кетди. Ундан ҳам ўзди.

Тарбалар энди Тарашнинг орқасидан отиб қўймаса эди, деб Тамар қалт-қалт титрайди. Йўқ, Тарбалар ундан анча кейинда қолди. Мана, Арабиа рангпар отда ўтирган Тараш билан ёнма-ён бораётди.

Тамар бўлса энди Арабиа рангпар отдан ўзиб кетади, деб ҳаяжонланаётди.

Қора чоха кийган сувори от чоптириб келаркан, қайнаб турган сувга ташланган кимсадек чирқирайди.

Бу чинқирган товуш Тамарга ғалати кўринади. Тараш Эмхварининг овози нега бунчалар аёлларникидек чирқироқ?

Рангпар от Арабиадан ўзиб, маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Шамол қора бошлиқнинг учини ёйиб юборган. Тамар қарасаки, рангпар отда Тараш эмас, тишини иржайтириб скелет ўтирибди.

— Унинг номи ўлим!— дейди Тамарнинг ёнида турган онаси ва скелетга салб узатади...

Тамар қаттиқ қичқириб юборди ва алаҳлаб тўлғана бошлади. Херипс уни тўшакда зўрға тутиб турарди.

Бемор эрталабга бориб тиңчиб қолди. Кейин бети гулбаргининг қатлари сўла бошлаган атиргул мисол заъфарон тус олди. Оқариб кетган лабида азобли табассум қотган эди.

Таризэл Шервашидзе қизини чақиргани билан бефойда эди. Тамарнинг узун киприклари қилт этмасди.

Акасзор ортида тонг шафағи бенгаль чироқларидай ял-ял порлади. Оч мовий осмонда эритилган олтинсимон доғлар пайдо бўлди.

Қуёш нурлари марҳумани ёритганда, унинг қошида тиз чўкиб ибодат қилиб ўтирган Таризэл Шервашидзе ўрнидан турди ва бутун Грузия католикоси, саккиз аср муқаддам, юз сакки-

зинчи оятла лаънатлаган ўша Вардан Эмхварининг сўнгги авлодини лаънатлади.

«Мурдорга минг лаънатлар бўлсин, имонсиз кетсин!

Масала ташласа гуноҳкор бўлиб чиқсин, қилган ибодати гуноҳга айлансин. Умри калта бўлсин, барака топмасин. Болалари етим, хотини бева қолсин... Раҳмини егувчи, етимчаларининг бошини силагувчи топилмасин. Аждодига қирғин келсин, уруги қурисин! Оталарининг гуноҳини худо ёд қилсин...

Боши лаънатдан чиқмасин, эзгуликни кўрмасин. Лаънатни камзулдай эгнига илсин, сувдек ютсин, иликдек суяк-суякларига сингсин. Лаънат либоси бўлиб, белини боғлаган камардай чирмаб олсин!»

Кейин Таризл бобо кумуш қадалган салбни девордан олдида, кўтариб туриб ерга урди, сўнгра ярим асрдан буён топиниб келган кимсасидан юз ўгирди ва ёмон сўзлар билан сўка бошлади.

ГАЦ ВА ГАИМ

Тараш, «Грузия солнома»сини ярим кечагача, ниҳоясиз босқинчиликлар, асирликлар ва хонавайронликлар зериктиргунча ўқиди.

Китобни четга қўйиб чалқанча тушиб ётди. Ноаниқ фикрлар онгида бир пайдо бўлиб, яна йўқоларди.

Шоқолларнинг аввал қалъа вайроналари тарафидан, кейин эса, бора-бора яна ҳам яқинроқдан чўзиб увлаши эшитиларди. Ана энди улар ёнғоқзорга етишди, кейин яна ҳам яқин келиб толзорда, шундоққина боғ ёнида увлай бошлашади. Ярамаслар, хонавайрон бўлган Эмхварилар хонадонининг қай бурчидадир чироқ кўринганига габлангандай, жаҳл билан увлашарди.

Бир вақтлар, Тараш болалигида, иссиқ тўшакда, шоқолларнинг узоқда увлашига қулоқ солиб ётишни яхши кўрарди. Лекин ҳозир бу ҳайвонларнинг сурбетлиги уни титратиб юборди.

Мгелика богда жон фидо қилиб бефойда вовилларди. Қари този итнинг заиф вовиллаши ҳеч кимни қўрқитмасди. Тараш ўрnidан туриб итни чақириб ҳам олмоқчи бўлди, лекин эриниб кўзини очмай ётаверди.

Яна фикрлар чулганаверди.

Балки бу йил бирор ёққа — бирор хилватга, ортиқ қайтмас бўлиб кетиб қолар. Кекса Цируния оёғини зўрға судраб босади. Бугун бўлмаса эртага ҳаётдан кўзини юмади, қарабсизки, Вардан Эмхвари чироғи абадиятга ўчади.

Шу яқин ўртада Тараш Эмхвари ҳам дунёдан ўтиши мумкин.

«Дунёдан кўз юмиб кетаманми?» — ҳайронлик билан ўйлади у.

«Кўз юганини» тасаввур қилишга уринади, лекин тасаввур қилолмайди.

Ёстиққа бошини ботириб ётиб олганича, босиб ўтган ҳаёт йўлини, Тараш Эмхвари эмас, бошқа бир одамнинг йўлидай кўз ўнгидан бир-бир ўтказди.

Тасавурида бўшлиққина намоён бўлади.

«Мен йўқ бўламан» — ахир ҳаётига чек қўядиган ўша даҳшатли, сирли чегара шу эмасми? Эмхварилар авлодининг узундан-узоқ ва қайгули солномасига шу ерга етганда нуқта қўйилади.

Католикос ёрлиғини ва юз саккизинчи оятдаги даҳшатли қарғишни эслади.

Шафқатсизлиги билан даҳшатга солувчи қарғишни ўйлаб топган кимса қанақа одам экан-а? Бу сўзлар домнадан отилиб чиқаётган эриган металл янглиғ куйдиради.

Чўғдек қизиган саҳрода бу қарғишлар тўфон бўлиб кўтарилгандай!

Тараш лаънат сўзларини унсиз такрорлаб, анчагача тўлғаниб ётди. Шоқоллар ҳамон чўзиб увилларди.

Тўлғана-тўлғана ниҳоят ухлаб кетди.

Кўз олдида денгиз мисол поёнсиз саҳро намоён бўлди. Қумликлар қора отининг нақ кўкрагидан келади.

Шарқдан ва ғарбдан, шимолдан ва жанубдан уюрма босиб келяпти. Улар худди жанговар туялар мисол бўйинларини эгиб, бошларини тик тутиб, оғизларидан ўт сочиб келишяпти.

Қора Махвш юзини қумга босиб, узала тушиб ётибди. Қора Махвш билан кекса Гурандухт зўр бериб: «Шарафлар бўлсин сенга, буюк Мезир!» дея фарёд чекишади.

Тараш ўзини йиғиштириб олишга улгурмай, жийрон от минган Арзакан Звамбая пайдо бўлади ва қилич билан Мезирнинг бошини чопиб ташлайди. Арзакан минган от тўғидан булут мисол қизил чанг кўтарилади-да, суворини чулғаб олади.:

Атрофда динамитлар портлайди. Тараш Эмхвари жон-дилидан севган, оқ сувсар чопон ёпинган Кавкасиони ларзага келади. Қорли чўққилар узра оловли чақмоқлар чақнади, осмон ва ер орасини қулоқни батанг қилувчи гулдурос тутди. Улуғворлик билан осмонга бўй чўзган мағрур Ушба қум бўлиб сочилиб кетди.

Осмоннинг нақ ярми қип-қизил яллиғланди. Ҳайбатли чўққилар бирин-сирин тўкилиб, кўкка совурилмоқда. Мана, Кавкасионининг мислсиз гўзаллиги қумга кўмилди-кетди.

Ғам-андуҳла юреги эзилган Тараш кетиб боради. Унинг оти аллақандай дарё ёқалаб шимолга қараб йўл солади. Сувори те-варак-атрофга ҳайрон аланглайди.

Бу ер ғаройиб афсоналарла тўлиқ Фазис бўлмаганидек, унинг акаси — грузин ва эрон шоирлари томонидан куйланган Мтқвари ҳам эмас. Кахетиянинг дурдонаси Алазани бўлмаганидек, Қора ва Оқ Аравги ҳам эмас.

Яқин ва узоқдан гулдурослар эшитилади. Дарё ёқалаб шахмат тартибида жойлашган қалъа ва миноралар қулайди.

Коинот таг-туби билан гулдуреди, ларзага келди, улуғвор Авлиё салб ибодатхонаси кунпаякун бўлди. Сўнг кул ранг тус олган ҳавода Мххета ибодатхонаси гумбазлари ялтираб шиддат билан қулади.

Лукая Лабахуа бўлса Окуми черковининг бонг урадиган карпайини тишсиз оғзига теккизиб Зедазен тоғи тепасида турибди. Чолнинг жулдур либоси йиртиқларидан тапгасимон қорни кўриниб турибди; оёғи эчки оёқ, бошида эса эчки шохи.

Карнай садоси еру кўкни ларзага солади. Қорамтир осмон Зедазен тоғига тегай-тегай деб турибди, шундоққина қўл узатсанг етади-қолади.

Ғазаб ва буюк мотам куни келди. Теварак-атрофдан йиғилиб келган, дала гулларидек ҳадсиз-ҳисобсиз халойиқ нола қилади. Ёшу қари нола қилади.

Тараш Эмхвари кўз ўнгида даҳшатли бир манзара намоён бўлади. Армази тоғи тепасида иккита мис бут уруш қилади. Улар устида олтин совут, олтин кўкракпеш ва тиззабанд, кўзлариди зумрад ва берилл ярақлайди.

Тўқнашган қиличлар жангиллайди, бутлар ҳаёт-мамот жанги олиб боради.

Тараш Эмхвари қичқирди, отга қамчи босди, етиб бориб, совут кийган рицарларни ажратишга улгурмай, икковининг калласи узилиб, қумда думалаб кетди.

Тараш синчиклаб тикилди ва таниди: улар сир-асрор ва аждодлар худоси Гац ва Гаим эди.

ТАРАШ ЭМХВАРИНИНГ ЙУЛИ

Цируния эшикни қия очди. Тараш ғарқ терга ботиб, каравотдан осилиб қолганича, ихраб ётарди. Кампир мадорсиз қўллари билан унинг бошини кўтариб, ёстиққа ётқизиб қўйди. Ухлаб ётган Тарашнинг чеҳраси анча хотиржам тус олди. У чуқур тин олди-да, кўзини очди.

Цируния унга Яманидзедан келган хатни берди.

Вахтаг унга ёзган нарсаларнинг барчаси Тарашга жудаям эски гаплар бўлиб туюлди.

Хатни бурда-бурда қилиб ташлади, отасининг кабинетига кириб, эшикни ичидан қулфлаб олди.

Стол ёнига ўтирди-да, ўзини зўрлаб хат ёза бошлади.

«Қимматли Вахтаг! Сенинг хатинг ярамни янгилаб, кўлимга қалам тутишга мажбур қилди; умуман, шу оғир дақиқаларда, балки ўзим ҳам сенга бир-икки оғиз хат ёзардим. Негаки, нечача йиллар давомида сен билан мен, бегона юртларда бир дард билан ўртандик, қайтишда йўлда ҳам не-не азобларни кўрдик. Сванетияда юрган кезларимда, фикр-туйғуларимни бир неча бор сен билан ўртоқлашмоқчи бўлдим. Лекин ҳаёт тақозоси шу бўлдики, йўлимиз, бизнинг ихтиёримиздан қатъи назар, ажра-

лишиб кетди. Шунинг учун, менинг кайфиятимни тушунолмайсан деган ўй билан ҳамма вақт орқага суриб келдим.

Эзганинг самимий бўлмаса, хат ённки, бирор бошқа нарса ёзишдан нима манфаат?

Бу дунёдаги ҳаётимнинг поёнига етиб қолганим учун ҳам чир дилимдан ҳаммасини очик айтаман. Негаки, мен борадиган, одамлар олағовури етмайдиган жойда, кимнинг нима дейиши билан тариқчалик ишим йўқ. Уйлайманки, ҳаёт билан ўлимни ажратиб турган чегарага етган кишигина ҳақиқатни айта олади. Шунинг учун ҳам ёзувчилар ва министрларнинг, яқинлашиб келаётган юбилейни кутиб, тўқликда ёзган хотиротларини лўттибозлик деб ҳисоблаганман.

Мен ўлимга тик қараб тураман ва ҳаммасини очик-ёриқ айтаман.

Балки бу сатрлар сенинг ўз эътиқодингга бўлган ишончингга ишонч қўшар: ёки бўлмасам, бу мактубни бирор кимсага берасану, бу уни ўйлашиб қолишга мажбур этар... Римдалигимизда сенга дунёда икки йўл бор: ё большевизм ёки фашизм деганим ёдингдадир. Сен биринчисини танладинг. Мен эсам шубугунга қадар йўл топмай, адашиб-улоқиб юрдим, кўриб турибсанки, ҳали йўлимни топиб олганимча йўқ.

Танлашдан кўрққаним учун шундай бўлгани йўқ.

Тўғри, мен ҳеч қачон Прометей сингари жасурман деб мақтанган эмасман. Лекин, ҳар ҳолда, ўз ханжарим билан ҳар қандай япон каби, хотиржамлик ва совуққонлик билан ўзимни харакири¹ қилишим мумкин.

Йўқ, кўрқув тутмади мени. Мен ҳаётга олиб борадиган йўлга чиқолмадим. Негаки, бу йўл мен учун ёпиқ эди. Мен бутун вужудим билан севган олам ҳеч қачон тирилмайди. Мен севган бўёқлар хира тортаётир, мени интиқ қилган қўшиқлар ўлаётир. Ундан ташқари сенга яна шуни айтишим керакки, энг доно одам ҳам ўз донишмандлиги билан танҳо қолса ақлдан озади. Шунинг учун ноилж, мени ҳаётдан олиб келадиган йўлни танладим.

Мантиқ мени, кўп нарсада, сенинг фикрингга қўшилишга мажбур этади. Лекин ёдингдами, сенга: ота-боболаримиз феъли, одати ва нуқсонлари, баҳайбат илон Лаокоон ва унинг ўғилларини ҳалқа қилиб қисиб олгандай, бизни маҳкам сиртмоғига олган, дегандим.

Эмхварилар азрўи азалдан тузатиб бўлмас қайсар бўлганлар. Бу қайсарлик отамни Пер-Лашез қабрига элтиди. Менга қолганда эса, менга қабр қазийдиган бирор бир кимса топиладими-йўқми — билмадим.

Мен, Сванетияда яширинсам портлатилаётган динамитлардан узоқ бўламан, деб ўйлаб эдим. Лекин адашган эканман: Москва, Киев ёки Тбилисида нима иш бўлаётган бўлса Сванетия

¹ Х а р а к и р и — Япон самурайларида қорнини ёриб, ўзини ўлдириш.

тоғларида ҳам худди шу нарса бўлаётган экан. Ғоялар эпидемияга ўхшайди: улар ҳали электр симлари етиб бормаган хилватларгача кириб боради.

Бу хатни ҳали ҳам иккиланиб турганларга кўрсат. Кўрсатгинда, шундай дегин: ҳеч кимса менинг йўлимдан бормасин. Негаки менинг йўлим, ҳатто акс садо ҳам келмайдиган тарафга олиб боради...»

Хатга ихтиёрсиз имзо чекди, конвертни ёпиштирди. Қизил ёғочдан ясалган шкаф ёнига борди. «Колхида фетишизми ҳақида» деган илмий ишини олиб, каминга ташлади ва ёқиб юборди. Қоғозлар кулга айлангунга қадар қараб турди. Кейин ёзув столи тортмасидан тўппончани олди, деразани очиб, чинор тагида кулала тушиб ётган Мгеликани чақирди. Този ит мулоим қўй кўзларини кўтариб унга қаради ва эринчоқлик билан уй томон юрди. Тараш уни хонага киритди.

— Шўрлиқ Мгелика! Сен ҳам менинг изимдан кетишинг керак. Бўлмасам бу ташландиқ харобада оч қолиб ингиллаб ётсан...

Тараш итни қучоқлади, бошидан ўпди, қўлини бўшатиб, ҳозиргина ўпган жойига тўппончани қадаб тепкини босди. Ит қонга беланиб оёғи тагига йиқилди.

Тараш ялтиллаган қора пўлат тўппончага қаради. Бу ялтиллашда аллақандай бир машъумлик бор эди.

Тўппончанинг оғзини кўкрагига қадамоқчи бўлиб ҳам эдики, тўсатдан, эшик тоқатсизлик билан тақиллади. Ранги қув ўчган Тараш тўппончани чўнтагига яшириб, эшик очгани кетди. Ҳаяжонидан афти буришиб кетган, паҳмайган Лукая Лабахуа турарди қаршисида. У пойма-пой қилиб икки оғиз сўзни зўрға айтди.

— Тамар... ўляпти...— деган сўзлар Тарашнинг қулоғига кирди,— сени кўрмоқчи.

Тараш лойга беланган Лукаяни хонага бошлаб кирди.

— Итни нега ўлдирдинг?— сўради чол.

— Қутуриб қолипти, шунинг учун уни ўлдирдим, Лукая. Қутурибди. Тушундингми? Қимда-ким қутурса ўлдирилади. Бунга сен нима дейсан? Шундайми? Қутурганини отиб ташланади.

Лукая маъносиз яшил кўзларини унга тикди.

— Кечгача увларди Мгелика. Итларда шундай бир одат бўлади, Лукая: хароба тепасида чўққайиб, увлай бошлашади. Шундайми?

Лукая унинг рўпарасида ҳеч нимага ақли етмай, бош ирғитиб турарди.

Тараш доктор Годерелининг келганини батафсил сўзлаб беришга уни мажбур қилди. Бу ҳақда у аввал ҳам эшитганди. Профессорнинг: «Мени олдинроқ чақириб келганингизда уни омон сақлаб қолиш мумкин бўларди»,— деган сўзлари Тарашни танг қолдирди...

Креслодан қўзғалишга мадори етмади. У тилдан қолгандек эди.

Лукая хонада бир оз ўралашди-да, Цируниянинг ёнига кетди. Унинг олдидан қайтгач, остонада чўққайиб, кўзларини аланг-жаланг қилиб ўгирди.

Девонанинг бу ўтириши Тарашнинг юрагини сиқиб юборди. У болохонага чиқди, кўкрагини тўлдириб тин олди-да, хонага қайтди. Лукаяни креслога ўтказиб тинчлантирди ва Ингурдан қандай қилиб ўтганини суриштира бошлади.

Лукая сўнгги паромда ўтибди. Сувнинг зўри билан сим арқон узилиб кетибди.

— Кеча дарё темир йўл кўпригини бузиб юборибди,— деди Лукая.

— От бўлганда эди!— деб юборди Тараш беихтиёр.

— Фақат Эшбанинг оти Ингурдан сузиб ўта олади,— деди Лукая.— Лекин у отда Эшбанинг куёви Сухумига кетган. Звамбаянинг Цираси ҳам ярарди-ку-я. Лекин у оқсоқ, яхшиси сен, шуригэ, Арзаканнинг ёнига бор, сўрасанг, сендан отини аямайди.

Лукаяни уйда қолдириб Тараш елкасига бошлигини ташлади-да, Арзакан Звамбаянинг ҳузурига кетди. У қишлоқ кўчасидан ғамгин ўтиб борарди. Унинг дилида Тамарга раҳм-шафқат уйғонган эди.

Лекин ёлғиз шафқатгинамиди! Йўқ, асло, йўқ, шафқатгина эмас! Узига шунчалар яқин бўлган, лекин қадрига етмагани одамига нисбатан бўлган дард-алам эди бу. Эндиликка келиб, Тамарни ўлим остонасига келтириб қўйгач эса, унинг қалбида қизга нисбатан яна муҳаббат ўт олди. Негаки Тамар бу муҳаббат эвазига ҳаётини қурбон қилаётган эди.

Шу хаёлларга бориб, Тараш ўзини бардам ҳис қилди. Умри бино бўлиб биринчи бор, биров учун ўзини фидо қилиш имкони туғилган эди. «Бу балки менинг ўзимни ҳам халос қилиб қолар?» деб ўйлади у.

Ўзини фидо қилиш ҳақидаги фикр миясига қаттиқ ўрнашиб олди.

У хаёллар билан бўлиб, Арзаканнинг уйига келиб қолганини ҳам билмади.

Қац Звамбая ҳовлисини ўраб турадиган баланд четан девор қаёққа кетди? Ҳовлидаги юз ёшли дарахтлар қани?

Аланглаб қараб, соя-салқинида ёшлиги кечган севимли дарахтлардан нишон топмай, Тарашнинг юраги сиқилди. Ёлғиз бир туп анжиргина қолипти. Икки-уч туп анор гуллаган бўлиб, қолганлари қуриб қолган эди. Жўхоризор ёнидаги шумтол — ковакли «девлар макони» эса кесиб ташланибди.

Тараш бахтли болалигини, хушвақт Элизум боғидаги шўх ўйинларни эслаб кетди.

Бу кун Арзакан учун жуда яхши бошланди. Эрталаб уни райкомга чақирдилар-да, Тбилисига ўқишга юборажакларини айтдилар.

Лекин бундан бошқа шодлик ҳам бор эди. Аренба Арлан, Личелига ёқиш учун, Арабиани Арзаканга қайтиб беришга рози бўлди.

Райкомдалигида Арзакан яна бир янгиликдан хабар топди. Личели қулоқлар томонидан тайёрланган қуролли қаршиликни қайтариб қолганини, бу билан улар қасддан ўлдирмоқчи бўлган бир неча масъул ходимларни, шулар жумласидан, қишлоқ Совети раиси Чежиа билан Личелининг ўзи ҳам ўлимдан сақлаб қолганини эшитди. Ўлдириш кўзда тутилган одамлар орасида Арзакан ҳам бор эди. Бу иш юзасидан ака-ука Тарбалар, Жото Гвасалиа ва Гванж Апакидзе қамоққа олинган эди. Жото, Гванж Апакидзени асосий бошлаб берувчи деб кўрсатди. Деҳқонларни йўлдан уриб юрган Ломка Эсванжиа эртага қўзғаламиз деб турилган куни юрак параличидан ўлган.

Арзакан Арабиани бошлаб ҳовлига кириб келганида, Забули кўзларига ишонмади. Жаму билан Келеш хурсандликларидан бақириб-чақириб отни қаршиладилар. Бутун оила хурсанд эди.

Арзакан Забулидан янги френчи билан рейтузини олиб беришини сўради: у Зугдидига бормоқчи эди. У ўчоқ бошига чўққайиб, юган билан айилни ямай бошлади.

Забули ўзини тутиб туролмади.

— Эшитдингми, Тамар ўлим тўшагида ётганмиш,— деди у Арзаканга тик боқиб.

Арзакан анг-танг бўлиб қолди. Тамарга чечак чиққан, деб эшитган эди у. Лекин аҳволи бунчалик ёмон бўлиб қолганидан хабарлари йўқ эди. Лекин шундай эса-да, ҳаяжонланганини сездирмади, гасмани ўтказиб олиб, бепарво тусда:

— Ким айтди сенга?— деб сўради.

— Бугун эрталаб холасини кўриб эдим. Зугдидига кетаётиб бу ерда тўхталиб қолибди. Нега деганда, сув паромни ишдан чиқарибди, поездлар тўхтаб қолибди. Ўзини қўярга жой тополмаяпти, шўрлик!

Иккови бир неча вақт жим қолишди, улар орасида девор пайдо бўлди.

Арзакан Арлан узиб юборган айилни ямаш билан банд, фикр-хаёли эса узоқ-узоқларда.

Ингур тошиб кетибдими? Нима бўпти! Бултур худди шу вақтда ҳайқирган дарёдан ўтмабдими? Лекин у вақт Тамарнинг ҳаёти хатарда эмас эди-да! Йўқ, Арзакан учун тўсиқ бўлолмайди Ингур.

У бориб Тамарни кўриши керак. Бундай қилишига ҳеч нима — ҳатто, Қора денгиз тошиб, бутун Мегрелияни босиб кетса ҳам унга халал беролмайди...

— Чечак шунақа оғирлашибдими?— деб сўради у бошини кўтариб.

Забули унинг кўзига тикилмоқчи бўлиб эди, лекин Арзакан яна айил тепасида энгашиб, тасмани қаттиқ тортди. Тасма узилиб кетди.

— Чечагинг нимаси!— Унга нима бўлганини билмагандай кўрсатасан ўзингни.

— Мен қаёқдан билай.

Забули иш устида энгашган Арзаканнинг бошига яна бир бор қараб қўйди-да:

— Тамар саккиз ойлик ҳомиладор...— деди.

Арзаканни муз босди. Бир дақиқа юрагида алланарса узилиб кетгандай ҳис қилди ўзини. «Кимдан?» деб сўрамоқчи эди, лекин ўзини тийди.

«Кимдан? Кимдан? Буни сўраб ўтиришнинг кераги бормиди!»

Қўлидан бигизи тушиб кетди. Оёғини чўзиб, бигизни бери сурди, олди, лекин ортиқ ишлолмади.

Бошқа жойга чатиб қўйилган айилни кесиб олди, учини тугди-да, отни кўздан кечирмоқчи бўлиб, чиқиб кетди.

Ҳовлини кесиб ўтиб келаётган Тараш Эмхварини кўриб, Забули Арзакан уни кўриб севинмаса керак, деб ўйлади. Жаму билан Келеш Тарашни қаршилаб югуришди; Тараш уларнинг пешанасидан ўпди, жуда ҳаяжонда бўлса ҳам болалар учун бир неча ширин сўз топиб айтди.

«Қасалхонадан қачон олиб келмоқчисизлар?»— деб энагасини сурштирди. Қўни-қўшнилари аҳволини сўради.

Арзакан хонага кирганида Забули хато кетмаганини тушунди. Тарашни кўриши билан Арзаканнинг ранги қув ўчиб кетди. Кейин қип-қизариб қон қуйилди. Лекин ўзини қўлга олиб, чорпичор, тил учиди:

— Ҳа, сенмисан, Гуча. Қелиб яхши қилибсан,— деди.

Забули дастурхон ёзишга уннай бошлади, лекин Тараш янгитда нопушта қилиб эдим, деб туриб олди.

Арзакан индамасди. Тарашнинг бунда туриши унга малол келмоқда эди. Меҳмонни ўчоқ ёнига ўтказди-ю, кўнглида, тезроқ кета қолса, деб турарди.

Тараш қурум босган ошхонани кўздан кечирди. Шу чоқ кўз ўнгиди юзи чандиқ Жамлет Тарба образи намоён бўлди.

Тараш бу хаёлотни кўз ўнгидан қувди ва гапнинг пўсткалланига кўча қолди:

— Нега келганимни биласанми?— Сўнг бир оз жим тургач, қўшимча қилди:— Вақтни қўлдан бермай, Зугдидига етиб боришим керак, отингни бериб тур.

Арзакан лабини тишлади.

— Цира оқсаёпти. Арабнани миниб ўзим Зугдидига бормоқчи эдим, начора, ола қол!

Тараш ўрнидан турди.

— Ҳозир йўлга тушасанми?— сўради Арзакан ва у ҳам ўрнидан турди.

— Шу топдаёқ.

Иккиси беш минут чамаси байтални эгарлаш билан овора бўлиб уймаланишди. Лекин на униси ва на буниси чурқ этиб сўз очмади. Кейин Арзакан Арабианинг сағрини силаркан.

— Паром бўлмаса нима қиласан?— деди.

— Бир амаллаб ўтаман...

«Менга деса шайтоннинг ёнига ўтмайсанми!» деб ўйлади Арзакан.

Тараш ирғиб эгарга ўтирди-да, отни ҳайдади, Арзакан севимли айғири кетидан маъюс қараб қолди, кейин Тарашни чақирди, бирпас тўхтаб туришни сўраб, уйга кириб кетди. Сўнг қоғозга ўралган бир буюм олиб чиқиб Тарашга узатди.

Тараш салбни таниди.

Арзакан хонага қайтиб кирди.

— Менга қара,— деди у Забулига,— қани, кийин дарров! Қишлоқ советига борадиганман. Йўл-йўлакай ЗАГСга кириб, рўйхатдан ўтамыз.

Забулининг кўзи жиққа ёшга тўлди.

Самолёт ҳавонинг яхшиланишини кутиб, Қахор воҳасидан парвозга кўтарилган қирғийдек, ҳувиллаган ўрмон тепасида бир неча доира ясаб, шарққа қараб йўл олди.

Арзакан Личели билан унинг муовини орқасида ўтирарди. Моторнинг шовқинидан уларнинг нима тўғрида гаплашиб қўяётганларини эшитмасди.

Самолёт тагида лаврзорлар билан қопланган Колхида тепаликлари ястанганди: кейин қанотли машина уларни Сванетия музликлари устидан, қирғоғидан тошиб чиққан Ингур устидан, Урти тоғи тепасидан, Зугдиди атрофлари тепасидан олиб учди... Арзакан кейинги йиллар ичида шунчалар азоб-уқубат чеккан ерлар бир дақиқа ичида орқада қолди.

Кўзни қамаштирадиган алвон булутлар рўбарўдан сузиб келмоқда эди. Шодиёна меҳнатла тўлиқ янги ҳаёт элчиси мисол қуёш шуълаларила нурафшон Картли панорамаси намоён бўлди.

ҚУРБАҚАНИНГ УЛИМИ

Лукая Лабахуа Тараш билан изма-из чиқиб кетди. Эшикка яқинлашганида Цируниянинг кўзи тушиб қолди унга. Кампир девонадан ўтин ёрдириб олмоқчи эди:

— Тўхта, тўхтаб тур! Аввал озгина тамадди қилиб ол, кейин кетаверасан,— деб қичқирди у.

Лекин Лукая шуни яхши билардики, уни овқатга таклиф қилишяптими, демак, унга ё қудуқдан сув ташитишади, ённки бирор юмуш билан бирор ёққа юборишади.

— Ҳеч бўлмаса қачон келишингни айтиб кетгин, яшамангур!— деб қичқирарди липасини қистирган Цируния унинг кетидан югуриб.

— Энди ҳеч келмайман, ҳеч қачон келмайман!— деб жавоб берди Лукая ва қўли билан шимини ушлаб тезроқ югура бошлади.

Аравакашлар ўтказиб олмаганда Ингургача боришга мажолли етмасди. У йўл қураётган усталарни ўтказиб олган моторли қайиқ энди жилмоқчи бўлиб турганида соҳилга етиб келди.

— Худо ҳаққи, мени ўтказиб қўйинглар! Улаётган беморга дори олиб бораман!..— деб ёлворди Лукая.

Ишчилар кулиб юборишди, лекин чолга раҳмлари келиб, дарёдан ўтказиб қўйишди.

Зугдидига етиб қолганда Лукая Шардин Алшибаяга дуч келди. Киласониа деган докторнинг хотини билан келаётган Шардин чолни кўрмаганга солди ўзини. Лекин Лукая бунга эътибор бермай, унинг олдига югурди ва Тамарининг ҳолини сўради.

— Тамар шу бугун кечаси жон берди,— деб бепарволик билан жавоб қилди Алшибая.

Лукаянинг тиззаси букилиб кетди. У ерга ўтириб қолди ва юзи кўзи аралаш бошига ура бошлади.

Кейин оҳиста ўрнидан турди-да, орқасига қайтиб, арава йўли билан собиқ Даданилар тегирмони томонга кетди.

Яқиндагина уруғ сепилган шудгор сув тагида қолган эди. Ўтлоқларда чағалоқлар, мешкопқушлар ва карқаралар уймаланишарди.

Лукая тиззагача сувга ботиб, яланг оёқ халқоб кечар, овозининг борича хотинлардай айтиб йиғларди.

Кейин ернинг захини тортувчи зовурлар унинг йўлини тўсди. Ингурнинг қутуришига барҳам бермоқ учун кўтармалар қурилган эди; зарарли ҳашаротлар бижғиган ботқоқликлар нари сурилиб, ўтиб бўлмас чангалзорлар серунум далаларга айлантирилган эди. Бу йил Ингур ўзига қарши қурилаётган истеҳкомларга сўнгги бор ҳужум қиларди.

Дарё бир неча жойда илгари ёйилиб яйраган жойига интилиб, кўтармани бузган эди. Қуриган халқобларда сув туриб қолиб, қурбақалар яна азалий маконларига келиб олишганди.

Лукая ҳеч кимга дуч келмаслик учун ишчилар бараги ёнидан пушиб ўтди. Дам олиш кунини бўлгани учун бирор зот кўринмасди теварак-атрофда.

Ундан нарисига тоғолчазор чўзилган эди. Энди инсон яшашидан белги берадиган ҳеч нима учрамасди. Чўпонларнинг ҳуштаги ҳам, қушларнинг чириллаши ҳам эшитилмайди ортиқ. Бу ботқоқлик умрбод ҳокимлик қилиш учун бақа ва илонларга бериб қўйилгандек гўё.

Лукая аччиқ изтироб ичида, гунг табиат қучоғида фарёд чекиб югуриб борарди.

Йўлдан адашиб, шошиб қолганида тўсатдан қуюқ кўкат босган чашмага дуч келди. Чангалзор орасига яширинган подачи бола чашмага ташланган қармоқни кузатиб ўтирарди. Хаёлга ботган Лукая балиқчи боланинг олдига келиб қолганини сезмай ҳам қолди. Бирдан қармоқни тортқилаб олган эди, алланарса Лукаянинг оёғи остига, кўкатга келиб тушди. Бола ови томон зинғиллади. Лекин қармоққа балиқ эмас, балки қурбақа илинганини кўриб жаҳли чиқди ва бир тепди.

Лукая энгапди. Мажақланган қурбақа орқа оёқларини қимирлатарди ҳали. Кейин бир оёғи жимиб, фақат иккинчи оёғигина тортиша бошлади.

Девона болани қарғади ва кўз ёшини артиб, йўлга тушди.

Дадияни тегирмонига зўр-базўр етганида қош қорайиб қолган эди. Қўтир босган касал ит кулала тушиб, эшик тагида ётарди.

Дарё қопқоқни оқизиб кетгани учун тарновда сув қуриб, вақир-вуқур қилиб, қулоқни қоматга келтираётган қурбақа босиб кетган эди.

Занжир илинган. Зосима тегирмонда йўқ эди.

Лукая ухлаб ётган ит устидан оҳиста ҳатлаб ўтди. Тўхтаб қолган тегирмонда тиқ ётган товўш эшитилмасди. Лукая ўзини жуда ҳам ёлғиз ҳис қилди.

Зосима қаёққа кетди экан?

Лукая ташлаб кетилган боладек ичикди. Сўниб қолган ўчоқ бошига ўтириб, ўлик тепасида йиғи берган мегрель аёллари мисол бошига уриб, овозининг борича айтиб йиғлай бошлади. У фақат бир сўзни такрорларди:

— Улганимда тепамда йиғларсан, деб ўйлардим-а, шуригэ, аксига юриб сенга мен йиғлаб ўтирибман. Улсам агар менга йиғлайдиган одам ҳам бўлмайди, ўлганимни эшитган кимса кулади.

У қайта-қайта такрорларди шу сўзларни. Кейин чол чарчади, жимиб қолди. Кўз ёшлари ҳам қуриди. Урнидан туриб, эшикни қия очиб, йўлга қаради. Зосима ҳамон кўринмасди.

Теварак-атрофда шоқоллар увларди. Йўлга қоронғилик тушди. Яллиғланган осмонга ботқоқликдан туман кўтариларди.

Лукая тегирмонда бир оз у ёқ-бу ёққа юрди, кейин ўчоқ ёнига уйиб қўйилган, уни бўшатишга қоплар устига ўтирди-да, сувлоқда отлар сув ичсин дея ҳуштак чалган мисол оҳиста ҳуштак чалди.

Ҳуштакни тўхтатиб, қулоқ солди. Кўп ўтмай, қоронғиликдан илон — «ангелозбатони» чиқиб келди.

Илон бошини баланд кўтариб, айри тилини қимирлатиб, сескантириб юборадиган кўзларини милтиллатиб яқинлашмоқда эди. Девонанинг наздида илон, тегирмонга кўздан бери сёқ босмаган меҳмонга қараб, истеҳзоли жилмайгандай бўлди.

Лукая алланималар деб шивирлади. Илон ўрмалаб унинг оёғи тагига келди. Лукая сирганчиқ илонни олиб, тиззасига қўйди.

У афсун ўқиб, эркалаб, шивирлаб илонни авраб ўтирди. Кейин тўсатдан синиқ тирноқлари билан думини қаттиқ чимчилади.

Заҳарли илон бирдан тиккайди ва чолнинг бўғзига, кекирдагига заҳрини солди. Бўғиқ фарёд эшитилди. Лукая Лабахуа жонсарақ бўлиб типирчилади, кўзлари қинидан чиқиб, чақчайиб кетди. Унинг заиф танаси бир неча дақиқа тиришди, кейин оёғи сўнгги бор — балиқчи бола мажақлаган қурбақа оёғидек тортишиб қўйди-да, Лукая Лабахуа бу олам билан абадий видолашди.

Зосима тегирмонга кечаси алла-паллада қайтди. Қорачи-қорачи ёқиб, қоп устида ётган Лукаяга кўзи тушди.

«Ухлаб қолипти»,— деб ўйлади-да, жулдур пўстинини унинг устига ташлаб қўйди.

ИНГУР ОЙНИ ҚАНДАЙ УЎИРЛАДИ

Тараш шошилиб отини ниқтарди. Арабия бир хилда йўртиб борарди. Ингур бўлса ҳали узоқ, сувори эса шошилади, кечикиши мумкин эмас унинг.

Салби топилганига Тамар жуда севинади-да! Нимага қўпроқ севинаркин: салбнинг топилганига ёки Тарашнинг келганига?

Тариэл Шервашидзенинг аччиқланган чеҳраси кўз олдига келди. Зарари йўқ! Шундай имтиҳонлар турганда, эсини еб қўйган бир чолнинг тўнғиллашига парво қилиб ўтирадими?

Унинг қалбида Тамарга бўлган муҳаббат яна оловланди. Утган ёздаги хушбахт, саодатли кунларни... ҳамда вагондаги ўша тунни эслади...

Ҳа, севгилиси билан учрашувни Тараш, гарчи бу ўлим олдидаги соатлари бўлган тақдирда ҳам буюк бир бахтдай кутарди. У Тамарни ташлаб кетмайди: уларнинг ҳаёти бир кунда узилади.

Янгиланишга борадиган йўлини бугун Ингур тўсяпти. Мабодо, умрида бир бор бўлса-да, қисмат Тараш Эмхварига кулиб боқса, у ана шу тўсиқдан ўта олса, ҳаётидаги энг сўнгги ва ориқиб кутган тилагига етган бўлади!

Унинг кўз ўнгида Лукая Лабахуанинг афти намоён бўлди.

Ахир бу даҳшатли хабар билан девона кириб келган дамлар ҳаётининг машғум дақиқаси эмасмиди? Тараш ўзини ўлдирмоқчи бўлиб турмовдими? Ёзишманинг оқилона ҳисобини қаранг-а!

Ажабо! Биринчи кўргандаёқ девона унга ёпишиб олди. Яна шу дудуқ телба қисмат ҳукмини унга етказса Тарашнинг қурол ушлаган қўлини туширишга мажбур этса-я, шу қилтириқ пана.

Тараш ярим йўлга бормасдан айил узилиб кетди.

Энг яқин қишлоқда тўхтаб, эгарчини суриштирди.

Устахона ёпиқ эди, эгарчи уйида ишлар экан. Ёшини яшаб, ошини ошаб қўйган уста игнага пишитилган ипни ўтказиб, қалтироқ қўллари билан узилган айилни ямагунга қадар бир соат вақт ўтди.

— Нега бунча отни қаттиқ қувмасанг?— қизиқсиниб сўради чол.

— Нариги соҳилда онам жон беряпти,— деб ёлғонлади Тараш.

— Онасини деб, тун қоронғисида Ингурни кечиб ўтадиган ўғиллар ҳали ҳам бор эканми?— деб ҳайрон бўлди эгарчи.

Ниҳоят, айил тайёр бўлди. Тараш уста билан хайр-хўшлашди.

Йўлда уч отлиқ дуч келганда, бир соатлик йўл қолган эди.

Тараш олдинда келаётган отлиқ чолга салом бериб, кечикдан ўтиш ҳақида суриштирди.

Булар ачандарлик абхазлар, пойга иштирокчилари экан. Айтишларига қараганда, кечикдан ўтишолмабди. Паромни оқи-зиб кетганини улар ҳам тасдиқлашди.

Тараш отини ниқтади.

— Қаёққа борасан?— деб сўради ундан чол.— Ёки гапимизга ишонмаяпсанми?

— Ишим шундай зарурки, ҳар нима қилиб бўлса ҳам Зугдидига етиб олишим керак.

— Дарёдан кеча кўрма, худо сақласин! Ингур ҳали ҳеч қачон бунчалик қутурмаган. Отаиғ тенги одамман, хўп де, қайт орқангга.

Тараш йўлига равона бўлди. Ёш суворилар кетидан отда қувиб етдилар-да, исми насабини сўрадилар. Унинг Эмхвари эканини билгач эса чол:

— Қўйинглар, у шундай авлодданки, худо таоло ҳам қайтаролмайди,— деди уларга.

Тарашнинг бошидан фақат бир фикр кечарди: «Қисмат ёзмишида мен учун ёрқинликнинг бирор бир учқуни қолган бўлса, шу кеча Ингурдан кечиб ўтаман».

Тараш илоҳий тақдирдан яна бир кунни, бир кунлик ҳаётни юлиб олмоқчи бўларди...

Тамарнинг муҳаббати учун яна бир кун яшаса арзийди.

Апрелда бирор кимса Ингурдан ҳеч сузиб ўтганми, дея хотирлай бошлади.

Вамех Анчабадзе чўкиб кетган, аммо Қац Звамбая бир неча бор Ингурдан сузиб ўтган. Ўтган йили Қац Звамбаянинг у билан Арзаканга ёшлардек ҳайқариб далда бериб турганини эс-лади.

Ҳа, фақат Қац Ингурдан устун келарди. Гванж Апакидзе ҳам, Мачагва Эшба ва Шергил Даднани ҳам фаслга қараб ўтиришмасди.

Тараш болалигида эшитганлари, абжирлиги ва довьюраклиги билан машҳур бўлган чавандозларни хотирлай бошлади: Эрамхут Эмхвари, Зики Шервашидзе, Бондо Чиковани, Теймураз

Бенделуя, Кегва Жваниа... У ўзини анча дадил ҳис қилди-да, отини йўрттириб кетди.

Мана, ўша Ингур!

Тараш дарёга қаради. Дарё ҳозиргина болалари тортиб олинган она йўлбарс мисол дарғазаб ўкириб, Қора денгиз томон ошиқарди.

«Онаизоримни бу дунёдаги дуолари ижобат бўлса, шу бугуноқ нариги соҳилда бўламан»,— деган қарорга келди Тараш.

Эртага у Тамарни кўради. Тамар ҳалок бўлмайди, йўқ, у ҳалок бўлмаслиги керак!

Унинг иродасиз, чалкаш, арзимас ҳаёти бунда, айқирган оқимнинг бу соҳилида қолади. Ниҳоят, унинг фаол ҳаёти бошланади.

Ой ёғдусининг узоқ шуъласи билан ёришган нариги соҳил эса, ерга асло ўхшамасди. У соҳил баҳайбат зумрадга ўхшаб кетарди. Тараш Эмхварини ҳам ўша ёқда худди шундай мусаффо, лажувард келажак кутарди.

Дарё устида ҳайбатли гулдурос ҳукм сурарди: Ингур Эмхварини яккама-яккага чорлаётгандек эди.

Қўққисдан Тарашнинг миясини чўғдек қизиган сўзлар куйдирди: «Ота, ўғил ҳамда муқаддас руҳ номидан лаънатлайман Эмхвариларни! Юз саккизинчи оят лаънатига дучор бўлсинлар! Илло Эмхвари черковдан юз ўгириб, иблисга ён босмишдир».

«Сафсата!— дея фикран қўл силтади Тараш.— Аламзада чолнинг валдираши кимга ҳам таъсир қиларди ҳозир — оламда на худо ва на иблис қолган ҳозирги замонда, тагин?..»

— Сафсата!— деб баланд товушда такрорлади Тараш.

Тақанинг тошга тегиб тақиллагани эшитилди. Маккор Ингур аввалига, худди сувори пойига ипак гилам тўшаган мисол, итоаткорона йўл берди. Дарё тўлқини қайноқ сувдан ҳозиргина чиқариб олинган ипак толалари мисол чайқаларди. Соҳил бўйидаги тўлқинлар гўё олдинда кўзгу мисол ярақлаган, қутуриб ўқираётган тўлқинлар йўқдек майнингина тебранарди.

Тамарнинг осмону денгиздек мовий кўзлари эса шу ойнада чўкиб кетди...

Тараш қамчини силкитди ва қисматнинг суқ қўлларидан ҳаётнинг яна бир кунини юлиб олмоқ бўлиб, отни тўлқинлар бағрига урди.

Ўрталикдаги тўлқинлар баҳайбат елкаларини кўтариб, ўкириб, пишқириб тиккайдилар ва отнинг яғринига урилиб, эгаридан ошиб ўта бошладилар. Сувори узангига оёғини тираб тиккайди-да, овозини борича ҳайқириб, аждаҳолар билан яккама-якка олишишга тушди.

Булултар ой юзини тўсди. Хира тортган кўзгуга бинафша ранг кўланка тушди.

Лойқа тўлқинлар Арабани отқилайди. Гирдоб отни гоҳ ютади, гоҳ отқилайди, паҳмайган шарпалар, Тараш ва оғир нафас олаётган айғир атрофида ўйин тушади.

Қорлар эриб айқирган Ингур, илдизи билан суғурилган да-
рахтларни Сванетиядан оқизиб келаётир. Улар қоп-қора, узун
бўлиб тўлқинда чайқалишади. Арабия эса эгасининг тобути
кегидан сузган от мисол улар кетидан сузиб боради.

Паҳлавонлар ғорида бўрон турган кундагидек чийиллайди,
гулдураш, ҳайқириш қулоқни қоматга келтиради. Тараш кекса
тарбиячисининг, отга далда бериб чухлаган овозини эшитгандек
бўлади.

Бирдан атрофини шундай гулдурос тутдики, динамит портла-
тиб теъаракни ларзага солгандек ва қоялар жарликка қулаган-
дек бўлди. Епирилиб келган тўлқин Тарашнинг юзига шалошлаб
урилди. Қулоғи батанг бўлиб, кўзини очолмай қолган сувори бу
дунёда юрибдими ё аллақачон жаҳаннамга елдими, англолмай
қолди.

От поёни кўринмаган дарёда талпинади: Ингурда узун қора
тобутлар сузади. Тараш қарасаки, тубсиз гирдоб ҳалқумини
очиб, уни шу тобутлар билан бирга зимистон қаърига тортиб
кетаётир...

Яна ой чарақлаб кўринди, кўзгу мисол гирдоб ярқиради.
Арабия сал нафасини ростлади, лекин Ингур яна катта куч би-
лан уни гирдоб қаърига итқитди, кучли тўлқин суворига келиб
урилди.

Тараш бир зумгина атрофга кўз ташлади. Рух қалъаси пар-
чаланган кўзгу сатҳида сузиб кетди ва шахмат тартибида қў-
йилган миноралар тушда вайрон бўлгани қабилида бирдан қу-
лади.

Букчайган истехкомлар баланд кўтарилар ва гулдураб гир-
добга қайтиб тушарди.

Бирдан сувори, оқим, тагидаги отни юлқилаб олиб кетаётган-
ини ҳис қилди. Тараш жон талвасасида жон-жаҳди билан қич-
қирди.

Гўё унинг шу қичқирғига келаётгандай ҳар тарафдан ажла-
ҳолар унга қараб кела бошлади. Бошини кўтаришга имкон
топган чоғида эса Арабиани ортиқ кўрмади...

Кўзгу мисол ёйилган кенгликда ой сузарди. Унинг нур та-
ратаётган зангори гардиши Тарашни мафтун этган эди. Осмон
ҳаммани кўргувчи кўзини гирдобга тушириб юборган эди. Та-
раш Эмхвари қулоқини кенг ёйди-да, ақлидан адашгандек, ой-
ни қувиб сузиб кетди.

Аммо тўлқин чайқалди, ойни кўтариб ташлади-да, кучдан
қолган сузувчининг бағридан юлиб олиб, кўланкалар оламига
олиб қочди.

Тонгда Ингур, қора чохадаги осмонга қараб ётган мурдани
Қора денгиз томон оқизиб борарди.

Сокингина мудраётган денгиз бинафша ранг товланарди.

Ой йўқ эди. Яшил тош устидаги осмонда Колхидда олтин ру-
носи тусидаги ягона булут ярақларди.

МУНДАРИЖА

Биринчи китоб	3
Иккинчи китоб	168
Учинчи китоб	339

Гамсахурдиа Константинэ.

Ойнинг ўғирланиши. Роман. (Русчадан Холида Ахророва тарж.) Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.

Оловли ўтгизинчи йиллар тасвирланган асарлар ора-сида грузин ёзувчиси Константинэ Гамсахурдианинг «Ойнинг ўғирланиши» романи алоҳида ўрин тутди. Ёзувчи бу асарда, туғлиб келаётган янгиликнинг ўлимга маъқум этилган эски дунё билан солибона курашини зўр истеъдод ва катта маҳорат билан тасвирлайди.

Гамсахурдиа Константинэ.
Похищение луны. Роман.

С(Груз.)

На узбекском языке

КОНСТАНТИНЭ ГАМСАХУРДИА

ПОХИЩЕНИЕ ЛУНЫ

Роман

Перевод с издания издательства
«Литература да Хеловнеба», Тбилиси, 1964.

Редактор С. Пудлошева
Расмлар В. Евенко
Расмлар редактори Г. Фролов
Техн. редактор М. Миқосимов
Корректор Ш. Ғиломова

Босмахонага берилди 5/IV-1973 й. Босишга рухсат этилди 9/VIII-73 й. Формати 60×90/16. Босма л. 31,5. Шартли босма л. 31,5. Нашр л. 35,13. Тиражи 15000. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, Навоий кучаси, 30. Шартнома № 205—67.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Полиграфкомбинатида тайёрланган матрицадан Самарқанд шаҳридаги Морозов номи босмахонада № 2 қозога босилди. Самарқанд, Типография кучаси, 4. 1973 йил. Заказ № 4510. Баҳоси 1 с. 13 т.